МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАВКАТ РАҲМАТУЛЛАЕВ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ЛУҒАТИ

II
(араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар)

ТОШКЕНТ
"Университет"
2003

www.ziyouz.com kutubxonasi

Этимологик луғатнинг ушбу жилдида ҳозирги адабий ўзбек тили луғат бойлигидаги 2600дан ортиқ араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар изоҳланди, талқинлар оммабоп йўсинда берилди.

Луғат барча тил шинавандаларига, биринчи галда зиёлиларга, шу жумладан олий ўқув юртлари ва ўрта мактаб ўқитувчиларига, шунингдек талабаларга мўлжалланган.

Ушбу луғутнинг юзага келишида ташаббускор бўлиб, доим қўллаб-қувватлаган ЎзМУ ректори академик Тўрабек Нуъмон ўғли Долимовга чексиз миннатдорчилик билдираман.

Тақризчилар: Неъматулло Иброҳимов — ЎзР Фанлар академиясининг академиги;
Зиёдулла Ҳамилов — филология фанлари номзоди, ЎзМУ умумий тилшунослик кафедрасининг доценти.

"Университет" нашриёти, 2003

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жонажон университетимнинг
85 йиллик тўйига бағишлайман.

КИРИШ

Ҳозирги адабий ўзбек тили луғат бойлигида туркий сўзлар қатлами билан бирга бошқа тиллардан олинган сўзлар қатлами ҳам мавжуд, бу қатлам таркибида арабча сўзлар анчагина. Бундай сўзларнинг ўзбек тили (туркий тил) луғатига кўплаб олиниши ислом дини Ўрта Осиёга кириб келган даврлардан бошланган бўлиб, ўзбек тилига асосан бевосита (араб тилида ёзилган манбалардан) ёки билвосита (форс тилида ёзилган манбалардан) ўтган.

Араб тилининг табиати ҳақида

Маълумки, араб тилида барча сўзлар ўзакдан бошланади; ўзаклар ундош товушлардан (ҳарфлардан) иборат бўлади ва мавҳум маънони ифодалайди. Масалан, **ктб** ундошларидан иборат ўзак 'ёзиш' билан боғлиқ мавҳум маънони ифодалайди.

Бундай ўзаклар асосан феъл ўзаги бўлиб, бошқа туркум ўзаклари жуда оз. Феъл ўзагининг фатҳа, касра, дамма ҳаракатлари киритиб, унли товуш билан таъминланган бош шакли, лексик маъно билан боғлиқликда, ўтган замон III шахс бирлиги маъносини ифодалайди. Масалан, **ктб** ўзаги унлилар билан **катаба** тарзида таъминланса, 'ёзди' маъносини англатади. Ана шундай шаклдаги феъл I боб феъли дейилади ва ундан бошқа боб феъллари ҳосил қилинади. Ҳар бир бобнинг ўз вазни мавжуд бўлиб, улар шартли қабул қилинган фи (ف), айн (ع), лом (ل) ўзак ҳарфлари (товушлари) асосида тузилади: I боб **фаъала** вазнида, II боб **фаъъала** вазнида ва ҳоказо ҳосил қилинади. Бундай боблар ўндан ортиқ бўлиб, айримларида, ўзак ундошларидан ташқари, ноўзак ундош ҳам қатнашади. Ноўзак ундош, шунингдек унлилар асли бир ўзакдан турли лексик-грамматик маъноли сўзлар ҳосил қилишга хизмат қилади. Шу туфайли араб тили луғати ўзаклар асосида

www.ziyouz.com kutubxonasi

тартибланади, бир ўзакдан ҳосил қилинган сўзлар шу ўзакка бағишланган луғат мақолаларида гўё уялаб жойлаштирилади. Хуллас, араб тили вазнлар (форму-лалар) тили бўлиб, грамматик маънолар кўпинча ўзакни турли вазнларда ишлатиш билан ифодаланади.

Араб тили қурилиши ўзбек тили қурилишидан кескин фарқ қилиши туфайли айрим номутаносибликлар вужудга келади. Масалан, арабча феълнинг масдар шакли асли ўзбек тилидаги ҳаракат номига ўхшайди, лекин кўп ҳолларда ўзбек тилидаги отга тўғри келади; арабча феълнинг сифатдош шакли ўзбек тилида феълнинг сифатдош шаклига тенг, лекин кўп ҳолларда ўзбекча сифатга тўғри келади ва ҳ.

Ўзбек тили луғатидаги арабча сўзларга этимологик изоҳ беришда юқорида таъкидлангани каби ҳодиса-ларни ҳисобга олиш лозим бўлди.

Араб тилининг товушлар тизими ҳақида

Арабча сўзлар ўзбек тилига кўпинча айнан олинмай, маълум даражада ўзлаштириб, ўзбеклаштириб, кўп ҳолларда ўзбек тилининг товушлар тизимига мослаштириб олинган.

Маълумки, араб тилида 3та қисқа унли (**а, у, и**) ва 3та чўзиқ унли (**а:, у:, и:**) мавжуд; булардан ўзбек тили унлиларига қисқа унлилар тўғри келади, шунга кўра ўзбек тилига олинган арабча сўзлар таркибидаги қисқа унлилар жиддий ўзгаришга дучор бўлмаган. Ҳозирги адабий ўзбек тили унлилар тизимида чўзиқ унлилар йўқ, шунга кўра араб тилидан олинган сўзлар таркибидаги чўзиқ унлилар одатда қисқа унлиларга алмаштирилади.

Арабча сўзларни ўзлаштиришда улар таркибидаги чўзиқ **ā** унлисининг асосан ўзбекча **â** унлисига алмаш-тирилганини алоҳида таъкидлаш лозим, чунки бу ерда унлини фақат миқдор (чўзиқлик) жиҳатидангина эмас, балки сифат (лабланиш) жиҳатидан ҳам сезиларли ўз-беклаштириш воқе бўлади.

Араб тилининг ундош товушлар тизимидаги бир қанча товушлар ўзбек тилининг ундош товушлар тизи-мида йўқ, шу сабабли бундай арабча ундошлар ўзбек тилидаги энг яқин муқобилига алмаштирилган, баъзан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳатто талаффуз қилинмай қўйган. Охирги ҳолат арабча айн ва ҳамза ундошларига тегишли бўлиб, бу ундошлар қисқа унлини кўрсатувчи қайси ҳаракат (фатҳа, касра, дамма) белгиси билан келса, ўзбек тилида ўша қисқа унлининг ўзи талаффуз қилинади, айн, ҳамза ундошлари эса одатда талаффуз қилинмайди; айн ундоши сукун белгиси билан келганида улар ўрнига кўпинча айириш белгиси (кирилл ёзувида **ъ** белгиси, лотин ёзувида апостроф) қўйилади, баъзан умуман туширилади.

Маълумки, араб тили ундошлар тизимида ўзбек тилининг ундошлар тизимидан фарқли ҳолда ўзаро ички кичик тизимни ташкил этувчи 2та 'т', 3та 'х', 3та 'с', 4та 'з' товушлари мавжуд. Ўзбек тили тарихининг олдинги босқичида араб алифбосидан фойдаланилган, шунга кўра бундай товушлар араб ёзувидаги ҳарфлари билан ифодаланган. Ўзбек тили кирилл, лотин ҳарфлари асосидаги алифболарга ўтганидан кейин бу товушларни ёзувда ифодалаш имконияти йўқолган. Фақат 3та 'х' товушидан хе товуши ҳарф билан таъминланган, икки товушга – ҳойи ҳутти ва ҳойи ҳавваз ундошларига битта ҳарф (кирилл алифбосида **ҳ**, лотин алифбосида **h** ҳарфи) олинган. Бунга маълум асос бор: ўзбек тилида, чуқур тил орқа **х** товушидан ташқари, **ҳ** бўғиз товушини айтиш кўникмаси ҳам мавжуд.

Араб тили ундошларининг бошқа кичик тизимлари учун алифбода уларга ўзбек тилидаги битта энг яқин муқобил товушнинг ҳарфи танланди: 2та 'т' товуши бир ҳарф (кириллда **т**, лотинда **t** ҳарфи) билан, 3та 'с' товуши бир ҳарф (кириллда **с**, лотинда **s** ҳарфи) билан, 4та 'з' товуши бир ҳарф (кириллда **з**, лотинда **z** ҳарфи) билан ёзилди.

Айн, ҳамза ундошлари ҳам, юқорида айтиб ўтилган ички кичик тизимлардаги ҳар бир ундош ҳам араб тилида фонемага тенг: сўзларни товуш жиҳатидан фарқлаш вазифасини бажаради; араб тилини ўрганишда бу ундошлардан ҳар бирини фарқлаб талаффуз қилиш ва ёзувда фарқлаб ёзиш шарт. Лекин ўзбек тили нуқтайи назаридан бу ундошларни фарқлаб талаффуз қилиш талабини қўйиб бўлмайди: бундай арабча товушлар ўзбек тили товушлар тизимида йўқ, демак, ўз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бек бундай товушларни айтиш кўникмасига эга эмас, шунга кўра бу ундошлар ўзбек тилида мавжуд энг яқин муқобилига алмаштириб талаффуз қилинади ва шу товушнинг ҳарфи билан ёзилади. Демак, амалиётда ўзбек ўз она тилининг товушлар тизими асосида талаффуз қилади ва ёзади.

Этимологик луғатда ўзбек тилига олинган арабча сўзларни асли қандай товушлардан таркиб топганини кўрсатиш талаб қилинади, шунга кўра ҳар бир арабча товушни ҳарф билан таъминлаш лозим. Ўзбек тилида амал қилинаётган кирилл алифбосида ҳам, амалиётга жорий қилинаётган лотин алифбосида ҳам бундай имконият йўқ. Яқинда лотин алифбосига тўлиқ ўтилишини ҳисобга олиб ушбу луғатда араб сўзлари таркибида учраган товушлар компьютердаги кенгайтирилган лотин алифбоси имкониятларидан фойдаланиб ифодаланди, зарур ўриндагина кирилл алифбосига мурожаат қилинди.

Луғатда изоҳланган арабча сўзларнинг ҳарфий ифодаси

1. Арабча айн товуши кирилл алифбосидаги **ъ** белгиси билан (**ъayb, ъaql** каби), ҳамза товуши **ь** белгиси билан (**ьavval, muьallif** каби) ифодаланди.

2. Бошқа товушлар лотин ҳарфлари билан ифодаланди:

1) Қуйидаги ҳарфлар ўзбек лотин алифбосидаги вазифасида ишлатилди: **b, d, r, f, q, k, l, m, n, v, y;**

2) Фатҳа, касра, дамма белгилари билан ифодаланган қисқа унлилар **a, i, u** ҳарфлари билан ифодаланди: **ьabadiy, muşkil** каби;

3) Юқоридаги белгиларни алиф, вов, йо ҳарфлари билан биргаликда ёзиб ифодаланган чўзиқ унлилар **ā, ī, ū** ҳарфлари билан ифодаланди: **ъādil, çanūb, karīm** каби;

4) Ўзбек лотин алифбосидаги **sh** ҳарфлар тизмаси ўрнига **ş** ҳарфи, **g'** ҳарфи ўрнига **ġ** ҳарфи, портловчи **j** товуши учун **ç** ҳарфи ишлатилди: **ъişq, ьaġyār, ьavç** каби;

5) Арабча те (ت) товуши **t** ҳарфи билан, итқи (ط) товуши **t** ҳарфи билан ифодаланди: **taълim, ъizzat, bisāt** каби;

www.ziyouz.com kutubxonasi

6) Арабча син (س) товуши **s** ҳарфи билан, се (ث) товуши **š** ҳарфи билан, сад ундоши **ŝ** ҳарфи билан ифодаланди: **salām, ъašar, ъaŝab** каби;

7) Арабча хе (خ) товуши **x** ҳарфи билан, ҳойи ҳавваз (ه) товуши **h** ҳарфи билан, ҳойи ҳутти (ح) товуши **ĥ** ҳарфи билан ифодаланди: **xabar, himmat, rayĥān** каби;

8) Арабча зе (ز) товуши **z** ҳарфи билан, зал (ذ) товуши **ż** ҳарфи билан, изғи (ظ) товуши **ž** ҳарфи билан, дзад (ض) товуши **đ** ҳарфи билан ифодаланди: **ъaziz, żakāvat, ъažamat, đarar** каби.

9) Зарур бўлганида сукун ўрнига тик чизиқ (|) қўйилди: **qur|ān(un) → қуръâн (қуръон)** каби.

Луғат мақоласининг тузилиши

1. Луғат мақолалари икки турли: а) изоҳ мақоласи, б) ҳавола мақоласи. Ҳар икки тур мақоланинг бош сўзи катта ҳарфлар билан ЎТИЛдаги шаклида терилиб, қатъий алифбо тартибида жойланди; бундай сўз таркибидаги икки ёнма-ён товушни кўрсатувчи **ё, ю, я** ҳарфлари ўрнига **йо, йу, йа** ҳарфлари ёзилди (изоҳ мақоласи ичида ҳам шундай йўл тутилди): **адабийот, аҳамийат, афйун** каби.

2. Бош сўздан кейин бу сўзнинг арабча талаффуз (ёзилиш) шакли лотинча ҳарфлар билан кўрсатилди ва қаердан олингани таъкидланди.

3. Шундан кейин бу сўзни ўзбек тилига олиш мобайнида воқе бўлган товуш ўзгаришлари изоҳланди.

4. Кейин бу сўз қандай маънони англатувчи қайси сўздан ҳосил қилинганлиги, қандай ясалганлиги, нимага тенглиги бу фикрларни тасдиқловчи манбани кўрсатган ҳолда таъкидланди.

5. Сўнгра бу сўзнинг араб тилида ва ҳозирги адабий ўзбек тилида қандай маънони англатиши, маънодаги ўзгаришлар, фарқлар айтилди.

6. Охири бу сўздан ўзбек тилида қандай сўз ҳосил қилинган бўлса, шу сўзлар келтирилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛУҒАТ

А

АБАДИЙ Бу арабча сўз **ьabadiyy(un)** шаклига эга (АРС, 21); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ьabadiyy → абадий.** Бу сўз асли 'ёввойи бўлди' маъносини англатувчи **ьabada** феълининг (АРС, 21) 'поёни йўқ бўлди' кўчма маъноси билан ҳосил қилинган **ьabad(un)** масдаридан (УАЯ, 568) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'поёни йўқ', 'мангу' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 21). Ўзбек тилида бу сўздан **абадийлаштир-** феъли ясалган ва бу феълдан **абадийлаштириш** оти (асли ҳаракат номи) ҳам ҳосил қилинган.

АБАДИЙАТ Бу арабча сўз асли **ьabadiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 21); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб, **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ьabadiyyat → абадийат (абадият).** Бу сўз асли 'поёни йўқ бўлди' маъносини англатувчи **ьabada** феълининг (АРС, 21) I боб масдари **ьabad(un)** сўзидан (УАЯ, 568) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), **'абадийлик', 'мангулик'** каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 21).

АБАДУЛАБАД Бу сўз ТжРСга (15) **абадулобод** шаклида киритилган, ЎТИЛга (I, 21) худди шу шаклида кўчиб ўтган. АРСда (21) бу сўз бирикмага тенг **ала абад ал ăбадин** тарзида ёзилган. ПРСда (2) ҳам **ăбăд - ол - абад** тарзида ёзилган. Демак, бу тузма сўзнинг иккинчи қисми **обод** сўзи эмас, балки биринчи қисм бўлиб келган **абад** сўзининг ўзи; шуни эътиборга олиб бу сўзни асли **абадулабад** шаклида ёзиш тўғрироқ. Бу сўз 'ҳамиша', 'ҳамма вақт', 'доимо' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 21).

АБДУВОҲИД қ. **воҳид**
АБДУЖАББОР қ. **жаббор**
АБДУМАННОН қ. **маннон**
АБДУРАЗЗОҚ қ. **раззоқ**
АБДУРАҲМОН қ. **раҳмон**

www.ziyouz.com kutubxonasi

АБДУСАТТОР қ. **саттор**
АБДУҚАҲҲОР қ. **қаҳҳор**
АБДУҚОДИР қ. **қодир**
АБДУҒАНИ қ. **ғани**

АБЛАҲ Бу арабча сўз **ьablahu** шаклига эга (АРС, 85); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ьablahu → аблаҳ.** Бу сўз асли 'аҳмоқ бўлди', 'нодон бўлди' маъносини англатувчи **baliha** феълидан (АРС, 85) ҳосил қилинган сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'аҳмоқ', 'нодон' маъносини англатади; худди шундай маънони англатиши ТжРСда (15) ва ПРСда (4) ҳам айтилган. Ўзбек тилида бу сифат 'аҳмоқ' маъноси билан деярли ишлатилмайди, балки маъно тараққиёти натижасида юзага келган 'қабиҳ', 'разил' маъносини англатиш учун ишлатилади; демак, бу сўз ўзбек тилида янги луғавий мундарижа касб этган. **Аблаҳ** сўзининг худди шу янги маъноси асосида **аблаҳлик, аблаҳларча** сўзлари ҳосил қилинган. ЎТИЛда (I, 22) **аблаҳ, аблаҳлик, аблаҳларча** сўзларини икки маъноли деб изоҳлаш ўринли бўлмаган, чунки бу сўзлар иккинчи деб белгиланган маъноигина англатиш учун хизмат қилади.

АБЛАҲОНА Бу сўз тожик тилида арабча **аблаҳ** сўзидан (қ.) тожикча **-она** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'глупо', 'бестолково' каби маъноларни англатади (ТжРС, 15). Ўзбек тилида **аблаҳ** сўзи 'қабиҳ', 'разил' маъносини англатгани каби **аблаҳона** сўзи ҳам 'қабиҳларча', 'разилларча' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 22); демак, бу сўз ҳам ўзбек тилида янги луғавий мундарижа касб этган.

АВВАЛ Бу арабча сўз **ьavvalu** шаклига эга (АРС, 50); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ьavvalu → аввал.** АРСда **ьavvalu 1** ва **ьavvalu 2** сўзлари келтирилиб, биринчиси от сифатида ('начало'), иккинчиси тартиб сон сифатида ('первый') изоҳланган (АРС, 50), ТжРСда (16), ПРСда (47) **аввал** бир сўз деб қаралиб, биринчи маъноси 'первый' деб, иккинчи маъноси 'начало' деб, учинчи маъноси 'во-первых, сначало' деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатилган. ЎТИЛда ҳам **аввал** бир сўз сифатида берилган, АРСга мос ҳолда биринчи маъноси от деб белгиланиб, 'бошланиш пайти, илк пайт' деб изоҳланган (I, 23), иккинчи, учинчи маъно деб равиш маъноси ажратилган ('илгари', 'бурун'; 'олдин', 'дастлаб'). Ўзбек тилида бу сўз кўмакчи вазифасида келиши ҳам таъкидланган. Кўринадики, асли арабча бўлиб, форс, тожик тили орқали ўзлашган бу сўз ўзбек тилида янги вазифа касб этган. Бундан ташқари, **аввал** сўзидан **аввалги** сифати ҳам ясалган.

АВВАЛАМБОР Бу сўз асли арабча **аввал** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли **аввалан** сўзи билан 'марта' маъносини англатувчи тожикча **бор** сўзидан (ТжРС, 79; ЎТИЛ, I, 131) ўзбек тилида таркиб топган; бу икки сўз бир сўзга яхлитланганидан кейин **б** лаб ундошининг таъсири билан олдидаги **н** тилолди ундоши **м** лаб ундошига алмашган ва шундай товуш ўзгариши адабий талаффуз деб қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 23). **Аввалам бор** сўзи ўзбек тилида **биринчидан** сўзи каби кириш сўз вазифасида келади.

АВВАЛО Бу арабча сўз **ьavvalā** шаклига эга (АРС, 50); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьavvalā → аввалâ (аввало).** АРСда (50) **ьavvalu**[1] сўзидан ҳосил қилинган **ьavvalā** сўзи 'сначало, первым долгом' деб, **ьavvalu**[2] сўзидан ҳосил қилинган **ьavvalā** сўзи эса 'во-первых' деб изоҳланган. ТжРСда (16) **аввало** сўзи изоҳланмай, **аввалан** сўзига ҳавола қилинган. ПРС (47) **ăввăлā** сўзи йўқ, **ăввăлăн** сўзи берилиб, 'во-первых' деб изоҳланган. ЎТИЛда (I, 23) **аввалан** сўзи изоҳланмай, **аввало** сўзига ҳавола қилинган. Демак, тожик тилидан фарқли ҳолда ўзбек тилида бу икки сўздан **аввало** сўзи ишлатилади ва бу равиш сўз асосида ўзбек тилида кириш сўз ҳам юзага келган.

АВЖ Бу арабча от сўз **ьavç(un)** шаклига эга (АРС, 49); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьavç → авж.** Бу сўз асли 'энг юқори нуқта' маъносини англатади (АРС, 49); ЎТИЛда шу маъно асосида юзага келган 'энг кучайган, энг зў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

райган пайт' маъноси қайд қилинган (I, 23). Ўзбек тили луғатида араб тили луғатида акс этмаган маъно — 'куйнинг энг юқори пардаси' ҳам таъкидланган (Бундай маъно ТжРСнинг 17- бетида ҳам қайд этилган). Ўзбек тилида **авж** сўзи асосида 'нақ', 'айни' маъносини англатувчи **авжи** равиши шаклланган, **авж** отидан **-лан** қўшимчаси билан **авжлан-** феъли ҳам ясалган.

АВЖИ *қ.* **авж**

АВЗО Бу арабча сўз **ьavđāъ(un)** шаклига эга (ЎКААҚЛ, 10); асли 'юзага чиқарди' маъносини англатувчи **vađaъa** феълидан (АРС, 895) ҳосил қилинган **vađъ(un)** масдарининг (УАЯ, 568) кўплик шакли бўлиб (АРС, 896), араб тилида учинчи деб келтирилган 'ташқи қиёфа' маъноси билан ўзлаштирилган (ЎТИЛ, I, 23); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, дзад товушини **з** товушига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **ьavđāъ → авзâ (авзо).**

АВЛИЙО Бу арабча сўз **ьavliyāьu** шаклига эга (АРС, 913); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги дамали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьavliyāьu → авлийâ (авлиё).** Бу сўз асли '(кимгадир) яқин бўлди' маъносини англатувчи **valiya** феълининг I боб масдари **valiy(un)** сўзининг (АТГ, 142) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 41), ўзбек тилида араб тилидаги 'яқин' маъноси асосида юзага келган 'башорат қилишга, каромат кўрсатишга қодир' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 24). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **валий** сўзининг кўплик шакли экани уқилмайди. **Валий** сўзидан ташқари, **вали** сўзи ҳам мавжуд; бу арабча сўз 'бошқарди', 'идора қилди' маъносини англатувчи **valiya**[2] феълидан (АРС, 911) ҳосил қилинган бўлиб, 'бошқарувчи', 'идора қилувчи', 'ҳоким' маъносини англатган; ҳозирги ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади. Бу сўз олдидан 'қул' маъносини англатувчи **абд** сўзини (АРС, 494) қўшиб, **Абдували** сўзини атоқли от сифатида ишлатиш нотўғри. Оллонинг бандаси валига (ҳокимга, бошқарувчига) эмас, фақат Ол—

www.ziyouz.com kutubxonasi

лога қул бўлиши мумкин.

АВЛИЙОНАМО Бу сўз ўзбек тилида арабча **авлийо** сўзига (қ.) тожикча 'кўрин-', 'деб ўйла-' каби маънони англатувчи **намудан** феълининг **намо** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 257, 256) қўшиб тузилган бўлиб, 'ўзини авлиё деб ҳис қиладиган', 'ўзини авлиё қилиб кўрсатишга уринадиган' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 24).

АВЛОД Бу арабча сўз **ьavlād(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 910), ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьavlād → авлâд (авлод).** Бу сўз асли 'дунёга келтирди' маъносини англатувчи **valada** феълидан ҳосил қилинган **valad(un)** масдарининг (УАЯ, 568) кўплик шаклига тенг (АТГ, 40). Бу сўз араб тилида 'фарзандлар', 'ўғиллар' маъносини, ўзбек тилида 'бир отадан тарқаган насл, зурриёт', 'қариндош-уруғ' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 24).

АВЛОД-АЖДОД Бу жуфт сўз арабча **авлод** (қ.) ва **аждод** (қ.) сўзларидан таркиб топган бўлиб, 'бир кишининг ота-боболари ва фарзандлари', 'қариндош-уруғлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 24).

АВОМ Бу арабча сўз асли **ъavāmmu** шаклига эга бўлиб (АРС, 537), **ъāmmat(un)** сўзининг (**омма** сўзи мақоласига қаранг) кўплик шаклига тенг (АТГ, 89); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **му** товушларини ташлаб қабул қилинган: **ъavāmmu → авâм (авом).** Бу сўз араб тилида 'оддий халқ' маъносини англатади; ўзбек тилида 'ўқимаган, саводсиз киши' маъносини англатишга ҳам хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 24); кейинги маъно ўзбек тилида **оми** сўзи билан ҳам (қ.) англатилади.

АДАБ Бу арабча сўз **ьadab(un)** шаклига эга (АРС, 28); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьadab → адаб.** Бу сўз асли 'хушмуомала бўлди', 'тарбияли бўлди' маъносини англатувчи **ьaduba** феълининг (АРС, 28) масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'хушмуомалалик', 'тарбия', 'адабиёт' маъноларини англатади; ўзбек тилида 'ўзини тута билиш', 'ахлоқ' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

I, 26). Ўзбек тилида бу сўздан **адабли, адабсиз** сифатлари ясалган.

АДАБИЙ Бу арабча сўз **ьadabīyy(un)** шаклига эга (АРС, 28); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ьadabīyy → адабий.** Бу сўз асли **адаб** масдаридан (қ.) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), араб тилида 'литературный'; 'вежливый', 'культурный', 'моральный' маъноларини англатади (АРС, 28); ўзбек тилида бу сўз 'бадиий адабиётга оид', 'ёзувчи фаолиятига оид'; 'маълум меёрларга асосланган (тил ҳақида)' каби маъноларни англатади. Кўринадики, бу сўз араб тилидан биринчи маъноси билан олинган ва ўзбек тили манбаида янги маънолар кашф қилган (ЎТИЛ, I, 26).

АДАБИЙОТ Бу арабча сўз **ьadabiyyāt(un)** шаклига эга (АРС, 28); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, бир **у** ундошини ташлаб қабул қилинган: **ьadabiyyāt → адабийât (адабиёт).** Бу сўз асли **адаб** сўзидан (қ.) **-iyyāt(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 270), ўзбек тилида 'сўз санъати', 'турли соҳа асарлари' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 26).

АДАБИЙОТШУНОС 'Бадиий адабиёт бўйича мутахассис' маъносини англатувчи бу сўз тожик тилида арабча **адабийот** сўзига (қ.) 'бил-' маъносини англатувчи тожикча **шинохтан** феълининг **шинос** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 457); тожик тилидан фарқли ҳолда бу сўзнинг иккинчи қисмини **-шинос** шаклида эмас, **-шунос** шаклида ёзиш лозим топилган (ТжРС, 18: **адабиётшинос;** ЎТИЛ, I, 26: **адабиётшунос**). Ўзбек тилида бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан соҳа номи ясалган: **адабиётшунослик.**

АДАБЛИ *қ.* **адаб**

АДАБСИЗ *қ.* **адаб**

АДАД бу арабча сўз **ьadad(un)** шаклига эга (АРС, 501); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмаштириб қабул қилинган: **ъadad → адад.** Бу сўз асли 'доналаб санади' маъносини англатувчи **ъadda** феъли — нинг (АРС, 500) масдари бўлиб (УАЯ, 219), араб тилида 'сон', 'цифра', 'номер' маъноларини англатади (АРС, 501); эски ўзбек тилида бу сўз 'сон-саноқ', 'дона' маъноларини англатиш учун ишлатилган, ҳозирги ўзбек тилида 'тираж' маъносини англатиш учун ишлатил — моқда: **Адади 1000 дона** каби (ЎТИЛ, I, 27).

АДИБ Бу арабча сўз **ъadīb(un)** шаклига эга (АРС, 28); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ī** товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъadīb → адиб.** Бу сўз асли 'тарбияли бўлди' маъносини англатувчи **ъaduba** феълидан ҳосил қилинган сифат бўлиб (АТГ, 43), дастлаб 'тарбияли', 'маърифатли' маъносини англатишга хизмат қилган, кейинроқ 'ёзув — чи' маъносини ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 27). Ўз — бек тилида **адиб** сўзидан **-at(un)** муаннас қўшимчаси билан ясалган, охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган **адиба** сўзи ҳам бор, лекин бу сўз 'аёл ёзувчи' маъноси билан деярли ишлатилмайди; аёл кишининг атоқли оти бўлиб келади.

АДИБА *қ.* **адиб**

АДИЛ Бу арабча сўз **ъadil(un)** шаклида эга (АРС, 502); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъadil → адил.** Бу сўз асли 'тўппа-тўғри шаклга эга бўлди' маъносини англатувчи **ъadala** феълидан (АРС, 502) ҳосил қилинган сифат бў — либ (АТГ, 43), ўзбек тилида дастлаб *адил терак* каби бирикмаларда 'тўппа-тўғри ўсган' маъносини англатиб қатнашган; кейинчалик *адил кўча* каби бирикмаларда ҳам ишлатилиб, маънода кенгайиш воқе бўлган; нати — жада бу сўз маъносидаги 'тўппа-тўғри' маъно қирраси сақланиб, 'тик', 'ўс-' маъно қирралари тушиб қолган (ЎТИЛ, I, 27).

АДЛ Бу арабча сўз **ъadl(un)** шаклига эга (АРС, 502); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига ал — маштириб қабул қилинган: **ъadl → адл.** Бу сўз асли 'тўппа-тўғри шаклга эга бўлди' маъносини англатувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

ъadala феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), шу феълнинг 'адолатли бўлди' кўчма маъноси асосида ҳосил қилинган ва 'адолатлилик', 'ҳаққонийлик' маъноси-ни англатувчи отга айланган. **Адл** сўзи ҳозирги ўзбек тилида жуда оз ишлатилади, асосан **адл туриб бер-** бирикмаси таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 27).

АДЛИЙА Бу сўз арабча **ъadl(un)** сўзидан **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 270), ўзбек тилига қўшимча таркибидаги бир **у** ундошини ва **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **ъadliyyat → ад-лийа (адлия)**. Араб тилида 'юстиция' маъносини англатувчи бу сўз ўзбек тилида ҳам шундай маъно билан ишлатилади: *адлия вазирлиги* каби (ЎТИЛ, I, 27).

АДМИРАЛ Бу сўз асли арабча **амир ал-баҳр** бирикмасига тенг бўлиб (АРС, 44), **амир** ('буйруқ берувчи') ва **баҳр** ('денгиз') сўзларидан таркиб топган, 'денгиз ҳукмдори' маъносини англатган; кейинчалик ғарб тилларида бу бирикманинг **баҳр** қисми ташланиб ва биринчи унлидан кейин **д** ундоши киритилиб, **адмирал** шакли ҳосил қилинган (Преображенский, 2); маъно жиҳатидан ҳам ўзгариш юз берган: 'ҳарбий-денгиз қўшинидаги юқори унвон' маъносини англата бошлаган (СИС, 24).

АДО Бу арабча сўз асли **ъadāь(un)** шаклига эга (АРС, 20); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** товуши **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ъadāь → адâ (адо)**. Бу сўз 'тўлади', 'бажарди' каби маъноларни англатувчи **ъadda** феълининг (АРС, 29) масдари бўлиб (АТГ, 145), араб тилида 'тўлаш', 'бажариш' маъносини, ўзбек тилида 'тугаш', 'йўқ бўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 27). **Адо** сўзи ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **адо бўл-** ('туга-'), **адо қил-** ('бажар-') феъллари таркибида келади; аёлларнинг нутқида **адо бўлгур** шаклида кўп учрайди. Бу сўз **адо-ю тамом** жуфт сўзи таркибида ҳам қатнашади. Ушбу жуфт сўзнинг ЎТИЛга (I, 27) **адойи тамом** шаклида (изофали бирикмага айлантириб) киритилгани тўғри эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АДОВАТ Бу арабча сўз **ъадāvat(un)** шаклига эга (АРС, 504); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъадāvat → адâват (адоват).** Бу сўз асли кўпмаъноли **ъадā** феълининг 'душманлик ҳаракатларини қилди' маъносидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 568), 'душманлик', 'хусумат' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 27).

АДОЛАТ Бу арабча сўз **ъадālat(un)** шаклига эга (АРС, 502); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъадālat → адâлат (адолат).** Бу сўз асли 'тўппа-тўғри шаклга эга бўлди' маъносини англатувчи **ъadala** феълидан ҳосил қилинган масдарнинг (УАЯ, 568) муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), шу феълнинг 'адолатли бўлди' кўчма маъноси асосида ҳосил қилинган ва 'ҳаққонийлик' маъносини англатади, одатда **адолат қил-** қўшма сўзи таркибида қатнашади. Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 27). **Адолат** сўзидан ўзбек тилида **адолатли, адолатсиз** сифатлари, бу сифатлардан **адолатлилик, адолатсизлик** мавҳум отлари ясалган.

АДОЛАТПАРВАР Бу сўзнинг биринчи қисми арабча **адолат** сўзига (қ), иккинчи қисми тожикча 'тарбияла-', 'ўстир-' каби маънони англатувчи **парвардан** феъли— нинг (ТжРС, 298) ҳозирги замон асосига тенг бўлиб, 'адолат тарафдори', 'адолат учун курашувчи' каби маънони англатади.

АЖАБ Бу арабча сўз **ъаҷаb(un)** шаклига эга (АРС, 498); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъаҷаb → ажаб.** Бу сўз ас— ли 'ҳайрон бўлди' маъносини англатувчи **ъаҷiba** феъ— лининг масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'тааж— жубланиш', 'ҳайронлик' каби маънони англатади (АРС, 498). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида **ажаб савдолар** каби бирикма таркибида сифат тарзида қатнашади; **ажаб** сўзидан ўзбек тилида **ажабсин- , ажаблан-** феъллари, **ажаблан-** феълининг **ажабланар** сифатдош шаклидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ажабланарли сифати ясалган; **ажаб бўлибди (ажаб бўпти), ажаб қилибди (ажаб қипти)** қўшма феъллари тузилган.

АЖАБЛАНАРЛИ *қ.* **ажаб**

АЖАБО Бу арабча сўз **ъаҷабā** шаклига эга (АРС, 498); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъаҷабā → ажабâ (ажабо).** Бу сўз асли араб тилида **ажаб** сўзига (қ.) таъкид, кучайтириш маъносини ифодаловчи **-ā** юкламасини қўшиб ҳосил қилинган ундов бўлиб (АРС, 498), кучли даражада таажжубланишни ифодалайди (ЎТИЛ, I, 28).

АЖАБТОВУР ЎТИЛда (I, 28) сўзлашув тилига хос деб белгиланган бу сўз асли арабча **ажаб** сўзи (қ.) билан 'сингари', 'тарз' каби маъноларни англатувчи тожикча **тавр** сўзидан (ТжРС, 374; ЎТИЛ, II, 104) тузилган бўлиб, сўзлашув нутқида **тавр** сўзи **товур** тарзида талаффуз қилинган ва шу шаклида ёзиладиган бўлган; бу сўз ўзбек тилида 'бинойидек', 'туппа-тузук' каби маънони англатади: *ажабтовур йигит бўлибди* каби (ЎТИЛ, I, 28).

АЖАЛ Бу арабча сўз **ьаҷал(un)** шаклига эга (АРС, 25); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьаҷал → ажал;** асли 'муддат белгиланди' маъносини англатувчи **ьаҷала** феълининг (АРС, 25) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'орадаги вақт', 'муддат', 'умрнинг охири' маъноларини англатади (АРС, 25); ўзбек тилига охирги маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 28). Изоҳли луғатда бу сўз арабча экани таъкидланмай қолган.

АЖДОД Бу арабча сўз **ьаҷдād(un)** шаклига эга (АРС, 119); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьаҷдād → аждâд (аждод).** Бу сўз асли 'буюк бўлди' маъносини англатувчи **ҷadda** феълидан ҳосил қилиниб, 'бобо' маъносини англатувчи **ҷadd(un)** масдарининг (АТГ, 142) кўплик шаклига тенг (АТГ, 40); ўзбек тилида 'илгари ўтган ота-боболар' маъносини англатади: *аждодлар руҳини шод айлаб* каби (ЎТИЛ, I, 28).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЖИБ Бу арабча сўз **ъаçīb(un)** шаклига эга (АРС, 498); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъаçīb → ажиб.** Бу сўз асли 'ҳайрон бўлди' маъносини англатувчи **ъаçiba** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), ўзбек тилида 'кишини ҳайрон қолдирадиган', 'ғалати' каби маъноларни англатади: *ажиб манзара* каби (ЎТИЛ, I, 28).

АЖИНА *қ.* **жин**

АЖНАБИЙ Бу арабча сўз **ьаçnabiyy(un)** шаклига эга (АРС, 141); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ьаçnabiyy → ажнабий.** Бу сўз асли 'четга суриб қўйди' маъносини англатувчи **çanaba** феълининг **ьаçnab(un)** масдаридан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), араб тилида 'бегона', 'четдан келган', 'ўзга ўлкага мансуб' каби маъноларни англатади (АРС, 141), ўзбек тилига 'ўзга ўлкага мансуб', 'чет эллик' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 29).

АЖОЙИБ Бу арабча сўз **ъаçāьibu** шаклига эга (АРС, 498); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, ҳамзани **й** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ъаçāьibu → ажâйиб (ажойиб).** Бу сўз асли 'ҳайрон бўлди' маъносини англатувчи **ъаçiba** феълидан ясалган **ъаçīb(un)** сифатининг (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шаклининг (АТГ, 29) кўплиги бўлиб (АТГ, 41), ўзбек тилида 'ўзига жалб қиладиган', 'ҳайрон қолдирадиган', 'қизиқарли' каби маъноларни англатади: *ажойиб манзара* каби (ЎТИЛ, I, 29).

АЖОЙИБОТ Бу арабча сўз **ажойиб** сўзидан (қ.) **-āt(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида 'кишини ҳайратга соладиган нарса, воқеалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 29).

АЗА Бу арабча сўз **ьażża** шаклига эга (АРС, 30); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, зал товушини **з** товушига алмаштириб, бир **ż** товушини ташлаб қабул

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган: **ъаżża → аза.** Бу сўз 'азобланди', 'оғриқ ҳис қилди' маъносини англатувчи **ъаżіā** феълининг масдари бўлиб (АРС, 30), араб тилида 'қайғу', 'оғриқ', 'нохушлик' каби маъноларни англатади; ўзбек тилида бу сўз 'аёл-ларнинг марҳум уйида йиғи билан ўтказадиган мотам маросими' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 29).

АЗАДОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **аза** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'яқин кишисининг вафот этгани муносабати билан бир йиллиги ўтгунча мотам тутаётган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 30).

АЗАМАТ Бу арабча сўз **ъаżamaт(un)** шаклига эга (АРС, 524); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** ун-лисига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ъаżamat → азамат.** Бу сўз асли 'буюк бўлди' маъносини англатувчи **ъаżuma** феълидан (АРС, 523) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), ўзбек тилида 'ғоят катта', 'улкан', 'қудратли', 'забардаст' каби белги маъноларини англатади: *азамат ўлка, азамат йи-гит* каби; эркак кишининг атоқли оти бўлиб ҳам келади (ЎТИЛ, I, 30).

АЗИЗ Бу арабча сўз **ъазīz(un)** шаклига эга (АРС, 513); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига , чўзиқ **ī** товушини **и** товушига алмаштириб қабул қи-линган: **ъазīz → азиз.** Бу сўз асли 'буюк, қудратли бўл-ди', 'шон-шуҳратли бўлди' маъноларини англатувчи **ъазza** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'қудратли', 'қадрли', 'камёб' каби маъно-ларни, ўзбек тилида 'қадрли', 'иззат-ҳурматга лойиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 30). Бу сўз эркак ки-шининг атоқли оти бўлиб ҳам келади. Ўзбек тилида **азиза** сўзи ҳам мавжуд бўлиб, бу сўз аёл кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади. **Азиза** сўзи асли **азиз** сўзидан **-ат(ун)** муаннас қўшимчаси билан (АТГ, 29) ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига бу қўшимча-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг **а** қисмини сақлаб, **t** қисмини ташлаб қабул қилинган.

АЗИЗА *қ.* **азиз**

АЗИЙАТ Бу арабча сўз **ъаźīууат(un)** шаклига эга (АРС, 30); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, зал товушини **з** товушига, чўзиқ **ī** товушини **и** товушига алмаштириб, бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъаźīууат → азийат.** Бу сўз асли 'азобланди', 'оғриқ ҳис қилди' маъносини англатувчи **ъаźіā** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 30), 'азоб', 'машаққат', 'қийинчи—лик' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 30). Бу сўз билан **азийат чек-** қўшма феъли тузилган.

АЗИМ Бу арабча сўз **ъаźīm(un)** шаклига эга (АРС, 524); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига, изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ī** унлиси **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъаźīm → азим.** Бу сўз асли 'буюк бўлди' маъносини англатувчи **ъаźuma** феълидан (АРС, 523) ҳосил қилинган сифат бўлиб (АТГ, 43), 'бу—юк', 'улкан' каби маъноларни англатади (АРС, 524; ЎТИЛ, I, 30): *азим дарё, азим шаҳар* каби. Бу сўз эркак кишининг атоқли оти бўлиб ҳам келади.

АЗМ Бу арабча сўз **ъаźm(un)** шаклига эга (АРС, 514); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилин—ган: **ъаźm → азм.** Бу сўз асли 'бирор қарорга келди' маъносини англатувчи **ъаźama** феълининг (АРС, 514) масдари бўлиб (АТГ, 142), 'қатъий қарор' маъносини англатади: *Отамизнинг азми шундай* каби (ЎТИЛ, I, 30). Ўзбек тилида бу сўз билан **азм қил-** феъли тузилган.

АЗОБ Бу арабча сўз **ъаźāb(un)** шаклига эга (АРС, 505); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, зал товушини **з** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъаźāb → азâб (азоб).** Бу сўз асли 'қийнади' маъносини англатувчи **ъаźuba** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'жисмоний ёки руҳий қийналиш' маъносини англатади (АРС, 505; ЎТИЛ, I, 30). Ўзбек тилида бу сўздан **азобла-** феъли

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган; бу сўз билан **азоб-уқубат** жуфт сўзи (қ.) ту—зилган.

АЗОБ-УҚУБАТ Бу жуфт сўз арабча **азоб (қ.)** ва **уқубат (қ.)** сўзларидан ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'турли қийинчиликлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 31).

АЗОН Бу арабча сўз **ьажān(un)** шаклига эга (АРС, 29); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, зал то—вуши **з** товушига, чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига алмашти—риб қабул қилинган: **ьажān → азâн (азон).** Бу сўз асли 'тинглади' маъносини англатувчи **ьажīna** феълининг масдари бўлиб (АТГ, 142), 'намоз ўқишга чақириқ' маъносини англатади (АРС, 29; ЎТИЛ, I, 31); шу маъно асосида 'эрта тонг' маъноси юзага келган, бу сўзнинг ана шу маъносидан **азонлаб, азонда** ('эрталаб барвақт') маъносини англатувчи равишлар ҳосил қилинган.

АЗОНДА қ. **азон**

АЗОНЛАБ қ. **азон**

АЙБ Бу арабча сўз **ъayb(un)** шаклига эга (АРС, 552); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига ал—маштириб қабул қилинган: **ъayb → айб.** Бу сўз асли 'бирор камчилик топиб уришди' маъносини англатувчи **ъaība** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), бош маъносида 'таҳқирлаш'ни англатади (АРС, 552); ўзбек тилига 'камчилик', 'нуқсон' каби маъноси билан ўз—лашган, кейинчалик 'қонун-қоидага хилоф, уятли иш, хатти-ҳаракат' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 31). Ўзбек тилида бу сўз асосида **айбли, айбла- , айб—ланувчи, айбловчи, айбсин-** сўзлари ясалган.

АЙБДОР Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб, арабча **айб** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 541); асли 'айби бор' маъносини англатади; ўзбек тилида ясалган **айбли** сўзига синоним бўлиб, айблилик даражасини кучлироқ ифодалайди (ЎТИЛ, I. 31).

АЙБЛА- қ. **айб**

АЙБЛОВ қ. **айб**

АЙБЛОВЧИ қ. **айб**

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЙБНОМА Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб, арабча **айб** сўзига (қ.) 'хат', 'ҳужжат' каби маъноларни англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 21, 540); ўзбек тилида 'айблов асослаб ёзилган ҳужжат' маъноси билан ҳуқуқшунослик термини сифатида ишлатилади: *Судья айбномани ўқиди* каби (ЎТИЛ, I. 31).

АЙБСИН- қ. **айб**

АЙВОН Бу сўз араб тилида **ьiyvān(un)** шаклли бўлиб (АРС, 52), сўз бошланишидаги касрали ҳамза форс тилида **е** товушига (ПРС, 51), тожик тилида эса **а** товушига (ТжРС, 21) алмаштирилган; ўзбек тилига **а** товушига алмаштирилган шакли қабул қилинган; чўзиқ **ā** унлиси ўзбек тилида **â** унлисига алмаштирилган; **ьiyvān → айвâн (айвон).** Бу сўз араб тилида 'зал', 'галерея' каби маъноларни англатади; форс, тожик тилларига 'галерея' маъноси билан ўзлашган (ПРС, 51; ТжРС, 21); ўзбек тилида эса маҳаллий шароитга мослаб янги маънони – 'уйнинг уч томони девор, олд томони очиқ қисми' маъносини англатишга хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, I, 31).

АЙЙОМ Бу арабча сўз **ьayyām(un)** шаклига эга (АРС, 921); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьayyām → аййâм (айём).** Бу сўз асли 'кун', 'бир кеча-кундуз' маъносини англатувчи арабча **yavm(un)** сўзининг кўплик шакли бўлиб (АРС, 921), бош маъносида 'кунлар' маъносини англатади: *баҳор айёмида = баҳор кунларида* каби. Ўзбек тилида бу сўз кўтаринки услубий бўёққа эга бўлиб, 'муборак кун', 'байрам куни' маъносини англатишга хизмат қилади: *Айёмингиз муборак бўлсин!* каби (ЎТИЛ, I, 31).

АЙЙУҲАННОС Бу арабча сўз 'эй' маъносини ифодаловчи **ьayyuhā** мурожаат ундови (АРС, 51) ва **al** аниқлик артикли билан ишлатилиб, 'одамлар' маъносини англатувчи **nās** сўзидан (АРС, 838) таркиб топган; араб тилининг товуш ўзгариши қоидасига биноан **n** ундоши олдидаги **l** ундоши **n** ундошига, ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

фатҳали ҳамза **а** товушига, биринчи чўзиқ **ā** унлиси **а** унлисига, иккинчи чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига алмашган: **ьayyuhānnās → аййуҳаннâс (айюҳаннос).** Асли 'Эй одамлар' маъносини англатувчи бу сўз ҳозирги ўзбек тилида 'шовқин-сурон', 'дод-фарёд' каби маънони англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 35).

АЙНАН Бу арабча сўз бош маъносида 'кўз' маъносини англатувчи **ьayn(un)** отининг 'худди ўзи' маъноси билан (АРС, 554: **айнун 2.** тот же самый) ҳосил қилинган тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьaynan → айнан.** Бу сўз ўзбек тилида 'ҳеч қандай ўзгаришсиз', 'худди ўзидек' маъносини англатади: *айнан таржима* каби (ЎТИЛ, I, 33).

АЙНИ Бу сўз асли 'худди ўзи' маъносини англатувчи арабча **айн** сўзига (АРС, 554: **айнун 2.** тот же самый) ўзбек тилида III шахс эгалик қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'худди' маъносини англатади: *айни вақтида келиш* каби (ЎТИЛ, I, 33). Ўзбек тилида **айн** сўзи йўқ; **айни** сўзи таркибидаги эгалик қўшимчаси бу сўзнинг ажралмас, доимий қисмига айланган.

АЙНИЙАТ Бу арабча сўз **ьayn(un)** сўзининг 'ҳеч қандай ўзгаришсиз' маъносидан (АРС, 554) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан (АТГ, 370) ясалган мавҳум от бўлиб, ўзбек тилида термин сифатида ишлатилади: *тригонометрик айниятлар* каби (ЎТИЛ, I, 33).

АЙОН Бу арабча сўз **ьayān(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 553), ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьayān → айân (аён).** Бу сўз асли 'ўз кўзи билан кўрди' маъносини англатувчи **ьāyana** феълининг масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида 'очиқ кўриниб турган', 'равшан', 'маълум' каби маъноларни англатади: *Шундай бўлиши олдиндан аён эди* (ЎТИЛ, I, 28).

АЙШ Бу арабча сўз **ьayş(un)** шаклига эга (АРС, 552); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьayş → айш.** Бу сўз 'яшади',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'турмуш кечирди' маъносини англатувчи **ъауşа** феъли — нинг масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'турмуш', 'ноз-неъмат', 'озиқ-овқат' каби маъноларни англатади (АРС, 553); ўзбек тилида бу сўз асосан *айшини сур-* ка — би бирикмалар таркибида 'роҳат-фароғат', 'кайф-сафо', 'майхўрлик' каби маъноларда қатнашади (ЎТИЛ, I, 35). Ўзбек тилида бу сўз билан **айш-ишрат** жуфт сўзи ту — зилган бўлиб, 'давомли кайф-сафо', 'майхўрлик' маъно — сини англатади: *айш-ишратга берил-* каби.

АЙШ-ИШРАТ қ. **айш**

АКБАР қ. **кабир**

АКМАЛ Ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу сўз **akmal(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 700), **комил** аслий сифатининг (қ.) қиёсий даража шаклига тенг (АТГ, 200); асли 'бошқаларга қа — раганда етикроқ, мукаммалроқ' маъносини англатади (ЎКААҚЛ, 15).

АКОБИР қ. **кабир**

АКРАМ қ. **карим**

АКРОМ қ. **карим**

АКС Бу арабча сўз **ъaks(un)** шаклига эга (АРС, 530); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига ал — маштириб қабул қилинган: **ъaks → акс.** Бу сўз асли 'орқа томонига ўгирди' маъносини англатувчи **ъaksa** феълининг (АРС, 530) 'қайтарди' [отражать (свет)] маъносидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'орқа томон' маъносини англатади (АРС, 530); ўзбек тилида шу маънодан ўсиб чиққан 'бирор силлиқ сатҳда кўринган тасвир' от маъносини (*кўзгуда ўз аксини кўриб* каби), шунингдек 'тескари', 'зид' (*акс таъсир, аксига олиб* каби), 'ўжар' (*акс бола* каби) сифат маъноларини англатади. Кўринадики, **акс** сўзи ўзбек тилида янги маъноларни ҳам англатишга хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, I, 36); бундан ташқари, ўз — бек тилида шу сўздан **акслик** мавҳум оти ясалган, **ак — сига** (қ.), **аксинча** (қ.) равишлари ҳосил қилинган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ЎТИЛга киритилган **аксла-** феъли сунъий ясалган сўз экани сезилиб турибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АКСАР Бу арабча сўз **ьакšaru** шаклига эга (АРС, 678); ўзбек тилига се (**š**) товушини **с** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ьакšaru → аксар.** Бу сўз асли 'мўл бўлди' маъносини англатувчи **kašura** феълининг IV боб **ьакšara** шаклидан ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'энг кўп' (сифат) маъносини (АРС, 678), ўзбек тилида эса 'кўпинча' (равиш) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 36). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида жуда оз ишлатилади, бу маъно асосан **кўпинча** сўзи билан англатилади.

АКСАРИЙАТ Бу арабча сўз **ьакšariyyat(un)** шаклига эга (АРС, 678); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, се (**š**) товушини **с** товушига алмаштириб, бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьакšariyyat → аксарийат (аксарият).** Бу сўз асли **ьакšaru** (қ. **аксар**) сифатидан **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'кўпчилик' (от) маъносини англатади: *Аксарият сизни ёқлаб гапирди* каби (ЎТИЛ, I, 36). Ҳозирги ўзбек тилида **аксарият** жуда оз ишлатилади, бу маъно асосан **кўпчилик** сўзи билан англатилади.

АКСИГА Бу сўз **акс** сўзининг (қ.) III шахс эгалик қўшимчаси ва жўналиш келишиги қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида 'исталган-га, кутилганга зид равишда' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, I, 36).

АКСИНЧА Бу сўз **акс** сўзининг (қ.) III шахс эгалик қўшимчаси қўшилган шаклига **-ча** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган равиш бўлиб, 'кутилганга зид ҳолда', 'тескари' маъносини англатади; кейинчалик бу сўз кириш сўз вазифасида ҳам ишлатилган (ЎТИЛ, I, 36). **Аксинча** сўзи таркибидаги **н** товуши — орттирма товуш, ЎТИЛга киритилган **аксича** сўзи бу фикрни тасдиқлайди (I, 37).

АКССАДО Бу сўз арабча **акс** (қ.) ва тожикча **садо** ('товуш') сўзларидан тожик тилида тузилган **акси садо** изофа бирикмасига тенг (ТжРС, 22); ўзбек тилида изофа қўшимчаси ташланиб, бир сўзга яхлитланган; шунга кўра қўшиб ёзиш тўғри, лекин ЎТИЛда (I, 36) ажратиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзилган. **Акссадо** сўзи 'узоқдаги нарсага урилиб қайтиб келган товуш' маъносини англатади (УРС, 28: эхо, от—звук).

АЛАЙКУМ Бу арабча сўз 'тепа' маъносини ифодаловчи **ъalay** предлоги билан (АРС, 536) II шахс кўплик кишилик олмоши **kum** сўзидан (АРС, 698) тузилган бўлиб, асли 'сизнинг тепангизда' маъносини билдиради; ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъalaykum → алайкум.** Бу сўз ўзбек тилида ёлғиз қўлланмайди, **ассалому алайкум** (қ.), **ва алайкум ассалом** (қ.) арабча бирикмалари таркибида ишлатилади.

АЛАЙҲИССАЛОМ Бу арабча сўз улуғлашни ифодалаш мақсадида пайғамбарларнинг исми шарифига қўшиб айтилади. Бу сўзнинг биринчи қисми 'тепа' маъносини ифодаловчи **ъalay** предлоги билан (АРС, 536) III шахс бирлик кишилик олмоши **hu** сўзларидан (УАЯ, 147) тузилган, иккинчи қисми эса **al** аниқлик артикли билан (АРС, 536) **salām** сўзидан (қ.) тузилган; **al** артикли таркибидаги **l** ундоши ўзидан кейинги ундошнинг таъсирида **s** ундошига алмашган; бу сўзнинг ҳар икки қисми ўзбек тилида яхлит талаффуз қилинади ва ёзилади, шу жараёнда **hu** кишилик олмоши таркибидаги **u** унлиси **i** унлисига алмашган: **ъalayhu al salām → ъalayhu assalām → ъalayhissalām → алайҳиссалâм (алайҳиссалом).** Бу сўз асли 'тинч-омон бўлсин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 37).

АЛАМ Бу арабча сўз **ъalam(un)** шаклига эга (АРС, 41); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъalam → алам.** Бу сўз асли 'оғриқ сезди' маъносини англатувчи **ъalama** феълининг масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'оғриқ', 'азоб' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 37). Ўзбек тилида бу сўздан **аламли** сифати ясалган.

АЛАМДИЙДА Бу сўз арабча **алам** отига (қ.) 'кўр-' маъносини англатувчи тожикча **дидан** феълининг **дида** сифатдош шаклини (ТжРС, 128) қўшиб тузилган бўлиб, 'жабр кўрган', 'азоб аламини бошидан кечирган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 37). Бу сўз форс, тожик

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиллари луғатида йўқ, демак, ўзбек тилида тузилган; бу фикрни **дида** сифатдошининг **дийда** тарзида талаффуз қилиб, шу шаклда ёзиб юборилгани ҳам тасдиқлайди.

АЛАМЗАДА Бу сўз арабча **алам** сўзига (қ.) 'ур-', 'зарба бер-' маъносини англатувчи тожикча **задан** феълининг (ТжРС, 148) **зада** сифатдош шаклини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 541), 'жабр-ситам зарбасига дучор бўлгани сабабли ўч олиш пайида юрган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 37).

АЛБАТТА Бу сўз асли **al** аниқлик артикли ва 'кес-', 'бажар-' каби маъноларни англатувчи **batta** феълининг **batt(un)** масдаридан **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган **battat(un)** шаклидан (АРС, 55) тузилган; ўзбек тилига муаннас қўшимчасининг **a** қисми сақланиб, **t** қисми ташланиб қабул қилинган: **al battat → албатта.** Бу сўз араб тилида 'қатъий', 'кескин' каби маънони (АРС, 55) англатади; тожик, ўзбек тилларида бу сўз 'шак-шубҳасиз', 'сўзсиз' каби маъноларни англатишга хизмат қилади (ТжРС, 23; ЎТИЛ, I, 39).

АЛВИДО Бу арабча сўз **al** аниқлик артикли билан (АРС, 39) **vidāъ(un)** сўзидан (АРС, 880) таркиб топган бўлиб, ўзбек тилига бу икки қисмни яхлитлаб, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **al vidāъ → алвидâ (алвидо).** Ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **видо** сўзи асли 'хайрлашди' маъносини англатувчи **vadaъa** феълидан ҳосил қилинган **vadaъ(un)** масдарининг (АТГ, 142) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), араб тилида 'хайрлашув' маъносини англатади. **Алвидо** сўзи эса араб тилида 'кўришгунча' маъносини англатади (АРС, 880); ўзбек тилида бу сўз 'абадий хайр!' маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 39).

АЛВОН Бу арабча сўз **ьalvān(un)** шаклига эга (АРС, 735); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **a** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьalvān → алвâн (алвон).** Бу сўз 'бўяди', 'ранг берди' маъносини англатувчи **lavana** феълининг **lavn(un)** масдаридан (АТГ, 142) ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АТГ, 40), асли 'ранг-туслар' маъносини англатади; ўзбек тилида бу сўз кўчма маънода ишлатилиб, 'қизил тусли', 'қип-қизил' (сифат) маъносини, 'қизил тусли мато' (от) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 39).

АЛИК Бу арабча сўз 'тепа' маъносини ифодаловчи **ъalay** предлоги билан (АРС, 536) II шахс бирлигининг қўшиб ёзиладиган **-к** кишилик олмошидан (АТГ, 66) тузилган бўлиб, ўзбек тили сўзлашув нутқида иккинчи бўғиндаги **ай** товушлари **и** унлисига алмаштириб талаффуз қилинган ва адабий тилга шу шаклида олинган. Бу сўз асли 'тепангда' маъносини билдириб, ўзбек тилида 'салом беришга жавобан айтиладиган сўз' маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 40).

АЛИФБЕ *қ.* **алифбо**

АЛИФБО Бу сўз араб тилида алиф ва бā ҳарфларининг номидан таркиб топган бўлиб, **ъalifbāь(un)** шаклига эга (АРС, 40); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ъalifbāь → алифбâ (алифбо).** Бу сўз араб тилида 'алфавит' маъносини англатади; ўзбек тилида ҳам шундай маънони англатишга хизмат қилади. Ўзбек тилида **алифбе** сўзи ҳам мавжуд; бу сўз таркибидаги иккинчи қисмнинг **бе** деб айтилиши бу сўз ўзбек тилида тузилганини кўрсатади. Ҳозирги ўзбек тилида **алифбо** сўзи 'ҳарф ва белгиларнинг маълум тартибда жойлашган тизими' маъносини, **алифбе** сўзи эса 'ҳарф ўргатиш китоби' маъносини англатиш учун ишлатилмоқда.

АЛЛОМА Бу арабча сўз **ъallāmat(un)** шаклига эга (АРС, 534); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъallāmat → аллâма (аллома).** Бу сўз асли 'олим' маъносини англатувчи **ъallām(un)** отига (УАЯ, 499) кучайтириш маъносини ифодаловчи **-at(un)** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (УАЯ, 500), 'забардаст олим' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 41). **Аллом** сўзи ўзбек тилида эркак

www.ziyouz.com kutubxonasi

кишининг атоқли оти сифатидагина баъзан ишлатилади: **Алломхон** каби.

АЛМИСОҚ: Бу сўз ўзбек тилида **алмисоқдан бери (буён), алмисоқдан қолган** иборалари таркибида қат— нашиб, 'қадимдан' маъносини англатади. Бу сўз арабча **al** аниқлик артикли ва **Муса** пайғамбар номидан ту— зилган бўлиб, сўзлашув нутқида бу икки қисм яхлит талаффуз қилинади, охирига **қ** товуши қўшилади, шу **қ** товуши таъсири билан унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашади; адабий тилга шундай талаффуз шаклида олинган (ЎТИЛ, I, 41).

АЛОМАТ Бу арабча сўз **ъалāmat(un)** шаклига эга (АРС, 534); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** то— вушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъалāmat → алâмат (аломат).** Бу сўз асли 'белги қўйди', 'белгили қилди' маъносини англа— тувчи **ъалама** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'белги', 'рамз'; 'бирор жиҳати, белгиси билан аж— ралиб турувчи' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 41).

АЛОҚА Бу арабча сўз **ъалāqat(un)** шаклига эга (АРС, 532); асли **ъаliqa** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'боғланиш', 'муносабат' маъносини англатади (АРС, 532; ЎТИЛ, I, 42). Бу сўз ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъалāqat → алâқа (алоқа).** Бу сўздан ўзбек тилида **-чи** қўшимчаси билан **алоқачи** сўзи ясалиб, 'алоқа бўлими ходими', 'армияда алоқа хизматчиси' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 42).

АЛОҚАДОР Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб (ТжРС, 23), арабча **алоқа** (қ.) сўзига 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб тузилган; 'тегишли', 'дахлдор', 'алоқаси бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 42).

АЛОҚАЧИ қ. **алоқа**

АЛҲАЗАР Бу сўз ўзбек тилида арабча **al** аниқлик артиклини **ҳазар** сўзига (қ.) бирлаштириб тузилган бў—

www.ziyo22.com kutubxonasi

либ, 'Худо сақласин', 'кўргулиқ қилмасин', 'тескари қилсин' каби маънони ифодалайди (ЎТИЛ, I, 43).

АЛҲАМДУЛИЛЛО(Ҳ) Бу арабча сўз **al** аниқлик артикли, **ħamd(un)** сўзи, яна **al** аниқлик артикли ва **allah** сўзларидан таркиб топган бўлиб, **alħamdulillah** шаклига эга (АРС, 194); ўзбек тилига ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **h** ундошини ташлаб, шу ундошдан олдинги **a** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **alħamdulillah → алҳамдулиллâ (алҳамдулилло).** Бу сўз таркибидаги **ħamd(un)** сўзи 'мақтади', 'миннатдорчилик билдирди' маъносини англатувчи **ħamida** феълининг (АРС, 194) масдари бўлиб (АТГ, 142), 'мақтов', 'миннатдорчилик' маъносини англатади; демак, **алҳамдулилло** сўзи асли 'Оллога мақтов, миннатдорчилик' маъносини англатади, ЎТИЛда (I, 43) бу сўз 'Оллога шукур' маъносини англатиши таъкидланган. Ўзбек тилида **ħamida** феълидан ҳосил қилинган **ħamīd(un), ħāmid(un), maħmūd(un), maħmūdat(un), muħammad(un), ьaħmadu** сўзлари атоқли от сифатида ишлатилади. Бу сўзларнинг барчасида ҳойи ҳутти товуши **ҳ** товушига алмаштирилган: 1) **ħamīd(un)** сўзи 'мақтовга лойиқ' маъносини англатувчи сифат бўлиб (АТГ, 43), таркибидаги чўзиқ **ī** унлиси қисқа унлига алмаштириб қабул қилинган: **ҳамӣд → ҳамид;** 2) **ħāmid(un)** сўзи 'мақтовчи', 'миннатдорлик билдирувчи' маъносини англатади, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ҳāмид → ҳâмид (ҳомид);** 3) **maħmūd(un)** сўзи **ħamida** феълидан ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'мақталган' маъносини англатади; 4) **maħmudat(un)** сўзи **maħmūd(un)** сўзининг **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади; бу сўз ўзбек тилига охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **маҳмудат → маҳмуда;** 5) **muħammad(un)** сўзи **ħamida** феълидан ҳосил қилинган II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'мақтовга лойиқ' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади; 6) **ahmadu** сўзи **hamida** феълидан ҳосил қилинган **hamīd(un)** сифатининг орттирма даража шакли бўлиб (АТГ, 43, 200), ўзбек тилига сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **аҳмаду → аҳмад,** 'ўта даражада мақтовга лойиқ' маъносини англатади.

АМАКИ Бу сўз арабча 'отанинг акаси' маъносини англатувчи **ъamm(un)** сўзи (АРС, 538) бошланишидаги фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб, охиридаги бир **м** товушини ташлаб, сўнгра тожикча 'иззат-ҳурмат' маъносини ифодаловчи **-ак** қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган тожикча **амак** сўзига (ТжРС, 24) ўзбек тилида **и** қўшиш билан юзага келган бўлиб, 'отанинг акаси ёки укаси (жиянга нисбатан)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 43). Сўз охирига **и** товушининг қўшилиши бу сўзни қўшма деб тушуниб, иккинчи қисмини **ака** сўзига боғлаш натижасида содир бўлгандир (**амака → амаки**).

АМАЛ Бу арабча сўз **ъamal(un)** шаклига эга (АРС, 542); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъamal → амал.** Бу сўз асли 'ишлади', 'фаолият кўрсатди' маъносини англатувчи кўпмаъноли **ъamala** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'иш', 'фаолият' каби маъноларни англатади (АРС, 541; ЎТИЛ, I, 43). Ўзбек тилида **амал** сўзи 'мансаб', 'илож' каби турли маъноларни англатишга ҳам хизмат қилдирилган, демак, ўзбеклаштирилган. **Амал** сўзидан ўзбек тилида **амалла-** феъли ва бу феълнинг равишдош шакли асосида **амаллаб** равиши ҳосил қилинган.

АМАЛДОР Бу сўз арабча **амал** сўзига (қ.) тожик тилида 'эга бўл-' маъносини англатувчи **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мансабдор', 'юқори ловозим эгаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 43).

АМАЛИЙ Бу арабча сўз **ъamaliyy(un)** шаклига эга (АРС, 542); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ъamaliyy → амалий.** Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўз асли **амал(ун)** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'амалиётда воқе бўладиган', 'амалиётга татбиқ қилинадиган' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 43).

АМАЛИЙОТ Бу арабча сўз **ъamaliyyāt(un)** шаклига эга (АРС, 542); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъamaliyyāt → амалиîât (амалиёт).** Бу сўз асли **амал(ун)** сўзининг (қ.) муаннас шакли **амалийат(ун)** сўзи (АРС, 542) таркиби—даги **-at(un)** қўшимчасини **-āt(ун)** кўплик қўшимчасига алмаштириб ҳосил қилинган бўлиб (АТГ, 39), 'кундалик амалий ишлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 43).

АМАЛИЙОТЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **амалийот** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган шахс оти бўлиб, 'назарияни менсимай, амалиётнигина тан оладиган' каби салбий маънони англатади (ЎТИЛ, I, 43).

АМАЛЛА- Бу сўз ўзбек тилида **амал** сўзидан (қ.) **-ла** қўшимчаси билан ясалган, 'иложини қил-, мушкул аҳ—волдан қутулиш йўлини топ-' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 44). Ўзбек тилида бу сўзнинг **амаллаб** равишдош шакли 'бир иложини қилиб', 'зўрға-зўрға' каби маъноларни англатувчи алоҳида сўзга айланган.

АМАЛЛАБ қ. **амалла-**

АМАЛПАРАСТ Бу сўз арабча **амал** сўзига (қ.) то—жик тилида 'эгил-', 'эъзозла-' маъносини англатувчи **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'амални жон-жаҳди билан яхши кўрадиган', 'амал кетидан қувадиган' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 44).

АМИН Бу арабча сўз **ъamīn(un)** шаклига эга (АРС, 45); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган. **ъamīn → амин.** Бу сўз асли 'содиқ бўлди', 'ишончли бўлди' каби маъноларни англатувчи **ъamuna** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'содиқ', 'ишончли' каби сифат маъносини англатади (АРС, 45); ўзбек тилида бу сўз сифатловчи вазифасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлатилмайди, балки кесим бўлиб келади ва шу муно-сабат билан янги маъно — 'ишончга эга', 'имони комил' каби маънони англатувчи кесимлик сўзига (предикативга) айланган (ЎТИЛ, I, 44). Ҳозирги ўзбек тилида **амин** сўзи 'содиқ' 'ишончли' маъноси билан эркак кишининг, шу сўзнинг муаннас шакли **амина** сўзи эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. **Амина** сўзини **Омина** тарзида ёзиш хато.

АМИНА қ. **амин**

АМИР Бу арабча сўз **ъамīр(un)** шаклига эга (АРС, 44); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъамīр → амир.** Бу сўз асли 'буйруқ берди' маъносини англатувчи **ъамара** феълидан ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'буйруқ берувчи' маъносини англатади (АРС, 44); кейинчалик 'ҳукмдор' маъноси юзага келган (*Бухоро амири* каби). Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз баъзан эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади: **Амир** (ЎТИЛ, I, 44). Бу сўз **адмирал** (қ.) сўзи таркибида ҳам қатнашган.

АМИРИ Бу сўз арабча **амир (қ.)** сўзидан тожикча **-ӣ** (йойи нисбат) қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542), кейинчалик қовун навларидан бирига ном сифатида бириктирилган (ТжРС, 25; ЎТИЛ, I, 44); ўзбек тилида бу сўз билан узум навларидан бири ҳам аталa бошлаган (Ўша бетда).

АММА Бу сўз 'отанинг акаси' маъносини англатувчи арабча **ъамм(un)** сўзига **-at(un)** муаннас қўшимчасини (АТГ, 29) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, **ъаммат(un)** шаклига эга (АРС, 538); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъаммат → амма.** Бу сўз 'отанинг опаси ёки синглиси (жиянга нисбатан)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 44).

АМР I Бу арабча сўз **ъамр(un)** шаклига эга (АРС, 43); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъамр → амр.** Бу сўз асли 'буйруқ берди' маъносини англатувчи **ъамара** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'буйруқ', 'фармон' каби маънони англатади (АРС, 43; ЎТИЛ, I, 45). Бу сўз асо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сида эски ўзбек тилида **амр бер-** қўшма феъли, **амр-фармон** жуфт оти тузилган; ҳозирги ўзбек тилида **амр** сўзи ҳам, **амр бер-** , **амр-фармон** сўзлари ҳам деярли ишлатилмайди, бу сўзлардан тарихни тасвирлашда фойдаланилади.

АМР II Бу арабча сўз **ъamr(un)** шаклига эга (АРС, 43). Бу сўз — **амр I** ('буйруқ') сўзига шаклдош (омоним); ўзбек тилига **амри маҳол** ('амалга ошиши қийин иш'), **амри маъруф** ('диний ўгит') каби тожикча бирикмалар таркибида ўтган бўлиб, 'иш', 'амал' маъноси билан қатнашган (ЎТИЛ, I, 45).

АНБИЙО Бу арабча сўз **ъanbiyāъu** шаклига эга бўлиб (АРС, 779), ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **â** товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги даммали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ъanbiyāъu → анбийо (анбиё).** Бу сўз асли **наби** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АРС, 779), ўзбек тилида кўплик маъносини ифодалаши уқилмайди, шунга кўра кўплик маъносини ифодалаш учун **-лар** қўшимчаси қўшилади: **анбиёлар** каби (ЎТИЛ, I, 46).

АНВАР қ. **нур**

АНДАЛИБ Шеъриятда кенг ишлатилиб, 'булбул' маъносини англатувчи бу арабча сўз **andalīb(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 544), ҳозирги ўзбек тилида унинг таркибидаги чўзиқ **ī** унлиси **и** унлиси тарзида талаффуз қилинади (ЎТИЛ, I, 47). Бу от сўз араб тили луғатига мустақил равишда, бирор ўзакка боғланмаган ҳолда киритилган, шу сабабли изоҳлаш имконияти йўқ; тўрт ўзак ундошли эканига қараганда арабий сўз эмас, балки эроний сўз бўлса керак.

АНЪАНА Бу арабча сўз **ъanъanat(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 544), ўзбек тилига фатҳали айн товушла-рини **а** унлиларига алмаштириб ва иккинчи унлидан олдин **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъanъanat → анъана.** Бу сўз асли 'бир-бирига узатди', 'ўз насл-насаби ҳақида гапирди' каби маъноларни англатувчи **ъanъana** феъли-нинг (АРС, 544) I боб масдари бўлиб (АТГ, 339), араб тилида 'ўз насл-насаби билан фахрланиш' маъносини,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек тилида эса 'узоқ ўтмишдан бери давом этиб келаётган расм-русум, одатлар' маъносини англатади (АРС, 544; ЎТИЛ, I, 49).

АНЪАНАВИЙ Бу сўз **анъана** сўзидан (қ.) **-вий** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'узоқ вақтлардан бери давом этиб келаётган', 'одат тусига кириб қолган' каби маънони англатади (ТжРС, 28; ЎТИЛ, I, 49).

АНҚО Бу арабча сўз **ъanqāu** шаклига эга бўлиб (АРС, 545), ўзбек тилига фатҳали айнни **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ъanqāu → анқâ (анқо);** 'узун бўйинли' маъносини англатувчи **ьаънaqu** аслий сифатининг муаннас шаклига тенг (АТГ, 43). Йўқ бўлиб кетган, афсонавий қушнинг номи бўлмиш бу сўз ўзбек тилида **анқонинг тухуми, анқонинг уруғи** бирикмалари таркибида қатнашади; бу бирикмалар 'топилмайдиган нарса' маъносини англатади. Бу сўз **анқога шафе** бирикмаси таркибида ҳам ишлатилади ва бу бирикма ҳам юқоридаги каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 49). **Шафе** сўзи (ЎТИЛ, II, 402) арабча бўлиб, 'ёнини олди', 'ҳомийлик қилди' маъносини англатувчи **şafaъa** феълидан (АРС, 409) ҳосил қилинган аслий сифатга тенг (АРС, 409; АТГ, 43). Ўзбек тилида **şafaъa** феълидан ҳосил қилинган I боб масдарининг муаннас шакли **şafāъat(un)** сўзи ҳам (АРС, 410) мавжуд бўлиб, аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади; бу сўз асли 'ҳомийлик қилиш', 'қўллаб-қувватлаш' маъносини англатади (АРС, 410; ЎТИЛ, II, 402).

АНҲОР Бу арабча сўз **ьanhār** шаклига эга бўлиб, араб тилида 'дарё' маъносини англатувчи **nahr** сўзининг кўплик шаклига тенг (АРС, 833); АТГ, 40). Ўзбек тилида **наҳр** сўзи мустақил ишлатилмайди, шу сабабли **анҳор** сўзи **наҳр** сўзининг кўплик шакли экани уқилмайди, балки 'катта оқар сув' маъносини англатувчи алоҳида сўз деб тушунилади (ЎТИЛ, I, 50). **Наҳр** сўзи асли 'тез оқади' маъносини англатувчи **nahara** феълининг I боб масдарига тенг (АРС, 833).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АРАВА Бу сўз ЎТИЛда (I, 50) арабча деб белгилан— ган; аслида эса эроний сўз бўлиб, ТжРСда (30) **ароба** шаклида келтирилган, ПРСда (13) **ärабе** шаклида бери— либ, алиф ҳарфи билан бошлаб ёзилган; ТжРСда ик— кинчи бўғин унлиси лаблашган унли сифатида ёзилган. АРСда (506) бу сўз айн ҳарфи билан бошланган, ик— кинчи бўғин унлиси лабланмаган қисқа унли сифатида ёзилган. ПРСда бу сўздан ясалган **ärабечи** сўзи кел— тирилиб, 'извошчик' маъносини англатиши айтилган. Бу сўз форс тилида туркий **-чи** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, шу тилдан араб тилига ўзлашганлиги АРСдаги **ъarbaçiyy(un)** сўзидан очиқ кўриниб турибди: араб ти— лида **с (ч)** товуши йўқлиги сабабли бу товуш **ç** товушига алмаштирилган. **Ароба** сўзи асли эроний сўз экани АРСдаги (ўша бетда) **ъarbaxānat(un)** сўзида яна ҳам очиқ кўринади: бу сўз эроний **хона** сўзи билан тузил— ган. **Ароба** сўзининг ТжРСда **а** ҳарфи билан, ПРСда алиф ҳарфи билан, АРСда эса айн ҳарфи билан бошлаб ёзилгани ҳам ажабланарли. АРСда **ароба** сўзи тарки— бидаги иккинчи унли **арбачи, арбахона** сўзларида ташланган, лекин **арабатун** сўзида сақланган. Араб ти— лида **араба** сўзидан фақат икки сўз, шунда ҳам туркий қўшимча ва форсий сўз билан ясалган; тожик тилида эса **ароба** сўзи билан саккиз сўз ясалган ёки тузилган. Бу ҳолат ҳам **ароба** сўзининг эроний сўз эканини тас— диқлайди. Демак, **ароба** сўзи тожикча бўлиб, тарихан ўзбек тилида худди шу шаклида ишлатилган, ҳозирги ўзбек тилида бу сўз сўзлашув нутқидаги шаклида — иккинчи бўғиндаги лабланган унлини лабланмаган ун— лига, **б** ундошини **в** ундошига алмаштириб ишлатилади: **ароба → арава.** Бу сўз 'от-улов билан ҳаракатга келти— риладиган транспорт воситаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 50). Эски ўзбек тилида **ароба** сўзидан тожик тилида ясалган **аробакаш, аробасоз** сўзлари ҳам ишла— тилган; ҳозирги тилда **аравакаш, аравасоз** шаклида ишлатилади. Ҳозирги ўзбек тилида **арава** сўзидан **-ча** қўшимчаси билан ясалган **аравача** сўзи ишлатилади (**коляска** сўзи англатган маънони билдиради).

АРАЗ Бу сўз арабча кўпмаъноли **ъarađa** феълининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 508) 'терсга ўгирилди', 'дуч келишни истамади' маъносидан ҳосил қилинган **ъарағ(un)** масдари бўлиб (УАЯ, 568), ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** то— вушига, дзад товушини **з** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъарағ → араз.** Бу сўз ўзбек тилида 'гина-кудурат сақлаб гаплашмай юриш ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 51). Бу сўздан ўзбек тилида **аразчи** оти, **аразла- , аразлаш-** феъллари ясалган.

АРАЗЛА- , АРАЗЛАШ- қ. **араз**

АРАЗЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **араз** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'бўлар-бўлмасга аразлайверадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 51).

АРАСОТ Бу арабча сўз **ъарашāт(un)** шаклига эга (АРС, 508); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, сад товушини **с** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъарашāт → арасâт (арасот).** Бу сўз **ъарша** сўзининг кўплик шакли бўлиб (АРС, 508), араб тилида 'майдон', 'ҳовли' маъноларини англатади (ўша бет), ўзбек ва тожик тилларида бу сўз 'қиёмат бўлганда барча вафот этганлар тирилиб тўпланадиган қўрқинчли дашт' каби диний мундарижани англатади; кейинчалик шу маъно асосида 'шовқин-сурон', 'тўс-тўпалон' маъноси ўсиб чиққан (ЎТИЛ, I, 51; ТжРС, 29). Кейинги маъно асосида ўзбек тилида **арасот** сўзи сўзлашув нутқида **аросат** тарзида талаффуз қилинади (ЎТИЛ, I, 54).

АРАФА Бу арабча сўз асли **ъарафат(un)** шаклига эга (АРС, 510); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** то— вушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъарафат → арафа.** Бу сўз тоғнинг номи бўлиб, ҳаж қилувчилар зулҳижрий ойининг 9- кунини шу тоғда ўтказадилар, шу кун **Арафа куни** деб юрити— лади (АРС, 510). Кейинчалик **Арафа** сўзи турдош отга айланиб, 'ҳайит олдидаги кун' маъносини англата бош— лаган, ҳозир эса маънода кенгайиш воқе бўлиб, 'йирик расмий маросимлар олдидаги кун' маъносини англата— диган бўлган (ЎТИЛ, I, 51).

АРАФОТ Бу арабча сўз **ъарафāт(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 510); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъарафāт → арафâт (арафот);** асли **ъарафа** феълидан ясалган ўрин отининг (УАЯ, 239) **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), бу сўз Макканинг шарқ томонидаги тепаликларнинг номи сифатида ишлатилади (АРС, 510).

АРАҚ Бу арабча сўз **ъараq(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 511), ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъараq → арақ.** Бу сўз асли 'тер чиқарди' маъносини англатувчи **ъараqа** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида асли 'тер' маъносини англатади; кейинчалик 'ўткир спиртли ичимлик' маъносини ҳам англата бошлаган (АРС, 511). Ўзбек тилига кейинги кўчма маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 51). ПРСда (344) бу сўз уч маъноли деб изоҳланган: 1) пот, 2) водка, 3) отгон, дистиллянт. Кўриниб турибдики, асли 'тер' маносини англатувчи сўз 'ҳайдаш йўли билан тозаланган сув' маъносини, кейинчалик 'ўткир спиртли ичимлик маъносини ҳам англатишга хизмат қилдирилган.

АРАҚХЎР Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб, **арақ** сўзига (қ.) тожикча 'еб-ич-' маъносини англатувчи **хўрдан** феълининг **хўр** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 29); ҳар икки тилда 'спиртли ичимликларни муттасил меъёрдан ортиқ ичадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 51).

АРБОБ Бу арабча сўз **ъарбāб(un)** шаклига эга (АРС, 281); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъарбāб → арбâб (арбоб).** Бу сўз асли 'боқди', 'тарбия лади' маъносини англатувчи **rabba** феълидан ҳосил қилинган **rabb(un)** масдарининг кўплик шакли бўлиб (АРС, 281), асли 'тарбияловчилар' маъносини англатади. Ўзбек тилида бу сўз **rabb** сўзининг кўплик шакли экани уқилмайди, 'бирор соҳада фаолият кўрсатувчи ходим' маъносини англатувчи сўз деб тушунилади: **фан арбоби, санъат арбоби** каби (ЎТИЛ, I, 52).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АРВОҲ Бу арабча сўз **ьarvāh(un)** шаклига эга (АРС, 319); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига, ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьarvāh → арвâҳ (арвоҳ).** Бу сўз асли **руҳ** сўзининг (қ.) кўплик шакли (АРС, 319), лекин ўзбек тилида шундай деб тушунилмайди, балки 'марҳумнинг руҳи' маъносини англатувчи мустақил сўз сифатида ишлатилади: **ўтганларнинг арвоҳини шод этиб** каби (ЎТИЛ, I, 52).

АРЗ Бу арабча сўз **ъarđ(un)** шаклига эга (АРС, 509); ўзбек тилига фатҳали айн, дзад товушларини **а, з** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **ъarđ → арз**. Бу сўз асли 'рўй берди' маъносини англатувчи **ъarađa** феълининг (АРС, 508) 'тақдим этди' маъносидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'таклиф қилиш', 'баён қилиш' каби маъноларни англатади (АРС, 509), ўзбек тилида эса шу маънолардан ўсиб чиққан 'оғзаки баён қилинган шикоят ёки илтимос' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 53). Ўзбек тилида бу сўз **арздод (арз-дод, арз-у дод)** сўзи (қ.), **арз қил-** феъли таркибида қатнашади.

АРЗДОД Бу сўз тожик тилидан олинган, асли арабча **арз** (қ.) ва тожикча **дод** (қ.) сўзлари билан тузилган **арзи дод** изофа бирикмасига тенг бўлиб, 'адолат истаб қилинган шикоят' маъносини англатади. Изофа қўшимчаси ташланганидан кейин бу бирикма қўшиб ёзилиши керак. Тожик тили луғатида бу сўзнинг **арзу дод** шаклида келтирилишига **дод** сўзини ундов деб тушуниш сабаб бўлган (ТжРС, 29), шунга ўхшаш ҳолат ўзбек тили луғатига ҳам кўчиб ўтган: **арз-дод, арзу дод** шаклларида келтирилган (ЎТИЛ, I, 52). Бу сўзнинг маъноси тожик тили луғатида 'илтимос', 'шикоят' деб изоҳланган (Ўша бетларда). Ўзбек тили луғатидаги изоҳ нотўғри тузилгани очиқ кўриниб турибди: 'тўлиб тошган дард-ҳасрат' қисми ортиқча.

АРЗ-ДОД, АРЗУ-ДОД қ. **арздод**

АРИЗА Бу арабча сўз **ъarīđat(un)** шаклига эга (АРС, 509); ўзбек тилига **-ат** муаннас қўшимчасининг **t**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисмини ташлаб, фатҳали айн, дзад товушларини **а, з** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **ъарīдат → ариза.** Бу сўз асли 'рўй берди' маъносини англатувчи **ъараđа** феълининг (АРС, 508) 'тақдим этди' маъносидан ҳосил қилинган I боб масдарининг муаннас шакли бў—либ (УАЯ, 53, 568), ўзбек тилида 'илтимос ёки шикоят баён қилинган нома' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 52). Ўзбек тилида бу сўздан **аризачи, аризабоз** (қ.) сўзлари, кейинги сўздан **аризабозлик** сўзи ясалган (ЎТИЛ, I, 53).

АРИЗАБОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ариза** (қ.) сўзига 'ўйна-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган (ЎТИЛ, I, 53). Асли феъл асосига тенг **боз** ўзбек тилида 'асосдан англашилган иш билан мунтазам шуғулланувчи' маъносини ифодалайдиган қўшимча сифатида ишлатилади: **дорбоз, масхарабоз** каби. Бу сўзлардан фарқли ҳолда **аризабоз** сўзи салбий бўёққа эга: 'бўлар-бўлмасга ариза ёзаверадиган киши' маъносини англатади.

АРИЗАБОЗЛИК қ. **ариза**
АРИЗАЧИ қ. **ариза**
АРЗИ ҲОЛ қ. **арзҳол**

АРЗҲОЛ Бу сўз араб тилида **ъарđћал** тарзида қўшиб ёки **ъарđ ћал** тарзида ажратиб ёзилади (АРС, 509), форс тили луғатида ҳам шундай шаклларда берилган (ПРС, 171), лекин тожик тили туғатида бу арабча сўз **арзи ҳол** тарзида изофали бирикмага айлантирилган (ТжРС, 29), афсуски, ўзбек тилига ана шундай нотўғри шаклда – тожикча бирикма шаклида ўтиб қолган (ЎТИЛ, I, 52). **Арзҳол (арз ҳол, арзи ҳол)** асли арабча **арз** (қ.) ва **ҳол** (қ.) сўзларидан таркиб топган бўлиб, ўзбек тилига фатҳали айнни **а** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, **а** унлисини **ā** унли—сига алмаштириб қабул қилинган: **ъарđћал → арзҳâл (арзҳол);** араб тилида 'илтимос билан мурожаат қилиш'ни (АРС, 509), тожик тилида 'мурожаат қилиш мақсадини баён қилиш'ни (ТжРС, 29) ўзбек тилида, 'ўз аҳволи ҳақида оғзаки баён'ни (ЎТИЛ, I, 52) англатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, бу сўзнинг (бирикманинг) маъноси тилдан тилга ўтиб фарқли мундарижа ҳосил этган.

АРКОН *қ.* **рукн**

АРОСАТ *қ.* **арасот**

АРУЗ Бу арабча сўз **ъарūđ(ун)** шаклига эга (АРС, 509); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига, дзад товушини **з** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъарūđ → аруз.** Бу сўз асли кўпмаъноли **ъараđа** феълининг 'тўсиқ бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'шеър вазни' маъносини (АРС, 509), ўзбек тилида эса шеър вазнининг бир турини – 'бўғинларнинг чўзиқ-қисқалигига асосланган вазн'ни англатади (ЎТИЛ, I, 55).

АРШ Бу арабча сўз **ъарş(ун)** шаклига эга (АРС, 508); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъарş → арш**. Бу сўз асли 'кўтарди', 'баланд ерга жойлади' маъносини англатувчи **ъараşа** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'тахт' ва бошқа маъноларни англатади (АРС, 507). Бу сўзнинг тўғри маъноси асли 'баландлик' бўлиб, 'тахт' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан; ўзбек тилига 'тахт' маъноси билан ўзлашган (ЎТИЛ, I, 56). ЎТИЛда **арш** сўзининг биринчи маъносини 'Худонинг тахти' деб изоҳлаш ўринли бўлмаган, бундай кўчма маъно **арши аъло** бирикмасига мансуб. **Арши аъло** бирикмаси 'осмоннинг энг юқори қисмидаги тахт' маъносини билдиради ва бу тахт Оллога нисбат берилади.

АРШИ АЪЛО *қ.* **арш**

АСАБ Бу арабча сўз **ъаŝаb(ун)** шаклига эга (АРС, 518); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, сад товушини **с** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъаŝаb → асаб.** Бу сўз асли 'ўради', 'ўраб боғлади' маъносини англатувчи **ъаŝаba** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 1) нерв, 2) сухожилие (пайлар) маъноларини англатади (АРС, 518); ўзбек тилига биринчи маъноси билан қабул қилинган: *асаб касаллиги* каби (ЎТИЛ, I, 56).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АСАБИЙ Бу арабча сўз **ъаŝabiyy(un)** шаклига эга (АРС, 518); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, сад товушини **с** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ъаŝabiyy → асабий.** Бу сўз араб тилида **асаб** сўзидан (қ.) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), бир неча маънони англатади; ўзбек тилига бош маъноси — 'бўлар-бўлмасга қизишиб, тутақиб кетадиган' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 56). Ўзбек тилида бу сифатдан **асабийлан-** , **асабийлаш-** феъллари ясалган.

АСАД Бу арабча сўз **ъasad(un)** шаклига эга (АРС, 33): ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъasad → асад.** Бу сўз асли 'кучли бўлди' маъносини англатувчи **ъasada** феълининг масдари бўлиб (УАЯ, 568), аввало кучли йиртқич ҳайвоннинг номи бўлиб хизмат қилади (АРС, 33; ПРС, 23; ТжРС, 31); бу сўз астрономияда буржлардан бирининг номи сифатида, шамсия йил ҳисобида эса 22- июлдан 21- августгача тўғри келадиган 5- ойнинг номи сифатида ишлатилади; ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти бўлиб ҳам келади (ЎТИЛ, I, 57).

АСАЛ Бу арабча сўз **ъasal(un)** шаклига эга (АРС, 515); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъasal → асал.** Бу сўз 'суркалди', 'ёпишди' маъносини англатувчи **ъasala** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), асли 'ёпишқоқ нарса' маъносини англаттан, кейинчалик бу сўз 'аринининг бир тури ўсимликлар нектарини тўплаб, қайта ишлаб тайёрлайдиган ўта ширин қуюқ масалуқ'нинг номига айланган (АРС, 515; ЎТИЛ, I, 57). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

АСАЛАРИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **асал** (қ.) ва ўзбекча **ари** сўзларидан тузилган бўлиб, ўсимликлар нектарини йиғиб, асалга айлантирадиган аринининг номи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 57). Бу сўздан ўзбек тилида **асаларичи** (мутахассис номи), **асаларичилик** (соҳа номи) сўзлари ясалган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АСАР Бу арабча сўз **ьašar(un)** шаклига эга (АРС, 24); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, се товушини **с** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьašar → асар.** Бу сўз асли 'таъсир қилди' маъносини англатувчи **ьašara** феълининг (АРС, 23) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), АРСда (24) етти маъноли сўз сифатида тасвирланган; ўзбек тилига шулардан уч маъноси: 1) 'таъсир ўтказиш', 2) 'таъсир натижасидаги қолдиқ, из, нишон', 3) 'ижод, меҳнат маҳсули' маънолари билан қабул қилинган: *Бу дори асар қилмади. Даволанганимдан кейин касалимдан асар ҳам қолмади. Музейда санъат асарлари кенг намойиш қилинган* каби (ЎТИЛ, I, 57).

АСБОБ Бу арабча сўз **ьasbāb(un)** шаклига эга (АРС, 342); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьasbāb → асбâб (асбоб).** Бу сўз асли кўпмаъноли **sabba** феълидан (АРС, 342) ҳосил қилиниб, 'ниманингдир юзага келишида омил бўлиб хизмат қиладиган нарса' маъносини англатувчи **sabab(un)** масдарининг (УАЯ, 568) кўплик шакли бўлиб (АРС, 342), араб тилидан 'нарса', 'буюм' каби кўчма маъноси билан қабул қилинган.

АСБОБ-АНЖОМ Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **асбоб** (қ.) ва 'турли мақсадларга хизмат қиладиган нарса-буюмлар' маъносини англатувчи тожикча **анжом** сўзларидан тузилган бўлиб, таркибидаги сўзларнинг маъносини жамлаб ифодалайди (ЎТИЛ, I, 57).

АСБОБСОЗЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **асбоб** сўзига (қ.) 'яса-' маъносини англатувчи тожикча **сохтан** феълининг **соз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 364, 361) ва мавҳум от ясовчи **-лик** қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб, 'турли асбоблар, иш қуролларини ишлаб чиқарувчи соҳа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 57).

АСБОБ-УСКУНА Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **асбоб** (қ.) ва 'турли мақсадларга хизмат қиладиган жиҳоз' маъносини англатувчи **ускуна** сўзларидан тузилган бўлиб, таркибидаги сўзларининг маъносини жамлаб ифодалайди (ЎТИЛ, I, 57).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АСИЛ Бу арабча сўз **ьаŝīl(un)** шаклига эга (АРС, 37); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани ва сад товушини, чўзиқ **ī** унлисини **а, с, и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьаŝīl → асил.** Бу сўз араб тилидаги кўпмаъноли **ьаŝula** феълининг 'негизли, асосли бўлди' маъноси билан (АРС, 36) ҳосил қилинган сифат бўлиб (АТГ, 43), ўзбек тилида 'энг сифатли', 'соф' (*асил мол*), 'қимматбаҳо' (*асил тош*) каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 57).

АСИЛЗОДА Тожик тилидан олинган бу сўз арабча **асил** сифатига (қ.) 'ўғил' маъносини билдирувчи **-зода** қисмини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 156), 'оқсуяк', 'насл-насабли' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 57). **-зода** қисмини 'ўғил' маъносида атоқли отга қўшиб **Турсунзода** тарзида ишлатиш ўзбек тилида деярли учрамайди.

АСИР Бу арабча сўз **ьасīr(un)** шаклига эга (АРС, 34); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ī** товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьасīr → асир.** Бу сўз асли 'урушда тутқун қилиб олди' маъносини англатувчи **ьасага** феълидан ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'урушда тутқунликка олинган ҳарбий хизматчи' маъносини англатади (АРС, 34: ЎТИЛ, I, 57). Ўзбек тилида бу сўз 'ўта берилиб, тобе ҳолатга тушиб қолган' каби кўчма маънода ҳам ишлатилади. Бу сўздан ўзбек тилида **асирлик** мавҳум оти ясалган.

АСИРА Бу сўз арабча **асир** сўзининг (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига бу қўшимчанинг **а** қисми сақланиб, **t** қисми ташланиб қабул қилинган: **асират → асира** (ЎТИЛ, I, 57).

АСКАР Бу сўз **ъаskar(un)** шаклига эга (АРС, 515); ўзбек тилига фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъаskar → аскар; ъаskara** феълининг 'жанговар тарзда жойлашди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилида 'қўшин' маъносини англатади (АРС, 515); ўзбек тилида бу сўз 'жангчи (солдат)' маъносини англатиш учун ишлатилади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, II, 57). Бу сўз билан ўзбек тилида **аскарбоши** сўзи тузилган.

АСКИЙА Бу арабча сўз **ьажкīуāьu** шаклига эга бўлиб (АРС, 276), ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, **к** ундошининг таъсири билан зал ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī, ā** товушларини **и, а** товушларига алмаштириб, сўз охиридаги даммали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьажкīуāьu → аскийа (аския).** Бу сўз асли 'ўткир зеҳнли бўлди' маъносини англатувчи **żakiya** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари **żakiy(un)** сўзининг кўплик шакли бўлиб (АРС, 276), араб тилида 'ўткир зеҳнлилик' маъносини, ўзбек тилида эса 'сўз ўйинига, қочириқларга асосланган ҳозиржавоблик мусобақаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 58).

АСКИЙАБОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **аскийа** (қ.) сўзига 'қизиқиб ўйна-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ясалган бўлиб (**боз** асоси ўзбек тилида қўшимчага айланган: **беданабоз, каптарбоз, қиморбоз** каби: "Ўзбек тилининг чаппа луғати", 53, 54), 'ножўя ҳазил-мутойиба қилишни яхши кўрадиган' каби салбий бўёқли маънони англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 58); **Аскийабоз** сўзидан ўзбек тилида **аскийабозлик** мавҳум оти ясалган.

АСКИЙАЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **аскийа (< азкийа)** сўзидан **-чи** қўшимчаси билан ясалган шахс оти бўлиб, 'аския айтиш билан шуғулланувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 58). Изоҳли луғатда **аскиячи** сўзидан ***айнан*** белгиси билан **аскиябоз** сўзига ҳавола қилинган ва ўша сўз остида маъно таърифи берилган; асли бу икки сўзнинг маъно мундарижаси тенг эмас, шунга кўра ҳар икки сўзнинг маъносини мустақил таърифлаш лозим.

АСЛ Бу арабча сўз **ьаŝl(un)** шаклига эга (АРС, 36); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, сад товушини **с** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьаŝl → асл.** Бу сўз араб тилидаги кўпмаъноли **ьаŝula** феълининг 'негизли, асосли бўлди' маъноси билан (АРС, 36) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тили

www.ziyouz.com kutubxonasi

луғатида ўн маъноли деб изоҳланган; ўзбек тилида бу сўз 'туб', 'негиз' (*аслини айтганда*), 'насл-насаб' (*Аслингиз ким?*), 'дастлабги', (асл нусха), 'чин', 'ҳақиқий' (*асл муддао*), 'энг сифатли', 'энг қийматли' (*асл мато, асл тош*) каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 58). Охирги икки маъно араб тили луғатида берилмаган, демак, ўзбек тили манбаида юзага келган дейиш мумкин. **Асл** сўзи ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

АСЛАН Бу сўз арабча **асл** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида равишга айланган; 'келиб чиқиши, насл-насаби жиҳатидан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 58).

АСЛАҲА Ҳозирги ўзбек тилида жуда оз ишлатиладиган бу сўз **ьasliћat(un)** шаклига эга (АРС, 366); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, иккинчи бўғиндаги **i** унлисини биринчи ва учинчи бўғиндаги унлилар таъсирида **а** унлисига, ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьasliћat → аслаҳа.** Бу сўз 'жанг анжомлари билан қуролланди' маъносини англатувчи **salaћa** феълидан ҳосил қилиниб, 'жанг қуроли' маъносини англатувчи **silaћ(un)** масдарининг (АТГ, 143) кўплик шаклига тенг (АРС, 366; АТГ, 40), 'жанг қуроллари' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 58).

АСЛИ Бу сўз арабча **асл** отининг (қ.) ўзбекча III шахс эгалик қўшимчаси қўшилган бош келишик шакли бўлиб, бир бутун ҳолда (эгалик ва келишикда ўзгармайди) маъно тараққиёти натижасида равишга айланган; 'энг тўғриси', 'энг ҳақиқийси' каби маънони англатади (Бу сўзнинг маъноси ЎТИЛда бошқачароқ изоҳланган: 'яхшиси', 'тўғриси'; 'зотан', 'аслида' – I, 58).

АСЛИДА Бу сўз ўзбек тили манбаида юзага келган **асли** сўзининг (қ.) ўрин келишиги қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб, бир бутун ҳолда (эгалик ва келишикда ўзгармайди) маъно тараққиётига учраб, равишга айланган: 'ҳақиқатда', 'тўғрисини айтганда' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 58).

АСЛИЙ Бу сўз араб тилида **асл** отидан (қ.) **-ийй(ун)**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчаси билан ҳосил қилинган нисбий сифат бўлиб (АРС, 36; АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **ий** то— вушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **аслийй → аслий.** Бу сўз араб тилида 'дастлабги', 'ҳақиқий', 'таби— ий' каби маъноларни англатади; ўзбек тилида эса юқоридаги маънолар асосида юзага келган 'белгини бевосита ифодаловчи' маъноси билан тилшунослик термини сифатида ишлатилади: *аслий сифат* (ЎТИЛ, I, 58).

АСНО Бу арабча сўз **ьašnāь(un)** шаклига эга (АРС, 113); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, се то— вушини **с** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига ал— маштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьašnāь → аснâ (асно).** Бу сўз асли 'қайирди', 'иккига буклади' каби маъноларни англатувчи **šana** феълидан ҳосил қилинган **šin|(un)** масдарининг кўплик шакли бўлиб (АРС, 113, 114), араб тилида 'қайрилиш', 'букланиш' каби маъноларни, ўзбек, тожик, форс тил— ларида 'оралиқдаги қисқа вақт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 58; ТжРС, 32; ПРС, 7).

АСО Бу арабча сўз **ъаŝāt(un)** шаклига эга (АРС, 520); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, сад товушини **с** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъаŝāt → асâ (асо).** Бу сўз асли 'калтак билан урди' маъносини англатувчи **ъаŝā** феълидан ҳосил қилинган қурол оти бўлиб (АТГ, 353), араб тилида 'кал— так' маъносини, ўзбек тилида эса 'таяниб юриш учун хизмат қиладиган ингичка, узун, силлиқ таёқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 58).

АСОРАТ I Бу арабча сўз АРСда келтирилмаган, ТжРСда (32) **асорат** шаклида ёзилган. Бу сўз асли 'тутқун қилди' маъносини англатувчи **ьasara** феълининг **ьasr(un)** I боб масдарининг кўплик шакли **ьasār(un)** сўзидан (АРС, 34) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилига чўзиқ **ā** ун— лисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **asārat → асâрат (асорат);** 'тутқунлик', 'асирлик', 'озодликдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

маҳрумлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 57).

АСОРАТ II Бу арабча сўз **ьашārat(un)** шаклига эга (АРС, 24); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, се товушини **с** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьашārat → асâрат (асорат).** Бу сўз асли 'таъсир ўтказди' маъносини англатувчи **ьашara** феълининг (АРС, 23) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568; АРС, 23), ўзбек тилида араб тилидаги 'қолдиқ' маъноси асосида юзага келган 'касаллик ёки бирор но-жўя ҳолат, фаолиятнинг салбий қолдиғи' маъносини англатади: *шамаллашнинг асорати, уйқусизликнинг асорати* каби (ЎТИЛ, I, 58).

АСОС Бу арабча сўз **ьасās(un)** шаклига эга (АРС, 33); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьасās → асâс (асос).** Бу сўз асли 'пойдевор қўйди', 'таъсис этди' каби маънони англатувчи **ьassa** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'туб қисм', 'пойдевор', 'негиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 59). Ўзбек тилида бу сўздан **асосла-** феъли, **асосли, асоссиз** сифатлари, **асосчи** оти ясалган.

АСОСАН Бу сўз арабча **асос** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'асос этибори билан', 'умуман олганда' каби маънони англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, I, 59).

АСОСИЙ Бу сўз арабча **асос** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **ий** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **асāsiyy → асâсий (асосий);** 'энг муҳим', 'бош' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 59).

АСР I Бу арабча сўз **ъаср(un)** шаклига эга (АРС, 518); ўзбек тилига фатҳали айн ва сад товушларини **а, с** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **ъаср → аср.** Бу сўз араб тилидаги 'эзғилади' маъносини англатувчи **ъасara** феълининг 'бир асрда, бир вақтда яшади' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'юз йиллик вақт', 'давр' маъносини англата-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди; ўзбек тилига худди шундай маъноси билан ўзлаш— ган: *XXI аср* каби (ЎТИЛ, I, 59).

АСР II Бу арабча сўз **ъаср(ун)** шаклига эга, **аср I** сўзига омоним (АРС, 518); ўзбек тилига фарҳали айн ва сад товушларини **а, с** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **ъаср → аср.** Бу сўз араб тилида 'юз йиллик вақт' маъносини англатувчи **аср I** сўзидан маъно та— раққиёти йўли билан ўсиб чиққан бўлиб, 'кечки пайт', 'тушликдан кейинги пайт' маъносини англатади; ке— йинчалик 'тушликдан кейинги пайтда ўқиладиган намоз' маъносини ҳам англата бошлаган (АРС, 518; ЎТИЛ, I, 59). Араб тилида бу сўз намозни англатганида **ал ъаср ун** тарзида аниқлик артикли билан ишлатилади (АРС, 518).

АСРДОШ Бу сўз арабча **аср I** отидан 'бирга' маъносини ифодаловчи **-дош** қўшимчаси билан ўзбек тилида ясалган бўлиб, 'бир замонда яшаган ёки яша— ётган киши' маъносини англатади: *Навоийнинг асрдош— лари* каби (ЎТИЛ, I, 59).

АСРИЙ Бу сўз араб тилида **аср I** отидан (қ.) **–ийй– (ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **ий** ундош— ларидан бирини ташлаб қабул қилинган; араб тилида 'ҳозирги асрга мос', 'ҳозирги', 'энг янги' каби маъно— ларни англатади (АРС, 518); ўзбек тилида бу сўз 'асрлар бўйи давом этиб келаётган' маъносини англатади: *асрий урф-одатлар, асрий муаммо* каби (ЎТИЛ, I, 59). Бундай маъно араб тили луғатида ва тожик тили луғатида (ТжРС, 33) берилмаган, лекин форс тили луғатида кел— тирилган (ПРС, 346); демак, бу сўз ўзбек тилига форс тилидан ўтган дейиш мумкин.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ Салом берувчи айтадиган бу арабча бирикманинг биринчи аъзоси **ал** аниқлик артикли билан (АРС, 536) ишлатилган **салом** сўзининг (қ.) бош келишик шакли бўлиб, бу икки қисм ўзбек тилида қўшиб ёзилади; араб тили қоидасига биноан **ал** артикли таркибидаги **л** товуши алмашади (АТГ, 23): **ал салому → ассалому.** Бу сўз, худди **салом** сўзи каби, 'тинчлик-омонлик' маъносини англатади; демак, **асса— лому алайкум** бирикмаси 'Сизга тинчлик-омонлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

(тилайман)′ маъносини билдиради (ЎТИЛ, I, 60). Бу бирикма сўзлашув нутқида **ал** артиклини ва **салому** сўзи охиридаги келишик қўшимчасини ташлаб **салом алайкум** шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 37). [**Алайкум** сўзи ўз ўрнида изоҳланди].

АСТАҒФИРУЛЛО Бу арабча сўз **ъастаġfiru** ва **ullā** қисмларидан таркиб топган (АРС, 566); булардан **ullā** қисми **āllā** (′тангри′) сўзининг бошланиши нутқ оқимида товуш жиҳатидан ўзгарган кўринишига тенг; **ъастаġfiru** сўзи эса ′кечирди′, ′гуноҳидан ўтди′ маъносини англатувчи **ġafara** феълидан ҳосил қилиниб, ′кечирим сўради′ маъносини англатувчи **ъастаġfara** феълининг (АТГ, 317) буйруқ майли шакли бўлиб (АТГ, 327), бу икки сўз яхлит талаффуз қилинганида улар оралиғидаги **uu** унлилари бир унлига бирлашган, сўз охиридаги чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига алмашган: **ъастаġfiru ullā → астағфирулла̂ (астағфирулло).** Бу сўз асли ′Кечир, Олло!′ маъносини англатади; кейинчалик маъно тараққиёти натижасида бу сўз кутилмаган ҳаракат-ҳолатга йўлиқиб, кучли даражада ҳайратланишни, саросимага тушишни ифодаловчи ундовга айланган (ЎТИЛ, I, 60). Ўзбек тилида **ġafara** феълидан ҳосил қилинган **ġāfir, ġaffār, ġafur, maġfirat, maġfura** сўзлари киши атоқли оти сифатида ишлатилади: 1) **ға̂фир** сўзи ′кечиримли′ маъносини, 2) **ғаффа̂р, ғафур** сўзлари ′ўта кечиримли′ маъносини, 3) **мағфират** сўзи ′кечирим′ маъносини, 4) **мағфура** сўзи эса ′кечирилган′, ′афв этилган′ маъносини англатади (АРС, 566). **Мағфират** сўзи сўзлашув нутқида **мапрат** тарзида, **мағфура** сўзи **мапура** тарзида талаффуз қилинади.

АТИР *қ.* **атр**

АТИҚА Бу арабча сўз асли **ъатīqat(un)** шаклига эга бўлиб, **ъатīq(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум отга тенг (УАЯ, 500); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъатīqat → атиқа;** кўпмаъноли **ъataqa** феълининг ′қадимги бўлди′ маъноси

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ясалган бўлиб (АРС, 496), 'қадимги' маъносини англатади (ТжРС, 33).

АТО ҚИЛ- Бу қўшма феъл асли 'инъом қил-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 62). Бу сўзнинг биринчи қисми 'инъом қилди' маъносини англатувчи IV боб **ъата** феълининг масдари **ъатā(un)** сўзи бўлиб, 'инъом қилиш', 'инъом', 'совға' каби маъноларни англатади (АРС, 523); бу масдар ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, итқи товушини **т** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган. **Ато** сўзи асосан **ато қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади; ***Ўзи келган меҳмон — атойи худо*** жумласи таркибидаги **ато** сўзи изофа бирикмасида мустақил ишлатилади.

АТР Бу арабча сўз **ъатр(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, итқи товушини **т** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъатр → атр.** Бу сўз асли 'ёқимли ҳид таратди' маъносини англатувчи **ъатира** феълининг (АРС, 521) масдари бўлиб, 'хушбўй моддалардан спиртда тайёрланган суюқлик' маъносини англатади. Бу сўз ЎТИЛда (I, 61) **атир** шаклида ёзилган, ТжРСда (34), ПРСда (346), ЎҚААҚЛда (27) **атр** шаклида ёзилган; асли **атр** шаклида ёзиш тўғри, чунки **атир** сўзи араб тилида **атира** феълидан ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб, 'хушбўй' маъносини англатади (АРС, 521; АТГ, 43); лекин **атр** сўзи таркибида кетма-кет келган ундошни талаффуз қилиш ноқулай бўлгани сабабли орага **и** унлиси киритилган; худди шундай товуш киритиб талаффуз қилиш **атиргул, атирсовун** қўшма сўзларида ҳам ўз аксини топган.

АТРОФ Бу арабча сўз **ъатрāф(un)** шаклига эга (АРС, 472); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, итқи товушини **т** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъатрāф → атрâф (атроф).** Бу сўз асли кўпмаъноли **тарафа** феълининг (АРС, 472) 'охирига, четига қўйди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари **тараf(un)** сўзининг (УАЯ, 568) кўплик шакли бўлиб АТГ, 40), ўзбек тилида 'томонлар', 'ҳамма ёқ', 'теваракдаги яқин жойлар', 'бир нарсанинг гир айланаси' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 62).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АТРОФЛАБ Бу сўз ўзбек тилида арабча **атроф** сўзидан (қ.) **-лаб** қўшимчаси билан ҳосил қилинган равиш бўлиб, ′атрофидан айланиб ёки айлантириб′, ′атрофида давра қуриб′ каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 62).

АТРОФЛИЧА Бу сўз ўзбек тилида арабча **атроф** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифатга **-ча** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган равиш бўлиб, ′ҳар томонлама′, ′ҳар жиҳатдан синчиклаб′ каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 62).

АТТОРЛИК Бу сўз ′атр-упа буюмлари билан савдо қилувчи киши′ маъносини англатувчи **аттор** сўзидан ўзбек тилида ясалиб, ′атр-упа буюмлари билан савдо қилувчи дўкон′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 62). **Аттор** сўзи асли арабча ′ёқимли ҳид таратди′ маъносини англатувчи **атира** феълидан (АРС, 521) ясалган касб-ҳунар оти бўлиб (УАЯ, 240), ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди.

АФВ Бу арабча сўз **ъafv(un)** шаклига эга (АРС, 525); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъafv → афв.** Бу сўз араб тилида **ъafava** феълининг ′кечирди′ маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ′кечирим′, ′узр′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 63). Ўзбек тилида **фв** товушларини кетма-кет талаффуз қилиш ноқулай бўлгани сабабли сўзлашув нутқида бу ундошлар ўрин алмашиб, **авф** тарзида айтилади. **Афв** сўзи ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, асосан **афв эт-** қўшма феъли, **афв сўра-, афви умумий** бирикмалари таркибида қатнашади. **Афви умумий** бирикмаси тожик тилидан олинган бўлиб, тожик тили луғатида ′амнистия′ маъносини англатиши айтилган (ТжРС, 34); ўзбек тили луғатида бу бирикма нимагадир изофани тушириб ёзилган (ЎТИЛ, I, 63); бу бирикманинг маъноси форс тили луғатида ′всеобщая амнистия′ деб аниқ изоҳланган.

АФВИ УМУМИЙ қ. **афв**

АВФ УМУМИЙ қ. **афв**

АФЗАЛ Бу арабча сўз **ъafḍalu** шаклига эга (АРС, 600); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, дзад

www.ziyouz.com kutubxonasi

товушини **з** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ъafḍalu → афзал**. Бу сўз асли **faḍala** феълининг 'устун бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган **fāḍal(un)** аслий сифатининг (АТГ, 43) орттирма даража шакли бўлиб (АТГ, 200), 'нимадан ёки кимдан ўз хусусиятлари билан устун' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 63). Ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти бўлиб ҳам келади.

АФИФА *қ.* **иффат**

АФЙУН Бу арабча сўз **ъafyun(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 38), ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъafyun → афйун (афюн);** 'кўкнорининг думбул бошоғидан олиб қуритилган шира (қорадори, таряк)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 64).

АФКОР Бу арабча сўз **фикр** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), 'фикрлар' маъносини ифодалайди; бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, тожик тилидан олинган **афкори омма** ('омманинг фикрлари') изофа бирикмаси таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 63).

АХБОРАТ Бу арабча сўз **хабар** сўзининг (қ.) кўплик шакли **ахбор(ун)** сўзидан (АТГ, 40) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'хабарлар', 'маълумотлар' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 64). Бу сўз ўзбек тили луғатига тожик тили луғатидаги **ахборот** шаклида киритилган (ТжРС, 36), ваҳоланки **ахбор** сўзининг ўзи **хабар** сўзининг кўплик шакли бўлиб, унга яна **-āт(ун)** кўплик қўшимчаси қўшилмайди. **Ахбор** сўзи ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди.

АХБОРОТ *қ.* **ахборат**

АХИЙРИ Бу арабча сўз **ъaxīr(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 27), ўзбек сўзлашув нутқида фатҳали ҳамза **а** товушига, чўзиқ **ī** товуши **ий** товушларига алмаштирилган, сўз охирига **-и** эгалик қўшимчаси қўшилган: **ъaxīr(un) → ахийри.** Бу сўз ўзбек тилида 'маълум вақт давом этганидан кейин', 'пировардида' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 64). Бу сўз **ахир** шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 64: **ахир II**).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АХИР I Бу сўз арабча **охир** сўзининг (қ.) ўзбек тилида товуш жиҳатидан ўзгарган шакли бўлиб, таъкид маъносини ифодаловчи юкламага айланган: *Гапирасанми, йўқми ахир?!* каби (ЎТИЛ, I, 64).

АХИР II қ. ахийри

АХЛОҚ Бу арабча сўз **хулқ** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), ўзбек тилида унинг кўплик шакли экани уқилмайди; **хулқ** сўзи англатадиган маъно билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 64).

АХЛОҚИЙ Бу сўз араб тилида **ахлоқ** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ′ахлоқ-одобни шакллантиришга қаратилган′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 64).

АХЛОҚЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ахлоқ** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, ′юриш-туриши, муомаласи ахлоқ меъёрларига тўғри келувчи′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 64).

АХЛОҚСИЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ахлоқ** сўзидан (қ.) **-сиз** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, ′юриш-туриши, муомаласи ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 64). Бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **ахлоқсизлик** мавҳум оти ясалган.

АШАДДИЙ Бу арабча сўз **ьаşaddu** шаклига эга (АРС, 395). Форс тили луғатида бу сўз **äшадда** тарзида ёзиб кўрсатилган (ПРС, 26), тожик тили луғатида эса **ашад(д)и** шаклида берилган (ТжРС, 36). ЎКААҚЛга бу сўз **ашадд** шаклида киритилган (29- бет). Кўринадики, **ашаддий** сўзи тожик тилида арабча **ашадд** сўзидан сифат ясовчи **-ӣ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган ва бу сўз **д** ундоши қатланган шаклида ўзбек тилига олинган, **-ӣ** сифат ясовчиси **-ий** шаклига алмаштирилган: **ашад(д)и → ашаддий.** Бу сўз асли **şadda** феълининг ′ўжарлик қилди′ маъносидан ҳосил қилиниб, ′ўжар′, ′қаҳр-ғазабли′ маъносини англатувчи **şadīd(un)** аслий сифатининг (АРС, 396) орттирма даража шакли бўлиб (АТГ, 200), ўзбек тилида ′уччига чиққан′, ′ўтакетган′ каби маънони англатади ва салбий воқеа-ҳодисани билдирувчи сўзга сифатловчи бўлиб келади (ЎТИЛ, I, 66).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АШИР Бу арабча сўз **ъāşir(un)** шаклига эга (АРС, 516); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъāşir → ашир.** Бу сўз асли ′ўн′ маъносини билдирувчи **ъaşr(un)** саноқ сонидан ҳосил қилинган тартиб сон бўлиб (АТГ, 364), ′ўнинчи′ маъносини билдиради (АРС, 516). Бу сўз ўзбек тилида йилнинг ўнинчи ойи номи сифатида, баъзан эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 66).

АШЙО Бу арабча сўз **ьaşyāьu** шаклига эга (АРС, 423); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги дам-мали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьaşyāьu → ашйâ (ашё).** Бу сўз асли **şāьa** феълининг (АРС, 423) ′бирор нарсага эга бўлишни истади′ маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари **şauь(un)** сўзининг (АРС, 423) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), ′буюм′, ′нарса′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 66). Ўзбек тилида бу сўз билан **ашйои далил** изофа бирикмаси тузилган бўлиб, ′жиноятни тасдиқловчи буюм′ маъноси билан ҳуқуқшунослик термини сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 66). Бу терминни **ашёвий далил** шаклида ишлатиш ҳам учрайди; бунда тожикча изофа бирикмаси ўзбекча сифатловчили бирикмага алмаштирилади. Бундай би-рикма таркибидаги **ашйовий** сўзи ўзбек тилида **ашйо** сўзидан арабча **-вий** қўшимчаси билан ясалган (**далил** сўзи ўз ўрнида изоҳланди).

АШЙОВИЙ қ. **ашйо**

АШЪОР Бу арабча сўз **шеър** сўзининг (қ.) кўплиги бўлиб, **ьaşъār(un)** шаклига эга (АРС, 406); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ фатҳали айн тову-шини **â** товушига алмаштириб, тўхтам (сукун) ўрнига **ъ** белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьaşъār → ашъор;** ′шеърлар′ маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 66).

АЪЗАМ Бу арабча сўз **ьaъžamu** шаклига эга (АРС, 524); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** унлисига алмаш-тириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ьaъžamu**

www.ziyouz.com kutubxonasi

→ **аъзам.** Бу сўз асли 'буюк бўлди' маъносини англатувчи **ъаžата** феълидан (АРС, 523) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'улуғ', 'буюк' каби маънони англатади (АРС, 523), эски ўзбек тилида ***вазири аъзам*** бирикмаси таркибида ишлатилган; ҳозирги ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади (ЎТИЛ, I, 66).

АЪЗО Бу арабча сўз **ьаъđāъ(un)** шаклига эга (АРС, 521); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, дзад товушини **з** товушига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **ьаъđāъ → аъзâ (аъзо).** Бу сўз асли 'тананинг бирор вазифани бажарувчи қисми' маъносини англатувчи **узв** сўзининг кўплик шакли бўлиб (АРС, 521), ўзбек тилида бирлик шаклидаги сўз сифатида тушунилади, кўплиги **аъзолар** тарзида ифодаланади (ЎТИЛ, I, 66). Бу сўздан ўзбек тилида **аъзолик** мавҳум оти ясалган.

АЪЙОН Бу арабча сўз **ьаъуān(un)** шаклига эга (АРС, 554); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьаъуān → аъйâн (аъён);** кўпмаъноли **ьаууапа** феълининг 'юқори мавқега эга бўлди' маъноси билан (АРС, 553) ҳосил қилинган I боб масдарининг (АТГ, 142) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), 'юқори мавқега эга кишилар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 66).

АЪЛО Бу арабча сўз **ъalāь(un)** шаклига эга (АРС, 536); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига алмаштириб ва **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ъalāь → аълâ (аъло).** Бу сўз араб тилида 'баландлик', 'юқори мартаба' маъноларини англатади (АРС, 536). Тожик тилида 'энг юқори', 'энг яхши' каби сифат маъносини англатади (ТжРС, 36). Ўзбек тилига **аъло** сўзи тожик тилидан ана шу маъноси билан ўзлашган (ЎТИЛ, I, 66). Кейинчалик 'энг юқори баҳо' (синовда) маъноси юзага келган. Бу сўз ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

АЪМОЛ *қ.* **номайи аъмол**

АҚАЛЛИ Бу арабча сўз **ъаqallu** шаклига эга (АРС, 653); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, сўз охиридаги **u** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъаqallu → ақалли;** асли кўпмаъноли **qalla**[1] феълидан 'ўта кичик бўлди' маъноси билан ясалган **qalīl(un)** аслий сифатининг орттирма даража шакли бўлиб (АТГ, 200), ўзбек тилида 'ҳеч бўлмаса', 'жуда бўлмаганда' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 67).

АҚИДА Бу арабча сўз **ъаqīdat(un)** шаклига эга (АРС, 528); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ī** товушини **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъаqīdat → ақида.** Бу сўз асли 'боғлади' маъносини англатувчи **ъаqada** феълидан ясалган **ъаqīd(un)** аслий сифатдан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500) араб тилида 'ишонч', 'ихлос' каби маъноларни, ўзбек тилида эса 'ишонч билан амал қилинадиган расм-русум' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 67).

АҚИДАПАРАСТ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ақида** сўзига (қ.) 'сажда қил-' маъносини англатувчи тожикча **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб тузилган, 'ақидаларга ишонч билан амал қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 67). Бу сўздан ўзбек тилида **ақидапарастлик** мавҳум оти ясалган.

АҚИҚ *қ.* **ҳақиқ**

АҚИҚА Бу сўз ЎТИЛда (I, 67) арабча деб белгилаб, 'чақалоқ дунёга келгани муносабати билан ўтказиладиган маросим' маъносини англатиши айтилган; лекин АРСда бундай маъноли сўз келтирилмаган. ТжРСда ҳам (37) худди юқоридагича маъно таъкидланган, ПРСда эса бошқача маънони — 'пушок, волосы у новорожденного' маъносини англатиши айтилган ва **ъаqīqe** шаклида ёзилган (348). Ўзбек тилига бу сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ī** товушини **и** товушига, сўз охиридаги **е** товуши **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъаqīqe → ақиқа.**

АҚЛ Бу арабча сўз **ъаql(un)** шаклига эга (АРС, 529); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъаql → ақл.** Бу сўз асли араб тилидаги ′юксак даражада фикр юритиш қобилиятига эга бўлди′ маъносини англатувчи **ъаqala** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида ′юксак даражада фикр юритиш қобилияти′ (*Ақл ёшда эмас, бошда*), ′зеҳн′ (*ақли калта*), ′эс-ҳуш′ (*ақлдан оз-*) каби маъноларни англатади. Ўзбек тилида **ақл** сўзидан **ақлли, ақлсиз** сифатлари ва шулардан **ақллилик, ақлсизлик** мавҳум отлари ясалган, **ақл** сўзи билан **ақл-ҳуш (ақл-у ҳуш), ақл-ҳушли** жуфт сўзи, **ақлли** сўзи билан **ақлли-ҳушли** жуфт сўзи тузилган.

АҚЛИЙ Бу сўз араб тилида **ақл** сўзидан (қ.) **–ийй(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **йй** ундошларидан бирини ташлаб қабул қилинган; ′ақл-идрок билан, фикр юритиш билан амалга оширилади-ган′ маъносини англатади: *ақлий меҳнат* каби (ЎТИЛ, I, 67).

АҒЙОР Бу арабча сўз **ъаġyār(un)** шаклига эга (ЎКААҚЛ, 31); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъаġyār → ағйâр (ағёр).** Бу сўз кўпмаъноли **ġāra** феълининг (АРС, 576) ′бегоналик қилди′, ′душманлик қилди′ маъноси билан ҳосил қилинган **ġayr(un)** масдарининг (АТГ, 142) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), асли ′бегоналар′, ′рақиблар′ каби маъноси билан эски ўзбек тилида ишлатилган.

АҲАМИЙАТ Бу арабча сўз асли **ъahammiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 858); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб, қатор келган **mm, уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ъahammiyyat → аҳамийат (аҳамият).** Бу сўз асли ′қизиқтирди′, ′ўзига жалб қилди′ маъносини англатувчи **hamma** феълининг (АРС, 858) IV боб **ahamma** шаклидан ҳосил қилиниб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

'энг муҳим' маъносини англатувчи **ahammu** сифатидан (АРС, 858) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'муҳимлик', 'эътиборга моликлик' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 69). Ўзбек тилида бу мавҳум отдан **аҳамиятли, аҳамиятсиз** сифатлари ясал — ган.

АҲБОБ Бу арабча сўз **ьаһbāb(un)** шаклига эга (АРС, 152); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унли — сига алмаштириб қабул қилинган: **ьаһbāb → аҳбâб (аҳ — боб).** Бу сўз асли 'севди', 'кўнгил берди' маъносини англатувчи **ћabba** феълидан (АРС, 152) ҳосил қилинган I боб масдари **ћabīb(un)** сўзининг (АТГ, 143) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), 'кўнгилга яқин кишилар', 'дўстлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 69). **Ҳабиб, аҳбоб** сўзларидан мумтоз адабиёт асарларида кўп фойдаланилган; ҳозирги ўзбек тилида **аҳбоб** сўзи ишлатилмайди, **ҳабиб** сўзи эса эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади. **Ҳабиб** сўзининг **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли (АТГ, 29) **ҳабиба** сўзи ҳам ҳозирги ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади; бу сўз ўзбек тилига муаннас қўшимчасининг **а** қисмини сақлаб, **t** қисмини ташлаб қабул қилинган: **ҳабибат → ҳабиба.**

АҲВОЛ Бу арабча сўз **ьаһvāl(un)** шаклига эга (АРС, 203); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унли — сига алмаштириб қабул қилинган: **ьаһvāl → аҳвâл (аҳ — вол);** бу сўз **ҳол** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), ўзбек тилида алоҳида сўз сифатида қаралади; **ҳол** сўзи англатгани каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 69).

АҲД Бу арабча сўз **ъahd(un)** шаклига эга (АРС, 546); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига ал — маштириб қабул қилинган: **ъahd → аҳд.** Бу сўз асли 'таниди', 'ишонди' каби маънони англатувчи **ъahida** феълининг (АРС, 546) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ваъда', 'шартнома' каби маъноларни англатади: ***аҳдида тур-*** каби (ЎТИЛ, I, 69). Ўзбек тилида бу сўз **аҳд-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

паймон жуфт сўзи (қ.) таркибида қатнашади; **аҳд** сўзи билан **аҳд қил-** феъли тузилган.

АҲДНОМА Бу сўз тожик тилида арабча **аҳд** сўзига (қ.) ‘ёзма матн’ маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 38, 271), ‘расмий шарт—нома’, ‘битим’ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 63).

АҲД-ПАЙМОН Бу жуфт сўз тожик тилида арабча **аҳд** (қ) ва ‘ваъда’ маъносини англатувчи тожикча **паймон** (ТжРС, 296) сўзларидан тузилган бўлиб, ‘ўзаро қатъий келишув’ маъносини англатади (ТжРС, 38; ЎТИЛ, I, 69). Бу сўз тожик тили луғатида **аҳду маймон** шаклида берилган, ўзбек тили луғатида эса асосий деб, **аҳд-паймон** шакли берилиб, **аҳду паймон** шакли ик—кинчи ўринга ўтказилган. Демак, тожик тилидан фарқли ҳолда, ўзбекча нутқда **аҳд-паймон** шакли кўп учрайди. **Паймон** сўзи ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди.

АҲДУ ПАЙМОН *қ.* **аҳд-паймон**

АҲИЛ Бу арабча сўз **ьаһīл(un)** шаклига эга (АРС, 48); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ī** товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьаһīл → аҳил.** Бу сўз асли ‘кишилар яшайдиган бўлди’ маъносини англатувчи **ьаһала** феълидан (АРС, 48) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), ‘тотув’, ‘иноқ’ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 69). Бу сўздан ўзбек тилида **аҳиллик** оти ясалган.

АҲЙОН-АҲЙОНДА Бу сўз ўзбек тилида арабча **аҳйон** сўзини такрорлаб тузилган; **аҳйон** сўзи **ьаһуān(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 208), ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьаһуān → аҳйâн (аҳён).** Бу сўз асли ‘вақти келди’ маъносини англатувчи **ћāna** феълидан ҳосил қилинган **ћīn(un)** масдарининг кўплик шакли бў—либ (АРС, 208), ‘вақтлар’, ‘онлар’ маъносини англатади; **аҳйон** сўзи одатда такрор шаклида ишлатилиб, ‘гоҳо-гоҳо’, ‘баъзи-баъзи’ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 69).

АҲЛ Бу арабча сўз **ьаһl(un)** шаклига эга (АРС, 48); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** унлисига алмаштириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қабул қилинган: **ьahl → аҳл.** Бу сўз ′кишилар яшайди—ган бўлди′ маъносини англатувчи **ьahala** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида асли ′қариндошлар′, ′оила′, ′рафиқа′ маъносини, шунингдек ′аҳоли′ маъносини ҳам англатади (АРС, 48); ўзбек тилида, ′аҳоли′ маъноси билан бирга (*маҳалла аҳли* каби), ′бир соҳа, касб ёки доира одамлари′ маъносини ҳам англатади: *илм аҳли* каби (ЎТИЛ, I, 69).

АҲМАД қ. **алҳамдулилло**

АҲМОҚ Бу арабча сўз **ьaĥmaqu** шаклига эга (АРС, 195); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** товушини ташлаб қабул қилинган, кейинчалик **қ** то—вуши олдидаги **а** товуши **â** товушига алмаштирилган: **ьaĥmaqu → аҳмâқ (аҳмоқ).** Бу сўз асли ′ақлини йўқатди′, ′тентак бўлди′ маъносини англатувчи **ĥamuqa** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), ′ақли норасо′, ′тентак′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 69).

АҲОЛИ Бу сўз арабча **аҳл** сўзининг (қ.) ′бирор жойда биргаликда яшовчи одамлар′ маъноси билан ҳо—сил қилинган кўплик шакли бўлиб, **ьaĥālin** шаклига эга (АРС, 48), ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охири—даги **n** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьaĥālin → аҳâли (аҳоли)**; ўзбек тилида ′маълум бир маконда турғун яшовчи одамлар′ маъносини англатади: *шаҳар аҳолиси, аҳолини рўйхатга олиш* каби (ЎТИЛ, I, 70).

АҲРОР қ. **ҳур**

Б

БАРВАҚТ Бу сўз тожик тилида арабча **вақт** сўзига (қ.) **бар-** предлогини қўшиб тузилган (ТжРС, 45, 46), ′мўлжалдагидан олдин′, ′эртароқ′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 81).

БАДАЛ Бу арабча сўз **badal(un)** шаклига эга (АРС, 60); ′айирбошлади′, ′ўрнига ўрин берди′ маъносини англатувчи **badala** феълининг (АРС, 60) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), ′ўрнига ўрин бериладиган нарса′ маъносини англатади; кейинчалик бу сўз ′ташкилотга

www.ziyouz.com kutubxonasi

аъзолик тўлови′ (взнос) маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 70). **Бадал** сўзи эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

БАДАН Бу арабча сўз **badan(un)** шаклига эга (АРС, 61); ′жуссали бўлди′ маъносини англатувчи **baduna** феълининг (АРС, 61) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), ′кишининг танаси яхлитлигича′ маъносини англатади; шу маъно асосида **бадантарбия** (′физкультура′) қўшма сўзи тузилган. **Бадан** сўзи кейинчалик ′тананинг сирти′ маъносини ҳам англата бошлаган: *Баданим жимирлаб кетди* (ЎТИЛ, I, 70).

БАДАНТАРБИЙА *қ.* **бадан**

БАДИИЙ Бу арабча сўз **badīъiyy(un)** шаклига эга (АРС, 60); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **йй** товушиларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **badīъiyy → бадиий.** Бу сўз асли **badaъa** феълининг ′яратди′, ′янгилик киритди′ маъносидан ҳосил қилинган **badъ(un)** масдаридан (АРС, 60) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ′юксак дид ва маҳорат билан яратилган′, ′нафис′ каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 71).

БАДИИЙАТ Бу арабча сўз ′яратди′, ′янгилик киритди′ маъносини англатувчи **badaъa** феълининг **badъ(un)** масдаридан (АРС, 60) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), асли **badъiyyat** шаклига эга бўлиши лозим, лекин амалиётда айн товуши ўзидан кейинги унлининг таъсирида **и** унлисига алмаштирилган, бир **й** ундоши ташланган: **badъiyyat → бадиийат (бадиият).** Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди, асли ′бадиийлик′ каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 71).

БАЙ Бу арабча сўз **bauъ(un)** шаклига эга (АРС, 95); ўзбек тилига сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **bauъ → бай.** Тожик тилида бу сўз таркибидаги ҳамза товуши **ъ** белгиси билан ёзиб кўрсатилган: **байъ** (ТжРС, 43). **Бай** сўзи асли ′савдо-сотиқ билан шуғулланди′ маъносини англатувчи **bāъa** феълининг (АРС, 95) масдари бўлиб, ′савдо-сотиқда нарх бўйича,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишга ёллашда ишҳақи бўйича келишув′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 73). Бу сўз **ишбай** (қ.), **кунбай** (қ.), **соатбай** (қ.) қўшма сўзларининг иккинчи қисми сифатида қатнашади. **Бай** сўзидан **-лаш** қўшимчаси билан **байлаш-** феъли (қ.) ясалган.

БАЙЛАШ- Бу сўз арабча **бай** сўзига (қ.) **-лаш** қўшимчасини қўшиб ўзбек тилида ясалган; ′нарх белгилаш бўйича тортиш-′, ′нарх бўйича келиш-′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 73).

БАЙНАЛМИЛАЛ Бундай сўз АРСда берилмаган, ТжРСда (43), ПРСда (84) келтирилган. Бу сўз асли арабча ′ора′ маъносини англатувчи **bayna** сўзи (АРС, 96; Бу сўз тожик тилида мустақил ҳолатда ишлатилади), **al** аниқлик артикли ва **милал** сўзидан тузилган. **Милал** сўзи **миллат** сўзининг (қ.) кўплик шаклига тенг (АРС, 763); шунга кўра **байналмилал** сўзи асли ′миллатлараро′ маъносини англатади; демак, *байналмилал алоқа* каби бирикма тузишдан кўра *миллатлараро алоқа* каби бирикма тузиб ишлатиш афзал; лекин *байналмилал тарбия* ўрнига *миллатлараро тарбия* бирикмасини ишлатиб бўлмайди. **Байналмилал** сўзидан **-чилик** қўшимчаси билан **байналмилалчилик** мавҳум оти ясалган, бу сўз ′интернационализм′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 73).

БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК *қ.* **байналмилал**

БАЙОН Бу арабча сўз **bayān(un)** шаклига эга (АРС, 96); ўзбек тилига чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **bayān → байân (баён).** Бу сўз асли ′очиқ-ойлин бўлди′ маъносини англатувчи **bāna**[2] феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АРС, 96), араб тилида ′аниқлик киритувчи изоҳ′ каби маънони, ўзбек тилида эса ′маълум бир фикр-мулоҳазаларнинг изҳори′ маъносини англатади. Кейинчалик ′мактабда ўтказилаган ёзма иш′ маъносини ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 72).

БАЙОННОМА Бу сўз арабча **байон** сўзига (қ.) ′хат′ маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини (ТжРС, 271) қўшиб тузилган; ′бирор масала юзасидан расмий ёзма тушунтириш′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 72).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАЙОНОТ Бу сўз арабча **байон** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АРС, 96), 'томонларнинг маълум масала бўйича фикр-мулоҳазалари акс эттирилган расмий ҳужжат' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 72).

БАЙТ I Бу арабча сўз **bayt(un)** шаклига эга (АРС, 93); 'кечаси яшайдиган жойда бўлди' маъносини англатувчи **bāta** феълининг (АРС, 93) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 577), 'уй', 'яшаш учун хизмат қиладиган пана жой' маъносини англатади (АРС, 93). Ўзбек тилида бу сўз мустақил ишлатилмайди, **байтулмол** сўзи (қ.) таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 74).

БАЙТ II Бу арабча сўз **bayt(un)** шаклига эга (АРС, 93); араб тилида 'шеър' маъносини, ўзбек тилида эса 'шеърнинг ўзаро боғлиқ икки мисраси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 74); **байт II** сўзи **байт I** сўзидан маъно тараққиёти асосида ўсиб чиққан: 'уй' → 'кичик бир уяни ташкил этувчи икки мисра'.

БАЙТАЛМОН қ. **байтулмол**

БАЙТУЛМОЛ Бу арабча бирикма **bayt al māl** (талаффузда **baytulmāl**) шаклига эга (АРС, 94); бу бирикма ўзбек тилида бир сўзга бирлашган (ЎТИЛ, I, 74); ўзбек сўзлашув нутқида иккинчи бўғиндаги **u** унлиси **a** унлисига, учинчи бўғиндаги чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига, сўз охиридаги **л** ундоши **н** ундошига алмаштирилган: **baytulmāl → байталмâн (байталмон). Байтулмол** сўзи араб тилида асли 'давлат ихтиёрига ўтадиган мол тўпланадиган бино', 'хазина' маъносини англатади (АРС, 94); ўзбек тилида бу сўз аёллар нутқида **байталмон** тарзида талаффуз қилиниб, кесатиқ билан 'хазина ихтиёрига ўтган мол', 'эгасиз мол' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 74).

БАЙТ-У ҒАЗАЛ ЎҚИ- Бу турғун бирикма **байт II** (қ.) ва **ғазал** (қ.) сўзлари билан тузилган жуфт сўзни **ўқи-** феълига боғлаб ҳосил қилинган; 'маъқул бўлмайдиган, қулоққа ёқмайдиган сўзларни узоқ гапир-' каби кўчма маънони англатади (ЎТИЛ, I, 74).

БАЗЗОЗ Бу арабча сўз **bazzāz(un)** шаклига эга (АРС, 69); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **bazzāz → баззâз (баззоз).** Бу сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўпмаъноли **bazza** феълининг ′тўқиди′ маъносидан ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 240), асли ′мато (бўз) тўқувчи′ маъносини англатган, кейинчалик ′мато сотиш билан шуғулланувчи′ маъноси юзага келган (ЎТИЛ, I, 72).

БАКИР қ. **бокира**

БАЛО I Бу арабча сўз **balāъ(un)** шаклига эга (АРС, 85); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **balāъ → balâ (бало).** Бу сўз асли **balā** феълининг ′азоб берди′, ′қийнади′ маъносидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АРС, 85), араб тилида ′қийноқ′, ′бахтсизлик′ каби маънони, ўзбек тилида эса ′кулфат′, ′офат′, ′фалокат′ каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 76).

БАЛО II Бу сўз ўзбек сўзлашув тилида арабча **бало I** сўзидан маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан: ′ҳар нарсага қодир′ → ′уддабурон′, ′пишиқ иш қиладиган′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 76).

БАЛО-БАТТАР Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **бало I** оти (′ҳар хил нотайин нарсалар′ маъноси билан) ва ′ёмон′ маъносини англатувчи тожикча **бад** сифатидан (ТжРС, 39) тузилган **балойи бад** изофа бирикмаси бўлиб, ′ҳар хил нокерак, арзимас нарсалар′ маъносини англатади; кейинчалик сўзлашув тилида **бад** сифати **бадтар** қиёсий даража шаклига, **д** товуши ўзидан кейин келган жарангсиз товуш таъсирида **т** товушига алмаштирилган, **-йи** изофаси ташланиб, жуфт сўзга тенглаштирилган: **балойи бад → балойи бадтар → балойи баттар → бало-баттар** (ЎТИЛ, I, 77).

БАЛОГАРДОН Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб, асли арабча **бало I** сўзига (қ.) ′қайтар-′ маъносини англатувчи тожикча **гардон(и)дан** феълининг **гардон** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 99) қўшиб тузилган; ′бало-офатни қайтарувчи′, ′бало-офатдан сақловчи′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 77).

БАЛОДАЙ ‖ БАЛОДЕК Бу равиш сўзлашув тилида **бало II** сўзидан (қ.) ўхшатиш маъносини ифодаловчи **-дай ‖ -дек** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; асли

www.ziyouz.com kutubxonasi

'уддабурога ўхшаб', кейинчалик эса 'туппа-тузук' маъносини англатишга хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, I, 77).

БАЛО-ОФАТ Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **бало I** (қ.) ва **офат (қ.)** сўзларидан тузилган, 'турли офат ва кулфатлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 77). Изоҳли луғатда бу жуфт сўзнинг **-ю** боғловчиси қатнашган кўриниши ҳам келтирилган, лекин боғловчи жуфт сўзнинг биринчи қисмига қўшиб ёзилган, асли чизиқча билан ёзиш тўғри.

БАЛОХЎР Бу сўз тожик тилида арабча **бало I** сўзига (қ.) 'еб-ич-' маъносини англатувчи тожикча **хўрдан** феълининг **хўр** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 44) қўшиб тузилган; тожик тилида асли 'ўғирлик молларни олиб сотувчи' маъносини англатган, кейинчалик шу маъно асосида 'бировнинг ҳақини еб кетувчи', 'ҳаром-хўр' маънолари юзага келган (ТжРС, 44, ЎТИЛ, I, 77).

БАЛО-ҚАЗО Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **бало I** (қ.) ва **қазо** (қ.) сўзларидан тузилган, 'турли офатлар ва кулфатлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 77). Изоҳли луғатда бу жуфт сўз қисмлари оралиғига чизиқча қўйилмай қолибди; шу жуфт сўзнинг иккинчи шакли **балойи қазо** тарзида келтирилгани хато: жуфт сўз изофа бирикмасига айлантириб қўйилган; ваҳоланки изофадан эмас, **-ю** боғловчисидан фойдаланиш лозим эди: **бало-ю қазо** каби.

БАЛОҒАТ Бу арабча сўз **balāġat(un)** шаклига эга (АРС, 84); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **balāġat → балâғат (балоғат).** Бу сўз асли кўпмаъноли **balaġa** феълининг 'вояга етди' маъносидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'сўз ишлатишдаги етиклик' маъносини англатади (АРС, 84); ўзбек тилида бу сўз 'жисмоний жиҳатдан вояга етиш' маъносини англатишга хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, I, 77).

БАЛҒАМ ЎТИЛда арабча деб берилган бу от сўз **balġam(un)** шаклига эга бўлиб, 'ўпкада, нафас йўлида ҳосил бўладиган кўкиш рангли шиллиқ' маъносини англатади (АРС, 85; ЎТИЛ, I, 77).

БАЛҒАМИ Бу сўз **балғам** сўзидан 'кўкиш' маъно

www.ziyouz.com kutubxonasi

узви асосида **-и** қўшимчаси билан тожик тилида ясалган сифат бўлиб, асли 'балғам рангидаги' маъносини, кейинчалик бевосита 'кўкиш' маъносини англатишга хизмат қилдирилган (ТжРС, 44; ЎТИЛ, I, 77).

БАРАКА Бу арабча сўз **barakat(un)** шаклига эга (АРС, 67); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **barakat → барака.** Бу сўз асли кўпмаъноли **baraka** феълининг 'Олло эҳсон қилди', 'тўкин-сочинлик бўлди' маъносидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'Оллонинг эҳсони', 'тўкин-сочинлик' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 80). Бу сўз ўзбек тилида 'қўшоқ кўсак', 'қўшоқ мева' маъносини англатишга ҳам хизмат қилдирилган (қўшоқлик баракадан дарак беради деб қаралади). Ўзбек тилида **барака** сўзидан **баракали, баракасиз, бебарака** сифатлари ясалган (ЎТИЛ, I, 80).

БАРАКАЛЛА Бу арабча сўз **baraka** феълининг 'бирор ишни бажаришга фотиҳа берди' маъносини англатувчи III боб шакли **bāraka** сўзи билан **Allahu** сўзидан таркиб топган бўлиб, асли 'Оллонинг хайр-эҳсони ёр бўлсин' маъносини англатган (АРС, 67), кейинчалик маъно тараққиёти натижасида қўллаб-қувватлашни, мамнунликни ифодаловчи ундов сўзга айланган (ТжРС, 79); ўзбек тилига биринчи бўғиндаги чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб, биринчи сўз охиридаги ва иккинчи сўз бошланишидаги **аа** унлиларини бир **а** унлисига бирлаштириб, **hu** кишилик олмошини ташлаб қабул қилинган: **bāraka Allahu → баракалла** (ЎТИЛ, I, 80). Тожик тилига бу сўз аслига яқинроқ **боракалло** шаклида қабул қилинган (ТжРС, 79).

БАРАКАЛИ қ. **барака**

БАРАКАСИЗ қ. **барака**

БАРКАМОЛ Бу сўз тожик тилида арабча **камол** сўзига (қ.) тожикча **бар-** олд қўшимчасини қўшиб ясалган (ТжРС, 47, 544); 'камолга эришган', 'ҳар жиҳатдан етик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 82). Бу сўздан ўзбек тилида **баркамоллик** мавҳум оти ясалган.

БАРОТ Бу арабча сўз **barāʾat(un)** шаклига эга (АРС, 63); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириб, шу унлидан кейин келган фатҳали айнни ташлаб қабул қилинган: **barāʾat → barât (барот).** Бу сўз асли ʻгуноҳдан халос бўлдиʼ, ʻпокландиʼ маъносини англатувчи **barīʾa**[1] феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 142), асли ʻгуноҳсизликʼ, ʻпокликʼ каби маънони англатади (АРС, 63). Бу сўз ʻпокланишʼ, ʻтозаланишʼ маъноси билан қамария йил ҳисобидаги саккизинчи (шаъбан) ойига ном сифатида ишлатилади: ҳайитдан олдин келадиган бу ойда покланиш, озодаланиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинади; халқ тўқиган қуйидаги мисраларда ҳам бундай саъй-ҳаракатга ундаш ўз аксини топган: *Ой-ойи, барот ойи, барот келди, билдингизми, идиш-товоқ ювдингизми? Идиш-товоқ ювган жойингиз-да дуойи салом қилдингизми?* **Барот** сўзи эркак киши-нинг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

БАРТАРАФ: Бу сўз ёлғиз ўзи ишлатилмайди, **бартараф бўл-, бартараф қил-** феъллари таркибида қатна-шади. Асли бу сўз тожик тилида арабча **тараф** сўзига (қ.) **бар** предлогини қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 45, 49); ўзбек тилида бу феъллар ʻномақбул нарсани, тў-сиқни йўқ қил-ʼ, ʻномақбул нарса, тўсиқ йўқ қилиндиʼ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 83).

БАРҚАРОР Бу сўз тожик тилида арабча **қарор** сўзи (қ.) олдига **бар** предлогини қўшиб тузилган (ТжРС, 50, 45); 'қатъий қарор топган', 'мустаҳкам ўрин олган' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 83). Бу сўздан ўзбек тилида **барқарорлик** мавҳум оти ясалган.

БАРҚ УРИБ Бу турғун бирикма арабча **барқ** сўзи билан **ур-** феълидан тузилган бўлиб, **-б** равишдош шаклида ишлатилади, ʻтез ва яйраб-яшнабʼ каби равиш маъносини англатади, асосан **ўс-** феълига боғланади (ЎТИЛ, I, 83). Ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишла-тилмайдиган **барқ** сўзи асли ʻчақнадиʼ, ʻярақладиʼ маъ-носини англатувчи **baraqa** феълининг (АРС, 66) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ʻчақмоқʼ, ʻяшинʼ маъносини англатади; шунга кўра **барқ уриб** бирикмаси асли ʻчақмоқ чақибʼ маъносини англатади, ʻтез ва яйраб-яшнабʼ маъноси шу маънодан ўсиб чиққан.

БАС БОЙЛАШ- *қ.* **баҳс**

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАСИР Бу арабча сўз **baṣīr(un)** шаклига эга (АРС, 74); ўзбек тилига сад товушини **с** товушига, чўзиқ **ī** товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **baṣīr → басир.** Бу сўз асли 'кўрди', 'назари тушди' маъносини англатувчи **baṣīra** феълидан (АРС, 73) **faъīl(un)** вазнида ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'кўзининг кўриш қуввати яхши' маъносини англатади (АРС, 74). Бу сўз ТжРСга (50), ПРСга (69) шундай маъноли сўз сифатида киритилган. ЎТИЛда ҳам (I, 83) бу сўз асли 'кўрувчи', 'кўрадиган' маъносини англатиши қавслар ичида таъкидланган, лекин амалиётда бу сўз 'кўр', 'сўқир' маъносини англатиши айтилган. Бундай ҳолат аёллар нутқида учрайдиган **басир бўлгур** каби тескари қарғишнинг таъсирида воқе бўлгандир: 'кўрадиган бўлгўр'ни тескари тушуниш оқибатида 'кўрмайдиган бўлгур' маъноси юзага келган ва шу асосда **басир** сўзига 'кўр' маъносини бириктириш юз берган.

БАТАМОМ Бу сўз арабча **тамом** сўзининг тожикча **ба** предлоги билан ишлатилган шакли бўлиб (**ба тамом**), кейинчалик шаклан яхлитланган (**батамом**), маъно тараққиёти натижасида 'бутунлай' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, I, 84).

БАТТОЛ Бу арабча сўз **battāl(un)** шаклига эга (АРС, 76); ўзбек тилига итқи товушларини **т** товушларига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **battāl → баттâл (баттол).** Бу сўз асли 'пуч бўлди', 'сохта бўлди', 'ишсиз бўлди' каби маъноларни англатувчи **batala** феълидан ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 240), 'беиш', 'ҳавойи', 'бадкирдор' каби маъноларни англатади (АРС, 76); ўзбек тилида бу сўз билан 'бадкирдор', 'ўжар', 'қўрс' каби маънолар англатилади (ЎТИЛ, I, 85).

БАШАР Бу арабча сўз **baṣar(un)** шаклига эга (АРС, 72). Бу сўз асли 'яхшилик воқе бўлишини сезди', 'сезинди' маъносини англатувчи **baṣira** || **baṣara**[2] феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'инсон', 'одам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 87).

БАШАРА Бу арабча сўз **baṣarat(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 72); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини таш— лаб қабул қилинган: **başarat → башара.** Бу сўз асли ′пўстини (терисини) шилди′ маъносини англатувчи **başara**[1] феълидан (АРС, 72) ҳосил қилинган I боб мас— дари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида ′тери′, ′пўст′ маъносини англатади; ўзбек тилида бу сўз билан ′кишининг юз кўриниши′, ′қиёфа′ маъноси англатилади (ЎТИЛ, I, 87).

БАШАРИЙАТ Бу арабча сўз **başariyyat(un)** шаклига эга (АРС, 72); ўзбек тилига сўз ичидаги **уу** товушлари— дан бирини ташлаб қабул қилинган: **başariyyat → ба— шарийат (башарият).** Бу сўз **башар** сўзидан (қ.) **–iy— yat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), ′инсоният′, ′одамзод′ маъноcини англатади (ЎТИЛ, I, 87).

БАШОРАТ Бу сўз АРСда (72) **bişārat(un)** тарзида, ТжРСда (52), ПРСда (69), ЎТИЛда (I, 87) **başārat** тарзида ёзилган; асли ′яхшилик воқе бўлишини сезди′ маъно— сини англатувчи **başira** || **başara**[2] феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 42), ′хушхабар′, ′нимадир воқе бўлишини олдиндан айтиш′ каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 87). Бу сўз ўзбек тилида аёл киши— нинг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

БАЪДАЗ Бу сўз асли ′кейин′, ′кейинги навбатда′ маъносини англатувчи арабча **баъд** сўзига тожикча кўпмаъноли **аз** предлогини (ТжРС, 19) қўшиб юбориш натижасида юзага келган бўлиб, ′шундан кейин′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 87). Бу сўз **Аввал таом, баъд аз калом** тожикча ибораси таркибида қатнашиб, дастлаб **баъд аз** тарзида ажратиб ёзилган, кейинчалик ўзбек тилида **баъдаз** тарзида қўшиб юборилган. **Баъд** сўзи асли ′нарироқ ерда турди′ маъносини англатувчи **baъuda** феълидан (АРС, 78) ҳосил қилинган равиш бў— либ, **baъdu** шаклига эга (АРС, 78); ўзбек тилига сукунли айн товуши ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, **u** ун— лисини ташлаб қабул қилинган: **baъdu – баъд.**

БАЪЗАН Бу арабча сўз **baъđan** шаклига эга, ′қисм′ маъносини англатувчи **baъd(un)** сўзининг (АРС, 79) ту— шум келишиги шаклига тенг; шу келишик шаклида

www.ziyouz.com kutubxonasi

'баъзи вақтларда', 'айрим ҳолларда' каби маънони англатувчи равишга айланган (УАЯ, 187; ЎТИЛ, I, 87); **баъđ(un)** сўзи эса 'қисмларга ажратди' маъносини англатувчи **баъđа** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида 'қисм', 'кимдир' каби маъноларни англатади (АРС, 79).

БАЪЗИ Бу сўз тожик тилида арабча **баъз(ун)** сўзига ноаниқлик маъносини ифодаловчи **-е** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 537); ўзбек тилида сўзнинг иккинчи ва кейинги бўғинида **е (э)** унлисининг келмаслиги қоидасига биноан иккинчи бўғиндаги **э** унлиси **и** унлисига алмаштирилган. Бу сўз 'айрим' маъносини англатади; ноаниқлик маъносини кучайтириш мақсадида **бир** сўзидан ҳам фойдаланилади: **баъзи бир** (ЎТИЛ, I, 87).

БАЪЗИДА Бу сўз ўзбекча **баъзи вақтларда** бирикмаси таркибидаги **вақтлар** қисмини ташлаш оқибатида юзага келган: **баъзи вақтларда → баъзи[вақтлар]да → баъзида;** шунга кўра 'айрим пайтларда' маъносини билдиради (ЎТИЛ, I, 87).

БАҚҚОЛ Бу арабча сўз **baqqāl(un)** шаклига эга (АРС, 80); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **baqqāl(un) → баққâл (баққол);** сўзлашув тилида бу сўз **боққол** тарзида ҳам талаффуз қилинади. **Баққол** сўзи 'кўкат, сабзавот йиғди' маъносини англатувчи **baqqala** феълидан (АРС, 80) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 499), асли 'сабзавот сотувчи' маъносини, кейинчалик 'турли рўзғорбоп озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи' маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 89). Тарихан бу сўздан ўзбек тилида **баққоллик, баққолчилик** отлари ясалган. Ҳозирги кунда турли майда-чуйда билан савдо қилаётган тадбиркорларни шу сўз билан номлаш мумкин.

БАҲОЛИ ҚУДРАТ қ. **баҳол-у қудрат**

БАҲОЛ-У ҚУДРАТ Бу бирикма тожикча **ба** предлоги, арабча **ҳол** (қ.), **қудрат** (қ.) сўзлари ва **-у** боғловчисидан таркиб топган бўлиб, 'имконияти даражасида', 'қурби етганича' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 90). Бу бирикмани **баҳоли қудрат** тарзида изофа бирикма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сига айлантириб ёзиш ўринли эмас.

БАҲР I Бу арабча сўз **baḥr(un)** шаклига эга (АРС, 57); ўзбек тилига ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб қабул қилинган: **baḥr → баҳр.** Бу сўз асли кўпмаъноли **baḥira** феълининг 'катта сувга томон кетди' маъносидан ҳосил қилинган (АРС, 57) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'денгиз' маъносини англатади (АРС, 57; ЎТИЛ, I, 91). **Баҳр I** сўзи ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди. Шу сўздан ясалган **Баҳри** сўзи аёл кишининг атоқли оти бўлиб келади. **Баҳри баҳр** отидан тожик тилида **-ӣ** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 542, 54), ўзбек тилига **ӣ** унлисининг чўзиқлик белгисини ташлаб қабул қилинган: **баҳрӣ → баҳри;** асли 'денгизга доир' маъносини англатади.

БАҲР II Бу арабча сўз **baḥr(un)** шаклига эга (АРС, 57); ўзбек тилига ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб қабул қилинган: **baḥr → баҳр.** Бу сўз асли 'ҳайратланди' маъносини англатувчи **baḥira** феълининг (АРС, 57) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), кўчма маъноларидан бирида 'арузнинг 19 вазнидан ҳар бири' маъносини англатувчи адабиётшунослик термини сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 91).

БАҲРИ қ. **баҳр I**

БАҲС Бу арабча сўз **baḥš(un)** шаклига эга (АРС, 56); ўзбек тилига ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига, се товушини **с** товушига алмаштириб қабул қилинган: **baḥš → баҳс.** Бу сўз кўпмаъноли **bahaša** феълининг 'муҳокама қилди' маъносидан ҳосил қилинган (АРС, 56) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'бирор нарса тўғрисида мунозара тарзида фикр юритиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 91). **Баҳс** сўзи асосан **баҳс боғлаш-** бирикмаси таркибида қатнашади; бу бирикма кўпинча **бас бойлаш-** тарзида талаффуз қилинади ва 'гаров ўйнаб тортиш-' маъносини англатади. Ўзбек тилида **баҳс** сўзидан **-лаш** қўшимчаси билан **баҳслаш-** феъли ясалган.

БЕБАРАКА қ. **барака**

БЕВАФО Бу сўз тожик тилида арабча **вафо** сўзидан (қ.) инкор маъносини ифодаловчи **бе-** қўшимчаси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳосил қилинган сифат бўлиб, 'вафоси йўқ', 'содиқлиги йўқ' маъносини англатади (ТжРС, 56; ЎТИЛ, I, 93). Бу сўздан ўзбек тилида **-лик** қўшимчаси билан **бевафолик** мавҳум оти ясалган.

БЕВОСИТА Бу сўз тожик тилида арабча **восита** сўзига (қ.) тожикча инкор маъносини ифодаловчи **бе-** олд қўшимчасини қўшиб ясалган (ТжРС, 56); 'восита сифатида ҳеч нарса қатнашмаган ҳолда, тўғридан-тўғри' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 93).

БЕМАЛОЛ Бу сўз тожик тилида арабча **малол** сўзига (қ. **малол келди**) инкор маъносини ифодаловчи тожикча **бе-** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 60); 'малол келса керак деб ийманмай', 'ўзини эркин тутиб' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 101).

БЕМАЪНИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **маъни** сўзига (қ.) инкор маъносини ифодаловчи тожикча **бе-** қўшимчасини қўшиб ясалган сифат бўлиб, 'бўлмағур', 'беҳуда' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 101). Бу сўздан ўзбек тилида **бемаънилик, бемаънигарчилик** мавҳум отлари ясалган бўлиб, 'бўлмағур, ножўя хатти-ҳаракатлар' маъносини англатади.

БЕМАЪНИГАРЧИЛИК *қ.* **бемаъни**

БЕМИННАТ *қ.* **миннат**

БЕНИҲОЙА[Т] Бу сўз тожик тилида арабча **ниҳойа[т]** сўзига (қ.) инкор маъносини ифодаловчи **бе-** қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб (ТжРС, 62), 'ғоят даражада', 'беҳад' каби кучайтириш маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 102).

БЕРАҲМ *қ.* **раҳм**

БЕТАКАЛЛУФ Бу сўз тожик тилида арабча **такаллуф** сўзи (қ.) олдига инкор маъносини ифодаловчи **бе-** қўшимчасини қўшиб ясалган (ТжРС, 54, 65); ўзбек тилида 'такаллуф кутмай', 'такаллуф кўрсатилишини истамай' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 106).

БЕТАВФИҚ *қ.* **тавфиқ**

БЕҚАРОР Бу сўз тожик тилида арабча **қарор** сўзи (қ.) олдига **бе-** қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб (ТжРС, 69, 54), 'қарор топмаган', 'ўзгарувчан' каби

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънони англатади (ЎТИЛ, I, 109). Бу сўздан ўзбек тилида **беқарорлик** мавҳум оти ясалган бўлиб, 'ўзгарувчанлик', 'турғунликнинг йўқлиги' маъносини англатади.

БЕҒУБОР Бу сўз тожик тилида арабча **ғубор** сўзига (қ.) **бе-** қўшимчасини қўшиб ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 544, 480, 69), 'гардсиз', 'тоза' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 109).

БЕХАБАР *қ.* **хабарсиз**

БИДЪАТ Бу арабча сўз **bidъat(un)** шаклига эга (АРС, 60); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига алмаштириб, сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **bidъat → бидъат.** Бу сўз 'яратди', 'янгилик киритди', 'ўйлаб чиқарди' каби маънони англатувчи **badaъa** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 143), асли 'янгилик' маъносини англатади (АРС, 60); дин ақидаларига янгилик киритиш йўлидаги уринишларни қоралаш асосида бу сўз 'дин ақидаларига хилоф янгилик' маъносини англата бошлаган, ўзбек тилига шу маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 111); Кейинчалик 'эскирган урф-одат' маъноси ҳам юзага келган.

БИДЪАТКОР Бу сўз тожик тилида арабча **бидъат** сўзига (қ.) 'қил-' маъносини англатувчи тожикча **кардан** феълининг **кор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 182, 192, 71), 'диний ақидаларни ноўрин ислоҳ қилиш, динга ноўрин янгилик киритиш тарафдори' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 111).

БИДЪАТЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **бидъат** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'эскирган урф-одатларга берилган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 111).

БИЛЛОҲ *қ.* **илло-билло**

БИЛЪАКС Бу арабча сўз асли **bi** предлоги (АРС, 52), **al** аниқлик артикли (АРС, 30), **ъaks** сўзидан (қ.) таркиб топган; талаффузда **bi al** қисмлари таркибидаги унлилар сингишиб, **bil** шаклини олади; ўзбек тилида **bil** ва **ъaks** қисмлари бир сўзга бирлашган, фатҳали айн товушини **а** унлисига алмаштириб, ундан олдин **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **bi al ъaks → bil ъaks → билъакс;** 'аксинча' маъносини англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, I, 115).

БИН қ. **ибн**

БИНО Бу арабча сўз **bināь(un)** шаклига эга (АРС, 88); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаш— тириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **bināь → бинâ (бино).** Бу сўз кўпмаъноли **bānā** феълининг 'қурди' маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АРС, 87), араб тилида 'қуриш жараёни', 'қурилиш', 'иморат' маъноларини, ўзбек тилида эса 'иморат' маъносини англатади (АРС, 88; ЎТИЛ, I, 115). Бу сўз билан ўзбек тилида **бино бўл-** ('қурил-', 'яратил-'), **бино қил-** ('қур-', 'ярат-') қўшма феъллари тузилган. ЎТИЛда арабча **бино** сўзи изоҳланган мақолага ромба ишорати билан **бино қўй- , ўзига бино қўй-** иборалари нотўғри киритилган: бу иборалар таркибида 'қара-', 'кўр-' маъносини англатувчи тожикча **дидан** феълининг **бин** ҳозирги замон асосидан ҳосил қилинган **бино** сўзи қатнашади.

БИНОАН Бу арабча сўз **bināьan** шаклига эга (АРС, 88); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаш— тириб, ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **bināьan → бинâан (биноан).** Бу сўз кўпмаъноли **bānā** феълидан 'асосланди' маъноси билан ҳосил қилинган **bināь** мас— даринг тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), 'асосида' маъносини англатишга хизмат қилади, кейинчалик маъно тараққиёти натижасида 'мувофиқ', 'кўра' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 116; АРС, 88; **bināьan ala ...** на основании ...).

БИНОКОР Бу сўз тожик тилида арабча **бино** сўзига (қ.) тожикча **коштан** феълининг ҳозирги замон асоси **кор** қисмини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 195, 72), 'бино бунёд қилувчи', 'бино қурувчи' маъносини англатади. **Коштан** феъли асли 'эк-', 'уруғ сеп-' маъно— сини англатади (ТжРС, 195), бинокор ҳам бир қанча биноларни бунёд қилиши ('экиши') назарда тутилади. Ўзбек тилида **бинокор** сўзидан **бинокорлик** сўзи ясалган.

БИСМИЛЛО(Ҳ) Бу арабча сўз бирор ишни бажа— ришга киришиш олдидан мусулмон киши айтадиган **бисмиллоҳир раҳмонир раҳими** иборасининг қисқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўриниши бўлиб, арабча 'билан' маъносини ифодаловчи **bi** предлоги (АРС, 52), 'ном' маъносини англатувчи **ьism(un)** сўзи (АРС, 41), **al** аниқлик артикли (АРС, 39) ва **ьallāhu** сўзидан таркиб топган, асли 'Оллоҳнинг номи билан' маъносини англатади. Бу қисмларни бир сўзга бирлаштириш жараёнида **би** предлоги охиридаги ва **исм** сўзи бошланишидаги унлилар бир **и** унлисига сингишган, **ал** аниқлик артикли бошланишидаги **а** унлиси **и** унлисига алмашган, **Аллоҳу** сўзи бошланишидаги фатҳали ҳамза **â** унлисига алмашган, ниҳоят, сўз охиридаги **у** қисми ташланиб, ундан олдинги **ҳ** товуши ҳам талаффуз қилинмайдиган бўлган: **би + исм = бисм + ал = бисмил + Аллоҳу → бисмиллаҳу → бисмилâҳ → бисмиллâ (бисмилло).** Бу иборанинг тўлиқ кўриниши — даги **раҳмон** (қ.), **раҳӣм** (қ.) сўзлари Оллога нисбат бериладиган 99 фазилатдан бирининг номи бўлиб, бу ибора таркибида аниқлик артикли билан ишлатилган ва араб тилига хос товуш ўзгариши қоидасига биноан **ар-раҳмāн, арраҳӣми** шаклини олган; бу сўзларни ўзаро ва олдинги сўз билан биргаликда талаффуз қилишда аниқлик артикли олдинги сўзга қўшиб ёзилади; **бисмиллāҳир раҳмāнир раҳӣми** каби; ўзбек тилида **ар-раҳмāн** сўзининг учинчи бўғинидаги чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига, **арраҳӣми** сўзи таркибидаги чўзиқ **ӣ** унлиси **и** унлисига алмаштирилган, ниҳоят, сўз охиридаги **-и** келишик қўшимчаси талаффуз қилинмай қўйган.

БИСОТ Бу арабча сўз **bisāt(un)** шаклига эга (АРС, 71); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **bisāt → бисâт (бисот).** Бу сўз кўпмаъноли **basata** феълининг 'ёйди' маъносидан ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), араб тилида 'гилам' маъносини англатади (АРС, 71); кейинчалик бу сўзнинг маъносида кенгайиш воқе бўлиб, ўзбек тилида 'оилага мансуб мол-дунё' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 121).

БОБ Бу арабча сўз **bāb(un)** шаклига эга (АРС, 90); 'қисмларга ажратди' маъносини англатувчи **bavaba** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АРС, 90), асли

www.ziyouz.com kutubxonasi

'бўлак', 'парча' маъносини англатади; маъно тараққиёти (ёзма асарга кўчириш) натижасида 'асарнинг нисбатан мустақил қисми' каби маънони англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 124).

БОЖ Бу арабча сўз **ваъҫ(un)** шаклига эга (АРС, 78); ўзбек тилига **а** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўнгги ундошни ташлаб қабул қилинган: **ваъҫ → бâж (бож).** Бу сўз 'ичини очди' маъносини англатувчи **ваъаҫа** феълининг (АТГ, 78) I боб масдари бўлиб (АРТ, 142), ўзбек тилида 'чет давлатдан келтириладиган мол юзасидан олинадиган маблағ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 125). Бу сўз асли 'чет давлатдан келтирилаётган молни кўрикдан ўтказиш' маъносини англатган, ҳозирги маъноси кейин юзага келган.

БОЖХОНА Бу сўз арабча **бож** (қ.) ва тожикча **хона** ('уй') сўзларидан тузилган бўлиб, 'бож олинадиган жой, идора' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 126).

БОИС Бу арабча сўз **бāъиš(un)** шаклига эга (АРС, 77); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали айн товушни **и** товушига, се (**š**) товушини **с** товушига алмаштириб қабул қилинган: **бāъиš → бâис (боис).** Бу сўз асли кўпмаъноли **бāъаša** феълининг 'бирор ишнинг амалга оширилишига туртки берди' маъносидан ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'сабаб бўлган', 'сабабчи' маъносини англатиб, кейинчалик тўғридан-тўғри 'сабаб' маъносини англата бошлаган (АРС, 77; ЎТИЛ, I, 126), **Боис** сўзи ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

БОКИРА Бу арабча сўз **bākirat(un)** шаклига эга (АРС, 81); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **bākirat → bâkира (бокира).** Бу сўз асли 'эртаги бўлди' маъносини англатувчи **bakara** феълидан ҳосил қилиниб, 'эртаги', 'вақтидан олдин етилган' маъносини англатувчи аниқ нисбат сифатдоши **bākir(un)** сўзининг **-at(un)** қўшимчаси олган муаннас шаклига тенг (АТГ, 29); шунга кўра асли 'эрта етилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

мева', кейинроқ 'етилган иффатли қиз' маъноларини англатишга хизмат қилдирилган (АРС, 81; ТжРС, 77; ПРС, 57; ЎТИЛ, I, 127). Ўзбек тилида **bakara** феълидан ҳосил қилинган **bakīr(un)** сўзи ҳам (АРС, 82) мавжуд бўлиб, эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади; бу сўз **bakara** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), асли 'эртаги', 'эрта етилган' маъносини англатади; ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **bakīr → бакир.**

БОҚИ қ. **боқий**

БОҚИБЕҒАМ қ. **боқий**

БОҚИЙ Бу арабча сўз **bāqin** шаклига эга (АРС, 80); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **n** товушини ташлаб, **й** товушини қўшиб қабул қилинган: **bāqin → бâқий (боқий).** Бу сўз асли 'узоқ турди', 'узоқ сақланди' маъносини англатувчи **baqiā** феълидан (АРС, 80) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 150), 'абадий', 'мангу', 'доимий' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 141). Бу сифат **боқий дунё** ('нариги дунё') бирикмаси таркибида қатнашади; бу сўзни **боқи** шаклида тожикча **беғам** сўзи билан бирлаштириб, ўзбек тилида **боқибеғам** қўшма сўзи тузилган бўлиб, 'ўта даражада бепарво', 'тепса-тебранмас' маъносини англатади. **Боқий** сўзи **Боқи** шаклида эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади.

БОҚҚОЛ қ. **баққол**

БУРЖ Бу сўз арабча **burç(un)** шаклига эга бўлиб (АТГ, 64), бош маъносида 'бурчак'ни англатган; шу маънодан 'қалъанинг бурчагидаги баланд минора (қўриқхона)' маъноси юзага келган (АРС, 64), кейинчалик 'фазода қуёш йўли бўйлаб жойлашган 12 юлдузнинг жами ва ҳар бири', 'йилнинг 12дан бирига тенг вақт (ой)' маъноларини ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 150).

БЎЗ I Бу арабча сўз асли **bazz(un)** шаклига эга (АРС, 69); ўзбек тилига **a** унлисини **ў** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **zz** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **bazz → бўз.** Бу сўз асли кўпмаъноли **bazza** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АРС, 69),

www.ziyouz.com kutubxonasi

'хонаки дастгоҳда пахта ипидан тўқилган оқ-кулранг дағал мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 157).

БЎЗ II Бу сўз маъно тараққиёти натижасида арабча **бўз I** сўзидан (қ.) ўсиб чиққан: **бўз I** сўзи маъносидаги 'оқ-кулранг' узвини ажратиб олиб, бошқа узвларини ташлаш йўли билан ўзбек тилида шундай маъноли сифат юзага келган; асосан отнинг тусини билдиришда ишлатилади (ЎТИЛ, I, 157).

БЎЗ III Бу сўз маъно тараққиёти натижасида арабча **бўз I** сўзидан (қ.) ўсиб чиққан: **бўз I** сўзи маъносидаги 'дағал', 'ишлов берилмаган' узвини ажратиб олиб, қолган узвларини ташлаш йўли билан ўзбек тилида 'экин экилмай ётган' маъносини англатувчи сифат юзага келган; асосан **ер, жой** каби ўрин отларига сифатловчи бўлиб келади (ЎТИЛ, I, 157). Бу сўзни жойдан шундай жойда ўсадиган ўтга ном сифатида кўчириш йўли билан **бўз IV** оти ('чўлда ўсадиган ўтсимон ўсимлик', 'чалов') юзага келган (ЎТИЛ, I, 158). **Бўз III, бўз IV** сўзларидан ўзбек тилида **бўзлик I, бўзлик II** сўзлари ҳосил қилинган; **бўз III** сўзи билан **бўзтикан** қўшма сўзи тузилган.

БЎЗ IV *қ.* **бўз III**

БЎЗ V Бу сўз маъно тараққиёти натижасида арабча **бўз I** сўзидан (қ.) ўсиб чиққан: **бўз I** сўзи маъносидаги 'хонаки', 'дағал' узвларини ажратиб олиб, қолган узвларини ташлаш йўли билан ўзбек тилида 'турмуш ачиқ-чучукларини бошидан кечирмаган', 'чиниқмаган', 'чуқур мулоҳаза юритишга ўрганмаган' маъносини англатувчи сифат юзага келган; одатда **бола, йигит** сўзларига сифатловчи бўлиб келади (ЎТИЛ, I, 158).

БЎЗА I Бу сўз ўзбек тилида **бўз II** сўзидан (қ.) **-а** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб, 'оқишоқ, арпа, тариқ каби донни ачитиб тайёрланадиган кайф берувчи ичимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 158); бу ичимлик оқ-кулранг тусга эга бўлиб, бошқа ичимликлардан қуюқлик даражаси билан ҳам ажратиб туради. Ана шу 'қуюқ'лик белгиси асосида **бўза I** сўзидан 'ғишт теришда ишлатиладиган қоришма' маъносини англатувчи **бўза II** сўзи ўсиб чиққан (ЎТИЛ, I, 158).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЎЗА II қ. **бўза I**

БЎЗАР- Бу феъл ўзбек тилида **бўза I** сўзидан (қ.) **-р** қўшимчаси билан ясалиб, ′оқ-кулранг тусга ўзгар-′ маъносини англатади; бу феъл **бўза I** оти маъносидаги ′оқ-кулранг′ узви асосида ясалган (ЎТИЛ, I, 158).

БЎЗЛИК I қ. **бўз III**

БЎЗЛИК II қ. **бўз III**

БЎЗТИКАН қ. **бўз III**

БЎЗЧИ I Бу сўз арабча **бўз I** сўзидан (қ.) ўзбек тилида **-чи** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, ′бўз тўқувчи косиб′ маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 158). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **Бўзчи белбоққа ёлчимас** мақоли таркибида қатнашади.

БЎЗЧИ II Бу сўз **бўз III** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган, одатда чўлда ўсадиган ′катта япроқли, майда бошоқсимон гулли ёввойи ўт′нинг номи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 158).

БЎҲТОН Бу арабча сўз **buhtān(un)** шаклига эга (АРС, 88); ўзбек тилига **u** унлиси **ў** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **buhtān → бўҳтâн (бўҳтон).** Бу сўз асли ′туҳмат қилди′ маъносини англатувчи **bahuta** феълидан (АРС, 88) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 143), ′туҳмат′, ′асоссиз, уйдирма гаплар′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 169). Бу сўздан **бўҳтончи** сўзи ясалган.

БЎҲТОНЧИ қ. **бўҳтон**

В

ВА АЛАЙКУМ АССАЛОМ Саломга алик олувчи айтадиган бу арабча бирикма арабча **ва** боғловчиси билан бошланиб (бу ерда ′ҳам′ маъносини ифодалашга хизмат қилади), олдин **алайкум** (қ.), кейин **ассалом** сўзини (қ. **салом**) келтириб тузилган; асли ′Сизга ҳам тинчлик-омонлик (тилайман)′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 60).

ВАБО Бу арабча сўз **vabāь(un)** шаклига эга (АРС, 869); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **vabāь → вабâ (вабо).** Бу сўз асли ′ўлат (чума)

www.ziyouz.com kutubxonasi

касаллиги билан оғриди' маъносини англатувчи **vabiьa** феълининг (АРС, 869) масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ўлат (чума)' касаллигини англатади (ЎТИЛ, I, 169).

ВАЖ Бу арабча сўз асли **vaçh(un)** шаклига эга (АРС, 876); ўзбек тили тарихида бу сўз товуш ўзгаришсиз ишлатилган (ЎКААҚЛ, 62: **важҳ 2**), ҳозирги ўзбек тилида эса бу сўз охиридаги **ҳ** ундоши талаффуз қилинмайди: **vaçh → важ** (ЎТИЛ, I, 169). Бу сўз асли 'юзига йўналтирди' маъносини англатувчи **vaçaha** феълининг (АРС, 875) масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'юз', 'ташқи кўриниш (қиёфа)', 'олд томон', 'сабаб' каби ўндан ортиқ маънони (АРС, 876), ўзбек тилида 'сабаб', 'далил', 'баҳона' каби маъноларни англатади: *Шу важдан сизнинг фикрингизга қўшила олмайман* (ЎТИЛ, I, 169).

ВАЖОҲАТ Бу арабча сўз **vaçāhat(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 876), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **vaçāhat → важâҳат (важоҳат).** Бу сўз асли 'таниқли бўлди', 'ном чиқарди' маъносини англатувчи **vaçuha** феълининг (АРС, 875) масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'машҳурлик', 'салобат' каби маъноларни, ўзбек тилида эса 'одамнинг ташқи кўриниши, қиёфаси, авзойи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 170).

ВАЗИЙАТ Бу арабча сўз **vaðьiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 896); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб ва бир **у** ундошини ташлаб қабул қилинган: **vaðьiyyat → вазийат (вазият).** Бу сўз асли кўпмаъноли **vaðaьa** феълининг 'маълум ҳолат эгаллади' маъносидан (АРС, 875) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'шу ондаги ҳолат', 'шароит' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 170).

ВАЗИР Бу арабча сўз **vazīr(un)** шаклига эга (АРС, 885); ўзбек тилига чўзиқ **ī** товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **vazīr → вазир.** Бу сўз 'подшо, хон саройида юксак лавозимга тайинланди' маъносини англатувчи **vazaьa** феълининг масдари бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АТГ, 143), тарихан 'подшо, хон саройида юксак лавозим эгаси' маъносини англатган, ҳозирги ўзбек тилида 'министр' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 170). Бу сўзнинг **-at(un)** муаннас қўшимчаси билан ҳосил қилинган **вазира** шакли аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (Ўзбек тилида бу қўшимчанинг **а** қисми сақланиб, **t** қисми ташланган): **vazīr + at(un) → vazīrat → vazīra – Вазира.**

ВАЗИРА *қ.* **вазир**

ВАЗИФА Бу арабча сўз **važīfat(un)** шаклига эга (АРС, 898); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **važīfat → вазифа.** Бу сўз асли 'лавозим, иш берди' маъносини англатувчи **važafa** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилида 'лавозим', 'вазифа', 'маош' маъноларини англатади (АРС, 898), ўзбек тилида 'лавозим', 'вазифа', 'топшириқ' маъноларини англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 170).

ВАЗН Бу арабча сўз **vazn(un)** шаклига эга (АРС, 886); кўпмаъноли **vazana** феълининг 'оғирлигини ўлчади' маъноси билан (АРС, 885) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'оғирлик', 'салмоқ', 'обрў (нуфуз)', 'шеър сатрининг ўлчови', 'музика оҳангининг ўлчови' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 170).

ВАКИЛ Бу арабча сўз **vakīl(un)** шаклига эга (АРС, 909); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **vakīl → вакил.** Бу сўз 'топширди', 'ишонди' маъносини англатувчи **vakala** феълининг (АРС, 909) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'кимнингдир номидан иш юритишга ишонч билдирилган шахс' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 171). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти бўлиб ҳам келади. Бу сўзнинг **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли **vakīlat(un)** охиридаги **t** товуши ташланган ҳолда **(Вакила)** аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ВАКИЛА *қ.* **вакил**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАКОЛАТ Бу арабча сўз **vakālat(un)** шаклига эга (АРС, 909); ўзбек тилига чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **vakālat → вакâлат (ваколат).** Бу сўз 'топширди', 'ишонди' маъносини англатувчи **vakala** феълининг (АРС, 909) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'кимгадир бошқа кимсанинг номидан иш юритиш учун берилган ҳуқуқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 171). Ўзбек тилида бу сўздан **ваколатли** сифати ясалган.

ВАКОЛАТНОМА Бу арабча сўз **ваколат** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган бўлиб, 'кимнингдир ваколатини тасдиқловчи ҳужжат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 171).

ВАКОЛАТХОНА Бу сўз арабча **ваколат** сўзига (қ.) 'жой' маъносини англатувчи тожикча **хона** сўзини қўшиб тузилган бўлиб, 'кимнингдир ваколати билан иш юритувчи муассаса' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 171).

ВАЛИ *қ.* **авлийо**

ВАЛИАҲД Бу сўз арабча **вали** (қ.) ва **аҳд** (қ.) сўзларидан тузилган бўлиб, 'тахт вориси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 172).

ВАЛИД *қ.* **валида**

ВАЛИДА Ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу арабча сўз **valīdat(un)** шаклига эга (АРС, 911); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **valīdat → валида;** асли 'дунёга келтирди' маъносини англатувчи **valada** феълининг (АРС, 910) I боб масдари **valīd(un)** сўзининг (АТГ, 143) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шаклига тенг (АТГ, 29); асли **валид** сўзи 'ўғил фарзанд', **валида** сўзи эса 'қиз фарзанд' маъносини англатади (АРС, 911).

ВАЛИЙ *қ.* **авлийо**

ВАЛИНЕЪМАТ Бу сўз арабча **вали** (қ.) ва **неъмат** (қ.) сўзларидан тузилган бўлиб, 'боқимидаги кишиларни моддий жиҳатдан таъминловчи', 'хайр-саховатли' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 172).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАЛЛАМАТ Бу сўз — **валинеъмат** қўшма сўзининг сўзлашув тилида талаффуз жиҳатидан ўзгарган кўриниши: **вали** қисми охиридаги **и** товуши билан **неъмат** қисми бошланишидаги **неъ** товушлари ўрнига **ла** товушлари айтилади. **Валламат** сўзи ижобий ва салбий мундарижали маънони англатади; ижобий мундарижа билан **валинеъмат** сўзи англатган маънони билдиради, салбий мундарижа билан эса ′ўзганинг нарсаси билан сахийлик қиладиган одам′, ′бировнинг моли билан катталик қиладиган одам′ каби маъноларни билдиради.

ВАРАҚ Бу арабча сўз **varaq(un)** шаклига эга (АРС, 883); ′(дарахт) барг билан қопланди′ маъносини англатувчи **varaqa** феълининг (АРС, 883) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида асли ′барг′ маъносини англатган, кейинчалик ′қоғоз′ маъносини ҳам англата бошлаган (АРС, 883); ўзбек тилида бу сўз ′китоб, дафтар каби буюмларнинг бир бутунга бирлаштирилган юпқа қоғоз қисмлари′ маъносини англатади. ЎТИЛда (I, 172) бу сўзнинг маъноси нотўғри изоҳланган: "маълум шакл ва ўлчамдаги қоғоз", "саҳифа" каби изоҳлар **варақ** сўзининг маъносини ифодаламайди. Ўзбек тилида **варақ** сўзидан **варақла-** феъли ясалган.

ВАРАҚА Бу арабча сўз **varaqat(un)** шаклига эга (АРС, 883); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **varaqat → варақа.** Бу сўз **варақ** сўзидан (қ.) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган дона оти бўлиб (АТГ, 373); араб тилида ′барг′, ′баргча′, ′ҳужжат′, ′кичик ҳажмдаги газета′ маъноларини англатади; ўзбек тилида араб тилидаги ′кичик ҳажмдаги газета′ маъносидан ўсиб чиққан ′муҳим маълумотни омма орасида тезда тарқатиш учун тайёрланган кичик ҳажмдаги нашр′ маъносини англатади: *Депутатликка номзод ҳақида маълумот берувчи варақа чоп этилди* каби (ЎТИЛ, I, 172).

ВАРАҚИ Бу сўз **варақ** сўзидан (қ.) **-и** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, асли ′варақлардан иборат′, яъни ′қават-қават′ маъносини англатади; шу маъно асосида ′юпқа ёйилган бир неча варақ ёғли хамир ичига қийма солиб тугиб, ёғда пириладиган сомса′ маъноси

www.ziyouz.com kutubxonasi

юза келган (ЎТИЛ, I, 172). ТжРСда (90) **варақи** сўзи эмас, **варақин** сўзи келтирилиб, юқорида таърифланган маънони англатиши айтилган; бу сўз тожик тилида **варақ** сўзидан нисбий сифат ясовчи **-ин** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 542). Шундан кўриниб турибдики, **варақи** сўзи ўзбек тилида **варақ** сўзидан ўзбекча **-и** қўшимчаси билан ясалган (Бу қўшимча ўзбекча **қишлоқи, ислиқи** каби сўзларнинг ясалишида ҳам қатнашган). Демак, бу сўзга ЎТИЛда (I, 172) **[ф-т < а]** деб берилган изоҳ хато.

ВАСВАСА Бу арабча сўз **vasvasat(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 889), ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган. Бу сўз асли ′кўнгилга ғулғула, шубҳа солди′ маъносини англатувчи **vasvasa** феълининг масдари бўлиб (АТГ, 339), ′кўнгилда пайдо бўладиган шубҳа, тараддуд′ каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 173). Бу тўрт ўзак ундошли феъл икки ундошли **вас** тақлид сўзининг такроридан ҳосил қилинган дейилади (АТГ, 337).

ВАСВОС′ Бу арабча сўз **vasvās(un)** шаклига эга (АРС, 889); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **vasvās → васвâс (васвос).** Бу сўз асли ′кўнгилга ғулғула, шубҳа солди′ маъносини англатувчи **vasvasa** феълининг масдари бўлиб, ′шайтоннинг таъсирига берилиш′, ′ёмон ўй-хаёллар таъсирига берилиб, тинчини, соғлиғини йўқотиш′ каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 173). Бу сўз АРСда (889) **васвāс** шаклида берилган, дарсликларда эса (УАЯ, 236; АТГ, 339) бундай сўз **филāл(ун)** вазнида ҳосил қилиниши таъкидланган; биринчи бўғинда **и** унлиси эмас, **а** унлисининг келгани бу сўз асли **вас** тақлид сўзининг такроридан тузилгани билан изоҳланса керак. Сўзлашув тилида **васвос** сўзи кўпинча **восвос** тарзида талаффуз қилинади.

ВАСИЙ Бу арабча сўз **vaŝiyy(un)** шаклига эга (АРС, 893); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **vaŝiyy → васий.** Бу сўз асли кўпмаънолари **vasā** феълининг ′киши ўзи вафот этганидан кейин

www.ziyouz.com kutubxonasi

оила аъзоларига маълум муддат моддий ва маънавий раҳнамолик қилишни топширди′ маъноси билан (АРС, 893) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АРС, 894), ўзбек тилида ′кимнингдир вафотидан кейин марҳумнинг во—яга етмаган фарзандларига моддий ва маънавий раҳна—молик кўрсатишни зиммасига олган шахс′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 173), Ҳуқуқшунослик термини си—фатида ишлатиладиган бу сўздан **васийлик** оти ясалган.

ВАСИЙАТ Бу арабча сўз **vaṣiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 893); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига ал—маштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини таш—лаб қабул қилинган: **vaṣiyyat → васийат (васият).** Бу сўз асли кўпмаъноли **vasā** феълининг ′ўлими олдидан ўз истак, топшириғини билдирди′ маъноси билан (АРС, 893) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АРС, 894), ′ки—шининг ўз ўлими олдидан айтган ёки ёзиб қолдирган истак, топшириқлари′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 173).

ВАСИЙАТНОМА Бу сўз арабча **васийат** сўзига (қ.) ′хат′ маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини бир—лаштириб тузилган бўлиб, ′ёзма васият′, ′ҳужжат си—фатида расмийлаштирилган васият матни′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 173).

ВАСИЙЛИК қ. **васий**

ВАСИЛ, ВАСИЛА қ. **васл**

ВАСИҚА Бу арабча сўз **vaṣīqat(un)** шаклига эга (АРС, 872); ўзбек тилига се товушини **с** товушига, чў—зиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **vaṣīqat → васиқа.** Бу сўз ′ишонди′ маъносини англатувчи **vaṣaqa** феълидан ясалган **vaṣīq(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида ′ҳужжат′, ′акт′ маъноларини (АРС, 872), ўзбек тилида ′мол-мулкка шахсий хўжайинликни тас—диқловчи ҳужжат′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 173). Ўзбек тилида **vaṣaqa** феълидан ясалган **vāṣīq(un)** аслий сифати ҳам мавжуд бўлиб (АТГ, 43), ′ишонч қозонган′ маъносини англатади (АРС, 872), бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (**Во—**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиқ).

ВАСЛ Бу арабча сўз **vaŝl(un)**[1] шаклига эга (АРС, 893); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **vaŝl → васл.** Бу сўз 'қўшилди', 'етишди' маъносини англатувчи **vaŝala** феълининг (АРС, 893) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'боғланиш', 'алоқа' маъноларини, ўзбек тилида эса 'ёр билан дийдор кўришув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 173). Ўзбек тилида **vaŝala** феълидан ҳосил қилинган **vaŝil(un)** I боб масдари (АТГ, 142) ва ундан **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган **vaŝilat(un)** муаннас шакли (**васил** ва **васила** сўзлари) ҳам мавжуд бўлиб, атоқли от сифатидагина ишлатилади. Бу сўзлар асли 'ажралмас' (дўст) маъносини англатади. Эркак кишининг атоқли оти сифатида **Восил** сўзи ҳам ишлатилади. Бу сўз **vaŝala** феълидан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'бир-бирига боғловчи' маъносини англатади (АРС, 893).

ВАССАЛОМ Бу арабча сўз асли **va al salām** шаклига эга (АРС, 370); ўзбек тилига ёнма-ён келган **aa** унлиларини бир унлига бирлаштириб, **al** аниқлик артикли таркибидаги **l** ундошини ундан кейин келган **s** ундошининг таъсирида **s** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, бу уч қисмни бир сўзга яхлитлаб қабул қилинган: **va al salām → вассалām (вассалом).** Бу сўз араб тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам 'бошқа гап бўлиши мумкин эмас', 'бас' каби маъноларни англатади (АРС, 370; ЎТИЛ, I, 173). Эскича хат ёзиш услубида мактубнинг охирида **ва ассалалом, нома тамом** жумласи ёзилар эди. Бу жумлада **ассалом** асли 'соғлиқ' маъносини билдиради, кейинчалик мактубнинг охирлаганини билдиришга, 'бўлди', 'бас' маъносини ифодалашга хизмат қилган.

ВАСФ Бу арабча сўз **vaŝf(un)** шаклига эга (АРС, 891); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **vaŝf → васф;** кўпмаъноли **vaŝafa** феълининг 'тасвирлади' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 891), 'оғзаки тавсиф' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 173).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАТАН Бу арабча сўз **vatan(un)** шаклига эга (АРС, 897); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **vatan → ватан.** Бу сўз 'яшади', 'ҳаёт кечирди' маъносини англатувчи **vatana** феълининг (АРС, 897) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'кишининг туғилиб-ўсиб, яшаётган жойи (мамлакат, ўлка, шаҳар, қишлоқ)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 173)ВАТАНГАДО Бу қўшма сўз ўзбек тилида арабча **ватан** (қ.) ва 'тиланчи' маъносини англатувчи тожикча **гадо** сўзларидан (ТжРС, 95) таркиб топган бўлиб, 'ватандан кечиб, бегона юртда хор-зор ҳаёт кечираётган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 173).

ВАТАНДОШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ватан** сўзининг (қ.) 'туғилиб-ўсган мамлакат' маъно қирраси асосида 'бирга' маъносини ифодаловчи **-дош** қўшимчаси билан ясалган, 'ким биландир туғилиб ўсган мамлакати бир киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174).

ВАТАНЛИ БЎЛ- Бу қўшма феъл ўзбек тилида арабча **ватан** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ҳосил қилинган **ватанли** сифати ва **бўл-** феълидан тузилган бўлиб, 'яшаш жойига эга бўл-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174). **Ватанли** сўзи **ватан** сўзининг 'яшаш жойи' маъно узви асосида ясалган.

ВАТАНПАРВАР Бу сўз тожик тилида арабча **ватан** сўзига (қ.) 'тарбияла-', 'ўстир-' маъносини англатувчи тожикча **парвардан** феълининг **парвар** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган; 'ўз ватанини чексиз севувчи, ватан манфаати учун жонбозлик кўрсатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174).

ВАТАНФУРУШ Бу сўз тожик тилида арабча **ватан** сўзига (қ.) 'сот-' маъносини англатувчи тожикча **фурўхтан** феълининг **фурўш** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 415, 90) қўшиб тузилган; ўзбек тилига **ў** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган (чунки ўзбек тилида сўзнинг иккинчи ва кейинги бўғинида **ў** унлиси келмайди): **ватан + фурўш = ватанфурўш → ватанфуруш;** 'ватан манфаатларига хиёнат қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАФО Бу арабча сўз **vafāь(un)** шаклига эга (АРС, 903); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **vafāь → вафâ (вафо).** Бу сўз кўпмаъноли **vafā**[2] феълининг (АРС, 902) ′бажарди′ маъноси билан ҳосил қилинган масдари бўлиб (АРС, 903), ′аҳдида, ваъдасида қатъий туриш′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174). Бу сўздан ўзбек тилида **вафоли, вафосиз** сифатлари ясалган. **Вафо** сўзи эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ВАФОДОР Бу сўз тожик тилида арабча **вафо** сўзига (қ.) ′эга бўл-′ маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 137, 136, 90); ′аҳд-паймонга содиқ′, ′ваъдасига қатъий амал қилувчи′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174). Ўзбек тилида бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **вафодорлик** мавҳум оти ясалган.

ВАФОТ Бу арабча сўз **vafāt(un)** шаклига эга (АРС, 903); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **vafāt → вафāт (вафот).** Бу сўз асли кўпмаъноли **vafā** феълидан ′бажарди′ маъноси билан ҳосил қилинган **vafāь(un)** масдаридан (АРС, 903) **-āt(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ′умрнинг тугаши′, ′қазо′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174). Бу сўз маъносининг ЎТИЛда **ўлим, ажал** сўзлари билан изоҳлангани тўғри эмас.

ВАЪДА Бу арабча сўз **vaъdat(un)** шаклига эга (АРС, 898); ўзбек тилига сукунли айн товуши ўрнига **ъ** (айриш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **vaъdat → ваъда.** Бу сўз ′бажаришни ўз зиммасига олди′, ′сўз берди′ маъносини англатувчи **vaъada** феълининг масдари **vaъd(un)** сўзининг **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига бу қўшимчанинг **a** қисмини сақлаб, **t** қисмини ташлаб қабул қилинган; ′ниманидир бажаришни ўз зиммасига олиш′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174). Бу сўздан ўзбек тилида **ваъдалаш-** феъли ясалган.

ВАЪДАБОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ваъда** сў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зига (қ.) ′берилиб ўйна-′ маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82, 75) қўшиб тузилган; ′амалга ошира олиш-олмасли — гини ўйламай ҳар қандай ишни бажариш ҳақида сўз бераверадиган′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174).

ВАЪЗ Бу арабча сўз **vaъž(un)** шаклига эга (АРС, 899); ўзбек тилига сукунли айн товуши ўрнига **ъ** (айи — риш) белгисини қўйиб, изғи товушини **з** товушига ал — маштириб қабул қилинган: **vaъž → ваъз.** Бу сўз ′диний ақидаларни тарғиб қилди′ маъносини англатувчи **vaъža** феълининг (АРС, 899) масдари бўлиб (АТГ, 142), ′диний ақидаларни тарғиб қилувчи нутқ′ маъносини англатади; шу маънодан кейинчалик ′панд-насиҳат мазмунли нутқ′ маъноси ўсиб чиққан (ЎТИЛ, I, 174).

ВАЪЗБОЗЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **ваъз** сўзига (қ.)′берилиб ўйна-′ маъносини англатувчи то — жикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82, 75) қўшиб тузилган сўздан **-лик** қўшимчаси билан ясалган; **ваъзбоз** сўзи асли ′амалий иш қилиш ўрнига қуруқ гап-сўз айтиш билан шуғулланувчи′ маъносини, **ваъзбозлик** сўзи эса шундай амалиётни англатади (ЎТИЛ, I, 174).

ВАЪЗ-НАСИҲАТ Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **ваъз** (қ.) ва **насиҳат** (қ.) сўзларидан тузилган бўлиб, унинг таркибида **ваъз** сўзи ′панд-насиҳат мазмунли нутқ′ маъноси билан қатнашган (ЎТИЛ, I, 174).

ВАЪЗХОНЛИК Бу сўз ўзбек тилида **ваъзхон** сўзи — дан **-лик** қўшимчаси билан ясалган; **ваъзхон** сўзи арабча **ваъз** сўзига ′ўқи-′ маъносини англатувчи то — жикча **хондан** феълининг **хон** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 426), ′ваъз айтувчи′ маъносини англатади. **Ваъзхонлик** сўзи ′диний ақи — даларни тарғиб қилувчи нутқ айтиш билан шуғулланиш′ маъносини англатади. Ана шу маъно асосида ′амалий иш бажариш ўрнига қуруқ гап-сўз айтишдан нарига ўтмаслик′ каби салбий мундарижали маъно ҳам юзага келган (ЎТИЛ, I, 174).

ВАҚО: Тожикча **ҳеч** инкор сўзи билан биргаликда ишлатиладиган бу сўз асли **воқеа [vāqiъat(un)]** сўзи —

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг (қ.) кўплиги бўлиб, асли **vaqāьiъu** шаклига эга (АРС, 906); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги касрали ҳамза билан дам-мали айнни ташлаб қабул қилинган: **vaqāьiъu → вақâ (вақо);** асли 'ҳодисалар', 'воқеалар' маъносини англатади, **ҳеч вақо** бирикмаси таркибида 'нарса' маъносини англатиб қатнашади (ЎТИЛ, I, 175).

ВАҚТ Бу арабча сўз **vaqt(un)** шаклига эга (АРС, 903); 'муддат белгилади' маъносини англатувчи **vaqata** феълининг (АРС, 903) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'замон', 'фурсат', 'пайт' каби маъноларни умумлаш-тирган ҳолда англатади (ЎТИЛ, I, 175).

ВАҚТИ-ВАҚТИ БИЛАН Бу пайт равиши арабча **вақт** сўзининг (қ.) III шахс эгалик қўшимчасини олган такрор шаклига **билан** кўмакчисини қўшиб ҳосил қилинган; 'баъзан-баъзан', 'ўқтин-ўқтин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 175).

ВАҚТИНЧА Бу сўз ўзбек тилида арабча **вақт** сўзи-нинг (қ.) қаратқич келишиги шакли (АТГ, 50) **вақтин** сўзига 'чама' маъносини ифодаловчи **-ча** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; 'муддати чекланган', 'муваққат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 175).

ВАҚТИНЧАЛИК Бу сўз ўзбек тилида **вақтинча** ра-вишидан (қ.) **-лик** қўшимчаси билан ясалган сифат бў-либ, 'ўткинчи', 'тезда бартараф бўладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 175).

ВАҚТЛИ I Бу сўз ўзбек тилида арабча **вақт** сўзидан **-ли** қўшимчаси билан ясалган, асли 'барвақт', 'эрта' маъносини англатади; бу сўз сўзлашув тилида **воҳлик** тарзида талаффуз қилинади (ЎТИЛ, I, 175).

ВАҚТЛИ II Бу сўз асли русча **периодическая печать** бирикмасининг калькаси **вақтли матбуот** бирикмаси таркибида пайдо бўлиб, 'мунтазам нашр қилинмайди-ган' маъносини англатади (ЎТИЛда бу сўз алоҳида аж-ратилмаган).

ВАҚТ-СОАТ Бу жуфт сўз арабча **вақт** (қ.) ва **соат** (қ.) сўзларидан тузилган бўлиб, 'воқе бўлиши учун им-кон туғилган пайт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 175).

ВАҚТИХУШЛИК қ. **вақтхушлик**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАҚТИЧОҒЛИК қ. **вақтчоғлик**

ВАҚТХУШЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **вақт** (қ.) ва ′яхши′ маъносини англатувчи тожикча **хуш** сўзларидан тузилган **вақт(и) хуш** иборасига **-лик** қўшимчасини қўшиб ясалган мавҳум от бўлиб, ′хушчақчақ кайфият′, ′хурсандлик′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 175). Бу сўзни асли **вақтихушлик** тарзида айтиш ва ёзиш тўғри.

ВАҚТЧОҒЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **вақт** (қ.) ва ′хурсанд′ маъносини англатувчи ўзбекча **чоғ** (ЎТИЛ, II, 380: **чоғ II**) сўзларидан тузилган **вақт(и) чоғ** иборасига **-лик** қўшимчасини қўшиб ясалган мавҳум от бўлиб, ′ўта хушчақчақ • кайфият′, ′ўта хурсандчилик′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 175). Бу сўзни асли **вақтичоғлик** тарзида айтиш ва ёзиш тўғри.

ВАҲИМ қ. **воҳим**

ВАҲИМА Бу арабча сўз **vāhimat(un)** шаклига эга (АРС, 914); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган; адабий ўзбек тилида биринчи бўғиндаги чўзиқ **ā** унлисининг **a** унлисига алмашти-рилгани ноўрин, чунки қоида тарзида бундай унли ўзбек тилида **â** унлисига алмашади, сўзлашув тилида худди шундай талаффуз қилинади ҳам. Бу сўз асли кўп-маъноли **vahama** феълидан ′нотўғри тасаввурга эга бўлди′ маъноси билан (АРС, 914) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши **vāhim(un)** сўзидан (АТГ, 147) **-at(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ′ҳаяжонли қўрқув ҳолатини юзага келтирадиган ўй-хаёллар′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 176). Бу сўз ўзбек тилида ′ваҳимали ўй-хаёлларга берилувчанлик касаллиги′ маъносини ҳам англатади, шу маъноси билан бу сўз одатда **ваҳма** шаклида талаффуз қилинади.

ВАҲМ Бу арабча сўз **vahm(un)** шаклига эга (АРС, 914); кўпмаъноли **vahama** феълининг ′чўчитди′, ′безовта қилди′ маъноси билан (АРС, 914) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида ′фараз′, ′гумон′, ′тахмин′ каби маъноларни (АРС, 914), ўзбек тилида эса ′хавфсираш натижасида юзага келадиган қўрқув ҳолати′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 176). Бу сўз сўзла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шув тилида **воҳим** тарзида ҳам талаффуз қилиниб, **воҳим I** сўзи билан шаклан тенг келиб қолади.

ВАҲШАТ Бу арабча сўз **vaḥşat(un)** шаклига эга (АРС, 878); ўзбек тилига ҳойи ҳутги ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **vaḥşat → ваҳшат.** Бу сўз 'ёввойи бўлди' маъносини англатувчи **vaḥaşa** феълининг(АРС, 877) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'ёлғизлик', 'тушкунлик', 'нотинчлик' каби маъноларни (АРС, 878), ўзбек тилида эса 'кишини даҳшатга соладиган аянчли ҳолат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 176). Бу сўздан ўзбек тилида **ваҳшатли** сўзи ясалган.

ВАҲШИЙ Бу арабча сўз **vaḥşiyy(un)** шаклига эга (АРС, 878); ўзбек тилига ҳойи ҳутги ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** ундошлардан бирини ташлаб қабул қилинган: **vaḥşiyy → ваҳший.** Бу сўз асли 'ёввойи бўлди' маъносини англатувчи **vaḥaşa** феълининг (АРС, 877) I боб масдари **vaḥş(un)** сўзидан (АТГ, 142) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), араб тилида 'ёввойи', 'йиртқич', 'эскирган' каби маъноларни (АРС, 878), ўзбек тилида эса 'ёввойи', 'киши оёғи бориб етмаган', 'йиртқич' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 176). Бу сўздан ўзбек тилида **ваҳшийлик** мавҳум оти ясалган.

ВАҲШИЙЛАРЧА Бу сўз ўзбек тилида арабча **ваҳший** сифатига (қ.) **-ларча (-лар + ча)** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган равиш бўлиб, 'ваҳший йўсинда', 'йиртқичларча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 176).

ВАҲШИЙОНА Бу сўз тожик тилида арабча **ваҳший** сифатидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 91), ўзбекча **ваҳшийларча** сўзига (қ.) синоним (ЎТИЛ, I, 176).

ВИДО қ. **алвидо**

ВИДОЛАШ- Бу феъл ўзбек тилида **видо** сўзидан (қ. **алвидо**) **-лаш** қўшимчаси билан ясалган; 'марҳум билан абадий хайрлаш-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 177).

ВИЖДОН Бу арабча сўз **viçdān(un)** шаклига эга (АРС, 874); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **viçdān → виждâн (виж-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

дон); асли кўпмаъноли **vaçada** феълининг ′ҳис қилди′, ′сезди′ маъноси асосида (АРС, 873) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида ′ҳиссиёт′, ′кишининг ички дунёси′, ′руҳ′, ′кўнгил′, ′ор-номус′ маъноларини (АРС, 874), ўзбек тилида эса фақат ′ор-номус′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 177). Бу сўздан ўзбек тилида **виждонли, виждонсиз** сифатлари, кейинги сифатдан **виждонсизлик** мавҳум оти ясалган.

ВИЖДОНАН Бу арабча сўз **виждон** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида равишга айланган, ′виждон билан′, ′ор-номус талабларига риоя қилиб′ каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 178).

ВИЖДОНИЙ Бу арабча сўз **виждон** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **йй** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **виждон- + ийй → виждоний;** ′виждон олдидаги′ каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 178).

ВИЛОЙАТ Бу арабча сўз **vilāyat(un)** шаклига эга (АРС, 913); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **vilāyat → вилâйат (вилоят).** Бу сўз ′бошқарди′ маъносини англатувчи **valiьa**[2] феълининг (АРС, 911) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), асли ′марказ бошқарувидаги узоқ ўлка′ маъносини англатган, кейинчалик маънода умумлашиш юз бериб, ′мамлакатнинг (давлатнинг) йирик маъмурий бўлаги′ маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 178).

ВИСОЛ Бу арабча сўз **viṣāl(un)** шаклига эга (АРС, 893); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **viṣāl → висâл (висол).** Бу сўз ′қўшилди′ маъносини англатувчи **vaṣāla**[2] феълининг (АРС, 892) I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), ′ёр билан қовушув′ маъносини англатади. ЎТИЛда (I, 172) **висол** сўзи **васл** сўзига *айнан* дейилган, ваҳоланки бу сўзларга АРСда берилган изоҳлардан уларнинг фарқли маъно англатиши очиқ кўриниб турибди.

ВИҚОР Бу арабча сўз асли **vaqār(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 904); бу сўз таркибидаги чўзиқ **ā** унлисининг **â** унлисига алмашуви — одатдаги ҳодиса, лекин биринчи бўғиндаги **а** унлисининг **и** унлисига алмаштирилганини (ЎТИЛ, I, 179) изоҳлаш қийин; ТжРСда бу сўз **вақор** (91) ва **виқор** (92) шаклида келтирилган, лекин асосий деб **виқор** шакли танланган. Бу сўз ′жиддий ва салобатли бўлди′ маъносини англатувчи **vaqura** феълининг (АРС, 904) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ′мағрурлик′, ′улуғворлик′ каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 179).

ВОАЖАБ[О] Бу арабча сўз **ъаçабā** сўзи (қ.) олдидан ҳайратланишни ифодаловчи **vā** юкламасини (АРС, 868) келтириб тузилган ундов бўлиб, ўзбек тилида юклама таркибидаги **ā** унлиси **â** унлисига алмаштирилган ва юкламани кетидаги сўзга қўшиб ёзиш қабул қилинган: **вā ажабā → вāажабâ (воажабо)** [ЎТИЛ, I, 179], лекин **ажабо** сўзи мақоласида бу сўз **во ажаб[о]** тарзида аж— ратиб ёзилибди (I, 18).

ВОДИЙ Бу арабча сўз асли **vādin** шаклига эга (АРС, 881); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **n** ундошини ташлаб, шунинг эвазига қисқа **i** унлисидан кейин чўзиқлик учун **й** ундошини қўшиб қабул қилинган: **vādin → вâдий (водий).** Бу сўз асли ′дарёнинг аввалги ўзани′ маъносини англатган, кейинроқ ′дарё ўзани бўйлаб ясланган кенг текислик′, ′атрофи тоғлар билан ўралган кенг текислик′ маъноларини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 179)ВОЖИБ Бу арабча сўз **vāçib(un)** шаклига эга (АРС, 873); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **vāçib → вâжиб (вожиб).** Бу сўз ′мажбурий бўлди′ маъносини англатувчи **vaçaba**[1] феълидан (АРС, 872) ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), ′бажарилиши мажбурий′ маъносини англа— тади (ЎТИЛ, I, 179). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида *Подшо амри* ***вожиб*** ибораси таркибида учрайди.

ВОЙДОД қ. **дод I**

ВОЛИДА Бу арабча сўз **vālidat(un)** шаклига эга (АРС, 910); ′дунёга келтирди′ маъносини англатувчи **valada** феълидан ҳосил қилинган **vālid(un)** аниқ нисбат

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатдошининг (АТГ, 147) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ʻонаʼ маъносини англатади; ўзбек тилида кўтаринки услубда ишлатилади: *Волидамиз тўқсон ёшдалар* каби (ЎТИЛ, I, 180). Бу сўз аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ВОРИС Бу арабча сўз **vāriš(un)** шаклига эга (АРС, 881); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, се ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **vāriš → vârис (ворис).** Бу сўз ʻмеросга эга бўлдиʼ, ʻмерос сифатида олдиʼ каби маънони англатувчи **vāraša** феълининг (АРС, 881) I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147; бу сўз араб тилида ʻотаʼ маъносини англатади), ʻмерос олиш ҳуқуқига эга кишиʼ, ʻмеросхўрʼ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 180). Бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида бу сўздан **ворислик** мавҳум оти ясалган.

ВОРИСЛИК қ. **ворис**
ВОСВОС қ. **васвос**
ВОСИЛ қ. **васл**

ВОСИТА Бу арабча сўз **vāsitat(un)** шаклига эга (АРС, 887); асли ʻўртада бўлдиʼ маъносини англатувчи **vasata** феълидан (АРС, 887) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши **vāsit(un)** сўзидан (АТГ, 147) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **т** товушини ташлаб қабул қилинган: **vāsitat → vâсита (восита);** ʻбирор ишни амалга оширишда кўмаклашувчи нарсаʼ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 180). Бу сўздан ясалган **воситали, воситасиз** сифатлари грамматик термин таркибида қатнашади (*воситали тўлдирувчи* каби).

ВОСИТАЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **восита** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб, ʻтомонларни бир битимга, муросага келтиришда ўртада туриб фаолият кўрсатувчи шахсʼ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 180). Бу сўздан ўзбек тилида **-лик** қўшимчаси билан **воситачилик** мавҳум оти, **-сиз** қўшимчаси билан **воситачисиз** сифати ясалган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОСИҚ қ. **васиқа**

ВОҚЕ: Бу арабча сўз **vāqiъ(un)** шаклига эга (АРС, 905); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб ва шунинг эвазига **и** унлисини **е** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **vāqiъ → вâқе (воқе).** Бу сўз кўпмаъноли **vaqaъa**[1] феълининг 'юз берди' маъноси билан (АРС, 904) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 149), араб тилида 'юз бераётган', 'ҳақиқий' каби маъноларни (АРС, 905) англатади; ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **воқе бўл-** ('рўй бер-') қўшма феълн таркибида 'юз бериш' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, I, 181). Ўзбек тилида **воқе** сўзидан **-лик** қўшимчаси билан **воқелик** сўзи ясалган бўлиб, 'амалда мавжуд ҳолат, муҳит' маъносини англатади.

ВОҚЕА Бу арабча сўз **vāqiъat(un)** шаклига эга (АРС, 906); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, айнни ташлаб, шунинг эвазига **i** унлисини **е** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **vāqiъat → вâқеа (воқеа).** Бу сўз асли кўпмаъноли **vaqaъa** феълининг I боб аниқ нисбат сифатдоши **vāqiъ** (қ. **воқе**) сўзидан **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида бу қўшимчанинг **а** қисми сақланиб, **t** қисми ташланган; 'содир бўлган ҳодиса' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 181).

ВОҚЕИЙ Бу сўз арабча **воқе** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **ий** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **воқе + ийй → воқеий;** 'ҳақиқатда рўй берган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 181).

ВОҚЕЛИК қ. **воқе**

ВОҚИФ Бу арабча сўз **vāqif(un)** шаклига эга (АРС, 967); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **vāqif → вâқиф (воқиф).** Бу сўз кўпмаъноли **vaqafa**[1] феълининг 'билди', 'танишди', 'хабардор бўлди' маъноси билан (АРС, 966) ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), ′хабардор′, ′хабар топган′ маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 180). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида жуда оз ишлатилади.

ВОҲА Бу арабча сўз **vāhat(un)** шаклига эга от бўлиб (АРС, 869), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **vāhat → вâҳа (воҳа);** ′саҳро оралиғидаги экин экиладиган обод ўлка′ маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 181).

ВОҲИД Бу арабча сўз **vāhid(un)** шаклига эга (АРС, 877); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **vāhid → вâҳид (воҳид).** Бу сўз араб тилида ′яктан бўлди′, ′ёлғиз бўлди′, ′якка-ю ягона бўлди′ каби маъноларни англатувчи **vaḥada** феълидан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), ҳозирги ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 181). Асли ′якка-ю ягона′ маъносини англатувчи бу сўз Оллога нисбат бериладиган сифат бўлиб, бу сўз билан тузилган атоқли от **Абдувоҳид** тарзида ишлатилиши тўғри.

ВОҲИМ I Бу арабча сўз **vāhim(un)** шаклига эга (АРС, 914); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **vāhim → вâҳим (воҳим).** Бу сўз кўпмаъноли **vahama** феълининг ′нотўғри тасаввурга эга бўлди′ маъноси билан (АРС, 914) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), ′ҳар хил ўй-хаёлларга берилувчан′ маъносини англатади. Бу сўзнинг ЎТИЛда (I, 176) **ваҳим** шаклида келтирилгани тўғри эмас (Ўзбек сўзлашув тилида ҳам **а** эмас, **â** унлиси талаффуз қилинади), маъноси ҳам ′ваҳимали′ тарзида нотўғри изоҳланган.

ВОҲИМ II *қ.* **ваҳм**

ВУЖУД Бу арабча сўз **vuçud(un)** шаклига эга (АРС, 874); кўпмаъноли **vaçada** феълининг ′бор бўлди′ маносидан (АРС, 873) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида ′мавжудлик′, ′борлиқда мавжуд

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарса' каби маъноларни (АРС, 874), ўзбек тилида эса 'кишининг жони ва тани, бутун борлиғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 181).

Д

ДАБДАБА Бу арабча сўз **dabdabat(un)** шаклига эга (АРС, 244); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **dabdabat → дабдаба.** Бу сўз **dabdaba** феълининг 'кескин тус олди' маъноси асосида (АРС, 244) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 339), араб тилида 'кескин тус бериш' маъносини англатади (АРС, 244); ўзбек тилида бу сўз 'диққатни тортиш учун керагидан ортиқ даражада бўрттириб юборилган ҳолат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 203). Изоҳли луғутда бу сўзга тўрт маъноли деб берилган изоҳлар асосли эмас: Бу маънолар лексик қуршовга хос. Ўзбек тилида бу сўздан **дабдабали** сифати ясалган.

ДАБДАБАБОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **дабдаба** сўзига (қ.) 'берилиб шуғуллан-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг (ТжРС, 82) **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб тузилган; 'дабдабани севадиган', 'дабдабали ҳолатга ишқибоз' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 203). Ўзбек тилида бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **дабдабабозлик** мавҳум оти ясалган.

ДАВЛАТ Бу арабча сўз **davlat(un)** шаклига эга (АРС, 268); АРСда бу сўз **dāla** феълига қарашли деб берилиб, шу феълнинг масдари сифатида таъкидланган, лекин бу феъл англатадиган 'ўтди', 'мавжуд бўлмай қолди', 'алмашди', 'бошланди' маъноларидан **давлат** сўзига шу луғатда берилган 'ҳокимият', 'ҳукмронлик', 'сулола' маъноларини келтириб чиқариш қийин. ЎТИЛда ҳам (I, 203), ТжРСда ҳам (112) бу сўз омоним деб берилган: **давлат I** – 'ҳокимият', **давлат II** – 'бойлик'. Бу икки сўздан кейингиси АРСда берилмаган, демак, кейинчалик юзага келган. **Давлат I** сўзи дастлаб 'қисқа муддатга сайланган, белгиланган бошқарув органи' маъносини англатган бўлса керак, ҳозирги маъноси кейинчалик юзага келган. Бу сўздан ўзбек тилида **давлатчилик** сўзи ясалган, **давлатлараро** сўзи тузилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАВО Асли арабча бўлган бу от сўз **dāь(un)** шаклига эга бўлиб, 'касаллик', 'хасталик' маъносини англатади (АРС, 265). Форс (тожик) тилида бу сўз **даво** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига шу шаклида қабул қилинган; 'дори', 'дори-дармон' маъносини англатади (ПРС, 227; ТжРС, 112), Кўринадики, асли 'касаллик' маъносини англатган сўз форс тилида 'касалликни тузатишга ёрдам берадиган дори-дармон' маъносини англатишга хизмат қилдирилган; ўзбек тилига ана шу маъноси билан қабул қилинган бу сўз кейинчалик 'шифо' маъносини ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 203). Охирги маъно асосида бу сўздан ўзбек тилида **давола-** феъли ясалган.

ДАВОМ Бу арабча сўз **davām(un)** шаклига эга (АРС, 269); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **davām → давâм (давом).** Бу сўз 'маълум муддат воқе бўлиб турди' маъносини англатувчи **dāma** феълининг (АРС, 269) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилидан 'иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг воқе бўлиб туриш муддати' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 204); кейинчалик бу сўз 'нинг маъносини англатишга хизмат қилдирилган.

ДАВОМАТ Бу арабча сўз **davāmat(un)** шаклига эга (АРС, 269); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **davāmat → давâмат (давомат).** Бу сўз **dāma** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари **davām(un)** сўзидан (АТГ, 142) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'муддат', 'вақтнинг ўтиши' маъноларини (АРС, 269), ўзбек тилида эса 'бирорта фаолиятда мунтазам қатнашиб туриш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 204).

ДАВОМЛИ Бу сўз ўзбек тилида русча **продолжительный** сифатининг калькаси бўлиб, 'узоқ муддат воқе бўлиб турган' маъносини англатади: *давомли қарсаклар* каби (ЎТИЛ, I, 204).

ДАВР Бу арабча сўз **davr(un)** шаклига эга (АРС, 265); кўпмаъноли **dāra** феълининг 'айланди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142),

www.ziyouz.com kutubxonasi

араб тилида ўндан ортиқ маънони англатади (АРС, 267), ўзбек тилида ҳам бир неча маънони, шу жумладан 'ижтимоий ёки шахсий ҳаётнинг маълум белгилари билан ажралиб турадиган йирик қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 204). **Давр сур-** ибораси таркибида 'роҳат-фароғат билан яшаш вақти' маъносини касб этади. Худди шундай маънода **давр** сўзи **даврон** сўзи билан (қ.) жуфт сўз тарзида ишлатилади. Бу жуфт сўз **давр-у даврон** шаклида ҳам ишлатилади.

ДАВРА Бу сўз тожик тилида арабча **давр** сўзидан (қ.) **-а** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 543); ўзбек тилида 'доира шаклида ўтирган кишилар', 'сайлов, мусобақа ўтказишдаги ҳар бир босқич' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 204).

ДАВРИЙ Бу сўз арабча **давр** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **ий** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **давр + ийй → даврий.** Бу сўз физика термини (***даврий тебраниш***) ва математика термини (***даврий каср***) таркибида 'такрорланадиган' маъносини англатиб қатнашади (ЎТИЛ, I, 204).

ДАВРОН Бу арабча сўз **davarān(un)** шаклига эга (АРС, 267); ўзбек тилига иккинчи бўғиндаги **а** унлисини ташлаб, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **davarān → даврâн (даврон).** Бу сўз кўпмаъноли **dāra** феълининг 'айланди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'айланма ҳаракат', 'қайрилиш' каби маъноларни англатади (АРС, 267); ўзбек тилида эса асли **давр** сўзи англатган маънони англатади, бу фикрни **давр-даврон** жуфт сўзи тасдиқлайди: синонимлар жуфтланган. ЎТИЛда (I, 204) **даврон (davran)** сўзи охиридаги **-ан** қисми тожикча кўплик қўшимчаси деб тушунилиб (Ўрта қавсларда **ф-т < а** рамзлари берилган), бу сўзнинг маъноси 'даврлар, замонлар' деб хато изоҳланган. **Даврон** сўзи ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ДАЖЖОЛ Бу арабча сўз **daççāl(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 246); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **daççāl → дажжâл (даж-жол).** Бу сўз 'ёлғон гапирди', 'алдади' маъносини англатувчи **daçala** феълидан (АРС, 246) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 240), асли 'алдоқчи', 'фирибгар' маъносини англатади; кейинчалик бу сўз диний мундарижа билан 'кишиларни динидан оздирадиган махлуқ' каби маънони ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 205).

ДАЙЙУС Бу сўз араб тилида **dayyūš(un)** шаклига эга (АРС, 270); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига, се ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **dayyūš → даййус (дайюс).** Бу сўз ЎТИЛда бир **й** ундоши билан хато ёзилган: **й** ундоши аслида иккита; бундан ташқари, ўзбек тилида экспрессив маънони кучайти-риш учун ҳам ундош (бу ерда **-й** ундоши) қатланади. Бу сўз 'қўшмачи' маъносини англатади ва шу маъноси би-лан сўкиш сўзи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 215).

ДАЛИЛ Бу арабча сўз **dalīl(un)** шаклига эга (АРС, 260); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлига алмашти-риб қабул қилинган: **dalīl → далил.** Бу сўз кўпмаъноли **dalla** феълининг 'тасдиқлади' маъноси билан (АРС, 259) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), ўзбек тилида 'маълум бир мулоҳазанинг чинлигини тас-диқловчи манба ёки ашё' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 206). Ўзбек тилида бу сўздан **далилла-** феъли ясалган. **Далил** сўзининг муаннас шакли **Далила** сўзи аёл ки-шининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ДАЛИЛА *қ.* **далил**

ДАЛЛА Бу арабча сўз асли **dallālat(un)** шаклига эга бўлиб, **dallāl(un)** масдарининг (қ. **даллол**) **-at(un)** қўшимчаси билан (АТГ, 29) ҳосил қилинган муаннас шаклига тенг; ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини, шунингдек иккинчи бўғинни ҳосил этиб турган **lā** то-вушларини ташлаб қабул қилинган, шу усул билан ўта салбий маъноли бу сўз **даллол** сўзидан фарқланган: **dallālat → dallāla → dalla (далла);** 'қўшмачилик билан шуғулланувчи аёл' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 206).

ДАЛЛОЛ Бу арабча сўз **dallāl(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

259); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **dallāl → даллâл (даллол).** Бу сўз кўпмаъноли **dalla** феълининг 'йўл кўрсатди' маъноси билан (АРС, 259) ясалган от бўлиб (УАЯ, 240), 'сотувчи билан олувчи орасида воситачилик қиладиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 206). Ўзбек тилида бу сўздан **даллоллик** оти ясалган.

ДАЛОЛАТ Бу арабча сўз **dalālat(un)** шаклига эга (АРС, 259); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **dalālat → далâлат (далолат).** Бу сўз кўпмаъноли **dalla** феълидан 'тасдиқлади' маъноси билан (АРС, 259) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'кўрсатма', 'исбот' каби маъноларни (АРС, 259), ўзбек тилида эса 'маълум бир фикрни тасдиқловчи асос, имкон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 206).

ДАМИР қ. **замир**

ДАМИРА қ. **замир**

ДАП қ. **даф**

ДАРАЖА Бу арабча сўз **daraçat(un)** шаклига эга (АРС, 250); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **daraçat → даража.** Бу сўз **daraça** феълининг 'секин-аста ўсди, ривожланди' маъноси билан (АРС, 249) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тили луғатида олти маъноли, ўзбек тили луғатида эса тўққиз маъноли сўз сифатида изоҳланган; ажратилган маъноларнинг кўпи асосида 'поғона', 'босқич' маънолари ётади (АРС, 150; ЎТИЛ, I, 208); бу маъноларни бирма-бир изоҳлаш лозим топилмади.

ДАРАЖАМА-ДАРАЖА Бу сўз тожик тилида тузилган **даража ба даража** бирикмасига тенг бўлиб (ТжРС, 116), ўзбек тилида **ба** предлоги бошланишидаги **б** ундоши **м** ундошига алмаштирилган ва олдинги қисмга қўшиб юборилган: **даража ба даража → даражама-даража.** Бу сўз 'босқичма-босқич' маъносини англатади. ЎТИЛда (I, 208) **даражама-даража** сўзининг сўзлашув тилига хос деб, **даража-бадаража** сўзининг асосий бирлик деб белгиланган тўғри эмас: ўзбек **да-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ража-бадаража демайди.

ДАРВОҚЕ Бу сўз асли арабча **воқе** сўзининг (қ.) тожикча **дар** предлоги билан (ТжРС, 115) ишлатилган шакли бўлиб, ўзбек тилида бу предлог билан сўз қўшиб айтилади ва ёзилади: **дар воқе → дарвоқе.** Асли бу сўз 'воқеа хусусида' маъносини англатган, ҳозирги ўзбек тилида тингловчининг эътиборини тортиш учун айтилиб, 'айттандай', 'ҳа, айтганча' каби маънони ифодалайди (ЎТИЛ, I, 209). Бундай маъноли сўз ТжРСда берилмаган.

ДАРС Бу арабча сўз **dars(un)** шаклига эга (АРС, 250); бу сўз 'ўқитди', 'ўргатди' маъносини англатувчи **darasa** феълининг (АРС, 250) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'ўрганиш', 'сабоқ', 'лекция' маъноларини (АРС, 250), ўзбек тилида эса 'ўқув машғулоти', 'сабоқ' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 212). Ўзбек тилида бу сўздан **дарслик** оти ясалган, 'ўқув қуроли бўлиб хизмат қиладиган китоб' маъносини англатади; **дарс** сўзига тожикча **хона** сўзини қўшиб **дарсхона** сўзи тузилган, 'ўқув юртида дарс ўтказиладиган хона', 'яшаш жойида ўқувчининг дарс тайёрлайдиган хонаси' маъносини англатади.

ДАРСЛИК қ. **дарс**

ДАРСХОНА қ. **дарс**

ДАСТАВВАЛ Бу сўз ўзбек тилига тожик тилидан олинган; асли 'қўл' маъносини англатувчи тожикча **даст** сўзини (ТжРС, 120) 'марта' маъноси билан (ЎКААҚЛ, 85) арабча **аввал** сўзига (қ.) бирлаштириб тузилган бўлиб, 'биринчи галда', 'энг олдин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 213).

ДАФ Бу арабча сўз **dafъ(un)** шаклига эга (АРС, 256); ўзбек тилига сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **dafъ → даф.** Бу сўз 'нарига сурди' маъносини англатувчи **dafaъa** феълининг (АРС, 256) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'нарига суриш', 'ҳамлани қайтариш' каби маъноларни англатади (АРС, 256); бу сўз ўзбек тилида **даф қил-** , **даф бўл-** қўшма феъллари таркибида қатнашиб, сўзлашув тилида **дап** тарзида талаффуз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинади.

ДАФИНА Бу арабча сўз **dafīnat(un)** шаклига эга (АРС, 257); ўзбек тилига чўзиқ ī унлисига **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **dafīnat → дафина.** Бу сўз **dafana** феълидан 'ерга кўмиб яширди' маъноси билан (АРС, 257) ясалган аслий сифатдан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'ерга кўмиб яширилган бойлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 214).

ДАФН Бу арабча сўз **dafn(un)** шаклига эга (АРС, 257); **dafana** феълининг 'мурда қабрга қўйилди' маъноси билан (АРС, 257) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'мурдани қабрга қўйиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 214).

ДАФЪА Бу арабча сўз **dafъat(un)** шаклига эга (АРС, 256); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига алмаштириб, сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **dafъat → дафъа.** Бу сўз асли 'нарига сурди' маъносини англатувчи **dafaъa** феълининг (АРС, 256) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилидан 'карра', 'марта' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 214).

ДАФЪАТАН Бу арабча сўз **dafъat(un)** масдарининг (АРС, 256) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида равишга айланган, 'тўсатдан', 'бирдан' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 214).

ДАХЛ Бу арабча сўз **daxl(un)** шаклига эга (АРС, 147); 'кирди', 'қўшилди' маъносини англатувчи **daxala** феълининг (АРС, 247) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'кирим (молиявий)', 'аралашиш', 'муносабатда бўлиш' маъноларини (АРС, 147), ўзбек тилида эса 'тегишли томон' маъносини англатади: *Бу ишга менинг **дахлим** йўқ* каби (ЎТИЛ, I, 215).

ДАХЛДОР Бу сўз тожик тилида арабча **дахл** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 137, 136, 123); 'алоқадор', 'тегишли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 215).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАХЛСИЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **дахл** сўзидан (қ.) **-сиз** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, уч хил маънони англатади: 1) 'алоқаси йўқ', 2) 'ташқи ҳамладан, ҳужумдан етарли даражада ҳимояланган', 3) 'жиноий жавобгарликка тортилишдан ҳимояланган' (ЎТИЛ, I, 215). Кейинги икки маъноси асосида бу сўздан **дахлсизлик** мавҳум оти ясалган.

ДАХЛСИЗЛИК *қ.* **дахлсиз**

ДАЪВАТ Бу арабча сўз **даъvat(un)** шаклига эга (АРС, 255); ўзбек тилига айнни ташлаб, сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **даъvat → даъват.** Бу сўз 'ундади', 'ташвиқ қилди' маъносини англатувчи **даъā** феълининг (АРС, 255) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ундаш', 'ташвиқ' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 215).

ДАЪВО Бу арабча сўз **даъvā** шаклига эга (АРС, 255); ўзбек тилида чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига алмаштирилган. Бу сўз **даъā** феълининг 'талаб қилди' маъноси асосида (АРС, 254) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), ўзбек тилига 'ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида оғзаки ёки ёзма тарзда билдирилган талаб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 215).

ДАЪВОГАР Бу сўз тожик тилида арабча **даъво** сўзидан (қ.) **-гар** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 542, 124); 'даъво билан мурожаат қилган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 215). Ўзбек тилида бу сўздан **даъвогарлик** мавҳум оти ясалган.

ДАҚИҚА Бу арабча сўз **daqīqat(un)** шаклига эга (АРС, 258); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **daqīqat → дақиқа.** Бу сўз кўпмаъноли **daqqa**[1] феълининг 'парчалади' маъноси билан (АРС, 257) ясалган **daqīq(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'минута', 'заррача', молекула' маъноларини англатади (АРС, 258), ўзбек тилига 'минута' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 215).

ДАҲО Бу арабча от сўз **dahāь(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 265); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **dahāь → даҳâ (даҳо).** Бу арабча сўз **dahā** феълининг 'ўткир ақл соҳиби бўлди' маъноси билан (АРС, 265) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), араб тилида 'ўткир зеҳн', 'маккорлик' маъноларини (АРС, 265), ўзбек тилида эса 'ўткир зеҳн', 'ўткир зеҳн соҳиби' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 216).

ДАҲР Бу арабча сўз **dahr(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 264), 'замона', 'олам', 'дунё', 'тақдир' маънолари — ни англатади (ЎТИЛ, I, 216).

ДАҲРИЙ Бу арабча сўз **dahr(un)** отининг 'дунё' маъносидан (АРС, 264) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясал — ган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **dahriyy → даҳрий;** 'барча ҳодисалар табиат қонунлари асосида воқе бўлади деб билувчи', 'худонинг, нариги дунёнинг борлигига шак келтирувчи' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 216).

ДАҲШАТ Бу арабча сўз **dahşat(un)** шаклига эга (АРС, 264); 'кучли даражада ҳайратланди' маъносини англатувчи **dahişa** феълининг (АРС, 264) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'кучли даражада ҳайрат — ланиш' маъносини (АРС, 264), тожик тилида (ТжРС, 125) ва форс тилида (ПРС, 231) 'кучли даражада қўрқиш' маъносини англатади; кўринадики, бу сўз ўз — бек тилига кейинги маъно билан форс, тожик тилидан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 216). Ўзбек тилида бу сўздан **даҳшатли** сифати ясалган.

ДИЙОНАТ Бу арабча сўз **diyānat(un)** шаклига эга (АРС, 271); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **diyānat → дийânат (диё — нат).** Бу сўз **dāna**[3] феълининг 'илоҳий кучга сиғинди' маъноси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 240), 'диний эътиқод' маъносини англатади (АРС, 271). ЎТИЛда (I, 223) бу сўз маъносининг 'виждон', 'виждонлилик', 'ин — соф' тарзида изоҳлангани тўғри эмас, бундай нотўғри

www.ziyouz.com kutubxonasi

изоҳлар ЎТИЛга ТжРСдан кўчиб ўтган (ТжРС, 129). Ўзбек тилида **дийонат** сўзидан **дийонатли, дийонатсиз** сифатлари ясалган.

ДИЙОР Бу арабча сўз 'яшаш жойи' маъносини англатувчи **dār** сўзининг кўплик шакли бўлиб, **diyār(un)** шаклига эга (АРС, 266); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **diyār → дийâр (диёр);** 'туғилиб-ўсган юрт', 'мамлакат' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 223). **Dar** сўзи эса 'доира ҳосил қилди' маъносини англатувчи **dāra** феълининг (АРС, 265) I боб масдари (УАЯ, 581).

ДИН Бу арабча сўз **dīn(un)** шаклига эга (АРС, 271); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлиси **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **dīn → дин.** Бу сўз асли 'итоат қилди' маъносини англатувчи **dāna**[3] феълининг 'илоҳий кучга сиғинди' маъноси билан (АРС, 271) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'илоҳий кучга асосланган таълимот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 227).

ДИНИЙ Бу сўз араб тилида **дин** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48; АРС, 271), ўзбек тилига сўз охиридаги **йй** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **динийй → диний;** 'динга оид', 'диний мазмунга эга' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 228).

ДИНИЙА Ўзбек тилида *дания назароти* каби тур—ғун бирикма таркибида қатнашадиган бу сўз **дин** сўзи—дан (қ.) **-ийят(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), ўзбек тилига бу қўшимча таркибидаги бир **й** товушини ва **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **дин + ийят = динийят → динийа;** 'диний ишлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 228).

ДИҚИНАФАС қ. **зиқинафас**

ДИҚҚАТ Бу арабча сўз **diqqat(un)** шаклига эга (АРС, 258); асли **daqqa**[2] феълининг 'эътибор билан аниқ бажарди' маъноси асосида ҳосил қилинган масдари бўлиб (АРС, 258), араб тилида 'эътибор билан аниқ ба—жариш' маъносини (АРС, 258), ўзбек тилида эса 'эъти—бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 230).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИҚҚИНАФАС *қ.* **зиқинафас**

ДОИМ Бу арабча сўз **dāьim(un)** шаклига эга (АРС, 269); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **dāьim → дâим (доим).** Бу сўз 'маълум муддат воқе бўлиб турди' маъносини англатувчи **dāma** феълининг (АРС, 269) I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'узоқ вақт давом этадиган' маъносини англатади (АРС, 269). ЎТИЛда (I, 231) бу сўз 'ҳамма вақт, ҳамиша' маъносини англатиши айтилган, асли бундай маънони **доимо** сўзи англатади (АРС, 269: **dāьimā** - всегда, постоянно).

ДОИМИЙ Бу арабча сўз **dāьimiyy(un)** шаклига эга (АРС, 269); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **dāьimiyy → дâимий (доимий).** Бу сўз **dāma** феълидан ҳосил қилинган **dāьim(un)** аниқ нисбат сифатдошига (қ. **доим**) **-iyy(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'узлуксиз давом этадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 231).

ДОИМО *қ.* **доим**

ДОИР Бу арабча сўз **dāьir(un)** шаклига эга (АРС, 266); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **dāьir → дâир (доир).** Бу сўз кўпмаъноли **dāra** феълининг 'айланди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), араб тилида 'айланувчи', 'атрофини ўраб олувчи', 'такрорланувчи' каби маъноларни англатади (АРС, 266); ўзбек тилида бу сўз 'тегишли', 'тааллуқли' каби маънони англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 231).

ДОИРА I Бу арабча сўз **dāьirat(un)** шаклига эга (АРС, 266); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **dāьirat → дâира (доира).** Бу сўз асли арабча **dāьir(un)** сифатдошидан (қ.) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган кўпмаъно-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли от бўлиб (УАЯ, 500; АРС, 266), ўзбек тилида 'айлана', 'тўтарак' маъноси билан геометрия термини сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 231).

ДОИРА II Бу сўз асли **доира I** сўзидан ўсиб чиққан бўлиб, 'думалоқ шаклга эга чолғу асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 231). Ўзбек тилида бу сўздан **доирачи** касб оти ясалган.

ДОЛ: Ўзбек тилида *Қаддим дол бўлди* ибораси таркибида қатнашадиган бу сўз асли араб алифбосидаги саккизинчи ҳарфнинг (>) номи бўлиб (АРС, 20: **dāl**), ҳарф шакли билан гавданинг ҳолати орасидаги ўхшашлик асосида 'эгилган', 'букилган' кўчма маъносини англатиш учун хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, I, 232).

ДОР Бу арабча сўз 'яшаш жойи', 'дунё' каби маъноларни англатиб, **dār** шаклига эга (АРС, 266); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **dār → dâp (дор).** Бу сўз асли кўпмаъноли **dāra** феълининг 'айлантирди' маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб, ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **дор-дунё** (қ.), **дорулбақо** (қ.), **дорулфано** (қ.) сўзлари таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 234, 235).

ДОР-ДУНЙО Бу жуфт сўз арабча **дор** (қ.) ва **дунйо** (қ.) сўзларидан ўзбек тилида тузилган бўлиб, **дор-дунёси қоп-қоронғи (бўлди)** ибораси таркибида 'ёруғ дунё', 'олам', 'кўз ўнги' каби маънони англатиб қатнашади (ЎТИЛ, I, 234).

ДОРИЛАМОН қ **доруламон**

ДОРИЛФАНО қ. **дорулфано**

ДОРУЛАМОН Бу сўз арабча **dār(un)** (қ. **дор**) ва 'тинчлик', 'осойишталик' маъносини англатувчи **ьamān(un)** сўзлари ҳамда **al** аниқлик артиклидан таркиб топган бўлиб, ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб ва уч қисмни бир сўзга яхлитлаб қабул қилинган: **dār al ьamān → дâрулaмāн (доруламон).** Ўзбек тилида бу сўз 'хавфсиз', 'осойишта' сифат маъносини англатади. Изоҳли луғатда бу сўзнинг иккинчи бўғинидаги унли **и** деб нотўғри ёзилган, маъноси ҳам от сифатида таърифланган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, I, 234).

ДОРУЛБАҚО Бу сўз арабча **dār ul baqāь** бирикмасини (АРС, 81) бир сўзга бирлаштириб ҳосил қилинган; ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **dārul-baqāь → dârулбақā (дорулбақо).** Бу сўзни ЎТИЛда (I, 235) кўрсатилганидек **дорилбақо** шаклида эмас, аслига яқин **дорулбақо** шаклида ёзиш тўғри; ТжРСга худди шундай шаклда киритилган. Бу сўз таркибидаги **дор (dār)** сўзи 'яшаш жойи' маъносини (АРС, 266) англатади; **бақо** сўзи эса 'сақланиб қолди' маъносини англатувчи **baqiьa** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АРС, 80, 81), 'абадийлик', 'мангулик' маъносини, шунга кўра **дорулбақо** сўзи 'нариги дунё', 'киши вафот этганидан кейин мангу яшайдиган жой' маъносини англатади.

ДОРУЛФАНО Бу арабча сўз **дор** (қ.) ва **фано** сўзларидан ҳамда **al** аниқлик артиклидан таркиб топган. Бу сўз таркибидаги **дор (dār)** сўзи 'яшаш жойи' маъносини англатади (АРС, 266); **фано** сўзи асли 'йўқ бўлди', 'ўлди' маъносини англатувчи **faniьa** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, **fanāь** шаклига эга (АРС, 610); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган; 'йўқ бўлиш' маъносини англатади; шунга кўра **дорулфано** сўзидан 'ўткинчи, вақтинча дунё' маъноси англашилади. Бу сўзни ЎТИЛда (I, 235) кўрсатилганидек **дорилфано** шаклида эмас, балки аслига яқин **дорулфано** шаклида ёзиш тўғри.

ДОРУЛФУНУН АРСда келтирилмаган бу сўз 'уй' маъносини англатувчи **дор** сўзи ва **фан** сўзининг кўплик шакли **фунун** сўзидан ҳамда **al** аниқлик артиклидан таркиб топган бўлиб, 'университет' (асли 'фанлар уйи') маъносини англатади (ЎТИЛ, I,234).

ДОҲИЙ Бу арабча сўз асли **dāhiyat(un)** шаклига эга (АРС, 265); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **at** қисмини ташлаб қабул қилинган: **dāhiyat → dâҳий (доҳий).** Бу сўз **dahā** феълининг 'ўткир ақл соҳиби бўлди' маъноси асосида

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 265) ясалган аслий сифатнинг (АТГ, 43) **-at(un)** муаннас қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб (АТГ, 48), асли 'ўткир ақл соҳиби' маъносини англатган, кейин — чалик 'ақл-заковатли, доно йўлбошчи' маъносини англата бошлаган (АРС, 265; ЎТИЛ, I, 236).

ДУНЙО Бу арабча сўз **dunyā** шаклига эга (АРС, 263). Бу сўз асли 'яқин бўлди', 'яқин жойда жойлашди' маъносини англатувчи **danā** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 146), бош маъносида 'борлиқ', 'кўз ўнгидаги олам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 239).

ДУО Бу арабча сўз **duъāь(un)** шаклига эга (АРС, 255); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айнни **â** унлисига ал — маштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **duъāь → дуо.** Бу сўз кўпмаъноли **daъā** феъ — лининг 'илтижо қилди' маъноси билан (АРС, 254) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), дастлаб 'ил — тижо' маъносини, кейинроқ 'қуръон ояти' маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 239).

ДУОГЎЙ Бу сўз тожик тилида арабча **дуо** сўзига (қ.) 'айт-' маъносини англатувчи тожикча **гуфтан** феъли — нинг **гўй** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб тузилган; 'насиҳат қилиб дуо айтувчи' маъносини анг — латади (ЎТИЛ, I, 239).

ДУОХОН Бу сўз тожик тилида арабча **дуо** сўзига (қ.) 'ўқи-' маъносини англатувчи тожикча **хондан** феъ — лининг **хон** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган; 'касалликни, салбий хатти-ҳаракатни дуо ўқиб туза — тишга даъво қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 239).

ДУР Бу арабча сўз **durr(un)** шаклига эга (АРС, 248); ўзбек тилига сўз охиридаги **rr** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **durr → дур.** Бу сўз асли **darra** феълининг 'мўл-кўл даромат келтирди' маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'марварид' маъносини (АРС, 248), ўзбек тилида эса 'марвариднинг йирик донаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 240).

ДУРАФШОН Бу сўз тожик тилида арабча **дур** сў —

www.ziyouz.com kutubxonasi

зига (қ.) 'соч-' маъносини англатувчи тожикча **афшон-дан** феълининг **афшон** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 35, 140). Асли 'дур сочувчи' маъносини билдирадиган бу сўз тожик тилида 'чиройли сўзловчи' маъносини, ўзбек тилида эса 'дурдек товланиб турувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 240).

ДУРДОНА Бу сўз тожик тилида арабча **дур** сўзига (қ.) тожикча **дона** сўзини ('якка' маъноси билан) қўшиб тузилган (ТжРС, 141); 'йирик тоза дур' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 240). Ўзбек тилида бу сўз аёл киши-нинг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

Ж

ЖАББОР Бу арабча сўз **çabbār(un)** шаклига эга (АРС, 117); асли кўпмаъноли **çabara** феълининг 'ёрдам қилди' маъноси билан (АРС, 117) ҳосил қилинган сўз бўлиб (УАЯ, 240), араб тилида 'қудратли', 'қаҳр-ғазабли' маъноларини англатади (АРС, 117). ЎТИЛда (I, 268) бу сўз 'Худонинг номларидан бири' дейилган, лекин маъноси айтилмаган. Бу сўз шундай вазифада 'қудратли' маъносини англатишини таъкидлаш лозим. Изоҳли луғатда бу сўз эркак кишининг атоқли оти бўлиб кели-ши айтилган. Худонинг номларидан бири деб таъкид-ланган бу сўзнинг бандасининг номи сифатида ишла-тилиши нотўғри: эркак кишига атоқли от **Жаббор** деб эмас, **Абдужаббор** қўйилиши лозим.

ЖАБР Бу арабча сўз **çabr(un)** шаклига эга (АРС, 117); асли кўпмаъноли **çabara** феълининг 'мажбур қилди' маъноси билан (АРС, 117) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'мажбур қилиш', 'зўравонлик' маъносини англатади (АРС, 117). ЎТИЛда (I, 268) бу сўз 'жисмоний ёки руҳий азоб, зулм, адолатсизлик' маъно-сини англатади дейилгани аниқ эмас: **жабр** бошқа, **зулм** бошқа. Ўзбек тилида **қил-** ёрдамчиси билан **жабр қил-** қўшма феъли тузилган, **-лан** қўшимчаси билан **жабрлан-** феъли ясалган; бу феълларнинг маъноси ЎТИЛда 'қийна-' деб тўғри таърифланган; демак, **жабр** асли 'қийнаш', 'қийин аҳволга тушиш' маъносини анг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

латади.

ЖАБРДИЙДА Бу сўз арабча **жабр** отига (қ.) 'кўр-' маъносини англатувчи тожикча **дидан** феълининг **дида** сифатдош шаклини (ТжРС, 128) қўшиб тожик тилида тузилган; 'азоб аламини бошидан кечирган' каби маъ— нони англатади (ЎТИЛ, I, 268). Бу сўз тожик тилида **жабрдида** шаклига эга (ТжРС, 509). Ўзбек тилида бу тожикча сўз таркибидаги **дида** қисмини **дийда** шаклида ёзиш қабул қилинган; бундай шаклда ёзиш 'кўз' маъ— носини англатувчи **дийда** сўзида ҳам воқе бўлган (ЎТИЛ, I, 223). Демак, тожикча сўз таркибига ўзбек тилида **й** товуши киритилган.

ЖАБР-ЖАФО, ЖАБР-У ЖАФО Бу арабча сўз **жабр** (қ.) ва **жафо** (қ.) отларидан ўзбек тилида тузилган жуфт сўз бўлиб, 'кучли қийноқ ва эзилишлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 268). Орага **-у** боғловчисининг ки— ритилиши (**жабр-у жафо = жабр ва жафо**) бу жуфт сўзни уюшиқ сўзларга айлантиради. Бу боғловчини (**ва** > **-у**) чизиқча билан ёзиш лозим.

ЖАБР-ЗУЛМ, ЖАБР-У ЗУЛМ Бу сўз арабча **жабр** (қ.) ва **зулм** (қ.) отларидан ўзбек тилида тузилган жуфт сўз бўлиб, 'кучли қийноқ ва азоблар' маъносини англа— тади (ЎТИЛ, I, 268). Орага **-у** боғловчисининг кирити— лиши (**жабр-у зулм = жабр ва зулм**) бу жуфт сўзни уюшиқ сўзларга айлантиради. Бу боғловчини (**ва** > **-у**) чизиқча билан ёзиш лозим.

ЖАБР-СИТАМ, ЖАБР-У СИТАМ Бу сўз арабча **жабр** оти билан (қ.) 'сиқув', 'қийноқ', 'зўравонлик' каби маъноларни англатувчи тожикча **ситам** отидан (ТжРС, 360) ўзбек тилида тузилган жуфт сўз бўлиб, 'кучли да— ражадаги азоблар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 268). Орага **-у** боғловчисининг киритилиши (**жабр-у ситам = жабр ва ситам**) бу жуфт сўзни уюшиқ сўзларга айлантиради. Бу боғловчини (**ва** > **-у**) чизиқча билан ёзиш лозим.

ЖАБҲА Бу арабча сўз **çabhat(un)** шаклига эга (АРС, 118); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **çabhat → жабҳа;** асли араб тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

'манглайига урди' маъносини англатувчи **çabaha** феъ-линининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'манглай', 'фронт' маъноларини англатади (АРС, 118); ўзбек тилида бу сўз жуда оз ишлатилиб, 'соҳа', 'бора' каби маънони англатади (**жабҳасида** - 'соҳасида', 'борасида').

ЖАВЛОН Бу арабча сўз **çavlān(un)** шаклига эга (АРС, 150); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çavlān → жавлâн (жавлон);** асли 'атрофини айланиб чиқди', 'кезди' маъносини англатувчи **çāla** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 150), 'кезиш', 'ўйноқлаш' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 268). Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмай, **жавлон ур-** ибораси таркибида қатнашади.

ЖАВЛОН УР- қ. **жавлон**

ЖАВОБ Бу арабча сўз **çavāb(un)** шаклига эга (АРС, 147); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çavāb → жавāб (жавоб);** асли кўпмаъноли **çāba** феълининг 'жавоб қайтарди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида 'сўроққа қайтарилган гап', 'рухсат', 'ижозат' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 268). Бу сўздан ўзбек тилида **жавобсиз** сифати ясалган.

ЖАВОБАН Бу сўз арабча **жавоб** сўзининг (қ.) туш-шум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида равишга айланган; 'жавоб тариқасида' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 268).

ЖАВОБГАР Бу сўз тожик тилида арабча **жавоб** сўзига (қ.) тожикча **-гар** қўшимчасини қўшиб ясалган (ТжРС, 542, 510); 'зиммасига мажбурият юкланган', 'масъул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 268). Бу сўздан ўзбек тилида **-лик** қўшимчаси билан **жавобгарлик** мавҳум оти ясалган.

ЖАВОБНОМА Бу сўз ўзбек тилида арабча **жавоб** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини (ТжРС, 271) қўшиб тузилган; 'жавоб тариқасида йўлланадиган хат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 268).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАДАЛ Бу арабча сўз **çadal(un)** шаклига эга (АРС, 121); асли кўпмаъноли **çadala** феълининг 'баҳслашди', 'тортишди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'баҳс', 'музокара' каби от маъносини англатади (АРС, 121); ТжРСда ҳам (510) 'кураш', 'уруш', 'тиришқоқлик', 'интилиш' каби от маъносини англатиши айтилган; бу сўз ўзбек тилида 'тез суръатлар билан' каби белги маъносини англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 269). Ўзбек тилида бу сўздан **жадаллик** мавҳум отининг ясалиши ҳам **жадал** сўзи асосан белги маъносини англатишини тасдиқлайди. **Жадал** сўзидан ўзбек тилида **жадалла-** феъли ясалган.

ЖАДАЛЛА- (ЖАДАЛЛАШ-) *қ.* **жадал**

ЖАДАЛЛИК *қ.* **жадал**

ЖАДВАЛ Бу арабча сўз **çadval(un)** шаклига эга (АРС, 121); 'чизиқлар чизди', 'чизиқлар билан бўлимларга ажратди' каби маънони англатувчи **çadvala** феълидан (АРС, 121) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 339), 'машғулотлар тартиби кўрсаткичи', 'таблица', 'график' каби маънолар билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 270).

ЖАДИД Бу арабча сўз **çadīd(un)** шаклига эга (АРС, 119); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çadīd → жадид;** асли 'янги бўлди' маъносини англатувчи **çadda**[3] феълидан (АРС, 119) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'энг янги', 'яқинда пайдо бўлган' каби маъноларни англатади (АРС, 119); ўзбек тилида 'жадидчилик оқимининг тарафдори, иштирокчиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 270).

ЖАДИДЧИЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **жадид** сўзидан (қ.) **-чилик** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб, 'маърифат учун курашган, мактаб-маориф соҳасини ислоҳ қилиб, янгилик киритишга интилган сиёсий оқим' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 270).

ЖАЗАВА Бу арабча сўз асли **çażbat(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 122), ўзбек тилига зал товушини **з** товушига, **б** товушини **в** товушига алмаштириб, **зб** ундошлари оралиғига **а** унлисини қўшиб, сўз охиридаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари оралиғига **а** унлисини қўшиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **çaẓbat → жазба → жазва → жазава.** Бу сўз асли 'тортди', 'жалб қилди' маъносини англатувчи **çaẓaba** феълининг (АРС, 121) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), ўзбек тилига 'ўзини идора қила олмаслик даражасида ҳиссиётга берилиш' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 270).

ЖАЗМ: Бу арабча сўз **çazm(un)** шаклига эга (АРС, 129); кўпмаъноли **çazama** феълининг 'қарор қилди' маъноси билан (АРС, 129) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), ўзбек тилида 'қатъий қарор' маъносини англатишга хизмат қилади; бу сўз ўзи мустақил ишлатилмай, **жазм қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 270).

ЖАЗМАН Бу сўз асли 'жалб қилди' маъносини англатувчи арабча **çaẓaba** феълининг I боб масдари **çaẓb(un)** сўзига (Бу сўз 'ўзига жалб қилиш' маъносини англатади — АРС, 122) тожик тилида 'эга бўлиш' маъносини ифодаловчи **-манд** қўшимчасини қўшиб ясалган: **çaẓb + mand = çaẓbmand → чазбманд.** Тожик сўзлашув нутқида бу сўз таркибидаги зал ундоши **з** ундошига алмашиб, **б** товуши талаффуз қилинмай, **чазманд** шакли юзага келган (ТжРС, 511); ўзбек тилига **чазманд** сўзи охиридаги **д** товушини ташлаб қабул қилинган: **чазманд → жазман.** Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида 'бирор қизни ёқтириб, унга яқинлашиш ҳаракатида юрган (йигит)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 270).

ЖАЗО Бу арабча сўз **çazāь(un)** шаклига эга (АРС, 129); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **çazāь → жазâ (жазо).** Бу сўз асли кўпмаъноли **çaza** феълининг 'айби ёки жинояти учун қаттиқ чора кўрди' маъноси билан (АРС, 129) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), 'қилмишига яраша амалга ошириладиган чора' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 270). Ўзбек тилида бу сўздан **жазола-** феъли ясалган.

ЖАЛБ: Бу арабча сўз **çalb(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

133); асли кўпмаъноли **çalaba** феълининг 'қатнаштирди', 'муомалага тортди' маъноси билан (АРС, 133) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'олиб келиш', 'ташқаридан олиб келиш' каби маънони англатади. Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмай, **жалб қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади; бу қўшма феъл 'қатнаштир-', 'муомалага торт-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 271).

ЖАЛБ ҚИЛ- қ. **жалб**

ЖАЛЛОБ Бу арабча сўз **çallāb(un)** шаклига эга (АРС, 133); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çallāb → жаллâб (жаллоб).** Бу сўз **çalaba** феълининг 'олиб келди' маъноси билан ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 499), араб тилида 'савдо-сотиқ билан шуғулланувчи киши' маъносини англатади (АРС, 133); ўзбек тилида бу сўз асосан 'туёқли мол олиб сотувчи киши' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 271).

ЖАЛЛОД Бу арабча сўз **çallād(un)** шаклига эга (АРС, 134); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çallād → жаллâд (жаллод).** Бу сўз 'дарралади' маъносини англатувчи **çalada** феълидан (АРС, 134) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 499), 'ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг бошини олувчи одам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 271).

ЖАМ Бу арабча сўз **çamъ(un)** шаклига эга (АРС, 138); ўзбек тилига сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **çamъ → жам.** Бу сўз кўпмаъноли **çamaъa** феълининг 'тўплади', 'қўшди' маъноси билан (АРС, 137) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'тўпланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 271). Ўзбек тилида бу сўздан **жамла-** феъли ясалган.

ЖАМИЙ: Бу арабча сўз **çamъiyy(un)** шаклига эга (АРС, 139). Бу сўз асли **çamaъa** феълининг **çamъ(un)** масдаридан (қ.) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **ҷамъіуу → жамий.** Ўзбек тилида бу сўз **-ки** таъкид юкламаси қўшилган ҳолда ишлатилади: **жамийки;** 'барча', 'ҳамма' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 271).

ЖАМИЙАТ Бу арабча сўз **ҷамъ(un)** сўзидан (қ.) **-іууат(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), ўзбек тилига бу сўз таркибидаги айн товушини ва бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **ҷамъ + -іууат = ҷамъіууат → жамийат (жамият).** Ўзбек тилида бу сўз 'бирлашма', 'ташкилот', 'ижтимоий тараққиётнинг маълум бир босқичи' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 271).

ЖАМИЙКИ *қ.* **жамий**

ЖАМИЛ *қ.* **жамила**

ЖАМИЛА Бу арабча сўз **ҷамīlat(un)** шаклига эга; ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **ҷамīlat → жамила.** Бу сўз асли 'чиройли бўлди' маъносини англатувчи **ҷamula** феълидан (АРС, 139) ясалган **ҷамīl(un)** аслий сифатига (АТГ, 43) **-at(un)** муаннас қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; 'гўзал', 'соҳибжамол' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 271). Бу сўз, унинг музаккар шакли **жамил** сўзи ҳам ўзбек тилида киши атоқли оти сифатида ишлатилади.

ЖАМЛА- *қ.* **жам**

ЖАМОА Бу арабча сўз **ҷамāъat(un)** шаклига эга (АРС, 138); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ҷамāъat → жамâа (жамоа).** Бу сўз кўпмаъноли **ҷamaъa** феълининг 'тўпламоқ', 'жамламоқ' маъноси билан (АРС, 137) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'аҳоли', 'кишилар гуруҳи' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 271).

ЖАМОАТ Бу арабча сўз **ҷамāъat(un)** шаклига эга (АРС, 138); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ҷамāъat → жамâат (жамоат);** асли кўп—

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноли **çamaъa** феълининг 'тўплади', 'жамлади' маъноси билан (АРС, 137) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилидан 'бир тўда одамлар' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 271).

ЖАМОАТЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **жамоат** (қ.) сўзига ('жамият' маъноси билан) **-чи** қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб, 'жамоа ишларида фаол қатнашувчи', 'жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 272).

ЖАМОАТЧИЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **жамоат** сўзига (қ.) **-чилик** қўшимчасини қўшиб ясалган мавҳум от бўлиб, 'жамоанинг илғор, фаол қисми' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 272).

ЖАМОЛ Бу арабча сўз **çamāl(un)** шаклига эга (АРС, 139); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çamāl → жамâл (жамол);** асли 'чиройли бўлди' маъносини англатувчи **çamula** феълининг (АРС, 139) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ҳусн', 'чирой', 'гўзаллик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 272); ҳусн асосан кишининг юзида акс этиши туфайли бу сўз 'гўзал чеҳра' маъносини англатишга ҳам хизмат қилади.

ЖАМУЛЖАМ Бу сўз арабча **жам** сўзини (қ.) **ал** аниқлик артикли билан такрорлаб тузилган бўлиб, араб тили талаффуз қоидасига биноан **жамулжам** тарзида айтилади; ўзбек тилига шундай талаффуз шаклида қабул қилинган бўлиб, 'йиғилган', 'тўпланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 272).

ЖАНАЗА қ. **жаноза**

ЖАННАТ Бу арабча сўз **çannat(un)** шаклига эга (АРС, 141); асли 'яширди' маъносини англатувчи **çanna** феълидан ҳосил қилиниб, 'боғ' маъносини англатувчи **çann(un)** масдарининг (АРС, 140) 'якка', 'бир дона' маъносини ифодаловчи **-t** (та марбута) қўшимчаси билан ҳосил қилинган шакли бўлиб (АТГ, 373), араб тилида **al çannatu** тарзида **al** аниқлик артикли билан ишлатилиб, 'бегуноҳ кишиларнинг руҳи нариги дунёда роҳат-фароғатда яшайдиган макон', 'биҳишт' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади; ўзбек тилига бу сўз аниқлик артиклисиз қабул қилинган. Ўзбек тилида **жаннат** сўзига 'жой', 'маскан' маъносини англатувчи арабча **макон** сўзини қўшиб, **жаннатмакон** тарзида ишлатиш ўринли эмас.

ЖАННАТИ Бу сўз тожик тилида арабча **жаннат** сўзидан (қ.) **-ӣ** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (ТжРС, 542, 513), асли 'жаннатга мансуб' маъносини, ўзбек тилида эса 'нариги дунёда жаннатга кирадиган (одам)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 273).

ЖАННАТМАКОН қ. **жаннат**

ЖАНОБ Бу арабча сўз **ҫanāb(un)** шаклига эга (АРС, 141); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ҫanāb → жанâб (жаноб).** Бу сўз асли 'четга суриб қўйди' маъносини англатувчи **ҫanaba** феълининг (АРС, 141) масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида чет элликларга расмий мурожаат қилишда ишлатилиб, 'муҳтарам чет эллик' каби маънони англатади (АРС, 141); ўзбек тилида асосан мартабали кишиларга нисбатан ҳурмат билан мурожаатда лавозимни билдирувчи сўздан кейин III шахс эгалик қўшимчасини қўшиб ишлатилади: *вазир жаноблари* каби (ЎТИЛ, I, 273).

ЖАНОЗА Бу арабча сўз **ҫanāzat(un)** шаклига эга (АРС, 143); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **ҫanāzat → жанâза (жаноза);** асли 'дафн намози ўқилди', 'дафн қилинди' маъносини англатувчи **ҫanaza** феълининг (АРС, 143) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'дафн маросими' маъносини англатади (АРС, 143), ўзбек тилида 'марҳум бўлган кишига ғусл қилдириб дафн олдидан ўқиладиган намоз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 273).

ЖАНУБ Бу арабча сўз **ҫanūb(un)** шаклига эга (АРС, 141); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ҫanūb → жануб.** Бу сўз асли 'четга суриб қўйди' маъносини англатувчи **ҫanaba** феълининг (АРС, 141) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'шимолнинг акси', 'ер шарининг пастга йўналган томони' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 273).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАНУБИЙ Бу сўз араб тилида **жануб** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги бир **й** товушини ташлаб қабул қилинган: **жанубийй → жанубий.** Бу сўз 'жануб томонда жойлашган', 'жануб томонга оид' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 273).

ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ Бу жуфт сўз тожик тилида арабча **жанубий** (қ.) ва **шарқий** сифатларидан тузилган бўлиб (ТжРС, 513), 'жанубий ва шарқий йўналишлар — нинг оралиғидаги' маъносини англатади. Бундай сўз **жануби шарқ** изофа бирикмасидан арабча **-ий** қўшимчаси билан ясалган деб тушунилиб, **жануби шарқий** шаклида ҳам келтирилган (ТжРС, 513; ЎТИЛ, I, 273). АРСнинг 402- бетидаги мисолга асосланса к, араб тилида бундай икки сўз **ҫanuba şarqiyy(un)** шаклида бирикади.

ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ Бу жуфт сўз тожик тилида арабча **жанубий** (қ.) ва **ғарбий** (қ.) сифатларидан тузилган бўлиб (ТжРС, 513), 'жанубий ва ғарбий йўналишларнинг оралиғидаги' маъносини англатади. Бундай сўз **жануби ғарб** изофа бирикмасидан арабча **-ий** қўшимчаси билан ясалган деб тушунилиб, **жануби ғарбий** шаклида ҳам келтирилган (ТжРС, 513; ЎТИЛ, I, 273). АРСнинг 402- бетидаги **жануба шарқий** мисолига асосланса к, араб тилида бундай икки сўз **жануба ғарбий** шаклида бирикади.

ЖАНУБИ ШАРҚ Бу бирикма араб тилида **жанубу шарқ** шаклига эга бўлиб (АТГ, 60), ўзбек тилида тожикча изофа бирикмасига айлантирилган: **жанубу шарқ → жануби шарқ;** 'жануб билан шарқ оралиғидаги йўналиш, томон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 273). Бундай изофа бирикмаси ТжРСда келтирилмаган.

ЖАНУБИ ШАРҚИЙ қ. **жанубий-шарқий**

ЖАНУБИ ҒАРБ Бу бирикма араб тилида **жанубу ғарб** шаклига эга бўлиб (АТГ, 60), ўзбек тилида тожикча изофа бирикмасига айлантирилган: **жанубу ғарб → жануби ғарб;** 'жануб билан ғарб оралиғидаги йўналиш, томон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 273). Бундай изофа бирикмаси ТжРСда келтирилмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАНУБИ ҒАРБИЙ қ. **жанубий-ғарбий**

ЖАР Бу арабча сўз **çahr(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 145), ўзбек тилига **h** товушини ташлаб қабул қилинган: **çahr → жар;** асли 'баланд овоз билан, ҳаммага эшиттириб айтди' маъносини англатувчи **çahara** феълининг (АРС, 145) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'ошкора', 'ошкоралик' маъноларини (АРС, 145), ўзбек тилида 'баланд овоз билан айтилган хабар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 273). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **жар сол-** ибораси таркибида қатнашади. Тарихан ўзбек тилида бу сўздан **жарчи** оти ясалган.

ЖАРАЙОН Бу арабча сўз **çarayān(un)** шаклига эга (АРС, 126); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çarayān → жарайân (жараён):** асли кўпмаъноли **çarā** феълининг 'оқди' маъноси билан (АРС, 126) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилидан 'фаолиятнинг бориши, оқими' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 274).

ЖАРИМА Бу арабча сўз **çarīmat(un)** шаклига эга (АРС, 126); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **çarīmat → жарима;** асли 'гуноҳ қилди', 'жиноят қилди' маъносини англатувчи **çarama** феълининг 'тўлов тўлатди' маъноси билан (АРС, 126) ясалган **çarīm(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилидан 'штраф' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 274).

ЖАРИМАДОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **жарима** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'штраф солинган киши ёки ташкилот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 274).

ЖАРОҲАТ Бу арабча сўз **çirāħat(un)** шаклига эга (АРС, 124); ўзбек тилига **i** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб қабул қилинган: **çirāħat → жарâҳат (жаро-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳат); асли 'жисмоний шикаст етказди' маъносини англатувчи **çaraĥa** феълининг (АРС, 124) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'жисмоний шикаст', 'яра-чақа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 274). Бу сўздан ўзбек тилида **жароҳатла[н]-** феъли, **жароҳатли** сифати ясалган.

ЖАРРОҲ Бу арабча сўз **çaррāĥ(un)** шаклига эга (АРС, 124); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб қабул қилинган: **çaррāĥ → жаррâҳ (жарроҳ);** асли 'жисмоний шикаст етказди' маъносини англатувчи **çaraĥa** феълидан (АРС, 124) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 499), 'хирург' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 274).

ЖАР СОЛ- қ. **жар**

ЖАРЧИ қ. **жар**

ЖАСАД Бу арабча сўз **çasad(un)** шаклига эга (АРС, 129); кўпмаъноли **çasada** феълининг 'аниқ шакл берди' маъноси билан (АРС, 129) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида (тожик тилида ҳам) 'гавда', 'жусса' маъносини англатади (АРС, 129; ТжРС, 513); ўзбек тилида бу сўз кўчма маъно касб этиб, 'мурда' маъносини англатишга хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, I, 108).

ЖАСМИН Бу сўз ЎТИЛда (II, 488) арабча деб белгиланган; АРСда бу сўз ўзакка боғланмай, якка ўзи **yāsmīn(un)** ва **yasmīn(un)** шаклларида (915, 918- бетларда) келтирилган. Бундай шаклларда берилиши ушбу сўз арабча эмаслигини кўрсатади. Ҳақиқатда, бу сўз Ушаков луғатида (I, 848) форсча деб таъкидланган. **Жасмин** сўзи ТжРСда йўқ, бу луғатда **йосуман** сўзи келтирилган (146). ПРСда (601) **йасāмāн** сўзи берилиб, бу сўздан **йас** сўзига ҳавола қилинган, у ерда бу сўз **йас** ва **йасāмāн** шаклларида келтирилган. Кўринадики, бу сўз асли эроний бўлиб, **йасāмāн** шаклига эга; тожик тилида **а** унлиси **ā** унлисига, иккинчи бўғиндаги **ā** унлиси **у** унлисига алмашган: **йāсуман (ёсуман);** ўзбек тилига шу шаклида ўзлашган. ПРС асосида бу сўз асли **йас** сўзига **-ман** қисмини қўшиб ҳосил қилинган дейиш мумкин; унда **йас** сўзи асли 'ўткир хушбўй ҳид' маъно—

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини англатган, **-ман** қисми эса асли **-манд (-манд)** шаклига эга бўлиб (ТжРС, 542), кейинчалик унинг охиридаги **д** товуши талаффуз қилинмай қўйган бўлса керак. Хуллас, ЎТИЛга **йасмин** сўзи киритилмаслиги лозим эди, чунки бу сўз тожикча **йосуман** сўзининг русча талаффуз шаклига тенг; ЎТИЛга **йосуман** сўзининг ўзини киритиш кифоя. Бу сўз асли 'хушбўй, оқ тўп гулли манзарали бута' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 263).

ЖАСОРАТ Бу арабча сўз **çasārat(un)** шаклига эга (АРС, 130); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çasārat → жасâрат (жасорат);** асли кўпмаъноли **çasara** феълининг 'ботир бўлди' маъноси билан (АРС, 130) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'мардлик', 'довюраклик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 274). Ўзбек тилида бу сўздан **жасоратли, жасоратсиз** сифатлари ясалган.

ЖАСУР Бу арабча сўз **çasūr(un)** шаклига эга (АРС, 130); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган; кўпмаъноли **çasara** феълининг 'ботир бўлди' маъноси билан (АРС, 130) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'ботир', 'довюрак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 275). Ўзбек тилида бу сўздан **жасурлик** мавҳум оти, **жасурлан-** феъли ясалган.

ЖАСУРОНА Бу сўз ўзбек тилида арабча **жасур** сўзига (қ.) тожикча **-она** қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ясалган равиш бўлиб, 'ботирларча', 'жасурларча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 275).

ЖАФО Бу арабча сўз **çafāь(un)** шаклига эга (АРС, 132); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **çafāь → жафâ (жафо).** Бу сўз асли 'қўпол, дағал муомала қилди' маъносини англатувчи **çafā** феълининг (АРС, 132) I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), араб тилида 'қўполлик', 'дағаллик', 'совуқ муомала қилиш' каби маъноларни англатади (АРС, 132). ТжРСда (513) **жафо** кўпмаъноли сўз сифатида тасвирланиб, биринчи маъноси 'азоб, уқубат, эзилиш' деб, иккинчи маъноси 'бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

раҳмлик, зўғим' деб, учинчи маъноси 'хафалик' деб таърифланган. ЎТИЛда (I, 275) бу сўзнинг маъноси 'маънавий, руҳий ва жисмоний эзилиш, азоб-уқубат, кулфат' деб таърифланган. Кўринадики, ЎТИЛда бу сўзнинг маъноси ўта даражада бўрттириб юборилган. Асли бу сўзнинг биринчи маъносини 'бераҳмлик', 'зўғим' деб таъкидлаш тўғрироқ, 'азоб', 'эзилиш' каби маъно кейинчалик юзага келган.

ЖАФОКАШ Бу сўз тожик тилида арабча **жафо** сўзига (қ.) 'торт-' маъносини англатувчи тожикча **каширдан** феълининг **каш** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 513), ўзбек тилига 'жафо чеккан', 'эзилган' каби маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 275).

ЖАФОКОР Бу сўз тожик тилида арабча **жафо** сўзидан (қ.) **-кор** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 514), ўзбек тилига 'жафо қилувчи', 'эзувчи' маъноси билан қубул қилинган (ЎТИЛ, I, 275).

ЖАҲАННАМ Бу арабча сўз **çahannamu** шаклига эга (АРС, 146); ўзбек тилига сўз охиридаги **u** унлисини (бош келишикнинг аниқ шаклини) ташлаб қабул қилинган: **çahannamu → жаҳаннам.** Бу от сўз 'дўзах' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 275).

ЖАҲД Бу арабча сўз **çahd(un)** шаклига эга (АРС, 144); асли кўпмаъноли **çahada** феълининг 'берилиб ҳаракат қилди', 'меҳнат қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'берилиб меҳнат қилиш' маъносини англатади (АРС, 144); ўзбек тилида 'зўр бериш', 'ғайрат' каби маънолар-ни англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 275).

ЖАҲД-ЖАДАЛ Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **жаҳд** (қ.) ва **жадал** (қ.) сўзларидан тузилган бўлиб, 'зўр ғайрат', 'ғайрат-шижоат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 275). **Жадал** сўзи бу жуфт сўз таркибида белги маъноси билан эмас, предмет маъноси билан қатнашади. Ушбу жуфт сўз қисмлари оралиғига **-у** боғловчисини киритиш билан жуфт сўз уюшиқ сўзларга айланади; бунда **-у** боғловчисини чизиқча билан ёзиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

лозим: **жаҳд-у жадал** каби.

ЖАҲД-У ЖАДАЛ қ. **жаҳд-жадал**

ЖАҲЛ Бу арабча сўз **ҫahl(un)** шаклига эга (АРС, 146); 'нодон бўлди' маъносини англатувчи **ҫahala** феълининг (АРС, 145) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида асли 'нодонлик', 'билимсизлик' маъноларини англатади (АРС, 146), ўзбек тилида эса 'аччиқланиш', 'ранжиш' каби маънони англатишга хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, I, 275). Ўзбек тилида бу сўздан **жаҳллан-** феъли ясалган.

ЖАҲЛДОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **жаҳл** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жаҳли чиқаверадиган', 'ҳадеб жаҳл қилаверадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 275).

ЖАҲОЛАТ Бу арабча сўз **ҫahālat(un)** шаклига эга (АРС, 146); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ҫahālat → жаҳâлат (жаҳолат);** асли 'нодон бўлди' маъносини англатувчи **ҫahila** феълининг (АРС, 145) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'нодонлик', 'маданиятсизлик' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 275).

ЖАҲОЛАТПАРАСТ Бу сўз тожик тилида арабча **жаҳолат** сўзига (қ.) 'сажда қил-' маъносини англатувчи тожикча **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини қўшиб (ТжРС, 298) ҳосил қилинган бўлиб, 'қолоқлик, маданиятсизлик тарафдори', 'илм-фан, маданият душмани' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 275).

ЖАҲОНШУМУЛ қ. **оламшумул**

ЖИДДИЙ Бу арабча сўз **ҫiddiyy(un)** шаклига эга (АРС, 119); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушлари-дан бирини ташлаб қабул қилинган: **ҫiddiyy → жиддий;** асли 'талабчанлик билан ёндашди' маъносини англатувчи **ҫadda**[3] феълининг I боб масдари **ҫidd(un)** сўзидан (АРС, 119) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'масъулиятли', 'пухта ўйлаб бажариладиган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 277).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖИЛВА Бу арабча сўз **çalvat(un)** шаклига эга (АРС, 136); ўзбек тилига биринчи бўғиндаги **а** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **çalvat → жилва;** асли кўпмаъноли **çalā** феълининг 'аниқ кўринди', 'намоён бўлди' маъноси билан (АРС, 135) ҳосил қилинган I боб масдари **çalv(un)** сўзидан (АТГ, 142) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'ялтираш' маъносини англатади (АРС, 136); ўзбек тилида бу сўз 'аёлнинг ўзига мафтун этиш мақсадида ноз ва ғамза билан қараши' маъносини англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 278). Ўзбек тилида бу сўздан **жилвали** сифати ясалган.

ЖИЛВАГАР Бу сўз тожик тилида арабча **жилва** сўзидан (қ.) тожикча **-гар** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 515), тожик тилида 'очиқ, аниқ кўринувчи' маъносини (ТжРС, 515), ўзбек тилида эса 'ноз-ғамза билан қаровчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 278).

ЖИЛД I Бу арабча сўз **çild(un)** шаклига эга (АРС, 134); асли 'даррала-' маъносини англатувчи **çalada** феълининг 'терисини шилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'тери', 'китоб ғилофи (муқоваси)' маъноларини англатади (АРС, 134); ўзбек тилида бу сўз 'ғилоф' маъносида (**ёстиқнинг жилди** каби) ишлатилади; тарихан 'ўқув қуролларини солиб юриладиган халта' маъноси билан ишлатилган (ЎТИЛ, I, 279).

ЖИЛД II Бу арабча сўз **çild(un)** шаклига эга (АРС, 134); асли 'даррала-' маъносини англатувчи **çalada** феълининг 'терисини шилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'тери', 'китоб ғилофи (муқоваси)' маъносини англатади (АРС, 134); ўзбек тилида бу сўз 'бир неча китобдан иборат асарнинг ҳар бир китоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 279).

ЖИЛО Бу арабча сўз **çalāь(un)** шаклига эга (АРС, 136); ўзбек тилига **а** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** ун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **çalāь → жилâ (жило);** асли кўпмаъноли **çalā** феълининг 'равшан, аниқ бўлди' маъноси билан (АРС, 135) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), араб тилида 'аниқлик', 'равшанлик' маъносини англатади (АРС, 136), ўзбек тилида эса 'сайқалланган сиртнинг ялтираб товланиши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 279).

ЖИН Бу арабча сўз **çinn(un)** шаклига эга бўлиб, ТжРСда (515) **çinn** шаклида келтирилган, ўзбек тилига эса охиридаги **nn** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган. Бу сўз асли **çanna** феълининг 'яширди' маъносидан (АРС, 140) ҳосил қилинган масдар бўлиб, 'киши кўзига одам қиёфасида кўриниб, гўё уни бирор дардга чалингириб кетадиган хаёлий мавжудот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 280). Бу сўз ўзбек ва тожик тилларида **ажина** шаклида ҳам ишлатилади.

ЖИНДАЙ Бу сўз арабча **жин** сўзидан (қ.) унинг маъносидаги 'кўзга кўринмайдиган' қирраси асосида ўхшашлик маъносини ифодаловчи **-дай** қўшимчаси билан ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, маъно тараққиёти натижасида 'жуда оз' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, I, 281).

ЖИННИ Бу сўз арабча **жинн** сўзидан тожикча **-ӣ** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган нисбий сифат бўлиб, тожик тили луғатида **жинни** шаклида келтирилган (ТжРС, 516); ўзбек тилига бу сўз охиридаги чўзиқ **ӣ** унлиси **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган. **Жинни** сўзи асли 'жин таъсири билан телба бўлган' маъносини англатади; кейинчалик маъно тараққиёти натижасида тўғридан-тўғри 'руҳий касалликка дучор бўлган', 'телба' каби маъноларни англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 281). Ўзбек тилида бу сўз билан **жиннилик** оти ясалган, **жиннихона** қўшма сўзи тузилган.

ЖИНОИЙ Бу арабча сўз **çināьiyy(un)** шаклига эга (АРС, 144); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, ҳамзани ва бир **y** товушини ташлаб қабул қилинган: **çināьiyy → жинâий (жиноий);** асли 'жиноят

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилди' маъносини англатувчи **çana**[2] феълининг (АРС, 144) **çināь(un)** масдаридан (АТГ, 146) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'жиноят деб қараладиган', 'жиноят билан боғлиқ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 281).

ЖИНОЙАТ Бу арабча сўз **çināyat(un)** шаклига эга (АРС, 144); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çināyat → жинâйат (жиноят);** асли 'жазога лойиқ, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилди' маъносини англатувчи **çana**[2] феълининг (АРС, 144) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'жазога лойиқ, ғайриқонуний хатти-ҳаракат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 281). Ўзбек тилида бу сўздан **жинойатчи** шахс оти ясалган.

ЖИНОЙАТКОР Бу сўз тожик тилида арабча **жинойат** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 516), 'жиноят қилган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 282).

ЖИНОЙАТКОРОНА Бу сўз тожик тилида арабча **жинойат** сўзидан (қ.) ясалган **жинойаткор** сифатига (қ.) **-она** қўшимчасини қўшиб ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 516), ўзбек тилида 'жиноий йўл билан' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 282).

ЖИНС Бу арабча сўз **çins(un)** шаклига эга (АРС, 143); 'бир хилликка келтирди', 'бир-бирига ўхшаш қилди' каби маънони англатувчи **çannasa** феълининг (АРС, 143) масдари бўлиб (УАЯ, 568), ўзбек тилида 'эркак ёки урғочи турдан ҳар бири ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 282).

ЖИНСДОШ Бу сўз арабча **жинс** сўзидан (қ.) **-дош** қўшимчаси билан ўзбек тилида ясалган сифат бўлиб, 'жинси бир', 'айни бир жинсга мансуб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 282).

ЖИНСИЙ Бу арабча сўз **çinsiyy(un)** шаклига эга (АРС, 143); ўзбек тилига охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **çinsiyy → жинсий; жинс** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган

www.ziyouz.com kutubxonasi

нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'жинсга тегишли', 'жинс билан боғлиқ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 282).

ЖИСМ Бу арабча сўз **çism(un)** шаклига эга (АРС, 130); **çasuma** феълининг 'шакл-шамойил берди' маъноси асосида (АРС, 130) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилидан 'тан', 'модда' маънолари билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 283).

ЖИСМАН Бу сўз арабча **жисм** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), 'моддий жиҳатдан', 'жисмоний жиҳатдан' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 283).

ЖИСМОНИЙ Бу сўз тожик тилида **жисм** сўзига (қ.) тожикча **-он** қўшимчасини қўшиб ясалган отдан (ТжРС, 543) **-ӣ** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542), 'тана аъзоларига боғлиқ', 'тана аъзолари—нинг ҳаракати билан бажариладиган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 283).

ЖИҲАТ Бу арабча сўз **çihat(un)** шаклига эга (АРС, 875); асли **vaçuьa** феълининг 'бирор томонга йўналтир—ди' маъноси билан (АРС, 875) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 145), 'томон', 'тараф' маъносини англатади: *шу жиҳатдан* каби (ЎТИЛ, I, 284).

ЖИҲОД Бу арабча сўз **çihād(un)** шаклига эга (АРС, 144); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çihād → жиҳâд (жиҳод);** асли кўпмаъноли **çahada** феълининг 'курашди' маъноси билан (АРС, 144) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), араб тилида 'кураш' маъносини англатади; ўзбек тилида бу сўз 'мусулмонларнинг ғайридинларга қарши муқаддас уруши', 'ғазавот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 284).

ЖИҲОЗ Бу арабча сўз **çihāz(un)** шаклига эга (АРС, 146); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çihāz → жиҳâз (жиҳоз);** асли кўпмаъноли **çahaza** феълининг 'асбоб-анжом билан таъминланди' маъноси билан (АРС, 145) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'керакли асбоб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

анжомлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 184). Ўзбек тилида бу сўздан **жиҳозла-** феъли ясалган.

ЖОБИР Бу арабча сўз **ҫābir(un)** шаклига эга (АРС, 117); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ҫābir → жâбир (жобир).** Бу сўз асли кўпмаъноли **ҫabara** феълининг 'мажбур қилди' маъноси билан (АРС, 117) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'жабр қилувчи', 'жабр ўтказувчи' маъносини англатади (ЎҚААҚЛ, 112). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади, шу сабабли ЎТИЛда акс этмай қолган.

ЖОЗИБА Бу арабча сўз **ҫāžibat(un)** шаклига эга (АРС, 122); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, зал ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ҫāžibat → жâзиба (жозиба).** Бу сўз 'тортди', 'жалб қилди' маъносини англатувчи **ҫažaba** феълидан ясалган **ҫāžib(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'жалб қилиш хусусияти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 284). Ўзбек тилида бу сўздан **жозибали** сифати ясалган.

ЖОЗИБАДОР Бу сўз тожик тилида арабча **жозиба** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 137, 136), 'жозибали' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 284).

ЖОИЗ Бу арабча сўз **ҫāьiz(un)** шаклига эга (АРС, 149); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касра-ли ҳамзани **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ҫāьiz → жâиз (жоиз);** асли кўпмаъноли **ҫāza** феълининг 'рухсат берилди' маъноси билан (АРС, 148) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'рухсат қилинадиган', 'йўл қўйиладиган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 184).

ЖОМЕ Бу арабча сўз **ҫāmiъ(un)**[2] шаклига эга (АРС, 138); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **i** унлисини **е** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **ҫāmiъ → жâме (жоме).** Бу сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўпмаъноли **çamaъa** феълининг 'тўплади' маъноси билан (АРС, 137) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'кўп одам тўпланадиган жой' маъносини англатган; АРСда (138) бу сўз 'масжид' маъносини англатиши айтилган. ЎТИЛда (I, 287) бу сўз мустақил ишлатилмаслиги кўрсатилиб, **масжиди жоме (жоме масжиди)** бирикмаси таркибида 'жума намози ўқиладиган катта (масжид)' маъносини англатиши таъкидланган.

ЖОРИЙ Бу арабча сўз **çārin** шаклига эга (АРС, 126); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **n** ундошини ташлаб, **й** ундошини қўшиб қабул қилинган: **çārin → жâрий (жорий);** асли кўп маъноли **çarā** феълининг 'оқди' маъноси билан (АРС, 126) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 150), ўзбек тилида 'ҳозир давом этаётган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 289).

ЖОСУС Бу арабча сўз **çāsus(un)** шаклига эга (АРС, 129); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çāsus → жâсус (жосус);** асли **çassa** феълининг 'билишга ҳаракат қилди' маъноси билан (АРС, 129) ҳосил қилинган масдар бўлиб, 'махфий равишда маълумот тўплаш билан шуғулланувчи шахс' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 289).

ЖОҲИЛ Бу арабча сўз **çāhil(un)** шаклига эга (АРС, 146); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **çāhil → жâҳил (жоҳил);** асли 'нодон бўлди' маъносини англатувчи **çahila** феълидан (АРС, 145) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'жаҳолатда қолган', 'нодон' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 289). Ўзбек тилида бу сўздан **жоҳиллик** маъҳум оти ясалган.

ЖОҲИЛОНА Бу сўз тожик тилида арабча **жоҳил** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 519), 'жоҳиллик билан қилинган', 'жоҳилларга хос' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 290).

ЖУЗЪИЙ Бу арабча сўз **çuzьiyy(un)** шаклига эга (АРС, 128); ўзбек тилига ҳамза ўрнига **ъ** (айириш) бел-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гисини қўйиб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **çuzьiуу → жузъий;** асли 'бўлакларга ажратди' маъносини англатувчи **çazaьa** феълининг (АРС, 127) 'қисм' маъносини англатувчи I боб масдари **çuzь(un)** сўзидан (УАЯ, 568) **-iуу(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'кичик', 'арзимас' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 290).

ЖУЗЛА- Бу феъл ўзбек тилида арабча 'бўлакларга ажратди' маъносини англатувчи **çazaьa** феълининг (АРС, 127) 'қисм' маъносини англатувчи I боб масдари **çuzь(un)** сўзидан **-ла** қўшимчаси билан ясалган феъл бўлиб, 'босмахонада матн босилган қоғозларни варақ тартибида тахла-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 290).

ЖУМА Бу арабча сўз **çumъat(un)** шаклига эга (АРС, 138); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **çumъat → жума.** Бу сўз асли кўпмаъноли **çamaъa** феълининг 'тўплади', 'жамлади' маъноси билан (АРС, 137) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'ҳафта', 'ҳафтанинг охирги куни' маъносини (АРС, 138), ҳозирги ўзбек тилида 'ҳафтанинг бешинчи куни' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 291). Жума куни ҳозир ҳам ислом мамлакатларида ҳафтанинг дам олиш куни ҳисобланади.

ЖУМЛА Бу арабча сўз **çumlat(un)** шаклига эга (АРС, 140); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **çumlat → жумла;** асли кўпмаъноли **çamula** феълининг 'бирлаштирди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилидан 'фикр ифодалашга хизмат қиладиган тил бирлиги' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 291).

ЖУМЛАДАН Бу сўз асли **шу жумладан** бирикмаси таркибидаги **шу** олмошини ташлаш натижасида юзага келган; **жумла** сўзи бу ерда 'маълум бир тўплам', 'йиғинди' маъноси билан қатнашган бўлиб (АРС, 139), ҳозирги ўзбек тилида 'шулар жумласидан', 'шулардан' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 291).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖУМЛАЙИ МЎМИН Бу бирикма арабча **жумла** (қ.) ва **мўмин** (қ.) сўзлари билан тузилган тожикча изофа бирикмаси бўлиб, асли 'мусулмонларнинг барчаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 291); бу изофа бирикмаси таркибида **жумла** сўзи 'ҳамма', 'барча' маъноси билан қатнашган (АРС, 139).

ЖУНУН қ. **мажнун**

ЖУРЪАТ Бу арабча сўз **çurƅat(un)** шаклига эга (АРС, 123); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб, **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **çurƅat → журъат;** асли 'ботир бўлди', 'шижоатли бўлди' маъносини англатувчи **çaгuьa** феълидан (АРС, 123) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ботирлик', 'шижоат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 291). Ўзбек тилида бу сўздан **журъатли, журъатсиз** сифатлари, **журъатлан-** феъли ясалган.

З

ЗАБТ: Бу арабча сўз **ƌabt(un)** шаклига эга (АРС, 453); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ƌabt → забт;** асли кўпмаъноли **ƌabata** феълининг 'босиб олди' маъноси билан (АРС, 453) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **забт эт-** қўшма феъли таркибида 'босиб олиш' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, I, 294).

ЗАБТ ЭТ- қ. **забт**

ЗАБУР Бу арабча сўз **zabūr(un)** шаклига эга (АРС, 325); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **zabūr → забур;** асли 'ёзди', 'кўчириб ёзди' маъносини англатувчи **zabara** феълининг (АРС, 325) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143) ўзбек тилида 'Худо томонидан Довуд пайғамбарга юборилган муқаддас китоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 294).

ЗАВЖ Бу арабча сўз **zavç(un)** шаклига эга (АРС, 337); 'эр-хотин қилди' маъносини англатувчи **zavaça** феълининг (АРС, 337) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'никоҳдаги эркак хотинига нисбатан' маъносини анг—

www.ziyouz.com kutubxonasi

латади (ЎТИЛ, I, 294). Ўзбек тилида бу сўздан **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (АТГ, 29) муаннас шакли **zavçat(un)** сўзи ҳам мавжуд бўлиб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **zavçat → завжа;** бу сўз 'никоҳдаги аёл эрига нисбатан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 294).

ЗАВЖА *қ.* **завж**

ЗАВОЛ Бу арабча сўз **zavāl(un)** шаклига эга (АРС, 338); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **zavāl → завâл (завол);** асли кўпмаъноли **zāla** феълининг 'йўқ бўлди' маъноси билан (АРС, 338) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида 'йўқ бўлиш', 'ўлиш' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 294).

ЗАВҚ Бу арабча сўз **żavq(un)** шаклига эга (АРС, 278); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **żavq → завқ;** асли 'татиб кўрди', 'синаб кўрди' маъноларини англатувчи **żāqa** феълидан (АРС, 279) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'кишига хурсандлик бағишлайдиган кайфият' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 294). Бу сўздан ўзбек тилида **завқли** сифати, **завқлан-** феъли ясалган. Бу-лардан ташқари, **завқ** сўзидан **-ийй(ун)** қўшимчаси би-лан ясалган **завқий(йун)** нисбий сифати ҳам мавжуд бўлиб, атоқли шоирлардан бирининг тахаллуси сифа-тида ишлатилади.

ЗАВҚИЙ *қ.* **завқ**

ЗАВҚ-ШАВҚ Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **завқ** (қ.) ва **шавқ** (қ.) сўзларидан тузилган бўлиб, 'кишига ўта даражада хурсандлик бағишлайдиган кайфият' маъно-сини англатади (ЎТИЛ, I, 295). Бу жуфт сўз ўзбек тилида **шавқ-завқ** шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, II, 390).

ЗАИФ Бу арабча сўз **ḍaъīf(un)** шаклига эга (АРС, 460); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ḍaъīf → заиф;** асли 'кучсиз, мадорсиз бўлди' маъносини англатувчи **ḍaъufa** феълидан ясалган аслий

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифат бўлиб (АТГ, 43), 'кучсиз', 'мадорсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 295). Ўзбек тилида бу сифатдан **заифлик** мавҳум оти, **заифлан- (заифлаш-)** феъли ясалган.

ЗАИФА Бу сўз арабча **заиф** сўзининг (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилида 'аёл', 'эркак никоҳидаги аёл' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 295).

ЗАИФОНА Бу сўз ўзбек тилида арабча **заиф** сўзига (қ.) тожикча **-она** қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ясалган равиш бўлиб, 'аёлларга хос', 'аёллар учун белгиланган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 295).

ЗАЙЛ: Бу арабча сўз **żayl(un)** шаклига эга (АРС, 279); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **żayl → зайл;** асли кўпмаъноли **żayala** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида 'иш-ҳаракатнинг давом этиш тарзи' маъносини англатади; бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **шу зайлда, замонанинг зайли билан** каби бирикмалар таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 295).

ЗАКИЙ Ўзбек тилида жуда оз ишлатиладиган бу арабча сўз **żakiyy(un)** шаклига эга (АРС, 276); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **żakiyy → закий.** Бу сўз асли 'идрокли, ўткир зеҳнли бўлди' маъносини англатувчи **żakiya** феълидан (АРС, 276) ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'идрокли', 'ўткир зеҳнли' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 296). Сўзлашув нутқида бу сўз **закки** тарзида ҳам талаффуз қилинади (ЎТИЛ, I, 296).

ЗАККИ қ. **закий**

ЗАКОВАТ Бу арабча сўз асли **żakāvat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **żakāvat → закāват (заковат).** Бу сўз 'идрокли, ўткир зеҳнли бўлди' маъносини англатувчи **żakiya** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида 'ўткир ақл-идрок', 'зеҳн' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 196). Бу сўздан ўзбек тилида **заковатли** сифати ясалган.

ЗАКОВАТЛИ *қ.* **заковат**

ЗАКОТ Бу арабча сўз **zakāt(un)** шаклига эга (АРС, 331); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **zakāt → закât (закот);** асли 'кўпайди', 'иши ривож топди' каби маънони англатувчи **zakā** феълидан **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'поклик', 'садақа', 'ўндан бир улуш' каби маъноларни англатади (АРС, 331); ўзбек тилида бу сўз 'мол-дунёли мусулмоннинг ўз бойлигининг қирқдан бир улушини рўза пайтида бева-бечора, қашшоқ кишиларга берадиган хайр-садақаси' маносини англатади (ЎТИЛ, I, 296). Хонликлар даврида бу сўз хазинага юқоридаги миқдорда тўланадиган солиқни ҳам англатган.

ЗАМЗАМ Бу арабча сўз — Макка шаҳаридаги Каъба яқинида мавжуд бўлиб, мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланадиган қудуқнинг номи (ЎТИЛ, I, 296); асли 'чанқади' маъносини англатувчи **žamiā** феълидан (АРС, 492) ҳосил қилинган; ўзбек тилига изғи товушини **з** товушига алмаштириб қабул қилинган: **žamžam → замзам.**

ЗАМИР Бу арабча сўз **ḍamīr(un)** шаклига эга (АРС, 462); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḍamīr → замир;** асли кўпмаъноли **ḍamara** феълининг 'яширди', 'яширин ўй-фикрга келди' маъноси билан (АРС, 462) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'туб асос', 'таг-туб' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 297). Ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Бундан ташқари ўзбек тилида **замира** сўзи ҳам мавжуд бўлиб, аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади; бу сўз **замир** сўзининг **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб, ўзбек тилида сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб ишлатилади. Ўзбек тилида дзад ундошини **д**

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарзида талаффуз қилиш билан **дамир** сўзи ҳам ҳосил қилинган ва бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. Худди шундай талаффуз асосида юзага келган **дамира** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ЗАМИРА *қ.* **замир**

ЗАМОН Бу арабча сўз **zamān(un)** шаклига эга (АРС, 334); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **zamān → zamân (замон);** асли **zamina** феълининг 'узоқ давом этди' маъноси билан (АРС, 334) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'узоқ муддатли вақт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 297).

ЗАМОНА Бу арабча сўз **zamānat(un)** шаклига эга (АРС, 334); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **zamānat → zamâna (замона);** асли **замон** сўзидан (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида 'давр' маъносини англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 297).

ЗАМОНАВИЙ Бу арабча сўз асли **zamānaviyy(un)** шаклига эга; ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **zamānaviyy → zamânavий (замонавий);** 'ҳозирги замонга мос', 'ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 297). Араб тили луғатида бундай сифат **zamāniyy(un)** тарзида, яъни **zamān** масдаридан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган шаклида келтирилган (АРС, 334); ўзбек тилидаги **замонавий** сифати эса **замона** сўзидан ясалган.

ЗАМОНАСОЗ Бу сўз тожик тилида арабча **замона** сўзига (қ.) 'мослашув', 'мувофиқлашув' маъносини англатувчи тожикча **соз II** сўзини қўшиб тузилган бўлиб, 'замонанинг оқимига мослашиб иш тутадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 297). Ўзбек тилида бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **замонасозлик** мавҳум оти ясалган.

ЗАМОНАСОЗЛИК *қ.* **замонасоз**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАМОНДОШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **замон** сўзидан (қ.) 'бирга' маъносини ифодаловчи **-дош** қўшимчаси билан ясалган; 'айни бир замонда яшовчи кишилар бир-бирига нисбатан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 297). Изоҳли луғатда **-дош** қўшимчаси тожикча деб нотўғри таъкидланган.

ЗАРАР Бу арабча сўз **ḍarar(un)** шаклига эга (АРС, 456); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḍarar → зарар;** асли 'зиён келтирди' маъносини англатувчи **ḍarra** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'шикаст', 'зиён' маъноларини англатади (АРС, 456); ўзбек тилига 'зиён' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 299). ЎТИЛда бу сўзга берилган изоҳлар орасига **ҳаён** ('фойда') сўзи адашиб кириб қолибди. Ўзбек тилида **зарар** сўзидан **зарарли, зарарсиз, безарар** сифатлари, **зарарсизлантир-** феъли ясалган.

ЗАРАРКУНАНДА Бу сўз тожик тилида арабча **зарар** сўзига (қ.) 'қил-' маъносини англатувчи тожикча **кардан** феълининг **кун** ҳозирги замон асосига **-анда** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган **кунанда** сифатдошини (ТжРС, 561) қўшиб тузилган бўлиб, 'зиён келтирувчи' маъносини англатади (ТжРС, 150); ўзбек тилида бу сўз кўпинча 'ўсимликларга, уларнинг ҳосилига зарар келтирувчи ҳайвон ва ҳашаротлар' маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 299).

ЗАРБА Бу арабча сўз **ḍarbat(un)** шаклига эга (АРС, 458); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḍarbat → зарба;** асли 'урди' маъносини англатувчи **ḍaraba** феълининг (АРС, 457) I боб масдари **ḍarb(un)** сўзидан (АТГ, 142) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган дона оти бўлиб (АТГ, 373), араб тилида кўпмаъноли бу сўз ўзбек тилига 'залварли уриш' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 299).

ЗАРИФ Бу арабча сўз **žarīf(un)** шаклига эга (АРС, 490); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **žarīf**

www.ziyouz.com kutubxonasi

→ **зариф;** асли 'зеҳнли бўлди', 'зийрак бўлди', 'нафис бўлди', 'жозибали бўлди' маъноларини англатувчи **žarufa** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), ўзбек тилида 'зеҳнли', 'жозибали' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 151). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган **зарифа** сўзи **зариф** сўзидан **-ат(ун)** муаннас қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб (АТГ, 29), сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган. Бундан ташқари, ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида **зарофат** сўзи ҳам ишлатилади; бу сўз **žarufa** феълининг I боб масдари бўлиб, **žarāfat(un)** шаклига эга; ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **žarāfat → зарâфат (зарофат);** асли 'ақллилик', 'жозибалилик' маъносини англатади (ЎКААҚЛ, 122).

ЗАРИФА қ. **зариф**

ЗАРОФАТ қ. **зариф**

ЗАРРА Бу арабча сўз **żarrat(un)** шаклига эга (АРС, 273); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **żarrat → зарра;** асли 'сочди' маъносини англатувчи **żarra**[1] феълидан ҳосил қилиниб, 'чанг' маъносини англатувчи **żarr(un)** жам отидан 'дона' маъносини ифодаловчи **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (АТГ, 373), араб тилида 'кичкина қисм', 'чанг', 'атом' маъноларини англатади (АРС, 273); ўзбек тилида бу сўз 'модаларнинг кўзга кўринар-кўринмас майда қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 300).

ЗАРРАЧА I Бу сўз ўзбек тилида арабча **зарра** сўзидан (қ.) 'кичик' маъносини ифодаловчи **-ча** қўшимчаси билан ҳосил қилинган от бўлиб, 'жуда кичик қисм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 300).

ЗАРРАЧА II Бу сўз ўзбек тилида арабча **зарра** сўзидан (қ.) 'чама' маъносини ифодаловчи **-ча** қўшимчаси билан ҳосил қилинган равиш бўлиб, 'жуда оз даражада ҳам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 300). Изоҳли лу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғатда **заррача I** ва **заррача II** бир сўзнинг икки маъноси сифатида тасвирланган.

ЗАРУР Бу арабча сўз асли **ḍarūr(un)** шаклига эга бўлиб, АРСда нимагадир келтирилмаган; ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḍarūr → зарур;** асли **ḍarra** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), ўзбек тилида 'энг керакли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 301).

ЗАРУРАТ Бу арабча сўз **ḍarūrat(un)** шаклига эга (АРС, 456); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган **ḍarūrat → зарурат;** Бу сўз АРСда 'зиён келтирди' маъносини англатувчи **ḍarra** феъли мақоласида берилган, лекин 'эҳтиёж' каби маънони англатиши айтилган (456); асли **ḍarra** феълидан ясалган **ḍarūr(un)** аслий сифатига (қ.) **-at(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида 'ўта даражадаги эҳтиёж' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 301).

ЗАРУРИЙ Бу арабча сўз **ḍarūriyy(un)** шаклига эга (АРС, 456); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ḍarūriyy → зарурий;** асли **ḍarūr(un)** сўзидан (АТГ, 143) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'энг керакли' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 301).

ЗАРУРИЙАТ Бу арабча сўз **ḍarūriyyat(un)** шаклига эга (АРС, 456); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḍarūriyyat → зарурийат (зарурият);** асли **зарур** аслий сифатидан (қ.) **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; худди **зарурат** сўзи каби 'ўта даражадаги эҳтиёж' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 301); ҳозирги ўзбек тилида бу икки сўздан кўпинча **зарурат** сўзи ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАФАР Бу арабча сўз **žafar(un)** шаклига эга (АРС, 490); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **žafar → зафар;** асли 'ғалаба қилди' маъносини англатувчи **žafira** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'катта ғалаба' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 301). Ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Бу сўздан ўзбек тилида **зафарли** сифати ясалган.

ЗАХИРА Бу арабча сўз **žaxīrat(un)** шаклига эга (АРС, 273); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **zaxīrat → захира;** асли 'кейинчалик фойдаланиш мақсади билан йиғди' маъносини англатувчи **žaxara** феълидан (АРС, 273) ясалган **žaxīr(un)** аслий сифатига (АТҒ, 43) **-at(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'беқиёс бойлик', 'ноёб нарса', 'жамғарма' каби маъноларни англатади (АРС, 273); ҳозирги ўзбек тилида бу сўз 'ерости бойлик' маъносида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 301).

ЗАЪФАР *қ.* **заъфарон**

ЗАЪФАРОН Бу сўз араб тили луғатига ёлғиз ўзи **zaʼfarān(un)** шаклида киритилиб, шафран ўсимлигининг номи экани айтилган (АРС, 329), **заъфар** шакли келтирилмаган. ПРСда ҳам (260) фақат **заъфарон** сўзи берилиб, **заъфар** сўзи келтирилмаган, ТжРСда эса (152), **заъфарон** сўзидан ташқари, **заъфар** сўзи ҳам келтирилган ва **заъфарон** сўзидан **заъфар** сўзига ҳавола берилган. ПРСда ва ТжРСда **заъфарон** сўзидан ясалган **заъфарони** сифати ҳам келтирилган. Луғутларни қиёслашдан маълум бўладики, **заъфарон** сўзи охиридаги **-он** қисми кичрайтириш-эркалаш маъносини ифодаловчи қўшимчага тенг (ТжРС, 543); бу қўшимча қўшилган қисм эса доривор ўсимликнинг номи; айн ҳарфи билан ёзилишига кўра бу сўз — арабча, лекин АРСда бундай сўз келтирилмаган. **Заъфарон** сўзи ўзбек тилида 'тўқ сариқ гулли доривор ўсимлик' маъносини англатади, кўчма маънода 'сариқ' маъносини англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 308).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАҚҚУМ Бу арабча сўз **zaqqum(un)** шаклига эга (АРС, 331); 'ютиб юборди' маъносини англатувчи **zaqama** феъли мақоласида берилган бу сўз асли меваси жуда аччиқ дарахтнинг (анчарнинг) номи бўлиб, кўчма маънода 'ўта аччиқ' белги маъносини англатади (АРС, 331; ТжРС, 152; ЎТИЛ, I, 302). Бу сўз билан ўзбек тилида **заҳар-заққум** жуфт сўзи тузилган бўлиб, 'ўта даражада аччиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 302). Бу жуфт сўз таркибидаги **заҳар** сўзи тожикча бўлиб, асли **заҳр** шаклига эга (ТжРС, 153), ўзбек тилига **ҳр** товушлари оралиғига **а** унлисини киритиб қабул қилинган (Худди шундай товуш киритиш тожикча **шаҳр – шаҳар** сўзини қабул қилишда ҳам воқе бўлган – ЎТИЛ, II, 206, 405).

ЗАҲАР-ЗАҚҚУМ ҳ **заққум**

ЗАҲМАТ Бу арабча сўз **zaħmat(un)** шаклига эга (АРС, 326); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **zaħmat → заҳмат:** асли 'қисди' маъносини англатувчи **zaħama** феълининг (АРС, 326) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'тиқилинч', 'қисилиш', 'қийналиш' каби маъноларни англатади (АРС, 326); ўзбек тилида 'қийинчилик', 'машаққат', 'оғир меҳнат' каби маъноларни англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 303).

ЗАҲМАТКАШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **заҳмат** сўзига (қ.) тожикча 'торт-' маъносини англатувчи **кашидан** феълининг **каш** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб тузилган, 'қийналиб, оғир меҳнат билан яшовчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 303).

ЗЕВ-ЗИЙНАТ, ЗЕБ-У ЗИЙНАТ Бу жуфт сўз тожик тилида тожикча 'безак' маъносини англатувчи **зеб** сўзини **-у** боғловчиси орқали ёки тўғридан-тўғри арабча **зийнат** сўзига бирлаштириб тузилган: **зеб-у зийнат, зеб-зийнат;** ЎТИЛда (I, 303) бу сўз **зеби зийнат** шаклида хато ёзилиб, изофали бирикмага айлантириб қўйилган. **Зеб-зийнат** жуфт сўзи 'турли безак буюмлари' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 303).

ЗЕҲН Бу арабча сўз **żihn(un)** шаклига эга от бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 277), ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, **і** унлисини **е** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **żihn → зеҳн;** 'тез англаш, идрок қилиш қобилияти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 304). Ўзбек тилида бу сўздан **зеҳнли** сифати ясалган.

ЗИД[Д] Бу арабча сўз **ḍidd(un)** шаклига эга (АРС, 456); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб, бош шаклида сўз охиридаги бир **d** ундошини ташлаб қабул қилинган: **ḍidd → зид: зидди** каби эгалик қўшимчаси қўшилса, ташланган **д** товуши тикланади. Бу сўз асли 'қарши бўлди', 'рақиб бўлди' каби маъноларни англатувчи **ḍadda** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида 'қарама-қарши', 'тескари' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 304).

ЗИДДИЙАТ Бу арабча сўз **ḍiddiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 456); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ḍiddiyyat → зиддийат (зидди-ят);** асли **ḍidd(un)** масдаридан (**зид** сўзига қ.) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'қарама-қаршилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 304).

ЗИДЛАШ- Бу сўз ўзбек тилида арабча **зид** сўзидан (қ.) **-лаш** қўшимчаси билан ясалган, 'бир-бирига қарама-қарши иш қил-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 304).

ЗИДЛОВЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **зид** сўзидан (қ.) **-ла** қўшимчаси билан ясалган **зидла-** феълининг **-в** ҳаракат номи шаклидан **-чи** қўшимчаси билан ҳосил қилинган термин бўлиб, 'зид грамматик муносабат ифодаловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 304).

ЗИЙНАТ Бу арабча сўз **ziynat(un)** шаклига эга (АРС, 341); асли 'чиройли қилди', 'саранжом қилди' каби маъноларни англатувчи **zāna** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'безак', 'кўрк бериш учун ишлатиладиган буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 305). Ўзбек тилида бу сўздан **зийнатла-** феъли ясалган.

ЗИЙО Бу арабча сўз **ḍiyāь(un)** шаклига эга (АРС, 464); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охридаги ҳамза—

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ташлаб қабул қилинган: **ḍiyāь → зийâ (зиё);** асли 'ёруғлик тарқатди' маъносини англатувчи **ḍāьa** феъли-нинг (АРС, 463) I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), 'ёруғлик', 'нур' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 304).

ЗИЙОД Бу сўз **ziyād(un)** шаклига эга; ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ziyād → зийâд (зиёд);** асли 'ортди', 'ортиқча бўлди' маъносини англатувчи **zāda** феълининг III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'ортиқ', 'керагидан ортиқ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 304). Ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлати-лади. Шу феълнинг **ziyādat(un)** I боб масдари ҳам мав-жуд бўлиб (АРС, 339), ўзбек тилига **ā** унлисини **â** унли-сига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ziyādat → зийâда (зиёда);** бу сўз ўзбек тилида **зиёд** сўзи англатган маънони билдиради; аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 304).

ЗИЙОДА *қ.* **зийод**

ЗИЙОЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **зийо** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, асли 'ёруғлик таратувчи' маъносини англатади; бу сўз ўзбек тилида 'интеллигент' маъносини англатиш учун ишла-тилади (ЎТИЛ, I, 304).

ЗИЙОРАТ Бу арабча сўз **ziyārat(un)** шаклига эга (АРС, 338); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ziyārat → зийâрат (зиё-рат);** асли 'ҳузурига борди' маъносини англатувчи **zāra** феълининг I боб масдари бўлиб, (АРС, 337), 'сиғиниш учун бориш', 'юксак эҳтиром билдириш учун бориш' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 305).

ЗИЙОРАТГОҲ Бу сўз тожик тилида арабча **зийорат** сўзига (қ.) 'жой' маъносини англатувчи тожикча **гоҳ** сўзини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 154), 'зиёрат қилиш жойи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 305).

ЗИЙОРАТЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **зийорат** сўзига (қ.) **-чи** қўшимчасини қўшиб ясалган; 'зиёрат қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 305).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗИЙОФАТ Бу арабча сўз **ḍiyāfat(un)** шаклига эга (АРС, 465); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḍiyāfat → зийâфат (зиёфат);** асли **ḍāfa** феълининг 'меҳмон қилди' маъноси билан (АРС, 464) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'меҳмондорчилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, 305).

ЗИКР Бу арабча сўз **żikr(un)** шаклига эга (АРС, 275); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **żikr → зикр;** асли **żakara** феълининг 'юксак даражада мақтади' маъноси билан (АРС, 275) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), бу беш маъноли сўз араб тилидан 'мусулмонларнинг давра қуриб, Оллонинг номини баланд овоз билан такрорлаб жазава билан ўтказадиган маросими' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 305), асосан **зикр тушибораси** таркибида ишлатилади.

ЗИЛЗИЛА Бу арабча сўз **zalzalat(un)** шаклига эга (АРС, 332); ўзбек тилига биринчи, иккинчи **а** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **zalzalat → зилзила;** асли **залзал** тақлидий сўзи асосида юзага келиб (АТГ, 337), 'силкитди' маъносини англатувчи **zalzala** феълининг (АРС, 332) I боб масдари бўлиб (АТГ, 339), ўзбек тилида 'ернинг силкиниши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 305).

ЗИЛОЛ Бу арабча сўз **zulāl(un)** шаклига эга (АРС, 331); ўзбек тилига **u** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **zulāl → зилâл (зилол);** асли **zalla** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'булоқдан олинган тиниқ тоза сув' маъносини (АРС, 331), ўзбек тилида 'жуда тиниқ', 'муфассо' каби белги маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 306). Ўзбек тилида **зилола** сўзи ҳам мавжуд бўлиб, аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади; бу сўз **зилол** сўзидан **-ат(ун)** муаннас қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб, бу қўшимчанинг **а** қисми сақланиб, **t** қисми ташланган: **зилолат → зилола.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗИЛОЛА *қ.* **зилол**

ЗИРОАТ Бу арабча сўз **zirāъat(un)** шаклига эга (АРС, 327); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **zirāъat → зирâат (зироат);** асли кўпмаъноли **zaraъa** феълининг 'экди' маъноси билан (АРС, 327) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'экин', 'деҳқончилик' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 307). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ЗИРҲ ЎТИЛда (I, 307) арабча деб белгиланган бу сўз АРСда ёлғиз ўзи 'ўқ ўтмас пўлат қоплама (броня)' маъносини англатувчи от сифатида келтирилиб, **zirx(un)** тарзида қаттиқ **х** билан ёзилган (327). ТжРСда (156, 676) ва ПРСда (259) бундай маъноли сўз **зиреҳ** тарзида, яъни икки бўғинли, охири бўғиз ундоши (h) билан тугайдиган сўз сифатида ёзилган ва бу сўздан бештадан ҳосила (тузма) сўз ҳам келтирилган. Луғатларни қиёслашдан маълум бўладики, бу сўз асли эроний тилларга мансуб бўлиб, араб тилига бўғин ва товуш жиҳатидан ўзгартириб олинган. Ўзбек тилига ҳам бу сўз иккинчи бўғиндаги **е** унлисини ташлаб қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 307), чунки ўзбек тилида сўзнинг иккинчи бўғинида **е** унлиси келмайди. **Зирҳ** сўзидан ўзбек тилида **зирҳла-** феъли, **зирҳли** сифати ясалган.

ЗИҚ Бу арабча сўз **dīq(un)** шаклига эга (АРС, 465); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **dīq → зиқ;** асли 'тор бўлди', 'сиқиқ ҳолатда бўлди' маъносини англатувчи **dāqa** феълининг (АРС, 465) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'торлик', 'сиқилиш' каби маънони англатади, **Вақтим зиқ** каби гапда кесим вазифасида келади (ЎТИЛ, I, 307).

ЗИҚИНАФАС Бу сўз тожикча изофа бирикмасига тенг бўлиб (ТжРС, 156: **зиқи нафас**), 'нафаснинг сиқилиши' маъносини англатади; ўзбек тилида бу бирикма бир сўзга яхлитланган, шундан кейин **и** изофаси талаффуз қилинмай қўйиб, бу сўз **зиқнафас** шаклини олган (ЎТИЛ, I, 308). Бундан ташқари, дзал мураккаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундоши таркибидаги **д** қисми асосида ўзбек тилида бу сўзнинг **диқинафас** шакли ҳам юзага келган ва сўзлашув тилида **қ** товуши қатланиб, **диққинафас** шаклини олган (ЎТИЛ, I, 230).

ЗИҚНАФАС қ. **зиқинафас**

ЗОБИТ Бу арабча сўз **ḍābiṭ(un)** шаклига эга (АРС, 454); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḍābiṭ → zâbit (зобит);** асли кўпмаъноли **ḍabaṭa** феълининг 'тутди', 'назоратига олди' маъноси билан (АРС, 453) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), араб тилида 'ҳарбий раҳбар', 'полиция амалдори' маъноларини англатади (АРС, 453), ўзбек тилида ҳозирги кунда **офицер** сўзи ўрнига ишлатилмоқда (ЎТИЛ, I, 308).

ЗОЙЕ Бу арабча сўз **ḍāyiʿ(un)** шаклига эга (АРС, 464); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **йе** товушларига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **ḍāyiʿ → zâye (зойе);** асли 'йўқолди', 'бефойда сарфланди' маъноларини англатувчи **ḍāʿa** феълининг (АРС, 464) I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 150), 'йўқолган', 'бефойда сарфланган' маъносини англатади, ўзи мустақил ишлатилмай, **зое кетбирикмаси** таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 308).

ЗОКИР Бу арабча сўз **ẓākir(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ẓākir → zâkir (зокир);** асли **ẓakara** феълининг 'ёдга олди', 'эслади', 'зикр тушди' маънолари билан (АРС, 275) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'ёдга олувчи' маъносини англатади (ЎКААҚЛ, 127); бу сўз ҳозирги ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ЗОЛИМ Бу арабча сўз **ẓālim(un)** шаклига эга (АРС, 491); ўзбек тилига изғи товушини **з** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ẓālim → zâlim (золим);** асли 'адолатсизлик қилди', 'жабр қилди' маъносини англатувчи **ẓalama** феълидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 491) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'зулм ўтказувчи', 'шафқатсиз' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 308). Ўзбек тилида бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **золимлик** мавҳум оти ясалган.

ЗОЛИМОНА Бу сўз тожик тилида арабча **золим** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542), ўзбек тилига 'золимларча' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 308).

ЗОМИН Бу арабча сўз **đāmin(un)** шаклига эга (АРС, 462); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **đāmin → zâmin (зомин);** асли 'кафиллик берди' маъносини англатувчи **đamina** феълининг (АРС, 462) I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), араб тилида 'кафолат берувчи' маъносини англатади (АРС, 462); ўзбек тилида 'ижобий тугашига кафолат бериб, амалда салбий тугаган иш учун жавобгар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 308).

ЗОТ Бу арабча от сўз **żāt(un)** шаклига эга (АРС, 272); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **żāt → zât (зот):** араб тилидан 'соҳиб', 'маълум фазилатларга эга киши' каби маънолари билан қабул қилинган (АРС, 272), ўзбек тилида 'насл-насаб' маъносини ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 309). Ўзбек тилида бу сўздан **зотли, зотсиз** сифатлари ясалган.

ЗОТАН Бу сўз арабча **зот** сўзнинг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), 'аслида' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 309).

ЗОТДОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **зот** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб тузилган бўлиб, 'зоти тоза', 'зоти яхши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 309).

ЗОТЛИ, ЗОТСИЗ *қ.* **зот**

ЗОҲИД Бу арабча сўз **zāhid(un)** шаклига эга (АРС, 336); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **zāhid → zâҳид (зоҳид);** асли

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўпмаъноли **zahada** феълининг 'ҳар қандай истакни тарк этди', 'кишилар билан мулоқатни тарк этди' маънолари билан (АРС, 336) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'тарки дунё қилган киши', 'дунёвий ишларни тарк этиб, тоат-ибодат билан шуғулланадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 310). Тарихан шундай маънони англатган бу сўз ҳозирги ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ЗОҲИР I, ЗОҲИР II *қ.* **зоҳиран**

ЗОҲИРАН Бу сўз арабча 'намоён бўлди' маъносини англатувчи **žahara** феълидан (АРС, 492) ясалиб, 'аниқ кўриниб турган' каби маънони англатувчи **žāhir(un)** аслий сифатининг (АТГ, 43) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), 'ташқи кўринишича' каби маънони англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, I, 310); бу сўз ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **žāhiran → sâҳиран (зоҳиран).** ЎТИЛга (I, 310) **зоҳир** сўзи икки маъноли сўз сифатида киритилган; ваҳоланки бу маънолар бошқа-бошқа сўзники: 'ташқи кўриниш' маъносини **žāhir** сўзи, 'очиқ-ойдин', 'равшан' маъносини **zāhir** сўзи англатади. Кейинги сўз араб тилида 'ярқирайди' маъносини англатувчи **zahara** феълидан (АРС, 336) ясалган. Демак, бу сўзлар изоҳли луғатга **зоҳир I, зоҳир II** омонимлари тарзида киритилиши лозим.

ЗУККО Бу арабча сўз асли **žukkā(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **žukkā(un) → зуккâ (зукко).** Бу сўз асли 'идрокли, ўткир зеҳнли бўлди' маъносини англатувчи **žakiya** феълидан ҳосил қилинган **закий** аслий сифатининг (қ.) орттирма даража шакли бўлиб (УАЯ, 185), 'ўта ўткир зеҳнли, идрокли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 310). Ўзбек тилида бу сўздан **зукколик** мавҳум оти ясалган.

ЗУККОЛИК *қ.* **зукко**

ЗУЛЛИСОНАЙН Бу арабча сўз **žu al lisānayn** шаклига эга (АРС, 720: **лисон** сўзи мақоласида); ўзбек ти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лига зал ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб [**al** артикли (АРС, 39) таркибидаги унлини араб тили талаффуз қоидасига биноан ташлаб], бу уч қисмни бир сўзга яхлитлаб қабул қилинган: **żu al lisānayn → зуллисânайн (зуллисонайн).** Бу сўз таркибидаги **żu** қисми 'эга', 'соҳиб' маъносини англатади (АРС, 278); **lisānayn** сўзи эса **лисон** сўзининг иккилик сон қаратқич/тушум келишиги шаклига тенг (УАЯ, 120). **Зуллисонайн** сўзи ўзбек тилида 'икки тилда ижод қилувчи' маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 310).

ЗУЛМ Бу арабча сўз **žulm(un)** шаклига эга (АРС, 491); ўзбек тилига изғи товушини **з** товушига алмаштириб қабул қилинган: **žulm → зулм;** асли 'адолатсизлик қилди', 'жабр қилди' маъносини англатувчи **žalama** феълининг (АРС, 491) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'жабр', 'эзиш' каби маъноларни англатади (АРС, 491; ЎТИЛ, I, 310).

ЗУЛМАТ Бу арабча сўз **žulmat(un)** шаклига эга (АРС, 491); ўзбек тилига изғи товушини **з** товушига алмаштириб қабул қилинган: **žulmat → зулмат;** асли 'қопқоронғи бўлди' маъносини англатувчи **žalima** феълининг (АРС, 491) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'қопқоронғилик', 'зимзиё' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 310).

ЗУЛМКОР Бу сўз тожик тилида арабча **зулм** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542), ўзбек тилига 'зулм қилувчи', 'зулм уруғини сочувчи' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 310).

ЗУРРИЙАТ Бу арабча сўз **żurriyyat(un)** шаклига эга (АРС, 273); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига алмаштириб, бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **żurriyyat → зуррийат (зуррият);** асли 'пайдо бўлди' маъносини англатувчи **żarra**[2] феълининг (АРС, 273) масдаридан **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'фарзанд', 'насл' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 311).

ЗУҲРА Бу арабча сўз асли **zuhrat(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 336); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **zuhrat → зуҳра;** асли 'ёрқин нур сочди' маъносини англатувчи **zahara** феълининг (АРС, 336) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ёрқинлик' маъносини англатади. Араб тилида бу сўз аниқлик артикли билан **al zuhrat(un)** шаклида ишлатилса, Венера юздузининг номи бўлади (АРС, 336). **Зуҳра** сўзи ўзбек тилига Венера юлдузининг номи сифатида қабул қилинган. Бу сўз эгизак қиз болаларнинг кейин туғилганига исм сифатида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 311).

ЗУҲУР: Бу арабча сўз **žuhur(un)** шаклига эга (АРС, 492); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **žuhur → зуҳур;** асли кўпмаъноли **žahara** феълининг 'пайдо қилди' маъноси билан (АРС, 492) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'юзага келтириш' маъносини англатади; ҳозирги ўзбек тилида бу сўз асосан **зуҳур эт-** қўшма феъли, **Абдузуҳур** атоқли оти таркибида қатнашади (Бу атоқли от таркибидаги **зуҳур** сўзи Оллоҳга нисбат бериладиган сифатлардан бири бўлиб, шунга кўра бу атоқли отни **Зуҳур** тарзида ишлатиш номақбул).

И

ИБЛИС Бу арабча сўз **ьiblīsu** шаклига эга (АРС, 22); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини (бош келишик қўшимчасининг аниқ ҳолат шаклини) ташлаб қабул қилинган: **ьiblīsu → иблис;** 'одамларни йўлдан оздирувчи, ёмон йўлга бошловчи махлуқ', 'шайтон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 312).

ИБЛИСОНА Бу сўз ўзбек тилида арабча **иблис** сўзидан (қ.) тожикча **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542), 'иблисга хос тарзда' каби маънони англатади (ЎТИЛ, 312).

ИБН Бу арабча сўз **ьibn(un)** шаклига эга (АРС, 87); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьibn → ибн.** Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган бу сўз араб тилида 'ўғил' маъносини англатади; **Абу Али ибн Сино** каби атоқли отлар тар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кибида қатнашади. АРСда (87) **ибн** сўзи 'барпо қил-', 'қур-' маъносини англатувчи **banā** феълига бағишланган мақолалар қаторида келтирилган. Кўринадики, **ибн** сўзининг 'ўғил' маъносини англатиши — иккиламчи; бу сўз асли 'вужудга келтирган' маъносини англаттан, 'ўғил' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан. **Ибн** сўзи **бин** шаклида ҳам ишлатилади: **Муҳаммад бин Аҳмад** каби (АРС, 88).

ИБО Бу арабча сўз **ьibāь(un)** шаклига эга (АРС, 22); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьibāь → ибâ (ибо);** асли кўпмаъноли **ьabā** феълининг 'истамаслигини билдирди' маъноси билан (АРС, 22) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), 'ўз хатти-ҳаракати билан ниманидир истамаслигини билдириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 312).

ИБОД Ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу сўз **ъibād(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 494), ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъibād → ибâд (ибод):** асли 'сиғинди', 'сажда қилди' маъносини англатувчи **ъabada** феълининг (АРС, 494) III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), араб тилида 'Оллонинг бандалари' маъносини англатади (АРС, 494).

ИБОДАТ Бу арабча сўз **ъibādat(un)** шаклига эга (АРС, 494); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъibādat → ибâдат (ибодат);** асли 'сиғинди', 'сажда қилди' маъносини англатувчи **ъabada** феълининг (АРС, 494) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'сиғиниш', 'Оллога қуллуқ қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 312). Бу сўзни аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатиш маъқул эмас.

ИБОРА Бу арабча сўз **ъibārat(un)** шаклига эга (АРС, 495); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъibārat**

www.ziyouz.com kutubxonasi

→ **ибâра (ибора);** асли 'тушунтирди', 'изоҳлади' маъно— сини англатувчи **ъabara**^{2} феълининг (АРС, 494) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'маълум маънони билдирувчи сўз, бирикма, гап' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 312).

ИБОРАТ Бу арабча сўз **ъibārat(un)** шаклига эга (АРС, 494); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган (АРС, 494) **ъabara**^{2} феълининг (АРС, 494) асли 'ташкил топди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ташкил топган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 312).

ИБРАТ Бу арабча сўз **ъibrat(un)** шаклига эга (АРС, 494); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъibrat → ибрат;** асли 'ту— шунтирди' маъносини англатувчи **ъabara**^{2} феълининг (АРС, 494) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'ўгит', 'эргашишга арзийдиган намуна' каби маъноларни англатади (АРС, 494), ўзбек тилига иккинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 313). Бу сўздан ўзбек тилида **ибратли** сифати ясалган.

ИБРАТОМУЗ Бу сўз тожик тилида арабча **ибрат** сўзига (қ.) 'ўргат-' маъносини англатувчи **омўхтан** феълининг **омўз** ҳозирги замон асосини қўшиб тузил— ган бўлиб (ТжРС, 287, 159), ўзбек тилига **ў** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган (чунки **ў** унлиси ўзбек тилида сўзнинг биринчи бўғинидагина келади): **ибратомўз → ибратомуз;** 'ибратга ўргатувчи', 'ибратга чақирувчи' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 313).

ИБТИДО Бу арабча сўз **ъibtidāъ(un)** шаклига эга (АРС, 59); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охири— даги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ъibtidāъ → ибтидâ (ибтидо);** асли 'бошла[н]ди' маъносини англатувчи **badaъa** феълининг VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'бошла— ниш пайти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 313).

ИБТИДОИЙ Бу сўз араб тилида **ибтидо** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирини ташлаб қабул қилинган; 'дастлабги', 'энг оддий', 'кишилик жамияти тараққиётининг дастлабги даврига оид' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 313).

ИДОРА Бу арабча сўз **ьidārat(un)** шаклига эга (АРС, 266); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьidārat → идāра (идора).** Бу сўз кўпмаъноли **dāra** феълининг 'фаолият кўрсатди' маъноси билан (АРС, 265) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 224), 'бошқарувчи ташкилот', 'бошқарув ташкилоти ўрнашган бино' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 314).

ИДОРАЧИЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **идора** сўзидан (қ.) **-чилик** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб, 'ўз идораси манфаатларини ноҳақ равишда устун қўйиш', 'ўз идораси манфаатлари билан чекланиб қолиш' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 314).

ИДРОК Бу арабча сўз **ьidrāk(un)** шаклига эга (АРС, 251); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьidrāk → идрâк (идрок);** асли кўпмаъноли **daraka** феълининг IV боб шакли **ьadraka** сўзидан 'тушуниб етди' маъноси билан (АРС, 251) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), 'тушуниб етиш қобилияти', 'фаҳм-фаросат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 314). Бу сўздан ўзбек тилида **идрокли** сифати ясалган.

ИЖАРА Бу арабча сўз **ьiçārat(un)** шаклига эга (АРС, 25); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб (тожик тилида эса **â** унлисига алмаштириб — ТжРС, 173), сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьiçārat → ижара;** асли 'ҳақини тўлади' маъносини англатувчи **ьaçara** феълининг (АРС, 25) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ҳақ тўлаш эвазига вақтинча фойдаланишга бериш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 315).

ИЖАРАДОР Бу сўз тожик тилида арабча **ижара** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча

www.ziyouz.com kutubxonasi

доштан феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 137, 173); 'уй-жойини, нарсасини ижарага берувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 315).

ИЖАРАХЎР Бу сўз тожик тилида арабча **ижара** сўзига (қ.) 'еб-ич-' маъносини англатувчи тожикча **хўрдан** феълининг **хўр** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 434, 174); 'уй-жойини, нарсасини ижарага бериб, ижара ҳақи ҳисобига яшовчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 315).

ИЖАРАЧИ Бу сўз ўзбек тилида **ижара** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб, 'ижара ҳақи тўлаб фойдаланувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 315).

ИЖОБАТ: Бу арабча сўз **ьіçābat(un)** шаклига эга (АРС, 147); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьіçābat → ижâбат (ижобат);** асли кўпмаъноли **çāba** феълининг 'қабул қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'қабул қилиш' маъносини англатади. Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **ижобат бўл-** феъли таркибида қатнашади, бу феъл Оллога қилинган илтижонинг қабул қилинганини билдиради.

ИЖОБИЙ Бу арабча сўз **ьіçābiyy(un)** шаклига эга (АРС, 873); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** ундошларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ьіçābiyy → ижâбий (ижобий).** Бу сўз асли **vaçaba** феълининг IV боб шакли **ьavçaba** сўзидан 'тан олди', 'тасдиқлади' маъноси асосида ҳосил қилиниб (АРС, 872), 'тан олиш', 'маъқул топиш' каби маънони англатувчи **ьіçāb(un)** масдаридан (УАЯ, 567) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'мусбат', 'маъқуллашга муносиб' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 315).

ИЖОЗАТ Бу арабча сўз **ьіçāzat(un)** шаклига эга (АРС, 148); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган: **ьiçāzat → ижâзат (ижозат);** асли кўпмаъноли **çāza** феълининг 'рухсат берди' маъноси билан (АРС, 148) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'бирор фаолиятни амалга оширишга берилган рухсат, изн' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 440).

ИЖРО Бу арабча сўз **ьiçrāь(un)** шаклига эга (АРС, 126); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьiçrāь → ижрâ (ижро);** асли кўпмаъноли **çarā** феълининг IV боб шакли **ьaçrā** сўзидан 'амалга оширди' маъноси билан (АРС, 127) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 224), 'бажариш', 'воқе қилиш' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 315). Ўзбек тилида бу сўз билан **ижро қил-** қўшма феъли тузилган.

ИЖТИМОИЙ Бу арабча сўз **ьiçtimāъiyy(un)** шаклига эга (АРС, 138); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, айн ва охирги **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьiçtimāъiyy → ижтимâий (ижтимоий);** асли кўпмаъноли **çamaъa** феълининг 'тўплади', 'қўшди' маъноси билан (АРС, 137) ҳосил қилинган VIII боб масдари **ьiçtimāъ(un)** сўзидан (УАЯ, 567) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'кишилик жамиятига доир', 'социал' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 316).

ИЗЗА Бу арабча сўз асли **ьiẓāь(un)** шаклига эга (АРС, 30); ўзбек тилига чўзиқ касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб (Тожик тилида бу унли **â** унлисига алмаштирилган: **изо** – ТжРС, 160), сўз охиридаги ҳамзани ташлаб, зал ундошини **з** ундошига алмаштириб ва қатлаб қабул қилинган: **ьiẓāь → изза;** асли кўпмаъноли **ьaẓiā** феълининг 'уялди' маъноси билан (АРС, 30) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), араб тилида 'қийналиш', 'руҳий азоб-ланиш' маъносини (АРС, 30), ўзбек тилида эса 'уялиш', 'уят' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 316). Ўзбек тилида бу сўз билан **изза қил-** қўшма феъли тузилган.

ИЗЗАТ Бу арабча сўз **ьizzat(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

512); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъizzat → иззат.** Бу сўз асли **ъazza** феълидан 'шон-шуҳратли бўлди' маъноси билан ҳосил қилиниб, 'шон-шуҳрат' маъносини англатувчи **ъizz(un)** масдаридан **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'шон-шуҳрат', 'қадр-қиймат' каби маъноларни англатади (АРС, 512; ЎТИЛ, I, 316). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ИЗМ *қ.* **изн**

ИЗН Бу арабча сўз **ьiżn(un)** шаклига эга (АРС, 29); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, зал товушини **з** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьiżn → изн.** Бу арабча сўз асли 'қулоқ солди' маъносини англатувчи **ьiżina**[1] феълининг (АРС, 29) масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ижозат', 'рухсат бериш' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 317). Амалиётда бу сўзни хато ра-вишда **изм** шаклида ишлатиш ҳам учрайди: *Қизнинг из-ми отага* каби (ЎТИЛ, I, 317).

ИЗОФА Бу арабча сўз **ьiđāfat(un)** шаклига эга (АРС, 465); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьiđāfat → изâфа (изофа); асли đāfa** феълининг 'қўшди', 'бирлаштирди' маъноси билан (АРС, 464) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 224), ўзбек тилида 'аниқланмиш билан аниқловчининг тобе боғланишини кўрсатувчи қўшимча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 318).

ИЗТИРОБ Бу арабча сўз **ьiđtirāb(un)** шаклига эга (АРС, 457); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, дзад ундошини **з** ундошига, итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiđtirāb → изтирâб (изтироб);** асли **đaraba** феълининг (АРС, 457) 'ҳаяжонланди' маъносини англатувчи VIII боб шакли **ьiđtaraba** сўзидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 567), ўзбек тилида 'кучли ҳаяжон', 'руҳан эзилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 318). Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўздан ўзбек тилида **изтиробли** сифати ясалган.

ИЗҲОР Бу арабча сўз **ьiżhār(un)** шаклига эга (АРС, 492); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiżhār → изҳâр (изҳор);** асли кўпмаъноли **žahara** феълининг 'намоён бўлди' маъноси билан (АРС, 492) ҳосил қилинган IV боб мас— дари бўлиб (АТГ, 223), ўзбек тилига 'сўз воситасида намоён қилиш' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 319).

ИЙД Бу арабча сўз **ъiyd(un)** шаклига эга (АРС, 548); ўзбек тилида касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб талаффуз •қилинади. Бу сўз асли **ъāda**[2] феълининг (АРС, 547) 'байрам қилди' маъносидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'байрам' маъносини, ўзбек тилида эса 'ҳайит' маъносини англа— тади: **ийди рамазон** (АРС, 548; ЎТИЛ, I, 319).

ИЙМОН *қ.* **имон**

ИКРОМ *қ.* **эъзоз-икром**

ИЛЛАТ Бу арабча сўз **ъillat(un)** шаклига эга (АРС, 531); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъillat → иллат;** асли 'касал бўлди' маъносини англатувчи **ъalla** феълидан (АРС, 531) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АРС, 531), араб тилида 'касаллик', 'камчилик', 'сабаб' каби маъноларни англатади (АРС, 531), ўзбек тилига 'камчилик' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 322).

ИЛЛО-БИЛЛО Бу жуфт сўз арабча 'ташқари' маъ— носини англатувчи **ьillā** (АРС, 39) ва инкор маъносини ифодаловчи **bilā** (АРС, 82) сўзларидан тузилган бўлиб, 'мутлақо', 'сира-сира' каби кучайтирилган инкор маъ— носини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 322); ўзбек тилига касра— ли ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлиларини **â** унлила— рига алмаштириб, биринчи қисм таркибига тақлидан иккинчи қисм таркибидаги **л** товушини қатлаб қабул қилинган: **ьillā-bilā → иллâ-биллâ (илло-билло).** ЎТИЛда бу сўз маъноси 'худо ҳаққи' деб хато изоҳланган; бун— дай қасам маъноси арабча **bial allah → billah → биллâҳ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

(биллоҳ) сўзи билан ифодаланади (АРС, 52; ЎТИЛ, I, 114); **илло-билло** сўзининг таркиби эса тамоман бошқача: биринчи қисм **bin** боғловчиси ва **lā** юкламасидан (АРС, 39), иккинчи қисм **bi** ва **lā** юкламаларидан таркиб топган (АРС, 82).

ИЛМ Бу арабча сўз **ъilm(un)** шаклига эга (АРС, 535); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъilm → илм.** Бу сўз асли 'билди', 'билимли бўлди' маъносини англатувчи **ъalima** феълининг (АРС, 534) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ўқиш-ўрганиш билан орттирилган чуқур билим' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 323). Ўзбек тилида **илм** сўзидан **илмли, илмсиз** сифатлари, кейинги сўздан **илмсизлик** оти, **илмсизларча** равиши ҳосил қилинган, **илм-фан, илм-ҳунар, илм-маърифат** жуфт сўзлари тузилган.

ИЛМИЙ Бу арабча сўз **илм** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **ий** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **илмийй → илмий;** 'илмга оид', 'илмга асосланган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 323). Бу сифат билан ўзбек тилида **илмий-оммавий, илмий-техникавий** жуфт сўзлари тузилган.

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ қ. **тадқиқот**

ИЛМПАРВАР Бу сўз ўзбек тилида арабча **илм** сўзига (қ.) 'ўстир-', 'тарбияла-' маъносини англатувчи тожикча **парвардан** феълининг **парвар** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб тузилган бўлиб, 'илмнинг равнақи учун курашувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 323).

ИЛОВА Бу арабча сўз **ъilāvat(un)** шаклига эга (АРС, 536); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъilāvat → илâва (илова);** асли 'юқори бўлди' маъносини англатувчи **ъalā** феълидан (АРС, 536) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилидан 'олдинги қисмга қўшимча' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 323).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЛОЖ Бу арабча сўз **ъилāç(un)** шаклига эга (АРС, 532); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъилāç → илâж (илож);** асли 'даволади' маъно-сини англатувчи **ъāлаça** феълининг (АРС, 532) III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'даво', 'чора' маъносини анг-латади (ЎТИЛ, I, 134). Бу сўздан ўзбек тилида **иложсиз** сифати ясалган, айни вақтда тожик тилидан **ноилож** сўзи ҳам қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 507).

ИЛОЙИМ *қ.* **илоҳим**

ИЛОЙО *қ.* **илоҳа**

ИЛОҲА Бу арабча сўз **ылāh(un)** сўзига (АРС, 41) **а** мурожаат юкламасини (АРС, 20) қўшиб тузилган бўлиб, 'Эй Олло' маъносини англатади; ЎТИЛда (I, 324) бу сўз 'хотин қиёфасидаги худо' деб хато изоҳланган; ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ылāha → илâҳа (илоҳа).** Сўзлашув тилида бу сўз **илойо** тарзида, яъни **ҳ** ундошини **й** ундошига, **а** унлисини **â** унлисига алмаш-тириб талаффуз қилинади; бу сўз ЎТИЛда (I, 324) 'ис-такни кучайтириш' маъносини ифодалайди деб нотўғри изоҳланган.

ИЛОҲИЙ Бу арабча сўз **ылāhiyy(un)** шаклига эга (АРС, 41); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охи-ридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилин-ган: **ылāhiyy → илâҳий (илоҳий);** асли 'тангри', 'худо' маъносини англатувчи **ылāh(un)** сўзидан (АРС, 41) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'Оллога нисбат бериладиган', 'илоҳиятга оид' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 324).

ИЛОҲИЙАТ бу арабча сўз **ылāhiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 41); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товуши-га, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охи-ридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ылāhiyyat → илâҳийат (илоҳият);** асли **илоҳий** сўзидан (қ.) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'Олло, илоҳий ақидалар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақидаги диний таълимот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 324).

ИЛОҲИМ Бу арабча сўз **ыillāhumma!** шаклида ишлатилади (АРС, 41); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **u** унлисини **и** унлисига алмаштириб, бир **l** товушини ва сўз охиридаги **ma** товушларини ташлаб қабул қилинган: **ыillāhumma! → илâҳим (илоҳим);** бу сўз **ыillā** сўзининг I шахс кўплик эгалик қўшимчаси (қисқа кишилик олмоши) **-hum** (АТГ, 26) ва **а** юкламаси қўшилган шакли бўлиб, ундалма вазифасида ишлатилади ва 'эй Оллоҳимиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 324). ЎТИЛда бу сўзга берилган изоҳда эгалик қўшимчасининг маъноси акс этмаган. **Илоҳим** сўзи сўзлашув тилида **илойим** шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 324).

ИЛТИЖО Бу арабча сўз **ыiltiçāь(un)** шаклига эга (АРС, 713); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ыiltiçāь → илтижâ (илтижо);** асли 'паноҳ қидирди' маъносини англатувчи **laçaьa** феълининг VIII боб шакли **ыiltaçāьa** сўзидан (АРС, 713) ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 304), араб тилида 'паноҳ қидириш', 'ҳимоя қидириш' маъносини, ўзбек тилида эса 'ўтиниб сўраш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 324).

ИЛТИМОС Бу арабча сўз **ыiltimās(un)** шаклига эга (АРС, 730); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ыiltimās → илтимâс (илтимос);** асли **lamasa** феълининг VIII боб шакли **ыiltamasa** сўзидан 'қидирди' маъноси билан (АРС, 730) ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 304), 'ниманидир сўраб қилинган мурожаат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 324). Бу сўздан ўзбек тилида **илтимосчи** сўзи ясалган.

ИЛТИМОСНОМА Бу сўз тожик тилида арабча **илтимос** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 271, 161); 'илтимос баён қилинган ҳужжат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I,

www.ziyouz.com kutubxonasi

324).

ИЛТИФОТ Бу арабча сўз **ьiltifāt(un)** шаклига эга (АРС, 725); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiltifāt → илтифâт (илтифот);** асли **lafata** феълининг VIII боб шакли **ьiltafata** сўзидан 'эътибор кўрсатди' маъноси билан (АРС, 725) ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 304), 'кимгадир эътибор кўрсатиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 324). Бу сўздан ўзбек тилида **илтифотли** сифати ясалган.

ИЛҲАҚ қ. **илҳоқ**

ИЛҲОМ Бу арабча сўз **ьilhām(un)** шаклига эга (АРС, 732); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьilhām → илҳâм (илҳом);** асли **lahima** феълининг 'бирор иш билан, ижод билан шуғулланишга ундади, рағбатлантирди' маъносини англатувчи IV боб шакли **ьilhama** сўзидан (АРС, 732) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), 'бирор иш, ижод билан шуғулланишга рағбат, интилиш ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 324). Бу сўздан ўзбек тилида **илҳомлан-** феъли ясалган.

ИЛҲОМБАҲШ Бу сўз тожик тилида арабча **илҳом** сўзига (қ.) 'инъом қил-' маъносини англатувчи тожикча **бахшидан** феълининг **бахш** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 51, 52, 162); 'илҳом бағишловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 324).

ИЛҲОҚ Бу арабча сўз **ьilhāq(un)** шаклига эга (АРС, 715); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьilhāq → илҳâқ (илҳоқ);** ЎКААҚЛда (135) **илҳоқ** шаклида тўғри ёзилган бу сўз ЎТИЛда (I, 324) **илҳақ** шаклида хато ёзилган, бу хато имло луғатларига ҳам кўчиб ўтган, **Илҳоқ** сўзи кўпмаъноли **lahiqa** феълининг IV боб шакли **ьalhaqa** сўзидан 'вақтида етиб келди' маъноси билан (АРС, 715) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), 'кимнингдир вақтида етиб келишини кутиш' маъносини англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, I, 324).

ИМДОД Бу арабча сўз **ьimdād(un)** шаклига эга (АРС, 745); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьimdād → имдâд (имдод);** асли кўпмаъноли **madda** феълининг 'ёрдамлашди', 'қўллаб-қувватлади' маъносини англатувчи IV боб шакли **ьamadda** сўзидан (АРС, 745) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), 'қўмаклашиш', 'мадад бериш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 324).

ИМЗО Бу арабча сўз **ьimđāь(un)** шаклига эга (АРС, 758); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьimđāь → имзâ (имзо);** асли кўпмаъноли **mađā**[1] феълининг 'қўл қўйди' маъносини англатувчи IV боб шакли **ьamđā** сўзидан (АРС, 758) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 224), 'киши исми, фамилиясининг ўз қўли билан ифодалайдиган рамзий шакли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 324). Бу сўздан ўзбек тилида **имзо-ла-** феъли, **имзосиз** сифати ясалган.

ИМКОН Бу арабча сўз **ьimkān(un)** шаклига эга (АРС, 762); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьimkān → имкâн (имкон);** асли **makuna** феълининг 'амалга оширди' маъносини англатувчи IV боб шакли **ьamkana** сўзидан (АРС, 762) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), 'амалга оширишга хизмат қиладиган шарт-шароит' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 325).

ИМКОНИЙАТ Бу арабча сўз **ьimkāniyyat(un)** шаклига эга (АРС, 762); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ьimkāniyyat → имкâнийат (имконият);** бу сўз **имкон** сўзидан **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'амалга оширишга хизмат қиладиган шарт-шароит' маъносини англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, I, 325).

ИМЛО Бу арабча сўз **ьimlāь(un)** шаклига эга (АРС, 767); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьimlāь → имлâ (имло);** асли **malā** феълининг (АРС, 767) 'айтиб туриб ёздирди' маъносини англатувчи IV боб шакли **ьamlā** сўзидан (АРС, 767) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), араб тилида 'диктант', 'тўғри ёзиш' маъноларини (АРС, 767), ўзбек тилида эса 'тўғри ёзиш қоидалари' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 325).

ИМОМ Бу арабча сўз **ьimām(un)** шаклига эга (АРС, 42); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьimām → имâм (имом);** асли 'олдда турди' маъносини англатувчи **ьamma**[2] феълининг 'намоз ўқувчиларга раҳбарлик қилди' маъноси билан (АРС, 42) III боб шаклидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 247), 'намоз ўқувчиларга раҳбарлик қилувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 325).

ИМОН Бу арабча сўз **ьīmān(un)** шаклига эга (АРС, 45); ўзбек тилида чўзиқ касрали ҳамза товуши кўпинча қисқа, баъзан чўзиқ айтилади; кейинги ҳолатда **іу** ҳарфлари билан ёзилади; чўзиқ **ā** товуши эса **â** товушига алмаштирилган: **ьīmān → имâн || ииймâн → имон.** Бу сўз асли 'содиқ бўлди', 'ишончли бўлди' каби маъноларни англатувчи **ьamuna** феълининг III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), бош маъносида 'ишонч', 'эътиқод' маъносини англатган; кейинчалик бу сўз диний мундарижа билан ишлатилиб, 'Оллога ишониш', 'диний эътиқод' маъносини англатишга хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, I, 325).

ИМОНЛИ Бу сифат ўзбек тилида арабча **имон** сўзига (қ.) 'Оллога ишониш', 'диний эътиқод' маъноси билан **-ли** қўшимчасини қўшиб ясалган, 'Оллога ишонадиган', 'эътиқодли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 325).

ИМОНСИЗ Бу сифат ўзбек тилида арабча **имон**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзига (қ.) 'Оллога ишониш', 'диний эътиқод' маъноси билан **-сиз** қўшимчасини қўшиб ясалган; 'Оллога ишонмайдиган', 'дахрий' маъносини англатади; кейин-чалик бу сўзда маъно тараққиёти воқе бўлиб, 'ярамас', 'разил' каби маъноларни ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 325).

ИМОРАТ Бу арабча сўз **ъimārat(un)** шаклига эга (АРС, 540); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъimārat → имâрат (иморат).** Бу сўз асли кўпмаъноли **ъamara** феълининг (АРС, 539) 'бино қурди' маъносидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'бино', 'катта уй' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 325).

ИМТИЙОЗ Бу арабча сўз **ъimtiyāz(un)** шаклига эга (АРС, 776); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъimtiyāz → имтийâз (имтиёз);** асли 'ижобий жиҳати билан ажралди' маъносини англатувчи **mayyaza** феълининг (АРС, 775) VIII боб шаклидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 567), 'меъёрдан ортиқроқ ҳақ-ҳуқуқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 326). Бу сўз-дан ўзбек тилида **имтиёзли** сифати ясалган.

ИМТИЙОЗЛИ қ. **имтийоз**

ИМТИҲОН Бу арабча сўз **ъimtiḥān(un)** шаклига эга (АРС, 744); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъimtiḥān → имтиҳâн (имтиҳон);** асли 'текширди', 'синади' маъносини англатувчи **maḥana** феълининг VIII боб шакли **ъimtaḥana** сўзидан (АРС, 744) ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 567), 'синовдан ўтказиб баҳо бериш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 326).

ИНКОР Бу арабча сўз **ъinkār(un)** шаклига эга (АРС, 829); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъinkār → инкâр (инкор);** асли кўпмаъноли **nakira**

www.ziyouz.com kutubxonasi

феълининг 'тан олмади', 'рад этди' каби маънони англатувчи IV боб шакли **ьankara** сўзидан (АРС, 829) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), 'рад этиш', 'тан олмаслик' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 328).

ИНОБАТ Бу арабча сўз **ьinābat(un)** шаклига эга (АРС, 836); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьinābat → инâбат (инобат);** 'вакил бўлди' маъносини англатувчи **nāba**[1] феълидан (АРС, 836) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 224), араб тилида 'вакил қилиш' маъносини (АРС, 836) ўзбек тилида эса 'ишонч', 'эътибор' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 328). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. Бу сўз билан **инобатли, инобатсиз** сифатлари ясалган, **инобатга ол-** турғун бирикмаси тузилган.

ИНОЙАТ Бу арабча сўз **ъināyat(un)** шаклига эга (АРС, 545); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** унлисига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъināyat → инâйат (иноят);** асли 'ғамхўрлик қилди', 'эътибор билан қаради' маъносини англатувчи **ъanā**[2] феълининг (АРС, 545) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ғамхўрлик', 'эътиборлилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 329). Бу сўз билан ўзбек тилида **инойат қил-** қўшма феъли тузилган.

ИНОМ қ. **инъом**

ИНС-ЖИН Бу сўз араб тилида **al ьins va al çinn** шаклига эга бўлиб, 'одамлар ва жинлар' маъносини англатади (АРС, 47); ўзбек тилига **al** аниқлик артиклларини, **va** боғловчисини ташлаб, касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб, жуфт сўз шаклида қабул қилинган. Ўзбек тилида бу жуфт сўз 'кишига салбий таъсир кўрсатувчи жин ва шунга ўхшаш ғайритабиий махлуқлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I. 329). Бу жуфт сўз ЎТИЛга **инс-жинс** тарзида киритилган: жуфт сўзнинг иккинчи қисми охиридаги **с** товуши ортиқча, сўзлашув нутқида биринчи қисм охиридаги **с** товушига тақлидан қўшиб юборилган. **Инс** сўзи асли 'бир-бирига

www.ziyouz.com kutubxonasi

яқинлашди', 'танишди' маъносини англатувчи **ьanisa** феълининг (АРС, 46) масдари бўлиб (УАЯ, 568), **ьins(un)** шаклига эга; ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб қабул қилинган. **Жин** сўзи ўз ўрнида изоҳланди.

ИНС-ЖИНС қ. **инс-жин**

ИНСОН Бу арабча сўз **ьinsān(un)** шаклига эга (АРС, 47); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьinsān → инсâн (инсон).** Бу сўз асли 'бир-бирига яқинлашди', 'танишди' маъносини англатувчи **ьanisa** феълининг (АРС, 46) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'киши', 'одам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 329).

ИНСОНИЙ Бу арабча сўз **ьinsāniyy(un)** шаклига эга (АРС, 47); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охири — даги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ьinsāniyy → инсâний (инсоний).** Бу сўз **инсон** сўзидан (қ.) **-ийй(ни)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'инсонга хос' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 329).

ИНСОНИЙАТ Бу арабча сўз **ьinsāniyyat(un)** шаклига эга (АРС, 47); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ьinsāniyyat → инсâнийат (инсоният).** Бу сўз **инсон** сўзидан (қ.) **-ийят(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'инсон насли', 'башарият' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 329).

ИНСОНЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **инсон** сўзидан (қ.) **-лик** қўшимчаси билан ясалиб, 'одам наслига мансублик', 'инсонга хос фазилатга эгалик' маънолари — ни англатади (ЎТИЛ, I, 329).

ИНСОНПАРВАР Бу сўз ўзбек тилида арабча **инсон** сўзига (қ.) 'тарбияла-', 'ғамхурлик қил-' маъносини анг — латувчи тожикча **парвардан** феълининг **парвар** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 298); 'одамларга ғамхўр', 'одамларни севувчи' маъносини англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, I, 329). Бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **инсон-парварлик** мавҳум оти ясалган.

ИНСОФ Бу арабча сўз **ьinŝāf(un)** шаклига эга (АРС, 807); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьinŝāf → инсâф (инсоф);** асли 'икки тенг бўлакка бўлди' маъносини англатувчи **naŝāfa** феълининг 'виждон билан, адолат билан иш тутди' маъносини англатувчи IV боб шаклидан (АРС, 807) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), 'виждон билан, адолат билан иш тутиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 329). Бу сўздан ўзбек тилида **инсофли, инсофсиз** сифатлари, кейинги сўздан **инсофсизлик** мавҳум оти ясалган.

ИНТИЗОМ Бу арабча сўз **ьintižām(un)** шаклига эга (АРС, 812); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьintižām → интизâм (интизом);** асли 'дурни ипга терди' маъносини англатувчи **nažama** феълининг 'тартибга солди', 'мунтазам тус берди' маъноси билан ҳосил қилинган VIII боб шакли **ьintažāma** сўзининг (АРС, 812) масдари бўлиб (УАЯ, 567), араб тилида 'тартиб', 'мунтазамлик' каби маънони (АРС, 812), ўзбек тилида эса 'маълум қоидаларга қатъий риоя қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 330). Бу сўздан ўзбек тилида **интизомли, интизомсиз** сифатлари, кейинги сўздан **интизомсизлик** мавҳум оти ясалган.

ИНТИЗОР Бу арабча сўз **ьintižār(un)** шаклига эга (АРС, 811); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьintižār → интизâр (интизор);** асли 'қаради' маъносини англатувчи **nažara** феълининг VIII боб шаклидан 'кутди' маъноси билан (АРС, 810) ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 567), ўзбек тилида 'орзиқиб кутиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 330).

ИНТИҚОМ Бу арабча сўз **ьintiqām(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 827); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьintiqām → интиқâм (интиқом):** 'ўч олди' маъносини англатувчи **naqama** феълининг (АРС, 827) VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'ўч', 'қасос' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 331).

ИНТИҲО Бу арабча сўз **ьintihāь(un)** шаклига эга (АРС, 635); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьintihāь → интиҳâ (интиҳо);** асли кўпмаъноли **nahā** феълидан 'тугатди' маъноси билан ҳосил қилинган VIII боб шаклининг масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'охир', 'тугаш' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 331).

ИНШО Бу арабча сўз **ьinṣāь(un)** шаклига эга (АРС, 801); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьinṣāь → иншâ (иншо);** асли кўпмаъноли **naṣaьā** феълидан 'тузди' маъноси билан ҳосил қилинган IV боб шаклининг (АРС, 801) масдари бўлиб (АТГ, 224), ўзбек тилида 'мактабда адабиёт — дан ёзма иш тури' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 331).

ИНШООЛЛО[Ҳ] Бу арабча сўз **иншо** (қ.) ва **олло** (қ.) сўзларидан таркиб топган бўлиб, **иншо** сўзи 'яратган' маъноси билан (АРС, 801) қатнашади, шунга кўра бу қўшма сўз асли 'яраттан олло', 'яратувчи олло' каби маънони англатган, кейинчалик 'оллога манзур бўлса', 'худо хоҳласа' каби маънони англатадиган бўлган (ЎТИЛ, I, 331).

ИНШООТ Бу арабча сўз **ьinṣāьāt(un)** шаклига эга бўлиб, кўпмаъноли **naṣāьā** феълидан 'қурди' маъноси билан (АРС, 801) ҳосил қилинган IV боб масдари **ьinṣāь(un)** сўзининг (АРС, 223) **-āt(un)** қўшимчаси қўшилган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'турли мақсадларга хизмат қиладиган йирик қурилишлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 331).

ИНЪИКОС Бу арабча сўз **ьinъikās(un)**[1] шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 530); ўзбек тилига касрали ҳамзани ва касрали айн товушини **и** унлиларига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унли— сига алмаштириб, сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьіпъікās → инъикâс (инъикос).** Бу сўз асли 'орқа томонга ўгирди' маъносини англатувчи **ъakasa** феълининг (АРС, 530) VII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'силлиқ, ялтироқ нарса бетида акс этган тасвир' маъносини англатади (АРС, 530). Ўзбек тилида бу сўз 'воқеликнинг киши онгида акс этиши' мавҳум маъносини англатадиган фалсафий термин сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 331).

ИНЪОМ Бу арабча сўз **ьіпъām(un)** шаклига эга (АРС, 814); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб, сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьіпъām → инъâм (инъом).** Бу сўз асли **nаъіma** феълининг 'совға қилди', 'мукофатлади' маъно— сини англатувчи IV боб шаклидан (АРС, 814) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), 'совға', 'мукофат', 'эътибор' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 331). Бу сўз сўзлашув нутқида **ином** тарзида ҳам талаффуз қилинади ва шу талаффуз шаклида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ИНҚИЛОБ Бу арабча сўз **ьinqilāb(un)** шаклига эга (АРС, 654); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьinqilāb → инқилâб (инқилоб);** асли кўп— маъноли **qalaba** феълидан 'ағдарди' маъноси билан (АРС, 653) ҳосил қилинган VII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), дастлаб 'ўзгариш' маъносини англатган, ҳозир 'ҳокимиятни тўнтариш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 331). Фан-техникада, умуман жамият тараққиётида юз берадиган катта ўзгаришлар ҳам шу сўз билан англатилади.

ИНҚИЛОБИЙ Бу сўз арабча **инқилоб** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'кескин ўзгаришга олиб келадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 331).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНҚИРОЗ Бу арабча сўз **ьinqirād(un)** шаклига эга (АРС, 632); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ьinqirād → инқирâз (инқироз);** асли кўпмаъноли **qarađa** феълидан 'тўхтади', 'узилди' маъноси билан (АРС, 632) ҳосил қилинган VII боб шаклининг масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'тараққиётда орқага кетиш', 'тушкунлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 332).

ИОНА Бу арабча сўз **ьiъānat(un)** шаклига эга (АРС, 551); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьiъānat → иâна (иона);** 'ёрдам берди' маъносини англатувчи **ъavana** феълининг (АРС, 551) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'ёрдам', 'молиявий ёрдам' маъноларини англатади (АРС, 551), ўзбек тилига иккинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 332).

ИРОДА Бу арабча сўз **ьirādat(un)** шаклига эга (АРС, 320); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьirādat → ирâда (ирода);** асли кўпмаъноли **rāda** феълининг 'қидирди', 'истади' маъноси билан ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб, (АТГ, 234), 'бирор иш-амални бажаришга хизмат қилувчи қатъий хоҳиш, интилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 333). Бу сўз ўзбек ти—лида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Бу сўздан **иродали, иродасиз** сифатлари, кейинги сифатдан **иродасизлик** мавҳум оти ясалган.

ИРСИЙ Бу арабча сўз асли **ьiršiyy(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, се ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ьiršiyy → ирсий;** асли 'меросга эга бўлди' маъносини англатувчи **variša** феълининг (АРС, 881) I боб масдари **ьirš(un)** сў—зидан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган (АТГ, 48) нис—бий сифат бўлиб, 'наслдан наслга ўтадиган' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади (ЎТИЛ, I, 333).

ИРСИЙАТ Бу арабча сўз **ирсий** сифатидан (қ.) **–ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'тирик организмнинг жисмоний ва психик хусусиятларини сақлаш ва наслдан наслга ўтказиш қобилияти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 333).

ИРҚ Бу арабча сўз **ъirq(un)** шаклига эга (АРС, 511); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъirq → ирқ.** Бу сўз асли 'зоти улуғ бўлди' маъносини англатувчи **ъaruqa** феълининг (АРС, 511) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'илдиз', 'насл-насаб', 'олий зот' каби маъноларни англатади (АРС, 511), ўзбек тилига 'насл-насаб', 'олий зот' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 333).

ИРҚИЙ Бу арабча сўз **ирқ** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; 'ирққа хос' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 333).

ИРҚЧИ Бу арабча сўз **ирқ** сўзидан (қ.) ўзбек тилида **-чи** қўшимчаси билан ясалган; 'ирқчилик тарафдори', 'ирқчилик сиёсатини юритувчи' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 333). Бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **ирқчилик** мавҳум оти ясалган.

ИСБОТ Бу арабча сўз **ъišbāt(un)** шаклига эга (АРС, 108); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, се товушини **с** товушига, чўзиқ **ā** унлисни **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъišbāt → исбât (исбот);** асли кўпмаъноли **šabata** феълидан 'тасдиқлади', 'исботлади' маъноси билан (АРС, 108) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 223), 'ишончли далил билан тасдиқлаш' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 334). Бу сўздан ўзбек тилида **исботла-** феъли ясалган.

ИСЛОМ Бу арабча сўз **ъislām(un)** шаклига эга (АРС, 370); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъislām → ислâм (ислом).** Бу сўз асли **salima** феълининг 'бўйсунди', 'бош эгди' маъносини англатувчи IV боб

www.ziyouz.com kutubxonasi

шакли **ьislama** феълидан (АРС, 370) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), араб тилида 'Оллога итоат қилиш', 'мусулмон бўлиш', **al** артикли билан ишлатилганида эса 'ислом дини' маъносини англатади; ўзбек тилига 'ислом дини' маъноси билан ўзлашган. Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 336).

ИСЛОҲ Бу арабча сўз **ьiŝlāĥ(un)** шаклига эга (АРС, 443); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ьiŝlāĥ → ислâҳ (ислоҳ);** асли кўпмаъноли **ŝaluĥa** феълининг 'тўғриланди', 'тартибга солинди' маъноси билан (АРС, 442) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 223), 'тузатиш', 'тўғрилаш' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 336).

ИСЛОҲОТ Бу арабча сўз **ислоҳ** сўзининг (қ.) **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39; ТжРС, 167), 'ислоҳ қилишлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 336). Ўзбек тилида бу сўздан **ислоҳотчи** шахс оти ва бу отдан **ислоҳотчилик** мавҳум оти ясалган.

ИСМ Бу арабча сўз **ьism(un)** шаклига эга (АРС, 375); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьism → исм.** Бу сўз кўпмаъноли **samā** феълининг 'сўз талаффуз қилди' маъносидан (АРС, 375) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'от', 'ном' маъноси билан ўзлашган (ЎТИЛ, I, 336). Бу сўздан **исмли** сифати ясалган.

ИСМАТ Бу арабча сўз **ъiŝmat(un)**[1] шаклига эга (АРС, 519); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ъiŝmat → исмат;** асли кўпмаъноли **ъaŝama** феълининг 'поклигини сақлади' маъноси билан (АРС, 519) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'поклик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 336). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади: **Исмат, Исматулла** каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСНОД Бу арабча сўз **ьisnād(un)** шаклига эга (АРС, 377); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьisnād → иснâд (иснод);** асли кўпмаъноли **sanada** феълидан 'кимгадир орқа қилди' маъноси билан (АРС, 377) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 223), араб тилида 'тиргак', 'исбот', 'манба' каби маъноларни англатади (АРС, 377). Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз асли 'кимгадир орқа қилди' маъносидан ўсиб чиққан янги маъноʻни — 'кимнингдир шаънига, обрўсига доғ тушириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 336).

ИСРОФ Бу арабча сўз **ьiŝrāf(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, сад товушини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiŝrāf → исрâф (исроф);** асли кўпмаъноли **ŝarafa**[1] феълидан 'харажат қилди', 'сафрлади' маъноси билан (АРС, 435) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 223), 'ортиқ даражада беҳуда, бефойда сарфлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 336). Бу сўз билан ўзбек тилида **исроф қил-** қўшма феълли тузилган.

ИСРОФГАР Бу сўз ўзбек тилида арабча **исроф** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчасининг **-гар** шакли билан ясалган (Тожик тилида эса бундай сўз **-кор** қўшимчаси билан ясалган: **исрофкор** — ТжРС, 542); 'исроф қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 336).

ИСРОФГАРЧИЛИК Бу мавҳум от ўзбек тилида **исрофгар** сўзидан (қ.) **-чилик** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'ортиқ даражада беҳуда, бефойда сарф-харажатларга йўл қўйиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 336).

ИСТЕЪДОД Бу арабча сўз **ьistiъdād(un)** шаклига эга (АРС, 500); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, иккинчи бўғиндаги **i** унлисини **е** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьistiъdād → истеъдâд (истеъдод);** асли 'ҳисоблади' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатувчи **ъadda** феълининг 'тайёрлади' маъноси билан ҳосил қилинган X боб шакли **ьistaъadda** феълининг (АРС, 500) масдари бўлиб (АТГ, 331), араб тилидан 'туғма қобилият' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 337). Бу сўздан ўзбек тилида **истеъдодли** сифати ясалган.

ИСТЕЪМОЛ Бу арабча сўз **ьistiъmāl(un)** шаклига эга (АРС, 541); ўзбек тилига қасрали ҳамзани **и** товушига, иккинчи бўғиндаги **і** унлисини **е** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьistiъmāl → истеъмâл (истеъмол);** асли 'ишлади', 'фаолият кўрсатди' маъносини англатувчи **ъamila** феълидан 'фойдаланди' маъноси билан ҳосил қилинган X боб шаклининг (АРС, 541) масдари бўлиб (АТГ, 331), 'фойдаланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 337).

ИСТЕЪФО Бу арабча сўз **ьistīfāь(un)** шаклига эга (АРС, 902); ўзбек тилига қасрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, чўзиқ **ī** унлисини **е** унлисига алмаштириб ва **ъ** (айириш) белгисини қўшиб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьistīfāь → истеъфâ (истеъфо).** Бу сўз асли кўпмаъноли **vafa**[1] феълининг X боб шакли **ьistavfa** феълидан 'хизмат фаолияти муддатидан тўлиқ фойдаланди' маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 332), араб тилида 'бажариш', 'тўлиқ қаноат ҳосил қилиш' каби маънолар-ни (АРС, 903), ўзбек тилида эса 'эгаллаб турган лавози-мидан ўз ихтиёри билан бўшаб кетиш' маъносини анг-латади (ЎТИЛ, I, 337).

ИСТЕҲЗО Бу арабча сўз **ьistihzāь(un)** шаклига эга (АРС, 853); ўзбек тилига қасрали ҳамзани **и** товушига, иккинчи бўғиндаги **і** унлисини **е** унлисига, чўзиқ **ā** ун-лисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьistihzāь → истеҳзâ (истеҳзо);** кўпмаъноли **hazaьā** феълининг X боб шаклидан 'кулги қилди', 'масхара қилди' маъноси билан (АРС, 853) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 332), 'устидан кулиш', 'масхара қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I. 337). Бу сўздан ўзбек тилида **истеҳзоли** сифати ясалган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСТЕҲКОМ Бу арабча сўз **ьistiћkām(un)** шаклига эга (АРС, 187); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, иккинчи бўғиндаги **і** унлисини **е** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қубул қилинган: **ьistiћkām → истеҳкâм (истеҳком);** асли кўпмаъноли **ћakama** феълининг 'тўхтатди' маъноси билан (АРС, 187), ҳосил қилинган X боб масдари бўлиб (АТГ, 331), 'мудофаа иншооти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 337).

ИСТИБДОД Бу арабча сўз **ьistibdād(un)** шаклига эга (АРС, 58); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьistibdād → истибдâд (истибдод);** асли кўпмаъноли **badda** феълининг X боб шаклидан 'шафқатсиз муомала қилди' маъноси билан (АРС, 58) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 331), 'чекланмаган ҳуқуқ билан жабр-зулм ўтказишга асосланган ҳокимият' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 337).

ИСТИЛО Бу арабча сўз **ьistīlāь(un)** шаклига эга (АРС, 912); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ī** товушини ҳам **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьistīlāь → истилâ (истило);** асли **valiya**[2] феълининг X боб шаклидан 'забт этди' маъноси билан (АРС, 912) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 331), 'ўзга мамлакатни, ўлкани забт этиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 338). Бу сўздан ўзбек тилида **истилочи, истилочилик** сўзлари ясалган.

ИСТИЛОЧИ, ИСТИЛОЧИЛИК қ. **истило**

ИСТИРОҲАТ Бу арабча сўз **ьistirāћat(un)** шаклига эга (АРС, 318); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ьistirāћat → истирâҳат (истироҳат);** асли кўпмаъноли **rāћa** феълининг X боб шаклидан 'дам олди' маъноси билан (АРС, 318) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 332), 'дам олиш', 'ҳордиқ чиқариш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 338).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСТИРОҲАТГОҲ Бу сўз ўзбек тилида арабча **истироҳат** сўзига (қ.) 'жой' маъносини англатувчи тожикча **гоҳ** сўзини (ТжРС, 104) қўшиб тузилган, 'дам олиш маскани' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 338).

ИСТИСНО Бу арабча сўз **ыistišnāь(un)** шаклига эга (АРС, 114); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ыistišnāь → истиснâ (истисно);** кўпмаъноли **šanā** феълининг X боб шаклидан 'ҳисобдан чиқарди' маъноси билан (АРС, 113) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 332), 'одатдаги тартиб-қоидадан ташқари' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 338). Бу сўздан ўзбек тилида **истисносиз, беистисно** сифатлари ясалган бўлиб, 'истисно қилмаган ҳолда' маъносини англатади.

ИСТИСНОСИЗ қ. **истисно**

ИСТИФОДА Бу арабча сўз **ыistifādat(un)** шаклига эга (АРС, 615); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ыistifādat → истифâда (истифода);** 'фойдали бўлди' маъносини англатувчи **fāda** феълининг 'фойда чиқарди', 'фойдаланди' маъноси билан ҳосил қилинган X боб масдари бўлиб (АТГ, 331), 'фойда топиш', 'манфаат кўриш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 338).

ИСТИҚБОЛ Бу арабча сўз **ыistiqbāl(un)** шаклига эга (АРС, 619); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қубул қилинган: **ыistiqbāl → истиқбâл (истиқбол);** асли кўпмаъноли **qabila** феълининг X боб шаклидан 'кутиб олди' маъноси билан (АРС, 619) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 331), араб тилида '(меҳмонларни) кутиб олиш' маъносини англатади (АРС, 619); ўзбек тилида бу сўз, юқорида таъкидланган маънодан ташқари, 'келажак замон' маъносини ҳам англатади (ЎТИЛ, I, 338). Ўзбек тилида кейинги маъноси билан **истиқболли** сифати ясалган.

ИСТИҚБОЛЛИ қ. **истиқбол**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСТИҚЛОЛ Бу арабча сўз **ıstiqlāl(un)** шаклига эга (АРС, 653); ўзбек тилига касрали ҳамза товушини **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ıstiqlāl → истиқлâл (истиқлол);** асли **qalla**[2] феълининг 'озод бўлди', 'мустақил бўлди' маъносини англатувчи X боб шаклидан (АРС, 652) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 331), 'озодликка, мустақилликка эришиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 338).

ИСТИҚОМАТ: Бу арабча сўз **ıstiqāmat(un)** шаклига эга (АРС, 666); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ıstiqāmat → истиқâмат (истиқомат);** асли кўпмаъноли **qāma** феълидан 'воқе бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган X боб шаклининг (АРС, 666) масдари бўлиб (АТГ, 332), ҳозирги ўзбек тилида 'бирор манзилда ҳаёт кечириш' маъноси билан **истиқомат қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 338).

ИСТИҚОМАТ ҚИЛ- *қ.* **истиқомат**

ИСТИҒНО Бу арабча сўз асли **ıstiġnāь(un)** шаклига эга; ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ıstiġnāь → истиғнâ (истиғно); ġania** феълининг 'эҳтиёж сезмади' маъносини англатувчи X боб шаклидан (АРС, 573) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 332), 'илтифотсизлик', 'назарга илмаслик' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 338).

ИСТИҲОЛА: Бу арабча сўз **ıstiḥālat(un)** шаклига эга (АРС, 203); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **ıstiḥālat → истиҳâла (истиҳола);** асли **ḥāla** феълининг 'ўзгарди', 'бошқа ҳолатга ўтди' маъноси билан (АРС, 202) ҳосил қилинган X боб шаклининг масдари бўлиб (АТГ, 332), араб тилида 'бошқа ҳолатга айланиш' маъносини, ўзбек тилида эса 'тортиниш', 'андишага бориш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 338). Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **истиҳола қил-** қўшма феъли таркибида

www.ziyouz.com kutubxonasi

майди, **истиҳола қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

ИСТИҲОЛА ҚИЛ- қ. **истиҳола**

ИТОАТ Бу арабча сўз **ъитāъат(un)** шаклига эга (АРС, 484); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъитāъат → итâат (итоат);** асли 'бўйсунди', 'кимнингдир айттанини қилди' маъносини англатувчи **тāъа** феълининг (АРС, 483) IV боб шаклидан ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 224), 'бўйсуниш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 339). Ўзбек тилида бу сўз билан **итоатли** сифати ясалган, **итоат қил-** қўшма феъли тузилган.

ИТОАТГЎЙ Бу сўз ўзбек тилида арабча **итоат** сўзига (қ.) 'айт-' маъносини англатувчи тожикча **гуфтан** феълининг **гӯй** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб тузилган бўлиб, 'итоаткор эканини таъкидлаб турувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 339). Бу сўздан ўзбек тилида **итоатгўйлик** мавҳум оти ясалган.

ИТОАТКОР Бу сўз тожик тилида арабча **итоат** сўзидан (қ.) **-кор** қўшимчаси билан ясалган бўлиб (ТжРС, 542, 170), 'итоат қилувчи', 'бўйсунувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 339). Бу сўздан ўзбек тилида **итоаткорлик** мавҳум оти ясалган.

ИТОАТКОРОНА Бу сўз тожик тилида арабча **итоаткор** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган бўлиб (ТжРС, 542, 170), 'итоаткорларча', 'бўйсунган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 339).

ИТОБ: Бу арабча сўз **ъитāb(un)** шаклига эга (АРС, 496); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъитāb → итâб (итоб);** асли 'танбеҳ берди', 'таъна қилди' маъносини англатувчи **ъатаba** феълининг (АРС, 496) III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'танбеҳ', 'таъна' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 339). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, тарихан шеъриятда **итоб айла-** қўшма феъли таркибида

www.ziyouz.com kutubxonasi

қатнашган.

ИТОБ АЙЛА- *қ.* **итоб**

ИТТИФОҚ Бу арабча сўз **ьittifāq(un)** шаклига эга (АРС, 901); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьittifāq → иттифâқ (иттифоқ);** асли 'мос келди' маъносини англатувчи **vafiqa** феълининг (АРС, 901) VIII боб шаклидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 567), 'ҳамжиҳатлик', 'бирлашиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 339). Бу сўз ўзбек тилида 'ҳамжиҳат', 'иноқ' каби белги маъносини ҳам англатади.

ИТТИФОҚО Бу арабча сўз **ьittifāqā** шаклига эга бўлиб [АРС, 901; **ьittifāq(un)** сўзи мақоласига қаранг], **иттифоқ** сўзининг 'тасодиф', 'кутилмаган ҳолат' маъносидан (ўша ерда) **-ā** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, 'кутилмаганда', 'тўсатдан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 339).

ИФЛОС Бу арабча сўз **ьiflās(un)** шаклига эга (АРС, 608); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiflās → ифлâс (ифлос);** асли 'инқирозга учраб қашшоқ ҳолатга келди' маъносини англатувчи **falasa** феълининг (АРС, 608) IV боб масдари бўлиб (АТГ, 223), араб тилида 'инқирозга учраб қашшоқ ҳолатга келиш' маъносини англатади (АРС, 608). Форс тилида ҳам шу маъноси билан ишлатилади (ПРС, 33), лекин тожик тилида (ТжРС, 170), ўзбек тилида бўлганидек, 'булғанч', 'нопок' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 340). Бундай маъно 'олиб бораётган фаолиятини ижобий бошқара олмай қашшоқлашган кишидан жирканиш' маъноси асосида шаклланган бўлса керак.

ИФОДА Бу арабча сўз **ьifādat(un)** шаклига эга (АРС, 615); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьifādat → ифâда (ифода);** асли **fāda** феълининг 'хабар берди', 'билдирди' маъноси билан ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 233), араб тилида 'хабар', 'гувоҳлик кўрсатмаси'

www.ziyouz.com kutubxonasi

каби маъноларни (АРС, 615), ўзбек тилида эса 'бирор ҳаракат-ҳолатнинг акс этиши', 'тушунча ёки фикр англатувчи тил бирлиги', 'математик рамз' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 340). Бу сўз билан ўзбек тилида **ифодала-** феъли ясалган, **ифода қил-** қўшма феъли тузилган.

ИФОДАЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ифода** сўзининг (қ.) 'билдирди' маъносидан (АРС, 615) **-ли** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'дона-дона ва таъсирчан' (талаффуз қилиш) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 340).

ИФТИХОР Бу арабча сўз **ьiftixār(un)** шаклига эга (АРС, 585); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiftixār - ифтихâр (ифтихор);** асли 'фахрланди', 'мақтанди' маъноларини англатувчи **faxara** феълининг (АРС, 585) VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'фахр', 'ғурур' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 340).

ИФТОР Бу арабча сўз **ьiftār(un)** шаклига эга (АРС, 602); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiftār → ифтâр (ифтор);** асли **fatara**[2] феълининг 'рўза тутишни тўхтатди' маъноси билан (АРС, 601) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 223), араб тилида 'рўза тутишни тўхтатиш', 'нонушта қилиш' маъноларини, ўзбек тилида эса 'рўза кунлари шом пайтида ўтказиладиган оғиз очиш маросими' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 340). Бу сўздан ўзбек тилида **ифторлик** мавҳум оти ясалган.

ИФТОРЛИК *қ.* **ифтор**

ИФФАТ Бу арабча сўз **ъiffat(un)** шаклига эга (АРС, 524); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъiffat → иффат;** асли **ъaffa**[1] феълининг 'гуноҳ қилмади', 'покизалигини сақлади' маъноси билан ҳосил қилинган масдари бўлиб (АРС, 524), 'ёмон ишлардан сақланиш', 'покдомонлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 340). Бу сўздан ўзбек тилида **иффатли** сифати ясалган. Ўзбек тилида **ъaffa**[1] феълининг I боб масдари **ъafīf(un)** сўзининг (АТГ, 143)

www.ziyouz.com kutubxonasi

муаннас шакли **ъафīfat(un)** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. Бу сўз ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъафīfat → афифа;** асли 'иффатли', 'номусли' маъносини англатади.

ИХЛОС Бу арабча сўз **ыixlāŝ(un)** шаклига эга (АРС, 232); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлсини **â** унлисига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ыixlāŝ → ихлâс (ихлос);** асли кўпмаъноли **xalaŝa**[1] феълидан 'самимий муносабатда бўлди' маъноси билан (АРС, 232) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 223), араб тилида 'самимият', 'очиқ кўнгиллилик', 'содиқлик' маъноларини, ўзбек тилида эса асосан 'чин кўнгилдан ишонч билдириб улуғлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 34).

ИХЛОСМАНД Бу сўз тожик тилида арабча **ихлос** сўзидан (қ.) **-манд** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 171, 542), 'чин кўнгилдан ишонч билдириб улуғловчи, ҳурмат кўрсатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 341).

ИХТИЙОР Бу арабча сўз **ыixtiyār(un)** шаклига эга (АРС, 241); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ыixtiyār → ихтийâр (ихтиёр);** 'танлади', 'афзал кўрди' маъносини англатувчи **хāга** феълининг (АРС, 241) VIII боб шаклидан ҳосил қилинган масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'танлаш', 'афзал кўриш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 341).

ИХТИЙОРИЙ Бу арабча сўз **ыixtiyāriyy(un)** шаклига эга (АРС, 242); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ыixtiyāriyy → ихтийâрий (ихтиёрий); ихтийор** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'ўз хоҳиш-розилиги билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 341). Бу сўздан ўзбек тилида **ихтийорийлик** мавҳум оти ясалган.

ИХТИЛОФ Бу арабча сўз **ыixtilāf(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 234); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ыixtilāf → ихтилâф (ихтилоф);** кўпмаъноли **xalafa** феълининг VIII боб шаклидан 'зид бўлди', 'норози бўлди' маъноси билан (АРС, 234) ҳосил қилинган масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'қарама-қаршилик', 'зиддият' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 341). Бу сўздан ўзбек тилида **ихтилофли** сифати, **ихтилофчи** оти ясалган.

ИХТИРО Бу арабча сўз **ыixtirāъ(un)** шаклига эга (АРС, 217); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **ыixtirāъ → ихтирâ (ихтиро);** асли **xaгuъa** феълининг 'янгилик топди', 'янгилик ўйлаб чиқарди' маъносини англатувчи VIII боб шакли **hixtaraъa** сўзидан (АРС, 217) ҳосил қилинган масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'кашф этилган янгилик', 'кашфиёт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 341). Бу сўздан ўзбек тилида **ихтирочи** шахс оти, **ихтирочилик** мавҳум оти ясалган.

ИХТИСОС Бу арабча сўз **ыixtiŝāŝ(un)** шаклига эга (АРС, 222); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, сад ундошларини **с** ундошларига, чўзиқ **â** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ыixtiŝāŝ → ихтисâс (ихтисос); xaŝŝa** феълининг 'бирор соҳа бўйича мутахассис бўлди' маъносини англатувчи VIII боб шаклидан (АРС, 222) ҳосил қилинган масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'мутахассислик', 'касб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 341).

ИШБАЙ Бу сўз ўзбек тилида **иш** сўзига арабча **бай** сўзини (қ.) қўшиб тузилган, 'сарфланган меҳнатга, бажарилган ишга қараб ҳақ тўлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 73).

ИШКАЛ Бу арабча сўз **ыişkāl(un)** шаклига эга (АРС, 413); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ыişkāl → ишкал;** кўпмаъноли **şakala** феълидан 'чалкаш бўлди' маъноси билан (АРС, 413) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 223), 'чалкашлик', 'чатоқлик'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 343). Бу сўзнинг ик-кинчи бўғинидаги **ā** унлиси тожик тилида **е** унлисига алмаштирилган (ТжРС, 171).

ИШОРА Бу арабча сўз **ьişārat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьişārat → ишâра (ишора);** асли **şāгаъа**[1] феълидан 'йўналтирди' маъноси билан (АРС, 400), ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'имо', 'қаергадир қарашни ифодаловчи белги' маъноси-ни англатади (ЎТИЛ, I, 344). Бу сўз ўзбек тилида **ишорат** шаклида ҳам ишлатилади.

ИШОРАТ *қ.* **ишора**

ИШРАТ Бу арабча сўз **ъişrat(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 517), ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъişrat → ишрат;** асли кўпмаъноли **ъаşага** феълининг 'мулоқатда бўлди' маъноси билан (АРС, 516) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'мулоқат', 'дўстлик', 'яқинлик', 'муносабат' маъноларини (АРС, 517), ўзбек тилида эса 'кайф-сафо', 'маишатбозлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 345).

ИШРАТПАРАСТ Бу сўз тожик тилида арабча **ишрат** сўзига (қ.) 'ружу қил-' маъносини англатувчи тожикча **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 172, 298); 'кайф-сафога, ишратга ружу қилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 345).

ИШТАҲА Бу арабча сўз асли **ьiştihāь(un)** шаклига эга (АРС, 420); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, **і** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини ҳам **а** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьiştihāь → иштаҳа; şahā** феълидан 'овқатни иштиёқ билан еди' маъноси билан (АРС, 420) ҳосил қилинган VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'овқатни иштиёқ билан ейиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 345).

ИШТИЙОҚ Бу арабча сўз **ьiştiyāq(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 422); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьіştiyāq → иштийâқ (иштиёқ);** асли 'интилиш, хоҳиш қўзғатди' маъносини англатувчи **şāqa** феълининг VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'кучли даражадаги интилиш', 'ихтирос' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 345).

ИШТИРОК Бу арабча сўз **ьіştirāk(un)** шаклига эга (АРС, 402); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьіştirāk → иштирâк (иштирок);** 'қатнашди' маъносини англатувчи **şarika** феълининг (АРС, 402) VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'қатнашув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 345). Бу сўздан ўзбек тилида **иштирокчи** сўзи ясалган.

ИШҚ Бу арабча сўз **ъіşq(un)** шаклига эга (АРС, 517); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъіşq → ишқ.** Бу сўз 'севди' маъносини англатувчи **ъаşiqa** феълидан (АРС, 517) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'севги', 'кучли мойиллик' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 345).

ИШҚИБОЗ Бу сўз тожик тилида арабча **ишқ** сўзига (қ.) тожикча 'берилиб ўйна-' маъносини англатувчи **бохтан** феълининг ҳозирги замон асоси **боз** қисмини қўшиб (ТжРС, 82, 75) ҳосил қилинган (ТжРС, 172); ўзбек тилига **қ** ва **б** товушлари оралиғига **и** унлисини киритиб қабул қилинган, шу усул билан қатор келиб қолган **шқб** ундошларини талаффуз қилишдаги қийинчилик бартараф қилинган: **ишқбоз → ишқибоз.** Бу сўз ўзбек тилида 'бирор нарсага кучли даражада берилган', 'ўта даражада ҳаваскор' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 346). Сўзлашув тилида бу сўз **ишқивоз** тарзида ҳам талаффуз қилинади. Бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **ишқибозлик** мавҳум оти ясалган.

ИШҚИБОЗЛИК қ. **ишқибоз**

ИШҚИВОЗ қ. **ишқибоз**

ИШҚИЙ Бу арабча сўз асли **ъіşqiyy(un)** шаклига эга бўлиб, **ъіşq(un)** сўзидан **-iyy(un)** қўшимчаси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган нисбий сифат (АТГ, 48); ўзбек тилига касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ъişqiyy → ишқий;** 'ишқ-муҳаббатни намоён қилувчи', 'ишқ-муҳаббат изҳор қилинган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 346).

ИШҒОЛ: Бу арабча сўз **ьişġāl(un)** шаклига эга (АРС, 408); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьişġāl → ишғâл (ишғол);** кўпмаъноли **şaġala** феълининг 'банд қилди', 'эгаллади' маъноси билан (АРС, 408) ҳосил қилинган IV боб шаклининг масдари бўлиб (АТГ, 223), 'банд қилиш', 'эгаллаш' маъносини англатади, ўзи мустақил ишлатилмай, **ишғол қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 346).

ИҚБОЛ Бу арабча сўз **ьiqbāl(un)** шаклига эга (АРС, 619); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiqbāl → иқбâл (иқбол);** асли кўпмаъноли **qabila** феълининг IV боб шаклидан 'олдинга ҳаракатланди' маъноси билан (АРС, 619) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), араб тилида етти маънони англатади (АРС, 619), ўзбек тилига еттинчи маъноси — 'бахт', 'омад', 'бахтли келажак' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 346). Бу сўз ўзбек тилида киши атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ИҚЛИМ Бу арабча сўз **ьiqlīm(un)** шаклига эга (АРС, 38, 657); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiqlīm → иқлим;** асли 'кесди' маъносини англатувчи **qalama** феълининг (АРС, 657) IV боб шаклидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида 'минтақа', 'климат' маъносини, ўзбек тилида эса асосан 'об-ҳаво, ер-сув шароити' (климат) маъносини англатади; **етти иқлимда** бирикмаси таркибида 'минтақа' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, I, 346).

ИҚРОР Бу арабча сўз **ьiqrār(un)** шаклига эга (АРС, 628); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiqrār → иқрâр (иқрор);** кўпмаъноли **qarra**[1] феълининг 'эътироф этди' маъноси билан (АРС, 628) ҳосил қилинган IV боб шаклининг масдари бўлиб (АТГ, 223), 'эътироф этиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 346). Бу сўз билан ўзбек тилида **иқрор бўл-** қўшма феъли ту—зилган.

ИҚТИДОР Бу арабча сўз **ьiqtidār(un)** шаклига эга (АРС, 624); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қи—линган: **ьiqtidār → иқтидâр (иқтидор);** 'бирор фаоли—ятни амалга оширишга қодир бўлди' маъносини англа—тувчи **qadara** феълининг (АРС, 624) VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'бирор фаолиятни амалга оширишга қодирлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 346).

ИҚТИДОРЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **иқтидор** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'куч-қувватга юқори даражада молик' маъносини англатади; амалиётда бу сўз 'мураккаб масалаларни ҳал этишга қодир', 'лаёқатли' маъносини англатиш учун ишлатилмоқда (ЎТИЛ, I, 346).

ИҚТИСОД Бу арабча сўз **ьiqtiŝād(un)** шаклига эга (АРС, 640); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьiqtiŝād → иқтисâд (иқтисод);** кўпмаъноли **qaŝada** феълининг 'тежамли бўлди' маъноси билан (АРС, 640) ҳосил қилинган VIII боб шаклининг масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'тежамлилик', 'тежаб-тергаб сарфлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 346).

ИҚТИСОДИЙ Бу арабча сўз **иқтисод** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; 'иқтисодга оид' маъно—сини англатади (ЎТИЛ, I, 346).

ИҚТИСОДИЙАТ Бу арабча сўз **иқтисод** сўзидан (қ.) **-ийят(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирини ташлаб қабул қилинган; 'иқтисод соҳаси', 'эко-номика' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 346).

ИҚТИСОДЧИ Бу сўз ўзбек тилида **иқтисод** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'тежаб-тергаб сарфловчи', 'тежамкор' маъносини англатади; бу сўз лавозим (экономист) маъносини англатиш учун ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 346).

ИҒВО Бу арабча сўз **ьiġvāь(un)** шаклига эга (АРС, 575); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ьiġvāь → иғвâ (иғво);** кўпмаъноли **ġava** феълидан 'янглиш фикр уйғатди' маъноси билан (АРС, 575) ҳосил қилинган IV боб шаклининг масдари бўлиб (АТГ, 224), 'адаштириш, нотўғри йўлга чалғитиш мақсади билан тарқатиладиган уйдирма' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 346). Бу сўздан ўзбек тилида **иғвочи** сўзи ясалган.

ИҒВОГАР Бу сўз тожик тилида арабча **иғво** сўзига **-гар** қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб (ТжРС, 172, 542), 'иғво тарқатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 346).

ИҒВОЧИ *қ.* **иғво**

ИҲОТА Бу арабча сўз **ьiḥātat(un)** шаклига эга (АРС, 202); ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итки ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ьiḥātat → иҳâта (иҳота); ḥāta** феълидан 'атрофини ўради' маъноси билан ҳосил қилинган IV боб шаклининг (АРС, 201) масдари бўлиб (АТГ, 224), 'ташқи таъсирдан сақлаш мақсадида атрофини ўраб тўсиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 347). Бу сўздан ўзбек тилида **иҳотала-** феъли ясалган, **иҳота қил-** қўшма феъли тузилган.

Й

ЙАКУН Бу сўз ЎТИЛда (II, 478) арабча деб белгиланган; АРСда (919) якка ўзи, бирор ўзакка боғланмаган ҳолда **yakūnu** шаклида келтирилган; ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u**

www.ziyouz.com kutubxonasi

тугалланмасини ташлаб қабул қилинган: **yakūnu → йакун (якун);** араб тилида 'хулоса', 'жами' маъноларини (АРС, 919), ўзбек тилида эса 'хулоса' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 476). Бу сўздан ўзбек тилида **йакунла-** феъли ясалган.

ЙЕСИР: Бу арабча сўз асли **yasīr(un)** шаклига эга (АРС, 918); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, **а** унлисини **е(э)** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **yasīr → йесир (есир).** Бу сўз АРСда 'қулай бўлди', 'муваффақиятга эга бўлди' маъноларини англатувчи **yasira** феълига бағишланган мақола таркибида берилган бўлиб (АРС, 918), шу феълнинг I боб масдарига тенг (АТГ, 143); араб тилида 'асир', 'қул' маъноларини англатади; ўзбек тилида ёлғиз ўзи ишлатилмайди, **йетим-йесир** жуфт сўзи таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 250); демак, **йетим-йесир** жуфт сўзи асли 'отаси ўлган ёки тутқунликка тушган' маъносини англатади. **Йасир** сўзи таркибидаги **а** унлиси **йетим** сўзи таркибидаги **е** унлиси таъсирида ўзгарган.

ЙОСУМАН *қ.* **жасмин**

К

КАБИР Бу арабча сўз **kabīr(un)** шаклига эга (АРС, 674); асли 'буюк бўлди', 'катта бўлди' маъносини англатувчи **kabura** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'буюк', 'жуда катта', 'ўта муҳим' каби маъноларни англатади (АРС, 674); бу сўз ўзбек тилида *гуноҳи кабир, Саҳройи кабир* каби бирикмалар таркибида ишлатилади, эркак кишининг атоқли оти бўлиб ҳам келади (ЎТИЛ, I, 356). Ўзбек тилида **kabura** феълининг IV боб шакли **ьakbara** сўзидан ясалган **ьakbaru** аслий сифати ҳам мавжуд (АТГ, 43). Бу сифат охиридаги **u** товушини ташлаб эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. Ўзбек тилида **ьakbaru** сифатининг кўплик шакли **ьakābiru** сўзи ҳам мавжуд бўлиб (АРС, 674), охиридаги **u** унлисини ташлаб эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

КАБИСА Ўзбек тилида **кабиса йили** бирикмаси таркибида ишлатиладиган бу арабча сўз кўпмаъноли

www.ziyouz.com kutubxonasi

kabasa феълининг 'қўшди' маъноси билан ясалган **kabīs(un)** аслий сифатининг (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчасини олган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **kabīsat → кабиса;** асли 'бир кун қўшилган (366 кунга тенг)' маъносини англатади (АРС, 675; ЎТИЛ, I, 357).

КАБОБ Бу арабча сўз **kabāb(un)** шаклига эга (АРС, 673); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kabāb → кабâб (кабоб);** асли кўпмаъноли **kabba** феълининг 'айлантириб турди' маъноси билан (АРС, 673) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'сихга тортилган гўштни чўғ устида айлантириб (ағдариб) туриб пиширилади ган таом' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 357). Бу сўздан ўзбек тилида **кабобчи** сўзи ясалган (Бу туркий сўз ҳатто АРСнинг 673- бетида ҳам келтирилган).

КАБОБПАЗ Бу сўз тожик тилида арабча **кабоб** сўзига (қ.) 'пишир-' маъносини англатувчи тожикча **пухтан** феълининг **паз** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 315, 295, 175); 'кабоб пиширио сотувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 175).

КАЗЗОБ Бу арабча сўз **kaẓẓāb(un)** шаклига эга (АРС, 681); ўзбек тилига зал ундошларини **з** ундошларига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kaẓẓāb → каззâб (каззоб);** 'ёлғон гапирди' маъносини англатувчи **kaẓaba** феълининг II боб шакли **kaẓẓaba** сўзидан ясалган аслий сифат бўлиб, 'жуда ёлғончи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 358).

КАЙФ Бу арабча сўз **kayf(un)** шаклига эга (АРС, 707); кўпмаъноли **kayafa** феълининг 'роҳатланди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'кишининг руҳан яйраган ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 358).

КАЙФИЙАТ Бу арабча сўз асли **kayfiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 707); ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **kayfiyyat → кайфийат (кайфият).** Бу сўз **кайф** масдаридан (қ.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

-ийат(ун) қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), араб тилида 'усул', 'шакл', 'ҳолат' маънола— рини (АРС, 707), ўзбек тилида эса 'кишининг руҳий ҳолати', 'умуман руҳий ҳолат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 359).

КАЛИМА Бу арабча сўз **kalimat(un)** шаклига эга (АРС, 697); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **kalimat → калима;** кўпмаъноли **kalama** феълининг 'сўзлади' маъноси билан (АРС, 697) ҳосил қилинган I боб масдари **kalim(un)** сўзининг (АТГ, 142) **-at(un)** қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб (АТГ, 29), араб тилида 'сўз', 'сўзлар', 'қисқа нутқ' маънолари— ни англатади (АРС, 697); ўзбек тилида асосан 'сўз' маъносини англатиш учун ишлатилади; **калимайи ша— ҳодат, калима келтир-** бирикмалари таркибида 'қисқа нутқ' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, I, 360).

КАЛОМ Бу арабча сўз **kalām(un)** шаклига эга (АРС, 697); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kalām → калâм (калом);** кўпмаъноли **kalama** феълининг 'сўзлади' маъноси билан (АРС, 697) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилидан 'жумла', 'нутқ' маънолари билан ўз— лаштирилган; **калом** сўзи ўзбек тилида **Каломулло** ('қуръон') сўзи, **Аввал таом, баъдаз калом** мақоли, **Ка— ломи шариф** ('қуръон'), **хулласи калом** ('гапнинг қисқаси') турғун бирикмалари таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 361).

КАЛОМИ ШАРИФ *қ.* **калом**

КАЛОМУЛЛО *қ.* **калом**

КАМОЛ Бу арабча сўз **kamāl(un)** шаклига эга (АРС, 700); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига ал— маштириб қабул қилинган: **kamāl → камâл (камол); kamula** феълининг 'ҳар жиҳатдан етик бўлди' маъноси билан (АРС, 699) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ҳар жиҳатдан етиклик', 'баркамоллик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 364). Бу сўз ўзбек ти— лида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишла— тилади. Бу арабча сўзнинг муаннас шакли **Камола** сўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

КАМОЛА *қ.* **камол**

КАМОЛИ ЭҲТИРОМ БИЛАН Бу бирикма тожикча **бо камоли эҳтиром** бирикмасининг (ТжРС, 467) калькаси бўлиб, унинг таркибида **камол** сўзи 'юксак' маъносини англатиб қатнашади (ЎТИЛ, I, 365).

КАМОЛОТ Бу арабча сўз асли **камол** сўзнинг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), ўзбек тилида кўплик шакли экани уқилмайди, алоҳида сўз сифатида қабул қилинади, **камол** сўзи англаттани каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 364).

КАПАКИ Бу сўз асли 'қўлнинг билак учи билан бармоқлар оралиғидаги ясси қисми' маъносини англатувчи арабча **каф** сўзидан (АРС, 692) **-аки** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, тожик тилида **кафаки** шаклида ишлатилади (ТжРС, 183), ўзбек тилида **ф** ундоши ўрнига **п** ундоши талаффуз қилинади: **кафаки → капаки;** 'пойабзалнинг таглиги, тагчарми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 367).

КАПЛА- Бу феъл ўзбек тилида 'қўлнинг билак учи билан бармоқлар оралиғидаги ясси қисми' маъносини англатувчи арабча **каф** сўзидан (АРС, 692) **-ла** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, **ф** ундошини **п** ундошига алмаштириб талаффуз қилинади; 'бирор нарсани (масалан, носни) кафтга солиб, кейин оғизга от-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 367).

КАРАМ АЙЛА- Бу феъл ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган арабча **карам** ва ўзбекча **айла-** сўзларидан тузилган бўлиб, 'ҳиммат, мурувват кўрсат-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 368: **карам II**). **Карам** сўзи асли 'сахий бўлди', 'меҳр-оқибатли бўлди' маъносини англатувчи **karuma** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568; АРС, 684), 'ҳиммат', 'мурувват' маънолларини англатади (АРС, 684; ЎТИЛ, I, 368).

КАРИМ Бу арабча сўз **karīm(un)** шаклига эга (АРС, 684), ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган; 'сахий бўлди', 'меҳр-оқибатли бўлди' маъносини англатувчи **karuma** феълидан (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

684) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'сахий', 'меҳр-мурувватли' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 369). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифати — дагина ишлатилади. Ўзбек тилида **карима** сўзи ҳам мавжуд бўлиб, бу сўз **карим** сўзидан **-ат(ун)** муаннас қўшимчаси билан ҳосил қилинган, ўзбек тилига бу қўшимчанинг **а** қисмини сақлаб, **t** қисмини ташлаб қабул қилинган. **Карима** сўзи ҳам ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади. Ўзбек тили луғатида **акрам** сўзи ҳам берилган. Бу сўз асли **карим** сифатининг орттирма даража шакли бўлиб (АТГ, 200), 'юксак даражада сахий, меҳр-оқибатли' маъносини англатади (АРС, 684; ЎТИЛ, I, 36). **Акрам** сўзи ҳозирги ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади. Бу сўз асли **ьakramu** шаклига эга бўлиб (АРС, 684), ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ьakramu → акрам. Karuma** феълининг 'саҳийлик, меҳр-мурувват кўрсат-' маъносини англатувчи IV боб шакли **ьakrama** феълидан ҳосил қилинган **ьikrām(un)** масдари ҳам ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади ('иззат-ҳурмат' маъносини англатади); бу сўз ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьikrām → икрâм (икром).**

КАРИМА *қ.* **карим**

КАРОМАТ Бу арабча сўз **karāmat(un)** шаклига эга (АРС, 684); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **karāmat → карāмат (каромат);** асли кўпмаъноли **karuma** феълидан (АРС, 684) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида уч маънони англатади, ўзбек тилига бир маъноси — 'башорат' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 369). Бу сўз аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади, бунда **â** унлиси кўпинча **а** унлисига алмаштириб талаффуз қилинади: **Карамат.**

КАРРА Бу арабча сўз **karrat(un)** шаклига эга (АРС, 681); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **karrat → карра;** асли 'орқага қайтди'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатувчи **karra**[1] феълининг I боб масдаридан **-at(un)** қўшимчаси билан (УАЯ, 500) ҳосил қилинган бўлиб, 'марта' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 370); **карра жадвали** бирикмаси таркибида 'кўпайтириш' маъноси билан қатнашади. Бу сўздан ўзбек тилида **каррала-** ('кўпайтир-') феъли ясалган.

КАСАБА Бу арабча сўз асли **косиб** сўзининг (қ.) кўплиги бўлиб, **kasabat(un)** шаклига эга (АРС, 686); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **kasabat → касаба;** асли 'косиблар', 'турли касб эгалари' маъносини англатиб, **касаба уюшмаси** турғун бирикмаси таркибида қатнашади; бу бирикма ўзбек тилида 'меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи оммавий ташкилот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 370).

КАСАЛ Бу арабча сўз **kasal(un)** шаклига эга (АРС, 689); асли 'эринчоқ бўлди', 'ланж бўлди' маъноларини англатувчи **kasila** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'эринчоқлик', 'зерикиш' маъноларини англатади (АРС, 689); ўзбек тилида бу сўз 'тана аъзоларининг одатдаги фаолияти бузилган', 'бетоб' (**касалман** каби), 'бетоблик' (**касалга чалинди** каби), 'бетоб киши' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 370). Бу сўз билан ўзбек тилида **касаллик** мавҳум оти, **касаллан-** феъли ясалган, **касал бўл-** қўшма феъли тузилган.

КАСАЛВАНД қ. **касалманд**

КАСАЛМАНД Бу сўз ўзбек тилида арабча **касал** сўзидан (қ.) тожикча **-манд** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган сифат бўлиб, 'тез-тез бетоб бўлиб турадиган', 'дардчил' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371). Ўзбек сўзлашув тилида бу сўз **касалванд** шаклида ҳам талаффуз қилинади, бунда **м** ундоши **в** ундошига алмашади (**лм → лв**).

КАСАЛНАМО Бу сўз ўзбек тилида арабча **касал** сўзига (қ.) 'нимагадир ўхшаб кўрин-' маъносини англатувчи тожикча **намудан** феълининг **намо** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 256, 257) қўшиб тузилган; 'касал бўлгандек' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 371).

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАСАЛХОНА Бу сўз тожик тилида арабча **касал** сўзига (қ.) 'уйнинг алоҳида бўлмаси' маъносини англатувчи тожикча **хона** сўзини қўшиб тузилган бўлиб, 'касаллар ётиб даволанадиган муассаса' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371).

КАСБ Бу арабча сўз **kasb(un)** шаклига эга (АРС, 686); кўпмаъноли **kasaba** феълининг 'ўз меҳнати билан маблағ топди' маъносидан (АРС, 686) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'фойда', 'ютуқ', 'маош' маъноларини англатади (АРС, 686); ўзбек тилида эса бу сўз 'иш-фаолиятнинг бирор соҳаси', 'ҳунар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371).

КАСБДОШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **касб** сўзидан (қ.) ўзбекча **-дош** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'касби бир хил' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371).

КАСБ-КОР Бу жуфт сўз асли тожик тилида арабча **касб** (қ.) ва 'иш' маъносни англатувчи тожикча **кор** сўзларидан тузилган бўлиб, **касбу кор** шаклига эга; ўзбек тилида **-у** боғловчисини қўшмай **касб-кор** шаклида ишлатилади; 'иш-фаолият тури', 'иш-машғулот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371).

КАСОД Бу арабча сўз **kasād(un)** шаклига эга (АРС, 687); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kacād → касâд (касод);** кўпмаъноли **kasada** феълининг 'товарларга харидор келиши сусайди' маъноси билан (АРС, 687) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'харидор келиши суст' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371). Бу сўздан ўзбек тилида **касодлик** мавҳум оти ясалган бўлиб, **касодликка учра-** турғун бирикмаси таркибида қатнашади.

КАСОДЛИК қ. **касод**

КАСОФАТ Бу арабча сўз **kašāfat(un)** шаклига эга (АРС, 679); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kašāfat → касâфат (касофат);** кўпмаъноли **kašufa** феълининг 'дағал муомала қилди' маъноси билан (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

697) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилидаги 'қўрслик', 'эси пастлик' каби маънолари асосида юзага келган 'ёмон оқибатга олиб келувчи хатти-ҳаракат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371).

КАСР I Бу арабча сўз **kasr(un)**[2] шаклига эга (АРС, 688); кўпмаъноли **kasara** феълининг 'парчаланди' маъноси билан (АРС, 687) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'синиш', 'синиқ парча', 'бутун соннинг қисми' маъноларини англатади (АРС, 688);• ўзбек тилига охирги маъноси билан математика термини сифатида қабул қилинган: **каср сон, касрли сон** каби (ЎТИЛ, I, 371).

КАСР II Бу арабча сўз **kasr(un)**[1] шаклига эга (АРС, 688); кўпмаъноли **kasara** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'синиш', 'келишувни бузиш' маъноларини англатади (АРС, 688); ўзбек тилида бу сўз 'кимнингдир нотўғри хатти-ҳаракати оқибатида юзага келган салбий таъсир' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371).

КАСРЛИ СОН *қ.* **каср I**

КАФАН Бу арабча сўз **kafan(un)** шаклига эга (АРС, 694); 'оқ мато билан ўради' маъносини англатувчи **kafana** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'мурдани қабрга қўйиш олдидан ўраладиган оқ мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I 373). Бу сўздан ўзбек тилида **кафанлик** мавҳум оти, **кафанла-** феъли ясалган.

КАФАНГАДО Бу сўз ўзбек тилида арабча **кафан** сўзига (қ.) 'тиланчи' маъносини англатувчи тожикча **гадо** сўзини (ТжРС, 95) қўшиб тузилган бўлиб, 'ҳеч нарсаси йўқ', 'ҳатто кафанлиги ҳам йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 373). Бу сўз билан ўзбек тилида **кафангадо бўл-** қўшма феъли тузилган.

КАФИЛ Бу арабча сўз **kafīl(un)** шаклига эга (АРС, 694); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kafīl → кафил;** кўпмаъноли **kafala** феълининг (АРС, 693) 'жавобгарликни ўз зиммасига олди' маъноси билан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'бирор иш-фаолиятнинг амалга ошишига бошқаларни ишонтириб, жавобгарликни ўз зиммасига

www.ziyouz.com kutubxonasi

олган (киши)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 373). Бу сўздан ўзбек тилида **кафиллик** мавҳум оти ясалган.

КАФОЛАТ Бу арабча сўз **kafālat(un)** шаклига эга (АРС, 694); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kafālat → кафâлат (кафолат);** кўпмаъноли **kafala** феълининг 'жавобгарликни ўз зиммасига олди' маъноси билан (АРС, 693) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'бирор ишфаолиятнинг амалга ошишига бошқаларни ишонтириб, жавобгарликни ўз зиммасига олиб берилган ваъда', 'гарантия' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 373). Бу сўздан ўзбек тилида **кафолатли, кафолатла-** сўзлари ясалган.

КАФОЛАТНОМА Бу сўз ўзбек тилида арабча **кафолат** сўзига (қ.) 'хат', 'ҳужжат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини (ТжРС, 271) қўшиб тузилган бўлиб, 'кафиллик хати', 'кафолат берилаётганини тасдиқловчи ҳужжат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 373).

КАФТ Бу арабча сўз асли **kaff(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 692), тожик тилига **каф** шаклида (охирги бир **f** товушини ташлаб) қабул қилинган: **каф I** (ТжРС, 183). Бу сўз ўзбек тилида **кафт** шаклида, яъни охирига **т** ундошини қўшиб талаффуз қилинади; бу товушнинг қўшилишига 'елка' маъносини англатувчи арабча **кифт** сўзининг **кафт** шакли сабаб бўлган: шу сўзга аналогия йўли билан юз берган. **Кафт** сўзи ҳам худди **каф** сўзи каби (қ.) 'қўлнинг билак учи билан бармоқлар орасидаги ясси қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 374).

КАШФ: Бу арабча сўз **kaşf(un)**[1] шаклига эга (АРС, 690); кўпмаъноли **kaşafa** феълининг 'топди', 'очди' маъноси билан (АРС, 690) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида **кашф эт-** қўшма феъли таркибида 'топиш', 'очиш' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, I, 374).

www.ziyouz.com kutubxonasi

• КАШФИЙОТ Бу арабча сўз **кашф** сўзидан (қ.) **–ий–йат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб, охирги бўғиндаги **а** унлисини **â** тарзида талаффуз қилиб қабул қилинган, натижада кўплик шаклидаги сўзга ўхшаб қолган. Бу сўз 'изланиш, тадқиқ қилиш натижасида топилган, яратилган нарса', 'ихтиро' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 374). Бу сўздан ўзбек тилида **кашфийотчи** сўзи ясалган.

ҚАЪБА Бу арабча сўз **каъbat(un)** шаклига эга (АРС, 691); ўзбек тилига сукунли айн товушининг ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **каъbat → каъба;** асли 'қубба шаклига эга бўлди' маъносини англатувчи **каъаba** феълининг (АРС, 691) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'куб (геометрик шакл)' маъносини англатади; Маккадаги муқаддас зиёратгоҳ худди шундай шаклда қурилгани учун **Каъba** деб номланган (ЎТИЛ, I, 374).

ҚАЪБАТУЛЛО Бу сўз арабча **каъбат** (қ. **каъба**) ва **Олло (Āллā)** сўзларидан тузилган бўлиб, араб тили талаффуз қоидасига биноан **Олло (Āллā)** сўзи таркибидаги биринчи унли **у** унлисига, ўзбек тилида сўз охиридаги чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига алмашган: **Каъбат + āллā → каъбатуллâ (каъбатулло);** бу қўшма сўз тақрибида **каъбат** сўзи 'уй' маъносини англатиб қатнашади: 'Оллонинг уйи' (ЎТИЛ, I, 374).

КИБОР Бу арабча сўз **kibār(un)** шаклига эга (АРС, 674); ўзбек тилига **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kibār → кибâр (кибор).** Бу сўз асли **кабир** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), 'юқори мавқега эга', 'оқсуяк' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 384).

КИБР Бу арабча сўз **kibr(un)** шаклига эга (АРС, 674); 'буюк бўлди' маъносини англатувчи **kabara** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'буюклик', 'фахр' каби маъноларни англатади (АРС, 674); ўзбек тилида бу сўз салбий услубий бўёққа эга бўлиб, 'ўзини ҳаммадан устун деб ҳис этиш', 'манманлик' каби

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 384). Бу сўз билан ўзбек тилида **кибр-ҳаво** жуфт сўзи (қ.) тузилган; **кибр** сўзидан **кибрли** сифати, **кибрлан-** феъли ясалган.

КИБР-ҲАВО Бу жуфт сўз арабча **кибр (қ.)** ва **ҳаво** (қ.) сўзларидан ўзбек тилида таркиб топган бўлиб, 'ўзига ортиқча баҳо бериш', 'манманликка берилиш' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 385).

КИНОЙА Бу арабча сўз **kināyat(un)** шаклига эга (АРС, 702); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **kināyat → кинâйа (киноя);** кўпмаъноли **kanā** феълининг 'ишора қилди' маъноси билан (АРС, 702) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 702), 'пичинг', 'кесатиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 386). Бу сўздан ўзбек тилида **кинойали** сифати ясалган.

КИРА Бу арабча сўз **kirāь(un)** шаклига эга (АРС, 686); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **kirāь → кира** (Тожик тилида чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига алмаштирилган: **киро I** – ТжРС, 187); асли 'ёлланди' маъносини англатувчи **kariā** феълининг (АРС, 686) I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), 'киши ёки нарсани бирор манзилга транспорт воситасида маълум ҳақ эвазига олиб бориш учун ёлланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 387).

КИРАКАШ Бу сўз арабча **кира** сўзига (қ.) 'торт-' маъносини англатувчи тожикча **кашидан** феълининг **каш** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб тузилган бўлиб, 'киши ёки нарсани бирор манзилга транспорт воситасида маълум ҳақ эвазига ташиш билан шуғулланувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 387). Бу сўздан ўзбек тилида **киракашлик** мавҳум оти ясалган.

КИТОБ Бу арабча сўз **kitāb(un)** шаклига эга (АРС, 676); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kitāb → китâб (китоб);** 'ёзди' маъносини англатувчи **kataba** феълининг (АРС, 676) III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'кўп саҳифали матннинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

жузлаб тикиб, муқоваланган ҳолати', 'асар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 389).

КИТОБХОН Бу сўз тожик тилида арабча **китоб** сўзига (қ.) 'ўқи-' маъносини англатувчи тожикча **хондан** феълининг **хон** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 188, 426); 'китоб (асар) мутолаа қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 389). Бу сўздан ўзбек тилида **китобхонлик** мавҳум оти ясалган.

КИТОБШУНОС Бу сўз тожик тилида арабча **китоб** сўзига (қ.) 'бил-', 'тани-' маъносини англатувчи тожикча **шинохтан** феълининг **шинос** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 188, 458, 457); ўзбек тилида **шинос** асоси таркибидаги **и** унлиси **у** унлисига алмаштирилган; асли 'китоб билимдони, мутахассиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 389).

КИФОЙА Бу арабча сўз **kifāyat(un)** шаклига эга (АРС, 694); ўзбек тилига **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **kifāyat → кифâйа (кифоя);** кўпмаъноли **kafā** феълининг 'етарли бўлди' маъноси билан (АРС, 694) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'етарли', 'бори билан қаноат қилса бўлади' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 389).

КИФТ Бу арабча сўз асли **katf(un), katif(un), kitf(un)** шаклларига эга (АРС, 677); ўзбек тилига **kitf** шакли **tf** товушларининг ўрнини алмаштириб қабул қилинган: **kitf → kift;** кўпмаъноли **katafa** феълининг 'қўлларини боғлади' маъноси билан (АРС, 677) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилидан 'елка' маъноси билан ўзлаштирилган (ЎТИЛ, I, 389).

КОВАТОК Бу сўз асли тожик тилида арабча **кабоб (қ.)** ва тожикча **ток** ('узум ўсимлиги') сўзлари билан тузилган **кабоби токӣ** изофа бирикмаси бўлиб (ТжРС, 175), ўзбек сўзлашув тилида жиддий товуш ўзгаришлари воқе бўлган: 1) бирикма охиридаги **-ӣ** сифат ясовчиси ташланган: **кабоби ток;** 2) **би** товушлари ҳам талаффуз қилинмай қўйган, натижада бу икки сўз бир сўзга бирлашган: **кабоби ток → каботок;** 3) биринчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисмнинг иккинчи бўғинидаги **â** унлиси **а** унлисига, **б** ундоши **в** ундошига, охири **а** унлиси **в** ундошининг таъсирида **â** унлисига алмашган: **каботок → кабаток → каватоқ → коватоқ** (ЎТИЛ, I, 391). Бу сўз 'қиймани тоқ баргига ўраб, одатда палов билан пишириладиган таом' маъносини англатади.

КОИНОТ Бу арабча сўз **kāьināt(un)** шаклига эга (АРС, 705); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлиларини **â** унлила— рига, касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **kāьināt → kâинât (коинот);** асли 'мавжуд бўлди', 'воқе бўлди' маъносини англатувчи **kāna** феъ— лидан (АРС, 705) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат си— фатдоши **kāьin(un)** сўзининг (АТГ, 147) **-āt(un)** қўшим— часи билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), араб тилида 'барча мавжудот' маъносини (АРС, 705), ўзбек тилида эса 'бутун борлиқ', 'олам' маъносини анг— латади (ЎТИЛ, I, 391).

КОМИЛ Бу арабча сўз **kāmil(un)** шаклига эга (АРС, 700); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kāmil → kâмил (комил);** 'ҳар жиҳатдан етик бўлди' маъносини англатувчи **kamula** феълидан (АРС, 699) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида тўрт маънони англатувчи бу сўз ўзбек тилига 'ҳар жиҳатдан етик' маъноси билан ўзлаштирилган; **комил ишонч билан, ишончи комил** бирикмаси ва гаши таркибида 'тўлиқ' маъносини анг— латиб қатнашади (ЎТИЛ, I, 393). **Комил** сўзи ўзбек ти— лида эркак кишининг атоқли оти сифатида, бу сўзнинг муаннас шакли **Комила** сўзи эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

КОМИЛА қ. **комил**

КОСИБ Бу арабча сўз **kāsib(un)** шаклига эга (АРС, 686); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига ал— маштириб қабул қилинган: **kāsib → kâсиб (косиб);** кўпмаъноли **kasaba** феълининг 'ўз қўл меҳнати билан маблағ топди' маъносидан (АРС, 686) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), араб ти— лида 'топувчи', 'эга бўлувчи', 'ютувчи' маъноларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади (АРС, 686); ўзбек тилида бу сўз 'қўл иши билан шуғулланувчи ҳунарманд', 'оёқ кийими тикувчи ҳунарманд' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 399). Бу сўздан ўзбек тилида **косиблик** мавҳум оти ясалган.

КОТИБ Бу арабча сўз **kātib(un)** шаклига эга (АРС, 676): ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kātib → kâтиб (котиб);** 'ёзди' маъносини англатувчи **kataba** феълининг I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'ёзув ишларини бажарувчи' маъносини, шунингдек 'секретарь' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 400). Ўзбек тилида бу сўзнинг **котиба** муаннас шакли ҳам ишлатилади.

КОТИБА *қ.* **котиб**

КОФИР Бу арабча сўз **kāfir(un)** шаклига эга (АРС, 693); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kāfir → kâфир (кофир);** кўпмаъноли **kafara** феълининг 'динга ишонмади' маъноси билан (АРС, 693) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), ўзбек тилида 'Оллога, динга ишонмайдиган', 'ғайридин' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 400).

КУДУРАТ Бу арабча сўз **kudūrat(un)** шаклига эга (АРС, 680); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **kudūrat → кудурат; kadura** феълининг 'кўнгли хира бўлди' маъноси билан (АРС, 680) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'кўнгил хиралиги', 'кўнгил ғашлиги' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 402). Ўзбек тилида бу сўз билан **гина-кудурат** жуфт сўзи тузилган.

КУЛФАТ Бу арабча сўз **kulfat(un)** шаклига эга (АРС, 697); асли **kalifa** феълининг (АРС, 696) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'машаққат', 'нарх' каби беш маънони англатади (АРС, 696); ўзбек тилида 'машаққат', 'қийинчилик', 'хафачилик' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 196).

КУНБАЙ Бу сўз ўзбек тилида **кун** сўзига арабча **бай** сўзини (қ.) қўшиб тузилган, 'сарфланган меҳнатга кун ҳисоби билан ҳақ тўлаш' маъносини англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, I, 73).

КУРРА Бу арабча сўз асли **kurat(un)** шаклига эга (АРС, 685); ўзбек тилига **r** товушини қатлаб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **kurat → курра** (Тожик тилига бу сўз аслига яқин **кура** шаклида олинган — ТжРС, 197); кўпмаъноли **karā** феълидан 'ўйнади' маъноси асосида (АРС, 685) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), дастлаб 'думалоқ ўйин — чоқ' маъносини англатган бўлса керак; кейинчалик 'шар' маъносини англата бошлаган (АРС, 685). Ўзбек тилига 'шар' маъноси билан қабул қилинган, **Ер курраси** бирикмаси таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 407).

КУТУБХОНА Бу сўз арабча **китоб** сўзининг (қ.) **кутуб** кўплик шаклига (АРС, 676) 'уй' маъносини англатувчи тожикча **хона** сўзини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган бўлиб, 'китобларни жамлаб, тартиблаб, улардан китобхонларнинг фойдаланишини таъминлайдиган муассаса' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 408). Қизиғи шуки, кутубхона маъносини англатувчи **мактабат(ун)** сўзи бўла туриб, араб тили луғатига **кутубхона** сўзи ҳам киритилган (АРС, 677). **Кутубхона** сўзидан ўзбек тилида **кутубхоначи** сўзи ясалган.

КУФР: Бу арабча сўз **kufr(un)** шаклига эга (АРС, 693); кўпмаъноли **kafara** феълининг 'динга ишонмади' маъноси билан (АРС, 693) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'динни таҳқирлаш' маъносини англатган ҳолда **куфр кет-** турғун бирикмаси таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 400).

КУЧ-ҚУДРАТ қ. **қудрат**
КЎҲИ ҚОФ қ. **қоф**

Л

ЛАББАЙ Бу арабча сўз асли **labbayka** шаклига эга (АРС, 712); ўзбек тилига охиридаги II шахс бирлик қисқа кишилик олмошининг музаккар шакли **-ka** қўшимчасини (АТГ, 66) ташлаб қабул қилинган: **labbayka → лаббай;** 'сўз талаффуз қилди' маъносини англатувчи **labbā** феълидан (АРС, 712) ҳосил қилинган **лаббайка** сўзи ҳаж амалини бажариш чоғида айтилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

'Мана мен ҳузурингдаман' маъносини ифодалайди (АРС, 712). Ўзбек тилида бу сўз кимнингдир чақи-ришига жавобан айтиладиган сўз сифатида ишлатилади. 'Ҳа', 'Гапиринг, мен тинглашга тайёрман' маъносини билдиради (ЎТИЛ, I, 424).

ЛАВОЗИМ Бу арабча сўз **lavāzimu** шаклига эга (АРС, 719; ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **lavāzimu → лавâзим (лавозим); лозим** I ас-лий сифатидан (қ.) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган **lāzimat(un)** отининг (УАЯ, 500) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 41), араб тилида 'зарур нарса', 'ажралмас тарки-бий қисм' каби маъноларни англатади (АРС, 719); ўзбек тилида тарихан 'юқори мартабали амалдор ҳузурида доимо бўлиб, унинг барча юмушларини бажарувчи ки-ши' маъносини англатган; ҳозирги ўзбек тилида бу сўз 'расмий хизмат вазифасига кўра эгалланган мансаб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 425).

ЛАВҲА Бу арабча сўз **lavḥat(un)** шаклига эга (АРС, 733); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **lavḥat → лавҳа;** кўпмаъноли **lāḥa** феълининг 'кўринадиган бўлди' маъноси билан (АРС, 733) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'тахта', 'эшикка ёзув билан биркитилган тахтача', 'плитка', 'полотно', 'экран' маъноларини англатади (АРС, 733, 734); ўзбек тилида 'силлиқланган тош ёки металл тахта', 'қисқа маълумот ёзиб, бирор жойга ўрнатилган тош ёки металл тахтача', 'бадиий асардан парча', 'кў-риниш, манзара' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 425).

ЛАЗЗАТ Бу арабча сўз **laẕẕat(un)** шаклига эга (АРС, 718); ўзбек тилига зал ундошларини **з** ундошларига ал-маштириб қабул қилинган: **laẕẕat → лаззат;** 'хуштаъм бўлди' маъносини англатувчи **laẕẕa** феълидан (АРС, 718) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'хуштаъмлилик', 'роҳат', 'гашт' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 426). Бу сўздан ўзбек тилида **лаззатли, лаз-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

затлан- сўзлари ясалган.

ЛАЗИЗ Бу арабча сўз **lażiż(un)** шаклига эга (АРС, 718); ўзбек тилига зал ундошларини **з** ундошларига алмаштириб қабул қилинган: **lażiż → лазиз;** 'хуштаъм бўлди' маъносини англатувчи **lażża** феълидан (АРС, 719) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 143), 'таъми ёқимли', 'лаззатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 426). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ЛАЙЛАК Бу арабча сўз **laqlaq(un)** шаклига эга (АРС, 727); форс тилида **laqlaq** ва **laglag** шаклларида талаффуз қилинади (ПРС, 439), тожик тилида аввал **лаглаг** шаклида талаффуз қилинган, кейинчалик бу шакл тожик ва ўзбек тилларида **лайлак** шаклида талаффуз қилинадиган бўлган (ТжРС, 202; ЎТИЛ, I, 426); асли кўпмаъноли **laqlaqa** феълининг 'тумшуғини бир-бирига уриб товуш чиқарди' маъноси билан (АРС, 727) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 339), асли 'лақ-лақ товушини чиқарувчи қуш' маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 426).

ЛАЙЛАТУЛҚАДР Бу сўз арабча **laylat(un)** сўзи, **al** аниқлик артикли ва **qadr(un)** сўзидан таркиб топган (АРС, 737, 624); **laylat(un)** сўзи 'тун' маъносини англатувчи **layl(un)** сўзига 'бир дона' маъносини англатувчи **-t** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (АТГ, 373), 'аниқ бир тун' маъносини, бу ерда 'Рамазон ойининг 27- туни' маъносини англатади (АРС, 737); **qadr(un)** сўзи эса (қ.) бу бирикма таркибида 'тақдирни, қисматни белгилаш' маъноси билан қатнашади (АРС, 624). Демак, **лайлатулқадр** сўзи 'кишининг келгуси қисмати башорат қилинадиган тун' маъносини англатади (гўё шундай башорат қилувчи илоҳий мавжудотнинг шу тунда келиши кутилади).

ЛАЙОҚАТ Бу арабча сўз асли **liyāqat(un)** шаклига эга (АРС, 737); форс тилига шундай талаффуз шаклида олинган (ПРС, 442); тожик ва ўзбек тилларида биринчи бўғиндаги **i** унлиси **a** унлисига, шунингдек чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига алмаштирилган: **liyāqat → лайâқат**

www.ziyouz.com kutubxonasi

(лаёқат); асли 'муносиб бўлди' маъносини англатувчи **lāqa** феълининг (АРС, 737) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'муносиблик', 'лойиқлик' маъносини англатади (АРС, 737), тожик ва ўзбек тилларида эса асосан 'бирор ишни уддалаш қобилияти' маъносини англатади (ТжРС, 202; ЎТИЛ, I, 425). Бу сўздан ўзбек тилида **лайоқатли** сифати ясалган.

ЛАЙОҚАТЛИ қ. **лайоқат**

ЛАТИФ Бу арабча сўз **latīf(un)** шаклига эга (АРС, 721); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **latīf → латиф;** асли 'илтифотли бўлди' маъносини англатувчи **latafa** феълидан (АРС, 721) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'илтифотли', 'латофатли' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 427). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ЛАТИФА Бу арабча сўз **latīfat(un)** шаклига эга (АРС, 722); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **latīfat → латифа;** асли кўпмаъноли **latafa** феълининг 'нозик мазмунга эга бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган **латиф(ун)** аслий сифатидан (қ.) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'нозик кинояли, кулгили кичик ҳикоя' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 428).

ЛАТИФАБОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **латифа** сўзига (қ.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 82, 75), 'кишиларни енгил-елпи гап-сўз билан чалғитувчи' каби салбий мундарижали маънони англатади (ЎТИЛ, I, 428). Бу сўздан ўзбек тилида **латифабозлик** мавҳум оти ясалган.

ЛАТОФАТ Бу арабча сўз **latāfat(un)** шаклига эга (АРС, 721); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **latāfat → латâфат (латофат);** асли 'илтифотли бўлди' маъносини англатувчи **latafa** феълидан (АРС, 721) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142),

www.ziyouz.com kutubxonasi

'илтифот', 'мулойимлик', 'нозик гўзаллик' каби маъно-ларни англатади (ЎТИЛ, I, 428). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. **Лато-фат** сўзидан **латофатли** сифати ясалган.

ЛАФЗ Бу арабча сўз **lafẓ(un)** шаклига эга (АРС, 726); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **lafẓ → лафз** (Бу сўз ўзбек сўзлашув тилида **лавз** тарзида ҳам талаффуз қилинади); кўп-маъноли **lafaẓa** феълининг 'талаффуз қилди' маъноси билан (АРС, 726) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'талаффуз', 'сўз', 'ифода' маъноларини англатади; ўзбек тилига 'сўз' маъноси билан олинган бўлиб, маъно тараққиёти натижасида 'ваъда', 'аҳд' маъноларини ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 428). Бу сўздан ўзбек тилида кейинги маъноси билан **лафзсиз, лафзсизлик** сўзлари ясалган.

ЛАЪЛ Бу арабча от сўз **laʾl(un)** шаклига эга (АРС, 723); ўзбек тилига айн товуши ўрнига **ъ** (айириш) белги-сини қўйиб қабул қилинган: **laʾl → лаъл;** 'қизил рангли қимматбаҳо тош' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 429).

ЛАЪЛИ I Бу сўз тожик тилида арабча **лаъл** сўзидан (қ.) **-ӣ** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 204: **лаълӣ II**), 'лаълдан ясалган', 'лаълга ўхшаш' маъносини англатади (Бу сўз ЎТИЛда келтирилмаган). **Лаъли** сўзи ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти си-фатида ишлатилади.

ЛАЪЛИ II Бу сўз 'қизил рангли қимматбаҳо тош' маъносини англатувчи **лаъл** сўзидан (қ.) 'қизил рангли' маъно қирраси асосида **-ӣ** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (ТжРС, 542, 204), тожик тилида ва айрим ўзбек тили шеваларида 'патнис' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 429); бу буюм асосан қизил рангга бўялган бўлади.

ЛАЪНАТ Бу арабча сўз **laʾnat(un)** шаклига эга (АРС, 723); ўзбек тилига сукунли айн товуши ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **laʾnat → лаънат;** 'нафратли сўзлар билан қаттиқ қарғади' маъ-носини англатувчи **laʾana** феълининг (АРС, 723) I боб

www.ziyouz.com kutubxonasi

масдари бўлиб (АТГ, 143) 'нафратли сўзлар билан бил— дирилган қаттиқ қарғиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 429). Бу сўз ўзбек сўзлашув тилида **наълат** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ЛАЪНАТИ Бу сўз тожик тилида арабча **лаънат** сў— зидан (қ.) **-ӣ** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 204), ўзбек тилида **ӣ** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган: **ланатӣ → лаънати;** 'қаттиқ қарғишга, лаънатга дучор бўлган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 429).

ЛАҚАБ Бу арабча сўз **laqab(un)** шаклига эга (АРС, 726); 'киши устидан кулиш, таҳқирлаш мақсадида бирор хусусиятини кўзда тутиб иккиламчи ном берди' маъносини англатувчи **laqaba** феълидан (АРС, 726) ҳо— сил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568). 'кишига устидан кулиш, таҳқирлаш мақсадида берилган икки— ламчи ном' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 429). Араб тилида бу сўз 'унвон', 'титул' маъносини ҳам англатади (АРС, 726); эски ўзбек тилида бу сўз 'тахаллус', 'фами— лия' маъноларини ҳам англатган (ЎТИЛ, I, 429).

ЛАҚИМ *қ* **лаҳм**

ЛАҲАД Бу арабча сўз асли **laḥd(un)** шаклига эга (АРС, 714); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо— шига алмаштириб, **ḥd** ундошлари оралиғига **а** унлисини киритиб қабул қилинган: **laḥd → лаҳад;** ПРСда (437) бу сўз **läh(ä)d** тарзида ёзилиб, иккинчи **а** унлиси кейин қўшилганлиги қавсларга олиб кўрсатилган; ТжРСда эса (205) **лаҳад** шаклидагина келтирилган. Кўпмаъноли **laḥada** сўзи дастлаб 'четга чиқди' маъносини англатган, шунга кўра **лаҳад** ҳам асли 'қабрнинг ён томонга ков— ланган ички хонаси' маъносини англатган, кейинчалик 'қабрнинг жасад қўйиладиган ички хонаси' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 429). **Лаҳад** сўзи **лаҳада** феълининг I боб масдарига тенг (УАЯ, 568).

ЛАҲЖА Бу арабча сўз **laḥçat(un)** шаклига эга (АРС, 732); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **laḥçat → лаҳжа;** кўпмаъноли **laḥiça** феълининг 'мунтазам талаффуз қилди' маъноси билан (АРС, 732) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

143), 'тилнинг ўз белги-хусусиятлари асосида бирлаш— тирилувчи йирик маҳаллий гуруҳи' маъносини англа— тади (ЎТИЛ, I, 430).

ЛАҲЗА Бу арабча сўз **laḥžat(un)** шаклига эга (АРС, 715); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **laḥžat → лаҳза; laḥaža** феълининг 'қаради' маъноси билан (АРС, 714) ҳосил қилинган I боб масдари **laḥž(un)** сўзидан (АТГ, 142) 'дона' маъносини ифодаловчи **-t** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бу сўз (АТГ, 373) 'бир дақиқа', 'кўз очиб юмгунчалик вақт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 430).

ЛАҲИМ Бу арабча сўз **laḥim(un)** ва **laḥīm(un)** шаклларига эга (АРС, 716); ўзбек тилига **laḥim(un)** шакли ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **laḥim(un) → лаҳим;** асли 'бир-бирига боғлади' маъносини англатувчи **laḥama** феълининг (АРС, 716) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'кавшарлаш', 'улаш' маъносини (АРС, 716), ўзбек тилида эса 'ер остидан қазиб ўтказилган тор йўл' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 430).

ЛАҲМ Бу арабча сўз **laḥm(un)** шаклига эга (АРС, 716); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **laḥm → лаҳм;** асли 'гўштдор бўлди' маъносини англатувчи **laḥuma** феъли— нинг (АРС, 716) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'бесуяк, юмшоқ гўшт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 430). Ўзбек сўзлашув тилида бу сўз **лақим** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ЛИБОС Бу арабча сўз **libās(un)** шаклига эга (АРС, 711); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига ал— маштириб қабул қилинган: **libās → либâс (либос);** 'кийинди' маъносини англатувчи **labisa** феълининг (АРС, 710) I боб масдари бўлиб, 'кийим-кечак' маъно— сини англатади (ЎТИЛ, I, 431).

ЛИСОН Бу арабча сўз **lisān(un)** шаклига эга (АРС, 720); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига ал—

www.ziyouz.com kutubxonasi

маштириб қабул қилинган: **lisān → лисâн (лисон);** асли 'гапдон бўлди' маъносини англатувчи **lasina** феълидан (АРС, 720) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'тил', 'фикрлашув қуроли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 432).

ЛИСОНИЙ Бу арабча сўз **lisāniyy(un)** шаклига эга (АРС, 720); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **lisāniyy → лисâний (лисоний);** асли **лисон** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'тилга (фикрлашув қуролига) оид' маъносини англатади (Бу сўз ЎТИЛга киритилмаган).

ЛОАҚАЛ Бу арабча сўз **ақалли [aqallu]** сифати (қ.) олдига арабча **ло [lā]** инкор юкламасини (АРС, 708) қўшиб тузилган; ўзбек тилига сўз охиридаги **ли [lu]** товушларини ташлаб, юкламани ўзидан кейинги сўзга қўшиб қабул қилинган: **lā aqallu → лâақал (лоақал);** 'ҳеч бўлмаганда', 'ақалли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 433).

ЛОЗИМ I Бу арабча сўз **lāzim(un)** шаклига эга (АРС, 719); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **lāzim → лâзим (лозим);** кўпмаъноли **lazima** феълининг 'зарур бўлди' маъноси билан (АРС, 719) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'зарур' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 433).

ЛОЗИМ II Бу арабча сўз **lāzim(un)** шаклига эга (АРС, 719); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **lāzim → лâзим (лозим);** кўпмаъноли **lazima** феълининг 'доим бирга бўлди' маъноси билан (АРС, 719) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43) кейинчалик отлашиб, 'аёлларнинг ички юпқа иштони' маъносини англатишга хизмат қила бошлаган (ЎТИЛ, I, 433). Бу сўздан ўзбек тилида **лозимлик** сўзи ясалган.

ЛОЗИМАДА *қ.* **лозимомада**

ЛОЗИМЛИК *қ.* **лозим II**

ЛОЗИМОМАДА Бу сўз тожик тилида арабча **ло-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

зим I сўзига (қ.) 'кел-', 'ташриф буюр-' маъносини англатувчи тожикча **омадан** феълининг **омада** равишдош шаклини (ТжРС, 560) қўшиб тузилган (ТжРСнинг 206-бетида бу сўз равишдош қўшимчаси қатнашмаган **лозимомад** шаклида берилган); 'тўй, туғилган кун каби тантанали маросимларга олиб борилиши зарур совғалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 433). Ўзбек сўзлашув тилида бу сўз **лозимада** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ЛОЙИҚ Бу арабча сўз **lāьiq(un)** шаклига эга (АРС, 737); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **йи** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **lāьiq → лâйиқ (лойиқ);** тожик тилида касрали ҳамза товуши аслига яқин ҳолда **и** товушига алмаштирилган: **lāьiq → лоиқ** (ТжРС, 206); асли 'муносиб бўлди' маъносини англатувчи **lāqa** феълидан (АРС, 737) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'муносиб', 'арзийдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 434).

ЛОЙИҲА Бу арабча сўз **lāьiћat(un)** шаклига эга (АРС, 733); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **йи** товушларига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **lāьiћat → лâйиҳа (лойиҳа);** тожик тилига бу сўз аслига яқин **лоиҳа** шаклида, касрали ҳамзани **и** унлисининг ўзига алмаштириб олинган (ТжРС, 206); кўпмаъноли **lāћa** феълининг 'кўринди', 'пайдо бўлди' маъноси билан (АРС, 733) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдошидан (АТГ, 150) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида 'дастлабги режа', 'проект' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 434).

ЛОМ: Бу сўз араб алифбосидаги 23- ҳарфнинг номи бўлиб, **lām(un)** шаклига эга (АРС, 708); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **lām → лâм (лом).** Бу сўз билан ўзбек тилида **лом демаслик** ибораси тузилган бўлиб, 'ҳеч нима демаслик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 435). Бу ибора **лом-мим демаслик** шаклида ҳам ишлатилади; **мим** сўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

араб алифбосидаги 24- ҳарфнинг номи бўлиб, **mīm(un)** шаклига эга (АРС, 738); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mīm → мим** (ЎТИЛ, I, 435).

ЛОҚАЙД Бу арабча сўз **lā** инкор юкламаси билан (АРС, 708) **qayd(un)** сўзининг бирлашуви натижасида юзага келган, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **lā qayd → лâқайд (лоқайд); қайд** сўзи 'тушов солди' маъносини англатувчи **qayada** феълининг (АРС, 669) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'тушов' маъносини англатади (АРС, 670), шунга кўра **лоқайд** сўзи асли 'тушовсиз', яъни 'эркин ҳаракат қила оладиган' маъносини англатади; тожик тилига шунга яқин маъно билан қабул қилинган (ТжРС, 208, 207); лекин форс тилида (ПРС, 434), ўзбек тилидаги каби, 'бепарво', 'қизиқиши сўнган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 436).

ЛОҲАС Бу арабча сўз **lāhiš(un)** шаклига эга (АРС, 731); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **i** унлисини **а** унлисига, се ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **lāhiš → лâҳас (лоҳас);** 'нафас олиши оғирлашди' маъносини англатувчи **lahaša** феълининг (АРС, 731) I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'нафас олиши қийинлашган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 436). Бу сўз билан **лоҳас бўл-** қўшма феъли тузилган.

ЛУТФ Бу арабча сўз **lutf(un)** шаклига эга (АРС, 721); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **lutf → лутф;** асли 'илтифотли бўлди' маъносини англатувчи **latafa** феълининг (АРС, 721) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'мулойимлик', 'ширинсуханлик' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 436). Атоқли шоир Лутфийнинг тахаллуси шу сўздан ясалган. Ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган **Лутфи** сўзи ҳам мавжуд бўлиб, 'латофатли' маъносини англатади; бу сўз арабча **лутф** сўзига тожикча сифат ясовчи **-ӣ** қўшимчасини қўшиб ясалган.

ЛУТФАН Бу сўз арабча **лутф** сўзининг (қ.) тушум

www.ziyouz.com kutubxonasi

келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'илтифот кўрсатиб' каби маънони англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, I, 436).

ЛУТФИ қ. **лутф**

ЛУҚМА Бу арабча сўз **luqmat(un)** шаклига эга (АРС, 727); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **luqmat → луқма;** асли 'оғзига олди' маъносини англатувчи **laqima** феълининг (АРС, 727) I боб масдаридан (АТГ, 142) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кичрайтирма от бўлиб (АТГ, 372), асли 'кичик бўлакча' маъносини англатади, шу маънодан 'бир ошам' маъноси ўсиб чиққан; бу сўз кўчма маънода 'бир кишининг нутқи давомида бошқа бир киши томонидан айтилган қистирма сўз, ибора' маъносини ҳам англатади (ЎТИЛ, I, 436). Асли бу маънолар — бир сўзники; лекин улар орасидаги боғланиш сезилмас даражада бўлгани сабабли ЎТИЛга (I, 436) **луқма I, луқма II** омонимлари тарзида киритилган.

ЛУҚМОН Бу сўз **luqmānu** шаклига эга (АРС, 727); қадимги дунё донишмандининг номи бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **luqmānu → Луқмâн (Луқмон).** Бу сўз ўзбек тилида эркак киши нинг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ЛУҒАВИЙ Бу арабча сўз **luġaviyy(un)** шаклига эга (АРС, 724); ўзбек тилига сўз охиридаги **yy** товушлари дан бирини ташлаб қабул қилинган: **luġaviyy → луғавий;** асли **луғат** сўзидан (қ.) ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 49), 'луғатга оид', 'сўз ва иборага оид' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 436).

ЛУҒАТ Бу арабча сўз **luġat(un)** шаклига эга (АРС, 724); асли кўпмаъноли **laġā** феълининг 'кўп гапирди' маъноси билан (АРС, 724) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'тил', 'лаҳжа', 'сўз', 'ибора' маъноларини англатади (АРС, 724); ўзбек тилида 'тилнинг сўз ва иборалар мажмуи', 'тилнинг сўз ва ибора лари тасвирланган асар' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 436). Бу сўздан ўзбек тилида **луғатчи, луғатчилик**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзлари ясалган.

М

МАБЛАҒ Бу арабча сўз **mablaġ(un)** шаклига эга (АРС, 85); асли кўпмаъноли **balaġa** феълининг 'маълум даражага етди' маъносидан (АРС, 84) **mafʕal(un)** вазнида ҳосил қилинган от бўлиб (УАЯ, 438), 'маълум миқдордаги пул (сумма)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 437).

МАВЖ Бу арабча сўз **mavç(un)** шаклига эга (АРС, 773); 'тўлқин кўтарилди' маъносини англатувчи **māça** феълининг (АРС, 773) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), асли 'тўлқин' маъносини англатади (АРС, 773); бу сўз ўзбек тилида **мавж ур-** ибораси таркибида қатнашади, иборадан 'тўлқинга ўхшаб тебраниб тур-' маъноси англашилади (ЎТИЛ, I, 437). **Мавж** сўзидан ўзбек тилида **мавжлан-** феъли ясалган.

МАВЖЛАН- *қ.* **мавж**

МАВЖУД Бу арабча сўз **mavçud(un)** шаклига эга (АРС, 873); асли кўпмаъноли **vaçada** феълининг 'бор бўлди' маъносидан (АРС, 873) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'воқеликда, амалда бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 438). Бу сўзнинг **мавжуда** муаннас шакли аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

МАВЖУДОТ Бу арабча сўз **mavçudāt(un)** шаклига эга (АРС, 874); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mavçudāt → мавжудât (мавжудот).** Бу сўз 'воқеликда, амалда бор' маъносини англатувчи **мавжуд** сўзнинг (қ.) **-āt(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'оламда бор барча нарсалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 438).

МАВЗЕ Бу арабча сўз **mavđiъ(un)** шаклига эга (АРС, 895); ўзбек тилига дзад товушини **з** товушига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб, шунинг эвазига **і** унлисини **е** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mavđiъ → мавзе.** Бу сўз кўпмаъноли **vađaъa** феълининг 'маълум ҳолат эгаллатди' маъноси билан (АРС, 895)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган ўрин оти бўлиб (УАЯ, 498), араб тилида 'жой', 'ҳолат' каби маъноларни, ўзбек тилида эса 'шаҳар атрофидаги боғ-роғ жойлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 438).

МАВЗУ Бу арабча сўз **mavḍūъ(un)** шаклига эга (АРС, 895); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **mavḍūъ → мавзу.** Бу сўз асли кўпмаъноли **vaḍaъa** феълининг 'маълум ҳолат эгаллатди' маъноси билан (АРС, 895) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), араб тилида асли 'тўқилган', 'ўйлаб топилган' каби белги маъносини англатган, кейинчалик 'тема', 'суҳбат предмети' каби маъноларни ҳам англата бошлаган (АРС, 895); ўзбек тилига охирги от маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 438).

МАВЛИД Бу арабча сўз **mavlid(un)** шаклига эга (АРС, 910); асли 'дунёга келтирди' маъносини англатувчи **valada** феълидан (АРС, 910) ясалган от бўлиб (АТГ, 152), араб тилида 'туғилган жой', 'ватан', 'пайғамбарнинг туғилган вақти' каби маъноларни англатади (АРС, 910); ўзбек тилига бу сўз 'Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган куни шарафига зиёфат ўтказиб, пайғамбарнинг ҳаёт йўли баён қилинган матнни ўқиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 438). Ўзбек сўзлашув тилида бу сўз **мовлуд** тарзида талаффуз қилинади. Изоҳли луғатда **мавлид** сўзи хато равишда **мавлуд** тарзида ёзилган, ваҳоланки **мавлуд** сўзи тамоман бошқа маънони англатади (Луғатга қаранг).

МАВЛОНО Бу арабча сўз **mavlānā** шаклига эга бўлиб, **mavlān** сўзига хитоб, мурожаат маъносини ифодаловчи арабча **ā** юкламасини қўшиб тузилган (АРС, 912); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлиларини **â** унлиларига алмаштириб қабул қилинган: **mavlānā! → мавлâнâ! → (мавлоно!); mavlān** сўзи асли 'бошқарди' маъносини англатувчи **valiya**[2] феълидан ҳосил қилинган от бўлиб (АРС, 911), араб тилида 'ҳукмдор' маъносини англатади (АРС, 912), **уā mavlānā** тарзида ҳукмдорга мурожаат

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзи сифатида ишлатилади ('Эй ҳукмдоримиз!' каби маънони англатади), эски ўзбек тилида бу сўз олим ва фозил кишиларга мурожаат қилишда ёлғиз ўзи ёки ўша эотнинг исми шарифидан олдин қўйиб ишлатилган (ЎТИЛ, I, 438).

МАВЛУД Бу арабча сўз **mavlūd(un)** шаклига эга (АРС, 910); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mavlūd → мавлуд;** 'дунёга келтирди' маъносини англатувчи **valada** феълининг (АРС, 910) I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'янги туғилган фарзанд', 'чақалоқ' маъносини англатади (АРС, 910); ўзбек тилида бу сўз ишлатилмайди, фақат унинг **-ат(ун)** муаннас қўшимчаси билан ҳосил қилинган **мавлуда** шакли аёл кишининг оти сифатида ишлатилади.

МАВЛУДА *қ.* **мавлуд**

МАВСИМ Бу арабча сўз **mavsim(un)** шаклига эга (АРС, 889); 'бирор белгиси билан фарқланди' маъносини англатувчи **vasama** феълидан (АРС, 889) ясалган от бўлиб (АТГ, 152), 'йилнинг маълум бир фаолият учун мослашган кунлари, фасли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 438). Бу сўз изоҳли луғатга хато равишда **мавсум** шаклида киритилган, ваҳоланки **мавсум** сўзи **vasama** феълининг I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'тамға қўйилган' маъносини англатади (АРС, 889).

МАВСИМИЙ Бу сўз арабча **мавсим** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'маълум мавсимда бажариладиган', 'маълум мавсимга мос' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 436). Бу сўз изоҳли луғутда **мавсумий** шаклида хато ёзилган (**мавсим** сўзи мақоласига қаранг).

МАВСУМ *қ.* **мавсим**

МАВСУМИЙ *қ.* **мавсимий**

МАВҚЕ Бу арабча сўз **mavqiъ(un)** шаклига эга (АРС, 905); ўзбек тилига сўз охиридаги айнни ташлаб, шунинг эвазига **і** унлисини **е** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mavqiъ → мавқе.** Бу сўз кўпмаъноли **vaqaъa** феълининг 'юз берди' маъноси билан (АРС, 904)

www.ziyouz.com kutubxonasi

mafъil(un) вазнида ясалган от бўлиб (АТГ, 152), араб тилида 'ўрин', 'ҳаракат ўрни', 'ҳолат' маъноларини (АРС, 905), ўзбек тилида эса 'кишининг жамоа орасида тутган ўрни' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 438).

МАВҲУМ Бу арабча сўз **mavhum(un)** шаклига эга (АРС, 914); асли кўпмаъноли **vahama** феълининг 'ўйлади', 'хаёл қилди' маъноси билан (АРС, 914) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'фикрлаш билан тасаввур қилинадиган', 'ноаниқ' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 438).

МАГАЗИН Бу арабча сўз **maxāzinu** шаклига эга (АРС, 219); бу сўз рус тилига **х** ундошини **г** ундошига, чўзиқ **ā** унлисига **а** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган, кейинчалик ўзбек тилига шу шаклида олинган: **maxāzinu → магазин;** асли 'тўплади', 'сақлади' маъносини англатувчи **xazana** феълидан (АРС, 219) ясалган **maxzan(un)** ўрин отининг кўплик шакли бўлиб (УАЯ, 238, 239), араб тилида 'омбор', 'ҳар хил моллар билан савдо қилувчи дўкон' каби маъноларни англатади (АРС, 219), ўзбек тилида кейинги маънони англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 438). Бу сўздан ўзбек тилида **магазинчи** оти ясалган.

МАДАД Бу арабча сўз **madad(un)** шаклига эга (АРС, 746); кўпмаъноли **madda** феълининг 'ёрдамлашди', 'қўллаб-қувватлади' маъноси билан (АРС, 745) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ёрдам', 'қўллаб-қувватлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 439).

МАДАДКОР Бу сўз асли тожик тилида арабча **мадад** сўзига (қ.) шахс оти ясовчи тожикча **-гор** қўшимчасини қўшиб ясалган (ТжРС, 542, 210), ўзбек тилига **-гор** қўшимчасини ўзбек тилида кўп учрайдиган **-кор** шаклига (ТжРС, 192, 182) алмаштириб қабул қилинган; 'мадад кўрсатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 439).

МАДАНИЙ Бу арабча сўз **madaniyy(un)** шаклига эга (АРС, 746); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **madaniyy → мада-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ний; асли 'маданиятли бўлди' маъносини англатувчи **maddana** феълининг масдаридан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'мадани — ятга оид', 'маданият соҳасида', 'билим-тарбияси юқори' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 439). Бу сўздан ўзбек тилида **маданийлаш-, маданийлаштириш** сўзлари ясалган.

МАДАНИЙАТ Бу арабча сўз **madaniyyat(un)** шаклига эга (АРС, 746); ўзбек тилига **yy** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **madaniyyat → маданийат (маданият);** бу сўз **madaniyy (маданий)** нисбий сифатидан **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'таълим-тарбия, адабиёт, санъат каби соҳаларда юксак тараққиётга эришганлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 439). Бу сўздан ўзбек тилида **маданийатли, маданийатсиз** сифатлари ясалган.

МАДДА Бу арабча сўз асли **middat(un)** шаклига эга (АРС, 746); ўзбек тилига **i** унлисини **a** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **middat → мадда**; асли кўпмаъноли **madda** феълининг 'йирингланди' маъноси билан (ТжРС, 210: **мадда** гнойный нарыв) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'йиринг' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 439).

МАДДОҲ Бу арабча сўз **maddāḥ(un)** шаклига эга (АРС, 746); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **maddāḥ → маддâҳ (маддоҳ);** бу сўз 'бўрттириб мақтади' маъносини англатувчи **maddāḥa** феълидан (АРС, 746) ясалган шахс оти бўлиб (УАЯ, 499), араб тилида 'мақтовчи', 'Оллони мақтаб тиланчилик қилувчи', 'ҳикоя айтувчи' маъноларини англатади (АРС, 746); ўзбек тилида бу сўз 'одамлар орасида диний мазмунли ваъз, панд-насиҳат айтиб тирикчилик қиладиган киши' маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 439).

МАДОР Бу арабча сўз **madār(un)** шаклига эга (АРС, 267); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **madār → мадâр (мадор).** Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўз асли кўпмаъноли **dāra** феълининг 'ҳаракатга кел— тирди' маъносидан (АРС, 265) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), араб тилида 'ўқ', 'стержень' , 'орбита' каби маъноларни, ўзбек тилида эса 'ҳаракат— ланишга асос бўладиган куч-қувват' маъносини англа— тади (ЎТИЛ, I, 439). Ўзбек тилида бу сўздан **мадорсиз** сифати, бу сифатдан **мадорсизлик** мавҳум оти ва **ма— дорсизлан-** феъли ясалган.

МАДРАСА Бу арабча сўз **madrasat(un)** шаклига эга (АРС, 251); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **madrasat → мадраса.** Бу сўз 'ўқитди' маъносини англатувчи **darasa**[2] феълидан **mafъalat(un)** вазнида ясалган жой номи бўлиб (АТГ, 153), араб тилида 'мактаб', 'билим юрти' маъносини (АРС, 251), ўзбек тилида эса 'асосан диний фанлар ўқитиладиган олий мактаб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 439).

МАДҲ Бу арабча сўз **madḥ(un)** шаклига эга (АРС, 746); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **madḥ → мадҳ;** 'бўрттириб мақтади' маъносини англатувчи **madaḥa** феълининг (АРС, 746) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'бўрттириб мақташ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 439). Бу сўз билан ўзбек тилида **мадҳ эт-** қўшма феъли тузилган.

МАДҲИЙА Бу арабча сўз асли **madḥiyyat(un)** шак— лига эга; ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **madḥiy— yat → мадҳийа (мадҳия); мадҳ** сўзидан (қ.) **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'бўрттириб мақташ мазмунли нутқ, бадиий асар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 439).

МАЖБУР Бу арабча сўз **maçbūr(un)** шаклига эга (АРС, 117); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maçbūr → мажбур;** асли кўпмаъноли **çabara** феълининг 'мажбур қилди' маъноси билан (АРС, 117) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), '(бирор фаолиятни) амалга ошириши шарт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 440). Бу сўз билан ўзбек тилида **мажбур қил-** қўшма феъли ту—зилган.

МАЖБУРАН Бу сўз асли арабча **мажбур** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно та—раққиёти натижасида равишга айланган, 'мажбурий равишда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 440).

МАЖБУРИЙ Бу сўз арабча **мажбур** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **мажбур + ийй(ун) = мажбурийй > мажбурий;** 'амалга оширилиши шарт' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 440).

МАЖБУРИЙАТ Бу арабча сўз **мажбур** сўзидан (қ.) **-ийят(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **мажбур + ийят(ун) = мажбурийят > мажбурият (мажбурият);** 'бажари—лиши шарт бўлган вазифа, ваъда, бурч' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 440).

МАЖЛИС Бу арабча сўз **maçlīs(un)** шаклига эга (АРС, 135); асли 'ўтирди' маъносини англатувчи **çalasa** феълидан (АРС, 134) ясалган ўрин оти бўлиб (АТГ, 152), араб тилида 'ўтириш ўрни', 'йиғилиш', 'жамоа', 'бошқарув ҳайъати' маъноларини англатади (АРС, 134); ўзбек тилида 'йиғилиш', 'бошқарув ҳайъати' маънолари билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 440). Бу сўзнинг кўплик шакли **maçālisu** сўзи (АРС, 134) ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайди.

МАЖЛИСБОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **мажлис** сўзига (қ.) 'берилиб шуғулла-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82, 75) қўшиб тузилган бўлиб, 'амалий ишдан кўра турли йиғилишлар ўтказиш билан шуғулланувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 440). Бу сўздан ўзбек тилида **мажлисбозлик** мавҳум оти ясалган.

МАЖМУА Бу арабча сўз **maçmūъat(un)** шаклига

www.ziyouz.com kutubxonasi

эга (АРС, 139); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унли— сига, фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **maçmūъat → мажмуа;** асли кўпмаъноли **çamaъa** феълининг 'тўплади' маъноси билан (АРС, 137) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдошидан (АТГ, 148) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), 'тўплам', 'тўпланган асарлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 440).

МАЖНУН Бу арабча сўз **maçnūn(un)** шаклига эга (АРС, 141); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maçnūn → мажнун.** Бу сўз асли **çanna** феълининг 'ақлдан озди' маъноси билан (АРС, 140) ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 475), араб тилида 'ақл-ҳушини йўқотган', 'қутурган' каби маъноларни англатади (АРС, 140). Ҳо— зирги ўзбек тилида бу сўз якка ҳолда ишлатилмайди, эски ўзбек тилида 'ишқ йўлида телба бўлган' маъноси билан ишлатилган. Бу сўз билан ўзбек тилида **мажнун— тол, мажнунтут** қўшма отлари тузилган; бу қўшма сўзлар билан аталган ўсимликларнинг новдалари одат— дагидек тепага қараб эмас, балки, аксинча, пастга қараб тескари ўсгани сабабли мажозан шундай номланган. **Жунун** сўзи асли **çanna** феълининг 'ақлдан озди' маъноси билан (АРС, 140) ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 572), 'ақлсизлик', 'телбалик' каби маънони англа— тади (ЎТИЛ, I, 291).

МАЖНУНТОЛ қ **мажнун**
МАЖНУНТУТ қ. **мажнун**

МАЖОЗ Бу арабча сўз **maçāz(un)** шаклига эга (АРС, 149); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maçāz → мажâз (мажоз):** асли кўпмаъноли **çāza** феълининг 'ўтди' маъноси асо— сида (АРС, 148) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), араб тилида 'ўтиш жойи', 'йўлак', 'кўчма маъноли сўз' каби маъноларни англатади (АРС, 149), ўзбек тилига 'кўчма маъноли сўз' маъноси билан қабул қилинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАЖОЗИЙ Бу арабча сўз **maçāz** (мажоз) сўзидан (қ.) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **yy** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **maçāziyy → мажâзий (мажозий);** 'кўчма маъноли', 'мажозга асосланган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 440).

МАЖОЛИСУ қ. **мажлис**

МАЖРУҲ Бу арабча сўз **maçrūh(un)** шаклига эга (АРС, 124); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **maçrūh → мажруҳ;** асли 'жисмоний шикаст етказди' маъносини англатувчи **çaraha** феълининг (АРС, 124) I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'жароҳатланган', 'ногирон', 'майиб' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 440).

МАЖҲУЛ Бу арабча сўз **maçhūl(un)** шаклига эга (АРС, 146); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maçhūl → мажҳул;** асли кўпмаъноли **çahila** феълининг 'билмади' маъноси билан (АРС, 145) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'номаълум', 'ноаниқ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 440).

МАЗАХ қ. **мазаҳ**

МАЗАҲ Бу арабча сўз **muzāh(un)** шаклига эга (АРС, 752); форс тилига **u** унлисини **o(ў)** унлисига алмаштириб олинган: **mozah** (ПРС, 486), тожик тилига **u** унлисини **а** унлисига алмаштириб олинган: **мазаҳ** (ТжРС, 211); ўзбек тилига эса **u** унлисини ҳам, чўзиқ **ā** унлисини ҳам **а** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб олинган: **muzāh → мазаҳ.** Бу сўз охиридаги ҳойи ҳутти ундоши изоҳли луғатда ҳам, имло луғатида ҳам хато равишда **х** ҳарфи билан ёзиб юборилган (ЎТИЛ, I, 441); Бу сўз асли 'кимгадир қарата ҳазил сўзларини айтди' маъносини англатувчи **mazaha** феълининг (АРС, 752) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'ҳазил' маъносини (АРС, 752), ўзбек тилида эса 'масхара қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441). Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўз билан ўзбек тилида **мазаҳ қил-** қўшма феъли ту—зилган.

МАЗГИЛ *қ.* **манзил**

МАЗКУР Бу арабча сўз **mażkūr(un)** шаклига эга (АРС, 275); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, чў—зиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mażkūr → мазкур;** асли **żakara** феълининг 'ёдга олди', 'айтди' каби маъноси билан (АРС, 275) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'юқорида айтиб ўтилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАЗЛУМ Бу арабча сўз **mažlūm(un)** шаклига эга (АРС, 492); ўзбек тилига изғи товушини **з** товушига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қи—линган: **mažlūm → мазлум;** асли 'адолатсизлик қилди', 'жабр қилди' маъносини англатувчи **žalama** феълининг I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'зулм кўраётган', 'эзилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441). Ўзбек тилида шу сўзнинг **-ат(ун)** муаннас қўшим—часи билан ҳосил қилинган **мазлумат(ун)** шакли ҳам мавжуд бўлиб, **т** товушини ташлаб, **мазлума** шаклида қабул қилинган; бу сўз аёл кишининг атоқли оти си—фатида ишлатилади.

МАЗЛУМА *қ.* **мазлум**

МАЗМУН Бу арабча сўз **maḍmūn(un)**[2] шаклига эга (АРС, 462); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maḍmūn → мазмун;** асли кўпмаъноли **ḍamina** феълининг 'таркибида бор бўлди' маъноси билан (АРС, 462) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), аслида 'маъно англатувчи' маъносини англатган (АРС, 462), кейинчалик 'маъно', 'маъно мун—дарижаси' каби маънони англатишга хизмат қилди—рилган (АРС, 462), ўзбек тилига кейинги маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 441).

МАЗМУНАН Бу сўз арабча **мазмун** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно та—раққиёти натижасида 'мазмун жиҳатидан' каби маъно—

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, I, 441).

МАЗМУНДОР Бу сўз тожик тилида арабча **мазмун** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб тузилган бўлиб, 'сермазмун' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАЗҲАБ Бу арабча сўз **mažhab(un)** шаклига эга (АРС, 277); ўзбек тилига зал ундошини **ž** ундошига ал-маштириб қабул қилинган: **mažhab → мазҳаб;** кўп-маъноли **žahaba** феълининг 'йўналди' маъноси билан (АРС, 277) ясалган от бўлиб (АТГ, 152), асли 'йўналиш' маъносини англатади; ўзбек тилида 'диннинг ўзига хос қоидалари билан фарқланиб турувчи йўналиши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАИШАТ Бу арабча сўз **maъīşat(un)** шаклига эга (АРС, 553); ўзбек тилига чўзиқ касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **maъīşat → маишат.** Бу сўз асли 'яшади', 'турмуш кечирди' маъносини англатувчи **ъāşa** феълидан ҳосил қилинган бўлиб (АРС, 552), 'турмуш', 'кундалик тирикчилик учун зарур нарсалар' маъносини англатади (АРС, 553; ЎТИЛ, I, 441); ўзбек тилида 'кайф-сафо' каби кўчма маънони англатиш учун ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 441).

МАИШАТБОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **маишат** сўзига (қ.) 'берилиб шуғуллан-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82, 75) қўшиб тузилган бўлиб, 'маишат қилишни севувчи', 'айш-ишратга берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441). Бу сўздан ўзбек тилида **маишатбозлик** мавҳум оти ясалган.

МАИШАТПАРАСТ Бу сўз тожик тилида арабча **маишат** сўзига (қ.) 'сажда қил-' маъносини англатувчи тожикча **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298, 211) қўшиб тузилган бўлиб, 'маишатга муккасидан кетган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441). Бу сўздан ўзбек тилида **маишатпарастлик** мавҳум оти ясалган.

МАИШИЙ Бу арабча сўз **maъīşiyy(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 553); ўзбек тилига чўзиқ касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **маъīşiуу → маиший;** бу сўз 'яшади', 'турмуш кечирди' маъносини англатувчи **ъāşa** феълининг I боб масдари **маъīşat(un)** сўзи (АРС, 552) охиридаги **-at(un)** қисми ўрнига **-iуу(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'кундалик турмуш учун зарур' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАЙИБ Бу арабча сўз **маъīb(un)** шаклига эга (АРС, 552); ўзбек тилига айнни ташлаб, чўзиқ **ī** товушини **йи** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **маъīb → майиб.** Бу сўз асли 'бирор камчилик топиб уришди' маъносини англатувчи **ъāba** феълининг I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 150), бош маъносида 'камчилиги, нуқсони бор' маъносини англатади (АРС, 552), ўзбек тилида маъно тараққиёти юз бериб, 'жисмоний шикаст натижасида ногирон бўлиб қолган' маъносини англатадиган бўлган (ЎТИЛ, I, 442).

МАЙЙИТ Бу арабча сўз **mayyit(un)** шаклига эга (АРС, 772); асли кўпмаъноли **māta** феълининг 'вафот этди' маъносидан (АРС, 772) ясалган сифат бўлиб (АТГ, 43), 'ўлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 442).

МАЙЛ Бу арабча сўз **mayl(un)** шаклига эга (АРС, 777); кўпмаъноли **māla** феълининг 'эгилди' маъноси билан (АРС, 777) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'бирор киши ёки нарсага нисбатан мойиллик, хоҳиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 442).

МАЙЛИ Бу сўз ўзбек тилида **майл** сўзига (қ.) III шахс эгалик қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Тожик тилида ҳам бу сўз **майлаш** шаклида III шахс қўшимчаси билан ишлатилади: ТжРС, 212); 'хўп', 'розиман' каби маънони билдиради (ЎТИЛ, I, 442). Сўзлашув тилида бу сўз **майлига** шаклида ҳам ишлатилади; гўё III шахснинг хоҳиш-истагига розилик билдирилади.

МАЙЛИГА қ. **майли**

МАККОР Бу арабча сўз **makkār(un)** шаклига эга (АРС, 762); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмаштириб қабул қилинган: **makkār → маккâр (маккор);** 'ҳийла-найранг қилди' маъносини англатувчи **makara** феълидан (АРС, 762) ясалган шахс оти бўлиб (УАЯ, 240), 'ҳийла-найранг ишлатувчи киши' маъносини англатади. Бу сўзнинг муаннас шакли **маккора** сўзи эса 'ҳийла-найранг ишлатувчи аёл' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443). Ўзбек тилида **маккор** сўзидан **маккорлик** мавҳум оти ясалган.

МАККОРА қ. **маккор**

МАҚКОРОНА Бу сўз тожик тилида арабча **маккор** сўзидан **-она** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 212), 'ҳийла-найранг ишлатиб', 'маккорлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443).

МАКОН Бу арабча сўз **makān(un)** шаклига эга (АРС, 705); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **makān → макân (макон);** асли 'мавжуд бўлди', 'воқе бўлди' маъносини англатувчи **kāna** феълининг (АРС, 705) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида беш маънони англатувчи бу сўз ўзбек тилида асосан 'турар жой' маъносини англатади; фалсафий термин сифатида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 443). Бу сўздан ўзбек тилида **маконсиз** сифати ясалган бўлиб, 'турар жойи йўқ' маъносини англатади.

МАКР Бу арабча сўз **makr(un)** шаклига эга (АРС, 762); 'ҳийла-найранг қилди' маъносини англатувчи **makara** феълининг (АРС, 762) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ҳийла-найранг' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443).

МАКТАБ Бу арабча сўз **maktab(un)** шаклига эга (АРС, 677); 'ёзди' маъносини англатувчи **kataba** феълидан ясалган ўрин оти бўлиб (АТГ, 152), асли кўпмаъноли бу сўз ўзбек тилига 'ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш билан шуғулланувчи муассаса' маъноси билан ўзлаштирилган (ЎТИЛ, I, 443).

МАКТАБДОР Бу сўз арабча **мактаб** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб тузилган бўлиб, 'хусусий мактаб соҳиби' маъно-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини англатади (ЎТИЛ, I, 443).

МАКТАБДОШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **мактаб** сўзидан (қ.) ўзбекча **-дош** қўшимчаси билан ясалган бўлиб (ЎТИЛда бу қўшимча эроний деб нотўғри таъкидланган), 'мактабда бирга ўқиган болалар бир-бирига нисбатан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443).

МАКТУБ Бу арабча сўз **maktūb(un)** шаклига эга (АРС, 677); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maktūb → мактуб;** 'ёзди' маъносини англатувчи **kataba** феълининг I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), асли 'ёзилган' маъносини англатади, амалда эса 'бирор киши ёки ташкилотга ёзиб юборилган мурожаат матни', 'хат' маъносини англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 444). Ўзбек тилида бу сўзнинг муаннас шакли **мактуба** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

МАКТУБА *қ.* **мактуб**

МАЛАК Бу арабча сўз **malak(un)** шаклига эга (АРС, 766); **malaka** феълининг 'хусусий мулки бўлди' маъноси билан (АРС, 766) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'фаришта' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАЛАКА Бу арабча сўз **malakat(un)** шаклига эга (АРС, 766); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **malakat → малака;** асли **malaka** феълининг 'амалга ошира олди' маъноси билан (АРС, 766) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'иқтидор', 'хосият', 'кўникма' маъноларини (АРС, 766), ўзбек тилида эса 'маълум фаолият натижасида ҳосил қилинган кўникма' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 444). Бу сўздан ўзбек тилида **малакали** сифати ясалган.

МАЛИК Бу арабча сўз **malīk(un)** шаклига эга (АРС, 766); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **malīk → малик; malaka** феълининг 'ҳукмронлик қилди' маъноси билан (АРС, 766) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'подшоҳ' маъносини англатади; бу сўз ҳозирги ўзбек тилида эр—

www.ziyouz.com kutubxonasi

как кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 444).

МАЛИКА Бу арабча сўз **malīkat(un)** шаклига эга (АРС, 767); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **malīkat → малика;** асли **malaka** феълининг 'ҳукмронлик қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари **malīk(un)** сўзининг (АРС, 767; АТГ, 143) **-at(un)** муаннас қўшимчасини олган шакли бўлиб (АТГ, 29), 'аёл подшоҳ', 'подшоҳ хонадонига мансуб аёл' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 444). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

МАЛИКУШШУАРО Бу арабча сўз асли **малик** сўзи (қ.), **ал** аниқлик артикли, **шуаро** сўзидан таркиб топган; **шуаро** сўзи — **шоир** сўзининг (қ.) кўплиги (АТГ, 41); бу сўз яхлитлигича 'шоирлар подшоҳи' маъносини англатади; бундай унвон энг етик шоирларга берилган (ЎТИЛ, I, 444).

МАЛОЛ КЕЛДИ Бу турғун боғланма арабча **малол** сўзи билан **келди** феълидан таркиб топган. Ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **малол** сўзи асли 'табга салбий таъсир қилди' маъносини англатувчи **malla**[1] феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, **malal(un)** шаклига эга (АРС, 763); ўзбек тилига иккинчи бўғиндаги **а** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **malal → малâл (малол);** 'салбий таъсирни ҳис этиш ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 444).

МАЛОҲАТ Бу арабча сўз **malāḥat(un)** шаклига эга (АРС, 764); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **malāḥat → малâҳат (малоҳат);** асли 'ёқимтой бўлди' маъносини англатувчи **maluḥa**[2] феълининг (АРС, 764) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ёқимтойлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 444). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МАЛЪУН Бу арабча сўз **malъūn(un)** шаклига эга (АРС, 723); ўзбек тилига чўзиқ даммали айн товушини **у**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисига алмаштириб ва ундан олдинги сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **malъūn → малъун;** 'нафратли сўзлар билан қаттиқ қарғади' маъносини англатувчи **laъana** феълининг (АРС, 723) I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'лаънат қарғишига дучор қилинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 444).

МАЛҲАМ Бу арабча сўз асли **marham(un)** шаклига эга (АРС, 317); сўзлашув тилида **р** ундоши **л** ундошига алмаштириб талаффуз қилинади, шундай шакли адабий тилга олинган: **marham → малҳам;** бу от араб тилида 'суртиладиган дори', 'крем', 'помада', 'бальзам' маъно—ларини (АРС, 317), ўзбек тилида эса 'ярага суртиладиган хамирсимон ёпишқоқ дори' маъносини, кўчма маънода 'даво' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 444);

МАМЛАКАТ Бу арабча сўз **mamlakat(un)** шаклига эга (АРС, 767); асли **malaka** феълининг 'бошқарди' маъноси билан (АРС, 766) ясалган **mamlak(un)** ўрин отининг (АТГ, 152) 'муқимлик' маъносини ифодаловчи **-at(un)** қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб (УАЯ, 238), 'бирор давлат бошқарувидаги территория, ер-сув' маъ—носини англатади (ЎТИЛ, I, 444). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МАМНУН Бу арабча сўз **mamnūn(un)** шаклига эга (АРС, 768); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mamnūn → мамнун;** асли **manna** феълининг 'миннатдор бўлди' маъноси билан (АРС, 768) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифат—доши бўлиб (АТГ, 148), араб тилидан 'ўта миннатдор' маъноси билан (АРС, 768) қабул қилинган; ўзбек тилида маъно тараққиётига учраб, 'хушнуд' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 444). Бу сўздан ўзбек тилида **мам—нунлик** мавҳум оти ясалган.

МАМНУНИЙАТ Бу арабча сўз **mamnūniyyat(un)** шаклига эга (АРС, 768); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **mamnūniyyat → мам—нунийат (мамнуният);** араб тилида **мамнун** сўзидан (қ.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

-ийят(ун) қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'хушнудлик', 'мамнунлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 444).

МАМОТ: Бу арабча сўз **mamāt(un)** шаклига эга (АРС, 772); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mamāt → мамât (мамот);** асли кўпмаъноли **māta** феълининг 'вафот этди' маъноси билан (АРС, 772) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 444). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **ҳайот-мамот** жуфт сўзи таркибида қатнашади.

МАН: Бу арабча сўз **manъ(un)** шаклига эга (АРС, 770); ўзбек тилига сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **manъ → ман;** асли кўпмаъноли **manaъa** феълининг 'тақиқлади' маъноси билан (АРС, 769) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'тақиқ' маъносини англатади; бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **ман қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 444).

МАНБА Бу арабча сўз **manbaъ(un)** шаклига эга (АРС, 781); ўзбек тилига сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **manbaъ → манба;** асли кўпмаъноли **nabaъa** феълининг 'юзага чиқди' маъноси билан (АРС, 781) ясалган от бўлиб (АТГ, 152), 'бошланғич жой', 'юзага чиқиши учун асос' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 445).

МАНЗАРА Бу арабча сўз **manžarat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **manžarat → манзара;** асли 'кўрди' маъносини англатувчи **nažara** феълидан (АРС, 810) ясалган ўрин оти бўлиб (АТГ, 153), 'теварак-атрофдаги кўриниш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 445).

МАНЗАРАЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **манзара** сўзидан **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'чиройли кўриниш ҳосил этувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 445).

МАНЗИЛ Бу арабча сўз **manzil(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 796); асли кўпмаъноли **nazala** феълининг (араб тили луғатида 12 маънони англатиши таъкидланган) 'меҳмонхонада яшаш учун тўхтади' маъноси билан (АРС, 795) ясалган ўрин оти бўлиб (АТГ, 152), араб тилида 'яшаш жойи', 'уй', 'квартира' маъносини (АРС, 796), ўзбек тилида эса 'яшаш ёки ишлаш жойи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441). Ўзбек сўзлашув тилида бу сўз **мазгил** тарзида ҳам талаффуз қилинади (Аввал **нз** товушлари ўрин алмаштирилган, кейин **н** товуши **г** товушига алмаштирилган).

МАНЗИЛАТ Бу арабча сўз асли **manzalat(un)** шаклига эга (ЎКААҚЛ, 179); ўзбек тилига иккинчи бўғиндаги **а** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган; кўпмаъноли **nazala** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'мавқе', 'қадр-қиймат', 'мартаба' каби маъноларни англатади (АРС, 796; ЎТИЛ, 445).

МАНЗИРАТ Бу арабча сўз асли **manžirat(un)** шаклига эга; ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган; кўпмаъноли **nažara** феълининг 'хушмуомала бўлди', маъноси билан (АРС. 810) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, 'эътибор кўрсатиш', 'сертакаллуфлик' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 445).

МАНЗУР Бу арабча сўз **manžūr(un)** шаклига эга (АРС, 811); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **manžūr → манзур;** асли **nažara** феълининг 'кузатди' маъноси билан (АРС, 810) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), араб тилида 'ўзига диққатни тортадиган', 'кутилган' каби маъноларни (АРС, 811), ўзбек тилида эса 'маъқул бўладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 445). Ўзбек тилида **манзура** сўзи ҳам мавжуд бўлиб, аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади; бу сўз **манзур** сўзининг **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб, ўзбек тилига сўз охиридаги **т** товушини ташлаб қабул қилинган.

МАНЗУРА қ. **манзур**

МАННОН Ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатида ишлатиладиган бу арабча сўз **mannān(un)** шаклига эга (АРС, 768); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mannān → маннâн (маннон);** асли **manna** феълининг 'меҳр-саховат кўрсатди' маъноси билан (АРС, 768) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499) 'меҳр-саховат эгаси' маъносини англатади; Оллога нисбат бериладиган сифатлардан бирини англатувчи бу сўзни эркак кишининг атоқли оти сифатида ёлғиз ўзини ишлатиш ўринли эмас, бу сўз билан атоқли от **Абдуманнон** тарзида тузилиши тўғри.

МАНСАБ Бу арабча сўз **manŝib(un)** шаклига эга (АРС, 805); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, **i** унлисини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **manŝib → мансаб;** кўпмаъноли **naŝaba** феълининг 'бирор амалга (вазифага) тайинлади' маъноси билан (АРС, 805) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), 'эгаллаб турилган лавозим' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446).

МАНСАБДОР Бу сўз тожик тилида арабча **мансаб** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136, 214) қўшиб тузилган; 'маълум бир мансабда ишлаб турган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446).

МАНСАБПАРАСТ Бу сўз тожик тилида арабча **мансаб** сўзига (қ.) 'сажда қил-' маъносини англатувчи тожикча **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298, 214) қўшиб тузилган; 'юқори лавозим кетидан қувадиган', 'мансабга муккасидан кетган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446). Бу сўздан ўзбек тилида **мансабпарастлик** мавҳум оти ясалган.

МАНСУБ Бу арабча сўз **mansūb(un)**[1] шаклига эга (АРС, 798); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mansūb → мансуб; nasaba** феълининг 'боғлади', 'нисбат берди' маъноси билан (АРС, 737) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), араб тилида 'боғлиқ', 'келиб чиқиши таниқли', 'ажралиб турувчи' маъноларини (АРС, 798), ўзбек тилида эса 'боғлиқ', 'қарашли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446). Бу сўздан ўзбек тилида **ман-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сублик мавҳум оти ясалган.

МАНСУР Ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу арабча сўз **manŝūr(un)** шаклига эга (АРС, 806); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **manŝūr → мансур; naŝara** феълининг 'ғалабани қўлга киритди' маъноси билан (АРС, 806) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), асли 'ғалабани қўлга киритган' маъносини англатади.

МАНТИҚ Бу арабча сўз **mantiq(un)** шаклига эга (АРС, 810); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **mantiq → мантиқ;** асли 'гапирди', 'баён қилди' маъносини англатувчи **nataqa** феълидан (АРС, 810) ясалган от бўлиб (УАЯ, 498), 'фикр-ҳаракатнинг ақлга монандлиги, асослилиги' маъносини англатади; бу сўз логика фанининг номи сифатида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 446). Ўзбек тилида бу сўздан **мантиқли, мантиқсиз** сифатлари, кейинги сифатдан **мантиқсизлик** мавҳум оти ясалган.

МАНТИҚАН Бу сўз асли арабча **мантиқ** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'мантиқ нуқтайи назаридан ёндашганда' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, I, 446).

МАНТИҚИЙ Бу арабча сўз **mantiqiyy(un)** шаклига эга (АРС, 810); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **mantiqiyy → мантиқий; мантиқ** отидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'мантиққа асосланган', 'мантиққа мос' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446).

МАНФААТ Бу арабча сўз **manfaъat(un)** шаклига эга (АРС, 821); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **manfaъat → манфаат;** 'фойда келтирди' маъносини англатувчи **nafaъa** феълидан (АРС, 820) ясалган **manfaъ(un)** отининг **–at–(un)** қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб (УАЯ, 238),

www.ziyouz.com kutubxonasi

'бирор фаолиятдан кўзланган фойда', 'наф' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 466). Бу сўздан ўзбек тилида **манфаатли, манфаатсиз** сифатлари ясалган.

МАНФААТДОР Бу сўз тожик тилида арабча **манфаат** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб тузилган бўлиб, ўзбек тилида 'бирор иш-фаолиятдан манфаат кутувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 466).

МАНФААТПАРАСТ Бу сўз тожик тилида арабча **манфаат** сўзига 'берилиб шуғулла-' маъносини англатувчи тожикча **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб тузилган бўлиб, 'шахсий манфаатнигина кўзловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 466).

МАНФИЙ Бу арабча сўз асли **manfiyy(un)** шаклига эга; ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **manfiyy → манфий;** асли **nafā** феълининг 'инкор қилди' маъноси билан ҳосил қилинган отдан (УАЯ, 238) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (УАЯ, 92), араб тилида 'инкор қилинган', 'салбий' каби маъноларни англатади (АРС, 821, 822); ўзбек тилида бу сўз математика ва физика терминлари сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 446).

МАНФУР Бу арабча сўз асли **manfur(un)** шаклига эга; кўпмаъноли **nafara** феълининг 'кучли даражада жирканди' маъноси билан (АРС, 818) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'кучли даражада жирканишга, нафратга лойиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446).

МАНҚАЛ Бу арабча сўз **manqal(un)** шаклига эга (АРС, 827); кўпмаъноли **naqala** феълининг 'бир жойдан бошқа жойга ўтказди' маъноси билан (АРС, 826) ясалган от бўлиб (АТГ, 152), асли 'кўчма ўчоқ' маъносини англатади (АРС, 827; ЎТИЛ, I, 446). Бу сўз рус тилига **мангал** шаклида ўзлаштирилган (РУС, I, 538).

МАН ҚИЛ- *қ.* **ман:**

МАОРИФ Бу арабча сўз **maʾārifu** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

510); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** то— вушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** товушини ташлаб қабул қилинган: **maъārifu → маâриф (маориф).** Бу сўз — **маърифат** сўзининг (қ.) кўплик шакли (АРС, 510), шунга кўра ўзбек тилида 'ўқитиш-тарбиялаш, билим бериш билан шуғулланувчи соҳа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446). Бу сўздан ўзбек тилида **маорифчи** сўзи ясалган.

МАОШ Бу арабча сўз **maъāş(un)** шаклига эга (АРС, 553); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maъāş → маâш (маош);** Бу сўз асли 'яшади', 'турмуш кечирди' маъно— сини англатувчи **ъāşa** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), асли 'турмуш', 'турмуш учун зарур нарсалар', 'ишҳақи', 'нафақа' маъноларини англатади (АРС, 553); ўзбек тилига бу сўз 'ишҳақи' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 446).

МАПУРА *қ.* **астағфирулло**

МАРАЗ Бу арабча сўз **maraḍ(un)** шаклига эга (АРС, 750); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **maraḍ → мараз;** 'касал бўлди' маъносини англатувчи **mariḍa** феълининг (АРС, 750) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'касаллик', 'бетоблик' маъносини англатади; ўзбек тилида бу сўз кўчма маънода ишлатилиб, 'ярамас', юқумли иллат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446).

МАРКАЗ Бу арабча сўз **markaz(un)** шаклига эга (АРС, 312); кўпмаъноли **rakaza** феълининг 'ўрнатди' маъноси билан (АРС, 312) ясалган от бўлиб (АТГ, 152), араб тилида олти маънони англатиши таъкидланган (АРС, 312); ўзбек тилида 'ўрта', 'пойтахт' каби маъно— ларни англатади (ЎТИЛ, I, 447). Бу сўздан ўзбек тилида **марказлаш-, марказлаштир-** феъллари ясалган.

МАРКАЗИЙ Бу арабча сўз **markaziyy(un)** шаклига эга (АРС, 312); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товуш— ларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **markaziyy → марказий; марказ** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'марказда

www.ziyouz.com kutubxonasi

жойлашган', 'асосий', 'муҳим' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 448).

МАРОСИМ Бу арабча сўз **rasm(un)**[2] **(расм II)** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 41), **marāsimu** шаклига эга (АРС, 297); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **marāsimu → марâсим (маросим);** 'бирор муносабат билан ўтказиладиган расмий йиғин, маъракa' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 448).

МАРСИЙА Бу арабча сўз **maršiyat(un)** шаклига эга (АРС, 286); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **maršiyat → марсийа (марсия);** 'марҳумни эслаб йиғлади' маъносини англатувчи **rašā** феълидан (АРС, 286) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), 'марҳумнинг хотирасига бағишлаб ёзилган мотам шеъри' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 449).

МАРТАБА Бу арабча сўз **martabat(un)** шаклига эга (АРС, 286); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **martabat → мартаба;** кўп маъноли **rataba** феълининг 'бирор лавозимга (вазифага) тайинлади' маъноси билан (АРС, 285) ҳосил қилинган I боб масдаридан **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), асли 'лавозим', 'мансаб' маъносини англатади; кўчма маънода 'кишилар назарида орттирилган обрў-эътибор' маъносини ҳам англатади (ЎТИЛ, I, 449).

МАРҒУБ: қ. **марғуба**

МАРҒУБА Бу сўз арабча **марғуб** сўзининг **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. **Марғуб** сўзи эса **marġūb(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 304), ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **marġūb → марғуб;** кўпмаъноли **raġiba** феълининг 'истади' маъноси билан (АРС, 303) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'кўнгилга ёқадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 449).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАРҲАБО Бу арабча сўз **marḥabā** шаклига эга (АРС, 290); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **marḥabā → марҳабâ (марҳабо);** асли 'кўнгли кенг бўлди' маъносини англатувчи **raḥuba** феълидан (АРС, 290) ясалган **marḥab(un)** отига (УАЯ, 238) муро-жаат маъносини ифодаловчи **ā** юкламасини (АРС, 21) қўшиб тузилган бу ундов сўз араб тилида **аҳлан ва саҳлан ва марҳабо!** ибораси таркибида ишлатилиб (АРС, 290), меҳмонни очиқ кўнгил билан кутиб олишни ифодалайди (ЎТИЛ, I, 449). Бу сўз ўзбек тилида аёл ки-шининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МАРҲАМАТ Бу арабча сўз **marḥamat(un)** шаклига эга (АРС, 291); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **marḥamat → марҳамат;** 'раҳм-шафқатли бўлди' маъносини англатувчи **raḥima** феълидан (АРС, 291) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), 'кимгадир кўрсатиладиган раҳм-шафқат, илтифот' маъносини англатиб, келган кишини кутиб олишда, таом истеъмол қилишга ундаш учун айтилади (ЎТИЛ, I, 449). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида **марҳамат** сўзидан **марҳаматли** сифати ясалган.

МАРҲУМ Бу арабча сўз **marḥūm(un)** шаклига эга (АРС, 291); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **marḥūm → марҳум;** 'раҳм-шафқатли бўлди' маъносини англатувчи **raḥima** феълидан (АРС, 291) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), асли 'раҳм-шафқат кўрсатилган' маъносини англатади; бу сўз 'вафот этган киши' маъносини билдириш учун, бу сўзнинг муаннас шакли **марҳума** сўзи 'вафот этган аёл киши' маъносини билдириш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 449).

МАРҲУМА *қ.* **марҳум**

МАСАЛ Бу арабча сўз **mašal(un)** шаклига эга (АРС, 742); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **mašal → масал;** асли кўпмаъноли

www.ziyouz.com kutubxonasi

mašala феълининг 'кўзга кўринди' маъноси асосида (АРС, 741) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида тўрт маънони англатиши таъкидланган (АРС, 742); ўзбек тилига бу сўз 'ўгит мазмунли кичик ҳажмдаги мажозий ҳикоя' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 449). Бу сўздан ўзбек тилида **масалчи** оти ясалган.

МАСАЛА Бу арабча сўз **mašalat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **mašalat → масала;** асли **масал** сўзининг (қ.) 'мисол', 'намуна' маъносидан (АРС, 742) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (АТГ, 500), ўзбек тилида 'муҳокама қилиб ҳал этилиши лозим иш', 'ечилиши лозим математик вазифа' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 449).

МАСАЛАН Бу сўз арабча **масал** сўзининг 'мисол', 'намуна' маъноси билан (АРС, 742) ҳосил қилинган тушум келишиги шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида 'мисол учун' маъносини англатувчи сўзга айланган (ЎТИЛ, I, 449).

МАСАЛНАВИС Бу сўз тожик тилида арабча **масал** сўзига (қ.) 'ёз-' маъносини англатувчи тожикча **навиштан** феълининг **навис** ҳозирги замон асосини қўшиб (ТжРС, 253, 217) тузилган бўлиб, 'масал жанрида ижод қиладиган ёзувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 449).

МАСДАР Бу арабча сўз **maŝdar(un)** шаклига эга (АРС, 432); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **maŝdar → масдар;** асли **ŝadara** феълининг 'пайдо бўлди', 'келиб чиқди' маъноси билан (АРС, 431) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), араб тилида 'келиб чиқиш манбаи', 'феълнинг ҳаракат номи шакли' маъноларини англатади; ўзбек тилида кейинги, грамматик термин маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 449).

МАСЖИД Бу арабча сўз **masçid(un)** шаклига эга (АРС, 347); **saçada** феълининг 'сиғинди' маъноси билан (АРС, 347) ясалган от бўлиб (АТГ, 153), 'мусулмонлар—

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг жам бўлиб намоз ўқийдиган, Оллога сиғинадиган ибодатхонаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 449). Сўзлашув тилида бу сўз **мачит** тарзида ҳам талаффуз қилинади (ЎТИЛ, I, 452).

МАСКАН Бу арабча сўз **maskan(un)** шаклига эга (АРС, 364); 'яшади', 'ҳаёт кечирди' маъносини англатувчи **sakana**[2] феълидан (АРС, 364) ясалган от бўлиб (АТГ, 152), 'яшаш жойи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 450).

МАСЛАК Бу арабча сўз **maslak(un)** шаклига эга (АРС, 370); кўпмаъноли **salaka** феълининг 'ўзини маълум тарзда тутди' маъноси билан (АРС, 369) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), араб тилида 'йўл', 'фаолият тарзи', 'хулқ' маъноларини англатади (АРС, 370); ўзбек тилида бу сўз 'ўзига хос белги-хусусияти билан фарқланиб турувчи ғоявий йўналиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 450). Бу сўздан ўзбек тилида **маслаксиз** сифати ясалган.

МАСЛАҚДОШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **маслак** сўзидан (қ.) 'бирга' маъносини ифодаловчи **-дош** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'маслаги бир', 'айни шу маслак тарафдори' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 450).

МАСЛАҲАТ Бу арабча сўз **maŝlaĥat(un)** шаклига эга (АРС, 442); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **maŝlaĥat → маслаҳат;** кўпмаъноли **ŝalaĥa** феълининг 'яхшиланди', 'тўғри бўлди' маъноси билан (АРС, 442) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), араб тилида 'яхшилик', 'фойда', 'қизиқиш', 'бошқарма' каби маъноларни англатади (АРС, 443); ўзбек тилида бу сўз 'бирор фаолиятни тўғри, фойдали амалга ошириш бўйича айтиладиган фикр-мулоҳаза' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 450). Бу сўздан ўзбек тилида **маслаҳатчи** оти, **маслаҳатли** сифати, **маслаҳатлаш-** феъли ясалган, **маслаҳат оши** турғун бирикмаси тузилган.

МАСЛАҲАТГЎЙ Бу сўз тожик тилида арабча **маслаҳат** сўзининг (қ.) **маслиҳат** шаклига 'гапир-' маъносини англатувчи тожикча **гуфтан** феълининг **гўй** ҳо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 110, 217), ўзбек тилига **маслаҳатгўй** шаклида олинган; 'маслаҳат берувчи', 'маслаҳат бериш билан кифояланувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 450). Бу сўздан ўзбек тилида **маслаҳатгўйлик** мавҳум оти ясалган.

МАСРУР Бу арабча сўз **masrūr(un)** шаклига эга (АРС, 354); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **masrūr → масрур;** асли **sarra** феълининг 'севинди' маъноси билан (АРС, 353) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'қувонган', 'шод' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 450).

МАСТУРА Ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу арабча сўз **mastūrat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **mastūrat → мастура; satara** феълининг 'ҳимоялади' маъноси билан (АРС, 346) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши **mastūr(un)** сўзининг (АТГ, 148) **-at(un)** қўшимчасини олган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), 'иффатли', 'покиза' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 451).

МАСХАРА Бу арабча сўз **masxarat(un)** шаклига эга (АРС, 350); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **masxarat → масхара;** 'устидан кулди' маъносини англатувчи **saxira** феълидан (АРС, 350) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), 'устидан кулиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 451). Бу сўз билан ўзбек тилида **масхара қил-** қўшма феъли тузилган.

МАСХАРАБОЗ Бу сўз тожик тилида арабча **масхара** сўзига (қ.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 82, 75, 218), 'одамларни кулдириш учун турли гап-сўз айтадиган, ҳаракатлар қиладиган артист' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 451). Бу сўздан ўзбек тилида **масхарабозлик** мавҳум оти ясалган.

МАСЪУД Бу арабча сўз **masъūd(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 358); ўзбек тилига сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ даммали айнни **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **masъūd → масъуд;** 'бахтиёр бўлди' маъносини англатувчи **saъida** феълидан (АРС, 358) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'бахтиёр қилинган', 'бахтга муяссар қилинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 451). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида, бу сўзнинг **-ат(ун)** муаннас қўшимчасини олган **масъуда** шакли аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

МАСЪУДА қ. **масъуд**

МАТБАА Бу арабча сўз **matbaъat(un)** шаклига эга (АРС, 468); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **matbaъat → матбаа;** кўпмаъноли **tabaъa** феълининг 'чоп этди' маъноси билан (АРС, 467) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), 'босмахона' маъносини англатиш учун ишлатилади.

МАТБУОТ Бу арабча сўз **matbūъāt(un)** шаклига эга (АРС, 468); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига, чўзиқ фатҳали айнни **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **matbūъāt → матбуât (матбуот).** Бу сўз асли **tabaъa** феълининг 'чоп этди' маъноси билан (АРС, 467) ҳосил қилинган **matbūъ(un)** I боб мажҳул нисбат сифатдошидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум отнинг (УАЯ, 500) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), араб тилида 'чоп этилган асарлар', 'босма' маъноларини (АРС, 468), ўзбек тилида эса 'нашр ишлари билан шуғулланувчи соҳа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 451).

МАТЛА Бу арабча сўз **matlaъ(un)** шаклига эга (АРС, 479); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **matlaъ → матла;** кўпмаъноли **talaъa** феълининг 'пайдо бўлди' маъноси билан (АРС, 478) ясалган от бўлиб (АТГ, 152), араб тилида 'нарвон', 'бошланиш', 'чиқиш жойи' каби маъноларни англатади (АРС, 479); ўзбек тилида бу сўз 'шеърнинг биринчи байти' маъносини англатувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

адабиётшунослик термини сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 186).

МАТЛАБ Бу арабча сўз **matlab(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 477), ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **matlab → матлаб;** асли **talaba** феълининг 'сўради', 'истади' маъноси билан (АРС, 477) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), араб тилида 'талаб', 'эҳтиёж', 'мақсад', 'ўрганилаётган масала' маъноларини англатади (АРС, 477); бу сўз ҳозирги ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади (ЎТИЛ, I, 452).

МАТЛУБА Бу арабча сўз **matlūbat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **matlūbat → матлуба; talaba** феълининг 'истади' маъноси билан (АРС, 477) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши **matlūb(un)** сўзининг (АТГ, 148) муаннас шакли бўлиб (АТГ, 39), асли 'исталган', 'орзиқиб кутилган' маъносини англатувчи бу сўз ҳозирги ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади.

МАТЛУБОТ Бу арабча сўз **matlūbāt(un)** шаклига эга (АРС, 477); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ū** ва **ā** унлиларини **у** ва **â** унлиларига алмаштириб қабул қилинган: **matlūbāt → матлубât (матлубот);** асли **матлуб** сўзининг (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), араб тилида 'мажбуриятлар' маъносини англатади (АРС, 477); ўзбек тилида эса 'аҳолини кундалик турмуши учун зарур нарсалар билан таъминлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 452). Бу сўздан ўзбек тилида **матлуботчи** шахс оти ясалган.

МАТН Бу арабча сўз **matn(un)**[1] шаклига эга (АРС, 741); 'мустаҳкам бўлди', 'асосли бўлди' маъносини англатувчи **matuna** феълининг (АРС, 741) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'елка', 'текст' маънолари-ни англатади (АРС, 741); ўзбек тилида 'текст' маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 452).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАТО Бу арабча сўз **matāъ(un)** шаклига эга (АРС, 740); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **matāъ → матâ (мато); mataъa** феълининг 'узун бўлди' маъноси билан (АРС, 740) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), асли 'газлама' маъносини англатган; ўзбек тилида асли шу маъноси билан ишлатилади; 'буюм', 'мол' маъноси кейин ўсиб чиққан (ЎТИЛ, I, 452). Сўзлашув тилида бу сўз **матох** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

МАТОНАТ Бу арабча сўз **matānat(un)** шаклига эга (АРС, 741); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **matānat → матâнат (матонат);** 'мустаҳкам бўлди' маъносини англатувчи **matuna** феълининг (АРС, 741) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'мустаҳкам чидам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 452). Бу сўздан ўзбек тилида **матонатли** сифати ясалган.

МАТОХ *қ.* **мато**

МАФКУРА Бу арабча сўз 'фикрлади' маъносини англатувчи **fakara** феълининг (АРС, 606) I боб мажҳул нисбат сифатдоши **mafkur(un)** сўзидан (АТГ, 148) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **mafkurat(un) → мафкура;** ўзбек тилида 'сиёсий, фалсафий каби ижтимоий қарашлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 452).

МАФКУРАВИЙ Бу арабча сўз **мафкура** отидан (қ.) **-вийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** ундошларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **мафкуравийй → мафкуравий;** 'ғоявий', 'ғоя йўлидаги' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 452).

МАФРАТ (МАПРАТ) *қ.* **мағфират**

МАФТУН Бу арабча сўз **maftūn(un)** шаклига эга (АРС, 582); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган; кўпмаъноли **fatana** феълининг 'ўзига ром қилди' маъноси билан (АРС, 581)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 148), 'эсҳушини йўқотиш даражасида шайдо бўлган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 452). Бу сўз билан ўзбек тилида **мафтун бўл-** , **мафтун қил-** қўшма феъли тузилган.

МАФТУНКОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **мафтун** сўзига (қ.) тожикча **-кор** қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ясалган сифат бўлиб, 'ўзига мафтун қилиб олувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 452).

МАҲДУМ Ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайдиган бу арабча сўз **maxdūm(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 213), ўзбек тилида чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб талаффуз қилинади: **maxdūm → махдум; xadama** феълидан 'меҳнат фаолиятини адо этди' маъноси билан (АРС, 213) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), араб тилида 'иш билан таъминловчи', 'ишга ёлловчи', 'хўжайин' маъноларини англатади (АРС, 213); ўзбек тилида бу сўз 'мартабали руҳоний' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, I, 452).

МАХЛУҚ Бу арабча сўз 'яратди', 'юзага келтирди' маъносини англатувчи **xalaqa** феълининг (АРС, 235) I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТС, 148), 'яратилган тирик мавжудот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 452).

МАХЛУҚОТ Бу арабча сўз **махлуқ** сўзининг (қ.) **-āt(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'барча махлуқлар' каби умумлаштирувчи маънони билдиради (ЎТИЛ, I, 452).

МАХМУР Бу арабча сўз **maxmūr(un)** шаклига эга (АРС, 238); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maxmūr → махмур; xamara** феълининг '(хамирни) ачитқи қўшиб оширди' маъноси билан (АРС, 237) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбий сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'ичкилик ичиб маст бўлган' маъносини англатади (АРС, 238; ЎТИЛ, I, 542).

МАХРАЖ Бу арабча сўз **maxraç(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 215); кўпмаъноли **хагаça** феълининг 'ташқарига чиқди' маъноси билан (АРС, 215) ясалган ўрин оти бўлиб (АТГ, 152), араб тилида беш маънони англатади (АРС, 215), ўзбек тилида 'оддий касрда каср чизиғи остига ёзилиб, бутун нечага бўлинганини кўрсатувчи рақам' маъносини англатувчи математика термини сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 452).

МАХСУС Бу арабча сўз **maxŝūŝ(un)** шаклига эга (АРС, 222); ўзбек тилига сад ундошларини **с** ундошларига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maxŝūŝ → махсус; xaŝŝa** феълининг 'алоҳида хусусиятли бўлди' маъноси билан (АРС, 222) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'бирор киши ёки нарсага алоҳида аталган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 453).

МАХФИЙ Бу арабча сўз **maxfiyy(un)** шаклига эга (АРС, 230); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **maxfiyy → махфий;** асли 'яширди' маъносини англатувчи **xafā (xafiya)** феълининг I боб масдари **maxf(un)** сўзидан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'яширин', 'бошқалардан сир тутилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МАЧИТ *қ.* **масжид**

МАШОЙИХ Бу сўз арабча **шайх** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 41), асли **maşāyixu** шаклига эга; ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **maşāyixu → машâйих (машойих);** 'шайхлар' маъносини ифодалайди (АРС, 424); ЎТИЛда бу сўзнинг арабча эканлиги айтилмаган, нимагадир сўзлашув тилига мансуб деб таъкидланган ва шунга мос ҳолда маъноси ҳам 'ҳикматли сўзларни айтиб ўтган улуғ ота-боболар' деб таърифланган (II, 392), демак, бу сўзнинг 'руҳоний бошлиқ' маъноси эмас, 'кекса', 'қария' маъноси (АРС, 424) кўзда тутилган.

МАШРАБ Бу арабча сўз **maşrab(un)** шаклига эга (АРС, 398); **şariba** феълининг 'ичди' маъноси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 397) ясалган ўрин оти бўлиб (АТГ, 152), араб тилида 'майхона', шунингдек 'кишининг табиати' маъноларини англатади (АРС, 398); тарихан бу сўз 'кишининг табиати, хулқи, ўзини тутиш тарзи' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎҚААҚЛ, 188); атоқли шоирлардан бири бу сўзни ўзига тахаллус қилиб олган.

МАШРИҚ Бу арабча сўз **maşriq(un)** шаклига эга (АРС, 402); **şaraqa** феълининг 'қуёш чиқди' маъноси билан (АРС, 401) ясалган ўрин оти бўлиб (АТГ, 153), 'дунёнинг ғарб томонига қарама-қарши, қуёш чиқадиган томон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 453).

МАШШОҚ Бу арабча сўз **maşşāq** шаклига эга (ПРС, 496); ўзбек тилига чўзиқ **ā** ўнлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maşşāq → машшâқ (машшоқ);** кўпмаъноли **maşaqa** феълининг 'таради' маъноси асосида (АРС, 756) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 240), форс тилида 'машқ қилдирувчи' маъносини (ПРС, 496), тожик тилида 'бирор ишни моҳирлик билан амалга оширувчи' маъносини ва шу маъно асосида юзага келган 'уста чолғучи' маъносини (ТжРС, 220) англатади; ўзбек тилида 'уста чолғучи' маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 453).

МАШЪАЛ Бу арабча сўз **maşъal(un)** шаклига эга (АРС, 407); ўзбек тилига фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб, сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **maşъal → машъал;** 'олов ёқди', 'ёндирди' маъносини англатувчи **şaъala** феълидан (АРС, 407) ясалган от бўлиб (АТГ, 152), 'узоқ вақт ёниб ёруғлик бериб турувчи узун дастали буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 453).

МАШЪАЛА Бу арабча сўз **maşъalat(un)** шаклига эга (АРС, 407); ўзбек тилига фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб, сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **maşъalat → машъала;** 'олов ёқди', 'ёндирди' маъносини англатувчи **şaъala** феълидан (АРС, 407) ясалган **maşъal(un)** отининг (қ.) 'доимий' маъносини ифо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даловчи **-at(un)** қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб (УАЯ, 238), 'ёниб турган машъал' маъносини англатади. Изоҳли луғутда бу сўз сўзлашув тилига мансуб деб нотўғри таъкидланган (ЎТИЛ, I, 454).

МАШЪУМ Бу арабча сўз **maṣъūm(un)** шаклига эга (АРС, 389); ўзбек тилига сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ даммали ҳамзани **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maṣъūm → машъум;** 'бахтсизлик келтирди', 'бахтсизлик воқе бўлди' маъносини англатувчи **ṣaьāma** феълидан (АРС, 389) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'бахтсизлик келтирувчи', 'бахтсизликдан дарак берувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 454).

МАШҚ Бу арабча сўз **maṣq(un)**[2] шаклига эга (АРС, 756); кўпмаъноли **maṣaqa** феълининг 'таради' маъноси асосида (АРС, 756) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'чиройли ёзув, суврат чизиш учун намуналар' маъносини англатади (АРС, 756); форс, тожик, ўзбек тилларида эса 'ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун такрор-такрор амалга ошириладиган ҳаракат-фаолият' маъносини англатади (ПРС, 499; ТжРС, 221; ЎТИЛ, I, 454). Ўзбек тилида бу сўз 'чолғу асбобларини ҳам англатади (ўша бетда). Асли бу сўзга мансуб бу маънолар ЎТИЛда **машқ I, машқ II** тарзида икки сўз (омонимлар) сифатида талқин қилинган.

МАШҒУЛ Бу арабча сўз **maṣġūl(un)** шаклига эга (АРС, 409); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maṣġūl → машғул;** кўпмаъноли **ṣaġala** феълининг 'банд қилди' маъноси билан (АРС, 408) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'бирор фаолият билан шуғулланиш ҳолатида' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 454).

МАШҒУЛОТ Бу арабча сўз **maṣġūlāt(un)** шаклига эга (АРС, 409); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maṣġūlāt → машғулât (машғулот);** асли **машғул** сўзининг (қ.) **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), араб тилида 'маълум иш жараёнида тайёрланган буюмлар' маъносини (АРС, 409), ўзбек тилида эса 'иш ўрганиш, ўқиш билан шуғулланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 454).

МАШҲУР Бу арабча сўз **maşhūr(un)** шаклига эга (АРС, 419); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maşhūr → машҳур;** кўпмаъноли **şahara** феълининг 'шуҳрат қозонди' маъноси билан (АРС, 419) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'донг таратган', 'халққа танилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 454). Бу сўзнинг **-at(un)** қўшимчасини олган муаннас шакли **машҳура** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

МАШҲУРА *қ.* **машҳур**

МАЪБУД Бу арабча сўз **maъbūd(un)** шаклига эга (АРС, 494); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maъbūd → маъбуд;** асли 'сиғинди', 'сажда қилди' маъносини англатувчи **ъabada** феълининг (АРС, 494) I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), араб тилида 'сиғиниладиган худо' маъносини англатади (АРС, 494), ўзбек тилида бу сўз 'ибодатхона' маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 454). ЎТИЛда (ўша бетда) **маъбуда** сўзи ҳам келтирилган бўлиб, 'аёл образидаги худо' маъносини англатиши айтилган; бу сўз **маъбуд** сўзининг **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига **т** товушини ташлаб қабул қилинган: **маъбудат → маъбуда.**

МАЪБУДА *қ.* **маъбуд**

МАЪДАН Бу арабча сўз **maъdan** шаклига эга (АРС, 503); ўзбек тилига сукунли айн товуши ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **maъdan → маъдан;** 'қазиб олди' маъносини англатувчи **ъadana** феълидан (АРС, 503) ясалган ўрин оти бўлиб (АТГ, 152), асли 'ерости бойлиги қазиб олинадиган жой', 'кон' маъносини англатади (ЎҚААҚЛ, 172), кейинчалик 'қазиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

олинадиган металл' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪЗУР Бу арабча сўз **маъžur(un)** шаклига эга (АРС, 505); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, зал ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **маъžur → маъзур;** 'кечирди', 'оқлади' маъносини англатувчи **ъažara** феълидан (АРС, 505) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), асли 'кечирилган' маъносини англатади, амалда эса отлашиб, **маъзур тут-** каби бирикмалар таркибида 'кечирилиш', 'кечиримли бўлиш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 454). Бу сўз билан ўзбек тилида **узр-маъзур** жуфт сўзи тузилган бўлиб, 'кечирим сўраш ва кечириш жараёни' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 267).

МАЪЙУС Бу арабча сўз **mьayus(un)** шаклига эга бўлиб (ТжРС, 747), ўзбек тилига чўзиқ фатҳали ҳамзани **а** унлисига алмаштириб ва **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **mьayus → маъйус (маъюс);** асли 'тушкунликка тушди' маъносини англатувчи **ьayisa** феълидан (АРС, 52) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 143), 'тушкунликка тушган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 455). Бу сўздан ўзбек тилида **маъйуслик** мавҳум оти, **маъйуслан-** феъли ясалган.

МАЪЙУСОНА Бу сўз тожик тилида арабча **майус** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 222), 'маъюсланган ҳолатда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 456).

МАЪЛУМ Бу арабча сўз **маълum(un)**[1] шаклига эга (АРС, 535); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **маълum → маълум.** Бу сўз асли 'билди' маъносини англатувчи **ъalima** феълининг (АРС, 535) I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'кишилар биладиган', 'ошкор' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪЛУМОТ Бу арабча сўз **маълumāt(un)** шаклига эга (АРС, 535); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

(айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ā** унлисини **â** унли— сига алмаштириб қабул қилинган: **maъlumāt → маълу— мât (маълумот).** Бу сўз асли 'ўқиш-ўрганиш, эшитиш-кўриш орқали ҳосил қилинган билим' маъносини анг— латувчи **maъlumat(un)** отининг (АРС, 535) охиридаги **-at(un)** қўшимчасини **-āt(un)** кўплик қўшимчасига ал— маштириб ҳосил қилинган (АТГ, 39); лекин бу сўз кўплик шакли экани ўзбек тилида ўқилмайди, бирлик шаклидаги от ҳукмида ишлатилади ва юқорида таъкид— ланган маънони англатади (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪЛУМОТЛИ Бу сифат ўзбек тилида арабча **маълумот** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'ўқув юртини маълум билим билан тугатган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪЛУМОТНОМА Бу сўз арабча **маълумот (қ.)** ва тожикча **нома** ('хат') сўзларидан тузилган бўлиб, 'бирор масала бўйича маълумот берувчи матн' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 454). Ҳозир бу сўз русча **справка** сўзи ўрнига ишлатилмоқда.

МАЪЛУМОТСИЗ Бу сифат ўзбек тилида арабча **маълумот** сўзидан (қ.) **-сиз** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'ўқув юртини бирор соҳа бўйича билим олиб тугатмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪМУР I Бу арабча сўз **maьāmūr(un)** шаклига эга (АРС, 44); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали ҳамза ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ū** унлисини **у** унли— сига алмаштириб қабул қилинган: **maьāmūr → маъмур.** Бу сўз асли 'буйруқ берди' маъносини англатувчи **ьamara** феълининг мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 143), 'буйруқни қабул қилиб олувчи ва бажарувчи амалдор' маъносини англатади (АРС, 44). Бу сўз турдош от сифатида ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатил— майди; эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади: **Маъмур** (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪМУР II Бу арабча сўз **maъmūr(un)** шаклига эга (АРС, 540); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **maъmūr → маъмур.** Бу сўз асли кўп—

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноли **ъamara** феълининг 'одамлар яшайдиган бўлди', 'обод бўлди' каби маъносидан ҳосил қилинган (АРС, 539) I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), асли 'ишлов берилган, ўзлаштирилган' (ер) маъносини англатади; ўзбек тилида бу сўз 'мўл-кўл', 'тўкин-сочин', 'фаровон' каби маънони англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪМУРИЙ Бу арабча сўз **маъмур** отидан (қ.) **-ийй(ун)** нисбий сифат қўшимчаси билан ясалган (АТГ, 48); ўзбек тилига охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **маъмур + ийй → маъмурий;** ўзбек тилида 'маъмуриятга доир', 'маъмурият ҳуқуқи доирасида' каби маънони англатади: **маъмурий бўлим, маъмурий чора** каби (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪМУРИЙАТ Бу арабча сўз **маъмурий** нисбий сифатидан (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'лавозим', 'вазифа' каби маънони (АРС, 44), ўзбек тилида эса 'муассаса, ташкилот, корхона кабиларнинг бошқармаси' маъно— сини англатади: **корхона маъмурияти** каби (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪМУРИЙАТЧИЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **маъмурийат** сўзидан (қ.) **-чилик** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб, 'маъмурий ҳуқуқни суиис— теъмол қилиш', 'маъмурий буйруқбозлик' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪНАВИЙ Бу арабча сўз **маънaviyy(un)** шаклига эга (АРС, 545); ўзбек тилига айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **уу** товушларидан би— рини ташлаб қабул қилинган: **маънaviyy → маънавий;** асли кўпмаъноли **ъанā**[1] феълининг 'маълум бир маз— мунни билдирди' маъноси билан (АРС, 545) ҳосил қилинган I боб масдаридан **-viyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (УАЯ, 92), 'кишининг ру— ҳиятига, ахлоқ-одобига оид' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 454).

МАЪНАВИЙАТ Бу арабча сўз **маънaviyyat(un)** шаклига эга (АРС, 546); ўзбек тилига айн ўрнига **ъ** (айи—

www.ziyouz.com kutubxonasi

риш) белгисини қўйиб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **маънаviyyat → маънавийат (маънавият);** бу сўз **маънавийй(ун)** сифатидан (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'кишининг руҳий ҳолати' маъносини англатади.

МАЪНАН Бу арабча сўз **маъно** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида 'мазмун жиҳатидан' каби маънони англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, I, 455).

• МАЪНИ Бу арабча сўз **маънӣ** шаклига эга (ПРС, 513); ўзбек тилига айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **маънӣ → маъни;** асли кўп маъноли **ъанā**[1] феълиниғг 'маълум бир мазмунни билдирди' маъноси билан (АРС, 545) ҳосил қилинган мастдари бўлиб, 'мазмун' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 455).

МАЪНО Бу арабча сўз **маънан** шаклига эга (АРС, 546); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, иккинчи бўғиндаги **а** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **н** қисмини ташлаб қабул қилинган: **маънан → маънâ (маъно);** асли кўп маъноли **ъанā**[1] феълининг 'маълум бир мазмунни билдирди' маъноси билан (АРС, 545) ҳосил қилинган мастдар бўлиб, 'сўз ёки қўшимча билдирадиган мазмун' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 455). Бу сўздан ўзбек тилида **маъноли, маъносиз** сифатлари ясалган.

МАЪНОДОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **маъно** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб тузилган сифат бўлиб, 'киноялиқочириқли мазмунга эга' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 455). Бу сўзнинг маъносини **маъноли** сўзининг маъносига тенг дейиш тўғри эмас (ЎТИЛ, I, 455).

МАЪНОДОШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **маъно** сўзидан (қ.) 'бирга' маъносини ифодаловчи **-дош** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'маъно жиҳати билан тенг, яқин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 455).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАЪРАКА Бу арабча сўз **маъракат(un)** шаклига эга (АРС, 511); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **маъракат → маъракa; ъаракa** феъли—нинг 'курашди' маъноси асосида (АРС, 511) ясалган **маърак(un)** ўрин отининг **-at(un)** қўшимчасини олган шакли бўлиб (УАЯ, 238), араб тилида 'кураш', 'жанг', 'кампания' маъноларини англатади (АРС, 511); ўзбек тилида одатда 'ўлган кишининг хотирасига бағишлаб ўтказиладиган маросим' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 455).

МАЪРИФАТ Бу арабча сўз **маърifat(un)** шаклига эга (АРС, 510); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **маърifat → маърифат.** Бу сўз асли 'билди', 'таниди' маъносини англатувчи **ъарafa** феълининг (АРС, 509) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143). араб тилида 'билим', 'англаш', 'танишиш' каби маъноларни англатади (АРС, 510), ўзбек тилида биринчи маъно асосида юзага келган 'ўқитиш-тарбиялаш, билим бериш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 455).

МАЪРИФАТПАРВАР Бу сўз тожик тилида арабча **маърифат** сўзига (қ.) 'ўстир-' маъносини англатувчи тожикча **парвардан** феълининг **парвар** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 222, 298) бўлиб, 'маърифат учун курашувчи', 'маърифат ҳомийси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 455).

МАЪРУЗА Бу арабча сўз **маърūđat(un)** шаклига эга (АРС, 509); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига, дзад товушини **з** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** то—вушини ташлаб қабул қилинган: **маърūđat → маъруза.** Бу сўз асли **ъарađa** феълининг 'баён қилди' маъноси билан (АРС, 508) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдошидан (АТГ, 148) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'кўргазмага қўйилган', 'таклиф қилинган' (нарса) маъносини англа—тади (АРС, 509). Бу сўзга ўзбек тилида 'доклад' маъно—сини англатиш бириктирилган (ЎТИЛ, I, 455). **Маъруза**

www.ziyouz.com kutubxonasi

•сўзини 'лекция' маъносини англатиш учун ишлатиш ўринли эмас. Ўзбек тилида **маъруза** сўзидан **-чи** қўшимчаси билан **маърузачи** оти ясалган (Бу сўз тожик тили луғатига ҳам киритилган: ТжРС, 222).

МАЪРУЗАЧИ *қ.* **маъруза**

МАЪРУФ Бу арабча сўз **маърūф(un)** шаклига эга (АРС, 510); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **маърūф → маъруф.** Бу сўз асли 'билди', 'таниди' маъносини англатувчи **ъарафа** феълининг I боб шаклидан ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), араб тилида 'танилган', 'тан олинган' каби маъноларни англатади (АРС, 510). Бу сўз ўзбек тилида тожик тилидан ўзлашган **амри маъруф** изофа бирикмаси таркибида қатнашиб, 'кишиларга яхшилик келтирадиган' маъносини англатади; якка ўзи эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 455).

МАЪСУМ Бу арабча сўз **маъŝūm(un)** шаклига эга (АРС, 519); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгиси қўйиб, сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **маъŝūm → маъсум;** асли кўпмаъноли **ъаŝама** феълининг 'поклигини сақлади' маъноси билан (АРС, 519) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'пок', 'бегуноҳ' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 455). Бу сўзни эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиш ҳам учрайди. **Маъсум** сўзининг **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли (АТГ, 29) **маъсума** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилиб, асли 'покиза', 'иффатли' маъносини англатади.

МАЪСУМА *қ.* **маъсум**

МАЪТАЛ Бу арабча сўз асли **miъtāl(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 523), ўзбек тилига (тожик тилига ҳам) **i** унлисини **а** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **miъtāl →**

www.ziyouz.com kutubxonasi

маътал; кўпмаъноли **ъatila** феълининг 'фаолиятдан тўхтади' маъноси асосида (АРС, 522) **mifъāl(un)** қолипи билан ясалган сўз бўлиб (УАЯ, 239), араб тилида 'банд бўлмаган', 'беиш' маъносини (АРС, 522), ўзбек тилида эса 'иш-фаолиятни тўхтатиб кутиш ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 455). Бу сўз билан ўзбек тилида **маътал бўл-, маътал қил-** қўшма феъллари тузилган. **Маътал** сўзи сўзлашув тилида **маҳтал** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

МАЪШУҚ Бу арабча сўз **маъşūq(un)** шаклига эга (АРС, 517); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **маъşūq → маъшуқ.** Бу сўз **ъаşiqa** феълининг (АРС, 517) 'севди' маъноси билан ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'севилган эркак киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 455).

МАЪШУҚА Бу сўз арабча **маъшуқ** сўзининг (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига сўз охиридаги **т** товушини ташлаб қабул қилинган: **маъшуқат(ун) → маъшуқа;** 'севилган аёл киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 455).

МАЪҚУЛ Бу арабча сўз **маъqūl(un)** шаклига эга (АРС, 529); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **маъqūl → маъқул.** Бу сўз асли **ъaqala** феълининг 'ақл-идрокка мос бўлди' маъноси асосида (АРС, 529) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'ақл-идрокка мос', 'рози бўлишга лойиқ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 456).

МАҚБАРА Бу арабча сўз **maqbarat(un)** шаклига эга (АРС, 617); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **maqbarat → мақбара;** 'кўмди' маъносини англатувчи **qabara** феълидан ясалган от бўлиб (АТГ, 153), араб тилида 'қабристон' маъносини (АРС, 617), ўзбек тилида эса 'қабр устига қурилган ёдгорлик биноси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 456).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАҚБУЛ Бу арабча сўз **maqbūl(un)** шаклига эга (АРС, 621); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maqbūl → мақбул;** асли кўпмаъноли **qabila** феълининг 'қабул қилди', 'розилик берди' маъноси билан (АРС, 619) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'қабул қилишга, маъқуллашга лойиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 456).

МАҚОЛ Бу арабча сўз **maqāl(un)** шаклига эга (АРС, 665); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maqāl → мақâл (мақол);** асли 'гапирди' маъносини англатувчи **qāla** феълидан (АРС, 665) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилида 'кичик ҳажмда ёзилган ахборот' маъносини, ўзбек тилида эса 'халқ яратган ҳикматли ибора' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 456).

МАҚОЛА Бу арабча сўз **maqālat(un)** шаклига эга (АРС, 665); ўзбек тилига **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **maqālat → мақâла (мақола);** асли **мақол** сўзининг (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган шакли бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'нутқ', 'кичик ҳажмдаги асар' маъноларини англатади (АРС, 665); ўзбек тилида иккинчи маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 456).

МАҚОМ I Бу арабча сўз **maqām(un)** шаклига эга (АРС, 668); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maqām → мақâм (мақом);** асли кўпмаъноли **qāma** феълининг 'маълум жойда турди' маъноси билан (АРС, 666) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'даража', 'мавқе' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 456).

МАҚОМ II Бу арабча сўз **maqām(un)** шаклига эга (АРС, 668); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maqām → мақâм (мақом);** асли кўпмаъноли **qāma** феълининг 'ташкил бўлди', 'пайдо бўлди' маъноси билан (АРС, 666) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'куй', 'оҳанг', 'ўйинга

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушгандаги турли хатти-ҳаракатлар' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 456). Бу сўздан ўзбек тилида **мақомчи** оти ясалган, тожикча **шаш** ('олти') сўзи билан **Шашмақом** қўшма сўзи тузилган.

МАҚСАД Бу арабча сўз **maqŝad(un)** шаклига эга (АРС, 641); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **maqŝad → мақсад;** кўп маъноли **qaŝada** феълининг 'ниманидир кўзлаб иш тутди' маъноси билан (АРС, 640) ясалган от бўлиб (УАЯ, 498), 'амалга ошириш режалаштирилган ният' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 456).

МАҚСУД Бу арабча сўз **maqŝūd(un)** шаклига эга (АРС, 641); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maqŝūd → мақсуд;** асли кўпмаъноли **qaŝada** феълининг 'ниманидир кўзлаб иш тутди' маъноси билан (АРС, 640) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'режалаштирилган ният' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 456). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади; **мақсуд** сўзининг муаннас шакли **мақсуда** сўзи эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

МАҚСУДА *қ.* **мақсуд**

МАҒЛУБ Бу арабча сўз **maġlūb(un)** шаклига эга (АРС, 568); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maġlūb → мағлуб;** кўп маъноли **ġalaba** феълининг 'енгди' маъноси билан (АРС, 568) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'енгилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҒЛУБИЙАТ Бу арабча сўз **мағлуб** сўзидан (қ.) **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), ўзбек тилига таркибидаги **ий** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **мағлубиййат → мағлубийат (мағлубият);** 'енгилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҒРИБ Бу арабча сўз **maġrib(un)** шаклига эга (АРС, 559); кўпмаъноли **ġaraba**[1] феълининг 'қуёш ботди'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноси билан (АРС, 559) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), араб тилида 'қуёш ботадиган томон', 'ғарб', 'кечқурун' маъноларини англатади (АРС, 559); ўзбек тилига биринчи маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 457).

МАҒРУР Бу арабча сўз **maġrūr(un)** шаклига эга (АРС, 559); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maġrūr → мағрур;** 'ғурурланиш ҳиссиётига берилди' маъносини англатувчи **ġarra** феълининг (АРС, 558) I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб, 'ғурурланиш ҳиссиётига берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457). Бу сўздан ўзбек тилида **мағрурлик** мавҳум оти, **мағрурлан-** феъли ясалган.

МАҒРУРОНА Бу сўз тожик тилида арабча **мағрур** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 223), 'ғурурланган ҳолда', 'мағрурлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҒФИРАТ қ. **астағфирулло**

МАҒФУРА қ. **астағфирулло**

МАҲАЛ Бу арабча сўз **maḥal(un)** шаклига эга (АРС, 771); **maḥala** феълининг 'қўшимча вақт берди' маъноси асосида (АРС, 771) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'шошилмаслик' маъносини англатади (АРС, 771); ўзбек тилида бу сўз 'маълум фурсат ўтганда' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҲАЛЛА Бу арабча сўз **maḥallāt(un)** шаклига эга (АРС, 190); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, учинчи бўғиндаги чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **maḥallāt → маҳалла;** асли **ḥalla**[2] феълининг 'истиқомат қилди' маъноси билан (АРС, 188) ҳосил қилинган **maḥall(un)** масдарининг **-āt(un)** қўшимчасини олган шакли (УАЯ, 238) бўлиб, араб тилида 'лагерь', 'квартал' маъноларини англатади (АРС, 190); ўзбек тилида бу сўз 'шаҳарнинг аҳоли яшайдиган маълум бир қисми' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 457).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАҲАЛЛИЙ Бу арабча сўз **maħalliyy(un)** шаклига эга (АРС, 190); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **maħalliyy → маҳаллий;** асли 'жой' маъносини англатувчи **maħall(un)** масдари—дан (АРС, 190) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нис—бий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'маълум бир жойга доир' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҲБУБ *қ.* **маҳбуба**

МАҲБУБА Бу арабча сўз **maħbūbat(un)** шаклига эга (АРС, 153); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо—шига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **maħbūbat → маҳбуба.** Бу сўз асли 'севди', 'кўнгил берди' маъносини англатувчи **ħabba** феълининг (АРС, 152) I боб мажҳул нисбат сифатдоши **maħbūb(un)** сўзининг (АТГ, 149) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), 'севимли аёл' маъно—сини англатади (ЎТИЛ, I, 457). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Мум—тоз ўзбек адабиёти асарларида **маҳбуб** сўзидан ҳам фойдаланилган, лекин бу сўз ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайди; бу сўз 'севимли эркак киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҲБУС Бу арабча сўз **maħbūs(un)** шаклига эга (АРС, 154); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо—шига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maħbūs → маҳбус;** кўпмаъноли **ħabasa** феъ—лининг 'қамади' маъноси билан (АРС, 153) ҳосил қи—линган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'қамалган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҲКАМ Бу арабча сўз **maħkam(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **maħkam → маҳкам;** асли кўпмаъноли **ħakama** феълининг 'қўриқлади' маъноси билан ясалган сифат бўлиб (УАЯ, 238), 'мустаҳкам', 'пухта-пишиқ' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 457). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг оти сифатида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам ишлатилади. Бу сўздан **маҳкамла-** феъли ясалган.

МАҲКАМА Бу арабча сўз **mahkamat(un)** шаклига эга (АРС, 188); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **mahkamat → маҳкама;** асли кўпмаъноли **hakama** феълидан 'бошқарди' маъноси билан (АРС, 187) ҳосил қилинган ўрин оти бўлиб (УАЯ, 238), 'бошқарувчи идора' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҲКАМАЧИЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **маҳкама** сўзидан (қ.) **-чилик** қўшимчаси билан ясалган, 'ўз маҳкамаси, ташкилотини кўзлаб иш тутиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МАҲКУМ Бу арабча сўз **mahkūm(un)** шаклига эга (АРС, 188); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mahkūm → маҳкум;** асли кўпмаъноли **hakama** феълининг "ҳукмрон бўлди' маъноси билан (АРС, 187) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'жазога ҳукм қилинган', 'бировнинг ҳукмини бажаришга мута' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МАҲМУД *қ.* **алҳамдулилло**

МАҲМУДА *қ.* **алҳамдулилло**

МАҲОБАТ Бу арабча сўз **mahābat(un)** шаклига эга (АРС, 866); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mahābat → маҳâбат (маҳобат);** асли **hāba** феълининг 'салобати босди' маъноси билан (АРС, 866) ясалган от бўлиб, 'салобатли кўриниш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458). Бу сўздан ўзбек тилида **маҳобатли** сифати ясалган.

МАҲОЛ Бу арабча сўз асли **muhāl(un)** шаклига эга (АРС, 204); тожик тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muhāl → муҳâл (муҳол);** ўзбек тилига, бундан ташқари, **u** унлисини ҳам **а** унлисига алмаштириб олинган: **муҳол → маҳол;** кўпмаъноли **hālia** феълининг 'халақит берди' маъноси асосида (АРС, 202) ҳосил қилинган III боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 251), 'амалга ошириш мумкин бўлмаган' маъно-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МАҲОРАТ Бу арабча сўз **mahārat(un)** шаклига эга (АРС, 771); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mahārat → маҳârат (маҳорат);** 'юксак малака билан бажарди' маъносини англатувчи **mahara**[1] феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 771), 'юксак малака' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458). Бу сўздан ўзбек тилида **маҳоратли** сифати ясалган.

МАҲР Бу арабча сўз **mahr(un)** шаклига эга (АРС, 771); 'куёв томон никоҳ пайтида келинга доимий шахсий мулк сифатида ажратди' маъносини англатувчи **mahara**[2] феълининг (АРС, 771) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'никоҳ пайтида куёв томон келинга ажратган доимий шахсий мулк' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида **маҳрига тушганми** каби ибора таркибида ишлатилади.

МАҲРАМ Бу арабча сўз **mahram(un)** шаклига эга (АРС, 169); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **mahram → маҳрам; haruma** феълининг 'тақиқланди' маъноси билан (АРС, 168) ясалган от бўлиб (УАЯ, 238), ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайдиган бу сўз асли кўпмаъноли бўлиб, шу жумладан 'энг яқин, ишончли, сирдош киши' маъносини ҳам англатган (ЎТИЛ, I, 458).

МАҲРУМ Бу арабча сўз **mahrūm(un)** шаклига эга (АРС, 169); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mahrūm → маҳрум; haruma** феълининг 'тақиқлади' маъноси билан (АРС, 168) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 148), 'эга бўлиш, фойдаланиш ҳуқуқига, имкониятига молик эмас' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МАҲСУЛ *қ.* **маҳсулот**

МАҲСУЛДОР Бу сўз ўзбек тилида **маҳсул** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб тузилган бўлиб, 'мўл ҳосил берадиган', 'серҳосил'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МАҲСУЛОТ Бу арабча сўз **maĥsūlāt(un)** шаклига эга (АРС, 178); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **maĥsūlāt → маҳсулât (маҳсулот);** асли кўпмаъноли **ĥaŝala** феълининг 'етишди', 'эришди' маъноси асосида (АРС, 177) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдоши **maĥsūl(un)** сўзининг (АРС, 178) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'етиштирилган, ишлаб чиқарилган нарсалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МАҲТАЛ қ. **маътал**

МАҲФУЗА Ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу арабча сўз асли **maĥfūžat(un)** шаклига эга; ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ū** унлсини **у** унлисига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **maĥfūžat → маҳфуза;** асли кўпмаъноли **ĥafiža** феълининг 'ҳимоясига олди' маъноси билан (АРС, 182) ҳосил қилинган I боб мажҳул нисбат сифатдошининг (АТГ, 148) **-ат(ун)** қўшимчасини олган муаннас шаклига тенг; 'ҳимояланган' маъносини англатади.

МЕЗОН Бу арабча сўз **mīzān(un)** шаклига эга (АРС, 886); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **е** унлисига, чўзиқ **ā** унлсини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mīzān → мезâн (мезон).** Тожик тилида бу сўз таркибидаги **и** унлиси ўзича сақланган, фақат унинг чўзиқлик белгиси ташланган: **мизон** (ТжРС, 223). Бу сўз асли 'оғирлигини ўлчади' маъносини англатувчи **vazana** феълининг (АРС, 885) III боб масдари бўлиб (АТГ, 248), ўзбек тили тарихининг олдинги босқичида 'ўлчов асбоби', 'Савр билан Саратон оралиғидаги бурж', 'Шамсия йил ҳисобида еттинчи ойнинг номи', 'узоқ чўзилган ёз, иссиқ кунлар', 'айрим ўсимликларнинг спора ташувчиси' маъноларини англатган, ҳозирги ўзбек тилида шулардан фақат 'ўлчов асбоби' маъносида ишлатилмайди (ЎТИЛ, I, 459).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕРОС Бу арабча сўз **mīrāš(un)** шаклига эга (АРС, 881); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **е** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, се ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **mīrāš → мерâс (мерос)**. Бу сўз 'марҳумдан қолган мулкка эга бўлди' маъносини англатувчи **varīša** феълидан (АРС, 881) ҳосил қилинган от бўлиб, 'марҳумдан ворисларига қолган мулк' маъносини англатади; кейинчалик маънода кенгайиш воқе бўлиб, 'аждодлардан авлодларга қолган маънавий бойлик' маъносини ҳам англатадиган бўлган (ЎТИЛ, I, 460).

МЕРОСХЎР Бу сўз тожик тилида арабча **мерос** сўзига (қ.) 'еб-ич-' маъносини англатувчи тожикча **хўрдан** феълининг **хўр** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 226, 434); 'мерос олишга ҳақли киши', 'ворис' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 460).

МЕТИН Бу арабча сўз **matīn(un)** шаклига эга (АРС, 741); ўзбек тилига **а** унлисини **е(э)** унлисига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **matīn → метин;** 'мустаҳкам бўлди' маъносини англатувчи **matuna** феълидан (АРС, 741) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'мустаҳкам', 'ўта даражада қаттиқ', 'заранг' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 460).

МЕЪДА Бу арабча сўз асли **miъdat(un)** шаклига эга (АРС, 760); ўзбек тилига **i** унлисини **е(э)** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **miъdat → меъда;** 'ошқозони оғриди' маъносини англатувчи **muъida** феълидан (АРС, 760) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), асли 'ошқозон' маъносини англатади (АРС, 760), ўзбек тилида 'овқат ҳазм қилиш фаолияти' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 461).

МЕЪЙОР Бу арабча сўз **miъyār(un)** шаклига эга (АРС, 552); ўзбек тилига **i** унлисини **е(э)** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **miъyār → меъйâр (меъёр);** асли **ъāra** феълининг 'ўлчади' маъноси билан (АРС, 552) ясалган от бўлиб (УАЯ, 239), 'ўлчов', 'норма' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 462).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕЪМОР Бу арабча сўз **miъmār(un)** шаклига эга (АРС, 540); ўзбек тилига **i** унлисини **e(э)** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **miъmār → меъмâр (меъмор).** Бу сўз кўпмаъноли **ъamara** феълининг 'қурди' маъносидан (АРС, 539) ясалган шахс оти бўлиб (УАЯ, 499), 'қурувчи уста', 'архитектор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 462). Бу сўздан **меъморлик, меъморчилик** сўзлари ясалган.

МЕЪМОРЧИЛИК қ. **меъмор**

МЕҲНАТ Бу арабча сўз **miḥnat(un)** шаклига эга (АРС, 744); ўзбек тилига **i** унлисини **e(э)** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **miḥnat → меҳнат;** асли 'текширди', 'синади' маъносини англатувчи **maḥana** феълидан (АРС, 744) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), араб тилида 'синов', 'кулфат' маъноларини англатади (АРС, 744), ўзбек тилида эса 'жисмоний ёки ақлий иш, фаолият' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 462). Бу сўз билан ўзбек тилида **меҳнатсевар** қўшма сўзи тузилган.

МЕҲНАТКАШ Бу сўз тожик тилида **меҳнат** сўзига (қ.) 'торт-' маъносини англатувчи тожикча **кашидан** феълининг **каш** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 184), 'жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 462).

МЕҲРОБ Бу арабча сўз **miḥrāb(un)** шаклига эга (АРС, 164); ўзбек тилига **i** унлисини **e(э)** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **miḥrāb → меҳрâб (меҳроб);** АРСда (163) бу сўз **ḥaraba** ('жанг қилди'), **ḥariba** ('қаҳрланди') сўзларига бағишланган мақолада берилган; асли шундай феълдан ясалган от бўлиб (УАЯ, 239), араб тилида 'муқаддас жой' маъносини англатади, **миҳрāб ал масжид** бирикмаси таркибида 'тахмон' маъноси билан қатнашади (АРС, 164); ўзбек тилида бу сўз 'масжид биноси ичида қибла томонда махсус қурилган тахмон' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 462).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МИЖОЗ I Бу арабча сўз асли **mizāç(un)** шаклига эга (АРС, 752); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унли— сига алмаштириб, **z** ундоши билан **ç** ундошини ўзаро ўрин алмаштириб қабул қилинган: **mizāç → мижâз (мижоз);** асли **mazaça** феълининг 'бир-бирига боғлади' маъноси билан (АРС, 751) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, 'кишининг ўзига хос жисмоний ёки руҳий та— биати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 463).

МИЖОЗ II ЎТИЛда (463: **мижоз I**) арабча экани таъкидланмаган бу сўзда ҳам **мижоз I** сўзидаги каби товуш ўзгаришлари воқе бўлган (қ. **мижоз I**) ва **mazaça** феълининг 'бир-бирига боғлади' маъноси билан ҳосил қилинган, шунга кўра 'сотувчи билан олувчи орасидаги доимий боғланиш' маъносини англатади. Бу сўз билан ўзбек тилида **мижоз бўл-** қўшма феъли тузилган.

МИЗОЖ I, МИЗОЖ II қ. **мижоз I, мижоз II**

МИЛЛАТ Бу арабча сўз **millat(un)** шаклига эга (АРС, 763); асли кўпмаъноли **malla**[2] феълининг 'бир-бири билан бирлаштирди' маъносидан ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), аввал 'дини бир кишилар' маъносини анг— латган, кейинчалик 'тили, яшаш жойи, маданияти, урф-одатининг умумийлигига асосланувчи жамоа' маъноси— ни англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 464).

МИЛЛАТЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **миллат** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган; 'миллат айирувчи', 'бошқа миллат кишиларига салбий муноса— батда бўлувчи' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 464).

МИЛЛАТЧИЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **мил— лат** сўзидан (қ.) **-чилик** қўшимчаси билан ясалган мав— ҳум от бўлиб, 'бошқа миллат кишиларига салбий муно— сабатда бўлишни тарғиб қилувчи назария' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 464).

МИЛЛИЙ Бу арабча сўз **milliyy(un)** шаклига эга (АРС, 763); ўзбек тилига охирги **y** товушини ташлаб қабул қилинган: **milliyy → миллий.** Бу сўз асли кўп— маъноли **malla**[2] феълининг 'бир-бири билан бирлаш— тирди' маъносидан ҳосил қилинган **millat(un)** масдари—

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 49), 'миллатга оид' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 464). Ўзбек тилида бу сўздан **миллийлаш-** феъли ясалган ва бу сўздан **миллийлаштир-** шакли ҳосил қилинган.

МИЛОД Бу арабча сўз **mīlād(un)** шаклига эга (АРС, 910); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mīlād → милâд (милод);** 'дунёга келтирди' маъносини англатувчи **valada** феълидан ясалган от бўлиб (УАЯ, 239), асли 'туғилиш' маъносини англатади (АРС, 910), амалиётда 'Исо пайғамбарнинг туғилган куни' маъносини, 'шу кундан бошланган вақт ҳисоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 465).

МИЛОДИЙ Бу арабча сўз **mīlādiyy(un)** шаклига эга (АРС, 910); **милод (mīlād)** сўзидан (қ.) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48). 'милоддан бошланадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 465); бу сўз ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, таркибидаги охирги **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **mīlādiyy - милâдий (милодий).**

МИМ *қ.* **лом:**

МИНБАР Бу арабча сўз **minbar(un)** шаклига эга (АРС, 780); кўпмаъноли **nabara** феълининг 'баланд жойга кўтарилди' маъноси билан (АРС, 780) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), араб тилида 'кафедра' (нарса) маъносини англатади (АРС, 780); ўзбек тилида 'умумий саҳнга нисбатан баландроқ қилиб қурилган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 465).

МИНБАЪД Бу сўз асли 'кейин', 'кейинги навбатда' маъносини англатувчи арабча **баъд** сўзига 'бошлаб' маъносини ифодаловчи арабча **мин** предлогини қўшиб юбориш натижасида юзага келган бўлиб, асли 'бундан кейин' маъносини англатади; кейинчалик маъно тараққиёти натижасида 'ҳечқачон', 'асло' маъносини ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 465). **Баъд** сўзи асли 'нари—

www.ziyouz.com kutubxonasi

роқ ерда турди' маъносини англатувчи **baъuda** феъли-нинг (АРС, 78) масдаридан ҳосил қилинган бўлиб, **baъdu** шаклига эга (УАЯ, 568); ўзбек тилига сукунли **айн** ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридан **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **baъdu → баъд.**

МИННАТ Бу арабча сўз **minnat(un)** шаклига эга (АРС, 769); асли **manna** феълининг 'таъна қилди' маъноси билан (АРС, 768) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), ўзбек тилида 'қилган яхшилигини таъна қилиб гапириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 466). Бу сўздан ўзбек тилида **миннатли, беминнат** сифатлари ясалган: ***Миннатли ошдан беминнат мушт яхши*** (Мақол).

МИННАТДОР Бу сўз тожик тилида арабча **миннат** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136, 230) қўшиб тузилган бўлиб, 'яхшилик қилган кишининг олдида бурчлик ҳисси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 466). Бу сўздан ўзбек тилида **миннатдорлик, миннатдорчилик** мавҳум отлари ясалган.

МИНТАҚА Бу арабча сўз **mintaqat(un)** шаклига эга (АРС, 810); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **mintaqat → минтақа;** асли **nataqa** феълининг 'белбоғ боғлади' маъноси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), араб тилида 'белбоғ', 'иқлимий чегараланган зона' маъноларини англатади (АРС, 810); ўзбек тилига ик-кинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 466).

МИР Бу сўз арабча **амир** сўзининг (қ.) қисқа шакли бўлиб, **мир Алишер Навоий** каби атамалар таркибида юксак (амирлик) лавозими маъносини англатиб қатна-шади (ЎТИЛ, I, 466).

МИРЗА Бу сўз АРСда (749) якка ўзи **mirzā** шаклида келтирилиб, 'мирза' сўзи билан изоҳланган; ТжРСда (230) **мирзо** сўзи келтирилиб, уч маъноли деб таъкид-ланган, шу маънолардан биринчиси 'мирза, писец, пи-сарь, секретарь' деб изоҳланган; ЎТИЛда (I, 466) **мирза** сўзи уч маъноли сўз сифатида тасвирланиб, биринчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноси 'ёзув-чизув ишларини олиб борувчи киши, котиб' деб изоҳланган. **Мирза** ва **мирзо** сўзлари ало-ҳида-алоҳида сўз экани аниқ, лекин **мирза** сўзига изоҳ бериб бўлмади.

МИРЗО Бу сўз асли арабча **амир** сўзи билан то-жикча 'ўғил' маъносини англатувчи **зода** сўзини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 156, 230), кейинчалик сўз бош-ланишидаги **а** унлиси ва сўз охиридаги **да** товушлари талаффуз қилинмай қўйган: **амирзода → мирзâ (мир-зо);** асли 'амирнинг ўғли' маъносини англатади, **мирзо Улуғбек, мирзо Бобур** каби атамалар таркибида ишла-тилади (ЎТИЛ, I, 466).

МИРЗОЙИ Бу сўз тожик тилида **мирзо** сўзидан (қ.) **-и** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 230), ҳозирги ўзбек тилида **мирзойи сабзи** бирикмаси таркибида сабзининг бир навини билдириш учун иш-латилади (ЎТИЛ, I, 466).

МИРИ Бу сўз тожик тилида арабча **мир** сўзидан (қ.) **-и** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'беш тийинлик чақа пул' маъносини англатади, **бир мири** ('беш тийин') каби бирикма таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 466).

МИРОБ Бу сўз арабча **амир** сўзининг **мир** шаклига (қ.) 'сув' маъносини англатувчи тожикча **об** сўзини қўшиб тузилган; 'катта сувдан кичик сув йўлларига сув тақсимловчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 467).

МИРШАБ Бу сўз арабча **амир** сўзининг **мир** шак-лига (қ.) 'тун' маъносини англатувчи тожикча **шаб** сў-зини қўшиб тузилган бўлиб, 'тунги шаҳар соқчиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 467). Тарихан бу сўздан ўзбек тилида **миршаббоши, миршабхона** қўшма сўз-лари тузилган.

МИСКИН Бу арабча сўз **miskīn(un)** шаклига эга (АРС, 365); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **miskīn → мискин;** асли 'босиқ, ювош бўлди' маъносини англатувчи **sakana**[1] феълидан ясалган аслий сифат бўлиб, араб тилида 'камбағал', 'ночор', 'бахтсиз' маъноларини англатади (АРС, 365); ўзбек тилида, юқоридаги маънолардан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташқари, 'мунгли', 'ҳазин' маъносини ҳам англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 467). Ўзбек халқ куйларидан бири (балки мунгли бўлгани сабаблидир) шу сўз билан номланган. Бу сўзни шоирлардан бири ўзига тахаллус қилиб ҳам олган.

МИСЛ Бу арабча сўз **mišl(un)** шаклига эга (АРС, 742); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **mišl - мисл;** кўпмаъноли **mašala** феъ—лининг 'ўхшади' маъноси билан (АРС, 741) ҳосил қи—линган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ўхшаш' маъно—сини англатиб, **мисли йўқ, мисли кўринмаган** каби жумлалар таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 467). Бу сўздан ўзбек тилида **мислсиз** сифати ясалган бўлиб, 'ўхшаши йўқ' маъносини англатади.

МИСЛСИЗ қ. **мисл**

МИСОЛ Бу арабча сўз **mišāl(un)** шаклига эга (АРС, 742); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mišāl → мисâл (мисол);** кўпмаъноли **mašala** феълининг 'кўзга кўринди' маъноси билан (АРС, 741) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'тушунтириш учун, далил сифатида келтириладиган нарса, фикр-мулоҳаза' маъ—носини англатади (ЎТИЛ, I, 467).

МИСОЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **мисол сўзига** (қ.) **тожикча -и** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бў—либ, 'худди', 'синғари' маъносини билдиради (ЎТИЛ, I, 467).

МИСРА Бу арабча сўз **miŝrāъ(un)** шаклига эга (АРС, 435); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **miŝrāъ - мисра;** асли кўп—маъноли **ŝagaъa** феълидан (АРС, 435) ясалган от бўлиб (УАЯ, 239), араб тилида 'эшикнинг бир табақаси', 'байтнинг бир қатори' маъносини англатади (АРС, 435); ўзбек тилига иккинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 467).

МИСҚОЛ Бу арабча сўз **mišqāl(un)** шаклига эга (АРС, 111); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чў—зиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

mišqāl → мисқâл (мисқол); кўпмаъноли **šaqula** феълининг 'оғир бўлди' маъноси асосида (АРС, 110) ясалган от бўлиб (УАЯ, 239), 'нисбатан энг кичик оғирлик ўлчови' маъносини англатади [турли манбаларда турлича: ЎКААҚЛда (196) 4,1 г., ЎТИЛда (I, 468) 4,26 г., АРСда (111) 4,68 г. деб таъкидланган]. Бу сўз маъно тараққиёти натижасида 'жуда оз миқдор' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 468).

МИСҚОЛИ: Бу сўз тожик тилида арабча **мисқол** сўзидан (қ.) **-и** қўшимчаси билан ясалган бўлиб (ТжРС, 542, 231), асли 'оғирлиги мисқолга тенг келадиган' маъносини англатиб, **докайи мисқоли (мисқоли дока)** бирикмаси таркибида ишлатилган, кўчма маънода бу сўз 'юқори сифатли нафис' (дока) маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 468).

МИСҚОЛЛАБ Бу равиш сўз ўзбек тилида арабча **мисқол** сўзидан (қ.) **-лаб** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'узоқ вақт давомида оз-оздан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 468).

МИҚДОР Бу арабча сўз **miqdār(un)** шаклига эга (АРС, 624); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **miqdār → миқдâр (миқдор);** асли **qadara** феълининг 'сон-саноғини аниқлади' маъноси билан (АРС, 624) ясалган от бўлиб (УАЯ, 239), 'сон-саноқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 468).

МИҚЙОС Бу арабча сўз **miqyās(un)** шаклига эга (АРС, 670); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **miqyās → миқйос (миқёс);** кўпмаъноли **qāsa** феълининг 'ўлчади' маъноси билан (АРС, 670) ясалган от бўлиб (УАЯ, 239), араб тилида 'ўлчов' маъносини англатади (АРС, 670); ўзбек тилида бу сўз 'кўлам' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 468).

МОВИЙ Бу арабча сўз **māviyy(un)** шаклига эга (АРС, 775); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги бир **y** товушини ташлаб қабул қилинган: **māviyy → мâвий;** 'сув кўп бўлди' маъносини англатувчи **māha** феълидан (АРС, 774) ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиниб, 'сув' маъносини англатувчи **māь(un)** сўзига **-iyy(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), асли 'сув рангли' маъносини англатади, маъно тараққиёти натижасида 'тиниқ ҳаво рангли' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 469).

МОВЛИТ *қ.* **мавлид**

МОДДА I Бу арабча сўз асли **māddat(un)** шаклига эга (АРС, 745); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унли — сига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган (Худди шундай товуш ўзгариши тожик тилида ҳам воқе бўлган): **māddat → mâdda (модда).** Бу сўз **madda** феъли мақоласида берилган, лекин бу феълга келтирилган маънолар асосида **модда I** сўзининг маъносини изоҳлаш қийин. АРСда (745), ЎТИЛда (I, 469), ТжРСда (231) бу сўз 'нарса', 'жисм' маъносини англатиши таъкидланган.

МОДДА II Бу сўз асли АРСда (745) кўпмаъноли **моддат(ун)** сўзининг бешинчи маъноси деб кўрсатил — ган; ЎТИЛда (I, 469) ва ТжРСда (231) бу сўз алоҳида **модда II** сўзи сифатида келтирилган бўлиб, 'йирик матннинг рақамлаб ажратилган қисмлари, бандлари' маъносини англатиши айтилган.

МОДДИЙ Бу арабча сўз **māddiyy(un)** шаклига эга (АРС, 745); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **yy** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **māddiyy → mâddiy (моддий);** асли кўпмаъноли **madda** феълининг I боб масдаридан (АРС, 745) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 49), 'моддадан иборат', 'жисмий' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 469).

МОЗИЙ Бу арабча сўз **māđin** шаклига эга (АРС, 758); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига, **i** унлисини **ий** товушларига ал — маштириб, сўз охиридаги **n** қисмини ташлаб қабул қилинган: **māđin → mâzi̇y (мозий);** асли кўпмаъноли **mađā** феълининг 'узоққа кетди' маъноси билан (АРС, 758) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бў — либ (АТГ, 150), 'ўтмиш', 'узоқ ўтмиш' каби маънони

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади (ЎТИЛ, I, 758).

МОЙИЛ Бу арабча сўз **māyil(un)** шаклига эга (АРС, 777); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касра — ли ҳамзани **йи** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **māyil → mâйил (мойил);** тожик тилида кас — рали ҳамзани аслига яқин равишда **и** унлисининг ўзига алмаштирилган: **моил** (ТжРС, 232). Бу сўз кўпмаъноли **māla** феълининг 'эгилди' маъноси билан (АРС, 777) ҳо — сил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'хоҳиши бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 470). Бу сўздан ўзбек тилида **мойиллик** мавҳум оти ясалган.

МОЛ Бу арабча сўз **māl(un)** шаклига эга (АРС, 774); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **māl → mâл (мол);** 'бойиди, 'бойитди' маъносини англатувчи **māla** феълидан (АРС, 774) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилида 'бойлик', 'мулк', 'маблағ' маъноларини англатади (АРС, 774); ўзбек тилида бу сўз 'бисотдаги нарсалар', 'қизнинг келинли — гига атаб йиғилган буюмлар', 'сотиладиган нарсалар', 'йирик уй ҳайвони' маъноларини англатади, шунингдек 'қўпол' маъносини англатиш учун ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 470). Бу сўз билан ўзбек тилида **молхона, молқўра, молбозор, молбоқар** қўшма сўзлари, **мол-дунё, мол-мулк, мол-ҳол** жуфт сўзлари тузилган.

МОЛДОР Бу сўз тожик тилида арабча **мол** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 137, 136, 232), 'бадавлат', 'моли кўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 470).

МОЛИЙА Бу арабча сўз **māliyyat(un)** шаклига эга (АРС, 774); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини ва сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **māliyyat → mâлийа (молия); māl(un)** сўзининг 'пул маблағи' маъносидан (АРС, 774) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), асли 'пул маблағини тўплаш ва тақсимлаш билан шуғулланувчи идора' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 470).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОЛИЙАВИЙ Бу арабча сўз **māliyyaviy(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, қатор келган **у** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **māliyyaviy → mâлийавий (молиявий); молийа** сўзидан (қ.) **-вий** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'молияга оид' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 470).

МОЛИК Бу арабча сўз **mālik(un)** шаклига эга (АРС, 766); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mālik → mâлик (молик);** асли **malaka** феълининг 'эга бўлди' маъноси билан (АРС, 766) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 470).

МОЛПАРАСТ Бу сўз ўзбек тилида **мол** сўзига (қ.) 'сажда қил-' маъносини англатувчи тожикча **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб тузилган бўлиб, 'бойлик орттиришга ўта берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 471).

МОНЕ: Бу арабча сўз **mānіъ(un)** шаклига эга (АРС, 769); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **і** унлисини **е** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **mānіъ → mâне (моне);** кўпмаъноли **manaъa** феълининг 'тўсқинлик қилди' маъноси билан (АРС, 769) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'тўсқинлик қиладиган' маъносини англатади; бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди; ундан **монелик** оти, бу от билан **монелик қил-** қўшма феъли тузилган (ЎТИЛ, I, 471).

МОНЕЛИК қ. **моне**

МОТ Бу сўз ЎТИЛда (I, 472) эроний сўз деб белгиланган; асли 'вафот этди' маъносини англатувчи арабча **māta** феълининг (АРС, 772) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142) 'шахматда шоҳнинг ўлиш ҳолатига тушиши' маъносини англатади (Будагов, II, 195). Бу сўз билан ўзбек тилида **мот қил-** қўшма феъли ясалган.

МОҲИЙАТ Бу арабча от сўз **māhiyat(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 740), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисига алмаштириб қабул қилинган: **māhiyat → mâҳийат (моҳият);** Бу сўз ЎКААҚЛда (199) хато равишда иккита **й** ҳарфи билан ёзилган. **Моҳийат** сўзи асли 'нарса, воқеа-ҳодисалар асосида ётувчи ички мазмун' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 473).

МОҲИР Бу арабча сўз **māhir(un)** шаклига эга (АРС, 769); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **māhir → mâҳир (моҳир);** 'юксак малака билан бажарди' маъносини англатувчи **mahara**[1] феълидан (АРС, 771) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'юксак малакага эришган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 473). Бу сўздан ўзбек тилида **моҳирлик** сўзи ясалган. **Моҳир** сўзининг муаннас шакли **моҳира** сўзи ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

МОҲИРА *қ.* **моҳир**

МОҲИРОНА Бу сўз тожик тилида арабча **моҳир** сўзидан **-она** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 542, 234), 'моҳирлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 473).

МУАЗЗАМ Бу арабча сўз **muъaẓẓam(un)** шаклига эга (АРС, 524); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, изғи товушларини **з** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **muъaẓẓam → муаззам.** Бу сўз асли 'буюк бўлди' маъносини англатувчи **ъaẓuma** феълининг (АРС, 523) II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 235), 'улкан', 'улуғвор' каби маъноларни англатади: **муаззам шаҳар** каби; бу сўз аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 473).

МУАЗЗИН Бу арабча сўз **muьaẓẓin(un)** шаклига эга (АРС, 30); ўзбек тилига фатҳали айнни **а** товушига, зад товушларини **з** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **muьaẓẓin → муаззин.** Бу сўз асли 'тинглади' маъносини англатувчи **ьaẓina**[1] феълининг II боб **ьaẓẓana** шаклидан ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'масжидда азон айтувчи' маъносини англатади (АРС, 30; ЎТИЛ, I, 473). **Муаззин** сўзи ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди, бу маъно

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўфи сўзи билан англатилади.

МУАЙЙАН Бу арабча сўз **muъayyan(un)** шаклига эга (АРС, 554); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muъayyan → муаййан (муайян);** кўпмаъноли **ъayyana** феълининг 'аниқ белгили қилди' маъноси билан (АРС, 553) ҳосил қилинган II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'аниқ', 'маълум бир' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 473).

МУАЛЛАҚ Бу арабча сўз **muъallaq(un)** шаклига эга (АРС, 533); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **muъallaq → муаллақ.** Бу сўз асли **ъaliqa** феълининг 'осиб қўйди' маъносини англатувчи II боб шакли **ъallaqa** феълидан (АРС, 532) ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), араб тилида 'пайсалга солинган', 'ҳал қилинмаган', 'боғлаб қўйилган' маъноларини англатади (ўша бетда); ўзбек тилида шу маънолар асосида юзага келган 'бирор нарсага бириктирилмаган', 'ажралган ҳолатда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 473).

МУАЛЛИМ Бу арабча сўз **muъallim(un)** шаклига эга (АРС, 535); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **muъallim → муаллим.** Бу сўз асли **ъalima** феълининг 'ўқитди', 'ўргатди' маъносини англатувчи II боб **ъallama** шаклидан ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), араб тилидан 'ўқитувчи' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 473).

МУАЛЛИМА Бу арабча сўз **муаллим** сўзидан (қ.) муаннас шакли ясовчи **-ат(ун)** қўшимчаси билан (АТГ, 29) ҳосил қилинган бўлиб (АРС, 535), ўзбек тилига бу қўшимчанинг **а** қисмини сақлаб, **t** қисмини ташлаб қабул қилинган; 'аёл ўқитувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 473).

МУАЛЛИФ Бу арабча сўз **muъallif(un)** шаклига эга (АРС, 41); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **muъallif → муаллиф.** Бу сўз асли 'кўникди' маъносини англатувчи **ъalifa** феъ—

www.ziyouz.com kutubxonasi

лининг II боб **ьallafa** шаклидан 'ижод қилди' ('сочинять') маъноси билан ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АРС, 40, 41; УАЯ, 567), 'бирор асарни ёзган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 474). Ҳозирги кунда **муаллиф** сўзи **автор** сўзи ўрнида ишлатилмоқда.

МУАММО Бу арабча сўз **muъammāt(un)** шаклига эга (АРС, 543); ўзбек тилига фатҳали айнни **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muъammāt → муаммâ (муаммо);** кўпмаъноли **ъamiьa** феълининг 'жумбоқли бўлди' маъноси билан (АРС, 542) ҳосил қилинган II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 177), араб тилида 'топишмоқ', 'жумбоқли нутқ' маъносини (АРС, 543), ўзбек тилида эса 'жумбоқ', 'ечимини топиш лозим бўлган масала' маъноларини англатади; бу сўз бадиий санъат турларидан бирининг (шоирнинг номини ва шеър ёзилган санани мисра ичига яшириш жанрининг) номи сифатида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 474).

МУАССАСА Бу арабча сўз **muьassasat(un)** шаклига эга (АРС, 32); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muьassasat → муассаса.** Бу сўз асли 'пойдевор қўйди', 'таъсис этди' маъносини англатувчи **ьassa** феълининг II боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 176), 'бирор соҳани бошқарувчи ёки илм-таълим ишларини олиб борувчи ташкилот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 474).

МУАТТАР Бу арабча сўз **muъattar(un)** шаклига эга (АРС, 521); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, итқи товушларини **т** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **muъattar → муаттар.** Бу сўз асли 'ёқимли ҳид таратди' маъносини англатувчи **ъatira** феълининг II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), 'ёқимли ҳид таратувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 474). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти бўлиб ҳам келади.

МУБОЛАҒА Бу арабча сўз **mubālaġat(un)** шаклига эга (АРС, 85); асли кўпмаъноли **balaġa** феълининг 'энг

www.ziyouz.com kutubxonasi

юқори даражага етди' маъноси билан ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **mubālaġat → мубâлаға (муболаға).** Бу сўз 'ўта даражада бўрттириб ифодалаш' маъносини англатади, шу маъноси билан адабиётшунослик термини сифатида ҳам ('гипербола') ишлатилади (ЎТИЛ, I, 474).

МУБОРАК Бу арабча сўз **mubārak(un)** шаклига эга (АРС, 67); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mubārak → мубâрак (муборак).** Бу сўз асли кўпмаъноли **baraka** феълининг 'Олло эҳсон қилди' маъносидан ҳосил қилинган III боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'бахт-эҳсон келтирувчи', 'қутлуғ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 474). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МУБОРАКБОД: Бу сўз тожик тилида арабча **муборак** (қ.) ва тожикча 'бўлсин' маъносини англатувчи **бод** сўзидан тузилган **муборак бод!** ('муборак бўлсин!') бирикмасига тенг бўлиб (ТжРС, 74), кейинчалик бу бирикма бир сўзга яхлитланган ва 'табрик', 'қутлов' маъносини англатишга хизмат қилдирилган (ТжРС, 235; ЎТИЛ, I, 474). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **муборакбод қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

МУБҲАМ Бу арабча сўз **mubham(un)** шаклига эга (АРС, 90); **ьabhama** феълининг 'ноаниқ, чигал бўлди' маъноси билан (АРС, 89) ҳосил қилинган IV боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 225), 'ноаниқ', 'чигал', 'шубҳали' маъносини англатади (АРС, 81; ЎТИЛ, I, 474).

МУВАФФАҚ: Бу арабча сўз **muvaffaq(un)** шаклига эга (АРС, 902); асли **vafiqa** феълининг (АРС, 901) II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), араб тилида 'муваффақиятли', 'омадли' каби маъноларни англатади (АРС, 902). Ўзбек тилида бу сўз **муваффақ бўл-** қўшма феъли таркибида 'эришиш' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, I, 474).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУВАФФАҚИЙАТ Бу арабча сўз **муваффақ** сўзидан (қ.) **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'бирор ишда эришилган ижобий, яхши натижа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 474). Бу сўздан ўзбек тилида **муваффақиятли, муваффақиятсиз** сифатлари, кейинги сифатдан **муваффақиятсизлик** мавҳум оти ясалган.

МУВАҚҚАТ Бу арабча сўз **muvaqqat(un)** шаклига эга (АРС, 903); 'муддатини белгилади' маъносини англатувчи **vaqata** феълининг (АРС, 903) II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175). 'вақтинчалик', 'маълум муддат давом этадиган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 475).

МУВОЗАНАТ Бу арабча сўз **muvāzanat(un)** шаклига эга (АРС, 886); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muvāzanat → мувâзанат (мувозанат).** Бу сўз асли 'оғирлигини ўлчади' маъносини англатувчи **vazana** феълининг III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'тенглик ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 475). Тожик тилида бу сўз асосан **мувозана** шаклида ишлатилади (ТжРС, 236).

МУВОФИҚ Бу арабча сўз **muvāfiq(un)** шаклига эга (АРС, 902); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muvāfiq → мувâфиқ (мувофиқ);** асли 'мос келди' маъносини англатувчи **vafiqa** феълининг III боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'мос', 'тўғри келадиган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 475). Бу сўздан ўзбек тилида **мувофиқлаш-** феъли ясалган.

МУДАРРИС Бу арабча сўз **mudarris(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 251); 'ўқитди' маъносини англатувчи **darasa**[2] феълининг (АРС, 251) II боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), араб тилида 'дарс берувчи', 'ўқитувчи' маъносини (АРС, 251), ўзбек тилида эса 'мадрасада дарс берувчи', 'мадраса ўқитувчиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 475), Ўзбек тилида бу сўздан **мударрислик** оти ясалган.

МУДДАО Бу арабча сўз АРСда (255) **muddaъin**

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаклида берилган, ПРСда (477) **muddaā** шаклида ҳам келтирилган; демак, бу сўз ўзбек тилига форс тилидан сўз охиридаги чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмашти—риб қабул қилинган: **muddaā → муддаâ (муддао);** асли кўпмаъноли **daъā** феълининг 'талаб қилди' маъноси асосида (АРС, 254) ҳосил қилинган от бўлиб, араб ти—лида 'даъво' маъносини (АРС, 255), ўзбек тилида эса 'кишининг дилидаги мақсад, ният' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 475).

МУДДАТ Бу арабча сўз **muddat(un)** шаклига эга (АРС, 746); асли кўпмаъноли **madda** феълининг 'воқе бўлиш пайтини чўзди' маъноси билан (АРС, 745) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'давом этиши чегараланган вақт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 475).

МУДДАТЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **муддат** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'давом этиш вақти чегараланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 475).

МУДДАТСИЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **муддат** сўзидан (қ.) **-сиз** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'давом этиш вақти чегараланмаган' маъносини англа—тади (ЎТИЛ, I, 475).

МУДИР Бу арабча сўз **mudīr(un)** шаклига эга (АРС, 267); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаш—тириб қабул қилинган: **mudīr → мудир.** Бу сўз кўп—маъноли **dāra** феълининг 'фаолият кўрсатди' маъноси билан (АРС, 265) ҳосил қилинган IV боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 226), араб тилида 'бошқарувчи', 'директор', 'ректор', 'вилоят ҳокими' маъноларини анг—латади (АРС, 267); ўзбек тилига 'бошлиқ' (кафедрага, илмий гуруҳга, идорага) маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 475). Ўзбек тилида **мудира** сўзи ҳам ишлати—либ, 'бошлиқ вазифасида ишловчи аёл' маъносини анг—латади; бу сўз **мудир** сўзидан **-ат(ун)** муаннас қўшимчаси билан ҳосил қилинган, ўзбек тилида сўз охиридаги **t** товуши ташланган. Ўзбек тилида **мудир** сўзидан **мудирлик** лавозим оти ясалган.

МУДИРА қ. **мудир**

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУДОМ Бу арабча сўз **mudām(un)** шаклига эга (АРС, 269); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mudām → мудâм (мудом);** 'маълум муддат давом этиб турди' маъносини англатувчи **dāma** феълининг (АРС, 269) III боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 251), АРСда 'вино' маъносини англатиши таъкидланган (ўша бетда); ПРСда (477) 'вино' маъносидан олдин 'доимо', 'узлуксиз' маъносини англатиши айтилган, ТжРСда эса (236) фақат равиш маъноси келтирилган. Кўринадики, бу сўз ўзбек тилига эроний тилдан равиш маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 475).

МУДОФАА Бу арабча сўз **mudāfaat(un)** шаклига эга (АРС, 257); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **mudāfaat → мудâфаа (мудофаа).** Бу сўз **dafaъa** феълининг 'ҳамлани қайтарди' маъноси билан (АРС, 256) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), дастлаб 'ҳамлани қайтариш' маъносини англатган, кейинчалик 'душман ҳужумидан ҳимояланиш' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 475). Ўзбек тилида бу сўздан **мудофаачи** оти ясалган.

МУДОФААЧИ қ. **мудофаа**

МУДҲИШ Бу арабча сўз **mudhīş(un)** шаклига эга (АРС, 264); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган; 'кучли даражада ҳайратланди' маъносини англатувчи **dahişa** феълининг (АРС, 264) IV боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), араб тилида 'ҳайратга солувчи' маъносини, тожик тилида (ТжРС, 237) ва форс тилида (ПРС, 478) 'даҳшатга солувчи' маъносини англатади; кўринадики, бу сўз ўзбек тилига кейинги маъно билан тожик, форс тилидан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 475).

МУЖАССАМ Бу арабча сўз **muçassam(un)** шаклига эга (АРС, 130); асли кўпмаъноли **çasuma** феълининг II боб шакли **çassama** сўзидан 'шакл-шамойил берди' маъноси билан ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'тўпланган ҳолда ўз аксини

www.ziyouz.com kutubxonasi

топган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 476). Ўзбек тилида бу сўздан **мужассамлан-** феъли ясалган.

МУЖМАЛ Бу арабча сўз **muçmal(un)** шаклига эга (АРС, 140); асли **çamula** феълининг IV боб шакли **ьiçmala** феълининг 'сиқиқ, қисқа баён қилди' маъноси билан (АРС, 139) ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), араб тилида 'қисқа баён' маъносини англатади (АРС, 140); ўзбек тилида бу сўз 'тушуниб бўлмайдиган', 'ноаниқ' каби белги маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 476). Бу сўздан ўзбек тилида **мужмаллик** мавҳум оти ясалган.

МУЖОҲИД Бу арабча сўз **muçāhid(un)** шаклига эга (АРС, 144); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muçāhid → мужâҳид (мужоҳид);** асли кўпмаъноли **çahada** феълининг 'курашди' маъноси билан (АРС, 144) ҳосил қилинган III боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'ҳақиқат учун курашувчи аскар' маъносини англатади (Бу сўз ЎТИЛга киритилмаган).

МУЗАЙЙАНА Бу арабча сўз **muzayyana** шаклига эга; асли 'чиройли бўлди' маъносини англатувчи **zāna** феълининг II боб мажҳул нисбат сифатдоши **muzayyan(un)** сўзининг (УАЯ, 567) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига муаннас қўшимчасининг **a** қисмини сақлаб, **t** қисмини ташлаб қабул қилинган: **muzayyanat → музайяна (музайяна);** 'кўрк берилган' маъносини англатувчи бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

МУЗАФФАР Бу арабча сўз асли **mužaffar(un)** шаклига эга; ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **mužaffar → музаффар;** асли 'ғалаба қилди' маъносини англатувчи **žafira** феълининг (АРС, 490) II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'зафар қозонган', 'ғолибликни қўлга киритган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 476). Ҳозирги ўзбек тилида **музаффар** сўзидан кўра **ғолиб** сўзи кўп ишлатилади. **Музаффар** сўзи ўзбек тилида эркак кишининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

атоқли оти бўлиб ҳам келади.

МУЗОКАРА Бу арабча сўз **muẓākarat(un)** шаклига эга (АРС, 275); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muẓākarat → музâкара (музокара);** асли **ẓakara** феълининг 'айтиб ўтди', 'тилга олди' каби маъноси билан (АРС, 275) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'бирор масала муҳокамасида ўз муносабатини билдириб айтилган мулоҳаза' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477). Ўзбек тилида бу сўздан **музокарачи** оти ясалган.

МУЗОКАРАЧИ *қ.* **музокара**

МУЗОФОТ Бу арабча сўз **muḍāfāt(un)** шаклига эга (АРС, 465); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлиларини **â** унлиларига алмаштириб қабул қилинган: **muḍāfāt → музâфât (музофот);** кўпмаъноли **ḍāfa** феълининг 'қўшди', 'бирлаштирди' маъноси билан (АРС, 464) ҳосил қилинган III боб мажҳул нисбат сифатдоши **muḍāf(un)** сўзининг (АТГ, 251) **-āt(un)** кўплик қўшимчасини олган шакли бўлиб (АТГ, 39), араб тилида отлашиб, 'қўшимча' маъносини, ўзбек тилида эса 'шаҳар атрофидаги аҳоли яшайдиган жойлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477).

МУЙАССАР Бу арабча сўз **muyassar(un)** шаклига эга (АРС, 918); **yasara** феълининг 'эришди' маъноси билан (АРС, 917) ҳосил қилинган II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), араб тилида тўрт маънони англатади (АРС, 918); ўзбек тилига 'осонликча эришилган' маъноси билан қабул қилинган бўлиб, **муйассар бўл-, муйассар қил-** қўшма феъллари таркибида ишлатилади; ёлғиз ўзи аёл кишининг атоқли оти бўлиб келади (ЎТИЛ, I, 487).

МУКАММАЛ Бу арабча сўз **mukammal(un)** шаклига эга (АРС, 700); 'ҳар жиҳатдан етик бўлди' маъносини англатувчи **kamula** феълининг (АРС, 699) II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'ҳар жиҳатдан етик', 'ҳар жиҳатдан бенуқсон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477). Бу сўздан ўзбек тилида **мукаммаллик**

www.ziyouz.com kutubxonasi

мавҳум оти, **мукаммаллаштир-** феъли ясалган.

МУКАРРАМ Бу арабча сўз **mukarram(un)** шаклига эга (АРС, 685), асли 'сахий бўлди', 'меҳр-оқибатли бўлди' маъносини англатувчи **karuma** феълининг **karrama** II боб шаклидан (АРС, 684) ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'иззат-икром кўрсатилган' маъносини англатади (АРС, 685; ЎТИЛ, I, 477). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади.

МУКОФОТ Бу арабча сўз **mukāfьāt(un)** шаклига эга (АРС, 693); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, чўзиқ фатҳали ҳамзани **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mukāfьāt → мукâфāт (мукофот);** асли **kafaьā** феълининг 'совға берди' маъноси билан ҳосил қилинган (АРС, 692) III боб масдари бўлиб (АТГ, 248), 'кишининг меҳнат фаолиятини тақдирлаб бериладиган совға (қимматбаҳо буюм ёки пул)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477). Бу сўздан ўзбек тилида **мукофотла-** феъли ясалган.

МУЛЗАМ: АРСда алоҳида келтирилмаган бу сўз асли **mulzam(un)** шаклига эга бўлиб, **lazima** феълидан 'жавобгар қилди' маъноси билан ҳосил қилинган IV боб шаклининг (АРС, 719) мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), асли 'жавобгар бўлган' маъносини англатади; бу сўз ўзбек тилида **мулзам бўл-, мулзам қил-** қўшма феъллари таркибида қатнашиб, 'бирор ножўя иши учун гуноҳкор ҳолатига тушиб, жим туриб қолиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477).

МУЛК Бу арабча сўз **mulk(un)** шаклига эга (АРС, 766); асли **malaka** феълининг 'эга бўлди' маъноси билан (АРС, 766) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'хусусий мол-дунё', 'подшоҳлик' маъноларини англатади (АРС, 766; ЎТИЛ, I, 477).

МУЛКДОР Бу сўз тожик тилида арабча **мулк** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб (ТжРС, 137, 136, 238) тузилган бўлиб, 'мулк эгаси', 'давлатманд' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477). Бу сўздан ўзбек тилида **мулк–**

www.ziyouz.com kutubxonasi

дорлик мавҳум оти ясалган.

МУЛОЗАМАТ Бу арабча сўз **mulāzamat(un)** шаклига эга (АРС, 719); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mulāzamat → мулâзамат (мулозамат);** асли кўпмаъноли **lazima** феълининг III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), араб тилида 'доим бирга бўлиш', 'бир-биридан ажралмаслик', 'тириш-қоқлик' маъноларини англатади (АРС, 719); ўзбек тилида бу сўз 'кишининг кўнглини олиш учун кўрсатилган илтифот, илиқ муомала' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 478). Бу сўз ТжРСда (238) **мулозимат** шаклида берилган.

МУЛОЗИМ Бу арабча сўз **mulāzim(un)**[1] шаклига эга (АРС, 719); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mulāzim → мулâзим (мулозим);** асли кўпмаъноли **lazima** феълининг III боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), араб тилида 'зарурий', 'ажралмас' каби маъноларни англатади (АРС, 719); ўзбек тили тарихида бу сўз 'юқори мартабали амалдор ҳузурида доим бўлиб, унинг барча топшириқларини бажарувчи хизматкор' маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 478).

МУЛОЙИМ Бу арабча сўз асли **mulāьim(un)** шаклига эга (АРС, 709); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **йи** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **mulāьim → мулâйим (мулойим);** тожик тилида аслига яқин **мулоим** шаклида ёзиш қабул қилинган (ТжРС, 238); кўпмаъноли **laьāma** феълининг 'ўринли, муносиб бўлди' маъноси асосида (АРС, 709) ҳосил қилинган III боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'юмшоқ', 'юмшоқ муомалали' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 479). Бу сўздан ўзбек тилида **мулойимлик** мавҳум оти, **мулойимлаш-** феъли ясалган.

МУЛОҚОТ Бу арабча сўз асли **mulāqāt(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлиларини **â** унлиларига алмаштириб қабул қилинган: **mulāqāt → мулâқâт (мулоқот);** кўпмаъноли **ъaliqa** феълининг 'мустаҳкам боғланди' маъноси билан (АРС, 532) ҳосил қилинган III боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 251), 'учра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 478).

МУЛОҲАЗА Бу арабча сўз **mulāḥažat(un)** шаклига эга (АРС, 715); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **mulāḥažat → мулâҳаза (мулоҳаза);** асли **laḥaža** феълининг 'эътибор берди' маъноси билан (АРС, 714) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'кишининг миясида бирор муносабат билан юзага келган фикр', 'ўй' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 478).

МУМКИН Бу арабча сўз **mumkin(un)** шаклига эга (АРС, 763); **makuna** феълининг 'амалга ошди' маъносини англатувчи IV боб шакли **ьimkana** сўзидан (АРС, 762) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), 'амалга оширса бўладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 479).

МУМСИК Бу арабча сўз **mumsik(un)** шаклига эга (АРС, 755); кўпмаъноли **masaka** феълининг 'ушлади' маъноси асосида (АРС, 744) ҳосил қилинган IV боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), 'ўта тежамкор', 'хасис' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 479).

МУМТОЗ Бу арабча сўз **mumtāz(un)** шаклига эга (АРС, 776); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mumtāz → мумтâз (мумтоз);** асли 'ижобий жиҳати билан ажралди' маъносини англатувчи **mayyaza** феълининг (АРС, 776) VIII боб шаклидан ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 312), 'ижобий жиҳати билан ажралиб турадиган', 'сара' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 479).

МУНАВВАР Бу арабча сўз **munavvar(un)** шаклига эга (АРС, 838); асли 'нур сочди' маъносини англатувчи **nāra** феълининг (АРС, 837) II боб шакли **navvara** сўзидан ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), 'нур билан ёритилган', 'порлаб турувчи', 'ёп-ёруғ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 479). Бу сўз одатда эркак кишининг, базангина аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. Аёл кишининг атоқли

www.ziyouz.com kutubxonasi

оти асли **Мунаввара** шаклига эга бўлиб, **Мунаввар** сўзига муаннас шакли ясовчи **-ат(ун)** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (АТГ, 29); ўзбек тилига бу қўшимчанинг **а** қисмини сақлаб, **т** қисмини ташлаб қабул қилинган.

МУНАВВАРА *қ.* **мунаввар**

МУНАЖЖИМ Бу арабча сўз **munaççim(un)** шаклига эга (АРС, 786); 'юлдузларга қараб фол очди' маъносини англатувчи **naçama**[2] феълининг (АРС, 786) II боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), 'юлдузларга қараб фол очувчи' (астролог) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 479). Бу сўзни 'астроном' маъносини англатиш учун ишлатиш мақбул эмас.

МУНАҚҚАШ Ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайдиган бу арабча сўз асли **munaqqaş(un)** шаклига эга; 'ўйиб, ранг бериб безак ҳосил қилди' маъносини англатувчи **naqaşa** феълидан (АРС, 824) ҳосил қилинган II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'нақшланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 479).

МУНАҚҚИД Бу арабча сўз асли **munaqqid(un)** шаклига эга; кўпмаъноли **naqada** феълининг 'ютуқ-камчиликларини кўрсатиб фикр билдирди' маъноси билан (АРС, 822) ҳосил қилинган II боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), 'танқидчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 479).

МУНДАРИЖА Бу арабча сўз асли кўпмаъноли **daraça**[2] феълининг 'киритди', 'жойлади' маъноси билан (АРС, 249) ҳосил қилинган VII боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 288), ўзбек тилига сўз охиридаги **т** товушини ташлаб қабул қилинган: **mundariçat → мундарижа;** 'асардаги бобларни, бўлимларни бетлари билан кўрсатувчи қисм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 479).

МУНИС Бу арабча сўз **muьnis(un)** шаклига эга (АРС, 47); ўзбек тилига сукунли ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **muьnis → мунис.** Бу сўз **ьanisa** феълининг (АРС, 46) 'суҳбатдош бўлиб хурсанд қилди' маъносини англатувчи IV боб **ānasa** шаклидан (АРС, 47) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), 'кўнгли очиқ', 'яқин ҳамдам' каби маънони англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, I, 479). Бу сўз эркак кишининг, муаннас шакли (**муниса**) эса аёл кишининг атоқли оти сифатида иш-латилади.

МУНИСА *қ.* **мунис**

МУНОЖОТ Бу арабча сўз **munāçāt(un)** шаклига эга (АРС, 787); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлиларини **â** унлила-рига алмаштириб қабул қилинган: **munāçāt → мунâжât (муножот);** асли 'ўз сирини ишониб айтди' маъносини англатувчи **naçā²** феълининг (АРС, 787) III боб масдари бўлиб (АТГ, 248), араб тилида 'пинҳона суҳбат, келишув' маъносини (АРС, 787), ўзбек тилида эса 'Оллога пин-ҳона илтижо қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 480).

МУНОЗАРА Бу арабча сўз **munāžarat(un)** шаклига эга (АРС, 811); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унли-сига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охи-ридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **munāžarat → мунāзара (мунозара);** асли **nažara** феълининг 'кўриб чиқди' маъноси билан (АРС, 810) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'маълум бир фикрга қўшил-маган ҳолда фикр билдириш', 'баҳслашиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 480).

МУНОЗАРАЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **муноза-ра** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'бир фикрга келинмаган', 'айрим кишилар рози бўлмаган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 480).

МУНОСАБАТ Бу арабча сўз **munāsabat(un)** шаклига эга (АРС, 798); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унли-сига алмаштириб қабул қилинган: **munāsabat → мунâсабат (муносабат); nasaba** феълининг 'боғлади', 'нисбат берди' маъноси билан (АРС, 797) ҳосил қилин-ган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), араб тилида 'муқобиллик', 'яроқлилик', 'ўринлилик', 'қариндошлик', 'қарашлилик', 'алоқадорлик' маъноларини (АРС, 798), ўзбек тилида эса 'кишилар орасидаги, киши билан нарса орасидаги алоқа, боғлиқлик' каби маънони анг-латади (ЎТИЛ, I, 480).

МУНОСАБАТДОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **му-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

носабат сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб тузилган бўлиб, 'боғлиқлиги, алоқаси бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 480).

МУНОСИБ Бу арабча сўз **munāsib(un)** шаклига эга (АРС, 798); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **munāsib → munâsib (муносиб); nasaba** феълининг 'боғлади', 'нисбат берди' маъноси билан (АРС, 797) ҳосил қилинган III боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'мос тушадиган', 'лойиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 480).

МУНОФИҚ Бу арабча сўз **munāfiq(un)** шаклига эга (АРС, 821); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **munāfiq → munâfiq (мунофиқ);** 'икки юзламалик қилди' маъносини англатувчи **nafaqa** феълининг III боб шаклидан (АРС, 821) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'икки юзламачи', 'носамимий' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 480). Бу сўздан ўзбек тилида **мунофиқлик** мавҳум оти ясалган.

МУНОФИҚОНА Бу сўз тожик тилида арабча **мунофиқ** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 239), 'мунофиқларча', 'мунофиқлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 480).

МУНТАЗАМ Бу арабча сўз **muntažim(un)** шаклига эга (АРС, 812); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига, **i** унлисини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muntažim → мунтазам;** асли кўпмаъноли **nažama** феълидан 'тартибга солди', 'тартибли равишда амалга оширди' маъноси билан (АРС, 812) ҳосил қилинган VIII боб шаклининг аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 310), 'белгиланган тартиб билан узлуксиз равишда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 480)

МУНТАЗИР Бу арабча сўз **muntažir(un)** шаклига эга (АРС, 811); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muntažir → мунтазир;** асли 'қаради' маъносини англатувчи **nažara** феълининг (АРС, 810) VIII боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

310), ўзбек тилида 'орзиқиб кутувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 480).

МУНШИЙ Бу арабча сўз **munşīьуу(un)** шаклига эга (АРС, 802); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, ҳамзани ва сўз охиридаги **уу** товушлари—дан бирини ташлаб қабул қилинган: **munşīьуу → мунший;** кўпмаъноли **naşaьa** феълидан 'ёзди' маъноси билан ҳосил қилинган IV боб шаклининг (АРС, 801) аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АРС, 226), араб тилида 'юзага келтирувчи', 'тузувчи', 'таҳрир қилувчи' маъноларини англатади (АРС, 802), ўзбек тилида эса тарихан бу сўз 'сарой котиби' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, I, 481).

МУОВИН Бу арабча сўз **muъāvin(un)** шаклига эга (АРС, 551); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **muъāvin → муâвин (муовин);** 'ёрдам берди' маъносини англатувчи феълнинг III боб шакли **ъavana** сўзидан (АРС, 551) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'ёрдамчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481).

МУОЛАЖА Бу арабча сўз **muъālaçat(un)** шаклига эга (АРС, 532); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muъālaçat → муâлажа (муолажа);** асли 'даволади' маъносини англатувчи **ъālaça** феълининг (АРС, 532) III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'касалликни даволаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481).

МУОМАЛА Бу арабча сўз **muъāmalat(un)** шаклига эга (АРС, 542); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muъāmalat → муâмала (муомала).** Бу сўз асли 'ишлади', 'фаолият кўрсатди' маъносини англатувчи кўпмаъноли **ъamila** феълининг III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'ўзаро нутқий муносабатда бўлиш', 'иш-юмуш юзасидан муносабатда бўлиш', 'савдо-сотиқ алоқаси', 'пул-маблағ бўйича олди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

берди' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 481). Бу сўздан 'нутқий муносабатда бўлиш' маъноси билан **муомалали** сифати ясалган.

МУРАББА Бу арабча сўз **murabbaъ(un)** шаклига эга (АРС, 284); ўзбек тилига сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **murabbaъ → мурабба; rabaъa** феълининг 'тўртинчи бўлди' маъноси билан (АРС, 283) ҳосил қилинган II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'ҳар бир банди тўрт мисрадан иборат шеър' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481).

МУРАББИЙ Бу арабча сўз асли **murabbiyy(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига сўз охиридаги бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **murabbiyy → мураббий;** асли **rabba** феълининг 'тарбиялади' маъноси билан (АРС, 281) ҳосил қилинган II боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), 'тарбияловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481).

МУРАББО Бу арабча сўз асли **murabbā(un)** шаклига эга бўлиб, сўз охиридаги чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган; **murabbā → мураббâ (мураббо);** асли 'кузатди' маъносини англатувчи **rabaьā** феълидан (АРС, 281) ҳосил қилинган II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 177), 'мевани шакар шарбатида қайнатиб тайёрланадиган ширинлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481).

МУРАККАБ Бу арабча сўз **murakkab(un)** шаклига эга (АРС, 311); **rakiba** феълининг 'бир-бирига қўшди' маъносини англатувчи **rakkaba** II боб шаклидан (АРС, 311) ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'бир неча бўлакдан таркиб топган', 'тушуниш қийин бўлган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 481). Бу сўздан ўзбек тилида **мураккаблаш-** феъли ясалган.

МУРИД Бу арабча сўз **murīd(un)** шаклига эга (АРС, 320); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **murīd → мурид;** асли кўпмаъноли **rāda** феълининг 'ўрганди' маъноси билан (АРС, 320) ҳосил қилинган IV боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 226), 'руҳонийни ўзига пир деб, унга мухмаъноли **rāda** феълининг 'ўрганди' маъноси билан (АРС, 320) ҳосил қилинган IV боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 226), 'руҳонийни ўзига пир деб, унга мух-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лис, шогирд бўлган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481).

МУРОД Бу арабча сўз **murād(un)** шаклига эга (АРС, 320); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **murād → мурâд (мурод);** асли кўпмаъноли **rāda** феълининг 'истади' маъноси билан (АРС, 320) ҳосил қилинган IV боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 226), 'амалга ошуви исталган орзу, мақсад' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481). Ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Бу сўз билан ўзбек тилида **мурод-мақсад** жуфт сўзи тузилган.

МУРОЖААТ Бу арабча сўз **murāçaъat(un)** шаклига эга (АРС, 288); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **murāçaъat → мурâжаат (мурожаат); raçaъa** феълининг 'кимгадир қарата ниманидир гапирди' маъносини англатувчи **rāçaъa** III боб шаклидан (АРС, 311) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 247), 'кимгадир қарата айтилган гап' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 482).

МУРОЖААТНОМА Бу сўз ўзбек тилида арабча **мурожаат** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини (ТжРС, 271) қўшиб тузилган бўлиб, 'мурожаат хати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 482).

МУРУВВАТ Бу арабча сўз **muruvvat(un)** шаклига эга (АРС, 748); 'мардлик фазилатларига эга бўлди' маъносини англатувчи **muruъā**[1] феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 748), 'бирор кишига одамийлик юзасидан кўрсатиладиган ёрдам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 482). Бу сўздан ўзбек тилида **мурувватли, мурувватсиз** сифатлари ясалган.

МУСАВВИР Бу арабча сўз **muŝavvir(un)** шаклига эга (АРС, 450); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muŝavvir → мусаввир;** кўпмаъноли **ŝavvara** феълининг 'расмини чизди' маъноси билан (АРС, 449) ҳосил қилинган II боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), араб тилида 'рассом',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'фотограф' маъноларини англатади (АРС, 450); бу сўз ўзбек тилида деярли ишлатилмайди (ЎКААҚЛ, 212).

МУСАФФО Бу арабча сўз **musâffâ** шаклига эга (АРС, 441); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чў— зиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **musâffâ → мусаффâ (мусаффо);** 'покиза, тиниқ бўлди' маъносини англатувчи **ŝāfa** феълидан (АРС, 440) ҳосил қилинган II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 177), араб тилида 'тозаланган' маъносини англатади (АРС, 441); ўзбек тилида 'ўта тоза', 'беғубор' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 482).

МУСБАТ Бу арабча сўз асли **mušbat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига ал— маштириб қабул қилинган: **mušbat → мусбат;** асли кўпмаъноли **šabata** феълининг 'тасдиқлади' маъноси асосида (АРС, 108) ҳосил қилинган IV боб мажҳул нис— бат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), 'ижобий тасдиқланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 482). Бу сўз асосан ма— тематика ва физика терминлари сифатида ишлатилади.

МУСИБАТ Бу арабча сўз **musîbat(un)** шаклига эга (АРС, 449); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чў— зиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **musîbat → мусибат;** кўпмаъноли **šāba** феълининг 'бахт— сизлик юз берди' маъносини англатувчи IV боб шак— лидан (АРС, 448) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифат— доши бўлиб (АТГ, 225), 'бахтсизлик', 'мотамсаро таш— виш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 482).

МУСЛИМ қ. **муслима**

МУСЛИМА Бу арабча сўз **muslimat(un)** шаклига эга бўлиб, **muslim(un)** сўзининг (АРС, 371) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шаклига тенг; ўзбек тилига **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muslimat → муслима. Муслима** сўзи ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (Бу сўз ЎТИЛда келтирилмаган). **Муслим** сўзи эса асли **salima** феълининг 'бўйсунди', 'итоат қилди' маъносини англа— тувчи IV боб шакли **ьaslama** сўзидан (АРС, 370) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224),

www.ziyouz.com kutubxonasi

'ислом динини қабул қилган', 'мусулмон' маъносини англатади (АРС, 371; ЎТИЛ, I, 483).

МУСЛИҲА Ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу арабча сўз асли **muṣlihat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muṣlihat → муслиҳа;** асли **ṣalaḥa** феълининг 'яхши бўлди', 'тўғри бўлди' маъноси билан (АРС, 442) ҳосил қилинган IV боб аниқ нисбат сифатдоши **muṣliḥ(un)** сўзининг (АТГ, 224) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), асли 'ислоҳ қилувчи' маъносини англатади (ЎКААҚЛ, 213).

МУСОБАҚА Бу арабча сўз **musābaqat(un)** шаклига эга (АРС, 345); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **musābaqat → мусâбақа (мусобақа);** кўпмаъноли **sabaqa** феълининг 'ғолиблик учун тортишди, курашди' маъносини англатувчи III боб шаклидан (АРС, 345) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 247), 'ғолиблик учун тортишув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 483).

МУСОДАРА Бу арабча сўз **muṣādarat(un)** шаклига эга (АРС, 432); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muṣādarat → мусâдара (мусодара);** асли **ṣadara** феълининг 'кетди' маъноси билан (АРС, 431) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), араб тилида 'тортиб олиш' маъносини англатади (АРС, 432); ўзбек тилида 'кимнингдир мол-мулкини, бойлигини расмий қарор билан давлат ихтиёрига тортиб олиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 483).

МУСОФИР Бу арабча сўз асли **musāfir(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **musāfir → мусâфир (мусофир);** асли 'доимо яшаб турган манзилидан бошқа узоқ, бегона манзилга жўнади' маъносини англатувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

•**safara**[1] феълининг (АРС, 360) III боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'бошқа юртдан келган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 483). Бу сўздан ўзбек тилида **мусофирлик, мусофирчилик** отлари ясалган.

МУСТАБИД Бу арабча сўз **mustabidd(un)** шаклига эга (АРС, 59); ўзбек тилига сўз охиридаги **dd** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **mustabidd → мустабид;** асли кўпмаъноли **badda** феълининг 'шафқатсиз муомала қилди' маъноси билан (АРС, 58) ҳосил қилинган VIII боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 310), 'чекланмаган ҳуқуққа эга ҳукмдор (подшо, хон, бек)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 483).

МУСТАМЛАКА Бу арабча сўз асли **mustamlaka** шаклига эга; 'эгаллади', 'қарам қилди' маъносини англатувчи **malaka** феълидан (АРС, 766) ҳосил қилинган X боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 332), 'босиб олинган, қарам мамлакат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 483). Бу сўздан ўзбек тилида **мустамлакачи, мустамлакачилик** отлари ясалган.

МУСТАСНО Бу арабча сўз асли **mustašnan** шаклига эга (АРС, 114); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **n** товушини ташлаб, ундан олдинги **a** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mustašnan → mustašna → мустасна (мустасно);** кўпмаъноли **šanā** феълининг X боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 334), 'истисно қилинган', 'ҳисобдан чиқарилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 338).

МУСТАҚИЛ Бу арабча сўз **mustaqill(un)** шаклига эга (АРС, 653); ўзбек тилига сўз охиридаги **ll** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **mustaqill → мустақил;** асли **qalla**[2] феълининг 'ўз эрки билан иш қилди' маъноси билан ҳосил қилинган X боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 332), 'ўз эрки билан яшаш, иш юритиш ҳуқуқига эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 483).

МУСТАҚИЛЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **мустақил** сўзидан (қ.) **-лик** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб, 'ўз эрки билан яшаш, иш юритиш ҳуқуқи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУСТАҚИМ Бу арабча сўз **mustaqīm(un)** шаклига эга (АРС, 667); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mustaqīm → мустақим;** асли кўпмаъноли **qāma** феълидан 'курашди', 'қаршилик қилди' маъноси билан ҳосил қилинган III боб шаклининг (АРС, 666) аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 310), 'ҳақиқатгўй', 'адолатли' каби маънони англатади (ЎҚААҚЛ, 215). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади.

МУСТАҲКАМ Бу арабча сўз **mustaḥkam(un)** шаклига эга (АРС, 188); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **mustaḥkam → мустаҳкам;** асли кўпмаъноли **ḥakama** феълининг 'маҳкам бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган X боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 332), 'маҳкам', 'пухта-пишиқ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 484). Бу сўздан ўзбек тилида **мустаҳкамла-** феъли ясалган.

МУСУЛМОН Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб (ТжРС, 243), асли арабча **муслим** сўзига (қ.) тожикча **-он** кўплик қўшимчасини (ТжРС, 536) қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **-он** қўшимчасининг кўплик маъносини ифодалаши уқилмай кетган; бу қўшимча қўшилганидан кейин қуйидаги товуш ўзгаришлари содир бўлган: **муслимон** сўзининг иккинчи бўғинидаги **и** унлиси талаффуз қилинмай, **сл** товушлари оралиғига **у** унлиси киритилган: **муслимон → мусулмон.** Бу сўз, худди араб тилидаги **муслим** сўзи каби, 'ислом динини қабул қилган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. **Мусулмон** сўзидан ўзбек тилида **мусулмончилик** мавҳум оти ясалган.

МУТАВАЛЛИ Бу арабча сўз **mutavallin** шаклига эга (АРС, 912); ўзбек тилига охиридаги **n** товушини ташлаб қабул қилинган. Бу сўз асли 'бошқарди' маъносини англатувчи **valiya**[2] феълининг 'бошқарувчи бўлди' маъносини англатувчи V боб шакли **tavalla** феълидан ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдошининг (АТГ, 197) қаратқич келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), 'мас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жидда хўжалик ишларининг нозири' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484).

МУТАКАББИР Бу арабча сўз **mutakabbir(un)** шаклига эга бўлиб, 'кибрли бўлди' маъносини англатувчи **kabura** феълининг (АРС, 674) V боб аниқ нисбат сифатдошига тенг (УАЯ, 567); араб тилида 'мағрур', 'кибрли' маъноларини англатади (АРС, 675), ўзбек тилига иккинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 484).

. МУТАНОСИБ Бу арабча сўз **mutanāsib(un)** шаклига эга (АРС, 798); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mutanāsib → мутанâсиб (мутаносиб); nasaba** феълининг 'бир-бирига мос бўлди' маъноси билан (АРС, 797) ҳосил қилинган VI боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 271), 'бир-бирига тенг, тўғри келадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484). Бу сўздан ўзбек тилида **мутаносиблик** мавҳум оти ясалган.

МУТАСАДДИ Бу арабча сўз асли **mutaŝaddin** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **n** ундошини ташлаб қабул қилинган: **mutaŝaddin → мутасадди;** асли **ŝadiā** феълининг 'бирор фаолиятни бажаришга рағбатланди' маъносини англатувчи **taŝaddā** V боб шаклидан (АРС, 433) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдошининг (АТГ, 199) қаратқич келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), 'бирор фаолиятни амалга ошириш учун жавобгар киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484).

МУТАФАККИР Бу арабча сўз 'фикрлади' маъносини англатувчи **факара** феълининг V боб шакли **тафаккара** сўзининг аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), 'чуқур фикрлаш қобилиятига эга киши', 'тафаккур қилиш истеъдоди соҳиби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484).

МУТАХАССИС Бу арабча сўз **mutaxaŝŝiŝ(un)** шаклига эга (АРС, 222); ўзбек тилига сад ундошларини **с** ундошларига алмаштириб қабул қилинган: **mutaxaŝŝiŝ → мутахассис; xaŝŝa** феълининг 'касб эгаси бўлди'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатувчи V боб шаклидан (АРС, 222) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), 'маълум бир ихтисос, касб эгаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484). Бу сўздан ўзбек тилида **мутахассислик** мавҳум оти ясалган.

МУТЕ Бу арабча сўз **mutīъ(un)** шаклига эга (АРС, 484); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб ва шунинг эвазига чўзиқ **ī** унлисини **е** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **mutīъ → муте;** асли 'бўйсунди' маъносини англатувчи **tāъa** феълининг (АРС, 483) IV боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 226), 'итоат қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484). Бу сўздан ўзбек тилида **мутелик** мавҳум оти ясалган.

МУТЛАҚ Бу арабча сўз **mutlaq(un)** шаклига эга (АРС, 480); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **mutlaq → мутлақ;** 'озод бўлди' маъносини англатувчи **talaqa** феълининг IV боб шаклидан ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), араб тилида 'озод', 'шак-шубҳасиз' маъноларини англатади (АРС, 480); ўзбек тилига ик—кинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 484).

МУТЛАҚО Бу арабча сўз **мутлақ** сўзи (қ.) охирига **-ā** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган равиш бўлиб (АРС, 480), 'шак-шубҳасиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484). Ўзбек тилида сўз охиридаги чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмашган.

МУТОЙИБА Бу арабча сўз асли **mutāyibat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **mutāyibat → мутâйиба (мутойиба); tāba** феълининг 'яхши кайфиятли бўлди' маъноси билан (АРС, 487) ҳосил қилинган III боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'кулги уйғатувчи ҳазил гап' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484).

МУТОЛАА Бу арабча сўз **mutālaъat(un)** шаклига эга (АРС, 479); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айн товушини **a** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **mutālaъat → мутâлаа (мутолаа); talaъa** феълининг 'ўқиб-ўрганди' маъносини англатувчи **tālaъa** III боб шаклидан (АРС, 478) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 247), 'ўқиб-ўрганиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484).

МУТТАСИЛ Бу арабча сўз **muttašil(un)** шаклига эга (АРС, 892); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muttašil → муттасил.** Бу сўз 'қўшди' маъносини англатувчи **vašala** феълидан ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АРС, 892), 'узлуксиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485).

МУТТАҲАМ Бу арабча сўз **muttaham(un)** шаклига эга (АРС, 914); асли 'хато қилди', 'адашди' маъносини англатувчи **vahima** феълидан ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб, араб тилида 'айбланувчи', 'гумон қилинувчи' маъноларини (АРС, 914), ўзбек тилида эса 'олди-берди муомаласида нопоклик қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485). Бу сўздан ўзбек тилида **муттаҳамлик, муттаҳамчилик** сўзлари ясалган.

МУФАЗЗАЛ Бу арабча сўз **mufaḍḍal(un)** шаклига эга (АРС, 601); ўзбек тилига дзад товушларини **з** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **mufaḍḍal → муфаззал.** Бу сўз асли **faḍala** феълининг 'устун бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган II боб шакли **faḍḍala** сўзининг (АРС, 601) мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), араб тилида 'дил тортар, кўнгил очар' (ўйин, машғулот) маъносини англатади (АРС, 601). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади.

МУФАССАЛ Бу арабча сўз **mufaṣṣal(un)** шаклига эга (АРС, 599); ўзбек тилига сад ундошларини **с** ундошларига алмаштириб қабул қилинган: **mufaṣṣal → муфассал;** асли **faṣala**[1] феълининг 'икир-чикиригача баён қилди' маъносини англатувчи **faṣṣala** II боб шаклидан (АРС, 598) ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'икир-чикиригача қамраб олинган'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485).

МУФТИ Бу арабча сўз асли **muftin** шаклига эга (АРС, 582); форс тилига **mufti** шаклида ўзлашган (ПРС, 516), ўзбек тилига шу шаклда қабул қилинган; **fatiā** феълининг 'ҳукм чиқарди', 'фатво берди' маъносини англатувчи **ьaftā** IV боб шаклидан (АРС, 582) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 226), 'шариат қонунларини талқин қилувчи ва шу асосда ҳукм чиқарувчи уламо' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485).

МУХБИР Бу арабча сўз **muxbir(un)** шаклига эга (АРС, 210); **xabara** феълининг 'хабар берди', 'хабардор қилди' маъносини англатувчи IV боб шакли **ьaxbara** сўзидан (АРС, 209) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), араб тилида 'хабардор қилувчи', 'репортёр' маъносини (АРС, 209), ўзбек тилида эса 'ахборот воситаларига турли хабарлар, мақолалар ёзиб юбориб турувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 484).

МУХЛИС Бу арабча сўз **muxliŝ(un)** шаклига эга (АРС, 233); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muxliŝ → мухлис;** асли кўпмаъноли **xalaŝa**[1] феълидан 'самимий муносабатда бўлди' маъноси билан (АРС, 232) ҳосил қилинган IV боб шаклининг аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), 'астойдил кўнгил қўйган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485). Бу сўз ва унинг муаннас шакли **Мухлиса** сўзи ўзбек тилида киши атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МУХЛИСА қ. **мухлис**

МУХОЛАФАТ Бу арабча сўз **muxālafat(un)** шаклига эга (АРС, 235); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muxālafat → мухâлафат (мухолафат);** кўпмаъноли **xalafa** феълининг III боб шаклидан 'қарши чиқди' маъноси билан (АРС, 234) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 247), 'қарама-қаршилик', 'зиддият' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485).

МУХОЛИФ Бу арабча сўз **muxālif(un)** шаклига эга (АРС, 235); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмаштириб қабул қилинган: **muxālif → мухâлиф (мухолиф);** кўпмаъноли **xalafa** феълининг III боб шаклидан 'қарши чиқди' маъноси билан (АРС, 234) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'қарши чиқувчи', 'қарши иш қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485).

МУХТАСАР Бу арабча сўз **muxtaŝar(un)** шаклига эга (АРС, 223); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muxtaŝar → мухтасар; xaŝira** феълининг **ыixtaŝara** VIII боб шаклидан (АРС, 223) ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 310), араб тилида 'қисқартирилган', 'қисқа', 'конспектлаштирилган' маъноларини (АРС, 223), ўзбек тилида эса 'қисқа', 'лўнда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485).

МУХТОР Бу арабча сўз **muxtār(un)** шаклига эга (АРС, 242); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muxtār → мухтâр (мухтор);** 'танлади', 'афзал кўрди' маъносини англатувчи **xāra** феълининг (АРС, 241) VIII боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 312), 'ўз ихтиёри билан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МУХТОРИЙАТ Бу арабча сўз **muxtāriyyat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **muxtāriyyat → мухтâрийат (мухторият); мухтор** сўзидан (қ.) **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'мустақиллик', 'автономия' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485).

МУШАРРАФ Бу арабча сўз **muşarraf(un)** шаклига эга (АРС, 401); **şarufa** феълидан 'шон-шарафли, иззат-ҳурматли бўлди' маъноси билан (АРС, 401) ҳосил қилинган II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), 'шон-шарафга молик', 'шарафланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУШКИЛ Бу арабча сўз **muşkil(un)** шаклига эга (АРС, 414); ЎКААҚЛда (223), ТжРСда (246) шу шаклда тўғри ёзилган бу сўз ЎТИЛда (I, 486), имло луғатларида хато равишда **мушкул** шаклида ёзилган. Бу сўз кўп маъноли **şakala** феълидан 'чалкаш бўлди' маъноси билан (АРС, 413) ҳосил қилинган IV боб шаклининг аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224) 'чалкаш', 'ечимини топиш қийин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 486). Бу сўздан ўзбек тилида **мушкиллаш-** феъли ясалган (Бу феъл ЎТИЛда ва имло луғатларида **мушкуллаш-** шаклида нотўғри ёзилиб қолган).

МУШКИЛКУШОД Бу сўз ўзбек тилида арабча **мушкил** сўзига (қ.) 'йўқ қил-', 'ҳал эт-' маъносини англатувчи тожикча **кушодан** феълининг **кушод** ўтган замон асосини қўшиб тузилган (Тожик тилида бу сўз **кушо** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган: ТжРС, 246); 'мушкил аҳволни бартараф қилиш мақсади билан амалга ошириладиган ирим-чиримлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 486).

МУШКИЛЛАШ- қ. **мушкил-**

МУШКИЛОТ Бу сўз арабча **мушкил** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'қийинчиликлар', 'мушкилликлар' маъносини билдиради (ЎТИЛ, I, 486). ЎКААҚЛда (223), ТжРСда (246) тўғри ёзилган бу сўз ЎТИЛда ва имло луғатларида **мушкулот** шаклида нотўғри ёзилиб қолган.

МУШКУЛ қ. **мушкил**

МУШКУЛЛАШ- қ. **мушкил-**

МУШКУЛОТ қ. **мушкилот**

МУШОИРА Бу арабча сўз **muşāẖarat(un)** шаклига эга (АРС, 407); ўзбек тилига чўзиқ **ā** товушини **â** товушига, фатҳали айн товушини **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muşāẖarat → мушâира (мушоира).** Бу сўз асли **şаъага** феълининг 'шеър ижод қилишда мусобақалашди' маъносини англатувчи III боб шакли **şāъara** сўзидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 247), 'шоирларнинг бир мавзу доирасида шу оннинг ўзида шеър ижод қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтишиш мусобақаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 486). Бундай вазндаги **музокара, муомала, мушоҳада** каби сўзларнинг учинчи бўғинида **а** унлиси айтилади ва ёзилади, фақат **мушоира** сўзида **и** унлисини айтиш ва ёзиш расмийлашган.

МУШОҲАДА Бу арабча сўз **muşāhadat(un)** шаклига эга (АРС, 419); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унли — сига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muşāhadat → мушâҳада (мушоҳада);** кўпмаъноли **şahida** феълининг 'ўз кўзи билан кўрди' маъноси асосида (АРС, 418) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'кузатиш' маъносини англа — тади (ЎТИЛ, I, 486). Бу сўз билан ўзбек тилида **мушоҳа — да қил-** қўшма феъли тузилган.

МУШТАРАК Бу арабча сўз **muştarak(un)** шаклига эга (АРС, 402); 'қатнашди' маъносини англатувчи **şarika** феълининг (АРС, 402) VIII боб мажҳул нисбат сифат — доши бўлиб (АТГ, 310), 'умумий', 'барчага тааллуқли' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 486).

МУШТАРИЙ Бу арабча сўз асли **muştarik(un)** шак — лига эга (АРС, 403); тожик тилида **муштарий** шаклида (ТжРС, 247), ўзбек тилида ҳам шу шаклда ишлатилади (ЎТИЛ, I, 486). **Муштарик** сўзи асли **şarika** феълининг VIII боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 310), 'обуна бўлган киши', 'абонент' маъноларини англатади (АРС, 402). Кўринадики, бу сўзни ўзбек тилида аслига мувофиқ **муштарик** шаклида ишлатиш маъқул.

МУШТАРИК қ. **муштарий**

МУШТОҚ Бу арабча сўз **muştāq(un)** шаклига эга (АРС, 422); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muştāq → муштâқ (муш — тоқ);** асли 'интилиш, хоҳиш уйғатди' маъносини англа — тувчи **şāqa** феълининг (АРС, 422) VIII боб мажҳул нис — бат сифатдоши бўлиб (АТГ, 311), 'сабрсизлик билан ку — таётган', 'интизор' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 456).

МУШФИҚ Бу арабча сўз **muşfiq** шаклига эга (ПРС, 499); 'ҳамдардлик билдирди' маъносини англатувчи **şafiqa** феълининг (АРС, 410) IV боб аниқ нисбат си —

www.ziyouz.com kutubxonasi

фатдоши бўлиб (АТГ, 224), 'шафқатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 486).

МУҚАДДАМ Бу арабча сўз **muqaddam(un)** шаклига эга (АРС, 627); **qadama** феълининг 'олдида борди' маъноси билан (АРС, 625) ҳосил қилинган II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), араб тилида бир неча маънони, шу жумладан 'олд томондаги' маъносини (АРС, 627), ўзбек тилида эса 'олдин', 'илгари' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 487). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МУҚАДДАС Бу арабча сўз **muqaddas(un)** шаклига эга (АРС, 625); 'илоҳий, табаррук деб билди' маъносини англатувчи **qadusa** феълининг (АРС, 625) II боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'илоҳий', 'табаррук' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 487). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МУҚАДДИМА Бу арабча сўз асли **muqaddimat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muqaddimat → муқаддима; qadama** феълининг 'олдида борди' маъноси билан (АРС, 625) ҳосил қилинган II боб аниқ нисбат сифатдошидан (УАЯ, 567) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида 'бошланғич қисм', 'сўзбоши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 487).

МУҚАРРАР Бу арабча сўз **muqarrar(un)** шаклига эга (АРС, 629); кўпмаъноли **qarra** феълининг 'ҳал қилди', 'қарор қилди' маъносини англатувчи II боб шаклидан (АРС, 628) ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'амалга ошиши шубҳасиз, қатъий' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 487).

МУҚИМ Бу арабча сўз **muqīm(un)** шаклига эга (АРС, 668); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muqīm → муқим;** асли кўпмаъноли **qāma** феълининг 'турди', 'яшади' маъноси билан (АРС, 666) ҳосил қилинган IV боб шаклининг аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 226), 'маълум маконда доимий яшовчи', 'доимо' каби маъноларни анг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

латади (ЎТИЛ, I, 487). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МУҚОБИЛ Бу арабча сўз **muqābil(un)** шаклига эга (АРС, 620); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muqābil → муқâбил (муқобил);** асли кўпмаъноли **qabila** феълининг 'кутиб олди' маъноси асосида (АРС, 620) ҳосил қилинган III боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), бу кўп-маъноли сўз ўзбек тилига 'ўрнига ўрин', 'ўрнини босувчи' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 487).

МУҚОЙАСА Бу арабча сўз **muqāyasat(un)** шаклига эга (АРС, 670); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muqāyasat → муқâйаса (муқояса);** кўпмаъноли **qāsa** феълининг 'чоғиштирди' маъноси билан ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'чоғиштириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 487).

МУҒАННИЙ Бу арабча сўз **ġaniā** феълининг (АРС, 573) II боб аниқ нисбат сифатдош шакли бўлиб (АТГ, 177), асли 'чолғучи', 'чолғу чалиб ашула айтувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 487). Изоҳли луғатда бу сўз форс-тожикча деб белгиланган.

МУҒОМБИР Бу арабча сўз асли **muъabbir(un)** шаклига эга бўлиб (ПРС, 509), тожик тилига айн товушини **ғ** товушига, биринчи **б** ундошини **м** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muъabbir → муғамбир** (ТжРС, 247); ўзбек тилида бу тожикча сўз таркибидаги а унлиси **â** унлисига алмаштирилган: **муғамбир → муғомбир;** кўпмаъноли **ъabara**[2] феълининг 'тушни таъбир қилди' маъноси билан (АРС, 494) ҳосил қилинган II боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), асли 'тушни таъбир қилувчи' маъносини англатади (ЎКААҚЛ, 199); бу сўз кўчма маънода 'айёр', 'қув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 487).

МУҒОМБИРОНА Бу сўз тожик тилида **муғамбир** сўзидан **-она** қўшимчаси билан ясалган бўлиб (ТжРС, 247, 542), ўзбек тилига **ғ** ундошидан кейинги **а** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **муғамбирона**

www.ziyouz.com kutubxonasi

→ **муғомбирона;** 'муғомбирларча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 487).

МУҲАББАТ Бу арабча сўз **muhabbat(un)** шаклига эга (АРС, 153); ўзбек тилига ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб қабул қилинган: **muhabbat** → **муҳаббат.** Бу сўз асли 'севди', 'кўнгил берди' маъноси-ни англатувчи **habba** феълининг II боб шакли **habbaba** сўзидан (АРС, 152) ҳосил қилинган мажҳул нисбат си-фатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'севги' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 487).

МУҲАЙЙО Бу арабча сўз **muhayyā(un)** шаклига эга (АРС. 865); ўзбек тилига сўз охиридаги чўзиқ **ā** унли-сини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muhayyā** → **муҳаййâ (муҳайё); hāya** феълининг 'тайёрлади' маъносини англатувчи **hayyāya** II боб шаклидан (АРС, 865) ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 176), 'келтириб қўйилган', 'тайёр' маъносини анг-латади (ЎТИЛ, I, 487). Бу сўз ўзбек тилида аёл киши-нинг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади; бу сўз би-лан **муҳаййо қил-** қўшма феъли тузилган.

МУҲАММАД *қ.* **алҳамдулилло**

МУҲАНДИС Бу арабча сўз **muhandis(un)** шаклига эга (АРС, 861); 'инженер бўлиб ишлади' маъносини англатувчи **handasa** феълининг II боб аниқ нисбат си-фатдоши бўлиб (УАЯ, 567), 'инженер' маъносини анг-латади (ЎТИЛ, I, 487).

МУҲАРРАМ Бу арабча сўз **muharram(un)** шаклига эга (АРС, 169); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muharram** → **муҳаррам; haruma** феълидан 'тақиқланди' маъноси би-лан ҳосил қилинган II боб шаклининг (АРС, 168) мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 175), 'тақиқланган' маъносини англатади; бу сўз — қамария йил ҳисоби-даги биринчи ойнинг номи (ЎТИЛ, I, 488). Ўзбек тилида бу сўз аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишла-тилади: муҳаррам ойида туғилган қизга шу ном бери-лади.

МУҲАРРИР Бу арабча сўз **muharrir(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 163); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muḥarrir → муҳаррир;** кўпмаъноли **ḥarra** феълининг 'текширди' маносини англатувчи **ḥarrara** II боб шаклидан (АРС, 162) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (УАЯ, 567), 'бирор матнни текшириб, ўзгартиришлар киритувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 488).

МУҲИМ Бу арабча сўз **muḥimm(un)** шаклига эга (АРС, 858); ўзбек тилига сўз охиридаги **mm** ундошларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **muḥimm → муҳим.** Бу сўз асли 'қизиқтирди', 'ўзига жалб қилди' каби маънони англатувчи **ḥamma** феълидан ҳосил қилинган IV боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), 'алоҳида аҳамиятга эга', 'аҳамият жиҳатидан биринчи даражали' каби маънони англатади (АРС, 858; ЎТИЛ, I, 488).

МУҲИТ I Бу арабча сўз **muḥīt(un)** шаклига эга (АРС, 202); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muḥīt → муҳит; ḥāta** феълининг 'атрофини ўради' маъносини англатадиган IV боб шаклидан (АРС, 202) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 225), 'ҳаёт, фаолият кечадиган табиий, ижтимоий шароит' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 488).

МУҲИТ II Бу арабча сўз **muḥīt(un)** шаклига эга (АРС, 202); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muḥīt → муҳит; ḥāta** феълининг 'атрофини ўради' маъносини англатадиган IV боб шаклидан ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 225), дастлаб 'қуруқликнинг атрофини ўраб олган катта сув' маъносини англатган бўлиб, кейинчалик 'океан' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 488). Ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МУҲЛАТ Бу арабча сўз **muḥlat(un)** шаклига эга (АРС, 771); кўпмаъноли **maḥala** феълининг 'вақт берди',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'муддатини чўзди' маъноси билан (АРС, 771) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'бирор фаолиятни бажариш учун белгиланган вақт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 488).

МУҲОЖИР Бу арабча сўз **muhāçir(un)** шаклига эга (АРС, 846); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muhāçir → муҳâжир (муҳожир);** кўпмаъноли **haçara** феълининг 'ўз юртидан ўзга юртга кетказди' маъносини англатувчи **haççara** II боб шаклидан (АРС, 846) ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 249), 'ўз юртидан кетиб, ўзга юртда яшовчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 488).

МУҲОКАМА Бу арабча сўз **muhākamat(un)** шаклига эга (АРС, 188); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muhākamat → муҳâкама (муҳокама);** асли кўпмаъноли **hakama** феълининг 'қарор чиқарди' маъноси билан (АРС, 187) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'кишилар орасида бирор масалани ҳал этиш мақсади билан ўтказиладиган фикр алмашув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 488). Бу сўз билан ўзбек тилида **муҳокама қил-** қўшма феъли тузилган.

МУҲОФАЗА Бу арабча сўз **muhāfažat(un)** шаклига эга (АРС, 183); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muhāfažat → муҳâфаза (муҳофаза);** кўпмаъноли **hafiža** феълининг 'ҳимоясига олди', 'сақлади' маъноси билан (АРС, 182) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'сақлаш', 'қўриқлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 488).

МУҲР Бу арабча сўз **muhr(un)**[2] шаклига эга (АРС, 771); кўпмаъноли **mahara**[2] феълининг 'тамға босди' маъноси билан (АРС, 771) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), асли 'тамға' маъносини англатган, кейинчалик 'печать' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

I, 488). Бу сўздан ўзбек тилида **муҳрли, муҳрла-** сўзлари ясалган.

МУҲРДОР Бу сўз тожик тилида арабча **муҳр** сўзига (Бу сўз тожик тилида **мӯҳр** тарзида айтилади ва ёзилади) 'эга бўл-' маъносини англатувчи **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 137, 136, 251), тарихан 'ҳукмдор саройида муҳрни сақловчи амалдор' маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 488). Қизиғи шуки, бу сўз **muhradār(un)** шаклида араб тилига ҳам олинган (АРС, 771).

МУҲТАРАМ Бу арабча сўз **muḥtaram(un)** шаклига эга (АРС, 169); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muḥtaram → муҳтарам; ḥaruma** феълининг 'иззат-икром кўрсатди' маъносини англатувчи VIII боб шаклидан (АРС, 168) ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 310), 'юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 488). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МУҲТАШАМ Бу арабча сўз **muḥtaşam(un)** шаклига эга (АРС, 175); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **muḥtaşam → муҳташам;** асли 'уялди', 'сипо бўлди' маъносини англатувчи **ḥaşama** феълидан ҳосил қилинган VIII боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 310), араб тилида 'ҳурматли' маъносини англатади (АРС, 175), ўзбек тилида эса бу сўз 'ҳашамли', 'ортиқ даражада безакли' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 488).

МУҲТОЖ Бу арабча сўз **muḥtāç(un)** шаклига эга (АРС, 200); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muḥtāç → муҳтâж (муҳтож);** 'етишмовчилик юзага келди' маъносини англатувчи **ḥavvaça** феълининг (АРС, 199) VIII боб шаклидан ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 312), 'бирор зарур нарсага эҳтиёжманд' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 489). Бу сўздан ўзбек тилида **муҳтожлик** мавҳум оти ясалган.

МЎМИН Бу арабча сўз **mūьmin(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 45); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **ў** унлисига алмаштириб, сукунли ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **mūьmin → мўмин.** Тожик тилида сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгиси ёзилган, ўзбек тилида бу белги қўйилмаган: ўзбек тилидаги талаффузи асосида ёзилган. Бу сўз асли 'содиқ бўлди', 'ишончли бўлди' каби маъноларни англатувчи **ьamuna** феълининг IV боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), 'имонли', 'Оллоҳ — нинг борлигига иқрор' (киши) маъносини англатади (АРС, 45; ЎТИЛ, I, 490). Бу сўз ўзбек тилида 'ювош', 'беозор' каби кўчма маъноларни ҳам англата бошлаган; ана шундай маъноси билан **мўмин-қобил, мўмин-мусулмон** жуфт сўзлари тузилган. **Мўмин** сўзи ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

МЎМИНТОЙ Бу сўз ўзбек тилида арабча **мўмин** сўзига (қ.) эркалаш маъносини ифодалашга хизмат қилувчи **той** сўзини (ЎТИЛ, II, 197) қўшиб тузилган бўлиб, болаларни эркалашда ишлатилади (ЎТИЛ, I, 490).

МЎЪЖАЗ Бу арабча сўз асли **muъçaz(un)** шаклига эга; ўзбек тилига **u** унлисини **ў** унлисига алмаштириб, айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **muъçaz → мўъжаз;** асли **ъaçaza**[2] феълининг 'кучсиз, заиф бўлди' маъноси асосида (АРС, 498) ҳосил қилинган IV боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 225), 'ихчам', 'кичкина' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490). ЎТИЛда бу сўз учун 'ажойиб' маъноси нотўғри ажратилган.

МЎЪЖИЗА Бу арабча сўз **muъçizat(un)** шаклига эга (АРС, 499); ўзбек тилига **u** унлисини **ў** унлисига алмаштириб, айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **muъçizat → мўъжиза; ъaçaza** феълининг 'ақл бовар қилмайдиган даражадаги ишни амалга оширди' маъносини англатувчи IV боб шаклидан ҳосил қилинган аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 225), 'ақл бовар қилмайдиган ҳодиса' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490)МЎЪТАБАР Бу арабча сўз **muъtabar(un)** шаклига

www.ziyouz.com kutubxonasi

эга (АРС, 494); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб ва **u** унлисини **ў** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **muътabar → мўътабар;** асли **ъabara**[2] феълининг (АРС, 494) 'ибрат қозонди' маъноси билан ҳосил қилинган VIII боб мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 310), 'ибрат оларли', 'эътиборли' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 490).

МЎЪТАДИЛ Бу арабча сўз **muътadil(un)** шаклига эга (АРС, 502); ўзбек тилига **u** унлисини **ў** унлисига алмаштириб, айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **muътadil → мўътадил; ъadala**[1] феъ—лининг 'мутаносиб ҳолатга келди' маъноси билан (АРС, 502) ҳосил қилинган VIII боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 310), араб тилида 'келишган', 'мутаносиб', 'ўртача' маъноларини англатади (АРС, 502), ўзбек тилига охирги маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 490).

МЎҲМАЛ Бу арабча сўз **muhmal(un)** шаклига эга (АРС, 860); **hamala** феълининг 'эътиборсиз қолдирди' маъносини англатувчи IV боб шаклидан (АРС, 860) ҳо—сил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 224), араб тилида 'эътиборсиз қолдирилган', 'узоқ вақт ишлатилмаган' каби маъноларни (АРС, 860), ўзбек тилида эса 'ноаниқ', 'тушуниб бўлмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490).

Н

НАБИ Бу арабча сўз 'баланд бўлди' маъносини англатувчи **nabāьa** феълининг 'пайғамбар бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 568), **nabiyy(un)** шаклига эга (АРС, 779); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларини ташлаб қабул қилинган: **nabiyy → наби.** 'Пайғамбар', 'Оллоҳнинг хоҳишини бандаларига етказувчи' маъносини англатадиган бу сўзни эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиш нотўғри (ЎТИЛ, I, 491).

НАВБАТ Бу арабча сўз **navbat(un)** шаклига эга (АРС, 837); **nāba**[2] феълининг 'ўрнига ўрин бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 836), 'гал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 491). Бу сўз билан ўзбек тилида **навбатма-навбат** такрор сўзи тузилган.

НАВБАТЧИ Бу сўз асли русча дежурный сўзининг калькаси бўлиб, арабча **навбат** сўзидан **-чи** қўшимчаси билан ясалган. Бу сўз ҳатто араб тилига ҳам ўзлашган (АРС, 837).

НАВБАТЧИЛИК Бу сўз асли русча **дежурство** сўзининг калькаси бўлиб, **навбатчи** сўзидан **-лик** қўшимчаси билан ясалган.

НАДОМАТ Бу арабча сўз **nadāmat(un)** шаклига эга (АРС, 792); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nadāmat → надâмат (надомат);** 'ўкинди' маъносини англатувчи **nadima** феълининг (АРС, 792) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ўкинч' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 492).

НАЖОТ Бу арабча сўз **naçāt(un)** шаклига эга (АРС, 787); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **naçāt → нажât (нажот);** асли 'қутулди' маъносини англатувчи **naçā**[1] феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 787), 'қутулиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 492). Бу сўздан ўзбек тилида **нажотсиз** сифати ясалган.

НАЖОТКОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **нажот** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган бўлиб, 'қутқарувчи', 'қутулиш йўлини кўрсатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 492).

НАЗАР Бу арабча сўз **nažar(un)** шаклига эга (АРС, 811); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nažar → назар;** асли **nažara** феълининг 'қаради' маъноси билан (АРС, 810) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'нигоҳ', 'тушуниш' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 492). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. **Назар** сўзи **нуқтайи назар** изофа бирикмаси, **назар-писанд қилма-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

НАЗАРИЙ Бу арабча сўз **nažariyy(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 812); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **nažariyy → назарий;** асли **nažara** феълининг 'кузатди' маъносидан (АРС, 810) ўсиб чиққан 'фикрлади' маъноси билан (АРС, 811) ҳосил қилинган I боб масдари **nažar(un)** сўзидан (УАЯ, 568) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'назарияга оид', 'назарияга асосланган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 492).

НАЗАРИЙА Бу арабча сўз **nažariyyat(un)** шаклига эга (АРС, 812); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини ва сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **nažariyyat → назарийа (назария);** асли **nažara** феълининг I боб масдари **nažar(un)** сўзидан (УАЯ, 568) **–iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 501), 'воқеа-ҳодисалар ҳақидаги умумлашма фикр', 'фикрлашга асосланган билим' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 492). Бу сўздан ўзбек тилида **назариячи** шахс оти ясалган; изоҳли луғатга шундай маънони англатувчи деб **назариётчи** сўзининг киритилгани ўринли эмас (ЎТИЛда **назариёт** сўзини бермай тўғри қилинган).

НАЗАРИЙОТЧИ қ. **назарийа**

НАЗАР-ПИСАНД ҚИЛМА- қ. **назар**

НАЗЗОРА: Бу арабча сўз асли **naẓẓārat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига изғи ундошларини **з** ундошларига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **naẓẓārat → наззâра (наззора);** асли **nažara** феълининг 'қаради' маъноси билан (АРС, 810) ясалган **naẓẓār(un)** шахс оти-дан (УАЯ, 498) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'диққат билан қараш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 493). Бу сўз мустақил қўлланмайди, шеъриятда **наззора қил-** қўшма феълы таркибида ишлатилади.

НАЗЗОРА ҚИЛ- қ. **наззора**

НАЗИР қ. **назира**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАЗИРА Бу арабча сўз **nažīrat(un)** шаклига эга (АРС, 812); ўзбек тилига изғи ундошини **ž** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охирида-ги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **nažīrat → назира;** асли **nažara** феълининг 'кузатди' маъноси билан (АРС, 810) ясалган **nažīr(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'ўхшашлик', 'нусха', 'намуна' каби маъноларни (АРС, 812), ўзбек тилида эса 'бирор шоир асарига эргашиб, ўша вазн ва қофия билан ёзилган шеър' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 493). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Бу сўзнинг **назир** (музаккар) шакли эса эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

НАЗЛА Бу арабча сўз **nazlat(un)** шаклига эга (АРС, 796); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **nazlat → назла;** асли 'шамоллади' маъносини англатувчи **nazila** феълининг (АРС, 795) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилидан бу кўп-маъноли сўз 'шамоллаш' маъноси билан қабул қилинган ва маъно тараққиёти натижасида 'кучли шамоллаш оқибатида кўз-бурундан оқадиган шилимшиқсимон сариқ сув' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 493).

НАЗМ Бу арабча сўз **nažm(un)** шаклига эга (АРС, 812); ўзбек тилига изғи ундошини **ž** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nažm → назм;** асли 'дурни ипга терди', 'тартибга солди' маъноларини англатувчи **nažama** феълининг (АРС, 812) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'дурни ипга териш', 'шеър ёзиш', 'шеърият' маъноларини (АРС, 812), ўзбек тилида эса 'шеър', 'шеърият' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 493). Ўзбек тилида **нозим, нозима** сўзлари ҳам мавжуд бўлиб, эркак ва аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади; бу сўзлар **nažama** феълининг I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'тартибга солувчи', 'шоир(а)' маъноларини англатади (ЎКААҚЛ, 242). **Назм** сўзи **назми** шаклида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади, 'тартибли' маъносини англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ТжРС, 255).

НАЗМИ қ. **назм**

НАЗОРАТ Бу арабча сўз **nižārat(un)** шаклига эга (АРС, 811); ўзбек тилига **i** унлисини **a** унлисига (тожик тилида ҳам шундай ўзгартириб: ТжРС, 255), изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nižārat → назâрат (назорат);** асли **nažara** феълининг 'кузатди' маъноси билан (АРС, 810) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'бошқарма' маъносини (АРС, 811), ўзбек тилида эса 'кузатиб, текшириб туриш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 493). Бу сўздан ўзбек тилида **назоратчи** шахс оти, **назоратсиз** сифати ясалган.

НАЗОРАТЧИ қ. **назорат**

НАИМ, НАИМА қ. **неъмат**

НАС қ. **наҳс**

НАСАБ Бу арабча сўз **nasab(un)** шаклига эга (АРС, 798); **nasaba** феълининг 'келиб чиқишини, наслини нима биландир боғлади' маъноси билан (АРС, 797) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'қариндошлик', 'алоқа-муносабат' маъноларини (АРС, 798), ўзбек тилида эса 'келиб чиқиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 496). Бу сўз билан ўзбек тилида **насл-насаб** жуфт сўзи тузилган.

НАСИБ Бу арабча сўз **naŝīb(un)** шаклига эга (АРС, 806); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **naŝīb → насиб;** кўпмаъноли **naŝaba** феълининг 'белгилади' маъноси билан (АРС, 805) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'азалан (тақдиран) белгиланган улуш, қисмат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 496). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **насиб эт-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

НАСИБА Бу сўз асли арабча **насиб** сўзининг (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **насибат → насиба; насиб** сўзи англатган маънони билдиради (ЎТИЛ, I, 496);

www.ziyouz.com kutubxonasi

аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

НАСИЙА Бу арабча сўз **nasīьat(un)** шаклига эга (АРС, 797); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, фатҳали ҳамзани **уа** товушларига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **nasīьat → насийа (насия);** асли **nasaьa** феълининг 'кредитга берди' маъноси билан (АРС, 797) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, 'кредитга сотиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 496).

НАСИМ Бу арабча сўз **nasīm(un)** шаклига эга (АРС, 801); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nasīm → насим; nasama** феълининг 'шабада эсиб турди' маъноси билан (АРС, 800) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'шабада' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 496). Ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида, **насима** муаннас шакли эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

НАСИМА қ. **насим**

НАСИҲАТ Бу арабча сўз **naŝīhat(un)** шаклига эга (АРС, 806); ўзбек тилига сад товушини **с** товушига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига алмаштириб қабул қилинган: **naŝīhat → насиҳат.** Бу сўз асли 'яхшиликка даъват қилди' маъносини англатувчи **naŝaha** феълидан (АРС, 806) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'яхшиликка даъват қилиб айтилган маслаҳат', 'ўгит' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 496).

НАСИҲАТГЎЙ Бу сўз ўзбек тилига тожик тилидан олинган (ТжРС, 258); асли арабча **насиҳат** сўзига (қ.) 'гапир-' маъносини англатувчи тожикча **гуфтан** феълининг **гӯй** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 110); ўзбек тилида 'насиҳат қилишни ёқтиради-ган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 496). Бу сўздан ўзбек тилида **-лик** қўшимчаси билан **насиҳатгўйлик** мавҳум оти ясалган.

НАСИҲАТОМУЗ Бу сўз тожик тилида арабча **насиҳат** сўзига (қ.) 'аралаштир-', 'қориштир-' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатувчи тожикча **омехтан** феълининг **омез** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 286, 258); ўзбек тилига охирги бўғинидаги **е** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган, чунки ўзбек тилида **е** унлиси сўзнинг иккинчи ва ундан кейинги бўғинида келмайди. Асли **е** унлисини унга яқин **и** унлисига алмаштириш (**насиҳатомиз** каби) лозим эди, нимагадир **у** унлисига алмаштириб юборилган; 'насиҳатга ўхшаш', 'насиҳат—сифат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 496).

НАСЛ Бу арабча сўз **nasl(un)** шаклига эга (АРС, 800); **nasala** феълининг 'туғди' маъноси билан (АРС, 800) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'бир аждоднинг авлоди', 'зот' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 496). Ўзбек тилида бу сўз билан **наслдош, наслли, наслсиз, наслчилик** сўзлари ясалган, **насл-насаб** жуфт сўзи тузилган.

НАСЛДОР Бу сўз тожик тилида арабча 'зот' маъносини англатувчи **насл** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 137, 136, 258); 'зотли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 496).

НАСЛ-НАСАБ *қ.* **насл**

НАСР Бу арабча сўз **našr(un)** шаклига эга (АРС, 784); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **našr → наср;** асли 'сочди' маъносини англатувчи **našara** феълининг 'прозада ёзди' маъноси билан (АРС, 784) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'проза' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 497).

НАСРИЙ Бу арабча сўз **našriyy(un)** шаклига эга (АРС, 784); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **našriyy → насрий; našr** (наср) сўзидан (қ.) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'наср билан ёзилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 497).

НАТИЖА Бу арабча сўз **natīçat(un)** шаклига эга (АРС, 783); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган: **natīçat → натижа; nataça** феълининг 'бирор фаолият оқибатида юзага келди' маъноси билан (АРС, 782) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'бирор фаолият оқибатида юзага келган ҳолат' маъно-сини англатади (ЎТИЛ, I, 497). Бу сўздан ўзбек тилида **натижали, натижасиз** сифатлари ясалган.

НАФ Бу арабча сўз **nafъ(un)** шаклига эга (АРС, 820); ўзбек тилига сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **nafъ → наф;** 'фойда келтирди' маъносини англатувчи **nafaъa** феълининг (АРС, 820) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'бирор фаолият натижасидан кутила-диган фойда, манфаат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 497).

НАФАР Бу арабча сўз **nafar(un)** шаклига эга (АРС, 818); кўпмаъноли **nafara** феълидан (АРС, 818) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилидаги 'бир ки-ши' маъноси асосида юзага келган 'дона' маъносини англатади, кишиларга нисбатан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 497).

НАФАС Бу арабча сўз **nafas(un)** шаклига эга (АРС, 819); **nafisa** феълининг (АРС, 818) 'ўпкага ҳаво олди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ўпкага олинадиган ҳаво' маъносини, кўчма маънода эса 'ўпкага бир марта ҳаво олишга кетадиган вақт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 497).

НАФАҚА Бу арабча сўз **nafaqat(un)** шаклига эга (АРС, 821); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **nafaqat → нафақа; nafaqa**[1] феълининг 'сарфланди' маъноси билан (АРС, 821) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилида 'харажат', 'алимент' маъноларини англатади (АРС, 821); ўзбек ти-лида бу сўз 'камдаромад кишиларга бериладиган ёрдам пули', 'пенсия' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 497).

НАФИС Бу арабча сўз **nafīs(un)** шаклига эга (АРС, 820); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаш-тириб қабул қилинган: **nafīs → нафис;** 'қимматбаҳо бўлди' маъносини англатувчи **nafusa** феълидан (АРС, 818) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

'қимматбаҳо', 'қадр-қийматли' маъносини англатади (АРС, 820); ўзбек тилида бу сўз 'гўзал ва нозик' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 497). Бу сўзнинг **нафиса** муаннас шакли аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

НАФИСА қ. **нафис**

НАФОСАТ Бу арабча сўз **nafāsat(un)** шаклига эга (АРС, 818); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nafāsat → нафâсат (нафосат);** 'қимматбаҳо бўлди' маъносини англатувчи **nafusa** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'нафислик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 498).

НАФРАТ Бу арабча сўз **nafrat(un)** шаклига эга (АРС, 818); кўпмаъноли **nafara** феълининг 'кучли даражада жирканди' маъноси билан (АРС, 818) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'кучли даражада жиркаииш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 498). Бу сўздан ўзбек тилида **нафратлан-** феъли ясалган.

НАФС Бу арабча сўз **nafs(un)** шаклига эга (АРС, 818); **nafisa** феълининг 'эга бўлиш учун интилди' маъноси билан (АРС, 819) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'интилиш', 'ғурур', 'ҳирс' каби маъноларни англатади (АРС, 819); ўзбек тилида бу сўз 'кишининг бирор нарсага эга бўлиш истаги' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 498).

НАФСАМБИР Бу сўз асли арабча **нафсиламр** сўзининг (қ.) ўзбек сўзлашув тилида воқе бўлган товуш ўзгаришлари натижасида юзага келган: 1) **ил** товушлари ташланган: **нафсиламр → нафсамр;** 2) **мр** товушлари оралиғига **би** товушлари қўшилган: **нафсамр → нафсамбир.**

НАФСИЛАМР Бу арабча бирикма **fi nafs al ьamr** шаклига эга бўлиб (АРС, 819), ўзбек тилида **фи** предлоги ташланиб, қолган қисмлар фатҳали ҳамзани **а** товушига алмаштирган ҳолда бир сўзга бирлаштирилган; асли араб тили талаффуз қоидасига биноан **нафсуламр** айтилиши ва шундай ёзилиши тўғри (Тожик тилига шундай шаклида олинган: ТжРС, 260), лекин ўзбек тилига **у**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган; 'ҳақиқатда', 'тўғрисини айтганда' каби маънони англатади (АРС, 819; ЎТИЛ, I, 498).

НАФСОНИЙАТ Бу арабча сўз **nafsāniyyat(un)** шаклига эга (АРС, 819); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, тарқибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **nafsāniyyat → нафсâнийат (нафсоният);** асли **нафс** сўзи (қ.) асосида ясалган **нафсоний** нисбий сифатидан ясалган мавҳум от бўлиб (АРС, 819), 'кишининг ўз қадр-эътибори ҳақидаги туйғуси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 498).

НАША Бу арабча сўз асли **naṣ̌at(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **naṣ̌at → наша; naṣ̌aṭa**[2] феълининг 'ажратиб олди' маъноси асосида (АРС, 804) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), ўзбек тилида 'поясидан тола, уруғидан ёғ, наркотик модда олинадиган ўсимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 498).

НАШР Бу арабча сўз **naṣ̌r(un)** шаклига эга (АРС, 803); **naṣ̌ara**[1] феълининг 'чоп этди' маъноси билан (АРС, 802) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'чоп этиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 498).

НАШРИЙОТ Бу арабча сўз асли **naṣ̌riyyāt(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига тарқибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **naṣ̌riyyāt → нашрийâт (нашриёт); нашр** сўзидан (қ.) **-иййāт(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'нашр этиш билан шуғулланувчи муассаса' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 499). Бу сўздан ўзбек тилида **нашрийотчи** ('нашриёт ходими') сўзи ясалган.

НАШЪА Бу арабча сўз **naṣvat(un)** шаклига эга (АРС, 805); ўзбек тилига **v** товуши ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **naṣvat → нашъа; naṣiā** феълининг 'кайф қилди' маъноси асосида (АРС, 805) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), асли 'кайф қилиш' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади (АРС, 805); ўзбек тилида 'эстетик лаззат', 'ҳузур' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 499). Бу сўздан ўзбек тилида **нашъали** сифати ясалган.

НАЪЛ қ. **нағал**

НАЪЛАТ қ. **лаънат**

НАЪРА Бу арабча сўз **наъrat(un)** шаклига эга (АРС, 813); ўзбек тилига айн товуши ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **наъrat → наъра; наъага** феълининг 'ҳўкизга ўхшаб бўкирди' маъноси билан (АРС, 813) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'бўкириш' маъносини (АРС, 813), ўзбек тилида эса 'ҳавони ларзага келтирувчи ваҳимали товуш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 499).

НАҚАРОТ Бу арабча сўз **naqarāt(un)** шаклига эга (АРС, 823); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **naqarāt → нақарâт (нақарот);** кўпмаъноли **naqara** феълининг 'музика асбобини чертди' маъноси билан (АРС, 823) ҳосил қилинган I боб масдари **naqrat(un)** сўзининг **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), араб тилида 'такрор-такрор чертиш' маъносини (АРС, 823), ўзбек тилида эса 'қўшиқнинг такрорланувчи банди' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 499).

НАҚД Бу арабча сўз **naqd(un)**[2] шаклига эга (АРС, 823); кўпмаъноли **naqada** феълининг 'қўлида бор пул билан тўлади' маъноси асосида (АРС, 822) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'қўлида бор (пул)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 499).

НАҚЛ Бу арабча сўз **naql(un)** шаклига эга (АРС, 827); кўпмаъноли **naqala** феълининг 'гапириб берди' маъноси билан (АРС, 826) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида саккиз маънони англатиши таъкидланган (АРС, 827); ўзбек тилида бошқача маънони — 'оғиздан оғизга ўтиб келаётган ҳикматли сўзлар, ҳикоят' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 499).

НАҚШ Бу арабча сўз **naqş(un)** шаклига эга (АРС, 824); 'ўйиб, ранг бериб безак ҳосил қилди' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатувчи **naqaşa** феълининг (АРС, 824) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ўйиб, ранг бериб ҳосил қилинган безак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490). Бу сўздан ўзбек тилида **нақшли** сифати, **нақшла-** феъли ясалган.

НАҚШДОР Бу сўз тожик тилида арабча **нақш** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 137, 136, 261); 'нақш солинган', 'нақш билан безатилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490).

НАҚШИН Бу сўз тожик тилида арабча **нақш** сўзи— дан (қ.) **-ин** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 261), 'нақш солинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490).

НАҚШИНКОР Бу сўз ўзбек тилида **нақшин** сўзидан (қ.) **-кор** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган сифат бўлиб, 'нақшлар билан безатилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490).

НАҚҚОШ Бу арабча сўз **naqqāş(un)** шаклига эга (АРС, 824); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **naqqāş → наққâш (нақ— қош);** 'ўйиб, ранг бериб безак ҳосил қилди' маъносини англатувчи **naqaşa** феълидан (АРС, 824) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 240), 'нақшкор уста' маъносини англа— тади (ЎТИЛ, I, 490). Бу сўздан ўзбек тилида **наққошлик** мавҳум оти ясалган.

НАҒАЛ Бу сўз арабча бўлиб, **naъl(un)** шаклига эга (АРС, 814); ўзбек сўзлашув тилида айн товуши **ғ** тову— шига алмаштирилган, сўнгра **ғл** товушлари оралиғига **а** унлиси қўшилган: **naъl → нағл → нағал; naъala** феъ— лининг 'тақа (тақача) қоқди' маъноси билан (АРС, 814) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'оёқ кийимининг пошнасига қоқиладиган тақача' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 500).

НАҒМА Бу арабча сўз **naġmat(un)** шаклига эга (АРС, 815); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **naġmat → нағма; naġama** феълининг 'ашула айтди' маъноси билан (АРС, 815) ҳо— сил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб ти—

www.ziyouz.com kutubxonasi

лида 'куй', 'оҳанг' маъносини, ўзбек тилида эса, бундан ташқари, 'лабда пуфлаб чалинадиган музика асбоби' маъносини ҳам англатади (ЎТИЛ, I, 500).

НАҲОР Бу арабча сўз **nahār(un)** шаклига эга (АРС, 833); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nahār → наҳâр (наҳор);** 'тез оқади' маъносини англатувчи **nahara** феълига бағишланган мақола таркибида келтирилган бу сўз араб тилида 'кундуз' маъносини англатиши айтилган (АРС, 833); ўзбек тилида бу сўз 'эрта тонг', 'тонготар' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 500). Ўзбек тилида бу сўздан **наҳорлик** сўзи ясалган ('эрта тонгдаги нонушта' маъносини англатади).

НАҲОРЛИК қ. **наҳор**

НАҲР қ. **анҳор**

НАҲС Бу арабча сўз **nahs(un)** шаклига эга (АРС, 788); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nahs → наҳс;** 'бахтсиз, омадсиз бўлди' маъносини англатувчи **nahasa** феълидан (АРС, 733) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'бахтсизлик', 'омадсизлик' маъносини англатади (АРС, 788); ўзбек тилида бу сўз 'ғусл қилмаганлик', 'нопоклик' маъносини англатади. Изоҳли луғатда бу сўз сифат (белги маъносини англатувчи сўз) тарзида изоҳланган (ЎТИЛ, I, 500). **Наҳс** сўзи сўзлашув тилида **нас** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

НЕЪМАТ Бу арабча сўз **niʾmat(un)** шаклига эга (АРС, 815); ўзбек тилига **i** товушини **е** товушига алмаштириб, айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **niʾmat → неъмат** (Бу от сўзлашув тилида **ниғмат** тарзида ҳам талаффуз қилинади). **Неъмат** сўзи асли 'тўкинчилик билан, мамнунлик билан ҳаёт кечирди' маъносини англатувчи **naʾima** феълининг масдари бўлиб (АРС, 814), 'тўқчилик', 'тўкинчилик' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 502). Бу сўз эркак киши-нинг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида **naʾima** феълидан ҳосил қилинган **наим, наима** сўзлари ҳам мавжуд, **Наим** эркак кишининг, **Наима** аёл

www.ziyouz.com kutubxonasi

кишининг атоқли оти бўлиб хизмат қилади. **Наим** сўзи асли **паъīм(un)** шаклига эга (АРС, 815); **паъіма** феъли — дан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 143), 'тўкинсочинлик билан ўтадиган ҳаёт' маъносини англатади (АРС, 815). **Наима** сўзи **Наим** сўзининг **-ат(ун)** қўшим — часи билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига бу қўшимчанинг **а** қисмини сақлаб, **t** қисмини ташлаб қабул қилинган. **Наъим** сўзи чўзиқ касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **наъим → наим.** Ўзбек тилида эркак киши — нинг атоқли оти бўлиб келадиган **Нуъмон** сўзи ҳам мавжуд; бу сўз араб тилида ҳам шундай вазифада иш — латилиб, **nuъmānu** шаклига эга (АРС, 814); ўзбек тилига айн товуши ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **nuъmānu → нуъмâн (нуъмон). Нуъмон** сўзи юқорида изоҳланган **паъіма** феълининг масдарларидан бири бўлиб (АТГ, 143), 'бахтли бўлиш' каби маънони англатади.

НИЗО Бу арабча сўз **nizāъ(un)** шаклига эга (АРС, 795); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига ал — маштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилин — ган: **nizāъ → низâ (низо);** кўпмаъноли **nazaъa** феъли — нинг 'тортишди', 'курашди' маъносини англатувчи **nāzaъa** III боб шаклидан (АРС, 794) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 247), 'тортишув', 'келишмовчилик' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 502). Бу сўздан ўзбек тилида **низоли** сифати, **низолаш-** феъли ясалган.

НИЗОМ Бу арабча сўз **nižām(un)** шаклига эга (АРС, 813); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nižām → низâм (низом);** асли **nažama** феълининг 'тар — тибга солди' маъноси билан ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), араб тилида беш маънони англатувчи бу сўз ўзбек тилига 'амал қилиш лозим қонун-қоидалар ёзилган расмий ҳужжат' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 502). Бу сўз ўзбек тилида эр — как кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Атоқли шоир Низомийнинг номи ҳам **низом** сўзидан **-ий** қўшимчаси билан ясалган (АТГ, 48).

НИЗОМИЙ қ. **низом**

НИЙАТ Бу арабча сўз **niyyat(un)** шаклига эга (АРС, 841); ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бири — ни ташлаб қабул қилинган: **niyyat → нийат (ният);** кўпмаъноли **navā** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 841), 'кўнгилдаги истак-орзу, мақсад' маъносини англа — тади (ЎТИЛ, I, 504).

НИКОҲ Бу арабча сўз **nikāh(un)** шаклига эга (АРС, 828); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилин — ган: **nikāh → никâҳ (никоҳ); nakaha** феълининг 'эр-хо — тинликни шариат йўли билан расмийлаштирди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 828), 'эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 502).

НИСБАТ Бу арабча сўз **nisbat(un)** шаклига эга (АРС, 798); **nasaba** феълининг 'боғлади' маъноси билан (АРС, 797) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тили луғатида тўрт маъноли деб тасвирланган бу сўз ўзбек тилида асосан 'нарсаларнинг ҳажми, миқ — дори жиҳатидан қиёсланадиган фарқи' маъносини анг — латувчи математика термини сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 503). Бу сўзни тилшунослик термини сифа — тида ишлатиш ўринли бўлмаган (Бу грамматик катего — рияга изоҳли луғатда берилган таъриф ҳам нотўғри).

НИСБАТАН Бу сўз **nisbat** сўзининг (қ.) тушум ке — лишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти на — тижасида равишга айланган; ўзбек тилида 'қиёсан ол — ганда', '(кимга ёки нимага) қарата' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 503).

НИСБИЙ Бу арабча сўз **nisbiyy(un)** шаклига эга (АРС, 798); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушлари — дан бирини ташлаб қабул қилинган: **nisbiyy → нисбий; nasaba** феълининг 'боғлади', 'нисбат берди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари **nisbat** (нисбат) сўзининг (қ.) охиридаги **-at(un)** қисми ўрнига **-iyy(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

49), 'нимагадир нисбатан белгиланадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 503). Бу сўздан ўзбек тилида **нисбийлик** мавҳум оти ясалган.

НИСБИЙАТ Бу арабча сўз **nisbiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 798); ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **nisbiyyat → нисбийат (нисбият); нисбий** сифатидан (қ.) **-иййат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'нисбийлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 504).

НИСО Бу арабча сўз **nisāь(un)** шаклига эга (АРС, 797); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **nisāь → нисâ (нисо); nasaьā** феъли мақоласида берилган бу сўз асли 'аёллар' маъносини англатиб (АРС, 797; ЎКААҚЛ, 240), ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, аёл киши атоқли отига қўшилиб келади: **Ҳуринисо, Зебинисо** каби.

НИСОР Бу арабча сўз **nišār(un)** шаклига эга (АРС, 784); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nišār → нисâр (нисор);** 'сочди' маъносини англатувчи **našara** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 784), 'тўй, байрам каби тантаналарда ҳурматли киши боши устидан сочиладиган гул, ширинликлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 504).

НИСФ Бу арабча сўз **nišf(un)** шаклига эга (АРС, 807); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nišf → нисф;** асли кўпмаъноли **naŝafa** феълининг 'икки тенг бўлакка бўлди' маъноси билан (АРС, 807) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'тенг ярим' маъносини англатади: *Даромаднинг нисфи Сизники бўлади* каби (ЎТИЛ, I, 504).

НИФОҚ Бу арабча сўз **nifāq(un)** шаклига эга (АРС, 821); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nifāq → нифâқ (нифоқ);** асли **nafaqa** феълининг 'икки юзламалик қилди' маъносидан (АРС, 871) ясалган от бўлиб, араб тилида 'икки юзламалик' маъносини, ўзбек тилида эса 'келишмовчи—

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик', 'жанжал' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 504).

НИШОН Бу арабча сўз **nişān(un)** шаклига эга (АРС, 804); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nişān → нишâн (нишон);** 'мўлжалга олди', 'белги (аломат) қўйди' маъноларини англатувчи **naşşana** феълидан (АРС, 804) ясалган от бўлиб, 'ўқ отиш учун мўлжалланган нарса', 'белги (аломат)' маъноларини, шу билан бирга 'орден', 'медаль' каби маъноларни ҳам англатади (АРС, 804; ЎТИЛ, I, 504). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

НИШОНА Бу арабча сўз асли **nişānat(un)** шаклига эга бўлиб, **nişān (нишон)** сўзидан (қ.) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб; ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **nişānat → нишâна (нишона);** асли 'ўсимликнинг биринчи кўрсатган меваси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 504).

НИШОНДОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **нишон** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб тузилган бўлиб, 'орденга, медалга эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 504).

НИҚОБ Бу арабча сўз **niqāb(un)** шаклига эга (АРС, 822); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **niqāb → ниқâб (ниқоб);** асли кўпмаъноли **naqaba** феълининг 'тешик ҳосил қилди' маъноси асосида (АРС, 822) ясалган от бўлиб, 'юзга тутиладиган парда' маъносини англатади (АРС, 822; ЎТИЛ, I, 504).

НИҒМАТ қ. **неъмат**

НИҲОЙА Бу сўз ўзбек тилида арабча **ниҳойат** сўзи (қ.) охиридаги **t** товушини ташлаб ҳосил қилинган бўлиб, 'чек-чегара', 'охир', 'поён' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I. 505).

НИҲОЙАТ Бу арабча сўз **nihāyat(un)** шаклига эга (АРС, 835); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nihāyat → ниҳâйат (ниҳо-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ят); асли кўпмаъноли **nahā** феълининг 'тугатди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'охир', 'чек-чегара', 'тугаш нуқтаси' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 505).

НИҲОЙАТДА Бу сўз ўзбек тилида арабча **ниҳойат** сўзининг (қ.) ўрин келишиги шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида 'ғоят', 'жуда-жуда' каби кучайтириш маъносини ифодалайдиган сўзга айланган (ЎТИЛ, I, 505).

НИҲОЙАТИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ниҳойат** сўзининг (қ.) III шахс эгалик қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида 'атиги', 'бор-йўғи' каби маънони англатувчи миқдор равишига айланган (ЎТИЛ, I, 505).

НОДИР Бу арабча сўз **nādir(un)** шаклига эга (АРС, 791); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nādir → nâdir (нодир); nadara** феълининг 'кам топилади' маъноси билан (АРС, 791) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'кам топиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 506). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг, **нодира** муаннас шакли эса **аёл** кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

НОДИРА қ. **нодир**

НОЗИМ, НОЗИМА қ. **назм**

НОЗИР Бу арабча сўз **nāẓir(un)** шаклига эга (АРС, 811); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nāẓir → nâzir (нозир);** асли **naẓara** феълининг 'кузатди' маъноси билан (АРС, 810) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), ўзбек тилига кўп маъноли бу сўз 'назорат қилувчи', 'инспектор' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 507); **ҳозир-у нозир** ибораси таркибида ишлатилади.

НОИБ Бу арабча сўз **nāʾib(un)** шаклига эга (АРС, 836); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касра ли ҳамзани **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nāʾib → nâib (ноиб);** 'ўрнини босди' маъносини англатувчи **nāba**[1] феълидан (АРС, 836) ҳосил қилинган I боб

www.ziyouz.com kutubxonasi

аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'ўринбосар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 507).

НОИЛ Бу арабча сўз **nāьil(un)** шаклига эга (АРС, 842); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касра — ли ҳамзани **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nāьil → nâил (ноил);** кўпмаъноли **nāla** феълининг 'эга бўлди', 'етишди' маъноси билан (АРС, 841) ҳосил қи — линган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'эга бўлувчи', 'етишувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 507). Бу сўзнинг **ноила** муаннас шакли аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. **Наил** сўзи билан ўз — бек тилида **ноил бўл-** қўшма феъли тузилган.

НОИЛА *қ.* **ноил**

НОИЛОЖ *қ.* • **илож**

НОМАЙИ АЪМОЛ Бу изофа бирикмаси тожикча **нома** ('хат') ва арабча **аъмол** сўзларидан тузилган бў — либ, 'кишининг иш-ҳаракати қайд этилган матн' маъ — носини англатади (ЎТИЛ, I, 508). **Аъмол** сўзи **ьаъmāl(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 541) ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** ун — лисига алмаштириб, айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьаъmāl → аъмâл (аъмол).** Бу сўз асли **амила** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари **амал(ун)** сўзининг (УАЯ, 568) кўплик шакли бўлиб (АРС, 541), 'турли ишлар', 'фаолият' маъносини билди — ради. Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, юқоридаги изофа бирикмаси таркибида қатнашади.

НОМУС Бу арабча от **nāmūs(un)**[1] шаклига эга (АРС, 778); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nā-mūs → nâмус (номус);** араб тилида 'қонун', 'виждон', 'орият' маъноларини англатади (АТС, 778); ўзбек тилига кейинги маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 509). Бу сўз билан ўзбек тилида **номусли, номуссиз** сифат — лари, **номус-ор** жуфт сўзи тузилган.

НОСИР I Бу арабча сўз **nāšir(un)** шаклига эга (АРС, 784); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, се ун — дошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nāšir**

www.ziyouz.com kutubxonasi

→ **nâsir (носир); nasara** феълининг 'прозада ижод қилди' маъноси билан (АРС, 784) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'проза жанрида ижод қиладиган ёзувчи' маъносини англатади (Бу сўз ЎТИЛга киритилмаган).

НОСИР II Ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу арабча сўз асли **nāŝir(un)** шаклига эга (АРС, 807); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, сад ундошини **c** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nāŝir → nâsir (носир); naŝara** феълининг 'кўмак берди' маъноси билан (АРС, 806) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'кўмак берувчи' маъносини англатади (ЎКААҚЛ, 243).

НОТАЙИН қ. **тайин**

НОТИҚ Бу арабча сўз **nātiq(un)** шаклига эга (АРС, 810); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nātiq → nâtiq (нотиқ);** 'гапирди', 'баён қилди' маъносини англатувчи **nataqa** феълининг I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'нутқ сўзловчи' маъносини англатади; кейинчалик 'нутқ сўзлашга чечан' маъноси юзага келган (ЎТИЛ, I, 512). Бу сўздан ўзбек тилида **нотиқлик** мавҳум оти ясалган.

НОШИР Бу арабча сўз **nāşir(un)** шаклига эга (АРС, 803); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nāşir → nâshir (ношир); naşara**[1] феълининг 'чоп этди' маъноси билан (АРС, 802) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'нашр қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОҒОРА Бу арабча сўз **naqqārat(un)** шаклига эга (АРС, 823); ўзбек тилига биринчи бўғиндаги **a** унлисини ва иккинчи бўғиндаги чўзиқ **ā** унлисини **â** унлиларига, **qq** ундошларини **ғ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **naqqārat → nâğâra (ноғора);** ЎКААҚЛда (237) **наққора** шаклида, ТжРСда эса (261) **нақора** шаклида ёзилган. Бу сўз асли **naqqār** отидан (УАЯ, 498) **-at(un)** қўшимчаси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган бўлиб (УАЯ, 500), 'туваксимон сополга тери сиriб ясалган ва иккита чўп билан уриб чалинадиган бир жуфт музика асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 513).

НУЖУМ Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган бу арабча сўз **nuçūm(un)** шаклига эга (АРС, 768); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nuçūm → нужум;** кўпмаъноли **naçama**[1] феълидан 'юлдуз пайдо бўлди' маъноси билан (АРС, 786) ҳосил қилинган I боб масдарининг (АТГ, 142) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), 'юлдузлар' маъносини англатади. Бу сўз тарихан **илми нужум** ('астрономия') изофа бирикмаси таркибида ишлатилган (ЎТИЛ, I, 513).

НУР Бу арабча сўз **nūr(un)** шаклига эга (АРС, 838); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nūr → нур;** 'ёғду таратди' маъносини англатувчи **nāra** феълининг (АРС, 837) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ёғду', 'зиё' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 513). Ўзбек тилида бу сўздан **нурлан-** феъли, **нурли, нурсиз** сифатлари, охирги сифатдан **нурсизлан-** феъли ясалган; тожик тилидан бу сўз қатнашадиган **нури дида** изофа бирикмаси **нури дийда** шаклида олинган; 'яна ҳам яхши' маъносини англатувчи **нур ало нур (нур устига нур)** бирикмаси ҳам ишлатилади. Булардан ташқари, ўзбек тилида **Анвар** сўзи ҳам мавжуд; бу сўз арабча **nūr(un)** сўзининг **ьanvār(un)** кўплик шакли бўлиб (АРС, 838), фатҳали ҳамзани **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьanvār(un) → анвар;** ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади.

НУРАФШОН Бу сўз тожик тилида арабча **нур** сўзи (қ.) ва тожикча 'соч-', 'тарат-' маъносини англатувчи **афшондан** феълининг **афшон** ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 35) тузилган бўлиб, 'нур сочувчи', 'порловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 513).

НУРИ Ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатиладиган бу сўз асли арабча **нур** (қ.) сўзидан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий си-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига бу қўшимчанинг **i** қисмини сақлаб, қолган қисмини ташлаб қабул қилинган: **nuriyy(un) → нури.** Бу сўз асли 'нур билан боғлиқ' маъносини англатади (АРС, 838; ПРС, 573).

НУРОНИЙ Бу арабча сўз **nurāniyy(un)** шаклига эга (АРС, 838); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **nurâniyy → нурâний (нуроний).** Бу сўз асли **nūr (нур)** сўзидан (қ.) **-āniyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 49), араб тилида 'нур таратувчи' маъносини (АРС, 838), ўзбек тилида эса кекса кишига нисбатан ишлатилиб, 'юзидан нур ёғилиб турувчи', 'файзли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 513).

НУСРАТ Бу арабча сўз **nuŝrat(un)** шаклига эга (АРС, 807); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nuŝrat → нусрат;** кўпмаъноли **naŝara** феълининг 'ёрдам берди', 'ҳимоя қилди' маъноси билан (АРС, 806) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ёрдам', 'ғалаба' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 514). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

НУСХА Бу арабча сўз **nusxat(un)** шаклига эга (АРС, 799); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **nusxat → нусха;** кўпмаъноли **nasaxa** феълининг 'кўчирма олди' маъноси билан (АРС, 799) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'бирор асардан олинган кўчирма' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 514).

НУТҚ Бу арабча сўз **nuṭq(un)** шаклига эга (АРС, 810); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nuṭq → нутқ;** 'гапирди', 'баён қилди' маъносини англатувчи **naṭaqa** феълининг I боб маслари бўлиб (УАЯ, 568), 'тил бойлигидан амалий фойдаланиш жараёни' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 514).

НУФУЗ Бу арабча сўз **nufūẕ(un)** шаклига эга (АРС, 818); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига, зал

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nufūż → нуфуз;** кўпмаъноли **nafaża** феълининг 'таъсир ўтказди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'таъсир', 'обрў-эътибор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 514). Бу сўздан ўзбек тилида **нуфузли** сифати ясалган.

НУФУС Бу арабча сўз **nufūs(un)** шаклига эга (АРС, 820); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nufūs → нуфус; nafisa** феълининг 'туғди' маъноси асосида (АРС, 818) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'аҳоли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 514).

НУЪМОН қ. ***неъмат**

НУҚЛ қ. **нуқул**

НУҚС Бу арабча сўз **nuqŝ(un)** шаклига эга (АРС, 825); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **nuqŝ → нуқс; naqasa** феълининг 'камчиликка эга бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'камчилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 514).

НУҚСОН Бу арабча сўз **nuqŝān(un)** шаклига эга (АРС, 825); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **nuqŝān → нуқсон; naqaŝa** феълининг 'камчиликка эга бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'камчилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 514). Бу сўздан ўзбек тилида **нуқсонли** сифати ясалган.

НУҚТА Бу арабча сўз **nuqtat(un)**[2] шаклига эга (АРС, 825); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **nuqtat → нуқта;** кўпмаъноли **naqata** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ўрин', 'пункт', 'одатда дарак гап охирига қўйиладиган тиниш белгиси' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 514). Бу сўз билан ўзбек тилида **нуқтайи назар** изофа бирикмаси, **нуқтали вергул** бирикмалари тузилган.

НУҚТАЙИ НАЗАР қ. **назар**

НУҚТАЛИ ВЕРГУЛ қ. **нуқта**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НУҚУЛ Бу арабча сўз асли **nuql(un)** шаклига эга бўлиб, тожик тилига ўзича олинган (ТжРС, 278: **нуқл II**); ўзбек тилига **қл** ундошлари оралиғига **у** унлисини қўшиб қабул қилинган: **nuql → нуқул;** кўпмаъноли **naqala** феълининг 'бир жойдан бошқа жойга ўтказди' маъноси асосида (АРС, 826) ясалган аслий сифат (равиш) бўлиб (АТГ, 43), 'бус-бутун', 'турган-битгани' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 514).

О

ОБИД Бу арабча сўз **ъābid(un)** шаклига эга (АРС, 494); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъābid → âбид (обид); ъabada** феълининг 'сиғинди' маъноси билан (АРС, 494) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'сиғинувчи' маъносини англатади (АРС, 494); ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ОБИДА Бу арабча сўз асли **ъābidat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъābidat → âбида (обида); обид** сўзидан (қ.) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'ўтмишдан қолган ёдгорлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОДАМ Бу арабча сўз **ъadamu**[2] шаклида ёзилиб, 'биринчи пайдо бўлган киши' (Одам ота) маъносини (АРС, 29), **ъadam** шаклида ёзилса, 'киши, инсон' маъносини (ПРС, 12) англатади; ўзбек тилига сўз бошланишидаги фатҳали ҳамза товушини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъadam → âдам (одам)** – (ЎТИЛ, I, 520).

ОДАМГАРЧИЛИК Бу сўз тожик тилида **одам** сўзидан (қ.) **-гар** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган отга ўзбек тилида **-чилик** қўшимчасини қўшиб ясалган мавҳум от бўлиб, 'инсонийлик', 'кишиларга яхши муносабатда бўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 520).

ОДАМЗОД Бу сўз тожик тилида арабча **одам** сўзига

www.ziyouz.com kutubxonasi

(қ.) 'насл' маъносини англатувчи **зод** сўзини қўшиб ту— зилган бўлиб (ТжРС, 156), 'одам боласи', 'инсон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 520).

ОДАМОВИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **одам** сўзига (қ.) **ови** сўзини бирлаштириб тузилган; **ови** сўзи асли қадимги туркий 'тинчи-' маъносини англатувчи **аб-** феълининг **ав-** шаклидан (ЭСТЯ, I, 66) **-и** қўшимчаси билан (Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами, 207) ясалган сифат бўлиб, 'ўз тинчини кўзлаб одамларга аралашмай яшайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 520).

ОДАМОХУН Бу сўз ўзбек тилида арабча **одам** сўзига (қ.) 'билимли' маъносини англатувчи тожикча 'охунд' сўзини (ТжРС, 291) қўшиб тузилган, кейинчалик сўз охиридаги **д** ундоши талаффуз қилинмай қўйган; 'одамларга аралашиб, уларнинг севинчларига ҳам, ха— фачиликларига ҳам шерик бўлиб яшайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 520).

ОДАМШАВАНДА Бу сўз тожик тилида **одам** сўзига (қ.) тожикча **шаванда** сўзини қўшиб тузилган; **шаванда** сўзи 'бўл-' маъносини англатувчи **шудан** феълининг **шав** ҳозирги замон асосидан **-анда** қўшимчаси билан ҳосил қилинган ҳозирги замон сифатдоши бўлиб (ТжРС, 462, 440, 561), 'ҳурмат билан муомалада бўлади— ган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 521).

ОДАТ Бу арабча сўз **ъаudat(un)** шаклига эга (АРС, 548); ўзбек тилига **au** дифтонгили айн товушини **â** то— вушига алмаштириб қабул қилинган: **ъаudat → âдат (одат).** Бу сўз асли **ъāda** феълининг 'доимий кўникмага айланди' маъносидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 547), 'доимо амал қилинадиган кўникма', 'удум' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 521). Бу сўзнинг **одатда, одатдаги, одатдагидек, одатдагича** шакллари равиш маъносини англатувчи сўзлар сифатида ишла— тилади: бу сўздан **-лан** қўшимчаси билан **одатлан-** феъли ясалган, **урф-одат** жуфт сўзи (қ.) тузилган.

ОДДИЙ Бу арабча сўз асли **ъādiyy(un)**[1] шаклига эга (АРС, 548); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â**

www.ziyouz.com kutubxonasi

товушига алмаштириб, **d** ундошини қатлаб, сўз охири—даги **y** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ъādiyy → âддий (оддий);** бу сўз асли **ъāda** феълидан 'ҳар вақтдагидек бўлди' маъноси асосида)АРС, 547) ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'одатдаги', 'бирор жиҳати билан ажралиб турмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 521).

ОДИЛ Бу арабча сўз **ъādil(un)** шаклига эга (АРС, 502); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** ун—лисига алмаштириб қабул қилинган: **ъādil → âдил (одил).** Бу сўз 'тўппа-тўғри шаклга эга бўлди' маъносини англатувчи **ъadala** феълининг I боб аниқ нисбат си—фатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'адолат билан иш қилувчи' маъносини англатади: **одил ҳакам** каби. Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам иш—латилади (ЎТИЛ, I, 521).

ОДИЛОНА Бу сўз тожик тилида арабча **одил** сўзи—дан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 284), 'одиллик билан', 'адолатли равишда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 521).

ОДОБ Бу арабча сўз асли 'хушмуомала, тарбияли бўлди' маъносини англатувчи **ъaduba** феълидан ҳосил қилинган **ъadab(un)** масдарининг (қ.) кўплик шакли бўлиб, **ādāb(un)** шаклига эга (АРС, 28); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлиларини **â** унлиларига алмаштириб қабул қилинган: **ādāb → âдâб (одоб).** Асли 'адаблар' маъноси—ни англатувчи бу сўз (ЎТИЛ, I, 532) 'тарбиялилик', 'хушмуомилалилик', 'хушхулқлилик' каби маъноларни англатувчи мавҳум от сифатида ишлатилади. Ўзбек ти—лида бу сўздан **одобли** сифати ясалган.

ОДОБЛИ *қ.* **одоб**

ОЖИЗ Бу арабча сўз **ъaçiz(un)** шаклига эга (АРС, 499); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** ун—лисига алмаштириб қабул қилинган: **ъaçiz → âжиз (ожиз).** Бу сўз асли 'жисмонан кучсиз, заиф бўлди' маъносини англатувчи **ъaçaza** феълидан (АРС, 498) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'заиф', 'мадорсиз', 'кучсиз' каби маънони англатади: **ожиз банда, бир сўз**

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейишга ожизман каби. Араб тилидан бу сўзнинг 'кўр' маъноси ҳам ўзлаштирилган (АРС, 499; ЎТИЛ, I, 523): **кўзи ожиз киши** каби. Бу сўздан ўзбек тилида **-лик** қўшимчаси билан **ожизлик** оти ясалган ва бу отга **қил-** ёрдамчи феълини қўшиб **ожизлик қил-** феъли тузилган.

ОЖИЗА Бу сўз арабча **ожиз** сўзининг (қ.) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган; 'аёл', 'қиз фарзанд' маъноларини англатади: **ожизангизга айтинг; Ожизамизга совчи келибди** каби (ЎТИЛ, I, 523).

ОЖИЗОНА Бу сўз тожик тилидан олинган; асли арабча **ожиз** сифатидан тожикча **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 294, 542), 'ожизларча' каби маънони англатади: **ожизона гапир-, ожизона илтимос қил-** каби (ЎТИЛ, I, 524).

ОИД Бу арабча сўз **ъāьid(un)** шаклига эга (АРС, 548); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига, касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъāьid → âид (оид); ъāda**[2] феълининг 'қайтарди' маъноси асосида ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'тегишли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 526).

ОИЛА Бу арабча сўз **ъāьilat(un)** шаклига эга (АРС, 553); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига, касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъāьilat → âила (оила);** 'қарамоғидаги кишиларни боқди' маъносини англатувчи **ъāla** феълининг **ъāьil(un)** I боб аниқ нисбат сифатдошидан (АТГ, 147) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'ота-она, фарзандлар биргаликда яшовчи ижтимоий гуруҳ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 526).

ОИЛАВИЙ Бу арабча сўз **оила(т)** сўзидан (қ.) **-вий** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'оилага тегишли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 526).

ОИЛАЛИ Бу сўз ўзбек тилида **оила** сўзидан **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'оила қурган',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'бола-чақали' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 526).

ОИЛАЧИЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **оила** сўзидан **-чилик** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб, 'яқин қариндош-уруғлари манфаатидан келиб чиқиб иш юритиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 526).

ОЙАТ Бу арабча сўз **āyat(un)** шаклига эга (АРС, 51); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **āyat → âйат (оят);** асли **ьavā** феълининг 'паноҳ топди' маъноси асосида (АРС, 51) ясалган от бўлиб, араб тилида 'белги', 'мўъжиза', 'қуръондаги ҳар бир калима' маъноларини англатади (АРС, 51); ўзбек тилига охирги маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 557).

ОЛАМ Бу арабча сўз **ъālam(un)** шаклига эга (АРС, 534); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъālam → âлам (олам);** ўзбек тилида 'бутун борлиқ', 'барча инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар дунёси', 'ёруғ ва қоронғи дунё' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 529). Бу сўз **олам-олам** такрори тарзида 'ҳаддан ташқари кўп' маъносини англатиш учун ишлатилади. Худди шундай маъно **олам-жаҳон** жуфт сўзи билан ҳам англатилади (ЎТИЛ, I, 529); **жаҳон** сўзи — **олам** сўзининг тожикча муқобили (ТжРС, 514).

ОЛАМ-ЖАҲОН *қ.* **олам**

ОЛАМПАНОҲ Бу сўз арабча **олам** сўзига (қ.) тожикча 'ҳимоя қил-' маъносини англатувчи **паноҳидан** феълининг **паноҳ** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 297). Бу сўз 'оламни ўз ҳимоясига олувчи' маъносини англатиб, ҳукмдорларни улуғлаб айтилади — ган сўз сифатида ишлатилган (ЎТИЛ, I, 530).

ОЛАМШУМУЛ Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб, арабча **олам** сўзига тожикча 'аҳамиятга молик' маъносини билдирувчи **шумул** қисмини қўшиб тузилган (ТжРС, 285); 'жуда катта аҳамиятга эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 530). Худди шундай маъно **жаҳон-шумул** сўзи билан ҳам англатилади (ЎТИЛ, I, 276). Бу сўз таркибидаги **жаҳон** сўзи тожикча бўлиб, 'олам'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатади (ТжРС, 514).

ОЛИЖАНОБ *қ.* **олийжаноб**

ОЛИЙ Бу арабча сўз **ъālin** шаклига эга (АРС, 536); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига, **i** унлисини **ий** товушларига алмаштириб, сўз охиридаги **n** қисмини ташлаб қабул қилинган: **ъālin → âлий (олий);** кўпмаъноли **ъalā** феълининг 'юқори бўлди' маъноси билан (АРС, 536) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'энг юқори', 'энг нуфузли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 632). Бу сўзнинг **олийа** муаннас шакли аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ОЛИЙЖАНОБ Бу сўз асли арабча **олий** (қ.) ва **жаноб** (қ.) сўзларидан тузилган бўлиб, ўзбек тилида 'юксак даражада одобли, ҳимматли' каби белги маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 532). Тожик тили луғатининг таъсирида бу сўз ўзбек тили луғатига **олижаноб** шаклида киритилган (ТжРС, 286), ваҳоланки **олиймақом** сўзи каби **й** ҳарфи билан ёзилиши лозим.

ОЛИЙМАҚОМ Бу сўз арабча **олий** (қ.) ва **мақом** (қ.) сўзларидан тузилган сифат бўлиб, 'юксак мартабали', 'юқори мавқега эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 532).

ОЛИМ Бу арабча сўз **ъālim(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 534), ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъālim → âлим (олим).** Бу сўз асли 'билди', 'билимли бўлди' маъносини англатувчи **ъalima** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'фаннинг бирор соҳаси бўйича чуқур билимга эга киши', 'чуқур илмий тадқиқот олиб боришга қодир киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 532). Бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. **Олим** сўзидан ўзбек тилида **олимларча** равиши ҳосил қилинган.

ОЛИМА Бу арабча сўз **олим** сўзининг (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **олимат → олима;** 'фаннинг бирор соҳаси бўйича чуқур билимга эга аёл', 'чуқур илмий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тадқиқот олиб боришга қодир аёл' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 532). **Олима** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ОЛИМОНА Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб, арабча **олим** сўзига (қ.) тожикча **-она** қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ясалган; 'олимларга хос йўсинда' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 532).

ОЛЛО[Ҳ] Бу арабча сўз **ьallāhu** шаклига эга бўлиб (АРС, 41), ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **â** товушига, чўзиқ **ā** унлисини ҳам **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган бўлиб, **h** ундоши ҳам кўпинча тараффуз қилинмайди: **ьallāhu → âллâ[ҳ] (олло[ҳ]);** 'тангри', 'худо' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 533).

ОМБОР Бу арабча сўз асли **ьanbār(un)** шаклига эга (АРС, 780); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **â** товушига, **n** ундошини **b** ундоши таъсирида **m** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьanbār → âмбâр (омбор);** асли кўпмаъноли **nabara** феълидан ясалган от бўлиб, 'турли асбоб-анжомлар сақланадиган бино' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 536). Бу сўздан ўзбек тилида **омборчи** оти ясалган.

ОМИ Бу арабча сўз **ъāmmiyy(un)** шаклига эга (АРС, 538); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **ā** товушига алмаштириб, шунингдек бир **m** товушини ва ҳар икки **y** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъammiyy → âми (оми).** Бу сўз асли 'кўпчиликка тааллуқли бўлди' маъносини англатувчи **ъamma** феълидан (АРС, 537) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилида 'саводсиз', 'ҳеч нарсани тушунмайдиган' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 536).

ОМИЛ Бу арабча сўз **ъāmil(un)** шаклига эга (АРС, 541); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъāmil → âмил (омил).** Бу сўз асли 'ишлади', 'фаолият кўрсатди' маъносини англатувчи кўпмаъноли **ъamila** феълининг I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), ўзбек тилига 'ни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

манингдир воқе бўлишига сабаб бўлган (бўладиган) нарса', 'бирор ишни амалга оширишнинг энг мақбул йўли' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 536). **Омил** сўзи ўзбек тилида эркак кишининг, бу сўзнинг муаннас шакли **Омила** сўзи эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ОМИЛА қ. **омил**

ОМИЛКОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **омил** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган бўлиб, 'усталик билан иш кўрадиган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 536).

ОМИН Бу арабча сўз **amīn(un)** шаклига эга (АРС, 45); ўзбек тилида бу сўз таркибидаги **ī** унлиси чўзиқ талаффуз қилинади, лекин қисқа унлини ифодаловчи ҳарф билан ёзилади; **a** унлиси эса **â** унлисига алмаштирилган: **amīn → âмин (омин).** Бу сўз асли 'хавф-хатарсиз бўлди' маъносини англатувчи **ъamīna** феълининг (АРС, 44) I боб шаклидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'хавф-хатардан холи' маъносини англатади (АРС, 45). Бу сўз дуо ўқишнинг ёки бошқа бир фаолиятнинг якунида айтилади.

ОМИНА қ. **амин**

ОММА Бу арабча сўз асли **ъāmmat(un)** шаклига эга (АРС, 538); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъāmmat → âмма (омма).** Бу сўз асли 'барчага умумий бўлди' маъносини англатувчи **ъamma** феълидан (АРС, 537) ҳосил қилинган масдар бўлиб, 'одамлар', 'оддий халқ' маъносини англатади: ***оммага суяниб иш қилиш*** каби (ЎТИЛ, I, 536). Ўзбек тилида **омма** сўзига **боп** сўзини қўшиб, **оммабоп** сўзи ясалган (Тожик тилида бу сўз **оммабоб** шаклига эга). Бундан ташқари, ўзбек тилида бу сўздан **оммалаш-(оммалаштир-)** феъли ҳам ясалган.

ОММАВИЙ Бу арабча сўз **омма** отидан (қ.) **-вий** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'кўпчилик иштирокида амалга ошириладиган' маъносини англатади: ***оммавий сайл*** каби (ЎТИЛ, I, 536). Ўз—

www.ziyouz.com kutubxonasi

бек тилида бу сифатдан **оммавийлаш-** феъли ясалган.

ОМОН Бу арабча сўз **ьамāн(un)** шаклига эга (АРС, 45); ўзбек тилида фатҳали ҳамзани **â** товушига, чўзиқ **ā** товушини ҳам **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьамāн → âмân (омон).** Тожик тилида бу сўзнинг бошланишидаги фатҳали ҳамза аслига яқин **а** товушига алмаштирилган (ТжРС, 25: **амон**); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **â** унлисининг таъсири билан биринчи бўғин унлиси ҳам **â** унлисига алмашган, ана шундай товуш уйғунлиғини акс эттирувчи талаффуз ва ёзиш адабий меъёр деб қабул қилинган. Бу сўз асли 'хавф-хатарсиз бўлди' маъносини англатувчи **ьамīна** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142); араб тилида 'хавф-хатарсиз' маъносини, ўзбек тилида эса шу маъно асосида юзага келган 'соғ-саломат' маъносини англатади: **Омонмисиз?** каби (ЎТИЛ, I, 536). **Омон** сўзи ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ОМОНАТ Бу арабча сўз **ьамānat(un)** шаклига эга (АРС, 45); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани, шунингдек чўзиқ **ā** товушини ҳам **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ьамānat → âмânат (омонат).** Тожик тилида бу сўзнинг бошланишидаги фатҳали ҳамза аслига яқин **а** товушига алмаштирилган (ТжРС, 25); ўзбек тилида бу товуш, **омон** сўзида қилинганидек (қ.), **â** товушига алмаштирилган. **Омонат** сўзи асли 'хавф-хатардан холи бўлди' маъносини англатувчи **ьамīна** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'ишончлилик' маъносини, шу маънодан ўсиб чиққан 'сақлаш учун ишониб топширилган нарса' маъносини ва бошқа маъноларни англатади (АРС, 45). Ўзбек тилида юқоридаги иккинчи (от) маъноси билан ишлатилади; бундан ташқари, худди тожик тилида бўлганидек, **омонат** сўзи 'вақтинча', 'мустаҳкам бўлмаган' каби сифат маъноларини англатишга ҳам хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, I, 536). **Омонат** сўзининг 'сақлаш учун ишониб топширилган' маъноси билан **омонат кассаси** бирикмаси тузилган, шу бирикма асосида **омонатчи** оти ясалган.

ОМОНАТЧИ *қ.* **омонат**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОН Бу сўз ЎТИЛда арабча деб белгиланиб, 'қисқа бир замон', 'лаҳза', 'пайт' маъносини англатиши таъкидланган, *бир он, шу онда* каби бирикмаларда ишлатилиши кўрсатилган (I, 537: **он II**). АРСда (45) бундай сўз йўқ. ПРСда (41) **ан II** сўзи келтирилиб, кўплиги **äван** деб таъкидланган, 'время', 'момент' деб таржима қилинган; **ан** сўзидан ясалган **анāн** равиши ҳам келтирилиб, 'внезапно', 'сразу', 'мгновенно'; 'временами' деб изоҳланган; ТжРСда (283) **овон** сўзи келтирилиб, 'сезон', 'время года', 'время' деб, **онан-фаонан** сўзи *разг.* белгиси билан келтирилиб (287), 'часто' маъносини англатиши айтилган. Булардан ташқари, ПРСда (46) шу асосдан **йойи** нисбат• қўшимчаси билан ясалган **ани (оний)** сифати ҳам келтирилиб, 'кратковременный', 'одновременный' маъноларини англатиши таъкидланган. Кўринадики, ўзбек тилига ўзлашган **он** сўзи — тожикча сўз.

ОНИЙ *қ.* **он**

ОР Бу арабча сўз **ъār(un)** шаклига эга (АРС, 552); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъār → âр (ор);** асли **ъāга** феълининг 'танбеҳ берди', 'уялтирди' маъноси билан (АРС, 552) ҳосил қилинган масдари бўлиб, 'уят', 'номус' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 539). Ўзбек тилида бу сўз билан **ор-номус** жуфт сўзи, **ор қил-** қўшма феъли тузилган.

ОРАЗ Бу арабча сўз асли **ъāriđ(un)** шаклига эга (АРС, 508); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига, **ī** унлисини **а** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ъāriđ → âраз (ораз);** кўпмаъноли **ъарада** феълининг 'кўрсатди' маъноси асосида (АРС, 508) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), араб тилида отлашиб, 'тўсиқ', 'булут', 'ёноқ' маъноларини англатади (АРС, 508); ўзбек тилида бу сўз 'чеҳра' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, I, 540).

ОРИЙАТ Бу арабча сўз асли **ъāriyyat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирини ташлаб қабул қилинган: **ъāгіууат → âрийат (орият); ор** сўзидан (қ.) **-ийият(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'ор-номус' маъно-сини англатади (ЎТИЛ, I, 542), ўзбек тилида бу сўздан **ориятли** сифати ясалган.

ОРИФ Бу арабча сўз **ъārif(un)** шаклига эга (АРС, 510); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** то-вушига алмаштириб қабул қилинган: **ъārif → âриф (ориф).** Бу сўз асли 'билди', 'таниди' маъносини англа-тувчи **ъarafa** феълидан ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'билимли', 'билимдон' маъносини анг-латади (ЎТИЛ, I, 542). Бу сўз ўзбек тилида эркак ки-шининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади.

ОСОР Бу арабча сўз **ьašar(un)** сўзининг (**асар** сў-зига қ.) кўплик шакли бўлиб (АРС, 24), ўзбек тилида **осори атиқа** турғун бирикмаси таркибида 'ёдгорликлар' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, I, 546).

ОФАТ Бу арабча сўз **afat** шаклига эга бўлиб, 'несчастье', 'бедствие' маъносини англатади (*Боровков А.К.* Лексика среднеазиатского тефсира XII-XIII вв. – М, 1963; ЎТИЛ, I, 550); ўзбек тилига сўз бошланишидаги **а** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **afat → âфат (офат).**

ОФАТИЖОН Бу сўз асли арабча **офат (қ.)** ва то-жикча **жон** сўзларидан тузилган **офати жон** изофа би-рикмасига тенг (ТжРС, 291); асли 'жоннинг офати' маъносини англатган; кейинчалик бу бирикма, худди **офат** сўзи каби, 'бахтсизлик', 'фалокат', 'кулфат' маъносини англата бошлаган (ТжРС, 291); ўзбек тилида бу бирикма бир сўзга яхлитланиб, 'ўзига мафтун этиб, ошиқи беқарор қилувчи' каби сифат маъносини англа-тади (ЎТИЛ, I, 550).

ОХИР Бу арабча сўз **ьахir(un)** шаклига эга (АРС, 27); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **â** товушига алмаш-тириб қабул қилинган: **ьахir → âхир (охир).** Бу сўз 'орқага сурди', 'кейинга қолдирди' маъносини англа-тувчи **ьаххага** феълидан (АРС, 27) ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 568), '(ниманингдир) энг кейинги,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тугаш қисми, поёни' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 551). **Охир** сўзидан ўзбек тилида **охирги** сифати, **охир-ла-** феъли ясалган, арабча **замон** сўзи билан (қ.) **охир-замон** қўшма сўзи тузилган; **охир** сўзи **-и** эгалик қўшимчасини олган **охири** шаклида равишга айланган.

ОХИРАТ Бу арабча сўз **охир** сўзидан (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'поён', 'энг кейинги тугаш қисми' маъносини англатади; **ал охирату** тарзида аниқлик артикли билан ишлатилса, 'нариги дунё' маъносини англатади (АРС, 27); ўзбек тилида эса бу сўз **охират** шаклидаёқ 'нариги дунё' маъносини англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, I, 551).

ОШИҚ Бу арабча сўз **ъāşiq(un)** шаклига эга (АРС, 517); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъāşiq → âшиқ (ошиқ).** Бу сўз **ъaşiqa** феълининг (АРС, 517) 'севди' маъноси билан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), ўзбек тилида 'кучли эҳтирос билан севиб қолган', 'хуштор' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 555).

ОШИҚ-МАЪШУҚ Бу сўз арабча **ошиқ** ва **маъшуқ** сўзларидан (қ.) тузилган бўлиб, 'бир-бирини кучли даражада севиб қолган эркак киши билан аёл киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 555). Бу сўз тожик тилида **ошиқу маъшуқ** шаклида ишлатилади (ТжРС, 291).

ОШИҚ-МОШИҚ Бу жуфт сўз араб тилида **ъaşiq va maşūq** шаклига эга; асли 'тиқин (турум) ва ёриқ (тешик)' маъносини англатади (АРС, 517). Бу жуфт сўз таркибидаги сўзлар **ъaşīqa** феълининг 'бир-бирига зич боғланди' маъноси билан ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига **maъşuq** сўзи таркибидаги **a** унлисини **â** унлисига алмаштириб, айнни ташлаб, чўзиқ **ū** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўнгра **va** боғловчисини ташлаб, икки сўзни жуфт сўзга айлантириб қабул қилинган: **ошиқ-маъшуқ → ошиқ-мошиқ;** 'эшик, дераза кабиларга ўрнатилиб, уларнинг очилиб-ёпилишини таъминловчи металл буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 555). Бу жуфт сўз тожик тилида аслига яқин **ошиқ-маъшуқ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаклида ишлатилади (ТжРС, 291).

ОШИҚОНА Бу сўз тожик тилида арабча **ошиқ** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 291) равиш бўлиб, 'ошиқлар каби', 'ошиқларга хос' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 555).

ОҚИБАТ Бу арабча сўз **ъāqibat(un)** шаклига эга (АРС, 526); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъāqibat → âқибат (оқибат);** кўпмаъноли **ъaqaba** феълининг 'кетидан келди' маъноси билан (АРС, 526) ҳосил қилинган **ъāqib(un)** шаклидан **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'охирида юзага келадиган натижа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 558).

ОҚИЛ Бу арабча сўз **ъāqil(un)** шаклига эга (АРС, 529); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъāqil → âқил (оқил).** Бу сўз асли араб тилидаги 'юксак даражада фикр юритиш қобилиятига эга бўлди' маъносини англатувчи **ъaqala** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43); 'юксак даражада фикр юритиш қобилиятига эга', 'ақли бутун', 'ўткир ақл соҳиби' каби маъноларни англатади: *оқил инсон* каби (ЎТИЛ, I, 558). Бу сўз кишидан нарсага кўчириб ишлатилиши натижасида 'ақл билан айтилган ёки бажарилган' маъносини англата бошлаган: *оқил тадбир* каби. **Оқил** сўзи эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ОҚИЛА Бу сўз асли арабча **оқил** сўзининг (қ.) **–ат–(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ъāqilat → âқила (оқила);** бу сўз **оқила аёл** каби бирикмалар таркибида ишлатилади; аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам қўлланилади (ЎТИЛ, I, 558).

ОҚИЛОНА Бу сўз арабча **оқил** сўзидан (қ.) тожикча **-она** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган равиш бўлиб, 'ақл билан билдирилган', 'ақл билан амалга оширилган' каби маънони англатади: *оқилона маслаҳат* каби (ЎТИЛ, I, 558).

www.ziyouz.com kutubxonasi

П

ПАЙМОН *қ.* **аҳд-паймон**

ПАТИР Бу сўз асли арабча бўлиб, **fatīr(un)** шаклига эга (АРС, 502); ўзбек тилига сўзлашув тилидаги талаффузи асосида **f** ундошини **п** ундошига, шунингдек чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган (Тожик тилига аслига яқин **фатир** шаклида олинган: ТжРС, 409); бу сўз асли 'нонушта қилди' маъносини англатувчи **fatara**[2] феълидан (АРС, 601) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'оширилмаган хамирдан тайёрланган нон' маъносини англатади (АРС, 601; ЎТИЛ, I, 578).

ПУТУР *қ.* **футур**

ПЎЛАТ Бу арабча от асли **būlād(un)** шаклига эга (АРС, 93); ўзбек тилига **b** ундошини **п** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **ў** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **d** ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **būlād → пўлат** (Тожик тилига бу сўз **b** ундошини **ф** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **ў** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **būlād → фўлод:** ТжРС, 415); 'темирнинг углерод билан қўшилмасидан ҳосил бўладиган кулранг қаттиқ металл' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 608).

Р

РАБ(Б) Бу арабча сўз **rabb(un)** шаклига эга (АРС, 281); 'парвариш қилди' маъносини англатувчи **rabba** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 281), тўғри маъносида 'хўжайин' маъносини, кўчма маънода эса 'тангри' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 611). **Раббано** сўзи **раб(б)** сўзининг I шахс кўплик эгалик қўшимчасини олган шакли бўлиб (АТГ, 66), 'тангримиз' маъносини билдиради (ЎТИЛ, I, 611).

РАББАНО *қ.* **раб(б)**

РАББИМСАН Бу сўз ўзбек тилида арабча **раб(б)** сўзининг **-(и)м** эгалик қўшимчаси ва **-сан** тусловчисини олган шакли бўлиб, асли 'яратганимсан', 'эгамсан' маъносини англатади: *Раббимсан, Олло, моҳи рамазон* каби (ЎТИЛ, I, 610); **раббимсан деб** шаклида кўчма

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънода ишлатилиб, 'зўр бериб тинимсиз' маъносини англатади.

РАБИУЛАВВАЛ Бу сўз асли **rābīъ al avval** бирикмаси қисмларининг бир сўзга бирлашуви натижасида юзага келган; араб тили талаффуз қоидасига биноан **ал** артикли **ул** тарзида айтилади: **rābīъ al avval → rābī–ъulavval → рабиулаввал; rābīъ(un)** сўзи **rabaъa** феълининг 'тўртинчи бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган (АРС, 283) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'кўклам', 'ўт-ўлан' каби маъноларни англатади (АРС, 284); бу бирикма таркибида 'кўклам' маъноси билан қатнашган, шунга кўра бу бирикма асли 'кўкламнинг аввалги ойи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 610).

РАБИУЛОХИР Бу сўз асли **rābīъ al axir** бирикмаси қисмларининг бир сўзга бирлашуви натижасида юзага келган; араб тили талаффуз қоидасига биноан бундай бирикмадаги **al** артикли **ul** тарзида айтилади: **rābīъ al axir → rābīъulaxir → рабиулохир; rābīъ(un)** сўзи **rabaъa** феълининг 'тўртинчи бўлди' маъноси билан (АРС, 283) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'кўклам', 'ўт-ўлан' каби маъноларни англатади (АРС, 284); бу бирикма таркибида 'кўклам' маъноси билан қатнашган, шунга кўра бу бирикма асли 'кўкламнинг охирги ойи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 610).

РАБИУЛСОНИ Бу сўз асли **rābīъ al šāni** бирикмаси қисмларининг бир сўзга бирлашуви натижасида юзага келган; араб тили талаффуз қоидасига биноан бундай бирикмадаги **al** артикли **ul** тарзида айтилади: **rābīъ al šāni → rābīъulšāni → рабиулсони; rābīъ** сўзи ҳақида **рабиулаввал** сўзи мақоласига қаранг; **šāni** сўзи **šana** феълининг 'айлантирди' маъноси билан (АРС, 113) ҳосил қилинган тартиб сон бўлиб (АТГ, 364), 'иккинчи' маъносини англатади (АРС, 114), шунга кўра бу бирикма асли 'кўкламнинг иккинчи ойи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 610).

РАБОТ Бу арабча сўз асли **ribāt(un)** шаклига эга (АРС, 283); ўзбек тилига **i** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига ал–

www.ziyouz.com kutubxonasi

маштириб қабул қилинган: **ribāt → рабâт (работ);** асли **rabata** феълининг 'жойлашди' маъноси асосида (АРС, 283) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'бир-биридан маълум масофада жойлашган, соқчилар билан қўриқланадиган қўниш жойи' маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 610). Сўзлашув тилида бу сўз **равот** тарзида ҳам талаффуз қилинган.

РАВОТ қ. **работ**

РАВОҚ Бу арабча сўз **rivāq(un)** шаклига эга (АРС, 321); ўзбек тилига **i** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **rivāq → равâқ (равоқ);** кўпмаъноли **rāqa** феълининг 'ёқимли бўлди' маъноси асосида (АРС, 321) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), ўзбек тилида 'бинонинг олд томонидаги пештоқ ва устунлар билан безатилган кўркам қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 611).

РАД(Д) Бу арабча сўз **radd(un)** шаклига эга (АРС, 293); кўпмаъноли **radda** феълининг 'орқага қайтарди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 292), 'орқага қайтиш' маъносини англатади, одатда **рад эт-** қўшма феъли таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 611).

РАДДИЙА Бу арабча сўз **рад(д)** масдаридан (қ.) **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'рад этишни билдирувчи баёнот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 611).

РАДИФ Бу арабча сўз **radīf(un)** шаклига эга (АРС, 294); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **radīf → радиф;** 'кетида келди' маъносини англатувчи **radafa** феълидан (АРС, 294) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'шеър мисраларида қофиядан кейин такрорланиб келувчи сўз(лар)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 612).

РАЖАБ Бу арабча сўз **raçab(un)** шаклига эга (АРС, 287); асли 'қўрқди' маъносини англатувчи **raçaba** феълидан (АРС, 287) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'қамария йил ҳисобидаги еттинчи ой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 612).

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАЗЗОҚ Бу арабча сўз **razzāq(un)** шаклига эга (АРС, 295); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **razzāq → раззâқ (раззоқ);** 'яшаш учун зарур нарсалар билан таъминланди' маъносини англатувчи **razaqa** феълидан (АРС, 295) ясалган от бўлиб (УАЯ, 240), 'ризқ берувчи' маъносини англатади, Оллога нисбат берилади (ЎТИЛ, I, 612). Бу сўзни эркак кишининг атоқли оти сифатида ёлғиз ўзини ишлатиш номақбул (**Абдураззоқ** тарзида ишлатиш лозим).

РАЗИЛ Бу арабча сўз **raẓīl(un)** шаклига эга (АРС, 294); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **raẓīl → разил;** 'ярамас, қабиҳ бўлди' маъносини англатувчи **raẓula** феълидан (АРС, 294) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'ярамас, 'қабиҳ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 612).

РАЗОЛАТ Бу арабча сўз **raẓālat(un)** шаклига эга (АРС, 294); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **raẓālat → разâлат (разолат);** 'ярамас, қабиҳ бўлди' маъносини англатувчи **raẓula** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 294), 'қабиҳлик' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 613).

РАИС Бу арабча сўз **raʾīs(un)** шаклига эга (АРС, 280); ўзбек тилига чўзиқ касрали ҳамзани **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **raʾīs → раис;** 'бошчилик қилди' маъносини англатувчи **raʾasa** феълидан (АРС, 279) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'бошлиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 613). Бу сўзнинг **раиса** муаннас шакли аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

РАИСА *қ.* **раис**

РАЙҲОН Бу арабча сўз **rayḥān(un)** шаклига эга (АРС, 319); ўзбек тилига ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **rayḥān → райҳâн (райҳон).** Бу сўз кўпмаъноли **rāḥa** феълининг (АРС, 318) 'ҳид таратди'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноси билан ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), асли 'ҳид таратувчи ўсимликлар' каби жамлик маъносини англатган, кейинчалик шундай хусусиятли ўсимликлардан бири — 'овқатга ошкўк сифатида қўшиладиган хушбўй ўсимлик' маъносини англата бошлаган (АРС, 319; ПРС, 255; ЎТИЛ, II, 613). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

РАКААТ Бу арабча сўз асли **rakъat(un)** шаклига эга (АРС, 313); ўзбек тилига айн ўрнига **а** товушини қўйиб қабул қилинган: **rakъat → ракаат;** 'тиз чўкиб сажда қилди' маъносини англатувчи **rakaъa** феълидан (АРС, 313) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'намоз ўқишнинг ҳар бир тиз чўкиб сажда қилиш қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 613).

РАКЪАТ : **ракаат**

РАМАЗОН Бу арабча сўз **ramaḍān(un)** шаклига эга (АРС, 314); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ramaḍān → рамазâн (рамазон);** кўпмаъноли **ramiḍa** феълининг 'қийинчилик келтирди' маъноси билан (АРС, 314) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'қамария йил ҳисобидаги тўққизинчи ой' ('рўза тутиладиган ой') маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 613).

РАМЗ Бу арабча сўз **ramz(un)** шаклига эга (АРС, 314); 'белги қўйди' маъносини англатувчи **ramaza** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 314), 'белги', 'ишора' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 613).

РАМЗИЙ Бу арабча сўз **рамз** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'ишора қилиб турувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 613).

РАСАД қ. **расадхона**

РАСАДХОНА Бу сўз арабча **расад** сўзига тожикча **хона** сўзини қўшиб тузилган; бу сўз араб тили луғатига ҳам **raṣadxonat(un)** шаклида киритилган (АРС, 300); **расад** сўзи 'кузатди' маъносини англатувчи **raṣada** феъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лидан (АРС, 299) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'кузатиш' маъносини англатади, шунга кўра **расадхона** сўзи 'осмон жисмларини кузатиш иншооти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 615).

РАСМ I Бу арабча сўз **rasm(un)**[1] шаклига эга (АРС, 297); кўпмаъноли **rasama**[1] феълининг 'чизди', 'суврати — ни солди' маъноси билан (АРС, 297) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'чизмачилик', 'сурат солиш' маъносини, ўзбек тилида 'сурат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 615).

РАСМ II Бу арабча сўз **rasm(un)**[1] шаклига эга (АРС, 297); кўпмаъноли **rasama**[1] феълининг 'нишонлади' маъноси билан (АРС, 297) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'урф-одат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 615). Бу сўзни унинг кўплик шакли **русум** сўзи билан (АТГ, 40) бирлаштириб **расм-русум** жуфт сўзи тузилган.

РАСМАН Бу арабча сўз **расм II** сўзининг тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'расмий равишда' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, I, 615).

РАСМАНА қ. **рамона**

РАСМИЙ Бу арабча сўз **rasmiyy(un)** шаклига эга (АРС, 297); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушлари — дан бирини ташлаб қабул қилинган: **rasmiyy → расмий;** асли **расм** масдаридан **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), асосан 'раҳба — рият томонидан қарор билан белгиланган' маъносини англатади; кўчма маънода эса 'хўжакўрсинга, расмият учунгина қилинадиган' каби салбий бўёқли маънони билдиради (ЎТИЛ, I, 616). Бу сўздан ўзбек тилида **рас— мийлаш-, расмийлаштир-** феъллари ясалган.

РАСМИЙАТ Бу арабча сўз асли **rasmiyyat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига таркибидаги **уу** то — вушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **rasmiyyat → расмийат (расмият); расм II** сўзидан **-ийят(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'расмий ёндашиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 616).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу сўздан ўзбек тилида **расмийатчи, расмийатчилик** сўзлари ясалган бўлиб, воқеликни салбий баҳо билан билдиради.

РАСМОНА Бу сўз ўзбек тилида арабча **расм II** сўзига (қ.) тожикча **-она** қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ясалган равиш бўлиб, 'урф-одатга мувофиқ келадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 616). Сўзлашув тилида бу сўз **росмана, расмана** шаклларида ҳам талаффуз қилинади.

РАСМ-РУСУМ *қ.* **расм II**

РАССОМ Бу арабча сўз **rassām(un)** шаклига эга (АРС, 297); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **rassām → рассâм (рассом); расм I** сўзидан (қ.) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 240), 'расм солувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 616). Бу сўздан ўзбек тилида **рассомлик** мавҳум оти ясалган.

РАСУЛ Бу арабча сўз **rasūl(un)** шаклига эга (АРС, 296); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **rasūl → расул;** кўпмаъноли **rasila** феълининг (АРС, 296) 'юборди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'элчи', 'вакил' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 616). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. Бу сўз билан **Абдурасул** тарзида атоқли от тузиб ишлатиш номақбул (**абди** сўзи Оллога нисбат бериладиган сўзгагина қўшиб ишлатилиши лозим).

РАФИҚ Бу арабча сўз **rafīq(un)**[2] шаклига эга (АРС, 307); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **rafīq → рафиқ;** кўпмаъноли **rafaqa** феълининг 'дўст бўлди', 'ўртоқ бўлди' маъноси билан (АРС, 306) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), ўзбек тилида 'дўст', 'ўртоқ' маъносини англатади; бу сўзнинг муаннас шакли **рафиқа** сўзи эса 'эрнинг умр йўлдоши' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I. 617).

РАФИҚА *қ.* **рафиқ**

РАЪЙ Бу арабча сўз **гаъу(un)** шаклига эга (АРС, 303); ўзбек тилига айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйиб қабул қилинган: **гаъу → раъй;** кўпмаъноли **гаъā** феълининг 'риоя қилди' маъноси билан (АРС, 303) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'риоя қилиш', 'сақлаш' маъноларини англатади (АРС, 303); ўзбек тилида бу сўз 'истак', 'хоҳиш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 617).

РАЪНО Бу арабча сўз **гаъпāьu** шаклига эга (АРС, 303); ўзбек тилига айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги даммали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **гаъпāьu → раънâ (раъно);** 'енгилтак бўлди' маъносини англатувчи **гаъипа** феълидан (АРС, 303) ясалган **ьаг|апu** аслий сифатининг (АРС, 43) муаннас шакли бўлиб, асли 'енгилтак' маъносини англатади (АТГ, 44); ўзбек тилида бу сўз 'қизил ёки сариқ рангли хушбўй гул' маъносини, кўчма маънода эса 'гўзал ва барно' маъносини англатади (ЎТИЛ, I. 617); кейинги маъноси билан бу сўз аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

РАҚАМ Бу арабча сўз асли **raqm(un)** шаклига эга (АРС, 310); тожик тилига **qm** товушлари оралиғига **а** унлисини қўшиб қабул қилинган (ТжРС, 323), ўзбек тилига шу шаклида олинган: **raqm → рақам;** кўпмаъноли **raqama** феълининг 'миқдор маъносини ифодаловчи рамзни ёзди' маъноси билан (АРС, 309) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'миқдор маъносини ифодаловчи рамз' (цифра) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 617). Бу сўз билан ўзбек тилида **рақамли** сифати, **рақамла-** феъли ясалган.

РАҚИБ Бу арабча сўз **raqīb(un)** шаклига эга (АРС, 308); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **raqīb → рақиб;** кўпмаъноли **raqaba** феълининг 'кузатди' маъноси асосида (АРС, 308) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'соқчи', 'кузатувчи', 'текширувчи' маъноларини англатади (АРС, 308); ўзбек тилида 'тортишувда, курашда бир-бирига қарши томон кишиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 618).

РАҚОБАТ Бу арабча сўз **raqābat(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 308); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **raqābat → рақâбат (рақобат);** кўпмаъноли **raqaba** феълининг 'кузатди' маъноси асосида (АРС, 308) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'кузатиш', 'текшириш' маъноларини англатади (АРС, 308); ўзбек тилида 'тортишув', 'устун бўлишга ҳаракат қилиш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 618).

РАҚС Бу арабча сўз **raqŝ(un)** шаклига эга (АРС, 309); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **raqŝ → рақс;** 'ўйинга тушди' маъносини англатувчи **raqaŝa** феълининг (АРС, 309) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'турли мақом билан тан ҳаракатларини қилиш', 'ўйинга тушиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 618).

РАҚҚОС *қ.* **рақҳоса**

РАҚҚОСА Бу сўз **raqqāŝat(un)** шаклига эга (АРС, 309); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **raqqâŝat → рақҳâса (рақҳоса);** 'ўйинга тушди' маъносини англатувчи **raqaŝa** феълидан (АРС, 309) ясалган шахс оти бўлиб (УАЯ, 240), 'рақс тушишга ихтисослашган аёл' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 618). Бу сўзнинг музаккар шакли **рақҳос** сўзи 'рақс тушишга ихтисослашган эркак' маъносини англатади.

РАҒБАТ Бу арабча сўз **raġbat(un)** шаклига эга (АРС, 304); кўпмаъноли **raġiba** феълининг 'истади' маъноси билан (АРС, 303) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 303), 'бирор ишни бажаришга бўлган истак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 618). Бу сўздан ўзбек тилида **рағбатлантир-** феъли ясалган.

РАҲИМ Ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу сўз **raĥīm(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 291), ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **raĥīm → раҳим;** 'раҳм-шафқатли бўлди' маъносини англатувчи **raĥima** феълидан (АРС, 291)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), асли 'раҳм-шафқатли' маъносини англатади; бу сўзнинг муаннас шакли **раҳима** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (Бу сўзлар ЎТИЛга киритилмаган).

РАҲИМА қ. **раҳим**

РАҲМ Бу арабча сўз **raḥm(un)** шаклига эга (АРС, 291), ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **raḥm → раҳм;** 'раҳм-шафқатли бўлди' маъносини англатувчи **raḥima** феълининг (АРС, 291) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'шафқат', 'ачиниш туйғуси' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 618). Бу сўз билан ўзбек тилида **раҳмсиз, бераҳм** сифатлари ясалган, **раҳм-шафқат** жуфт сўзи тузилган.

РАҲМАТ Бу арабча сўз **raḥmat(un)** шаклига эга (АРС, 291), ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **raḥmat → раҳмат;** 'раҳм-шафқат қилди' маъносини англатувчи **raḥima** феълининг (АРС, 291) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'раҳм-шафқат' маъносини англатади (АРС, 291); ўзбек тилида эса бу сўз асосан 'ташаккур' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 618).

РАҲМАТЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **раҳмат** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, вафот этган кишини билдириш учун ишлатилади, асли 'раҳм-шафқат кўрсатишга лойиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 618).

РАҲМАТНОМА Бу сўз тожик тилида арабча **раҳмат** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини (ТжРС, 271, 323) қўшиб тузилган бўлиб, 'яхши фаолият кўрсатганлиги учун бериладиган тақдирлаш хати' маъносини англатади (Бу сўз нимагадир ЎТИЛга киритилмаган).

РАҲМДИЛ Бу сўз тожик тилида арабча **раҳм** сўзига (қ.) 'юрак', 'кўнгил' маъноларини англатувчи тожикча **дил** сўзини қўшиб (ТжРС, 129, 323) тузилган бўлиб, 'ўта раҳм-шафқатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 618). Бу сўздан ўзбек тилида **раҳмдиллик** мавҳум оти ясалган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАҲМОН Бу арабча сўз **raḥmānu** шаклига эга (АРС, 291); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **raḥmānu → раҳмâн (раҳмон);** асли 'раҳм-шафқат қилди' маъносини англатувчи **raḥima** феълининг (АРС, 291) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'раҳм-шафқат кўрсатувчи' маъносини англатади (АРС, 291). Оллога нисбат бериладиган фазилатлардан бирини англатувчи бу сўзни эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиш мақбул эмас, атоқли от бу сўз билан **Раҳмонберди, Абдураҳмон** тарзида тузилиши тўғри.

РАҲМ-ШАФҚАТ • *қ.* **раҳм, шафқат**

РИВОЖ Бу арабча сўз **ravāç(un)** шаклига эга (АРС, 318); ўзбек тилига **а** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ravāç → ривâж (ривож);** асли 'харидорини топди', 'тарқалди' маъносини англатувчи **rāça** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 318), араб тилида 'харидорга сотиш, тарқатиш' маъносини англатади (АРС, 318); тожик тилида бу сўз, юқоридаги маънодан ташқари, 'тараққий этиш', 'жонланиш' маъносини ҳам англатади (ТжРС, 325); кўринадики, бу арабча сўз ўзбек тилига тожик тили орқали олинган: 'ўсиш', 'тараққий этиш' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 624). Ўзбек тилида бу сўздан **ривожлан-** феъли ясалган.

РИВОЙАТ Бу арабча сўз **rivāyat(un)** шаклига эга (АРС, 322); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **rivāyat → ривâйат (ривоят); ravā** феълининг 'ҳикоя қилди', 'хабар етказди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 322), араб тилидан 'оғиздан оғизга ўтиб келаётган афсонавий ҳикоя' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 624).

РИЗО Бу арабча сўз **riḍāь(un)** шаклига эга (АРС, 301); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **riḍāь → ризâ (ризо);** кўп—

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноли **radiā** феълининг 'қаноат ҳосил қилди', 'хўп деди' маъноси билан (АРС, 301) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 144), 'розилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 624). Бу сўз билан ўзбек тилида **ризолик** оти ясалган, **рози-ризолик** жуфт сўзи тузилган.

РИЗОЛИК қ. **ризо**

РИЗҚ Бу арабча сўз **rizq(un)** шаклига эга (АРС, 295); 'яшаш учун зарур нарсалар билан таъминлади' маъносини англатувчи **razaqa** феълидан (АРС, 295) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'яшаш учун зарур нарсалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 612).

РИЗҚ-РЎЗ Асли арабча **ризқ (қ.)** ва тожикча **рӯз** ('кун') сўзлари билан тузилган тожикча **ризқи рӯз** изофа бирикмасига тенг бўлиб, кейинчалик изофа ташланиб, бу икки сўз жуфт сўзга айлантирилган: **ризқирӯз → ризқ-рӯз:** 'кундалик ҳаёт учун зарур нарсалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 625).

РИЙОЗАТ Бу арабча сўз **riyāđat(un)** шаклига эга (АРС, 321); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **riyāđat → рийâзат (риёзат);** кўпмаъноли **rāđa** феълининг 'машқ қилди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 320), араб тилида 'гимнастика машқлари', 'гимнастика', 'спорт' каби маъноларни англатади (АРС, 321); тожик тилида бу сўз 'машаққат', 'муҳтожлик' каби маъноларни англатади (ТжРС, 325); кўринадики, бу сўз ўзбек тилига шундай маъноси билан тожик тилидан олинган (ЎТИЛ, I, 624).

РИЙОЗИЙОТ Бу арабча сўз **рийозат** сўзининг (қ.) **-иййāт(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АРС, 321), тарихан 'математика фанлари' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, I, 624).

РИОЙА Бу арабча сўз **riъāyat(un)** шаклига эга (АРС, 303); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **riъāyat → риāйа (риоя);** кўпмаъноли **raъā** феълининг 'амал қилди', 'ҳисоблади' маъноси билан (АРС, 303) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 303), 'амал қилиш', 'ҳисоблашиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 625). Бу сўз ўзбек тилида **риоя қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

РИСОЛА Бу арабча сўз **risālat(un)** шаклига эга (АРС, 296); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **risālat → рисâла (рисола);** кўпмаъноли **rasila** феълининг 'ёзди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида етти маънони англатиши айтилган (АРС, 296); ўзбек тилига учинчи маъноси — 'тадқиқот' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 625).

РИШВА(Т) Бу арабча сўз **rişvat(un)** шаклига эга (АРС, 299); 'пора берди' маъносини англатувчи **raşā** феълининг (АРС, 299) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'пора' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 625).

РОЗИ Бу арабча сўз **rāđin** шаклига эга (АРС, 301); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **n** қисмини ташлаб қабул қилинган: **rāđin → pâзи (рози);** кўпмаъноли **rađiā** феълидан 'қаноат ҳосил қилди', 'хўп деди' маъноси билан (АРС, 301) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 149), араб тилида 'қаноат ҳосил қилган' маъносини англатади (АРС, 301); ўзбек тилида эса 'айтилган фикрни маъқуллаш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I. 626). Бу сўз билан ўзбек тилида **розилик** сўзи ясалган, **рози-ризолик** жуфт сўзи тузилган.

РОЗИЙА Бу арабча сўз **рози** сўзининг (қ.) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АРС, 301), ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **rāđiyat → pâзийат → розия;** асли **рози** сўзи англатган маънони англатади; бу сўз аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

РОЗИ-РИЗОЛИК *қ.* **рози, ризо**

РОСМАНА *қ.* **расмона**

РОҲАТ Бу арабча сўз **rāhat(un)** шаклига эга (АРС, 318); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **rāḥat → pâҳat (роҳат);** асли кўпмаъноли **rāḥa** феълининг 'ором олди' маъноси билан (АРС, 319) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, 'ором', 'киши руҳининг яйраши' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 628). Бу сўздан ўзбек тилида **роҳатлан-** феъли ясалган, **фароғат** сўзи билан (қ.) **роҳат-фароғат** жуфт сўзи тузилган.

РОҲАТБАХШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **роҳат** сўзига (қ.) 'бағишла-' маъносини англатувчи тожикча **бахшидан** феълининг **бахш** ҳозирги замон асосини қўшиб (ТжРС, 52, 51) тузилган, 'кишига роҳат бағишлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 628).

РОҲАТИЖОН Бу сўз асли ўзбек тилида арабча **роҳат** сўзи билан (қ.) тожикча **жон** сўзидан тузилган изофа бирикмаси бўлиб, кейинчалик бир сўзга бирлашган; 'жонга роҳат бағишлайдиган' маъносини англатади; бу сўз ширинликлардан биринг номи сифатида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 628).

РОҲИЛА Бу арабча сўз **rāḥilat(un)** шаклига эга (АРС, 290); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган: **rāḥilat → pâҳila (роҳила);** 'йўлга чиқди' маъносини англатувчи **raḥala** феълининг I боб аниқ нисбат сифатдоши шакли **rāḥil(un)** сўзидан (АРС, 290) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), асли 'миниб юрилаган уруғочи туя' маъносини англатади (АРС, 290). **Роҳила** сўзи ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (Сафар чоғида туғилган гўдакка исм сифатида берилса керак).

РУБОИЙ Бу арабча сўз **rubāʿiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 284); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **yat** товушларини ташлаб қабул қилинган: **rubāʿiyyat → рубâий (рубоий);** **rabaʿa** феълининг 'тўртинчи бўлди' маъноси билан ҳосил қилиниб, 'тўртдан' маъносини англатувчи **rubāʿa** сўзидан (УАЯ, 423) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АТГ, 370), 'тўрт мисрадан иборат, шуларнинг тўрт ёки уч мисраси қофиядош, тугал маъноли шеър' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 628).

РУЖУ: Бу арабча сўз ўзбек тилида **ружу қил-** қўшма феълн таркибида қатнашади; асли **ruçūъ(un)** шаклига эга (АРС, 288); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **ruçūъ → ружу; raçaъa** феълининг 'қайталади' маъноси билан (АРС, 288) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'қайталаш', 'қайтадан берилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 628).

РУКН Бу арабча **єсўз rukn(un)** шаклига эга (АРС, 313); кўпмаъноли **rakana** феълининг 'суянди' маъноси билан (АРС, 313) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'устун', 'таянчиқ' маъносини англатади; ўзбек тилида бу сўз асосан 'шеър банди' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 628). Бу сўзнинг кўплик шакли **аркон** сўзи (АРС, 313) тарихан **аркони давлат** ('давлатнинг таянчлари') изофа бирикмаси таркибида ишлатилган.

РУТБА Бу арабча сўз **rutbat(un)** шаклига эга (АРС, 286); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **rutbat → рутба;** кўпмаъноли **rattaba** феълининг 'тартиби билан ўрин олди' маъноси асосида (АРС, 285) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'эгаллаб турилган мартаба, унвон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 629).

РУХСАТ Бу арабча сўз **ruxŝat(un)** шаклига эга (АРС, 292); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ruxŝat → рухсат;** кўпмаъноли **raxuŝa** феълининг 'ижозат берди' маъноси билан (АРС, 291) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ижозат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 629). Бу сўз билан ўзбек тилида **рухсатсиз** сифати ясалган.

РУХСАТНОМА Бу қўшма сўз тожик тилида арабча **рухсат** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 329, 271), 'рухсат берилганини тасдиқловчи ҳужжат' маъносини англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, I, 629).

РУҲ Бу арабча сўз **rūh(un)** шаклига эга (АРС, 319); ўзбек тилига ҳойи ҳутги товушини **ҳ** товушига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **rūh → руҳ.** Бу сўз асли кўпмаъноли **rāha** феълининг 'енгил бўлди' маъносидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилидан ўзбек тилига 'киши ҳаётида **у** билан бирга, вафотидан кейин тандан чиқиб, абадий яшайдиган асос' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 629). Кейинчалик бу сўз 'руҳий кайфият' маъносини ҳам англата бошлаган ва шу маъноси билан ўзбек тилида **руҳлан-** ('руҳий кўтаринки кайфиятда бўл-') феъли ясалган.

РУҲАН Бу сўз арабча **руҳ** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), ўзбек тилида 'руҳий жиҳатдан' маъносини англатувчи мустақил сўз сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 630).

РУҲАФЗО Ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайдиган бу сўз асли арабча **руҳ** сўзига (қ.) 'кўтар-' маъносини англатувчи тожикча **афзудан** феълининг **афзо** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 34) қўшиб тузилган, 'кўтаринки руҳ бағишлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 630).

РУҲИЙ Бу арабча сўз **rūhiyy(un)** шаклига эга (АРС, 319); ўзбек тилига ҳойи ҳутги товушини **ҳ** товушига, чўзиқ **ū** товушини **у** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **rūhiyy → руҳий.** Бу сўз асли **руҳ** сўзидан (қ.) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), араб тилидан 'кишининг руҳиятига боғлиқ' маъноси билан қабул қилинган: *руҳий ҳолат, руҳий кўтаринкилик* каби (ЎТИЛ, I, 630).

РУҲИЙАТ Бу арабча сўз **руҳ** сўзидан (қ.) **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'кишининг руҳий ҳолати' маъносини англатади. ЎТИЛга бу сўз **руҳия** шаклида киритилган (I, 630).

РУҲИЙА қ. **руҳийат**

РУҲЛАН- қ. **руҳ**

РУҲОНИЙ Бу арабча сўз **rūhāniyy(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 319); ўзбек тилига ҳойи ҳутти товушини **ҳ** товушига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **rūhāniyy–руҳâний (руҳоний).** Бу сўз асли **руҳ** отидан (қ.) ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 49), 'диний эътиқоди кучли', 'дин йўлида хизмат қилувчи' маънолари билан олинган (ЎТИЛ, I, 630).

С

САБАБ Бу арабча сўз **sabab(un)** шаклига эга (АРС, 343); 'сабаб бўлди' маъносини англатувчи **sabba** феълидан (АРС, 342) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'бирор нарсанинг воқе бўлиши учун омил бўлган нарса' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 5). Ўзбек тилида бу сўздан **сабабчи** оти, **сабабли, сабабсиз** сифатлари ясалган.

САБАБИЙАТ Бу арабча сўз асли **sababiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 343); ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **sababiyyat → сабабийат (сабабият); сабаб** сўзидан (қ.) **–иййат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғланиш ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 5).

САБАБКОР Бу сўз тожик тилида арабча **сабаб** сўзидан **-кор** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 332, 542), 'сабабчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 5).

САБО Бу арабча сўз **ŝabā(un)** шаклига эга (АРС, 428); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ŝabā → сабâ (сабо); ŝabā** феълининг 'интилди' маъноси асосида (АРС, 428) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), араб тилида 'шарқдан эсган шамол' маъносини англатади (АРС, 428); ўзбек тилида бу сўз 'тонгги майин шамол' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 6).

САБОТ Бу арабча сўз **šabāt(un)** шаклига эга (АРС, 108); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **šabāt**

www.ziyouz.com kutubxonasi

→ **сабâт (сабот);** асли кўпмаъноли **šabata** феълидан 'қатъият кўрсатди' маъноси билан (АРС, 108) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'қатъий чидамлилик' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 6). Бу сўздан ўзбек тилида **саботли, саботсиз** сифатлари ясалган.

САБОҚ Бу арабча сўз асли **sabaq(un)** шаклига эга (АРС, 345); тожик тилига шу шаклида ўзлашган (ТжРС, 332); ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлига алмаштирилган: **sabaq → сабâқ (сабоқ);** асли 'ким ўзарга тортишди' маъносини англатувчи **sabaqa** феълидан (АРС, 345) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'тортишув ғолибига бериладиган мукофот' маъносини англатади (АРС, 345); тожик тилида бу сўз 'дарс', 'машғулот' маъносини англатади (ТжРС, 332); кўринадики, бу сўз ўзбек тилига тожик тилидан олинган бўлиб, 'дарс', 'ибрат бўладиган, кўзни очадиган воқеа' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 6).

САБОҲ Бу арабча сўз **ŝabāh(un)** шаклига эга (АРС, 427); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳуғги ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝabāh → сабâҳ (сабоҳ);** 'эрта турди' маъносини англатувчи **ŝabāha** феълидан (АРС, 427) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'тонготар пайт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 6).

САБОҲАТ Бу арабча сўз **ŝabāhat(un)** шаклига эга (АРС, 427); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳуғги ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝabāhat → сабâҳат (сабоҳат);** 'жозибали бўлди' маъносини англатувчи **ŝabuha** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'жозиба' маъносини англатади (ЎҚААҚЛ, 283). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

САБР Бу арабча сўз **ŝabr(un)**[2] шаклига эга (АРС, 427); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝabr → сабр;** кўпмаъноли **ŝabara**

www.ziyouz.com kutubxonasi

феълининг 'тоқатли бўлди' маъноси билан (АРС, 427) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'тоқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 6). Бу сўз билан ўзбек тилида **сабрли, сабрсиз** сифатлари, **сабрсизлик** оти, **сабрсизлан-** феъли ясалган, **сабр-бардош, сабр-тоқат, сабр-қаноат** жуфт сўзлари тузилган; тожикча **-и** қўшимчаси билан **сабри** сўзи ясалган бўлиб ('сабрли' маъносини англатади), аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

САБРИ *қ.* **сабр**

САВИЙА Бу арабча сўз **saviyyat(un)** шаклига эга (АРС, 385); ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ва сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **saviyyat → савийа (савия);** асли кўпмаъноли **saviya** феълининг 'етик бўлди' маъноси асосида (АРС, 384) ясалган **saviyy(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **–at–(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'тенглик', 'бир хиллик' маъносини англатади (АРС, 385); тожик тили луғатида шундай маънони англатувчи сўз **савия II** деб берилган, **савия I** сўзи эса 'даража' маъносини англатиши айтилган (ТжРС, 335); кўринадики, **савийа** сўзи ўзбек тилига тожик тилидан олинган; 'кишининг англаш-билиш даражаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 8).

САВЛАТ Бу арабча сўз **ŝavlat(un)** шаклига эга (АРС, 451); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝavlat → савлат;** кўпмаъноли **ŝāla** феълининг 'ҳужум қилди' маъноси асосида (АРС, 451) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'ҳужум', 'куч-қувват' каби маъноларни англатади (АРС, 451); тожик тилида бу сўз 'кеккайиш' маъносини англатади (ТжРС, 395); кўринадики, бу сўз ўзбек тилига тожик тилидан шундай маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 8). Ўзбек тилида бу сўздан **савлатли, савлатдор** сифатлари ясалган.

САВОБ Бу арабча сўз **šavāb(un)** шаклига эга (АРС, 115); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **šavāb**

www.ziyouz.com kutubxonasi

→ **savâb (савоб); šāba** феълининг 'мукофотлади', 'тақдирлади' маъноси асосида (АРС, 114) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'тақдирлашга лойиқ яхши иш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 8). Ўзбек тилида бу сўздан **савобли** сифати ясалган.

САВОД Бу арабча сўз **savād(un)** шаклига эга (АРС, 381); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **savād → savâd (савод);** асли кўпмаъноли **sāda** феълининг 'хат қоралашни ўрганди' маъноси билан (АРС, 381) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида беш маънони англатади, лекин буларнинг бирортаси ҳам ўзбек тилига олинмаган (АРС, 381); ўзбек тилида бу сўз 'ёзиш-ўқишни ўрганиш' маъносида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 8). Бу сўздан ўзбек тилида **саводли, саводсиз** сифатлари, **саводсизлик** оти ясалган.

САВОДХОН Бу сўз тожик тилида арабча **савод** сўзига (қ.) 'ўқи-' маъносини англатувчи тожикча **хондан** феълининг **хон** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 426, 335), тожик тилида 'савод чиқарадиган' маъносини (ТжРС, 335), ўзбек тилида эса 'ўқиш-ёзишни яхши ўрганган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 9). Бу сўздан ўзбек тилида **саводхонлик** оти ясалган.

САВОЛ Бу арабча сўз асли **suьāl(un)** шаклига эга (АРС, 342); ўзбек тилида **u** унлисини **ав** товушларига, чўзиқ фатҳали ҳамзани **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **suьāl → savâl (савол);** 'сўради' маъносини англатувчи **saьāla** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 342), 'сўроқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 9).

САДАФ Бу арабча сўз **ŝadaf(un)** шаклига эга (АРС, 432); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝadaf → садаф; ŝadafa** феълининг 'тасодифан воқе бўлди' маъноси асосида (АРС, 432) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'марварид' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 9).

САДАҚА Бу арабча сўз **ŝadaqat(un)** шаклига эга (АРС, 433); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига ал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ŝadaqat → садақа;** кўпмаъноли **ŝadaqa** феъ— лининг 'садақа берди' маъносидан (АРС, 433) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'хайр-эҳсон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 9). Тожик сўзлашув тилида бу сўз **садқа** тарзида (иккинчи **а** унлисини ташлаб) ҳам айтилади; бундай шаклдаги сўз **садқайи сар** ('бошимдан садақа') изофа бирикмаси таркибида ишлатилади (ТжРС, 335; ЎТИЛ, II, 10); ўзбек тилида бу бирикманинг маъноси **бош-кўзидан садақа** ибораси билан англатилади.

САД(Д) Бу арабча сўз **sadd(un)** шаклига эга (АРС, 352); кўпмаъноли **sadda** феълининг 'ёпди', 'тўсди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 351), араб тилида 'тўсиқ', 'тўғон' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 9).

САДОҚАТ Бу арабча сўз **ŝadāqat(un)** шаклига эга (АРС, 433); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чў— зиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ŝadāqat → садâқат (садоқат); ŝadaqa** феълининг 'ишончли бўлди' маъноси асосида (АРС, 432) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'дўстлик' маъносини (АРС, 433), ўзбек тилида эса 'со— диқлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 10). Бу сўздан ўзбек тилида **садоқатли, садоқатсиз** сифатлари ясалган.

САДР Бу арабча сўз **ŝadr(un)** шаклига эга (АРС, 432); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмашти— риб қабул қилинган: **ŝadr → садр; ŝadara** феълининг 'юзага чиқди' маъноси билан (АРС, 431) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида олти маънони англатиши таъкидланган (АРС, 432); лекин ўзбек тилида тамоман янги маънони — 'зикр тушишда энг жўшга келган ҳолат, жазава' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 10). Бу сўзнинг араб тилидаги 'юрак' маъноси асосида **Садриддин** атоқли оти тузилган.

САДРИДДИН *қ.* **садр**

САДҚАЙИ САР *қ.* **садақа**

САЖДА Бу арабча сўз **saçdat(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

347); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **saçdat → сажда;** асли **saçada** феъли—нинг 'сиғинди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'Оллога сиғиниб ибодат қилишда тиз чўкиб, бошни эгиб, пешанани ерга теги—зиш ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 10).

САЖДАГОҲ Бу сўз ўзбек тилида арабча **сажда** сў—зига (қ.) 'жой' маъносини англатувчи тожикча **гоҳ** сўзини (ТжРС, 104) қўшиб тузилган бўлиб, 'сажда қилинадиган муқаддас, азиз жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 10).

САИД Бу арабча сўз **saъīd(un)** шаклига эга (АРС, 358); ўзбек тилига чўзиқ касрали айнни **и** унлига ал—маштириб қабул қилинган: **saъīd → саид;** 'бахтиёр бўлди' маъносини англатувчи **saъida** феълидан (АРС, 358) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'бахтиёр', 'саодатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 11). Бу сўзни **сайид** сўзи билан (қ.) қориштирмаслик лозим. **Саид** сўзи ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида, бу сўзнинг **-ат(ун)** қўшимчасини олган муаннас шакли **саида** сўзи эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

САИДА *қ.* **саид**

САЙИД Бу арабча сўз асли **sayyid(un)** шаклига эга (АРС, 381); ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **sayyid → сайид;** асли 'бошқарди', 'ҳукм сурди' маъносини англатувчи **sāda** феълидан (АРС, 381) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'мустақил', 'жаноб', 'Муҳаммад пайғамбар авлодига мансуб' маъноларини англатади (АРС, 381); ўзбек тилида бу сўз мустақил ишлатилмай—ди, **Сайидаҳмад, Сайидмухтор** каби эркак кишининг атоқли оти таркибида қатнашади (пайғамбар авлодига мансуб эканига ишора қилиш вазифасини бажаради). **Сайид** сўзининг **-ат(ун)** қўшимчасини олган муаннас шакли **Сайида** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (Бу сўзни 'бахтли' маъносини англатувчи **саида** сўзи билан қориштирмаслик лозим).

www.ziyouz.com kutubxonasi

САЙЙОР Бу арабча сўз **sayyār(un)** шаклига эга (АРС, 386); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **sayyār → саййâр (сайёр); sāra** феълининг 'юрди' маъноси билан (АРС, 386) ясал — ган от бўлиб (УАЯ, 499), 'доим юриб турувчи киши', 'кўчиб юрувчи' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 11).

САЙЙОРА Бу сўз асли **саййор** сўзининг **-ат(ун)** қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб (УАЯ, 240), ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилин — ган; араб тилида 'планета', 'автомобиль' маъноларини англатади (АРС, 386); ўзбек тилига биринчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 11). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

САЙЙОҲ Бу арабча сўз **sayyāh(un)** шаклига эга (АРС, 386); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **sayyāh → саййâҳ (сайёҳ);** 'дунёни кўриш учун сафар қилди' маъносини англатувчи **sāha**[1] феълидан (АРС, 386) ясалган от бўлиб (УАЯ, 240), 'саёҳат қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 11).

САЙОҲАТ Бу арабча сўз асли **siyāhat(un)** шаклига эга (АРС, 386); ўзбек тилига **i** унлисини **a** унлисига, чў — зиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **siyāhat → сайâ-ҳат (саёҳат);** 'дунёни кўриш учун сафар қилди' маъно — сини англатувчи **sāha**[1] феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 386), 'дунёни кўриш учун қилинадиган сафар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 10).

САЙР Бу арабча сўз **sayr(un)**[1] шаклига эга; **sāra** феълининг 'юрди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 386), араб тилида 'юриш', 'ҳара — катланиш' маъносини англатади (АРС, 386); ўзбек тилида бу сўз 'ҳордиқ чиқариш, томоша қилиш мақсади билан бирор жойда кезиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 12).

САЙҚАЛ Бу арабча сўз асли **ŝayqal(un)** шаклига эга (АРС, 441); тожик тилига сад ундошини **с** ундошига ал —

www.ziyouz.com kutubxonasi

маштириб олинган: **ŝayqal → сайқал;** асли 'жило берди' маъносини англатувчи **ŝaqala** феълининг (АРС, 441) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'жило' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 12).

САЛБИЙ Бу арабча сўз **salbiyy(un)** шаклига эга (АРС, 366); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушлари—дан бирини ташлаб қабул қилинган: **salbiyy → салбий;** кўпмаъноли **salaba** феълининг 'инкор қилди' маъноси билан ҳосил қилиниб, 'инкор' маъносини англатувчи **salb(un)** I боб масдаридан (АТГ, 142) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'но—мақбул', 'ижобийнинг акси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 13).

САЛИБ Бу арабча сўз **ŝalīb(un)** шаклига эга (АРС, 442); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ŝalīb → салиб; ŝalaba** феълининг 'қўл-оёғини бутга тортиб михлади' маъноси билан (АРС, 442) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'бут (крест)' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 14).

САЛИМ Бу арабча сўз **salīm(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 370), ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган. Бу сўз 'тинч-омон бўлди' маъносини англатувчи **salima** феълидан ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'соғлом', 'шикастланмаган', 'аслини сақлаган' каби маъноларни англатади (АРС, 370); ҳозирги ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатидагина ишлатилади (ЎТИЛ, II, 15). **Салим** сўзининг **-ат(ун)** муаннас қўшимчаси билан ҳосил қилинган **салимат(ун)** сўзи охиридаги **т** товуши ташланиб, **Салима** шаклида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

САЛИМА қ. **салим**

САЛОБАТ Бу арабча сўз **ŝalābat(un)** шаклига эга (АРС, 442); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ŝalābat → салâбат (салобат); ŝaluba** феълидан 'улуғвор бўлди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб (АРС, 442), араб тилида 'қатъийлик', 'қатъият' маъносини (АРС, 442), ўзбек тилида эса 'улуғворлик', 'савлат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 15). Ўзбек тилида бу сўздан **салобатли** сифати ясалган.

САЛОМ Бу арабча сўз **salām(un)** шаклига эга (АРС, 370); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **salām → salâm (салом).** Бу сўз 'тинч-омон бўлди' маъносини англатувчи **salima** феълининг (АРС, 370) масдари бўлиб (АТГ, 142), асли 'тинчлик', 'омонлик' маъносини англатади ва шу маъноси билан **ассалому алайкум, ва алайкум ассалом** арабча бирикмалари таркибида қатнашади. Бундан ташқари, **салом** сўзи ўзбек тилида тарихан 'ҳукмдор билан саломлашиш маросими' маъносини англатган, ҳозирги ўзбек тилида 'келинчакни куёвнинг ота-онаси, яқин қариндошларига таъзим қилдириш маросими' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 15). Ўзбек тилида **салом** сўзи қатнашуви билан **салом-алик** жуфт сўзи, **келинсалом** қўшма сўзи тузилган, **саломлаш-** феъли ясалган.

САЛОМ АЛАЙКУМ қ. **ассалому алайкум**

САЛОМ-АЛИК қ. **салом**

САЛОМАТ Бу арабча сўз кўпмаъноли **salima** феълининг 'тинч-омон бўлди' маъноси билан (АРС, 370) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'тинчлик', 'бехатарлик', 'соғломлик' каби маъноларни англатади (АРС, 370); ўзбек тилида бу сўз 'соғлом', 'эсон-омон' каби сифат маъносини англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, II, 15). **Саломат** сўзи аёл кишининг атоқли оти бўлиб ҳам келади. Жисмоний меҳнат қилаётган кишига қарата айтиладиган **Ҳорманг** сўзига жавобан **Саломат бўлинг** тарзида ҳам ишлатилади. Бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **саломатлик** мавҳум оти ясалган.

САЛОҲ Бу арабча сўз **ŝalāh(un)** шаклига эга (АРС, 443); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝalāh → salâҳ (салоҳ);**

www.ziyouz.com kutubxonasi

асли кўпмаъноли **ŝalaħa** феълининг 'яроқли бўлди', 'фойдали бўлди' маъноси билан (АРС, 442) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'фойда келтирувчи', 'яхшилик қилувчи' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 16). **Салоҳ** сўзи ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **Салоҳиддин** атоқли оти таркибида қатнашади.

САЛОҲИДДИН *қ.* **салоҳ**

САЛОҲИЙАТ Бу арабча сўз **ŝalāħiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 443); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, таркибидаги бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **ŝalāħiyyat→ салâҳийат (салоҳият); салоҳ** сўзидан (қ.) **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), араб тилида 'лойиқлик', 'мақсадга мувофиқлик', 'ваколатлилик', 'имкониятлилик' маъноларини англатади (АРС, 442); ўзбек тилида бу сўз 'юксак қобилият-имкониятларга эгалик' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 16). Бу сўздан ўзбек тилида **салоҳийатли** сифати ясалган.

САЛТАНАТ Бу арабча сўз **salṭanat(un)** шаклига эга (АРС, 368); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **salṭanat → салтанат;** 'ҳукмдор (султон) деб эълон қилди' маъносини англатувчи **salṭana** феълининг (АРС, 368) I боб масдари бўлиб (АТГ, 339), 'ҳукмдор (хон, амир, подшо) қўл остидаги давлат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 16). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади, сўзлашув тилида **санталат** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

САМАР Бу арабча сўз **šamar(un)** шаклига эга (АРС, 113); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **šamar → самар;** 'мева (ҳосил) берди' маъносини англатувчи **šamara** феълининг (АРС, 113) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'турли мевалар', 'фойда', 'натижа' маъноларини англатади (АРС, 113); бу сўз ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди (ЎТИЛ, II, 17).

www.ziyouz.com kutubxonasi

САМАРА Бу арабча сўз **šamarat(un)** шаклига эга (АРС, 113); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **šamarat → самара;** 'мева (ҳосил) берди' маъносини англатувчи **šamara** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'мева', 'ҳўл мева' маъносини англатади (АРС, 113); ўзбек тилида бу сўз билан, юқоридаги маънодан ташқари, 'натижа' маъноси ҳам англатилади (ЎТИЛ, II, 17). Бу сўздан ўзбек тилида **самарали, самарасиз** сифатлари ясалган.

САМАРАДОР Бу арабча сўз **самара** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 338, 137, 136); ўзбек тилида 'кўп маҳсулот берадиган', 'яхши фойда келтирадиган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 17). Бу сўздан ўзбек тилида **самарадорлик** мавҳум оти ясалган.

САМО Бу арабча сўз **samāь(un)** шаклига эга (АРС, 375); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **samāь → самâ (само).** Бу сўз кўпмаъноли **samā** феълининг 'баланд, юқори бўлди' маъносидан (АРС, 375) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 146), 'осмон', 'кўк' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 17).

САМОВИЙ Бу арабча сўз **samāviyy(un)** шаклига эга (АРС, 375); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги бир **y** товушини ташлаб қабул қилинган: **samāviyy → самâвий (самовий).** Бу сўз **само** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб, унли билан тугаган сўзга қўшилаётганлиги сабабли қўшимча олдидан **в** ундоши орттирилган (АТГ, 49): **само + ийй → самовий.** Бу сифат асли 'осмондаги', 'осмон рангидаги' маъноларини англатади (АРС, 375).

САНА Бу арабча от **sanat(un)** шаклига эга (АРС, 378); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **sanat → сана;** араб тилида 'йил' маъносини англатади (АРС, 378); ўзбек тилида бу сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосан 'бирор воқеа содир бўлган йил, ой, кун' маъно-сини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 18).

САНАВБАР *қ.* **санобар**

САНАМ Бу арабча от **ŝanam(un)** шаклига эга (АРС, 447); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмашти-риб қабул қилинган: **ŝanam → санам;** араб тилида 'бут', 'эъзозланадиган киши ёки нарса' маъноларини англатади (АРС, 447); ўзбек тилида бу сўз 'гўзал аёл қиёфасида ясалган бут' маъносини, шу маъно асосида юзага келган 'гўзал аёл' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 18).

САНДИҚ Бу арабча от асли **ŝundūq(un)** шаклига эга (АРС, 446); тожик тилига ўзлаштиришда сад ундоши **с** ундошига, биринчи бўғиндаги қисқа **u** унлиси **а** унлисига алмаштирилган, иккинчи бўғиндаги унлининг чўзиқлик белгиси йўқолган: **ŝundūq → сандуқ** (ТжРС, 341); ўзбек тилига тарихан шу шаклида ўзлашган бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмаштирилган: **сандуқ → сандиқ;** араб ти-лида 'катта-кичик ҳажмдаги яшик' маъносини англатади (АРС, 446); ўзбек тилида 'рўзғор буюмлари, асосан кийим-кечак солиб қўйиладиган қулф-калитли катта яшик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 18). Бу сўздан ўзбек тилида **сандиқча, сандиқчи** сўзлари ясалган.

САНДИҚЗАДА Бу сўз ўзбек тилида арабча **сандиқ** сўзига (қ.) 'ур-' маъносини англатувчи тожикча **задан** феълининг (ТжРС, 148) **зада** сифатдош шаклини (ТжРС, 560) қўшиб тузилган бўлиб, 'сандиқда узоқ сақлангани сабабли асл сифатини йўқотган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 18).

САНДИҚСОЗ Бу сўз тожик тилида арабча **сандуқ (→сандиқ)** сўзига (қ.) 'яса-' маъносини англатувчи тожикча **сохтан** феълининг **соз** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 341, 364, 362); 'сандиқ ясовчи уста' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 18). Бу сўз англатган маъно ўзбек тилида **сандиқчи** сўзи билан ҳам англатилади.

САНДИҚЧИ *қ.* **сандиқсоз**

www.ziyouz.com kutubxonasi

САНО Бу арабча сўз **šanāь(un)** шаклига эга (АРС, 114); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳам — зани ташлаб қабул қилинган: **šanāь → санâ (сано);** асли кўпмаъноли **šanā** феълининг 'орттириб мақтади' маъноси билан (АРС, 113) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), 'ортиқ даражада мақтов' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 19). Бу сўз ўзбек тилида ёлғиз иш — латилмайди, **ҳамд-у сано** жуфт сўзи таркибида қатнашади.

САНОАТ Бу арабча сўз **šināъat(un)** шаклига эга (АРС, 446); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, **i** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айн товушини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **šināъat → санâат (саноат);** кўпмаъноли **šanaъa** феълининг 'ишлаб чиқарди' маъноси билан (АРС, 446) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'касб', 'машғулот', 'ишлаб чиқариш' каби маъноларни англатади (АРС, 446); ўзбек тилига 'ишлаб чиқариш' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 19).

САНОБАР Бу от асли **šanavbar(un)** шаклига эга (АРС, 447); тожик тилига шу шаклида ўзлашган (ТжРС, 339); ўзбек мумтоз адабиётида ҳам шу шаклида ишла — тилган (ЎКААҚЛ, 289); ҳозирги ўзбек тилида эса **v** ун — дошини ташлаб, ундан олдинги **а** унлисини **â** унлисига алмаштириб талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: **šanavbar → санâбар (санобар);** асли 'қарағай' маъносини англатади (АРС, 447); ўзбек тилида бу сўз кўчма маънода 'хушқомат', 'гўзал қоматли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 19). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида асосан аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

САНТАЛАТ *қ.* **салтанат**

САНЪАТ Бу арабча сўз **šanъat(un)**[1] шаклига эга (АРС, 447); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига ал — маштириб, сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **šanъat → санъат;** кўпмаъноли **šanaъa** феълининг 'бе — зади' маъноси билан (АРС, 446) ҳосил қилинган I боб

www.ziyouz.com kutubxonasi

масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'меҳнат', 'ҳунар', 'бадиий ижод' маъноларини англатади (АРС, 447); ўзбек тилига 'бадиий ижод' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 20).

САНЪАТКОР Бу сўз тожик тилида арабча **санъат** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 341, 542); 'санъат билан шуғулланувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 20).

САНЪАТКОРОНА Бу сўз тожик тилида **санъаткор** сўзидан **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 341, 542); 'нафис маҳорат билан', 'моҳирона' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 20).

САНЪАТШУНОС Бу сўз тожик тилида арабча **санъат** сўзига (қ.) 'ўрган-' маъносини англатувчи тожикча **шинохтан** феълининг **шинос** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган: **санъатшинос** (ТжРС, 341, 458, 457); ўзбек тилига **и** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **санъатшинос → санъатшунос;** 'бирор санъат соҳасини ўрганиш билан шуғулланувчи мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 20), Бу сўздан ўзбек тилида **санъатшунослик** мавҳум оти ясалган.

САОДАТ Бу арабча сўз **saъādat(un)** шаклига эга (АРС, 358); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **saъādat → saâdat (саодат);** 'бахтиёр бўлди' маъносини англатувчи **saъida** феълининг (АРС, 358) I боб масдари бўлиб (АРС, 358), 'бахтиёрлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 20). Бу сўздан ўзбек тилида **саодатли** сифати ясалган.

САРАТОН Бу от **saratān(un)** шаклига эга (АРС, 355); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **saratān → саратâн (саратон);** асли 'қисқичбақа' маъносини англатади (АРС, 355); осмоннинг ўн икки буржидан тўртинчиси қисқичбақа тарзида тасаввур этилиб, шу сўз билан номланган; шамсия йил ҳисобидаги тўртинчи ой (22- июндан 21- июлгача бўладиган вақт) ҳам **саратон** сўзи билан номланган: ёзнинг энг иссиқ кунларига тўғри келади (ЎТИЛ, II, 21). Рак касаллиги ҳам илгари

www.ziyouz.com kutubxonasi

саратон касаллиги дейилар эди.

САРФ I Бу арабча сўз **ŝarf(un)** шаклига эга (АРС, 436); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмашти-риб қабул қилинган: **ŝarf → сарф;** асли кўпмаъноли **ŝarafa**[1] феълининг 'харажат қилди' маъноси билан (АРС, 435) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ниманингдир эвазига тўланган маблағ', 'чиқим' маъно-сини англатади (ЎТИЛ, II, 25). Бу сўздан ўзбек тилида **сарфла-** феъли ясалган, **харажат** сўзи билан (қ.) **сарф-харажат** жуфт сўзи тузилган.

САРФ II Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмай қўйган бу сўз 'грамматиканинг морфология қисми' маъносини англатган бўлиб (ЎТИЛ, II, 25), асли кўпмаъноли **ŝarafa**[1] феълининг ўнинчи —•'турлади, туслади (шаклини ўз-гартирди)' маъносидан (АРС, 435) ҳосил қилинган I боб масдарига тенг (АТГ, 142).

САРФЛА- қ. **сарф**

САРФ-ХАРАЖАТ қ. **сарф**

САТР Бу арабча сўз **satr(un)** шаклига эга (АРС, 357); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **satr → сатр;** 'чизиқ чизди', 'ёзди' маъ-ноларини англатувчи **satara** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'чизиқ', 'бир қатор (йўл) ёзув' маъноларини англатади (АРС, 357); ўзбек тилига иккинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 27).

САТТОР Бу арабча сўз **sattār(un)** шаклига эга (АРС, 346); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **sattār → саттâр (саттор); satara** феълининг 'яширди' маъноси билан (АРС, 346) ясалган от бўлиб (УАЯ, 240), араб тилида 'яширувчи', 'кечирувчи' маъносини англатади; бундай сифат Оллога нисбат берилади, шунга кўра бу сўз билан атоқли от асли **Абдусаттор** тарзида тузилиши мақбул; **ўламан саттор** ибораси таркибида ҳам **саттор** сўзи асли Оллони англатади (ЎТИЛ, II, 27).

САТҲ Бу арабча сўз **satḥ(un)** шаклига эга (АРС, 357); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган: **sath → сатҳ;** кўпмаъноли **sataha** феълининг 'текис қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 357), 'юза', 'устки текис қисм' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 27).

САФ Бу арабча сўз **ŝaff(un)** шаклига эга (АРС, 438); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **ff** ундошларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ŝaff → саф; ŝaffa** феълининг 'бир қаторга қўйди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 438), 'бир қанча кишиларнинг бир қатор жой олган ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 27). Бу сўздан ўзбек тилида **сафлан-** феъли ясалган.

САФАР Бу арабча сўз асли **safrat(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 360), тожик тилига сўз охиридаги **-at(un)** қўшимчасини ташлаб, **fr** товушлари оралиғига **а** унли — сини қўшиб қабул қилинган (ТжРС, 348); шу шаклида ўзбек тилига олинган: **safrat → сафар;** 'доимий яшаш манзилидан бошқа узоқ манзилга жўнаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 27). Бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

САФАРБАР Бу сўз тожик тилида арабча **сафар** сў — зига (қ.) 'жўна-' маъносини англатувчи тожикча **бур — дан I** феълининг **бар** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 85, 45, 349), кўчма маънода 'би — рор фаолиятни бажаришга жалб қилиш, тайёр ҳолатга келтириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 28). Бу сўз — дан ўзбек тилида **сафарбарлик** мавҳум оти ясалган.

САФО Бу арабча сўз **ŝafāь(un)** шаклига эга (АРС, 441); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳам — зани ташлаб қабул қилинган: **ŝafāь → сафâ (сафо);** 'по — киза, тиниқ бўлди' маъносини англатувчи **ŝafā** феълидан (АРС, 440) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), араб тилида 'покизалик', 'самимийлик' маъносини англатади (АРС, 441). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

САФРО Бу арабча сўз **ŝafrāьu** шаклига эга (АРС, 440); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги дам-мали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ŝafrāĥu → сафрâ (сафро); ŝafara** феълининг 'сариқ ранг берди' маъноси билан (АРС, 439) ясалган **aŝfaru** аслий сифатининг му-аннас шакли бўлиб (АРС, 439; АТГ, 43), асли 'сариқ (ранг)' маъносини, отлашиб 'жигарда ҳосил қилинадиган сариқ рангли суюқлик, зарда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 28).

САХИЙ Бу арабча сўз **saxiyy(un)** шаклига эга (АРС, 351); ўзбек тилига сўз охиридаги бир **у** товушини ташлаб қабул қилинган: **saxiyy → сахий;** 'қўли очиқ, ҳимматли бўлди' маъносини англатувчи **saxā** феълидан (АРС, 351) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'қўли очиқ', 'ҳимматли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 29). Бу сўздан ўзбек тилида **сахийлик** мавҳум оти ясалган.

САХОВАТ Бу арабча сўз **saxāvat(un)** шаклига эга (АРС, 351); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **saxāvat → сахâват (саховат);** 'қўли очиқ, ҳимматли бўлди' маъносини англатувчи **saxā** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'қўли очиқлик', 'ҳимматлилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 29). Бу сўздан ўзбек тилида **саховатли** сифати ясалган.

САЪДИ Ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу сўз 'бахтиёр бўлди' маъносини англатувчи арабча **saъida** феълининг (АРС, 358) I боб масдари **saъd(un)** сўзидан (АТГ, 142; ЎКААҚЛ, 286) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига айн товуши ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **уу** товушларини ташлаб қабул қилинган: **saъdiyy → саъди;** бу сўз асли 'бахтиёр' маъносини англатади.

САЪЙ Бу арабча сўз **saъy(un)** шаклига эга (АРС, 359); ўзбек тилига айн ўрнига **ъ** (айириш, бу ерда чўзиқлик) белгисини қўйиб қабул қилинган: **saъy → саъй;** кўпмаъноли **sayā**[1] феълининг 'астойдил ҳаракат қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 359), 'интилиш', 'тиришқоқлик' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 29). Бу сўз билан ўзбек тилида **саъй-ҳаракат** жуфт сўзи тузилган.

САҒИР Бу арабча сўз **ṣaġīr(un)** шаклига эга (АРС, 438); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ṣaġīr → сағир;** кўпмаъноли **ṣaġira** феълининг 'вояга етмади' маъноси билан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'ёши кичик' маъносини англатади (АРС, 438); ўзбек тилида 'марҳумнинг вояга етмаган фарзанди' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 80).

САҲАР Бу арабча сўз **saḥar(un)** шаклига эга (АРС, 349); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **saḥar → саҳар;** аслий 'ўзига ром қилди' маъносини англатувчи **saḥara** феълидан (АРС, 349) ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'эрта тонг' маъносини англатади (АРС, 349); ўзбек тилида 'ғира-шира тонг', 'субҳидам' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 80). 'Рўза кунлари кечаси тонг ёришгунча овқатланиш учун туриладиган вақт' маъноси ҳам шу сўз билан англатилади. Бу сўздан ўзбек тилида **саҳарлаб** равиши, **саҳарлик** оти ясалган.

САҲАРЛАБ қ. **саҳар**

САҲАРЛИК қ. **саҳар**

САҲАРМАРДОН Бу сўз асли арабча **саҳар** сўзи билан (қ.) 'эр киши' маъносини англатувчи тожикча **мард** сўзининг **мардон** кўплик шаклини (ТжРС, 216, 536) қўшиб тузилган; 'жуда эрта тонг' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 80).

САҲАРХЕЗ Бу сўз тожик тилида арабча **саҳар** сўзига (қ.) 'эрта тур-' маъносини англатувчи тожикча **хестан** феълининг **хез** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 351, 422, 421); 'эрта тонгда барвақт туришга одатланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 80).

САҲИФА Бу арабча сўз асли **ṣaḥīfat(un)** шаклига эга (АРС, 439); тожик тилига аввал сад ундошини **с** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб **сафҳа** шаклида қабул

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган (ТжРС, 350), кейинчалик **фҳ** товушлари ўрин алмаштирилиб ва улар оралиғига **и** унлиси қўшилиб **саҳифа** шаклида ишлатила бошлаган (ТжРС, 351); ўзбек тилига кейинги шаклида қабул қилинган: **ŝafħat → сафҳа → саҳифа;** 'китоб, дафтар кабилар варағининг ҳар бети' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 50).

САҲН Бу арабча сўз **ŝaħn(un)** шаклига эга (АРС, 438); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝaħn → саҳн;** 'майдалади' маъносини англатувчи **ŝaħana** феъли мақоласида берилган бу сўз араб тилида 'ликоп', 'овқат', 'майдон' маъноларини англатади (АРС, 430); ўзбек тилида 'майдон', 'юза' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 31).

САҲНА Бу арабча сўз **саҳн** сўзига (қ.) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **-ат(ун)** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (УАЯ, 499); ўзбек тилига сўз охиридаги **т** товушини ташлаб олинган; асли 'кичик саҳн' маъносини англатади; ҳозирги ўзбек тилида 'томоша кўрсатиш учун умумий саҳндан баландроқ қилиб қурилган кичик саҳн' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 31). Бу сўздан ўзбек тилида **саҳналаштир-** феъли ясалган.

САҲОБА Бу арабча сўз **ŝaħābat(un)** шаклига эга (АРС, 430); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ŝaħābat → саҳâба (саҳоба);** 'дўсти бўлди', 'ҳамроҳи бўлди' маъносини англатувчи **ŝaħiba** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'Муҳаммад пайғамбарнинг маслакдош яқин кишилари' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 31).

САҲРО Бу арабча сўз **ŝaħrāʾu** шаклига эга (АРС, 430); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги маддали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ŝaħrāʾu → саҳрâ (саҳро);** асли 'саҳрога жўнади' маъносини англатувчи **ьaŝħara** феълидан (АРС, 430) ясалган шу шаклдаги аслий сифатнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

муаннас шакли бўлиб (АТГ, 43), 'чўл' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 31).

САҲРОЙИ Бу сўз тожик тилида арабча **саҳро** сўзидан (қ.) **-и** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (ТжРС, 352, 342), 'саҳрода туғилиб-ўсган', 'саҳрода яшовчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 31).

СЕЛ Бу арабча сўз асли **sayl(un)** шаклига эга (АРС, 387); форс тилига **сейл** шаклида, **а** унлисини **э** унлига алмаштириб олинган: **sayl → сейл** (ПРС, 301); тожик тилига эса, бундан ташқари, **у** товушини ташлаб олинган: **сейл → сел** (ТжРС, 352); ўзбек тилига шу шаклида ўтган; асли **sāla** феълининг 'оқди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилида 'сув оқими' маъносини англатади (АРС, 387); ўзбек тилида 'шиддатли ёғин ва шунинг оқибатида юзага келган кучли сув оқими' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 35).

СЕЛХОНА Бу қўшма сўз ўзбек тилида арабча **сел** сўзига (қ.) 'жой' маъносини англатувчи тожикча **хона** сўзини қўшиб тузилган; 'сел оқими ўтадиган ўзан, сойлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 35).

СЕРМАҲСУЛ Бу сўз тожик тилида арабча **маҳсул** сўзи олдига (қ.) 'кўп', 'мўл' маъносини билдирувчи тожикча **сер-** қисмини қўшиб тузилган (ТжРС, 353, 354), 'маҳсулдор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 40).

СЕРТАКАЛЛУФ Бу сўз тожик тилида арабча **такаллуф** сўзи (қ.) олдига тожикча 'кўп', 'мўл' маъносини билдирувчи **сер-** қисмини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 353, 355), ўзбек тилида 'ортиқ даражада ҳурмат кўрсатиб муомалада бўлувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 41).

СЕҲР Бу арабча сўз **sihr(un)** шаклига эга (АРС, 349); ўзбек мумтоз адабиётида шу шаклда ишлатилган (ЎҚААҚЛ, 305); кейинчалик ҳойи ҳутти ундоши **ҳ** ундошига, шу ундош олдидаги **і** унлиси **э** унлисига алмашган (Худди шундай товуш ўзгариши тожик тилида ҳам воқе бўлган: ТжРС, 356): **sihr → сеҳр; saħara** феълининг 'сеҳрлади' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 349), 'ўзига итоаткор қилиб олишга

www.ziyouz.com kutubxonasi

қодир қобилият' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 42). Бу сўздан ўзбек тилида **сеҳрли, сеҳрла-** сўзлари ясалган.

СЕҲРГАР Бу сўз арабча **сеҳр** сўзидан (қ.) тожикча **-гар** қўшимчаси билан ясалган бўлиб (ТжРС, 356, 542), 'сеҳрлаш қобилиятига эга', 'жодугар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 42).

СИДДИҚ Бу арабча сўз **ŝiddīq(un)** шаклига эга (АРС, 433); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ŝiddīq → сиддиқ;** асли **ŝadaqa** феълининг 'ҳақиқатгўй бўлди' маъноси билан (АРС, 432) ясалган **ŝādiq(un)** аслий сифатининг орттирма даража шакли бўлиб, 'ўта даражада ҳақиқатгўй' маъносини англатади (АРС, 433); бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

СИДҚИДИЛ Бу сўз арабча **сидқ** ва тожикча **дил** сўзлари билан тузилган изофа бирикмасига тенг бўлиб, кейинчалик бир сўзга бирлаштирилган; 'самимият' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 43). **Сидқ** сўзи **ŝidq(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 433), ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝidq → сидқ;** 'чин', 'самимият' маъносини англатади (АРС, 433).

СИЙМО Бу арабча сўз **sīmāь(un)** шаклига эга (АРС, 384); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **ий** товушларига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **sīmāь → сиймâ (сиймо);** кўпмаъноли **sāma** феълининг назар ташлади' маъноси асосида (АРС, 384: ромба белгисидан кейин) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), араб тилида 'белги', 'юз кўриниши' маъноларини англатади (АРС, 384); ўзбек тилида маънода кенгайиш юз бериб, 'қиёфа' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 44).

СИЙОСАТ Бу арабча сўз **siyāsat(un)** шаклига эга (АРС, 382); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **siyāsat → сийâсат (сиёсат);** кўпмаъноли **sāsa** феълининг 'бошқарди', 'раҳбарлик қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'бошқариш', 'ҳокими — ятнинг мамлакатни бошқарищда, халқаро муносабат — ларда тутган йўли' маъносини англатади (АРС, 382); ўзбек тилига иккинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 43). Бу сўздан ўзбек тилида **сийосатчи** сўзи ясалган.

СИЙОСАТБОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **сийосат** сўзига (қ.) 'берилиб шуғуллан-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82, 71) қўшиб тузилган; 'қуруқ сиёсат билан иш кўрадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 43). Бу сўз — дан ўзбек тилида **сийосатбозлик** мавҳум оти ясалган.

СИЙОСАТДОН Бу сўз тожик тилида арабча **сийо— сат** сўзига (қ.) 'яхши бил-' маъносини англатувчи тожикча **донистан** феълининг **дон** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 356, 135) қўшиб тузилган; 'сиёсатни яхши биладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 43).

СИЙОСИЙ Бу арабча сўз **siyāsiyy(un)** шаклига эга (АРС, 382); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **siyāsiyy → сийâсий (сиёсий); сийосат** сўзи охиридаги **-ат** қисмини ташлаб, қолган қисмига **-ийй(ун)** қўшимчасини қўшиб ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 49), 'сиёсат билан боғлиқ', 'сиёсат соҳасидаги' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 44).

СИЙОҚ Бу арабча сўз **siyāq(un)** шаклига эга (АРС, 384); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига ал— маштириб қабул қилинган: **siyāq → сийâқ (сиёқ);** 'жў— натди' маъносини англатувчи **sāqa** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 383), араб тилида 'давом этиш', 'бориш' маъносини англатади (АРС, 384); ўзбек тилида (шунингдек тожик тилида ҳам) бу сўз 'ташқи кўриниш', 'авзо' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 44; ТжРС, 356).

СИЛСИЛА Бу арабча сўз **silsilat(un)** шаклига эга (АРС, 367); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **silsilat → силсила;** асли 'занжирлади' маъносини англатувчи **salsala** феълининг I

www.ziyouz.com kutubxonasi

боб масдари бўлиб, араб тилида 'занжир', 'қатор' маъноларини англатади (АРС, 367); ўзбек тилида 'воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро зич боғланиши', 'шажара' маъноларини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 48).

СИНФ I Бу арабча сўз **ŝinf(un)** шаклига эга (АРС, 447); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝinf → синф; ŝannafa** феълининг 'хилига, турига қараб гуруҳлади' маъноси билан (АРС, 447) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'тур', 'нав', 'гуруҳ' маъноларини англатади (АРС, 447); ўзбек тилида бу сўз 'кишиларнинг маълум ижтимоий белги-хусусиятлари асосида бирлашадиган гуруҳи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 53).

СИНФ II Бу сўз **синф I** сўзи асосида юзага келган бўлиб, 'мактабда бир ўқув йилига тенг поғона', 'мактабда машғулот ўтказиладиган хона' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 53). Бу сўздан ўзбек тилида **синфдош** сўзи ясалган.

СИНФИЙ Бу арабча сўз **синф I** сўзидан (қ.) **–ий–й(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'синфга қарашли, хос' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 53). Бу сўздан ўзбек тилида **синфийлик** мавҳум оти ясалган.

СИР Бу арабча сўз **sirr(un)** шаклига эга (АРС, 353); ўзбек тилига охиридаги **rr** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **sirr →сир.** Бу сўз асли **sarra** феълининг (АРС, 353) 'махфий гапдан, ишдан хабардор қилди' маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб, 'махфий гап, иш, нарса' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 54). Ўзбек тилида бу сўздан **сирли** сифати, бироз сунъий туйиладиган **сирлаш-** феъли ясалган.

СИР-АСРОР Бу сўз ўзбек тилида **сир** сўзига (қ.) **асрор** сўзини қўшиб тузилган бўлиб, 'мавҳум, бошқаларга номаълум фикр, фаолият' каби жамлаш маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, II, 55). **Асрор** сўзи **сир** сўзининг кўплик шакли бўлиб (АРС, 353), асли 'сирлар' маъносини ифодалайди. Бу сўз ўзбек тилида турдош от сифатида мустақил ишлатилмайди; эркак кишининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

атоқли оти бўлиб келади.

СИРДОШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **сир** сўзига (қ.) 'бирга' маъносини ифодаловчи **-дош** қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб, 'ҳар қандай фикр, фаолиятидан бир-бирини хабардир тутадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 55). Бу сўз ПРСга (280) **сирдош** шаклида киритилган-у, ТжРСга (359) нимагадир **сирдошт** шаклида киритилган ва айни шундай маънони англатиши таъкидланган; ваҳоланки **дошт** асли 'эга бўл-' маъносини англатувчи **доштан** феълининг ўтган замон асосига тенг, унда **сирдошт** сўзи 'қандайдир йўл билан ўзганинг сиридан хабар топган' маъносини англатиши керак.

СИФАТ Бу арабча сўз **ŝifat(un)** шаклига эга (АРС, 891); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝifat → сифат;** кўпмаъноли **vaŝafa** феълининг 'аниқлади', 'тасвирлади' маъноси асосида (АРС, 891) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'белги-хусусият', 'белги маъносини англатувчи сўзлар туркуми' маъноларини англатади (АРС, 891); ўзбек тилига ҳар икки маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 58). Бу сўздан ўзбек тилида **сифатдош, сифатли, сифатсиз, сифатла-, сифатловчи** сўзлари ясалган.

СИҲАТ Бу арабча сўз **ŝiĥĥat(un)** шаклига эга (АРС, 429); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, **ĥĥ** товушларидан бирини ташлаб, иккинчисини **ҳ** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ŝiĥĥat → сиҳат;** кўпмаъноли **ŝaĥĥa** феълининг 'соғлом бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 429), араб тилида 'соғломлик', 'гигиена' маъноларини англатади (АРС, 429); ўзбек тилига 'соғломлик' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 60). Бу сўз билан ўзбек тилида **сиҳат-саломат** жуфт сўзи тузилган.

СОАТ Бу арабча сўз **sāъat(un)** шаклига эга (АРС, 382); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **sāъat → câat (соат).** Бу сўз асли 'жойлади', 'қамраб олди' маъносини англатувчи **sāъa** феълидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

–at(un) қўшимчаси билан ясалган от бўлиб, 'бир кеча-кундузнинг 24 қисмидан бирига тенг вақт' маъносини ва шу маънодан ўсиб чиққан 'вақт ўлчовини кўрсатувчи асбоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 61).

СОАТБАЙ Бу арабча сўз **соат (қ.)** ва **бай (қ.)** сўзларидан ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'сарфланадиган меҳнатга соат ҳисобида ҳақ тўланадиган' маъносини англатади. Бу сўз ЎТИЛга киритилмаган.

СОАТСОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **соат** сўзига (қ.) 'яса-', 'тузат-' маъносини англатувчи тожикча **сохтан** феълининг **соз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 364, 362) қўшиб тузилган; 'соат тузатувчи уста' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 61).

СОАТСОЗЛИК Бу сўз ўзбек тилида **соатсоз** сўзидан (қ.) **-лик** қўшимчаси билан ясалган; бу ясалишда **сохтан** феълининг асоси 'ясаш' маъноси билан қатнашган, шунга кўра **соатсозлик** сўзи 'саноатнинг соат ишлаб чиқарувчи соҳаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 61).

СОБИР Бу арабча сўз **ŝābir(un)** шаклига эга (АРС, 427); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ŝābir → câбир (собир);** кўпмаъноли **ŝabara** феълининг 'тоқатли бўлди' маъноси билан (АРС, 427) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'сабр-тоқатли' маъносини англатади (ЎКААҚЛ, 305). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида, шу сўзнинг муаннас шакли **собира** сўзи эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

СОБИРА *қ.* **собир**

СОБИТ Бу арабча сўз **šābit(un)** шаклига эга (АРС, 108); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **šābit → câбит (собит);** аслий кўпмаъноли **šābata** феълидан 'қатъият кўрсатди' маъноси билан (АРС, 108) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'қатъиятли', 'ўз аҳдида мустаҳкам' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 61). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади; **собит** сўзи билан **собитқадам** қўшма

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзи ҳам тузилган.

СОБИТҚАДАМ қ. **собит**

СОБИҚ Бу арабча сўз **sābiq(un)** шаклига эга (АРС, 345); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **sābiq → câбиқ (собиқ); sabaqa** феълининг 'олдин бўлди' маъноси билан (АРС, 345) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'олдинда борувчи' маъносини (АРС, 345), ўзбек тилида эса 'илгариги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 61).

СОВУН Бу арабча сўз **sābūn(un)** шаклига эга (АРС, 428); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **b** ундошини **в** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **sābūn → câвун (совун); sabana** феълининг 'совун билан ювди' маъноси билан (АРС, 428) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147) асли 'кирни кетказувчи' маъносини англатади, шу маънодан 'кир кетказувчи хўжалик буюми' маъноси ўсиб чиққан (ЎТИЛ, II, 62). Бу сўздан ўзбек тилида **совунла-** феъли ясалган.

САВУНГАР Бу сўз тожик тилида **собун (совун)** сўзидан (қ.) тожикча **-гар** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 362, 542); ўзбек тилига **б** ундошини **в** ундошига алмаштириб қабул қилинган: 'совун ишлаб чиқарувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 62).

СОВУНГАРЛИК Бу сўз ўзбек тилида **совунгар** сўзидан (қ.) **-лик** қўшимчаси билан ясалган, 'саноатнинг совун ишлаб чиқариш соҳаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 62).

СОДИР Бу арабча сўз **sādir(un)** шаклига эга (АРС, 431); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **sādir → câдир (содир); sadara** феълининг 'юзага чиқди' маъноси билан (АРС, 431) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'юзага чиққан', 'воқеликка айланган' маъносини англатади. Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади; бу сўз билан **содир бўл-** қўшма феъли тузилган (ЎТИЛ, II, 64).

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОДИҚ Бу арабча сўз **ŝādiq(un)** шаклига эга (АРС, 433); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ŝādiq → câдиқ (содиқ); ŝadaqa** феълининг 'ҳақиқаттўй бўлди' маъноси асосида (АРС, 432) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'рўстгўй', 'чин', 'садоқатли' маъ— ноларини англатади (АРС, 433); ўзбек тилига 'садоқатли' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 64). Бу сўз ўзбек ти— лида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

СОЖИДА Ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу арабча сўз **sāçidat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини таш— лаб қабул қилинган: **sāçidat → câжида (сожида);** асли **saçada** феълининг 'сиғинди' маъноси билан (АРС, 347) ясалган **sāçid(un)** аслий сифатининг (АРС, 347; АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), 'сажда қилувчи аёл' маъносини англатади (Бу сўз ЎТИЛга киритилмаган).

СОКИН Бу арабча сўз **sākin(un)**[1] шаклига эга (АРС, 364); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **sākin → câкин (сокин);** 'тинч бўлди', 'тинчиди' маъносини англатувчи **sakana**[1] феълидан (АРС, 364) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), ўзбек тилида 'тинч', 'жимжит' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 65). Бу сўздан ўзбек тилида **сокинлик** мавҳум оти ясалган. **Сокин** сўзининг **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли **сокина** сўзи (АРС, 365; АТГ, 29) ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифа— тида ишлатилади.

СОКИНА *қ.* **сокин**

СОКИНЛИК *қ.* **сокин**

СОЛИҲ Бу арабча сўз **ŝāliħ(un)**[1] шаклига эга (АРС, 443); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝāliħ → câлиҳ (солиҳ); ŝalaħa** феълининг 'тўғри бўлди', 'виждонли бўлди' маъ—

www.ziyouz.com kutubxonasi

носи билан (АРС, 442) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'тўғри', 'виждонли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 66). Бу сўз ўзбек тилида тожик тилидан ўзлашган **фарзанди солиҳ** изофа бирикмаси таркибида қатнашади; якка ўзи эркак кишининг атоқли оти сифатида, муаннас шакли **солиҳа** сўзи эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

СОЛИҲА *қ.* **солиҳ**

СОНИЙА Бу арабча сўз **šāniyat(un)** шаклига эга (АРС, 114); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **šāniyat → cânийа (сония);** асли кўпмаъноли **šanā** феълининг 'айлантирди' маъноси билан (АРС, 113) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдошидан (АТГ, 147), **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500) 'секунда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 68).

СОҚИЙ Бу арабча сўз **sāqin** шаклига эга (АРС, 363); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **i** унлисини **ий** товушларига алмаштириб, сўз охиридаги **n** қисмини ташлаб қабул қилинган: **sāqin → câқий (соқий);** кўпмаъноли **saqā** феълининг 'ичирди' маъноси билан (АРС, 362) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'ичирувчи' маъносини англатади, кейинчалик 'май қуювчи', 'косагул' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, II, 73). Бу сўздан ўзбек тилида **соқийлик** оти ясалган.

СОҚИТ: Бу арабча сўз **sāqit(un)** шаклига эга (АРС, 362); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **sāqit → câқит (соқит);** кўпмаъноли **saqata** феълининг 'ҳисобдан чиқарди' маъноси билан (АРС, 361) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'нуқсонли', 'бузуқ' маъносини англатади (АРС, 362), ўзбек тилида 'ҳисобдан чиқариш', 'олиб ташлаш' маъносини англатиш учун ишлатилиб, **соқит қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

СОҚИТ ҚИЛ- *қ.* **соқит**

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОҲИБ Бу арабча сўз **ṣāḥib(un)** шаклига эга (АРС, 429); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ṣāḥib → câҳиб (соҳиб); ṣaḥiba** феълининг 'дўст бўлди' маъносидан ясалган ас— лий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'ҳамроҳ', 'ўртоқ', 'ҳамкор', 'хўжайин' маъноларини англатади (АРС, 429); ўзбек тилига 'хўжайин' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 74).

СОҲИБА Бу арабча сўз **соҳиб** сўзининг (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), араб тилида 'дугона' маъносини англатади (АРС, 430); ўзбек тилида бу сўз аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 74).

СОҲИБЖАМОЛ Бу сўз тожик тилида арабча **соҳиб** ва **жамол** сўзларини (қ.) қўшиб тузилган (ТжРС, 366); 'ҳусн эгаси', 'ўта чиройли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 74).

СОҲИБКОР Бу сўз тожик тилида арабча **соҳиб** сўзидан (қ.) **-кор** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 542, 365); асли 'иш эгаси', 'иш билан таъминловчи' маъносини англатади (ТжРС, 365); ўзбек тилида кўчма маънода 'ўз ишининг устаси', 'миришкор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 74).

СОҲИБҚИРОН Бу сўз тожик тилида арабча **соҳиб** ва **қирон** сўзларини (қ.) қўшиб тузилган (ТжРС, 366, 489: **қирон II**); асли бу сўз қирон пайтида (қ.) туғилган болага, қирон пайтида тахтга ўтирган ҳукмдорга нисбат берилади; Амир Темурга **соҳибқирон** унвони у тахтга ўтирганда берилган; кўчма маънода **соҳибқирон** сўзи 'бахт эгаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 75).

СОҲИЛ Бу арабча сўз **sāḥil(un)** шаклига эга (АРС, 350); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилин— ган: **sāḥil → сāҳил (соҳил);** асли кўпмаъноли **saḥala** феълининг 'қирғоққа жўнади' маъноси билан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'қирғоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 75).

www.ziyouz.com kutubxonasi

СУБУТ Бу арабча сўз **šubūt(un)** шаклига эга (АРС, 108); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **šubūt → субут;** асли кўпмаъноли **šabata** феълидан 'қатъият кўрсатди' маъноси билан (АРС, 108) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ўз аҳдида қатъий туриш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 78). Бу сўздан ўзбек тилида **субутли, субутсиз** сифатлари ва улардан **субутлилик, субутсизлик** мавҳум отлари ясалган.

СУБУТЛИ, СУБУТЛИЛИК *қ.* **субут**

СУБУТСИЗ, СУБУТСИЗЛИК *қ.* **субут**

СУБҲ Бу арабча сўз **ŝubh(un)** шаклига эга (АРС, 427); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝubh → субҳ;** 'эрта турди' маъносини англатувчи **ŝabaha** феълидан (АРС, 427) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'тонготар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 79).

СУБҲИДАМ Бу сўз асли тожикча **субҳи дам** изофа бирикмасига тенг бўлиб, кейинчалик бир сўзга бирлашган (ТжРС, 367); 'тонготар пайт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 79).

СУВРАТ Бу арабча сўз **ŝuvrat(un)** шаклига эга (АРС, 450); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝuvrat → суврат;** кўпмаъноли **ŝavvara** феълининг 'расмини чизди' маъноси асосида (АРС, 449) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'кўриниш', 'фототасвир', 'каср соннинг чизиқ устига ёзиладиган қисми' ва бошқа маъноларни (тўққиз маънони) англатади (АРС, 450); ўзбек тилида юқорида келтирилган маъноларни англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 85); демак, бу сўздан 'қўлда чизилган расм' маъносини англатиш учун фойдаланиш ўринли эмас (Бундай маъно **расм** сўзи билан англатилади). **Суврат** сўзидан ўзбек тилида **сувратчи** сўзи ясалган.

СУКУН Бу арабча сўз **sukūn(un)** шаклига эга (АРС, 365); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига ал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маштириб қабул қилинган: **sukūn → сукун;** 'тинч бўл— ди', 'тинчиди' маъносини англатувчи **sakana**[1] феълининг (АРС, 364) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), асли 'товушсиз ҳолат' маъносини англатади; араб ёзувида ёпиқ бўғин охиридаги ундош ҳарф устига қўйилиб, унлисиз талаффуз қилишни кўрсатади (ЎТИЛ, II, 83).

СУКУНАТ Бу арабча сўз асли **sukūnat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **sukūnat → сукунат; сукун** отининг (қ.) 'доимийлик' маъносини ифодаловчи **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шакли бўлиб (УАЯ, 238), 'мутлақ жимжитлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 83).

СУКУТ Бу арабча сўз **sukūt(un)** шаклига эга (АРС, 363); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **sukūt → сукут;** 'товуш чиқармади', 'таширмади' маъносини англатувчи **sakata** феълининг (АРС, 363) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'товуш чиқармаслик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 83). Бу сўз никоҳ ўқиш пайтида келин бўлмиш унга бир неча марта берилган сўроққа товуш чиқариб жавоб қайтармаганидан кейин айтиладиган **Сукут — аломати ризо** жумласи таркибида ишлатилади.

СУЛАЙМОН Бу сўз милоддан олдинги I асрда яшаб, ўша даврдаги қудратли Исроил давлатининг подшоси бўлган кишининг исми бўлиб, асли **Шеломо** шаклига эга бўлган, кейинчалик **Соломон** шаклида талаффуз қилинган (Малая энциклопедия, VIII, 743); араб тилида бу исм товуш жиҳатдан ўзгартирилиб, **Сулаймон** шак— лига ўтган (АРС, 371), ўзбек тилига шу товуш тузилиши билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 83).

СУЛОЛА Бу арабча сўз **sulālat(un)** шаклига эга (АРС, 365); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **sulālat → сулâла (сулола);** асли кўпмаъноли **salla** феълининг 'келтириб чиқарди' маъносидан (АРС, 365) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ҳукмдорлар авлоди' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 83).

www.ziyouz.com kutubxonasi

СУЛТОН Бу арабча сўз **sultān(un)** шаклига эга (АРС, 368); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **sultān → султâн (султон);** 'ҳукмдор деб эълон қилди' маъносини англатувчи **saltana** феълининг (АРС, 368) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ҳукмдорлик унвони' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 83). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

СУЛТОНИЙ Бу арабча сўз **sultāniyy(un)** шаклига эга (АРС, 368); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **sultāniyy → султâний (султоний); султон** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), асли 'султонга хос' маъносини англатади (АРС, 368); ўзбек тилида бу сўз узум навларидан бирининг номи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 83).

СУЛҲ Бу арабча сўз **ŝulh(un)** шаклига эга (АРС, 443); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝulh → сулҳ; ŝalaha** феълининг 'тартибли бўлди' маъноси билан (АРС, 442) ҳосил қилинган I. боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'уруш-жанжални (яъни тартиб бузилишини) тўхтатиш тўғрисидаги келишув' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 84).

СУМБУЛ *қ.* **сунбул**

СУМБУЛА *қ.* **сунбула**

СУНБУЛ Бу сўз **sunbul(un)** шаклига эга (АРС, 377); асли 'бошоқ чиқарди' маъносини англатувчи **sanbala** феълининг (АРС, 377) масдари бўлиб, араб тилида 'бошоқ', 'лола' маъноларини англатади (АРС, 377); ўзбек тилида 'қора рангли хушбўй ўсимлик' маъносини, кўчма маънода 'севгилининг сочи' маъносини англатади (ЎКААҚЛ, 313). Сўзлашув тилида бу сўз **сумбул** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

СУНБУЛА Бу сўз **sunbulat(un)** шаклига эга (АРС, 377); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **sunbulat → сунбула;** асли **сунбул**

www.ziyouz.com kutubxonasi

масдаридан (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'бошоқ', 'лола', 'осмондаги 12 буржнинг олтинчиси' маъноларини англатади (АРС, 377); ўзбек тилига охирги маъноси билан қабул қилинган; 'қуёш йил ҳисобидаги олтинчи ой (22-августдан 21-сентябргача бўлган кунлар)' маъносини ҳам англатади. Сўзлашув тилида бу сўз **сумбула** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

СУННАТ Бу арабча сўз **sunnat(un)** шаклига эга (АРС, 376); асли **sanna** феълининг 'қонун-қоидани жорий этди' маъноси билан (АРС, 376) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'расм-русум', 'ривоят', 'қонун' маъноларини англатади (АРС, 376). Бу сўз билан 'Муҳаммад пайғамбар ҳадисларида, муқаддас ривоятларда айтилган ва амал қилиш лозим бўлган ақидалар' маъноси ҳам англатилади; ўзбек тилига ана шу маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 84). Ўғил боланинг қўлини ҳалоллаш маросими суннатлардан бири бўлиб, шунга кўра **суннат тўйи** деб юритилади.

СУННАТ ТЎЙИ *қ.* **суннат**

СУННИЙ Бу арабча сўз **sunniyy(un)** шаклига эга; асли **суннат** сўзи (қ.) охиридаги **-ат** қисмини ташлаб, **-ийй(ун)** қўшимчасини қўшиб ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 49), ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; 'ислом динининг сунна масҳабига мансуб' маъносини англатади (ЎҚААҚЛ, 314).

СУНЪИЙ Бу арабча сўз асли **ŝunъiyy(un)** шаклига эга; ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ŝunъiyy → сунъий; ŝanaъa** феълининг 'ясади' маъноси билан ҳосил қилинган **ŝunъ(un)** I боб масдаридан (АРС, 446), **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'нотабиий' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 84). Бу сўздан ўзбек тилида **сунъийлик** мавҳум оти ясалган.

СУПА Бу арабча сўз асли **ŝuffat(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 438); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, **ff** товушларидан бирини ташлаб, иккинчисини **п** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ŝuffat → супа; ŝaffa** феълининг 'тўшади' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'тош ўриндиқ', 'токча', 'пешайвон' маъноларини англатади (АРС, 438); ўзбек тилида 'ўтириш, ётиш учун одатда тупроқдан тўртбурчак шаклида ер сатҳидан тизза бўйи кўтариб қурилган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 84).

СУПРА Бу арабча сўз асли **sufrat(un)** шаклига эга (АРС, 360); ўзбек тилига **f** ундошини **п** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **sufrat → супра;** кўпмаъноли **safara**[2] феълининг 'очди' маъноси асосида (АРС, 360) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'йўл озиғи', 'овқатланиш столи' маъноларини англатади (АРС, 360); ўзбек тилида 'хамир ёйиш, нон ясаш учун ишлатиладиган дастурхонга ўхшаш рўзғор буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 85).

СУРНАЙ Бу сўз тожик тилида арабча 'шох' маъносини англатувчи **сур** сўзи билан (АРС, 450) 'флейта' маъносини англатувчи тожикча **най** сўзини (ТжРС, 255) қўшиб тузилган; 'шакли шохга ўхшаш, тик тутиб, бармоқлар билан тешикчаларини очиб-ёпиб пуфлаб чалинадиган музика асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 87).

СУРНАЙЧИ Бу сўз ўзбек тилида **сурнай** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган; 'сурнай чалишга ихтисослашган машшоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 87).

СУРУР Бу арабча сўз **surūr(un)** шаклига эга (АРС, 353); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **surūr → сурур;** асли **sarra** феълининг 'севинди' маъноси билан (АРС, 353) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'севинч', 'қувонч', 'мамнуният' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 88).

СУРЪАТ Бу арабча сўз **surъat(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

355); ўзбек тилига сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, фатҳали айнни **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **surъat → суръат;** 'тез ҳаракатланди' маъносини англатувчи **saruъa** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 355), араб тилида 'жадаллик', 'шошилинч' маъноларини англатади (АРС, 355); ўзбек тилига 'жадаллик' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 88).

СУФРА қ. **супра**

СУҲБАТ Бу арабча сўз **ŝuhbat(un)** шаклига эга (АРС, 430); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ŝuhbat → суҳбат; ŝahiba** феълининг 'ҳамроҳ бўлди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 429), араб тилида 'мулоқат', 'ҳамдўстлик' маъноларини англатади (АРС, 430); ўзбек тилида 'кишиларнинг ўзаро сўзлашуви' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 93). Бу сўздан ўзбек тилида **суҳбатдош, суҳбатлаш-** сўзлари ясалган.

СЎРИ Бу сўз асли 'тармашиб кўтарилди' маъносини англатувчи **sāra** феълидан (АРС, 381) ҳосил қилиниб, араб тилида 'тармашиб кўтарилиш учун ясалган қурилма', 'девор' маъноларини англатувчи **sūr(un)** I боб масдаридан тожик тилида **-и** қўшимчаси билан ясалган; **и** унлиси **ӯ** унлисига алмаштирилган: **sūr + ī → sorī** (ТжРС, 372, 542); ўзбек тилида тожикча чўзиқ **ӣ** унлиси **и** унлисига алмаштирилган: **sorī → сўри;** бу сўз ўзбек тилида 'чирмашиб ўсадиган ўсимлик учун ҳавоза', 'мева қуритиш учун баланд қилиб ясалган супа', 'ўтириш, ётиш учун ясалган тахта каравот' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 99).

Т

ТААЖЖУБ Бу арабча сўз **taъaççub(un)** шаклига эга (АРС, 498); ўзбек тилига фатҳали айнни **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **taъaççub → таажжуб.** Бу сўз асли 'ҳайрон бўлди' маъносини англатувчи **ъaçiba** феълининг V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), араб тилида 'ҳайрат', 'ҳайронлик' каби маънони англатади (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

498); ўзбек тилида, бундан ташқари, 'кишини ҳайратга соладиган' каби сифат маъносини англатиш учун ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 101). Ўзбек тилида бу сўздан **таажжублан-** феъли ва бу феълнинг **таажжубланар** сифатдош шаклидан **таажжубланарли** сифати ясалган.

ТААЛЛУҚЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **тааллуқ** сўзидан **-ли** қўшимчаси билан ясалган. **Тааллуқ** сўзи **taʾalluq(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 533), ўзбек тилига фатҳали айнни **а** товушига алмаштириб қабул қилинган. Бу сўз асли **ʾaliqa** феълининг V боб шакли **taʾallaqa** феълидан 'тегишли бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 196), араб тилида 'боғланиш', 'тобеланиш', 'ўзиники қилиш' каби маъноларни англатади (АРС, 533); ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган бу сўз **тааллуқли** сўзи таркибида 'алоқадорлик', 'дахлдорлик', 'боғланиш' каби маънони англатиб қатнашади (ЎТИЛ, II, 101).

ТААССУРОТ Бу арабча сўз **taʾaššurāt(un)** шаклига эга (АРС, 24); ўзбек тилига фатҳали ҳамзани **а** товушига, се товушларини **с** товушларига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taʾaššurāt → таассурâт (таассурот).** Бу сўз асли 'таъсир ўтказди' маъносини англатувчи **ʾaššara** феълининг (АРС, 23) V боб масдаридан **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), араб тилида 'таъсирчанлик' маъносини (АРС, 24), ўзбек тилида эса 'бирор нарсанинг таъсири билан юзага келган фикр, ҳис-туйғулар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 101). Сўзлашув тилида бу сўз **таъсирот** тарзида ҳам талаффуз қилинади. Бу сўзнинг изоҳли луғатда 'таъсир, таъсирлар' деб талқин қилингани нотўғри (ЎТИЛ, II, 143).

ТААССУФ Бу арабча сўз **taʾāssuf(un)** шаклига эга (АРС, 34); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали ҳамзани **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taʾāssuf → таассуф; ʾasafa** феълининг 'ачинди' маъноси билан (АРС, 34) ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'кўнгилсиз воқеа-ҳодиса юз берганидан ачиниш' маъносини анг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

латади (ЎТИЛ, II, 101). Бу сўз кўпинча **таассуф билдир-** турғун бирикмаси таркибида қатнашади.

ТАБ Бу арабча сўз **tabъ(un)** шаклига эга (АРС, 467); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **tabъ → таб;** асли кўпмаъноли **tabaъa** феълининг 'табиатан шундай бўлди', 'табиатан шундай қизиқиш билан яратилди' маъносидан (АРС, 467) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида 'кишининг кишиларга, нарсаларга муносабатида намоён бўладиган руҳий хусусияти' маъносини англатади. Бу сўз ЎТИЛга (II, 140) ва бошқа луғатларга хато равишда **таъб** шаклида ёзиб киритилган; ТжРСда (374) аслига мувофиқ **табъ** шаклида ёзилган.

ТАБАРРУК Бу арабча сўз **tabarruk(un)** шаклига эга (АРС, 67); Бу сўз асли кўпмаъноли **baraka** феълининг 'Оллонинг хайр-эҳсони ёр бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), асли 'Олло эъзозлаган', 'эъзозлашга лойиқ' каби маънони англатади; шу маъно асосида 'табаррук кишига мансуб', 'табаррук кишини эслатадиган' каби маъно ҳам юзага келган (ЎТИЛ, II, 101).

ТАБАССУМ Бу арабча сўз **tabassum(un)** шаклига эга (АРС, 71); 'жилмайди' маъносини англатувчи **basama** феълидан (АРС, 7) ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'жилмайиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 101).

ТАБАҚ Бу арабча сўз асли **tabaq(un)** шаклига эга (АРС, 469); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **tabaq → табақ;** асли 'ўради', 'беркитди' маъносини англатувчи **tabaqa** феълидан (АРС, 468) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'қопқоқ', 'ликоп', 'патнис' маъноларини англатади (ПРС, 333); ўзбек тилида 'босма лист' маъносини англатувчи термин сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 102).

ТАБАҚА Бу арабча сўз **tabaqat(un)** шаклига эга (АРС, 469); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган: **tabaqat → табақа;** асли 'беркитди', 'ўради' маъносини англатувчи **tabaqa** феълидан (АРС, 468) ҳосил қилинган **tabaq(un)** I боб масдаридан **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'қатлам', 'этаж', 'босқич', 'синф' каби маънолар-ни англатади (АРС, 469); ўзбек тилида бу сўз 'эшик, дераза кабиларнинг ҳар бир очилиб-ёпиладиган қисми' маъносини, шунингдек 'аҳолининг ижтимоий тоифаси' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 102). Бу сўздан ўзбек тилида **табақалан-** , **табақалаш-** феъллари ясалган. Сўзлашув тилида бу сўз **тавақа** тар-зида ҳам талаффуз қилинади.

ТАБИАТ Бу арабча сўз **tabīъat(un)** шаклига эга (АРС, 467); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **tabīъat → таби-ат;** кўпмаъноли **tabaъa** феълининг 'аслида шундай ху-сусият билан яратилди' маъноси билан (АРС, 467) ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида 'оламдаги бутун борлиқ', 'кишининг хулқ-атвори, бошқа кишилар билан, нарсалар билан муносабатда намоён бўладиган руҳий хусусияти' маъносини (АРС, 467), ўзбек тилида эса, булардан ташқари, 'кайфият', 'руҳий ҳолат', 'теварак-атроф манзараси' каби маъноларни ҳам англатади (ЎТИЛ, II, 102).

ТАБИАТАН Бу сўз арабча **табиат** сўзининг (қ.) ту-шум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно та-раққиёти натижасида 'табиатига кўра' маъносини анг-латувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 102).

ТАБИАТШУНОС Бу сўз тожик тилида арабча **таби-ат** сўзига (қ.) 'бил-' маъносини англатувчи **шинохтан** феълининг **шинос** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 458, 457, 373), ўзбек тилига **шинос** қисмини **шунос** тарзида ўзгартириб қабул қи-линган; 'табиатни ўрганувчи мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 102). Бу сўздан ўзбек тилида **таби-атшунослик** мавҳум оти ясалган.

ТАБИБ Бу арабча сўз асли **tibīb(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 466); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, **і** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tibīb → табиб;** асли кўпмаъноли **tabba** феълининг 'даволади' маъноси билан (АРС, 466) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилида 'шифокор', 'врач' маъносини англатади (АРС, 466); ўзбек тилида 'халқ табобати асосида даволовчи шифокор' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 103). Бу сўздан ўзбек тилида **табиблик, табибчилик** сўзлари ясалган. Сўзлашув тилида **табиб** сўзи **тайиб** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ТАБИИЙ Бу сўз арабча **tabīъat(un)** сўзи (қ.) охиридаги **-at(un)** қўшимчасини ташлаб, **-iyy(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 49), ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, айнни ва сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **tabīъiyy →табиий;** 'асли қандай бўлса, шундай' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 103). Бу сўздан ўзбек тилида **табиийлик** мавҳум оти ясалган.

ТАБОБАТ Бу арабча сўз **tibābat(un)** шаклига эга (АРС, 466); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, **і** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tibābat → табâбат (табобат);** кўпмаъноли **tabba** феълининг 'даволади' маъноси билан (АРС, 466) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 240), 'табиблик', 'тиббиёт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 103).

ТАБРИК Бу арабча сўз **tabrīk(un)** шаклига эга (АРС, 67); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tabrīk → табрик.** Бу сўз асли кўпмаъноли **baraka** феълининг 'сўзлади' маъноси билан ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'яхши ният билдириб айтиладиган сўзлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 103). Бу сўздан ўзбек тилида **табрикла-** феъли ясалган.

ТАБРИКНОМА Бу қўшма сўз тожик тилида арабча **табрик** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган бўлиб, 'қутлов сўзлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзилган хат' маъносини англатади (ТжРС, 374; ЎТИЛ, II, 103).

ТАВАККАЛ Бу арабча сўз асли **tavakkul(un)** шаклига эга (АРС, 909); ўзбек тилига **u** унлисини **a** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tavakkul → таваккал;** кўпмаъноли **vakala** феълининг 'бирор ишни ижобий тугашига тўлиқ ишонмаган ҳолда амалга оширди' маъноси билан (АРС, 909) ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'ижобий тугашига ишонмаган ҳолда иш тутиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 103). Бу сўздан ўзбек тилида **таваккалчи, таваккалчилик** сўзлари ясалган.

ТАВАЛЛУД Бу арабча сўз **tavallud(un)** шаклига эга (АРС, 910); 'дунёга келтирди' маъносини англатувчи **valada** феълидан ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'дунёга келиш', 'туғилиш' маъносини англатади; ўзбек тилида кўтаринки услубда ишлатилади: *волидамиз таваллуд топган кун* каби (ЎТИЛ, II, 105).

ТАВАҚА *қ.* **табақа**

ТАВБА Бу арабча сўз **tavbat(un)** шаклига эга (АРС, 106); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tavbat → тавба; tāba** феълининг 'нотўғри хатти-ҳаракати учун кечирим сўради' маъноси билан ҳосил қилинган **tavb(un)** I боб масдаридан (АРС, 106) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'нотўғри хатти-ҳаракати учун кечирим сўраш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 104). Бу сўз билан ўзбек тилида **тавба-тазарру** жуфт сўзи тузилган.

ТАВОЗЕ Бу арабча сўз **tavāḍuъ(un)** шаклига эга (АРС, 895); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб ва шунинг эвазига **u** унлисини **e** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tavāḍuъ → тавâзе (тавозе).** Ўзбек тили тарихининг олдинги босқичида (ЎҚААҚЛ, 320), тожик тилида ҳозир ҳам (ТжРС, 374) бу сўз охиридаги **у** унлиси ўзича сақланган, ҳозирги ўзбек тилида нимагадир бу унли **е** унлисига алмаштирилган (ЎТИЛ, I, 104), ваҳоланки ўзбек сўзлашув тилида **у** унлиси ўрнига **е** унлиси эмас, **и** унлиси талаффуз қилинади, демак, **и** унлисига алмаштириш ўринли. Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўз асли кўпмаъноли **vaḍaъa** феълининг 'маълум ҳолат эгаллатди' маъноси билан ҳосил қилинган VI боб масдари бўлиб (АТГ, 269), 'мўмин-қобиллик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 104).

ТАВСИЙА Бу арабча сўз **tavŝiyat(un)** шаклига эга (АРС, 893); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tavŝiyat → тавсийа (тавсия);** кўпмаъноли **vaŝŝa** феълининг 'бирор кишидан ёки нарсадан фойдаланишни маслаҳат берди' маъноси билан (АРС, 893) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 175), араб тилида 'васият', 'бирор кишидан ёки нарсадан фойдаланиш ҳақида билдирилган маслаҳат', 'буюртма' маъносини англатади (АРС, 893); ўзбек тилига иккинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 104).

ТАВСИЙАНОМА Бу сўз тожик тилида арабча **тавсийа** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 374, 271); 'тавсия қилиш ҳақидаги ҳужжат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 105).

ТАВСИФ Бу арабча сўз **tavŝīf(un)** шаклига эга (АРС, 891); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tavŝīf → тавсиф;** кўпмаъноли **vaŝafa** феълининг 'тўлиқ тасвирлади' маъноси билан (АРС, 891) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'тўлиқ тасвирлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 104). Бу сўздан ўзбек тилида **тавсифла-** феъли ясалган.

ТАВСИФНОМА Бу сўз тожик тилида арабча **тавсиф** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 374, 271); 'характеристика' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 104).

ТАВФИҚ Бу арабча сўз **tavfīq(un)** шаклига эга (АРС, 902); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tavfīq → тавфиқ;** асли 'мос келди' маъносини англатувчи **vafiqa** феълининг II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'мослашиш', 'кўмаклашиш', 'ютуққа эришиш' каби маъноларни (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

902), ўзбек тилида эса 'динга эътиқод қилиш', 'ножўя хатти-ҳаракатлардан тийилиш' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 105). Бу сўздан ўзбек тилида **тавфиқли, бетавфиқ** сифатлари ясалган.

ТАВФИҚЛИ *қ.* **тавфиқ**

ТАДБИР Бу арабча сўз **tadbīr(un)** шаклига эга (АРС, 245); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tadbīr → тадбир; dabbara** феълининг 'чорасини кўрди' маъноси билан (АРС, 244) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'бирор ишни рўёбга чиқариш учун амалга оширадиган хатти-ҳаракат, чора' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 106).

ТАДБИРКОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **тадбир** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган; 'ўйлаб, режа билан фаолият олиб борувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 106).

ТАДРИЖ Бу арабча сўз **tadrīç(un)** шаклига эга (АРС, 249); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tadrīç → тадриж.** Бу сўз **daraça** феълининг 'секин-аста ўсди, ривожланди' маъноси билан (АРС, 249) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'секин-асталик билан содир бўладиган ўсиш-ўзгариш', 'эволюция' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 106).

ТАДРИЖИЙ Бу сўз араб тилида **тадриж** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **йй** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **тадриж + ийй = тадрижийй → тадрижий;** 'секин-асталик билан содир бўладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 106).

ТАДҚИҚ: Бу арабча сўз **tadqīq(un)** шаклига эга (АРС, 258); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tadqīq(un) → тадқиқ.** Бу сўз кўпмаъноли **daqqa**[2] феълининг 'эътибор билан аниқ бажарди' маъноси асосида ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'синчиклаб ўрганиш' маъносини англатади (АРС, 258; ЎТИЛ, II, 106). Бу сўз ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

тадқиқ қил- феъли таркибида қатнашади.

ТАДҚИҚОТ Бу арабча сўз **тадқиқ** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (ПРС, 114), асли 'илмий изланиш—лар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 106). Ўзбек тилида бу сўздан **тадқиқотчи** ('илмий иш олиб борувчи') сўзи ясалган; шу сўз қатнашуви билан тузилган **илмий-тадқиқот институти** турғун бирикмаси — русча **научно-исследовательский институт** турғун бирикмасининг калькаси (Асли **тадқиқот институти** деб олишнинг ўзи етарли эди).

ТАДҚИҚОТЧИ қ. **тадқиқот**

ТАЖНИС Бу арабча сўз **taçnīs(un)** шаклига эга (АРС, 143); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taçnīs → тажнис;** кўп—маъноли **çannasa** феълининг 'талаффуз жиҳатидан бир хил қилди' маъноси билан (АРС, 142) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'сўзларнинг талаффуз жиҳатидан бир хиллигига асосланган сўз ўйини' маъносини англатувчи адабиётшунослик термини сифатида ишлатилади (ПРС, 109; ЎТИЛ, II, 106).

ТАЖОВУЗ Бу арабча сўз **taçāvuz(un)** шаклига эга (АРС, 149); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taçāvuz → тажâвуз (тажовуз);** асли кўпмаъноли **çāza** феълининг VI боб шакли **taçavaza** сўзидан 'чегарадан ўтди' маъноси билан (АРС, 148) ҳосил қилинган VI боб масдари бўлиб (АТГ, 270), араб тилида 'ўтиш', 'меъёрдан ошиш', 'қонунни бузиш' каби маъноларни англатади (АРС, 149); ўзбек тилида 'бошқа бир мамлакатни бўйсундириш мақсадида қурол кучи билан бостириб кириш' маъносини англатишга хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, II, 106).

ТАЖОВУЗКОР Бу сўз тожик тилида арабча **тажовуз** сўзига (қ.) тожикча **-кор** қўшимчасини қўшиб ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 391, 542), 'тажовуз сиёсатини қўлловчи', 'босқинчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 107). Худди шундай маъно ўзбек тилида **тажовузчи** сўзи билан ҳам англатилади. Ўзбек тилида **тажовузкор** сўзидан **тажовузкорлик** мавҳум оти ясалган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЖОВУЗКОРЛАРЧА *қ.* **тажовузкорона**

ТАЖОВУЗКОРОНА Бу сўз тожик тилида арабча **тажовуз** сўзидан (қ.) **-кор** қўшимчаси билан ясалган **тажовузкор** сифатига (қ.) **-она** қўшимчасини қўшиб ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 391, 542), 'тажовузкорларга хос йўсинда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 107). Худди шундай маъно **тажовузкорларча** сўзи билан ҳам англатилади.

ТАЖОВУЗЧИ *қ.* **тажовузкор**

ТАЖРИБА Бу арабча сўз **taçribat(un)** шаклига эга (АРС, 124); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **taçribat → тажриба;** кўп маъноли **çarraba** феълининг 'синов ўтказди' маъноси билан ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 175), 'эксперимент', 'амалий малака' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 107). Бу сўздан ўзбек тилида **тажрибали, тажрибасиз** сифатлари ясалган.

ТАЖРИБАКОР Бу сўз тожик тилида арабча **тажриба** сўзидан (қ.) **-кор** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 392, 542); 'бой тажрибага эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 107).

ТАЗАРРУ: Бу арабча сўз **taḍarruъ(un)** шаклига эга (АРС, 459); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **taḍarruъ → тазарру;** 'муте бўлиб илтижо қилди' маъносини англатувчи **ḍaruъa** феълидан (АРС, 459) ҳосил қилинган V боб маъдари бўлиб (АТГ, 197), 'мутелик билан қилинган илтижо' маъносини англатади (ЎҚААҚЛ, 323); бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **тавба-тазарру** жуфт сўзи таркибида қатнашади.

ТАЗЙИҚ Бу арабча сўз **taḍyīq(un)** шаклига эга (АРС, 465); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taḍyīq → тазйиқ;** кўпмаъноли **ḍāqa** феълининг 'сиқиққа олди' маъноси билан (АРС, 465) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'сиқиққа олиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 107).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЗКИРА Бу арабча сўз **tażkirat(un)** шаклига эга (АРС, 275); ўзбек тилига зал ундошини **ż** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tażkirat → тазкира;** асли **żakara** феълининг 'ёдга олди' маъноси билан (АРС, 275) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 174), араб тилида 'хабар', 'хабарнома' каби маъноларни англатади (АРС, 275); ўзбек тилида бу сўз асосан 'бирор кишини хотирлаб ёзилган асар' маъносини англатувчи адабиётшунослик термини сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 107).

ТАЙАММУМ Бу арабча сўз асли **tayammum** шаклига эга (ПРС, 142); **tayammama** феълининг 'сувсиз жойда қум билан таҳорат қилди' маъноси билан (АРС, 919) ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'сув йўқ жойда қум, тупроқ кабилар билан таҳорат қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 144).

ТАЙИБ *қ.* **табиб**

ТАЙИН Бу арабча сўз **taъyīn(un)** шаклига эга (АРС, 554); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сукунли айнни ташлаб қабул қилинган: **taъyīn → тайин;** кўпмаъноли **ъаууапа** феълининг 'аниқ, белгили қилди' маъноси билан (АРС, 553) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'белги қўйиш', 'тайинли қилиш' каби от маъносини (АРС, 554), ўзбек тилида эса, от маъносидан ташқари, 'аниқ', 'белгили' каби маънони ҳам англатади: *иши тайин* каби (ЎТИЛ, II, 108). Бу сўздан ўзбек тилида **тайинла-** феъли ясалган бўлиб, 'аниқ тушунтириб топшириқ бер-', 'вазифага қўй-' маъноларини англатади; **тайинли, тайинсиз, бетайин** сифатлари бу сўзнинг от маъносидан ясалган.

ТАЙИНЛА- *қ.* **тайин**

ТАЙИНЛИ, ТАЙИНСИЗ *қ.* **тайин**

ТАКАББУР Бу арабча сўз **takabbur(un)** шаклига эга (АРС, 674); асли 'буюк бўлди' маъносини англатувчи **kabara** феълининг V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'ўзидан фахрланиш', 'ўзини катта тутиш' каби маъноларни англатади (АРС, 674; ЎТИЛ, II, 108). Ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу сўздан **такаббурлик** мавҳум оти, **такаббурлан-** феъли ясалган; ўзбек тилида тожик тилида ясалган **такаббурона** сўзи ҳам ишлатилади.

ТАКАЛЛУМ: Бу арабча сўз асли **takallum** шаклига эга (ПРС, 129); **takallama** феълининг 'гапиришди' маъноси билан (АРС, 697) ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'гаплашиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 109). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, тарихан **такаллум айла-** қўшма феъли таркибида қатнашган.

ТАКАЛЛУФ Бу арабча сўз асли **takalluf(un)** шаклига эга (АРС, 696); асли **kalifa** феълининг 'илиқ муносабатда бўлди' маъноси асосида (АРС, 696) ҳосил қилинган V боб шаклининг масдари бўлиб (АТГ, 196), араб тилида 'ғайритабиийлик', 'тортинчоқлик' каби маъноларни англатади (АРС, 696), ўзбек тилида эса 'ҳурмат кўрсатиб муомалада бўлиш' маъносини англатишга хизмат қилади (ЎТИЛ, II, 109).

ТАКБИР Бу арабча сўз асли **takbīr(un)** шаклига эга (АРС, 674); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **takbīr → такбир;** 'улуғ бўлди' маъносини англатувчи **kabura** феълининг (АРС, 674) II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'улуғлаш' маъносини англатади (АРС, 674); бу сўз диний мундарижа билан **Оллоҳу акбар** сўзларини такрор айтишни англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 109).

ТАКЙА Бу арабча сўз **takiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 103); ўзбек тилига сўз ичидаги **iy** товушларини ва сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **takiyyat → такйа (такя);** асли 'мусофирхона' маъносини англатувчи бу от ўзбек тилида 'одамлар овқатланиб, чой ичиб ҳордиқ чиқарадиган жой' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 110).

ТАКЛИФ Бу арабча сўз **taklīf(un)** шаклига эга (АРС, 697); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: кўпмаъноли **kalafa** феълидан ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'топшириқ', 'мутелик', 'меҳнат' каби маъноларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади (АРС, 697); ўзбек тилида эса бу сўз билан 'муҳокама қилиш, амалга ошириш учун тақдим қилинган фикр-мулоҳаза', 'бирор ерга келиш ҳақидаги чақириқ' каби маънолар англатилади (ЎТИЛ, II, 109). Бу сўз билан ўзбек тилида **таклиф қил-** қўшма феъли тузилган.

ТАКЛИФНОМА Бу сўз ўзбек тилида арабча **таклиф** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини (ТжРС, 271) қўшиб тузилган; 'таклиф хати' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 109).

ТАКОМИЛ Бу арабча сўз асли **takāmul(un)** шаклига эга (АРС, 700); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **u** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **takāmul → такâмил (такомил);** тожик тилида **u** унлиси ўзича сақланган: **такомул** (ТжРС, 377); 'ҳар жиҳатдан етик бўлди' маъносини англатувчи **kamula** феълининг (АРС, 700) VI боб масдари бўлиб (АТГ, 269), 'етиклик томон ривожланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 109). Бу сўздан ўзбек тилида **такомиллаштир-** феъли ясалган.

ТАКОМИЛЛАШТИР- *қ.* **такомил**

ТАКРОР Бу арабча сўз **takrār(un)** шаклига эга (АРС, 681); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **takrār → такрâр (такрор);** асли 'орқага қайтди' маъносини англатувчи **karra**[1] феълининг II боб масдари бўлиб, 'қайтариқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 110). Бу сўз **такрор-такрор** тарзида ишлатилганда 'қайта-қайта' маъносини англатади. **Такрор** сўзидан ўзбек тилида **такрорла-** феъли ясалган, **такрор қил-** қўшма феъли тузилган.

ТАКРОРАН Бу арабча сўз **такрор** сўзининг (қ.) туш шум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'қайтадан' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 110).

ТАКРОРИЙ Бу арабча сўз **такрор** сўзидан (қ.) **–ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; 'қайтадан ўтказиладиган' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади (ЎТИЛ, II, 110).

ТАЛАБ Бу арабча сўз **talab(un)**[1] шаклига эга (АРС, 477); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **talab → талаб;** кўпмаъноли **talaba** феълининг 'излади' маъноси билан (АРС, 477) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'излаш', 'қатъий илтимос', 'сўров' маъноларини англатади (АРС, 477); ўзбек тилига иккинчи маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 110).

ТАЛАБА Бу сўз асли **tālib(un)** сўзининг **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АРС, 477). **tālibat(un)** шаклига эга; ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** ундошини ташлаб қабул қилинган; араб тилида 'сўровчи', 'ўқувчилар', 'тинглов-чи' маъноларини, **жомий** сўзи билан бирикканида 'студент' маъносини англатади (АРС, 477); ўзбек тилида 'ўқувчи', 'олий мактаб ўқувчиси' маъноларини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 110).

ТАЛАБГОР Бу сўз тожик тилида арабча **талаб** сўзига тожикча **-гор** қўшимчасини қўшиб ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 377), 'талаб қилувчи', 'бирор ишни бажариш хоҳишини билдирувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 110).

ТАЛАБНОМА Бу сўз тожик тилида арабча **талаб** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 377); 'маълум талаб-шартлар баён қилинган расмий хат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 111).

ТАЛАБЧАН Бу сўз ўзбек тилида арабча **талаб** сўзига **-чан** қўшимчасини қўшиб ясалган сифат бўлиб, 'одатдаги меъёрдан ортиқроқ талаб қўювчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 111).

ТАЛАФФУЗ Бу арабча сўз **talaffuž(un)** шаклига эга (АРС, 726); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **talaffuž → талаффуз;** кўпмаъноли **lafaža** феълидан 'фикрини товуш чиқариб айтди' маъноси билан (АРС, 726) ҳосил қилинган V боб

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаклининг масдари бўлиб (АТГ, 196), 'товушни, сўзни айтиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 111).

ТАЛВАСА Бу арабча сўз асли **talvaŝat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **talvaŝat → талваса;** асли кўпмаъноли **lāŝa** феълининг 'сабр-тоқатини йўқатди' маъноси асосида (АРС, 734) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), ўзбек тилида 'руҳан кучли даражада безовта бўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 111).

ТАЛОҚ Бу арабча сўз **talāq(un)** шаклига эга (АРС, 479); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **talāq → талâқ (талоқ); talaqa** феълининг 'озод бўлди' маъносидан (АРС, 479) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'никоҳни бекор қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 112).

ТАЛОҚНОМА Бу сўз ўзбек тилида арабча **талоқ** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини (ТжРС, 271) қўшиб тузилган; 'никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 112).

ТАЛЪАТ Бу арабча сўз **talъat(un)** шаклига эга (АРС, 478); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **talъat → талъат;** кўпмаъноли **talaъa** феълининг 'кўринди' маъноси билан (АРС, 478) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), асли кўпмаъноли бу сўз ўзбек тилига 'ташқи кўриниш', 'қиёфа', 'чеҳра' маънолари билан олинган (ЎТИЛ, II, 112). Тарихан бу сўз бадиий адабиётда кўп ишлатилган; ҳозирги ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ТАЛҚИН Бу арабча сўз асли **talqīn(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **talqīn → талқин; laqina** феълининг 'тушунтирди' маъноси билан (АРС, 727) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'аниқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

баён қилиш, тушунтириш' маъносини англатади (ЎҚААҚЛ, 326); бу сўз диний мундарижа билан 'диний ваъз' маъносини англатиш учун ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, II, 113).

ТАМА: Бу арабча сўз **tamaъ(un)** шаклига эга (АРС, 481); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **tamaъ → тама;** тожик тилига айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб олинган: **тамаъ** (ТжРС, 378); 'кучли даражада истади' маъносини англатувчи **tamīъa** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 481), асли 'кучли даражада исташ' маъносини англатади (АРС, 481), ўзбек тилида 'нимагадир эга бўлишни исташ' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 113). Бу сўз одатда **тама қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

ТАМАГИР Бу сўз ўзбек тилида арабча **тама** сўзига (қ.) 'ол-' маъносини англатувчи тожикча **гирифтан** феълининг **гир** ҳозирги замон асосини қўшиб (ТжРС, 103, 102) тузилган бўлиб, 'ниманидир олишни, ундиришни истовчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 113). Бундай маъно тожик тилида **тамаъгир** сўзи билан англатилади (ТжРС, 378).

ТАМОЙИЛ Бу арабча сўз **tamāyul(un)** шаклига эга (АРС, 777); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **u** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tamāyul → тамâйил (тамойил);** кўпмаъноли **māla** феълининг 'эгилди' маъноси билан (АРС, 777) ҳосил қилинган VI боб масдари бўлиб (АТГ, 269), араб тилида 'силкиниш', 'эгилувчанлик' маъносини (АРС, 777), ўзбек тилида эса 'мойиллик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 114).

ТАМОМ Бу арабча сўз **tamām(un)** шаклига эга (АРС, 105); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tamām → тамâм (тамом);** кўпмаъноли **tamma** феълининг 'тугади' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 104), араб тилида 'тўлиқ', 'мукаммал' каби маънони англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 105); ўзбек тилида 'тугаш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 114). Бу сўз билан ўзбек тилида **тамом қил-** феъли тузилган.

ТАМОМАН Бу сўз арабча **тамом** сўзининг (қ.) туғ— шум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққ— қиёти натижасида 'бутунлай' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 114).

ТАМОМИЛА Бу сўз ўзбек тилида арабча **тамом** сўзига **билан** кўмакчисининг **ила** шаклини қўшиш на— тижасида ҳосил бўлган, кейинчалик шаклан яхлитланиб, маъно тараққиёти натижасида 'бутунлай', 'бус-бутун' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 114).

ТАМОШО қ. **томоша**

ТАНАЗЗУЛ Бу арабча сўз асли **tanazzul(un)** шаклига эга; кўпмаъноли **nazala** феълининг 'пастга тушди' маъноси билан (АРС, 795) ҳосил қилинган V боб мас— дари бўлиб (АТГ, 196), 'пастга тушиш' маъносини анг— латади (ЎТИЛ, II, 116).

ТАНАФФУС Бу арабча сўз **tanaffus(un)** шаклига эга (АРС, 819); **nafisa** феълининг 'нафасни ростлади', 'дам олди' маъносини англатувчи **tanaffasa** V боб шаклидан (АРС, 819) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 196), араб тилида 'нафас олиш' маъносини (АТС, 819), ўзбек тилида эса 'узоқ давом этадиган фаолият оралиғида маълум муддат дам олиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 116).

ТАНБАЛ Бу арабча сўз **tanbal(un)** шаклига эга (АРС, 105); 'ялқовлик қилди' маъносини англатувчи **tanbala** феълидан (АРС, 105) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), ўзбек тилида 'ўтакетган дангаса' маъносини англа— тиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 116).

ТАНБЕҲ Бу арабча сўз асли **tanbīh(un)** шаклига эга (АРС, 782); тожик тилида чўзиқ **ī** унлисини **е** унлисига алмаштириб қабул қилинган, ўзбек тилига ҳам шундай товуш ўзгариши билан олинган: **tanbīh → танбеҳ;** кўп— маъноли **nabuha** феълининг (АРС, 782) 'ножўя хатти-ҳаракатини писанда қилиб койиди' маъноси билан ҳо— сил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'ножўя

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳатти-ҳаракати учун қойиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 116).

ТАНДИР Бу арабча от асли **tannūr(un)** шаклига эга (АРС, 105); ўзбек тилига иккинчи **n** товушини **д** товушига, чўзиқ **ū** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tannūr → тандир;** араб тилида 'ўчоқ' маъносини англатади (АРС, 105); ўзбек тилида эса 'нон ёпиш учун белгиланган махсус лой ўчоқ' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 117), Тарихан бу сўз **танур** шаклида ҳам ишлатилган (ЎТИЛ, II, 120).

ТАНОБ Бу арабча сўз асли **tanāb(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tanāb → танâб (таноб);** кўпмаъноли **tanaba** феълининг (АРС, 482) 'ўлчаш, ажратиш учун ип, чилвир тортди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), асли 'ўлчаш, боғлаш учун хизмат қиладиган ип, чилвир' маъносини англатган, кейинчалик маъно тараққиёти натижасида 'маълум ҳажмдаги (0,2 гектардан 0,6 гектаргача катталикдаги) ер саҳни' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, II, 119).

ТАНОВУЛ: Бу арабча сўз **tanāvul(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tanāvul → танâвул (таноvул);** кўпмаъноли **nāla** феълининг 'овқат еди' маъноси билан (АРС, 840) ҳосил қилинган VI боб масдари бўлиб (АТГ, 269), 'овқат ейиш' маъносини англатади; бу сўз мустақил ишлатилмай, **тановул қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади (ЎТИЛ, II, 119).

ТАНОСИЛ Бу арабча сўз асли **tanāsul(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 800), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, учинчи бўғиндаги **u** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tanāsul → танâсил (таносил);** тожик тилида **у** унлисининг ўзи сақланган (ТжРС, 381); **nasala** феълининг 'туғди', 'туғдирди' маъноси билан (АРС, 800) ҳосил қилинган VI боб масдари бўлиб (АТГ, 269), 'жинсий аъзолар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 119).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАНСИҚ Бу арабча сўз асли **tansīq(un)** шаклига эга (АРС, 800); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tansīq → тансиқ;** кўп маъноли **nasaqa** феълининг 'чиройли дастурхон ясади' маъноси асосида (АРС, 799) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'аҳён-аҳёнда учрайдиган', 'ноёб' (таом) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 119).

ТАНТАНА Бу арабча сўз **tantanat(un)** шаклига эга (АРС, 482); ўзбек тилига итқи ундошларини **т** ундошларига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tantanat → тантана;** 'баланд товушлар чиқарди' маъносини англатувчи **tantana** феълидан (АРС, 482) ҳосил қилинган **I** боб масдари бўлиб (АТГ, 339), асли 'шовқин-сурон' маъносини англатган (АРС, 482), кейинчалик маъно тараққиёти натижасида 'дабдаба билан ўтказиладиган маросим' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 119). Бу сўздан ўзбек тилида **тантанали** сифати ясалган.

ТАНТАНАБОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **тантана** сўзига (қ.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82, 75) қўшиб ҳосил қилинган; 'дабдабали маросимлар ўтказишга ўта берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 119). Бу сўздан ўзбек тилида **тантанабозлик** мавҳум оти ясалган.

ТАНТАНАВОР Бу сўз арабча **тантана** сўзидан (қ.) 'эга' маъносини ифодаловчи тожикча **-вор** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542), 'тантанали тусга эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 120).

ТАНҚИД Бу арабча сўз асли **tanqīd(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tanqīd → танқид;** кўпмаъноли **naqada** феълининг 'ютуқ-камчиликларни кўрсатиб фикр билдирди' маъноси билан (АРС, 822) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'ютуқ-камчиликларни кўрсатган ҳолда билдирилган фикр' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 120).

ТАНҚИДБОЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **танқид**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзига (қ.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб, 'бўлар-бўлмасга танқид қилишни яхши кўрадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 120). Бу сўздан ўзбек тилида **танқидбозлик** оти ясалган.

ТАНҚИДИЙ Бу арабча сўз **tanqidiyy(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **tanqidiyy → танқидий;** бу нисбий сифат **танқид** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан (АТГ, 48) ясалган бўлиб, 'камчилик-нуқсонлар кўрсатилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 120).

ТАНҚИДЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **танқид** сўзидан **-чи** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'танқидий баҳо берувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 120). Бу сўздан ўзбек тилида **танқидчилик** оти ясалган.

ТАНҚИС Бу арабча сўз **tanqīs(un)** шаклига эга (АРС, 824); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **tanqīs → танқис; naqaŝa** феълининг 'камайди' маъноси билан (АРС, 824) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'камайиш', 'пасайиш' маъноларини англатади (АРС, 824); ўзбек тилида бу сўз 'камчил' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 514).

ТАОЛО Бу арабча сўз асли **taъālin** шаклига эга (АРС, 536); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига, сўз охиридаги **in** қисмини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **taъālin → taâlâ (таоло);** кўпмаъноли **ъalā** феълининг 'юксак бўлди' маъноси билан (АРС, 536) ҳосил қилинган VI боб масдари бўлиб (АТГ, 270), 'юксаклик' маъносини англатади (АРС, 536); бу сўз англатган белги Оллога нисбат берилиб, **Олло таоло** бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 121).

ТАОМ Бу арабча сўз **taъām(un)** шаклига эга (АРС, 474); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **taъām → taâm (таом);** 'е-' маъносини англатувчи **taъima** феълининг (АРС, 474) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'еб-ичиладиган овқат' маъносини англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, II, 121).

ТАОМИЛ қ. **таомул**

ТАОМУЛ Бу арабча сўз **таъāmul(un)** шаклига эга (АРС, 541); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **таъāmul → таâмул (таомул).** Бу сўз асли 'ишлади', 'фаолият кўрсатди' маъносини англатувчи кўпмаъноли **ъamila** феълининг VI боб **таъāmala** шаклидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 567; АТГ, 269), 'одатга айланган тартиб-қоида, расм-русум' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 121). ТжРСда (381), ўзбек тилининг имло луғатларида бу сўз араб тили вазнига мос ҳолда **таомул** шаклида ёзилган; ЎТИЛда нимагадир (**омил** сўзининг таъсири билан бўлса керак) учинчи бўғиндаги **у** унлиси хато равишда **и** унлисига алмаштирилган.

ТАРАДДУД Бу арабча сўз **taraddud(un)** шаклига эга (АРС, 293); кўпмаъноли **radda** феълининг 'рози бўлмади' маъноси асосида (АРС, 293) ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), асли 'қатъиятсизлик', 'иккиланиш' маъносини англатади; ўзбек тилида 'бирор ишни амалга ошириш учун ҳозирлик кўриш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 122). Бу сўздан ўзбек тилида **тараддудлан-** феъли ясалган.

ТАРАННУМ: Бу арабча сўз асли **tarannum(un)** шаклига эга; 'куйлади' маъносини англатувчи **ranima** феълидан (АРС, 316) ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'куйлаш' маъносини англатади; бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **тараннум айла-** қўшма феъли таркибида қатнашади (ЎТИЛ, II, 123).

ТАРАФ Бу арабча сўз **taraf(un)** шаклига эга (АРС, 472); ўзбек тилига итқи товушини **т** товушига алмаштириб қабул қилинган: **taraf → тараф.** Бу сўз асли кўпмаъноли **tarafa** феълининг (АРС, 472) 'охирига, четига қўйди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'охир', 'чека жой', 'ён', 'томон' маъноларини англатади (АРС, 472); ўзбек тилида асосан 'томон' маъносини англатади, қандай сўзлар билан боғланиб келишига қараб маънода ўзгариш бў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лади (ЎТИЛ, II, 123).

ТАРАФ-БАТАРАФ қ. **тарафма-тараф**

ТАРАФДОР Бу сўз тожик тилида арабча **тараф** сўзига (қ.) 'эга бўл-', 'тут-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 136); 'бир неча ғоя, ҳаракат, кишидан бирини ёқловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 123).

ТАРАФКАШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **тараф** сўзига (қ.) 'торт-' маъносини англатувчи тожикча **кашидан** феълининг **каш** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (Бу феъл асоси ўзбек тилида қўшимчага айланган), 'бирор томон кишиларининг фаолиятини қўллаб-қувватловчи', 'тарафма-тараф бўлиб курашувчи томонлардан бирига қатъий тарафдор' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 124).

ТАРАФЛАМА: Бу сўз ёлғиз ўзи ишлатилмайди, **ҳар, бир, икки, кўп** каби сифатловчи билан бирикиб келади. Бу сўз ўзбек тилида **тараф** сўзидан (қ.) **-лама** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'бир қанча томонни ҳисобга олган ҳолда' маъносини англатади: **ҳар тараф-лама** — 'ҳамма жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда' каби (ЎТИЛ, II, 124).

ТАРАФМА-ТАРАФ Бу сўз тожикча **тараф ба тараф** бирикмаси таркибидаги **ба** предлогини **ма** талаффуз шаклида биринчи сўзга қўшиб ва орага дефис киритиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тараф-тараф бўлиб', 'тарафларга бўлиниб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 124). ЎТИЛда изоҳ **тарафма-тараф** сўзи остида эмас, **тараф-батараф** сўзи остида берилагани ўринли бўлмаган, чунки ҳозирги ўзбек тилида асосан **тарафма-тараф** сўзи ишлатилади.

ТАРАҚҚИЙ: Бу арабча сўз асли **tarqīy(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига **r** товушидан кейин **a** унлисини қўшиб, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, **q** ундошини қатлаб қабул қилинган: **tarqīy → тараққий;** асли кўпмаъноли **raqīā** феълининг 'кўтарилди', 'юксал-ди' маъноси билан (АРС, 310) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 174), 'юксалиш', 'ўсиш' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади (ЎТИЛ, II, 125). Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмай, **тараққий қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

ТАРАҚҚИЙОТ Бу арабча сўз асли **tarqiyat(un)** шаклига эга (АРС, 310); ўзбек тилига **r** товушидан кейин **a** унлисини қўшиб, **q** ундошини қатлаб, охирги бўғиндаги **a** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tarqiyat → тараққиййат (тараққиёт); тараққий** сўзидан (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'юксалиш', 'ўсиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 125).

ТАРАҚҚИЙПАРВАР Бу сўз арабча **тараққий** сўзига (қ.) 'тарбияла-' 'парваришла-' маъносини англатувчи тожикча **парвардан** феълининг **парвар** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 298, 382); 'тараққиёт учун курашувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 125).

ТАРАҲҲУМ: Бу арабча сўз **tarahhum(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига ҳойи ҳутги ундошларини **ҳ** ундошларига алмаштириб қабул қилинган: **tarahhum → тараҳҳум;** 'раҳм-шафқатли бўлди' маъносини англатувчи **rahima** феълининг (АРС, 291) V боб масдари бўлиб (АТГ, 197), 'раҳм-шафқат кўрсатиш' маъносини англатади; бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмай, **тараҳҳум айла-** қўшма феъли таркибида қатнашади (ЎТИЛ, II, 125).

ТАРБИЙА Бу арабча сўз **tarbīyat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tarbīyat → тарбийа (тарбия);** 'боқди', 'тарбиялади' маъносини англатувчи **rabba** феълидан (АРС, 281) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 175), ўзбек тилида 'жисмонан ва ахлоқан парваришлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 125). Бу сўз баъзан **t** товуши ташланмаган **тарбият** шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, II, 125). Ўзбек тилида бу сўздан **тарбийачи** оти, **тарбийала-** феъли, **тарбийали** сифати ясалган.

ТАРБИЙАВИЙ Бу арабча сўз **тарбийа (тарбия)** сўзидан (қ.) арабча **-вий** қўшимчаси билан ясалган нисбий

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифат бўлиб (АТГ, 48), 'тарбияга оид' 'тарбия учун хизмат қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 125).

ТАРБИЙАТ *қ.* **тарбийа**

ТАРЖИМА Бу тўрт ҳарфли арабча сўз (АТГ, 32) **tarçamat(un)** шаклига эга (АРС, 100); ўзбек тилига иккинчи бўғиндаги **а** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tarçamat → таржима.** Бу сўз 'бир тилдан бошқа тилга ағдарди' маъносини англатувчи **tarçama** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 339), 'бир тилдан иккинчи бир тилга ағдарилган матн' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 126).

ТАРЖИМАЙИ ҲОЛ Бу изофа бирикмаси тожик тилидан олинган бўлиб, **таржима (қ.)** ва **ҳол** (қ.) сўзларидан тузилган. **Таржима** сўзи кўпмаъноли бўлиб, бош маъносида 'тилдан тилга ағдариш'ни англатади, бу бирикма таркибида эса 'ифодалаш', 'ўз ҳаётини баён қилиш' маъноси билан қатнашади (АРС, 100), шунга кўра бу бирикма тожик ва ўзбек тилларида 'кишининг ўз шахсий ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзган баёни' (биография) маъносини англатади (ТжРС, 384; ЎТИЛ, II, 126).

ТАРЖИМОН Бу сўз асли **tarçama** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, **tarçumān** шаклига эга (АРС, 100). Бу сўз тожик тилида **у** унлиси билан ҳам, **и** унлиси билан ҳам талаффуз қилинади (ТжРС, 384); ўзбек тилига **и** унлиси билан талаффуз қилинадиган шаклида ўтган: **tarçumān → таржумāн → таржимон.**

ТАРЗ Бу арабча сўз **tarz(un)** шаклига эга (АРС, 472); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **tarz → тарз;** асли 'безади' маъносини англатувчи **tarraza** феълидан (АРС, 472) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'шакл', 'кўриниш', 'усул' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 126).

ТАРИФ Бу арабча сўз **taʼrifat(un)** шаклига эга (АРС, 510); ЎТИЛда таъкидланишича, бу сўз араб тилидан француз тилига, бу тилдан рус тилига ва ундан ўзбек тилига ўтган (II, 126); ўзлаштириш жараёнида сукунли айн ташланган ва сўз охиридаги **ат** товушлари талаффуз қилинмай қўйган: **taʼrifat → тариф.** Асли 'билди'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатувчи **аъгаfа** феълининг (АРС, 509) II боб масдари бўлиб (АТГ, 174), 'олди-сотдида белгилана— диган ҳақ-баҳолар кўрсаткичи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 126).

ТАРИХ Бу арабча сўз **tārīx(un)** шаклига эга (АРС, 30); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлсини **а** унлисига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tārīx → тарих; ьаггаха** феълининг 'ўтмишни ёзди' маъноси билан (АРС, 30) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 30), араб тилида 'сана', 'солнома', 'ўтмиш' маъно— ларини англатади (АРС, 30); ўзбек тилида асосан 'иж— тимоий тараққиётнинг аввалги даври' маъносини анг— латиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 126). Бу сўздан ўзбек тилида **тарихчи** оти ясалган.

ТАРИХАН Бу сўз арабча **тарих** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'ўтмиш тараққиёт босқичида' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 126).

ТАРИХИЙ Бу сўз арабча **тарих** сўзидан (қ.) арабча **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилида 'тарихга оид', 'муҳим' каби маъноларни англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 126).

ТАРИХНАВИС Бу сўз ўзбек тилида арабча **тарих** сўзига (қ.) 'ёз-' маъносини англатувчи тожикча **навис(ш)тан** феълининг **навис** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 253) қўшиб тузилган; 'тарихни ёзиб борувчи' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, II, 126).

ТАРИХШУНОС Бу сўз ўзбек тилида арабча **тарих** сўзига (қ.) 'ўрган-' маъносини англатувчи тожикча **шинохтан** феълининг **шинос** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 458, 457) **шунос** шаклида қўшиб тузилган; 'тарих бўйича мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 127).

ТАРИҚА Бу арабча сўз **tarīqat(un)** шаклига эга (АРС, 473); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охири— даги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tarīqat → тариқа;** кўпмаъноли **taraqa** феълининг 'юрди' маъноси асосида ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 174),

www.ziyouz.com kutubxonasi

араб тилида 'йўл', 'усул', 'восита' маъноларини англатади (АРС, 473); ўзбек тилида 'йўсинда' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 127).

ТАРИҚАТ Бу арабча сўз **tarīqat(un)** шаклига эга (АРС, 473); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tarīqat → тариқат;** кўпмаъноли **taraqa** феълининг 'юрди' маъноси асосида ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 174), ўзбек тилида диний мундарижа билан 'маслак', 'сўфийлик йўли' маъноларини англатиш учун ишлатилади (ЎКААҚЛ, 330).

ТАРК: Бу арабча сўз **tark(un)** шаклига эга (АРС, 101); кўпмаъноли **taraka** феълининг 'воз кечди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'воз кечиш' маъносини англатади; ўзбек тилида бу сўз мустақил ишлатилмай, **тарк эт-** қўшма феъли таркибида қатнашади (ЎТИЛ, II, 127).

ТАРКИБ Бу арабча сўз **tarkīb(un)** шаклига эга (АРС, 311); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tarkīb → таркиб; rakiba** феълининг 'бир-бирига қўшди' маъносини англатувчи **rakkaba II** боб шаклидан (АРС, 311) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 173), 'маълум қисмлар мажмуи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 127). Бу сўздан ўзбек тилида **таркибли** сифати ясалган.

ТАРКИБИЙ Бу арабча сўз **tarkībiyy(un)** шаклига эга (АРС, 311); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **tarkībiyy → таркибий; таркиб** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'ниманингдир таркибига кирувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 127).

ТАРОВАТ Бу арабча сўз **tarāvat(un)** шаклига эга (АРС, 474); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tarāvat → тарâват (тароват);** кўпмаъноли **tarāva** феълининг 'нозик латофатли бўлди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 474), 'нозик

www.ziyouz.com kutubxonasi

латофат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 127). Бу сўздан ўзбек тилида **тароватли** сифати ясалган.

ТАРОВИҲ Бу арабча сўз **tarāvīḥu** шаклига эга (АРС, 319); ўзбек тилида чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **tarāvīḥu → тарâвиҳ (таровиҳ);** кўпмаъноли **rāḥa** феълининг 'кетди', 'ўтди' маъноси асосида (АРС, 318) ҳосил қилинган II боб масдари **tarvīḥat(un)** сўзининг (АТГ, 174) кўплик шакли бўлиб (АРС, 319), араб тилида **салотул таровиҳ** бирикмаси таркибида 'рамазон кунлари оғиз очишдан кейин қўшимча равишда ўқиладиган намоз' маъносини англатади (АРС, 319; ЎТИЛ, II, 128).

ТАРТИБ Бу арабча сўз **tartīb(un)** шаклига эга (АРС, 285); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tartīb → тартиб;** 'маълум қоидага биноан, белги-хусусиятига кўра жойлаштирди' маъносини англатувчи **rattaba** феълининг (АРС, 285) II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'маълум қоидага биноан, белги-хусусиятига кўра жойлаштирилган ҳолат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 128). Бу сўздан ўзбек тилида **тартибли, тартибсиз** сифатлари, **тартибсизлик** оти, **тартибла-** феъли ясалган.

ТАРТИБОТ Бу сўз **тартиб** сўзининг (қ.) **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), ўзбек тилига охирги бўғиндаги **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган; **тартиб** сўзи англатадиган маънони билдиради (ЎТИЛ, II, 129).

ТАРТИБСИЗЛИК қ. **тартиб**

ТАРҒИБ: Бу арабча сўз **tarġīb(un)** шаклига эга (АРС, 303); ўзбек тилида чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tarġīb → тарғиб;** кўпмаъноли **raġiba** феълининг 'сўради' маъноси билан (АРС, 303) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'қизиқиш уйғатиш' маъносини англатиб **тарғиб қил-** қўшма феълининг таркибида қатнашади (ЎТИЛ, II, 130)ТАРҒИБОТ Бу арабча сўз **тарғиб** сўзининг (қ.) **–āt–**

www.ziyouz.com kutubxonasi

(un) қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'бирор иш-ғояга нисбатан кишиларда истак, қизиқиш уйғатиш йўлидаги ҳаракат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 130). Бу сўздан ўзбек тилида **тарғиботчи, тарғиботчилик** сўзлари ясалган.

ТАРҒИБОТЧИ *қ.* **тарғибот**
ТАРҒИБОТЧИЛИК *қ.* **тарғибот**
ТАРҒИБ ҚИЛ- *қ.* **тарғиб:**

ТАСАВВУР Бу арабча сўз **taŝavvur(un)** шаклига эга (АРС, 449); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **taŝavvur → тасаввур;** кўп маъноли **ŝavvara** феълининг 'тасвирлади' маъноси билан (АРС, 449) ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'бирор нарсанинг киши онгида акс этиши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 130).

ТАСАВВУФ Бу арабча сўз **taŝavvuf(un)** шаклига эга (АРС, 450); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **taŝavvuf → тасаввуф;** 'сўфий бўлди' маъносини англатувчи V боб **taŝavvafa** феълидан (АРС, 450) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 196), 'илоҳий кучларга ишонувчи диний эътиқод' (суфизм) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 130).

ТАСАДДУҚ Бу арабча сўз асли **taŝadduq(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **taŝadduq → тасаддуқ; ŝadaqa** феълининг 'садақа қилди' маъносини англатувчи V боб шаклидан (АРС, 433) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 196), 'ўзини садақа қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 130).

ТАСАЛЛИ: Бу арабча сўз 'тинчланди', 'юпанди' маъносини англатувчи **salā** феълининг V боб шакли **tasāllā** сўзидан (АРС, 371) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 197), охирги чўзиқ **ā** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган; 'юпатувчи сўзлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 130); ўзбек тилида **тасалли бер-** турғун бирикмаси таркибида ишлатилади. Бу сўз баъзан **тасалло** шаклида ҳам учрайди.

ТАСАЛЛО *қ.* **тасалли**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАСАННО Бу арабча сўз асли **tašannā(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tašannā → тасаннâ (тасанно);** кўпмаъноли **šanā** феъли — нинг 'ортиқ даражада мақтади' маъноси билан (АРС, 113) ҳосил қилинган V боб масдари бўлиб (АТГ, 197), 'ортиқ даражадаги мақтов', 'офарин' маъносини англа — тади (ЎТИЛ, II, 133).

ТАСАРРУФ Бу арабча сўз **taŝarruf(un)** шаклига эга (АРС, 435); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига ал — маштириб қабул қилинган: **taŝarruf → тасарруф; ŝarafa** феълининг 'тўлиқ ихтиёрида бўлди' маъносини англа — тувчи V боб шаклидан (АРС, 435) ҳосил қилинган мас — дар бўлиб (АТГ, 196), 'тўлиқ ихтиёрида бўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 130).

ТАСБЕҲ Бу арабча сўз **tasbīh(un)** шаклига эга (АРС, 343); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **е** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилин — ган: **tasbīh → тасбеҳ;** кўпмаъноли **sabaha** феълининг 'мақтади' маъноси билан (АРС, 343) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), асли 'мақтов' маъносини англатади (АРС, 343); **Субҳон Олло!** мақтов сўзлари махсус миқдорда ипга тизилган мунчоқларни бирма-бир айириб айтилгани учун бу сўз кейинчалик 'махсус миқдорда ипга тизилган мунчоқлар' маъносини англа — тиш учун ишлатиладиган бўлган (ЎТИЛ, II, 131).

ТАСВИР Бу арабча сўз **taŝvīr(un)** шаклига эга (АРС, 449); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taŝ-vīr → тасвир;** кўпмаъноли **ŝavvara** феълининг 'кўрини — шини баён қилди' маъноси билан (АРС, 449) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'сувратини чизиш', 'кўринишини чизиб кўрсатиш' каби маъноларни англатади (АРС, 449); ўзбек тилида 'кўри — нишини айтиб ёки чизиб кўрсатиш' маъносини англа — тиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 131).

ТАСВИРИЙ Бу арабча сўз **taŝvīriyy(un)** шаклига эга (АРС, 450); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чў —

www.ziyouz.com kutubxonasi

зиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **taṣvīīyy → тасвирий; тасвир** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'тасвирлаш усули билан ҳосил қилинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 131).

ТАСДИҚ Бу арабча сўз **taṣdīq(un)** шаклига эга (АРС, 433); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taṣdīq → тасдиқ;** кўпмаъноли **ṣadaqa** феълининг 'роствўй бўлди' маъноси асосида (АРС, 432) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'ишонч', 'тўғрилигини айтиш' маъноларини англатади (АРС, 433); ўзбек тилига кейинги маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 131). Бу сўздан ўзбек тилида **тасдиқла-** феъли ясалган.

ТАСКИН Бу арабча сўз **taskīn(un)** шаклига эга (АРС, 364); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taskīn → таскин;** 'тинч бўлди', 'тинчиди' маъносини англатувчи **sakana**[1] феъ— лининг (АРС, 364) II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'тинчиш' маъносини англатади; бу сўз ўзбек тилида **таскин топ-** турғун бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 132).

ТАСЛИМ: Бу арабча сўз **salima** феълининг II боб шаклидан 'озодлигини, эркини бериб қўйди' маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'табрик', 'тақдим', 'ён бериш', 'тутиб бериш' каби маъноларни англатади (АРС, 370), ўзбек тилида 'ку— рашда, жангда, тортишувда енгилиб, курашни тўхта— тиш', 'мағлуб бўлганини тан олиш' каби маънони анг— латади (ЎТИЛ, II, 132). Бу сўз ўзбек тилида ёлғиз ўзи ишлатилмайди, **таслим бўл-, таслим қил-** қўшма феъллари таркибида қатнашади.

ТАСНИФ Бу арабча сўз **taṣnīf(un)** шаклига эга (АРС, 447); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taṣnīf → тасниф; ṣannafa** феълининг 'хилига, турига қараб гуруҳлади' маъноси билан (АРС, 447) ҳосил қилинган II

www.ziyouz.com kutubxonasi

боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'классификация' маъно-сини англатади (ЎТИЛ, II, 132).

ТАСОДИФ Бу арабча сўз **taṣāduf(un)** шаклига эга (АРС, 432); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **u** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taṣāduf → тасâдиф (тасодиф);** тожик тилида арабча сўздаги **u** унлиси ўзгача сақланган (ТжРС, 384); **ṣadafa** феълининг 'кутилмаган ҳолда содир бўлди' маъноси билан (АРС, 432) ҳосил қилинган VI боб масдари бўлиб (АТГ, 269), 'кутилмаган ҳолат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 132).

ТАСОДИФАН Бу сўз арабча **тасодиф** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижсида 'кутилмаган ҳолда' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 132).

ТАСОДИФИЙ Бу арабча сўз **тасодиф** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; 'кутилмаган ҳолда содир бўлган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 132).

ТАТБИҚ Бу арабча сўз **tatbīq(un)** шаклига эга (АРС, 468); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tatbīq → татбиқ;** кўпмаъноли **tabaqa** феълининг 'амалиётда ишлатди' маъноси билан (АРС, 468) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'амалиётда ишлатиш', 'амалиёт', 'машқ' каби маъноларни англатади (АРС, 468); ўзбек тилига 'амалиётда ишлатиш' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 133).

ТАФАККУР Бу арабча сўз **tafakkur(un)** шаклига эга (АРС, 606); 'фикрлади' маъносини англатувчи **fakara** феълининг V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'фикр юритиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 133).

ТАФОВУТ Бу арабча сўз **tafāvut(un)** шаклига эга (АРС, 611); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tafāvut → тафâвут (тафовут); fāta** феълининг 'фарқли бўлди' маъносини анг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

латувчи VI боб шаклидан (АРС, 611) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 269), 'фарқ', 'ўзига хос хусусият' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 133).

ТАФСИЛОТ Бу арабча сўз **tafṣīlāt(un)** шаклига эга (АРС, 599); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чў — зиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tafṣīlāt → тафсилât (тафсилот);** асли **faṣala**[1] феълининг 'икир-чикиригача баён қилди' маъносини англатувчи **faṣṣala** II боб шаклидан (АРС, 598) ҳосил қилинган **taf-sil(un)** масдарининг **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 174), 'икир-чикиригача ҳисобга олинган баён' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 133).

ТАФТИШ Бу арабча сўз **taftīṣ(un)** шаклига эга (АРС, 580); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаш — тириб қабул қилинган: **taftīṣ → тафтиш;** 'қидирди' маъносини англатувчи **fataṣa** феълининг (АРС, 580) II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'қидириш', 'ревизия' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 134). Бу сўздан ўзбек тилида **тавтишчи** оти ясалган бўлиб, 'ревизор' маъно — сини англатади.

ТАХАЛЛУС Бу арабча сўз **taxalluṣ(un)** шаклига эга (АРС, 232); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига ал — маштириб қабул қилинган: **taxalluṣ → тахаллус;** кўп — маъноли **xalaṣa**[2] феълининг 'халос бўлди' маъносини англатувчи V боб шаклидан (АРС, 232) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 196), асли 'қутулиш', 'ўзини ўзи озод қилиш' маъносини англатади (АРС, 232); ўзбек тилида 'ёзувчи, рассом, санъаткор ўзига ўзи қўйиб олган бошқа ном' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 134).

ТАХЛИТ Бу арабча сўз **taxlīt(un)** шаклига эга (АРС, 233); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **taxlīt → тахлит;** асли 'аралаштирди', 'қориштирди' маъносини англатувчи **xalata** феълидан ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'аралаш — тириш', 'қориштириш' маъносини англатади (АРС, 233),

www.ziyouz.com kutubxonasi

шунга кўра бу сўз асли 'аралаштирилган, қориштирилган ҳолатда' маъносини англатади, 'ташқи кўриниш', 'йўсин' маънолари кейин пайдо бўлган (ЎТИЛ, II, 135).

ТАХМИН Бу арабча сўз **taxmīn(un)** шаклига эга (АРС, 239); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taxmīn → тахмин;** 'чамалади' маъносини англатувчи **xammana** феълидан (АРС, 239) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'чама', 'қатъий бўлмаган фикр' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 135).

ТАХМИНАН Бу сўз арабча **тахмин** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'чамалаб туриб айттанда' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 135).

ТАШАББУС Бу арабча сўз **taşabbuŝ(un)** шаклига эга (АРС, 390); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **taşabbuŝ → ташаббус; şabiŝa** феълининг 'бирор ишни бажаришга даъват этди' маъносини англатувчи V боб **taşabbaŝa** шаклидан (АРС, 390) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 196), 'бирор ишни бажаришга даъват этиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 136).

ТАШАББУСКОР Бу сўз тожик тилида арабча **ташаббус** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 386, 542), 'ташаббус кўрсатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 136). Бу сўздан ўзбек тилида **ташаббускорлик** мавҳум оти ясалган.

ТАШАККУР Бу арабча сўз асли **taşakkur(un)** шаклига эга; 'миннатдорлик изҳор қилди', 'раҳмат айтди' маъносини англатувчи **şakara** феълининг (АРС, 412) V боб масдари бўлиб (АТГ, 196), 'миннатдорлик', 'раҳмат айтиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 136).

ТАШВИШ Бу арабча сўз **taşvīş(un)** шаклига эга (АРС, 421); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taşvīş → ташвиш; şavvaşa** феълининг 'безовта қилди' маъноси билан (АРС, 421) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зовталик', 'сиқилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 137). Бу сўздан ўзбек тилида **ташвишли** сифати, **ташвишлан-** феъли ясалган.

ТАШВИҚ: Бу арабча сўз **taşvīq(un)** шаклига эга (АРС, 422); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taşvīq → ташвиқ; şāqa** феълининг 'қизиқиш уйғатди' маъносини англатувчи II боб шакли **şavvaqa** сўзидан (АРС, 422) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 173), 'қизиқиш уйғатиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 137). Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмай, **ташвиқ қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

ТАШВИҚОТ Бу арабча сўз **taşvīqāt(un)** шаклига эга; **taşvīq (ташвиқ)** сўзининг **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taşvīqāt → ташвиқât (ташвиқот);** 'қизиқиш уйғатишга қаратилган ҳаракат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 137). Бу сўз билан ўзбек тилида **ташвиқот-тарғибот** жуфт сўзи тузилган, **ташвиқотчи, ташвиқотчилик** отлари ясалган.

ТАШВИҚОТ-ТАРҒИБОТ қ. **ташвиқот**
ТАШВИҚОТЧИ қ. **ташвиқот**
ТАШВИҚОТЧИЛИК қ. **ташвиқот**

ТАШКИЛ: Бу арабча сўз **taşkīl(un)** шаклига эга (АРС, 413); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taşkīl → ташкил;** асли **şakala** феълидан 'тузди' маъноси билан (АРС, 413) ҳосил қилинган II боб шаклининг масдари бўлиб (АТГ, 163), 'таркиб' маъносини англатади; бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **ташкил қил-, ташкил бўл-** қўшма феъллари, **ташкил топ-** турғун бирикмаси таркибида қатнашади (ЎТИЛ, II, 138).

ТАШКИЛИЙ Бу арабча сўз **taşkīliyy(un)** шаклига эга (АРС, 413); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **taşkīliyy → ташкилий; ташкил** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган

www.ziyouz.com kutubxonasi

нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'ташкил этиш бўйича' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 138).

ТАШКИЛОТ Бу арабча сўз **taşkīlāt(un)** шаклига эга (АРС, 413); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taşkīlāt → ташкилāт (ташкилот);** асли **ташкил** сўзининг кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'бирлашма', 'муассаса' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 138). Бу сўздан ўзбек тилида **ташкилотчи, ташкилотчилик** сўзлари ясалган.

ТАШКИЛОТЧИ қ. **ташкилот**

ТАШКИЛОТЧИЛИК қ. **ташкилот**

ТАШРИФ Бу арабча сўз **taşrīf(un)** шаклига эга (АРС, 401); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taşrīf → ташриф; şarifa** феълининг 'ҳурмат кўрсатди' маъносини англатувчи **şarrafa** II боб шаклидан (АРС, 401) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 173), 'ҳурмат кўрсатиб бориш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 139). Бу сўз одатда **ташриф буюрди** жумласи таркибида қатнашади.

ТАЪБ қ. **таб**

ТАЪБИР Бу арабча сўз **taʾbīr(un)** шаклига эга (АРС, 494); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taʾbīr → таъбир;** асли 'тушунтирди' маъносини англатувчи **ъabara**[2] феълининг (АРС, 494) V боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'тушунтириш', 'изоҳ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 140). Ўзбек тилида бу сўздан **таъбирла-** феъли ясалган.

ТАЪБИРЛА- қ. **таъбир**

ТАЪВИЙА Бу арабча сўз **tāviyat(un)** шаклига эга (АРС, 487); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб ва чўзиқлик кўрсаткичи сифатида **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tāviyat → таъвийа (таъвия); tavā** феълидан ясалиб, 'очликдан озиб кетган' маъносини англатувчи **tavin** сифатининг (АРС, 487) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган му—

www.ziyouz.com kutubxonasi

аннас шакли бўлиб (АТГ, 29), асли 'озиб, бадбаша, хунук бўлиб кетган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 140).

ТАЪЗИЙА Бу арабча сўз асли **таъẓiyat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, зал товушини **з** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **таъẓiyat → таъзийа (таъзия).** Бу сўз асли 'азобланди', 'оғриқ ҳис қилди' маъносини англатувчи **ъаẓiā** феълининг (АРС, 30) II боб масдари бўлиб (АТГ, 174), 'киши-нинг вафоти муносабати билан билдириладиган ҳам-дардлик', 'вафот этган кишига атаб ўтказиладиган мотам маросими' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 141; ТжРС, 387). ЎТИЛда (II, 141) **таъзиянома** сўзи ҳам кел-тирилган. Асли 'кишининг вафоти ҳақидаги ёзма хабар' маъносини ҳам **таъзия** сўзининг ўзи билан ифодалаш маъқул.

ТАЪЗИМ Бу арабча сўз **таъẓīm(un)** шаклига эга (АРС, 524); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, изғи ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **таъẓīm → таъзим; ъаẓuma** феълининг 'ҳурмат бажо келтирди' маъноси билан (АРС, 523) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'юксак даражада ҳурмат билдириш' маъносини (АРС, 524), ўзбек тилида эса 'бошни эгиб, қўлни кўксига қўйиб ҳурмат билдириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 141). Ўзбек тилида бу сўз билан **таъзим қил-** қўшма феъли тузилган.

ТАЪЗИР: Бу арабча сўз **таъzīr(un)** шаклига эга (АРС, 513); ўзбек тилига айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **таъzīr → таъзир;** 'танбеҳ берди' маъносини англатувчи **ъazara** феълининг (АРС, 513) II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'ножўя иши, гапи учун бериладиган енгил-елпи жазо' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 141). Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **таъзири-ни бер-** турғун бирикмаси таркибида қатнашади.

ТАЪЙИН *қ.* **тайин**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЪКИД Бу арабча сўз **taьkīd(un)** шаклига эга (АРС, 38); ўзбек тилига сукунли ҳамза ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taьkīd → таъкид; ьakkada** феълининг 'тасдиқлади', 'ишонтирди' маъноси билан (АРС, 38) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'алоҳида писанда қилиб айтиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 141). Бу сўздан ўзбек тилида **таъкидла-** феъли ясалган.

ТАЪЛИМ Бу арабча сўз **taьlīm(un)** шаклига эга (АРС, 534); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ī** товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **taьlīm → таълим.** Бу сўз асли **ъalima** феълининг 'ўқитди', 'ўргатди' маъносини англатувчи II боб **ъallama** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 173), 'ўқиш-ўрганиш, кузатиш орқали ҳосил қилинган билим-кўникмалар' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 141). **Таълим** сўзидан ўзбек тилида **таълимли, таълимсиз** сифатлари ясалган, бу сўз билан **таълим-тарбия** жуфт сўзи тузилган.

ТАЪЛИМИЙ Бу арабча сўз **таълим** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'таълим-тарбия аҳамиятига эга' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 141); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **таълимийй → таълимий.**

ТАЪЛИМОТ Бу арабча сўз **taьlīmāt(un)** шаклига эга (АРС, 534); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taьlīmāt → таълимât (таълимот).** Бу сўз асли **таълīм** сўзининг **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'илмий-назарий қарашлар мажмуи' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 141).

ТАЪМ Бу арабча сўз **таъm(un)** шаклига эга (АРС, 474); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **таъm → таъм;** кўпмаъноли **таъima**

www.ziyouz.com kutubxonasi

феълининг 'татиб кўрди' маъноси билан (АРС, 474) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'маза' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 142).

ТАЪМИНЛА- Бу сўз ўзбек тилида арабча **таъмин** сўзидан (қ. **таъминот**) **-ла** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'керакли нарсаларни етказиб бер-' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 142).

.ТАЪМИНОТ Бу арабча сўз **taьmīnāt(un)** шаклига эга (АРС, 45); ўзбек тилига сукунли ҳамза ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taьmīnāt → таъминâт (таъминот).** Бу сўз асли 'хавф-хатарсиз бўлди', 'керакли нарсаларга эга бўлди' маъносини англатувчи **ьamina** феълидан ҳосил қилинган **taьmīn(un)** II боб масдарининг (АТГ, 143) **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'керакли нарсаларни етказиб бериш' маъносини англатади (АРС, 45; ЎТИЛ, II, 142).

ТАЪМИР қ. **таъмирла-**

ТАЪМИРЛА- Бу сўз ўзбек тилида арабча **таъмир** сўзидан **-ла** қўшимчаси билан ясалган; **таъмир** сўзи **taъmir(un)** шаклига эга (АРС, 540); ўзбек тилига сукунли **айн** ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taъmir → таъмир.** Бу сўз асли кўпмаъноли **ъamara** феълининг (АРС, 539) 'қурди' , 'кам-кўстини тузатди' маъносидан ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), ўзбек тилида 'бинонинг нураган, бузилган жойларини тузатиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 142).

ТАЪНА Бу арабча сўз **taъnat(un)** шаклига эга (АРС, 475); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **taъnat → таъна;** кўпмаъноли **taъana** феълининг 'ниманидир юзига солиб гапирди' маъноси асосида (АРС, 475) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ниманидир юзига солиб айтилган гап' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 142). Бу сўздан ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

таъначи оти ясалган.

ТАЪРИФ Бу арабча сўз **таърīf(un)** шаклига эга (АРС, 510); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **таърīf → таъриф.** Бу сўз асли 'билди', 'таниди' маъносини англатувчи **ъарафа** феълининг (АРС, 509) II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'таништириш', 'изоҳлаш', 'тақдим этиш', 'нарса, ҳодисаларнинг аниқ ва қисқа тавсифи' каби маъноларни англатади (АРС, 510); ўзбек тилида охирги маъно асосида юзага келган 'нарса-ҳодисаларнинг сўзлар билан ифодаланган қисқа ва аниқ тавсифи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 142). Бу сўздан **-ла** қўшимчаси билан **таърифла-** феъли ясалган, **таъриф-тавсиф** жуфт сўзи тузилган.

ТАЪРИФЛА- *қ.* **таъриф**

ТАЪРИФ-ТАВСИФ Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **таъриф** (қ.) ва **тавсиф (қ.)** сўзларидан тузилган бўлиб, 'киши ёки нарса ҳақида тўлиқ маълумот бериладиган изоҳ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 142).

ТАЪСИР Бу арабча сўз **таъšīr(un)** шаклига эга (АРС, 24); ўзбек тилига сукунли ҳамза ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, се товушини **с** товушига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **таъšīr → таъсир.** Бу сўз асли 'таъсир ўтказди' маъносини англатувчи **ъаšара** феълининг (АРС, 23) II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилидан 'ташқи омилларнинг киши ёки нарса ҳолатини, хусусиятини ўзгартириши' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 143). Бу сўз ўзбек тилида асосан **таъсир қил-, таъсир ўтказ-, таъсирига берил-** каби қўшма феъл ва турғун бирикмалар таркибида ишлатилади; **таъсир** сўзидан ўзбек тилида **таъсирли, таъсирчан** сифатлари, **таъсирлан-** феъли ясалган.

ТАЪСИРОТ *қ.* **таассурот**

ТАЪСИС Бу арабча сўз **таъsīs(un)** шаклига эга (АРС, 32); ўзбек тилига сукунли ҳамза ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириб қабул қилинган: **taьsīs → таъсис.** Бу сўз асли 'пойдевор қўйди', 'барпо қилди' каби маънони англатувчи **ьassasa** II боб феълининг масдари бўлиб (АТГ, 174), 'ташкил этиш', 'барпо қилиш', 'жорий қилиш' каби маънони англатади: *таъсис мажлиси* каби (ЎТИЛ, II, 143). Бу сўз билан **таъсис эт-** феъли тузилган.

ТАЪТИЛ Бу арабча сўз **таътīл(un)** шаклига эга (АРС, 522); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, итқи ундошларини **т** ундошларига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **таътīл → таътил;** кўпмаъноли **ъатīла** феълининг 'тўхтатди' маъноси асосида (АРС, 522) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), ўзбек тилида 'мактабларда ўқиш тўхтаган кунлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 143). Бу сўздан 'ташкилот томонидан ўз ходимларига бериладиган узоқ муддатли дам олиш кунлари' маъносини англатиш учун ҳам фойдаланилмоқда.

ТАЪҚИБ Бу арабча сўз **таъqīb(un)** шаклига эга (АРС, 526); ўзбек тилига айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **таъqīb → таъқиб;** кўпмаъноли **ъaqaba** феълининг 'кетидан келди' маъноси билан (АРС, 526) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'бил-дирмасдан кузатиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 144). Бу сўз билан ўзбек тилида **таъқиб қил-** қўшма феъли тузилган.

ТАҚВО: қ. **тақводор**

ТАҚВОДОР Бу сўз тожик тилида арабча **тақво** сўзига 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **дoштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 369), 137); **тақво** сўзи асли **vaqā** феълининг 'сақланди', 'ўзини тийди' маъноси асосида (АРС, 908) ҳосил қилинган масдар бўлиб, 'гуноҳ, харом ишлардан ўзини тийиш' маъносини англатади (АРС, 908), шунга кўра 'гуноҳ, ҳаром ишлардан ўзини сақловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 145).

ТАҚДИМ Бу арабча сўз **taqdīm(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 626); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taqdīm → тақдим; qadama** феълининг 'олдинга борди' маъноси билан (АРС, 625) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'ижобий тавсия' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 145). Бу сўз билан ўзбек тилида **тақдим қил-** қўшма феъли тузилган.

ТАҚДИМОТ Бу арабча сўз асли **qadama** феълининг 'олдинда борди' маъноси асосида (АРС, 625) ҳосил қилинган **taqdimat(un)** II боб масдари бўлиб (АТГ, 174), нимагадир **taqdimāt(un)** кўплик шаклида (АТГ, 39) ишлатиш одат бўлган, 'ижобий тавсия йиғилиши' маъносини англатади (Бу сўз ЎТИЛга киритилмаган).

ТАҚДИР Бу арабча сўз **taqdīr(un)** шаклига эга (АРС, 624); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taqdīr → тақдир;** асли **qadara** феълининг кўпмаъноли II боб шаклидан 'назарда тутди' маъноси билан (АРС, 624) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'эҳтимол', 'назарда тутиш' маъносини (АРС, 624), ўзбек тилида эса 'олдиндан белгилаб қўйилган кўргулик', 'ёзмиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 145).

ТАҚДИРЛА- Бу сўз ўзбек тилида арабча **тақдир** сўзининг 'хизматларига берилган муносиб баҳо' маъносидан (АРС, 624) **-ла** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'муносиб баҳола-', 'қадрига ет-' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 146).

ТАҚДИРНОМА Бу сўз ўзбек тилида арабча **тақдир** сўзига ('хизматларига берилган муносиб баҳо' маъноси билан) тожикча 'хат', 'ҳужжат' маъносини англатувчи **нома** сўзини (ТжРС, 271) қўшиб тузилган бўлиб, 'тақдирлаш ҳақидаги ҳужжат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 146).

ТАҚЛИД Бу арабча сўз **taqlīd(un)** шаклига эга (АРС, 655); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taqlīd → тақлид; qalada** феълининг 'кимгадир эргашиб, ўхшаб иш қилди' маъноси

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан (АРС, 655) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'кимгадир ўхшаб иш тутиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 147). Бу сўз билан ўзбек тилида **тақлидчи, тақлидчилик** отлари, **тақлидчан** сифати ясалган, **тақлид қил-** қўшма феъли тузилган.

ТАҚЛИДАН Бу сўз арабча **тақлид** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'тақлид қилган ҳолда' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 147).

ТАҚЛИДЧИ, ТАҚЛИДЧИЛИК *қ.* **тақлид**

ТАҚОЗО: Бу арабча сўз асли **taqāđin** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **n** товушини ташлаб, бу ундош олдидаги **i** унлисини олдинги бўғин унлиси таъсирида **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taqāđin → тақâзâ (тақозо);** асли **qađa** феълининг 'талаб қилинди' маъноси асосида ҳосил қилинган VI боб масдари бўлиб (АТГ, 270), 'бирор вазият туфайли юзага келган талаб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 147). Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмай, **тақозо қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

ТАҚОЗО ҚИЛ- *қ.* **тақозо**

ТАҚРИЗ Бу арабча сўз **taqrīđ(un)** шаклига эга (АРС, 633); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **taqrīđ → тақриз; qarrađa** феълининг 'бирор асарнинг ютуқларини баён қилди' маъноси билан (АРС, 633) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), ўзбек тилида 'бирор асарнинг ютуқ-камчиликлари баён қилинган матн' (рецензия) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 147). Бу сўздан ўзбек тилида **тақризчи** оти ясалган.

ТАҚСИМ Бу арабча сўз **taqsīm(un)** шаклига эга (АРС, 637); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taqsīm → тақсим;** кўпмаъноли **qasama** феълининг 'бўлакларга ажратди' маъноси билан (АРС, 637) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'бўлакларга ажратиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 147). Бу сўздан ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

тақсимла- феъли, бу феълдан **тақсимлагич, тақсимловчи** сўзлари ясалган.

ТАҚСИМОТ Бу сўз **тақсим** сўзининг (қ.) **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АРС, 637; АТГ, 39), ўзбек тилига охирги бўғиндаги чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган; бу сўз кўплик шакли экани уқилмайди, **тақсим** сўзи англатадиган маънони билдириш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 146).

ТАҚСИР Бу арабча сўз асли **taqsīr(un)** шаклига эга; ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taqsīr → тақсир;** 'мажбур қилди', 'бўйсундирди' маъносини англатувчи **qasara** феълининг (АРС, 636) II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), асли 'буйруқ берувчи' маъносини англатади; ўзбек тилида уламоларга, бойларга, амалдорларга ҳурмат юзасидан айтилаган мурожаат сўзи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 148).

ТАҚҚОС Бу арабча сўз асли **taqqās(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taqqās → таққâс (таққос);** асли кўпмаъноли **qāsa** феълининг 'чоғиштирди' маъноси билан (АРС, 670) ясалган от бўлиб, 'чоғиштириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 148). Бу сўздан ўзбек тилида **таққосла-** феъли ясалган.

ТАҲДИД Бу арабча сўз **tahdīd(un)** шаклига эга (АРС, 848); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tahdīd → таҳдид; hadda** феълининг 'қўрқитди' маъноси асосида (АРС, 848) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'қўрқитиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 149).

ТАҲЛИКА Бу арабча сўз **tahlikat(un)** шаклига эга (АРС, 857); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tahlikat → таҳлика; halaka** феълининг 'ўлдирди', 'йўқ қилди' маъносини англатувчи II боб шаклидан (АРС, 857) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 174), 'ўлимга олиб келиш даражасидаги хавф' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 149). Бу сўздан ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида **таҳликали** сифати ясалган.

ТАҲЛИЛ Бу арабча сўз **taḥlīl(un)** шаклига эга (АРС, 189); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taḥlīl → таҳлил;** кўпмаъноли **ḥalla**[1] феълининг 'ютуқ-камчиликларни бирма-бир айтди' маъноси билан (АРС, 188) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'ютуқ-камчиликларни бирма-бир айтиш' (анализ) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 149). Бу сўз билан ўзбек тилида **таҳлил қил-** қўшма феъли тузилган.

ТАҲОРАТ Бу арабча сўз **taḥārat(un)** шаклига эга (АРС, 482); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taḥārat → таҳârат (таҳорат);** 'покиза бўлди' маъносини англатувчи **taḥura** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 482), 'ибодат қилишдан олдин ювиниб покланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 149). Бу сўз билан ўзбек тилида **таҳоратхона** қўшма сўзи тузилган.

ТАҲРИР Бу арабча сўз **taḥrīr(un)** шаклига эга (АРС, 163); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taḥrīr → таҳрир;** кўпмаъноли **ḥarra** феълининг 'текширди' маъносини англатувчи **ḥarrara** II боб шаклидан (АРС, 162) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 173), 'бирор матнни текшириб, тузатишлар киритиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 149). Бу сўз билан ўзбек тилида **таҳрир қил-** қўшма феъли тузилган.

ТАҲРИРИЙАТ Бу арабча сўз **таҳрир** сўзидан (қ.) **-ийят(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), ўзбек тилига қатор келган **ий** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **таҳририйят → таҳририйат (таҳририят);** 'редакция' маъносини англатади.

ТАҲСИЛ Бу арабча сўз **taḥṣīl(un)** шаклига эга (АРС, 177); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taḥṣīl → таҳсил;** кўпмаъноли **ḥaṣala** феълининг 'эга бўлишга ҳаракат қилди' маъноси билан (АРС, 177) ҳосил қилинган II боб мас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида асли 'эга бўлиш', 'эришиш' маъносини, **таҳсил ал илм** бирикмаси тар-кибида 'билим олиш учун ўқиш' маъносини англатади (АРС, 177; ЎТИЛ, II, 149).

ТАҲСИН Бу арабча сўз **tahsīn(un)** шаклига эга (АРС, 173); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо-шига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tahsīn → таҳсин;** кўпмаъноли **hasuna** феъ-лининг 'муносиб бўлди' маъноси асосида (АРС, 173) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), араб тилида 'яхшиланиш', 'тузалиш' маъносини англатади (АРС, 173); ўзбек тилида бу сўз 'мамнуният билан мақ-таш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 149).

ТАҲҚИР Бу арабча сўз **tahqīr(un)** шаклига эга (АРС, 186); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қи-линган: **tahqīr → таҳқир; haqara** феълининг 'кучли да-ражада камситди' маъносини англатувчи II боб шакли-дан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 173), 'кучли даражада камситиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 149). Бу сўздан ўзбек тилида **таҳқирла-** феъли ясалган.

'ТАҲҚИҚ Бу арабча сўз **tahqīq(un)** шаклига эга (АРС, 184); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо-шига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tahqīq → таҳқиқ;** кўпмаъноли **haqqa** феъ-лининг 'текшириш ўтказди' маъноси билан (АРС, 184) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 173), 'тек-шириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II. 150).

ТИББИЙ Бу арабча сўз **tibbiyy(un)** шаклига эга (АРС, 466); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **tibbiyy → тиббий;** кўпмаъноли **tabba** феълининг 'даволади' маъноси билан (АРС, 266) ҳосил қилинган **tibb(un)** I боб масдаридан (АТГ, 142) **–iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'даволаш бўйича' маъносини англатади (ЎТИЛ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

II, 169).

ТИЖОРАТ Бу арабча сўз **tiçārat(un)** шаклига эга (АРС, 99); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tiçārat → тижârат (тижорат);** 'савдо-сотиқ билан шуғулланди' маъносини англатувчи **taçara** феълидан (АРС, 99) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 499), 'савдо-сотиқ билан шуғулланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 170).

ТИЛОВАТ Бу арабча сўз **tilāvat(un)** шаклига эга (АРС, 104); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tilāvat → тилâват (тиловат);** 'овоз чиқариб ўқиди' маъносини англатувчи **talā** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 104), араб тилида 'овоз чиқариб ўқиш' маъносини англатади (АРС, 104), ўзбек тилида эса 'қуръон сурасини овоз чиқариб ўқиш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 178). Бу сўз билан ўзбек тилида **тиловат қил-** қўшма феъли тузилган.

ТИЛСИМ Бу арабча сўз асли **tilasm(un)** шаклига эга (АРС, 478); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, **а** унлисини ташлаб, **sm** ундошлари ораларига **и** унлисини қўшиб қабул қилинган: **tilasm → тилсим;** асли 'сир' маъносини англатувчи бу сўз (АРС, 478) ўзбек тилида 'сирли-сеҳрли нарса' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 178).

ТИМСОЛ Бу арабча сўз **timšāl(un)** шаклига эга (АРС, 741); ўзбек тилига се ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **timšāl → тимсâл (тимсол);** кўпмаъноли **mašala** феълининг 'тасаввур қилди' маъноси асосида (АРС, 741) ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида 'ҳайкал' маъносини англатади (АРС, 741); ўзбек тилида 'изоҳлаш учун, ўрнак учун намуна бўла оладиган нарса' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 178).

ТИМСОҲ Бу арабча от **timsāh** шаклига эга (АРС, 105); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳўғти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **timsāh → тимсâҳ (тимсоҳ);** крокодилнинг но-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ми (ЎТИЛ, II, 179).

ТО АБАД Бу сўз тожик тилидан олинган; арабча **абад** сўзи ва 'довур' маъносини ифодаловчи тожикча **то** предлогидан иборат бўлиб (ТжРС, 15, 546), 'умрбод', 'мангу' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 21). **Абад** сўзи ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди (**Абадий** сўзи мақоласига қаранг).

ТОАТ Бу арабча сўз **tāъat(un)** шаклига эга (АРС, 484); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** ўнлисини **â** унлисига, фатҳали айн товушини **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **tāъat → tâat (тоат);** асли 'бўйсунди' маъносини англатувчи **tāъa** феълидан (АРС, 483) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'итоат қилиш' маъносини, ўзбек тилида эса 'Оллога сиғиниш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 193). Бу сўз билан ўзбек тилида **тоат қил-** қўшма феъли, **тоат-ибодат** жуфт сўзи тузилган.

ТОБЕ Бу арабча сўз **tābiъ(un)** шаклига эга (АРС, 98); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб, шунинг эвазига **і** унлисини **е** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tābiъ → tâbe (тобе);** кўпмаъноли **tabiъa** феълининг 'итоат қилди' маъноси билан (АРС, 97) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'бўйсунувчи', 'қарам' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 193).

ТОБУТ Бу арабча от **tābūt(un)** шаклига эга (АРС, 97); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tābūt → tâbut (тобут);** сўзлашув тилида **б** ундоши **в** ундошига алмаштириб талаффуз қилинади: **тобут → товут;** бу сўз асли 'сандиқ', 'қути' маъносини англатиб, кейинчалик 'мозорга олиб боришда ўлик солинадиган усти очиқ сандиққа ўхшаган буюм' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 194).

ТОБУТКАШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **тобут** сўзига (қ.) 'кўтариб бор-' маъносини англатувчи тожикча **кашидан** феълининг **каш** ҳозирги замон асосини

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ТжРС, 184) қўшиб тузилган; 'мозорга тобутни кўтариб борадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 194).

ТОВОҚ Бу арабча сўз **tabaq(un)** шаклига эга (АРС, 469); тожик тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **tabaq → табақ** (ТжРС, 373); ўзбек тилига, бундан ташқари, **а** унлиларини **â** унлиларига алмаштириб олинган: **табақ → тâбâқ (тобоқ);** кўпмаъноли **tabiqa** феълининг 'устига солди' маъноси асосида (АРС, 468) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилида 'қопқоқ', 'ликоп', 'овқат солинадиган идиш', 'патнис' маъноларини англатади (АРС, 469); ўзбек тилига 'овқат солинадиган идиш' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 195). Бу сўз билан ўзбек тилида **идиш-товоқ, товоқ-қошиқ** жуфт сўзлари тузилган.

ТОВУС Бу арабча сўз **tāvūs(un)** шаклига эга (АРС, 483); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā, ū** унлиларини **â, у** унлиларига алмаштириб қабул қилинган: **tāvūs → тâвус (товус);** 'безади' маъносини англатувчи **tavvasa** феълидан (АРС, 483) ясалган сифат бўлиб (АТГ, 43), асли 'безанган' маъносини англатади; бу сўз шундай хусусиятли қушнинг номига айланган (ЎТИЛ, II, 195).

ТОВУТ қ. **тобут**

ТОИФА Бу арабча сўз **tāьifat(un)** шаклига эга (АРС, 484); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tāьifat → тâифа (тоифа);** кўпмаъноли **tāfa** феълининг 'тарқатди' маъноси асосида (АРС, 484) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши **tāьif(un)** сўзидан (АТГ, 147) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'гуруҳ', 'табақа' каби маъноларни англатиш учун ишлатилади (АРС, 484; ЎТИЛ, II, 197).

ТОИФИ Бу сўз асли **tāьifat(un)** сўзи (қ.) охиридаги **-at(un)** қўшимчасини ташлаб, **-iyy(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 49), **tāьifiyy(un)** шаклига эга; ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, касрали ҳамзани **и** унлисига алмаштириб, сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

охиридаги **уу** товушларини ташлаб қабул қилинган: **tāьifiyy → tâифи (тоифи);** асли 'алоҳида гуруҳга мансуб' маъносини англатувчи бу сўз кейинчалик узум навла— ридан бирининг номига айланган (ЎТИЛ, II, 197). Изоҳли луғатда бу сўзга **ф—т** рамзининг қўйилгани тўғри эмас: асли тожик тилида арабча сўз охиридаги **уу** товушла— рини ташлаш ҳисобига **и** унлисида чўзиқлик пайдо бўлган.

ТОЛЕ Бу арабча сўз **tāliъ(un)** шаклига эга (АРС, 478); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, **i** унлисини **е(э)** унлисига алмаш— тириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **tāliъ → tâле (толе);** кўпмаъноли **talaъa** феълининг 'маълум қилди', 'билди' маъноси билан (АРС, 478) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли араб тилида 'кўтарилаётган' (қуёш, ой ҳақида) маъносини, шу маънодан ўсиб чиққан 'юлдуз', 'тақдир' маъноларини англатади (АРС, 478); ўзбек тилида эса 'бахтли келажак', 'омадли тақдир' маъноларини англа— тиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 199). Сўзлашув тилида бу сўз **толих** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ТОЛИБ Бу арабча сўз **tālib(un)** шаклига эга (АРС, 477); ўзбек тилига итқи товушини **т** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tālib → tâлиб (толиб); talaba** феълининг 'излади' маъноси билан (АРС, 477) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат си— фатдоши бўлиб (АТГ, 147), араб тилида 'изловчи', 'сў— роқловчи', 'талаб қилувчи' маъноларини англатади (АРС, 477). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. Тарихан **толиби илм** изофа бирикмаси таркибида ишлатилган (Бу бирикма 'мадраса ўқувчиси', 'студент' маъносини англатган).

ТОЛИП қ. **толиб**

ТОЛИХ қ. **толе**

ТОМОША Бу арабча сўз асли **tamāşin** шаклига эга (АРС, 756); тарихан бу сўз **тамâшâ** шаклида ишлатилган; тожик тилига шундай шаклда қабул қилинган: чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига, сўз охиридаги **-in** қисми **â** унлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмаштирилган: **tamāşin → тамâшâ (тамошо);** ўзбек тилига **а** унлисини ҳам, чўзиқ **ā** унлисини ҳам **â** унлисига, сўз охиридаги **-in** қисмини эса **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tamāşin → tâmâşa (томоша);** асли 'ҳаракатланди' маъносини англатувчи **maşa** феълининг (АРС, 756) VI боб масдари бўлиб (АТГ, 270), араб тилида 'ҳаракат' маъносини англатади (АРС, 756), ўзбек тилида эса 'оммавий равишда кўрсатиш учун тайёрланган саҳна асари ёки ўйин-кулги' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 201).

ТОМОШАБИН Бу сўз тожик тилида арабча **тамошо** сўзига 'кўр-', 'қара-' маъносини англатувчи тожикча **дидан** феълининг **бин** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 128, 71) қўшиб тузилган; ўзбек тилига бу сўзнинг **тамошо** қисми **томоша** сўзига мослаб ўзгартириб олинган: **тамошобин → томошабин;** 'томоша кўрувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 201).

ТОҚ Бу арабча сўз **tāq(un)** шаклига эга (АРС, 485); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tāq → tâq (тоқ);** кўпмаъноли **tāqa** феълининг 'ўради' маъноси билан (АРС, 485) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 150), 'бино, эшик, дераза тепасининг ярим доира шаклида ишланган қисми' маъносини англатади (АРС, 485; ЎТИЛ, II, 211: **тоқ II**).

ТОҚА Бу арабча сўз **tāqat(un)**[3] шаклига эга (АРС, 485); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tāqat → tâqa (тоқа);** асли **tāq(un)** масдаридан (қ. **тоқ**) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'бир бутунни ташкил этувчи материнг икки бўлагидан бири' маъносини англатади; кейинчалик бу сўз, матодан ташқари, эшик, дераза каби жуфт қисмли нарсаларга нисбатан ҳам ишлатила бошлаган (ЎТИЛ, II, 211).

ТОҚАТ Бу арабча сўз **tāqat(un)**[2] шаклига эга (АРС, 485); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tāqat**

www.ziyouz.com kutubxonasi

→ **tâқат (тоқат);** 'чидамли бўлди' маъносини англатувчи **tāqa** феълининг (АРС, 485) **tāq(un)** масдаридан (қ. **тоқ**) **–at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'куч-қувват', 'лаёқат', 'сабр-чидам' маъноларини англатади (АРС, 485); ўзбек тилига охирги маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 211). Бу сўз билан ўзбек тилида **тоқатли, тоқатсиз** сифатлари, **тоқатсиз–лик** оти, **тоқатсизлан-** феъли ясалган, **сабр-тоқат** жуфт сўзи тузилган.

• ТОҲИР Ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти бўлиб келадиган бу арабча сўз **tāhir(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tāhir → tâҳир (тоҳир);** 'покиза бўлди' маъносини англатувчи **tāhura** феълидан (АРС, 482) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'покиза' маъносини англатади.

ТУРБАТ Бу арабча сўз **turbat(un)** шаклига эга (АРС, 100); 'чанг билан қопланди' маъносини англатувчи **tariba** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), асли 'чанг', 'тупроқ', 'ер' маъносини англатади; кейинчалик 'қабр' маъноси юзага келган (АРС, 100; ЎТИЛ, II, 225). Ўзбек тилида шу феълдан ҳосил қилинган **туроб** сўзи ишлатилиб, эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади; бу сўз **tariba** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), асли 'тупроқ', 'ер' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 226).

ТУРОБ *қ.* **турбат**

ТУРФА Бу арабча сўз **turfat(un)** шаклига эга (АРС, 473); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **turfat → турфа; tarufa** феълининг 'янги бўлди' маъноси билан (АРС, 472) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'янгилик', 'совға', 'ҳозиржавоблик' маъноларини англатади (АРС, 473); ўзбек тилида 'ажойиблиги билан кишини ҳайратга соладиган' каби белги маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 229).

ТУҲМАТ Бу арабча сўз **tuhmat(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 106); 'айблади' маъносини англатувчи **tahama** феълининг (АРС, 105) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'гумон', 'айблов' маъноларини (АРС, 106), ўзбек тилида эса 'айблаш, қоралаш мақсадида айтиладиган тўқима гаплар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 241). Ўзбек тилида бу сўздан **туҳматчи, туҳматчилик** сўзлари ясалган.

ТУҲФА Бу арабча сўз **tuhfat(un)** шаклига эга (АРС, 99); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **tuhfat → туҳфа;** 'совға қилди' маъносини англатувчи **ьathafa** феълидан (АРС, 99) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'совға', 'тортиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 242).

ТЎФОН Бу арабча сўз **tūfān(un)** шаклига эга (АРС, 485); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **ў** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **tūfān → тўфâн (тўфон);** кўпмаъноли **tāfa** феълининг 'теварак-атрофда айланди' маъносидан (АРС, 484) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'кучли сув тошқини' маъносини англатади (АРС, 485; ЎКААҚЛ, 350; ЎТИЛ, II, 255).

У

УВОЛ Бу арабча сўз ЎТИЛга (II, 263) **увол** шаклида киритилиб, асли **увор** деб нотўғри таъкидланган. Бу сўз асли **vabāl(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 870), сўз бошидаги вов ҳарфини **в** деб эмас, **у** деб ўқиш натижасида **убал** талаффуз шакли юзага келган (ТжРС, 401); кейинчалик **б** ундоши ўрнига **в** ундоши айтилиб, **увол** шакли пайдо бўлган; чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига алмашган: **vabāl → убāл → увâл (увол);** 'носоғлом бўлди' маъносини англатувчи **vabula** феълининг (АРС, 870) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'носоғлом шароит', 'кулфат', 'зарар', 'оғир оқибат' каби маъноларни (АРС, 870), ўзбек тилида эса асосан 'гуноҳ', 'бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фойда нест-нобуд бўлиш' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 263).

УД Бу сўз ЎТИЛда арабча деб белгиланиб, 'учбурчак шаклидаги кўп торли, чертиб чалинадиган музика асбоби'ни билдириши таъкидланган: *уд чал-* (II, 264). Бундай маънони англатадиган **уд** сўзи АРСда берилмаган (28); шу луғатнинг 501- бетида келтирилган **ъud(un)** сўзи тамоман бошқа маънони англатади ('томлар' деб изоҳланган). **Уд** нимагадир ПРСга ҳам киритилмаган, ТжРСнинг 402- бетида **уд** сўзи берилиб, 'арфа' деб изоҳланган. ЎРЛда эса **уд** сўзи 'лира', 'арфа' деб таржима қилинган (484). Асли уд, арфа, лира деб аталадиган уч музика асбоби бир-биридан фарқ қилади, шу сабабли **уд** сўзини **арфа, лира** деб таржима қилиш тўғри эмас: лира қадимги Юнонистонда, арфа Европада яратилган, уд эса шарқ дунёсига мансуб. ЎТИЛда берилган маъно таърифига кўра уд, ҳар ҳолда, арфага ўхшаб кетади. ЎТИЛда **уд** сўзининг арабча деб белгилангани тасдиқланмади; бу сўзни форсча (тожикча) дейиш тўғрироқ.

УДДА Бу арабча сўз асли **ъuhdat(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 546), ўзбек тилига даммали ҳамзани **у** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 291); кейинчалик **h** ундоши кетидаги ундош таъсирида **d** ундошига алмашган: **ъuhdat → уҳда → удда;** асли **ъahida** феълининг 'ишониб топширди' маъноси асосида (АРС, 546) ҳосил қидинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'жавобгарлик', 'бажаришни ўз зиммасига олиш' маъносини (АРС, 546), ўзбек тилида эса шу маънодан ўсиб чиққан 'амалга ошира олиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 264). Бу сўздан ўзбек тилида **уддала-** феъли ясалган.

УДДАБУРО Бу сўз ўзбек тилида арабча **удда (< уҳда)** сўзига (қ.) 'ўткир' маъносини англатувчи тожикча **бурро** сўзини (ТжРС, 86; ЎТИЛ, II, 152) қўшиб тузилган; нимагадир икки **р** товушидан бирини ташлаб ёзиш қабул қилинган (Талаффузда икки **р** товуши айтилади): **удда + бурро = уддабурро → уддабуро;** 'ишни усталик

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан эпчил бажарадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 264). Бу сўздан ўзбек тилида **уддабуролик** мавҳум оти ясалган.

УДЛИ-ШУДЛИ Бу жуфт сўз ўзбек тилида тузилган бўлиб, иккинчи қисми — 'лаёқат', 'қобилият' маъносини англатувчи тожикча **шуд** сўзидан ҳосил қилинган нисбий сифат (ЎТИЛ, II, 431); биринчи қисми асли **удда** сўзидаи (қ.) ҳосил қилинган нисбий сифат бўлиб, **шудли** қисми таъсирида бу сўзнинг **да** товушлари талаффуз қилинмай қўйган: **уддали-шудли → удли-шудли;** 'ишни эпчиллик билан бажара оладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 264).

УЗВ *қ.* **узвий**

УЗВИЙ Бу арабча сўз **ъuđviyy(un)** шаклига эга (АРС, 521); ўзбек тилига даммали айн товушини **у** товушига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ъuđviyy → узвий.** Бу сўз асли 'тананинг бирор вазифа бажарувчи қисми' маъносини англатувчи **ъuđv(un)** отидан (АРС, 521) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'ажралмас', 'ажралмас боғлиқ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 265).

УЗР Бу арабча сўз **ъużr(un)** шаклига эга (АРС, 505); ўзбек тилига даммали айн товушини **у** товушига, зал ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ъużr → узр;** 'кечирди', 'оқлади' маъносини англатувчи **ъażara**[1] феълининг (АРС, 505) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'кечирим', 'оқлаш', 'кечириш учун асос, сабаб' маъноларини англатади (АРС, 505); ўзбек тилида асосан **узр сўра-** бирикмаси таркибида 'кечирим' маъноси билан, **узрини айт-** бирикмаси таркибида 'кечириш учун асос' маъноси билан қатнашади; ёлғиз ўзи афв этишни илтимос қилиш маъносини ифодаловчи ундов сўз сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 267).

УЗРЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **узр** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган; 'кечиримли', 'кечирса бўладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 267).

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЗР-МАЪЗУР қ. **маъзур**

УЗРСИЗ Бу сўз ўзбек тилида **узр** сўзидан (қ.) **-сиз** қўшимчаси билн ясалган; 'кечириб бўлмайдиган', 'кечириш учун етарли асосга эга бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 267).

УЛАМО Бу арабча сўз **ъulamāьu** шаклига эга (АРС, 534); ўзбек тилига даммали айн товушини **у** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги даммали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ъulamāьu → уламâ (уламо); ъalima** феълининг 'билди', 'билимли бўлди' маъносидан (АТГ, 41) ясалган **ъālim(un)** аслий сифатининг кўплик шакли бўлиб (АРС, 534), асли 'олимлар' маъносини англатади; кўплик шакли эканлиги унутилгани сабабли 'диний илмларни мукаммал биладиган олим' маъносини англатиш учун ишлатилади, кўплик маъносини ифодалаш учун **-лар** қўшимчаси қўшилади: **уламолар** каби. Бу сўздан ўзбек тилида **уламолик** мавҳум оти ясалган.

УЛФАТ Бу арабча сўз **ъulfat(un)** шаклига эга (АРС, 40); ўзбек тилига даммали ҳамзани **у** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъulfat → улфат; ъalifa** феълининг 'дўстлашди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'дўстлик', 'ўртоқлик' маъносини (АРС, 40), ўзбек тилида эса 'дўстлик, ўртоқлик муносабатидаги йигит' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 273). Бу сўздан ўзбек тилида **улфатчилик** мавҳум оти ясалган.

УМАРО Бу сўз арабча **амир** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб, **ъumarāu** шаклига эга (АРС, 44); эски ўзбек тилида бу сўз охиридаги **āu** товушлари **â** унлисига алмаштирилган ҳолда **амир-у умаро** жуфт сўзи тарки-бида ишлатилган (ЎТИЛ, II, 274), ҳозирги ўзбек тилида бу сўзнинг **Умар** шакли эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади.

УММАТ Бу арабча сўз **ъummat(un)** шаклига эга (АРС, 42); ўзбек тилига даммали ҳамзани **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъummat → уммат; ъamma**[2] феълининг 'йўл бошлади' маъноси билан (АРС, 42) ҳо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб ти— лида асли 'кишилар жамоаси' маъносини англатади (АРС, 42; ЎКААҚЛ, 352), кейинчалик 'бир пайғамбарга тобе кишилар', 'бир диний мазҳабга мансуб кишилар' маъносини англатиш учун ишлатила бошлаган (ЎТИЛ, II, 274). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

УМР Бу арабча сўз **ъumr(un)** шаклига эга (АРС, 540); ўзбек тилига даммали айн товушини **у** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ъumr → умр.** Бу сўз кўп— маъноли **ъamara** феълининг (АРС, 539) 'яшади', 'ҳаёт кечирди' маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 568), 'туғилгандан то вафот этгунча ўтган яшаш муддати' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 275). Ўзбек тилида бу сўз билан **умр йўлдоши** турғун бирикмаси тузилган бўлиб (Бу бирикма ўрнига **умрдош** сўзини ишлатиш мақбул эмас), 'эр билан хотин бир-бирига нисбатан' маъносини англатади. ЎТИЛга (II, 275) **умрли, умрлик** сўзлари киритилган; асли ўзбек тилида **умрли** сўзи йўқ, **узоқ умр, қисқа умр** каби бирикмалар мав— жуд бўлиб, шулардан **узоқ умрли, қисқа умрли** каби бирикма шакллари ҳосил қилинади; шунингдек **умрлик** ҳам асли **бир умр** каби бирикмага **-лик** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бирикманинг таркибий қисми ҳисобланади.

УМРБОД Бу сўз тожик тилида арабча **умр** сўзига (қ.) тожикча 'сақлан-' маъносини англатувчи **бод** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 74, 403); ўзбек тилига 'ҳаёти— нинг охиригача', 'мангу' каби маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 275).

УМРБОҚИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **умр** (қ.) ва **боқий (қ.)** сўзларини бирлаштириб тузилган; узоқ вақт бузилмай сақланадиган қовуннинг номи сифатида иш— латилади (ЎТИЛ, II, 275).

УМРГУЗАРОНЛИК Бу сўз ўзбек тилида тожикча **умргузарон** сўзидан **-лик** қўшимчаси билан ясалган; **умргузарон** сўзи эса тожик тилида арабча **умр** сўзига (қ.) 'ўт-', 'ўтказ-' маъносини англатувчи **гузаштан** феъ— лининг **гузар** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 106, 105)

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиб тузилган сўздан **-он** қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган; асли 'ҳаёт кечириш (ўтказиш)' маъносини англатади. Тожик тилида **умргузарон** сўзи мустақил ишлатилмайди, **-и** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган **умргузарони** сўзи учун асос сифатида қатнашади. Ўзбек тилидаги **умргузаронлик** сўзи ана шу тожикча мавҳум отнинг калькаси.

УМУМ Бу арабча сўз **ъumum(un)** шаклига эга (АРС, 538); ўзбек тилига даммали айн товушини **у** унлисига алмаштириб олинган: **ъumum → умум.** Бу сўз асли 'барчага умумий бўлди' маъносини англатувчи **ъamma** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'умумийлик', 'барча' каби маъноларни англатади (АРС, 538); ўзбек тилида бу сўз мустақил ишлатилмайди, одатда **умумбашарий, умумдавлат, умумхалқ** каби сўзларнинг биринчи қисми сифатида қатнашади (ЎТИЛ, II, 275). Ўзбек тилида бу сўздан **умумлаш-** феъли ва бу феълдан **умумлашма** оти, **умумлаштир-** феъли шакли ва бу феъл шаклидан **умумлаштирма** оти ҳосил қилинган.

УМУМАН Бу арабча сўз **умум(ун)** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), 'асос эътибори билан', 'бутунлай' каби маъноларни англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 275).

УМУМБАШАРИЙ Бу сўз ўзбек тилида арабча **умум** сўзи билан (қ.) **башарий** сўзини бирлаштириб тузилган (ЎТИЛ, II, 275); тожик тилида изофа бирикмасидан ўсиб чиққан деб **умумибашарий** тарзида расмийлаштирилган (ТжРС, 403). Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **башарий** сўзи араб тилида **башар** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48) сўз охиридаги **йй** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; **умумбашарийй → умумбашарий;** 'инсонга тегишли', 'инсон яратган' каби маънони (ЎТИЛ, I, 87), шунга кўра **умумбашарий** сўзи 'инсониятга тегишли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 275).

УМУМИЙ Бу арабча сўз **ъumumiyy(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 538), **ъumum(un)** сўзидан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифатга тенг (АТГ, 48); ўз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бек тилига даммали айн товушини **у** товушига алмаш— тириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ъumumiyy → умумий;** ўзбек тилида 'ҳаммага оид', 'ёппасига содир бўладиган', 'барча' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 275).

УМУМИЙАТ Бу арабча сўз асли **umūmiyyat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **umūmiyyat → умумийат (умумият).** Бу сўз араб тилида **умум(ун)** сўзидан **–ий— йат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'бир хиллик' маъносини англатади (ТжРС, 403). Бу сўз нимагадир ЎТИЛда келтирилмаган.

УНВОН Бу арабча сўз **ъunvān(un)** шаклига эга (АРС, 545); ўзбек тилига даммали айн товушини **у** то— вушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъunvān → унвâн (унвон); ъanvana** феъли— нинг 'ном берди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'адрес', 'сарлав— ҳа', 'рамз' маъноларини англатади (АРС, 545); ўзбек ти— лида 'насл-насаб билдирадиган ном', 'лавозим, мутахас— сислик даражасини белгилайдиган ном' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 276).

УНСУР Бу арабча от сўз **ъunŝur(un)** шаклига эга (АРС, 544); ўзбек тилига даммали айн товушини **у** то— вушига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ъunŝur → унсур;** араб тилида 'элемент', 'модда', 'насл-насаб', 'ирқ' маъноларини англатади (АРС, 544); ўзбек тилида бу сўз асосан 'бегона гуруҳнинг ёмон ниятли кишиси' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 227).

УРФ Бу арабча сўз **ъurf(un)**[2] шаклига эга (АРС, 510); ўзбек тилига даммали айн товушини **у** товушига алмаш— тириб қабул қилинган: **ъurf → урф.** Бу сўз асли 'билди', 'таниди' маъносини англатувчи **ъarafa** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'оммавий тан олиш', 'расм-русум' маъноларини англатади; ўзбек тилига иккинчи маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 281).

www.ziyouz.com kutubxonasi

УРФ-ОДАТ Бу жуфт сўз арабча **урф** (қ.) ва **одат** (қ.) сўзларидан ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'анъанага айланган кўникмалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 281).

УСЛУБ Бу арабча сўз **ъuslūb(un)** шаклига эга (АРС, 366); ўзбек тилига даммали ҳамзани **у** товушига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъuslūb → услуб;** асли **salaba** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ишлаш, бошқариш, фойдаланиш йўли, усули' маъносини англатади (АРС, 366; ЎТИЛ, II, 281).

УСУЛ Бу арабча сўз **ъuṣūl(un)** шаклига эга (АРС, 36); ўзбек тилига даммали ҳамзани **у** товушига, сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъuṣūl → усул;** кўпмаъноли **ъaṣula** феълидан 'жорий бўлди', 'сингишиб кетди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари **ъaṣl(un)** сўзининг (АТГ, 142) 'асос', 'риоя қилинадиган қоида' маъноси билан (АРС, 36) ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), асли 'амал қилинадиган тартиб-қоидалар' маъносини англатади (АРС, 36); ўзбек тилида бу сўз асосан 'амалга ошириш йўли, тартиби' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 284).

УФУҚ Бу арабча сўз 'олам бўйлаб кезди' маъносини англатувчи **ъafaqa** феълининг I боб масдари бўлиб, **ъufuq(un)** шаклига эга (АРС, 37); ўзбек тилига даммали ҳамзани **у** товушига алмаштириб қабул қилинган; 'киши кўзига осмон ер сатҳи билан туташгандек бўлиб кўринадиган жой', 'горизонт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 285). АРСда (38) бу масдар ўзаро тенг икки шаклда келтирилган: **ъufq(un) = ъufuq(un).** Тожик тилида шулардан **уфуқ** шакли (ТжРС, 404), ўзбек тилида эса **уфқ** шакли танланган. Талаффуз қулайлиги, бўғин тузилиши жиҳатидан **уфуқ** шаклини танлаш тўғри; шу асосда ушбу луғатга бу сўзни **уфуқ** тарзида киритдик.

УФҚ *қ.* **уфуқ**

УШШОҚ Бу арабча сўз **ъuṣṣāq(un)** шаклига эга (АРС, 517); ўзбек тилига даммали айн товушини **у** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъuṣṣāq → ушшâқ (ушшоқ);** 'севди' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатувчи **ъаşiqa** феълидан (АРС, 517) ясалган **ъāşiq(un)** аслий сифатининг кўплик шакли бўлиб (АРС, 517), асли 'ошиқлар' маъносини билдиради (ЎКААҚЛ, 354); араб тилида бу сўз 'жазман' маъносини англатади (АРС, 517); ўзбек тилида эса 'Шашмақом' куйларининг иккинчи гуруҳидаги бир куйнинг ва шу куй билан айтиладиган ашуланинг номи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 289).

УҚУБАТ Бу арабча сўз **ъuqūbat(un)** шаклига эга (АРС, 526); ўзбек тилига даммали айн товушини **у** товушига, чўзиқ **ū** унлисини ҳам **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ъuqūbat → уқубат;** кўпмаъноли **ъaqaba** феълининг 'жазо берди' маъноси билан (АРС, 526) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'азоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 291). Бу сўздан ўзбек тилида **уқубатли** сифати ясалган.

УҲДА қ. **удда**

Ф

ФАВВОРА Бу арабча сўз **favvārat(un)** шаклига эга (АРС, 612); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **favvārat → фаввâра (фаввора);** 'қайнади', 'жўш урди' маъносини англатувчи **fāra** феълининг 'жўш урди' маъносини билдирувчи **favvara** II боб шаклидан ҳосил қилинган **favvār(un)** отининг (УАЯ, 240) 'доимий', 'такрор' маъносини ифодаловчи **-at(un)** қўшимчасини олган шакли бўлиб (УАЯ, 238), 'фонтан', 'юқорига отилиб турувчи сув' маъносини англатади (АРС, 612; ЎТИЛ, II, 292).

ФАВҚУЛОДДА Бу сўз асли **favqa al ъadat(un)** бирикмасининг (АРС, 613) бир сўзга бирлашуви билан юзага келган; **favqa** сўзи 'ортиқ', 'ташқари' маъносини англатади (АРС, 613), **al** қисми — аниқлик артикли, **ъādat** — **одат** (қ.); шунга кўра бу сўз асли 'одатдан ташқари' маъносини англатади (АРС, 613). Бу арабча бирикмани бир сўзга бирлаштиришда: 1) араб тили та-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаффузи қоидасига биноан **favqa** сўзи охиридаги унли билан **al** артикли бошланишидаги унли сингишиб, **у** унлисига алмашган: **favqa al ъādat → favqulъādat;** 2) ўзбек тилида чўзиқ фатҳали айн товуши **â** товушига алмашган: **favqulâdat;** 3) сўз охиридаги **t** товуши талланган: **favqulâda;** 4) **d** ундоши қатланган: **favqulâdda** (Охирги товуш ўзгариши **favqulhādda** – 'чек-чегарадан ортиқ' бирикмаси таъсирида юз берган бўлса керак – АРС, 613). Бундай товуш ўзгаришлари тожик тилига ўзлаштиришда ҳам воқе бўлган (ТжРС, 405). Бу сўз асли 'одатдагидан ўзгача' (чрезвычайный) маъносини англатади. Бу сўзга ЎТИЛда (II, 292) берилган изоҳлар аниқ эмас.

ФАЗИЛАТ Бу арабча сўз **faḍīlat(un)** шаклига эга (АРС, 601); ўзбек тилига дзад товушиди **з** товушига, чўзиқ **ī** унлисини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **faḍīlat → фазилат.** Бу сўз асли **faḍala** феълининг 'устун бўлди' маъноси билан ясалган **faḍīl(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'юксак ижобий хусусият' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 292). Ўзбек тилида бу сўз аёл кишининг атоқли оти бўлиб ҳам келади.

ФАЗО Бу арабча сўз **faḍāь(un)** шаклига эга (АРС, 601); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **faḍāь → фазâ (фазо); faḍā** феълининг 'ҳамма томонга чексиз очиқ бўлди' маъноси билан (АРС, 601) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), 'осмондаги ҳамма томонга чексиз очиқ бўшлиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 292).

ФАЗОГИР Бу сўз ўзбек тилида арабча **фазо** сўзига (қ.) 'эгалла-', 'забт қил-' маъносини англатувчи тожикча **гирифтан** феълининг **гир** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 103, 102) қўшиб тузилган; 'фазони забт этувчи' (космонавт) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 292).

ФАЙЗ Бу арабча сўз **fayḍ(un)** шаклига эга (АРС, 616); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **fayḍ → файз;** 'сув қирғоғидан тошди' маъносини англатувчи **fāḍa** феълидан (АРС, 615)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'тўлиб-тошиш', 'мўл-кўлчилик', 'ҳотамтойлик' маъноларини англатади (АРС, 616); ўзбек тилида асосан 'кўрк-жозиба' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 299). Бу сўздан ўзбек тилида **файзли, файзсиз** сифатлари ҳосил қилинган.

ФАЛАЖ Бу арабча сўз **fāliç(un)** шаклига эга (АРС, 607; ПРС, 363); ўзбек тилига (тожик тилига ҳам) чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига, **і** унлисини ҳам **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **fāliç → фалаж; falaça** феълининг 'иккига бўлди' маъноси билан (АРС, 607) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), асли 'яримта' маъносини англатган, кейинчалик 'тананинг ҳаракатсиз бўлиб қолган ярми' маъносини (АРС, 363), охири 'тананинг ҳаракатсиз бўлиб қолиш касаллиги' маъносини англатишга хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, II, 293)ФАЛАК Бу арабча сўз **falak(un)** шаклига эга (АРС, 609); 'қубба, гумбаз шаклига эга бўлди' маъносини англатувчи **falaka** феълининг (АРС, 609) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'қубба, гумбаз шаклида кўринувчи осмон' маъносини, кўчма маънода 'тақдир', 'қисмат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 293).

ФАЛОН Бу арабча сўз асли **fulān(un)** шаклига эга (АРС, 609); ўзбек тилига **u** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **fulān → фалâн (фалон);** 'номаълум бир ... ' (какой-то) маъносини билдиради: *фалон кишини* каби (ЎТИЛ, II, 293). Бу сўздан ўзбек тилида **фалончи, фалонча** сўзлари ясалган.

ФАЛОНЧА, ФАЛОНЧИ қ. **фалон**

ФАН Бу арабча сўз **fann(un)**[2] шаклига эга (АРС, 610); ўзбек тилига сўз охиридаги **nn** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **fann → фан;** кўпмаъноли **fannana** феълининг 'таснифлади' маъноси асосида (АРС, 610) ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида 'санъат', 'маҳорат', 'касб', 'илм', 'техника', 'соҳа' маъноларини англатади (АРС, 610); ўзбек тилида 'билим тармоғи' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 294).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФАНО *қ.* **дорулфано**

ФАОЛ Бу арабча сўз **faъъāl(un)** шаклига эга (АРС, 603); ўзбек тилига айнни ташлаб, фатҳали айн товуши — ни чўзиқ **â** товушига алмаштириб қабул қилинган: **faъъāl → faâl (фаол);** 'бирор иш-амални бажарди' маъносини англатувчи **faъala** феълидан ясалган бу сўз (УАЯ, 499) араб тилида 'ҳақиқий', 'эффектли' маънола — рини англатади (АРС, 603); ўзбек тилида 'астойдил иш — лайдиган' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 294).

ФАОЛИЙАТ Бу арабча сўз **faъъāl(un)** сўзидан (қ. **фаол**) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида айнни ташлаб, чўзиқ фатҳали айн товушини **â** товушига алмаштириб, тарки — бидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **faъъāl + iyyat = faъъāliyyat → faâлийат (фаолият);** 'иш-амал билан шуғулланиш', 'иш-ҳаракат жараёни' каби маъноларни англатади (АРС, 609; ЎТИЛ, II, 294). Бу сўздан ўзбек тилида **фаолийатсиз** сифати ва бу сифатдан **фаолийатсизлик** мавҳум оти ясалган.

ФАОЛИЙАТСИЗЛИК *қ.* **фаолийат**

ФАРАЗ Бу арабча сўз асли **farđ(un)** шаклига эга (АРС, 590); кўпмаъноли **farađa** феълининг 'тахмин қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 590), ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундо — шига алмаштириб, **rđ** товушлари оралиғига **а** унлисини қўшиб қабул қилинган [Шу усул билан бу сўз диний мундарижали **фарз** сўзидан (қ.) фарқланган бўлса ке — рак]: **farđ → фараз** (Тожик тилига а унлисини қўшмай **фарз** шаклида олинган — ТжРС, 406); 'тахминий мало — ҳаза' маъносини англатади (АРС, 590; ЎТИЛ, II, 294).

ФАРД Бу арабча сўз **fard(un)**[1] шаклига эга (АРС, 588); кўпмаъноли **farada**[1] феълининг 'якка-ёлғиз бўлди' маъноси билан (АРС, 587) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'ёлғиз', 'танҳо' маъносини англатади (АРС, 588); ўзбек тилида бу сўз 'бир байтдан иборат шеър' маъносини англатувчи адабиётшунослик термини сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 295).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФАРЗ Бу арабча сўз **farḍ(un)** шаклига эга (АРС, 590); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **farḍ → фарз**; кўпмаъноли **farada** феълининг 'бажаришни бўйнига қўйди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 590), 'мажбурият', 'бажарилиши лозим бўлган бурч' маъносини англатади (АРС, 590). Бу сўз 'мусулмонлар бажариши мажбурий деб белгиланган бурч' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 295).

ФАРИД Ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу сўз **farīd(un)** шаклига эга (АРС, 588); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **farīd → фарид;** кўпмаъноли **farada**[1] феълининг 'якка-ёлғиз бўлди' маъноси билан (АРС, 567) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'танҳо', 'тенги йўқ', 'бебаҳо' маъноларини англатади. Ўзбек тилида **фарид** сўзининг муаннас шакли **фарида** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ФАРИДА *қ.* **фарид**

ФАРОСАТ Бу арабча сўз асли **firāsat(un)** шаклига эга (АРС, 589); ўзбек тилига **i** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **firāsat → фарâсат (фаросат);** 'кузатди' маъносини англатувчи **farasa**[2] феълидан (АРС, 589) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'кузатувчанлик', 'тез ва тўғри фаҳмлай олиш' маъносини англатади (АРС, 589; ЎТИЛ, II, 296). Бу сўздан ўзбек тилида **фаросатли, фаросатсиз** нисбий сифатлари ҳосил қилинган.

ФАРОҒАТ Бу арабча сўз асли **farāġat(un)** шаклига эга; ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **farāġat → фарâғат (фароғат);** кўпмаъноли **faraġa** феълининг 'банд бўлмади' маъноси асосида (АРС, 592) ҳосил қилинган I боб масдари **farāġ(un)** сўзидан (АТГ, 142) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида олти маънони, шу жумладан 'меҳнат билан шуғулланмай дам олаётган пайт' маъносини англатади (АРС, 592); ўзбек тилида шу маъно асосида юзага келган 'роҳатланиб ором олаётган

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 296). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Бу сўздан **фароғатли** нисбий сифати ҳосил қилинган.

ФАРРОШ Бу арабча сўз **farrāš(un)** шаклига эга (АРС, 589); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **farrāš → фаррâш (фаррош);** кўпмаъноли **farāša** феълининг 'тозалади' маъносини англатувчи **farraša II** боб шаклидан ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 499), араб тилида 'хизматкор', 'супуриб-сидирувчи', 'маҳкама қоровули' маъноларини (АРС, 589), ўзбек тилида эса 'бирор идора, муассасада супуриб-сидириш ишларини бажарувчи ходим' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 296).

ФАРҚ I Бу арабча сўз **farq(un)** шаклига эга (АРС, 593); **faraqa** феълининг 'тафовути борлигини сезди' маъноси билан (АРС, 593) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида беш маънони англатади; ўзбек тилига 'тафовут қилиш' маъноси билан (АРС, 593) қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 296). Ўзбек тилида бу сўздан **фарқла-** феъли, **фарқли, фарқсиз** нисбий сифатлари ясалган.

ФАРҚ II Бу арабча сўз **farq(un)** шаклига эга (АРС, 593); **faraqa** феълининг 'айирди' маъноси билан (АРС, 593) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида беш маънони англатади; ўзбек тилига 'айириш' маъноси билан қабул қилиниб (АРС, 593), 'сочни икки ёққа тараганда ҳосил бўладиган йўл' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 296).

ФАСЛ Бу арабча сўз **faṣl(un)**[2] шаклига эга (АРС, 599); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **faṣl → фасл;** 'қисмларга ажратди' маъносини англатувчи **faṣala**[1] феълининг (АРС, 598) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида беш маънони англатади; ўзбек тилида 'йилнинг бир-биридан фарқли тўрт қисмидан ҳар бири' маъноси балан қабул қилинган: *баҳор фасли* каби (ЎТИЛ, II, 297).

ФАСОД Бу арабча сўз **fasād(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

596); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **fasād → фасâд (фасод);** кўпмаъноли **fasada** феълининг 'яроқсиз, чирик ҳолга келди' маъноси билан (АРС, 596) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида беш маънони, шу жумладан 'чириб бузилиш' маъносини англатади (АРС, 596); ўзбек тилида 'йиринг' маъносини англатиш учун, кўчма маънода эса 'иғво' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 297). Ўзбек тилида бу сўз қатнашуви билан **фисқ-фасод** жуфт сўзи (қ.) тузилган.

ФАСОҲАТ Бу арабча сўз **faṣāḥat(un)** шаклига эга (АРС, 598); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **faṣāḥat → фасâҳат (фасоҳат);** 'равон ва чиройли гапирди' маъносини англатувчи **faṣuḥa** феълидан (АРС, 598) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'равон ва чиройли гапириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 297).

ФАТВО Бу арабча сўз **fatvā** шаклига эга (АРС, 582); ўзбек тилига сўз охиридаги чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **fatvā → фатвâ (фатво); fatia** феълининг 'қарор қилди' маъноси билан (АРС, 582) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), араб тилида 'муфтий чиқарган қарор' маъносини (АРС, 582), ўзбек тилида 'шариат қонунлари асосида чиқарилган қарор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 297).

ФАТИЛА Бу арабча сўз **fatīlat(un)** шаклига эга (АРС, 581); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **fatīlat → фатила;** кўпмаъноли **fatala** феълининг 'буради' маъноси билан (АРС, 581) ясалган **fatīl(un)** аслий сифатининг (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб, араб тилида 'пилик' маъносини (АРС, 581), ўзбек тилида эса 'бурама', 'жингалак' (соч) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 297).

ФАТИР *қ.* **патир**

ФАТТОН Тарихан шеъриятда кўп қўлланган бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

арабча сўз **fattān(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 582), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **fattān → фаттâн (фаттон);** кўпмаъноли **fatana** феълининг 'ўзига ром қилди' маъноси билан ясалган сўз бўлиб (УАЯ, 240), араб тилида 'ўзига мафтун қилувчи' сифат ва от маъноларини (АРС, 582), ўзбек тилида эса фақат сифат маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 297).

ФАТТОҲ *қ.* **фатҳ**

ФАТҲ: **фатҳ эт-** қўшма феъли таркибида қатнашувчи бу арабча сўз **fatḥ(un)** шаклига эга (АРС, 580); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **fatḥ → фатҳ;** кўпмаъноли **fataḥa** феълининг 'забт этди', 'қўлга киритди' маъноси билан (АРС, 579) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'забт этиш', 'қўлга киритиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 297). Ўзбек тилида **fataḥa** феълидан ясалган **fattāḥ(un)** шахс оти ҳам мавжуд; бу сўз ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига , ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **fattāḥ → фаттâҳ (фаттоҳ);** 'фатҳ этувчи' маъносини англатиб (ЎКААҚЛ, 359), ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ФАХР Бу арабча сўз **faxr(un)** шаклига эга (АРС, 585); 'ғурурланди', 'мақтанди' маъносини англатувчи **faxara** феълининг (АРС, 585) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ғурурланиш', 'ифтихор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 297). Бу сўздан ўзбек тилида **фахрлан-** феъли ясалган.

ФАХРИ *қ.* **фахрий**

ФАХРИЙ Бу арабча сўз **faxrīyy(un)** шаклига эга (АРС, 585); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушлари-дан бирини ташлаб қабул қилинган: **faxrīyy → фахрий;** асли **faxara** феълининг I боб масдари **faxr(un)** сўзидан (қ.) **-īyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'иззат-ҳурматга сазовор', 'иззат-ҳурмат белгиси сифатидаги' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 297), **фахрий унвон, фахрий қоровул** каби бирик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

малар таркибида қатнашади. Бу сўз **фахри** шаклида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ФАХРЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **фахр** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган, 'шон-шараф бахш этадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 298).

ФАҚАТ Бу арабча сўз **faqat(un)** шаклига эга (АРС, 605, 645); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **faqat → фақат;** асли 'кейин' маъносини ифодаловчи **fa** кўмакчиси билан (АРС, 577) 'етарли' маъносини англатувчи **qat** равишидан (АРС, 645) ташкил топган бўлиб, 'биргина', 'ёлғиз' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 298).

ФАҚИР Бу арабча сўз **faqīr(un)** шаклига эга (АРС, 605); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **faqīr → фақир; faqara** феълидан 'қашшоқ ҳолатга келтирди' маъноси билан (АРС, 604) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'қашшоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 298). Бу сўздан ўзбек тилида **фақирлик** мавҳум оти, **фақирлаш-** феъли ясалган.

ФАҚИРОНА Бу сўз тожик тилида арабча **фақир** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 409), 'фақирларга хос йўсинда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 298).

ФАҲМ Бу арабча сўз **fahm(un)** шаклига эга (АРС, 611); **fahima** феълидан 'тушунди' маъноси билан (АРС, 611) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'кишининг тушуниш, англаш, идрок қилиш қобилияти' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 298). Бу сўз билан ўзбек тилида **фаҳм-фаросат** жуфт сўзи тузилган бўлиб, 'ақл-идрок' маъносини англатади; **фаҳм** сўзидан **фаҳмсиз, бефаҳам** сифатлари, **фаҳмла-** феъли ясалган.

ФАҲМ-ФАРОСАТ *қ.* **фаҳм**

ФАҲШ Бу арабча сўз асли **fuḥş(un)** шаклига эга (АРС, 584); ўзбек тилига (шунингдек тожик тилига ҳам) **u** унлисини **а** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **fuḥş → фаҳш; faḥuşa** феълининг 'бузуқ бўлди' маъносидан (АРС, 583) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'зинога ҳаддан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташқари берилиб кетиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 298).

ФЕЪЛ Бу арабча сўз **fiъl(un)** шаклига эга (АРС, 603); ўзбек тилига **i** унлисини **э(e)** унлисига алмаштириб, айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **fiъl → феъл;** 'бирор иш-амални бажарди' маъносини англатувчи **faъala** феълидан (АРС, 603) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'иш', 'амал', 'ножўя хатти-ҳаракат' маъноларини англатади (АРС, 603); ўзбек тилида 'кишининг хулқ-атвори', 'кишилар билан мулоқатда намоён бўладиган руҳий хусусият' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 299). Бу сўз араб ва ўзбек тили грамматикасида иш-ҳаракат маъносини англатувчи туркумнинг номи сифатида ҳам ишлатилади.

ФЕЪЛ-АТВОР Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **феъл** (қ.) ва **атвор** сўзларидан тузилган. **Атвор** сўзи 'аста-секин ўзгарди' маъносини англатувчи **tavvara** феълидан (АРС, 483) ҳосил қилинган I боб масдари **tavr(un)** сўзининг (АРС, 483) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), араб тилида беш маънони англатади (АРС, 483); ўзбек тилида шу жуфт сўз таркибидагина 'руҳий ҳолат', 'хулқ' маънолари билан қатнашади.

ФЕЪЛ-ХЎЙ Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **феъл** (қ.) ва 'хулқ-атвор' маъносини англатувчи тожикча **хў** сўзидан (ТжРС, 33) тузилган бўлиб, ўзбек тилида **хў** сўзи охирига **й** товуши қўшилган; бу жуфт сўз 'ўзини тута билмаслик даражасидаги салбий хулқ' маъносини англатади. Бу сўзнинг маъносини **феъл-атвор** сўзининг маъноси билан айнан дейиш тўғри эмас (ЎТИЛ, II, 299).

ФИДО Бу арабча сўз **fidāь(un)** шаклига эга (АРС, 586); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **fidāь → фидâ (фидо); fadā** феълининг 'ўзини қурбон қилди' маъноси билан (АРС, 586) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 248), 'ўзини қурбон қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 299).

ФИДОЙИ Бу арабча сўз **fidāьiyy(un)** шаклига эга (АРС, 586); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига,

www.ziyouz.com kutubxonasi

касрали ҳамзани **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб, **іу** товушларини ўрин алмаштириб қабул қилинган: **fidâьіуу → фидâий → фидâйи** (Тожик тилида бу сўз **фидои** шаклида ишлатилади: ТжРС, 410); **fidāь (фидо)** сўзидан (қ.) **-іуу(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'ўзини фидо қилишга ҳам тайёр' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 299).

ФИДОКОР Бу сўз тожик тилида арабча **фидо** сўзига (қ.) **-кор** қўшимчасини қўшиб ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 410), 'фидойи', 'чексиз садоқатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 299). Бу сўздан ўзбек тилида **фидокорлик** мавҳум оти ясалган.

ФИДОКОРОНА Бу сўз тожик тилида **фидокор** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 410), 'фидокорларча', 'чексиз садоқат билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 299).

ФИКР Бу арабча сўз **fikr(un)** шаклига эга бўлиб, 'фикрлади' маъносини англатувчи **fakara** феълининг I боб масдарига тенг (АРС, 606; АТГ, 142); араб тилида 'фикрлаш жараёнининг маҳсули' маъносини, ўзбек тилида эса, бундан ташқари, 'таклиф', маслаҳат', 'ният' каби маъноларни ҳам англатади (ЎТИЛ, II, 300). Ўзбек тилида бу сўздан **фикрла-, фикрлаш-** феъллари ясалган; **фикр(и)-зикр(и)** жуфт сўзи ҳам тузилган бўлиб, 'ўй-хаёли доимий равишда' маъносини англатади (Ўша бетда). Бу жуфт сўз таркибидаги **зикр** сўзига изоҳ ўз ўрнида берилди.

ФИКРАН Бу сўз асли арабча **фикр** сўзининг тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'фикрлаган ҳолда', 'хаёлан' каби маънони англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 300).

ФИКРДОШ Бу сўз ўзбек тилида арабча **фикр** сўзидан (қ.) 'бирга' маъносини ифодаловчи **-дош** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'бир хил фикрли', 'ҳамфикр' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 300)ФИКР(И)-ЗИКР(И) қ. **фикр**

ФИРДАВС Бу арабча от сўз **firdavs(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб (АРС, 588), 'жаннат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 301).

ФИРДАВСИЙ Бу арабча сўз **фирдавс** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'жаннати' маъносини англатади.

ФИРОҚ Бу арабча сўз **firāq(un)** шаклига эга (АРС, 593); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **firāq → фирâқ (фироқ);** кўпмаъноли **faraqa** феълининг 'бир-биридан айирди' маъноси билан (АРС, 593) ҳосил қилинган II боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'айрилиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 301).

ФИРҚА Ҳозир деярли ишлатилмайдиган бу арабча сўз **firqat(un)** шаклига эга (АРС, 593); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **firqat → фирқа;** бу кўпмаъноли сўз **faraqa** феълининг 'фарқлади' маъноси асосида (АРС, 593) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилидан 'партия' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 302).

ФИСҚ-ФАСОД Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **фисқ** ва **фасод (қ.)** сўзларидан тузилган; **фисқ** сўзи **fisq(un)** шаклига эга (АРС, 597); кўпмаъноли **fasaqa** феълининг 'йўлдан адашди', 'гуноҳ, зино йўлига кирди' маъноси билан (АРС, 597) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'бузғунчилик', 'гуноҳ', 'зино' маъноларини англатади (АРС, 597); ўзбек тилида **фисқ-фасод** жуфт сўзи 'орқаворотдан айтилган уйдирма гап, бўҳтон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 302); бу жуфт сўздан **фисқ-фасодчи** оти ясалган.

ФИТНА Бу арабча сўз **fitnat(un)** шаклига эга (АРС, 582); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **fitnat → фитна;** кўпмаъноли **fatana** феълининг 'иғво гаплар тарқатди' маъноси билан (АРС, 581) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'иғво уюштириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 302).

ФИТР Бу арабча сўз **fitr(un)** шаклига эга (АРС, 601); асли **fatara**[1] феълининг 'рўза тутишни тўхтатди' маъноси билан (АРС, 601) ҳосил қилинган I боб масдари

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'рўзанинг тугаши' маъносини англатади (АРС, 601); ўзбек тилида бу сўз мустақил ишлатилмайди, **фитри рўза** тожикча изофа бирикмаси таркибида қатнашади. Бу бирикма асли 'рўзанинг тугаши' маъносини англатади, лекин ўзбек тилида 'рўза охирида камбағалларга бериладиган эҳсон-садақа', 'рўза тутмагани эвазига гуноҳни ювиш учун муллага бериладиган эҳсон' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 302).

ФИТРАТ Бу арабча сўз **fitrat(un)** шаклига эга; ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **fitrat → фитрат; fatara**[1] феълининг 'туғма хусусиятга эга бўлди' маъноси билан (АРС, 601) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилида 'кишининг табиати', 'азалият' маъносини англатади (АРС, 602). Бу сўзни таниқли маърифатпарвар Абдурауф ўзига тахал-лус қилиб олган.

ФИТРИ РЎЗА қ. **фитр**

ФОЖИА Бу арабча сўз **fāçiъat(un)** шаклига эга (АРС, 583); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айнни **а** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **fāçiъat → фâжиа (фожиа);** 'оғир мусибатни бошидан кечирди' маъносини англатувчи **fāçaъa** феълидан (АРС, 583) ясалган **fāçiъ(un)** сифатидан (АРС, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'содир бўлган оғир мусибат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 303). Бу сўздан ўзбек тилида **фожиали** нисбий сифати ясалган.

ФОЗИЛ Бу арабча сўз **fāđil(un)**[1] шаклига эга (АРС, 600); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, дзад товушини **з** товушига алмаштириб қабул қилинган: **fāđil → фâзил (фозил).** Бу сўз асли **fađala** феълининг 'устун бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган аслий сифат бў-либ (АТГ, 43), 'ҳар жиҳатдан устунликка эга', 'эътиборга лойиқ' маъноларини англатади (АРС, 600). ЎТИЛда бу сўзнинг маъноси 'фан асосларини яхши эгаллаган ки-ши', 'олим' деб изоҳланиб, бу сўзнинг маъноси **олим** сўзининг маъносига тенглаштириб қўйилган. **Фозил**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзи ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти бўлиб, шу сўзнинг муаннас шакли **фозила** сўзи эса аёл киши-нинг атоқли оти бўлиб келади. **Фозила** сўзи **фозил** сў-зига муаннас шакли ясовчи **-ат(ун)** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (АТГ, 29), ўзбек тилига бу қўшимчанинг **а** қисмини сақлаб, **т** қисмини ташлаб қабул қилинган. Ўзбек тилида яна **фозил-у фузало** тарзида тузилган такрор сўз мавжуд бўлиб, юқори услубдаги нутқда баъзан ишлатилади. Бу такрор сўзнинг **фузало** қисми **фозил** сўзининг кўплиги бўлиб, 'фозиллар', 'фозил ки-шилар' маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, II, 308).

ФОЗИЛА қ. **фозил**

ФОИЗ Бу арабча сўз **fāьid(un)** шаклига эга (АРС, 616); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касра-ли ҳамзани **и** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига ал-маштириб қабул қилинган: **fāьid → фâиз (фоиз); fāda** феълининг 'ўлдирди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'меъёрдан ортиқча бўлган' маъносини англатади, ке-йинчалик бу сўз 'процент' маъносини англатиш учун ишлатилган (АРС, 616; ЎТИЛ, II, 303).

ФОЙДА Бу арабча сўз **fāьidat(un)** шаклига эга (АРС, 615); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касра-ли ҳамзани **й** товушига алмаштириб (Тожик тилида ас-лига яқин **и** товушига алмаштирилган: **фоида** – ТжРС, 412), сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **fāьidat → фâйда (фойда);** 'фойдали бўлди' маъносини англатувчи **fāda** феълидан ясалган асли сифат **fāьid(un)** сўзидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'бирор киши ёки нарсадан тегадиган наф', 'харажатни чиқариб ташлагандан кейин қоладиган даромад', 'қарз олувчи қарз берувчига тўлайдиган қўшимча ҳақ' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 303). Бу сўздан ўзбек тилида **фойдали, фойдасиз** сифатлари, **фойдалан-** феъли ясалган.

ФОНИЙ Бу арабча сўз **fāniy(un)** шаклига эга (АРС, 610); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлсини **â** унлисига алмаш-тириб қабул қилинган: **fāniy → фâний (фоний).** Бу сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

'йўқ бўлди' маъносини англатувчи **faniyā** феълидан ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'ўткинчи', 'доимий бўлмаган' маъносини англатади, **дунё** сўзига сифатловчи бўлиб келади (ЎТИЛ, II, 304).

ФОРИҒ: Бу арабча сўз **fāriġ(un)** шаклига эга (АРС, 592); ўзбек тилига **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **fāriġ → fâриғ (фориғ);** кўпмаъноли **faraġa** феълининг 'банд бўлмади' маъноси билан (АРС, 592) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), асли 'банд қилинмаган' маъносини англатади (АРС, 592); ўзбек тилида 'холи' маъносини англатиб **фориғ тут-** бирикмаси таркибида қатнашади (ЎТИЛ, II, 305).

ФОТИҲА Бу арабча сўз асли **al fātiḥat(un)** шаклида 'Қуръоннинг биринчи сураси' маъносини англатиш учун ишлатилади (АРС, 580); **fātiḥat(un)** сўзи кўпмаъноли **fataḥa** феълининг 'бошлади' маъноси асосида (АРС, 579) ҳосил қилиниб, 'бошлайдиган' маъносини англатувчи I боб аниқ нисбат сифатидоши **fātiḥ(un)** сўзидан (АРС, 580) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **fātiḥat → фâтиҳа (фотиҳа).**

ФОҲИША Бу арабча сўз **fāḥiṣat(un)**[1] шаклига эга (АРС, 584); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **fāḥiṣat → фâҳиша (фоҳиша); faḥuṣa** феълининг 'бузуқ бўлди' маъноси билан (АРС, 583) ясалиб, 'бузуқ' маъносини англатувчи **fāḥiṣ(un)** сифатининг (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), 'фаҳш билан шуғулланувчи аёл' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 307).

ФОҲИШАБОЗ Бу сўз тожик тилида арабча **фоҳиша** сўзига (қ.) 'ўйна-', 'шуғулла-' маъносини англатувчи **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини қўшиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тузилган бўлиб (ТжРС, 82, 414), 'фоҳишалар билан жинсий алоқа қилишга берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 307). Бу сўздан ўзбек тилида **фоҳишабозлик** мавҳум оти ясалган.

ФУЗАЛО Бу арабча сўз **фозил** сўзининг (қ.) кўплиги бўлиб, **fuḍalāẖu** шаклига эга (АРС, 600; АТГ, 41); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги даммали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **fuḍalāẖu → фузалâ (фузало);** 'фозил кишилар' маъносини билдиради (ЎТИЛ, II, 308).

ФУНУН қ. **дорулфунун**

ФУРСАТ Бу арабча сўз **furŝat(un)** шаклига эга (АРС, 590); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **furŝat → фурсат; faraŝa** феълининг 'қулай пайтдан фойдаланди' маъноси билан (АРС, 590) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'қулай пайт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 308).

ФУРҚАТ Бу арабча сўз **furqat(un)** шаклига эга (АРС, 593); кўпмаъноли **faraqa** феълининг 'бир-биридан айирди' маъноси билан (АРС, 593) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'бир-биридан айириш' маъносини (АРС, 593), ўзбек тилида эса 'айрилиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 308).

ФУТУР Бу арабча сўз **futūr(un)** шаклига эга (АРС, 580); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **futūr → футур;** кўпмаъноли **fatara** феълининг 'заифлашди', 'озайди' маъноси асосида (АРС, 580) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'заифлик', 'бўшашганлик' маъносини англатади (АРС, 580); ўзбек тилида бу сўз 'шикаст', 'зарар' маъноларини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 308). Сўзлашув тилида бу сўз **путур** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ФУҚАРО Бу арабча сўз асли **fuqarāẖu** шаклига эга (АРС, 605); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги даммали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **fuqarāẖu → фуқарâ (фуқаро);** асли

www.ziyouz.com kutubxonasi

фақир сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 41), араб тилида 'қашшоқлар' маъносини билдиради (АРС, 605); ўзбек тилида бу сўз 'бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 309).

ФЎЛОД *қ.* **пўлат**

Х

ХАБАР Бу арабча сўз 'тажрибага эга бўлди', 'амалий жиҳатдан билди' маъносини англатувчи **xabara** феълининг (АРС, 209) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ким ёки нима ҳақидаги маълумот', 'дарак' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 309). Ўзбек тилида бу сўздан **хабарла-, хабарлаш-** феъллари ясалган.

ХАБАРДОР Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб, арабча **хабар** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи **доштан** феълининг ҳозирги замон асоси **дор** қисмини қўшиб тузилган (ТжРС, 137, 136, 416); 'хабар топган', 'хабар етказилган', 'воқиф' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 309). Ўзбек тилида бу сўз билан **хабардор бўл-, хабардор қил-** қўшма феъллари тузилган.

ХАБАРНОМА Бу сўз ўзбек тилида арабча **хабар** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини (ТжРС, 271) қўшиб тузилган бўлиб, 'нимадандир хабар берувчи ҳужжат', 'чақирув қоғози' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 64).

ХАБАРСИЗ Бу сўз ўзбек тилида арабча **хабар** сўзидан (қ.) инкор маъносини ифодаловчи **-сиз** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'хабари йўқ', 'хабардор бўлмаган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 309). Ўзбек тилига тожик тилидан **бехабар** сўзи ўзлашган бўлиб, **хабарсиз** сўзига синоним. ЎТИЛда бу синонимлар маъносига изоҳ **хабарсиз** сўзида эмас, **бехабар** сўзида берилгани ўринли бўлмаган (ЎТИЛ, I, 107).

ХАБАРЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **хабар** сўзи—

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида 'никоҳ тўйида келин томонни куёв кела-ётганидан огоҳ қилиш учун бироз олдин юбориладиган вакил' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 309).

ХАВОТИР Бу арабча сўз **xavātiru** шаклига эга (АРС, 226); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **xavātiru → хавâтир (хавотир);** асли **xatara**[2] феълининг 'миясига бир фикр келди' маъноси билан ҳосил қилинган **xātir(un)** I боб аниқ нисбат сифатдошининг (АТГ, 147) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 41), араб тилида отлашиб 'ўй-хаёл', 'жон', 'хоҳиш' каби маъноларни англатади (АРС, 226); ўзбек тилида **хавотир** сўзи **ҳотир** сўзининг кўплиги экани уқилмайди, 'ташвишли ўй-хаёл' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 309). Бу сўздан ўзбек тилида **хавотирлан-** феъли ясалган.

ХАВФ Бу арабча сўз **xavf(un)** шаклига эга (АРС, 241); 'қўрқди' маъносини англатувчи **xāfa** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'нимани-нингдир содир бўлишидан қўрқиш' маъносини англатади (АРС, 241; ЎТИЛ, II, 310). Бу сўз билан ўзбек тилида **хавфли, хавфсиз** сифатлари, **хавфлан-, хавфсира-** феъллари ясалган, **хавф-хатар** жуфт сўзи тузилган.

ХАЗИНА Бу арабча сўз **xazīnat(un)** шаклига эга (АРС, 219); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **xazīnat → хазина;** 'тўпларди', 'сақлади' маъносини англатувчи **xazana** феълининг (АРС, 219) I боб масдари **xazīn(un)** сўзидан (АТГ, 143) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган ўрин оти бўлиб (УАЯ, 500), 'давлат бойлиги сақланадиган жой, бино', 'бойлик' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 311).

ХАЙОЛ Бу арабча сўз **xayāl(un)** шаклига эга (АРС, 243); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xayāl → хайâл (хаёл);** 'ўйлади', 'кўз олдига келтирди' маъносини англатувчи **xāla** феълидан (АРС, 243) ҳосил қилинган I боб масдари бў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ (АТГ, 142), араб тилида тўрт маънони, шу жумладан 'кўз олдига келтириш', 'фантазия' маъноларини англатади (АРС, 243); ўзбек тилида 'бирор ишни амалга ошириш тўғрисида ўйлаш, фикр юритиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 310).

ХАЙОЛАН Бу сўз арабча **хайол** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'ўйлаган ҳолда' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 310).

ХАЙОЛИЙ Бу арабча сўз **хаяāliyy(un)** шаклига эга (АРС, 243); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **хаяāliyy → хайâлий (хаёлий); хаяāl(un)** сўзидан (қ.) **-іуу(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'хаёлан тасаввур қилинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 310).

ХАЙОЛПАРАСТ Бу сўз тожик тилида арабча **хайол** сўзига (қ.) 'сажда қил-' маъносини англатувчи **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 298, 417), 'хаёл суришни яхши кўрувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 311).

ХАЙР I Бу арабча сўз **хаур(un)** шаклига эга (АРС, 242); **хāра** феълининг 'ихтиёр қилди' маъноси билан (АРС, 241) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилидан 'ўз ихтиёри билан бериладиган мол-дий ёрдам', 'эҳсон' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 312). Бу сўз билан ўзбек тилида **хайрли** сифати ясалган, **хайр-садақа, хайр-эҳсон** жуфт сўзлари тузилган.

ХАЙР II Бу сўз ўзбек тилида **хайр I** сўзининг (қ.) 'яхши', 'эзгу' маъносидан ўсиб чиққан: 'яхши', 'эзгу' → 'кетаётган кишига, кузатаётган кишига яхшилик, эзгулик тилаб айтиладиган сўз' (ЎТИЛ, II, 312). Бу сўз билан ўзбек тилида **хайрлаш-** феъли, бу феълдан **хайрлашув** оти ясалган, **хайр-маъзур, хайр-хўш** жуфт сўзлари тузилган, охирги жуфт сўздан **хайр-хўшлаш-** жуфт феъли ясалган.

ХАЙРИ Бу арабча сўз **хаурiуу(un)** шаклига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 242); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларини ташлаб қабул қилинган: **хаугіуу → хайри;** асли **хайр I** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'хайр-эҳсонли' маъносини англатади. Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ХАЙРИЙА Бу арабча сўз **хаугіууат(un)** шаклига эга (АРС, 242); ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **хаугіууат → хайрийа (хайрия); хайр I** сўзидан (қ.) **-ийят(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'ўз ихтиёри билан бериладиган моддий ёрдам' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 312).

ХАЙРИЙАТ Бу арабча сўз **хаугіууат(un)** шаклига эга (АРС, 242); ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **хаугіууат → хайрийат (хайрият); хайр I** сўзидан (қ.) **-ийят(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), маъно тараққиёти натижасида мамнунликни, хурсандликни ифодаловчи сўз сифатида юзага келган: 'яхшилик' → 'яхшилик экан-э' каби (ЎТИЛ, II, 312). Бу сўз **-ки** юкламаси билан **хайрийатки** тарзида ҳам ишлатилади.

ХАЙРИЙАТКИ қ. **хайрийат**

ХАЙРИХОҲ Бу сўз асли **хайрхоҳ** шаклига эга (ТжРС, 417); қатор келган уч ундошни (**йрх**) талаффуз қилиш қийин бўлгани сабабли **р** ундошидан кейин **и** унлиси орттирилган. **Хайрихоҳ** сўзи тожик тилида арабча **хайр I** сўзига (қ.) 'иста-' маъносини англатувчи **хостан** феълининг **хоҳ** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 427, 428, 417); 'бирор ҳаракат-фаолиятга, фикрга қўшилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 312).

ХАЙРЛАШ- қ. **хайр II**
ХАЙРЛАШУВ қ. **хайр II**
ХАЙР-МАЪЗУР қ. **хайр II**
ХАЙР-САДАҚА қ. **хайр I**
ХАЙР-ХЎШЛАШ- қ. **хайр II**
ХАЙР-ЭҲСОН қ. **хайр I**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАЛАЛ: Бу арабча сўз **xalal(un)** шаклига эга (АРС, 231); кўпмаъноли **xalla** феълининг 'тартибсиз ҳолатга келтирди' маъноси асосида (АРС, 230) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'бирор ишни бажариш жараёнига ноўрин аралашиш' маъносини англатиб (ЎТИЛ, II, 313), **халал бер-** қўшма феъли таркибида ишлатилади.

ХАЛИФА Бу арабча сўз **xalīfat(un)** шаклига эга (АРС, 235); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **xalīfat → халифа;** асли кўпмаъноли **xalafa** феълининг 'ўрнини босди' маъноси билан (АРС, 234) ҳосил қилинган I боб масдари **xalīf(un)** сўзидан (АТГ, 143) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), '(мусулмонларда) олий ҳукмрон', 'Муҳаммад пайғамбарнинг вориси' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 313). Бу сўздан ўзбек тилида **халифалик** оти ясалган.

ХАЛО Бу арабча сўз **xalāь(un)** шаклига эга (АРС, 236); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **xalāь → халâ (хало);** 'бир ўзи бўлди' маъно— сини англатувчи **xalā**[2] феълидан (АРС, 236) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), араб тилида 'бир ўзи бўлиш' маъносини англатади; **байт алхало** бирикмаси 'ҳожатхона' маъносини англатиш учун иш— латилади (АРС, 237). Ўзбек сўзлашув тилида **хало** сўзининг ўзи 'ҳожатхона' маъносида ишлатилаверади (ЎТИЛ, II, 313).

ХАЛОЖОЙ Бу сўз арабча **хало** (қ.) ва тожикча **жой** сўзларидан тузилган бўлиб, асли арабча **байт алхало** бирикмасининг калькасига тенг (АРС, 237); 'ҳожатхона' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 313).

ХАЛОЙИҚ Бу арабча сўз **xalāьiqu** шаклига эга (АРС, 236); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **йи** товушларига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **xalāьiqu → халâйиқ (халойиқ).** Тожик тилига бу сўз касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб, **й** товушини орттир—

www.ziyouz.com kutubxonasi

май қабул қилинган; демак, ўзбек тилида бу сўзни жонли сўзлашувдаги талаффузи асосида **й** товушини орттириб ёзиш расмийлаштирилган. **Халойиқ** сўзи асли 'яратди', 'юзага келтирди' маъносини англатувчи **xalaqa** феълининг (АРС, 235) I боб масдари **xalq(un)** сўзидан ясалган **xalīq(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган **xalīqat(un)** отининг кўплик шакли бўлиб (АТГ, 41), араб тилида 'барча яратилган жонли-жонсиз нарсалар' маъносини англатади (АРС, 236), ўзбек тилида эса 'тўпланиб турган одамлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 313).

ХАЛОС I: Бу арабча сўз **xalāṣ(un)** шаклига эга (АРС, 233); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **xalāṣ → халâс (халос);** асли кўпмаъноли **xalaṣa**[1] феълидан 'эркин, озод бўлди' маъноси билан (АРС, 233) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'эркинликка эришиш', 'қутулиш' маъноларини англатади (АРС, 233). Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **халос қил- , халос бўл-** ('қутқар-', 'қутул-') қўшма феъллари таркибида қатнашади (ЎТИЛ, II, 313).

ХАЛОС II Бу сўз асли **халос I** сўзидан (қ.) маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан: 'натижа шу бўлди' → 'фақат' (ЎТИЛ, II, 313). Бу сўзни **халос I** сўзидан фарқлаш мақсадида **холос** тарзида талаффуз қилиш мавжуд.

ХАЛОСКОР Бу сўз ўзбек тилида **халос I** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'халос қилувчи', 'қутқарувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 313).

ХАЛОС ҚИЛ-, ХАЛОС БЎЛ- қ. **халос I**

ХАЛҚ Бу арабча сўз 'яратди', 'юзага келтирди' маъносини англатувчи **xalaqa** феълининг (АРС, 235) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), асли 'яратилган жонли-жонсиз нарсалар' маъносини англатади, ўзбек тилида шу маъно асосида юзага келган 'маълум бир саҳнда биргаликда яшовчи одамлар', 'аҳоли', 'одамлар тўпи'

www.ziyouz.com kutubxonasi

каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 314).

ХАЛҚАРО Бу қўшма сўз ўзбек тилида арабча **халқ** сўзига (қ.) ўзбекча **ора** сўзини қўшиб тузилган, кейинчалик шеъриятда **ора** сўзи **аро** шаклида талаффуз қилиниб, бу қўшма сўз **халқаро** шаклида ишлатила бошлаган. Бу қўшма сўз 'халқлар орасидаги', 'дунёдаги' каби маъноларни англатади. ЎТИЛда (II, 314) бу қўшма сўзнинг **аро** қисми хато равишда тожикча деб белгиланган.

ХАЛҚПАРВАР Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб, арабча **халқ** сўзига (қ.) тожикча 'тарбияла-', 'ғамхўрлик кўрсат-' маъносини англатувчи **парвардан** феълининг ҳозирги замон асоси **парвар** қисмини қўшиб тузилган (ТжРС, 298), 'халққа ғамхўрлик кўрсатадиган', 'халқ манфаатини кўзлаб иш юритадиган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 314).

ХАЛҚЧИЛ Бу сўз ўзбек тилида арабча **халқ** сўзидан (қ.) 'ён босиш', 'ҳисоблашиш' маъносини ифодаловчи ўзбекча **-чил** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'халққа яқин', 'халқ манфаатини ҳисобга олиб иш юритадиган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 314). Бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **халқчиллик** мавҳум оти ясалган.

ХАМИР Бу арабча сўз **xamīr(un)** шаклига эга (АРС, 237); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xamīr → хамир; xamara** феълининг 'ачитқи қўшиб оширди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'оширилган хамирдан тайёрланган нон' маъносини (АРС, 238), ўзбек тилида эса 'унга сув ёки сут қўшиб ҳосил қилинадиган юмшоқ хом маҳсулот' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 315).

ХАМИРТУРУШ Бу сўз тожик тилида арабча **хамир** сўзига (қ.) 'ачит-' маъносини англатувчи тожикча **туршидан** феълининг **турш** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 400, 399, 418) қўшиб тузилган, кейинчалик талаффузни қулайлаштириш учун **рш** товушлари оралиғига **у** унлиси орттирилган: **хамир + турш = хамиртурш → хамиртуш**

www.ziyouz.com kutubxonasi

руш; 'хамирни оширишга хизмат қиладиган ачитқи' (дрожжи) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 315).

ХАРАЖАТ Бу арабча сўз **хараҫāт(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 215), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **хараҫāт → харажат;** асли **хараҫа** феълининг 'ташқарига чиқди' маъноси билан (АРС, 215) ҳосил қилинган I боб масдари **харҫāт(un)** сўзининг (АТГ, 143) **-āt(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), ўзбек тилида кўплик шакли экани уқилмайди; ўзбек тилига **rç** товушлари оралиғига **а** унлисини қўшиб қабул қилинган: **харҫат → харажат (харажат);** 'бирор нарсани сотиб олиш учун сарфланган маблағ, пул' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 316). Бу сўз билан ўзбек тилида **харажат қил-** қўшма феъли тузилган.

ХАРЖ: Бу арабча сўз **харҫ(un)** шаклига эга (АРС, 215); кўпмаъноли **хаража** феълининг 'ташқарига чиқди' маъноси билан (АРС, 215) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида беш маънони англатади (АРС, 215); ўзбек тилига 'чиқим' маъноси билан олинган бўлиб, одатда **харж қил-** қўшма феъли таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 316). Бу сўз билан **харжла-** феъли ҳам ясалган.

ХАРЖЛА-, ХАРЖ ҚИЛ- қ. **харж**

ХАРИТА Бу арабча сўз **хāritat(un)** шаклига эга (АРС, 217); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қибул қилинган: **хāritat → харита;** кўпмаъноли **харата** феълидан 'бўлакларга кесди' маъноси асосида (АРС, 216) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши **хārit(un)** сўзидан (АТГ, 147) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'геогра-фик карта' маъносини англатади (ЎТИЛ, 317).

ХАРОБ Бу арабча сўз **харāb(un)** шаклига эга (АРС, 214); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **харāb → харāб (хароб);** 'емирди', 'вайронага айлантирди' маъносини англатувчи **хараба** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АТГ, 142), 'емирилиш' маъносини англатиш учун иш-латилади (ЎТИЛ, II, 317).

ХАРОБА Бу арабча сўз **хароб** сўзидан (қ.) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган; 'вайрона' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 317).

ХАРОБАЗОР Бу сўз тожик тилида арабча **хароба** сўзидан (қ.) **-зор** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 419), 'емирилиб вайронага айланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 317).

ХАРТУМ Бу от сўз асли **xurtūm(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 217), ўзбек тилига **u** унлисини **а** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унли-сига алмаштириб қабул қилинган: **xurtūm → хартум;** асли 'жуда катта бурун' маъносини англатиб, кейинча-лик 'филнинг ҳидлаш, нафас олиш, озиқ олиш учун хизмат қиладиган ҳаракатчан чўзинчоқ аъзоси' маъно-сини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 317).

ХАСИС Бу арабча сўз **xasīs(un)** шаклига эга (АРС, 220); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаш-тириб қабул қилинган: **xasīs → хасис;** кўпмаъноли **xassa**[1] феълининг 'тубан бўлди' маъноси асосида (АРС, 220) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'тубан', 'ҳам-ма нарсани ўта даражада қизғанадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 318). Бу сўздан ўзбек тилида **ха-сислик** мавҳум оти ясалган.

ХАСМ I Бу арабча сўз **xaŝm(un)**[2] шаклига эга (АРС, 223); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмашти-риб қабул қилинган: **xaŝm**[2] **→ хасм I;** кўпмаъноли **xaŝama** феълининг 'душманлик қилди' маъноси билан (АРС, 223) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'душман', 'рақиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 318).

ХАСМ II Бу арабча сўз **xaŝm(un)**[1] шаклига эга (АРС, 223); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмашти-риб қабул қилинган: **xaŝm**[1] **→ хасм II;** кўпмаъноли **xaŝama** феълининг 'ҳисобдан чиқарди' маъноси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 223) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'ҳисобдан чиқариш' маъносини (АРС, 223), ўзбек тилида эса 'кимнингдир ихтиёридаги киши ёки нарса' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 318).

ХАТ Бу арабча сўз **xatt(un)** шаклига эга (АРС, 224); ўзбек тилига биринчи итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, иккинчи итқи ундошини ташлаб қабул қилинган: **xatt → хат;** кўпмаъноли **xatta** феълининг 'ёзди' маъноси билан (АРС, 224) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилидан 'мактуб' маъноси билан олинган (АРС, 225; ЎТИЛ, II, 318). Бу сўз билан ўзбек тилида **хат-савод, хат-хабар** жуфт сўзлари тузилган.

ХАТАР Бу арабча сўз **xatar(un)** шаклига эга (АРС, 227); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **xatar → хатар; xatura** феълининг 'хавфли бўлди' маъноси билан (АРС, 226) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'хавф' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 319). Бу сўз билан ўзбек тилида **хатарли, хатарсиз, бехатар** сифатлари ҳосил қилинган, **хавф-хатар** жуфт сўзи тузилган.

ХАТИБ Бу арабча сўз **xatīb(un)** шаклига эга (АРС, 226); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xatīb → хатиб;** 'гапирди' маъносини англатувчи **xataba**[2] феълидан (АРС, 226) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилидан 'ваъз айтадиган' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 319). Бу сўз ўзбек тилида **имоми хатиб** изофа бирикмаси таркибида ишлатилади.

ХАТМ Бу арабча сўз **xatm(un)** шаклига эга (АРС, 211); кўпмаъноли **xatama** феълининг 'тугатди' маъноси асосида (АРС, 211) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'муҳр босиш', 'муҳр', 'имзо' маъноларини англатади (АРС, 211); ўзбек тилида **хатми Қуръон** изофа бирикмаси таркибида 'ўқиб тугатиш' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, II, 319).

ХАТНА Бу арабча сўз асли **xatnat(un)** шаклига эга бўлиб, 'ўғил боланинг қўлини ҳалоллади' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатувчи **xatana**[1], феълининг **xatn(un)** I боб масдари—дан (АРС, 211) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилига сўз охиридаги **t** то—вушини ташлаб қабул қилинган: **xatnat → хатна;** 'ўғил боланинг қўлини ҳалоллаш маросими' маъносини анг—латиб, **хатна қил-** феъли, **хатна тўйи** бирикмаси тар—кибида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 320).

ХАТО Бу сўз арабча **xatāь(un)** шаклига эга (АРС, 225); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳам—зани ташлаб қабул қилинган: **xatāь → хатâ (хато);** 'янглишди', 'хатога йўл қўйди' маъносини англатувчи **xatiьa** феълидан (АРС, 225) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), 'янглишиш', 'адашиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 320).

ХАТТОТ Бу арабча сўз **xattāt(un)** шаклига эга (АРС, 225); ўзбек тилига итқи ундошларини **т** ундошларига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xattāt → хаттâт (хаттот);** кўпмаъноли **xatta** феълининг 'ёзди' маъноси билан (АРС, 224) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 599), 'чиройли ёзиш санъатини эгаллаган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 318). Бу сўздан ўзбек тилида **хаттотлик** мавҳум оти ясалган.

ХИЖОЛАТ Бу арабча сўз асли **xiçālat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xiçālat → хижâлат (хижо—лат);** 'уялди' маъносини англатувчи **xaçila** феълидан (АРС, 212) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'уятли ҳолат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 322).

ХИЗМАТ Бу арабча сўз асли **xiđmat(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 213), ўзбек тилига **đ** ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **xiđmat → хизмат; xađama** феълининг 'меҳнат фаолиятини адо этди' маъноси би—лан (АРС, 213) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'меҳнат', 'фаолият' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 323).

ХИЗМАТКОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **хизмат**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган бўлиб, 'кимнингдир шахсий иш-юмушини бажарувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 323). Тожик тилида бу сўз **-кор** қўшимчасининг **-гор** шакли билан ясалган: **хизматгор** (ТжРС, 422).

ХИЗМАТЧИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **хизмат** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган; 'идора ишлари билан шуғулланувчи ходим' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 323). Бу сўздан **хизматчилик** мавҳум оти ясалган.

ХИЙОНАТ Бу арабча сўз **хіуānat(un)** шаклига эга (АРС, 241); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **хіуānat → хийânат (хиёнат);** кўпмаъноли **хāna** феълининг 'аҳдида турмади', 'хоинлик қилди' маъноси билан (АРС, 241) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'аҳдини бузиш', 'хоинлик қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 322). Бу сўздан ўзбек тилида **хийонатчи** оти ясалган.

ХИЙОНАТКОР Бу сўз тожик тилида арабча **хийонат** сўзидан **-гар** || **-кор** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 422), 'хиёнат қилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 322). Бу сўздан ўзбек тилида **хийонаткорлик** мавҳум оти ясалган.

ХИЙОНАТКОРОНА Бу сўз тожик тилида **хийонаткор** сўзидан **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 422), 'хиётнаткорлик йўсинида' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 322).

ХИЛВАТ Бу арабча сўз асли **xalvat(un)** шаклига эга (АРС, 237); ўзбек тилига биринчи **а** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xalvat → хилват;** 'бир ўзи бўлди' маъносини англатувчи **xalā**[1] феълидан (АРС, 236) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'ҳеч ким йўқ жой' маъносини англатади (АРС, 236); ўзбек тилида 'пана', 'овлоқ' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 324).

ХИЛОФ Бу арабча сўз **xilāf(un)**[1] шаклига эга (АРС, 234); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xilāf → хилâф (хилоф);**

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўпмаъноли **xalafa** феълидан 'қарши чиқди' маъноси билан ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), араб тилида 'қарама-қаршилик', 'зиддият' маъносини (АРС, 234), ўзбек тилида эса 'зид', 'қарши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 324).

ХИЛҚАТ Бу арабча сўз **xilqat(un)** шаклига эга (АРС, 236); **xaluqa** феълининг 'тегишли бўлди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'кўриниш', 'шакл-шамойил' маъносини англатади; ЎТИЛда (II, 324) бу сўзни 'яратди' маъносини англатувчи **xalaqa** феълининг масдари деб ўйлаб 'яратиш' маъносини англатувчи сўз деб хато изоҳланган (ЎТИЛ, II, 324).

ХИРОЖ Бу арабча сўз асли **xarāç(un)** шаклига эга (АРС, 215); ўзбек тилига **а** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xarāç → хирâж (хирож);** кўпмаъноли **xaraça** феълининг 'ташқи бўлди' маъноси асосида (АРС, 214) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'феодал тузумида деҳқонлардан олинадиган солиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 326). Бу сўз билан ўзбек тилида **бож-хирож** жуфт сўзи тузилган.

ХИСЛАТ Бу арабча от асли **xaŝlat(un)** шаклига эга (АРС, 223); ўзбек тилига биринчи **а** унлисини **и** унлисига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **xaŝlat → хислат;** араб тилида 'сифат', 'ўзига хос хусусият' маъноларини англатади (АРС, 223); ўзбек тилида 'кишининг яхши хусусияти' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 327).

ХИТОБ Бу арабча сўз **xitāb(un)** шаклига эга (АРС, 226); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xitāb → хитâб (хитоб);** 'нутқ сўзлади' маъносини англатувчи **xataba**[1] феълидан ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), араб тилида 'нутқ', 'ёзма хабар' маъноларини англатади (АРС, 226); ўзбек тилида 'қатъий мурожаат' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 327).

ХИТОБНОМА Бу сўз тожик тилида арабча **хитоб**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 423); 'бирор иш-ҳаракатни амалга ошириш учун қатъий чақириқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 327).

ХОВФ *қ.* **хавф**

ХОДИМ Бу арабча сўз **хādim(un)** шаклига эга (АРС, 213); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **хādim → хâдим (ходим); хadama** феълининг 'меҳнат фаолиятини адо этди' маъноси билан (АРС, 213) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), араб тилида отлашиб 'хизматчи', 'хизматкор' маъноларини, ҳозирги ўзбек тилида 'бирор идора, муассасада ишловчи киши' маъносини англатади; тарихан 'йирик амалдорнинг шахсий хизматини бажарувчи киши' маъносини ҳам англатган (ЎТИЛ, II, 328). Бу сўзнинг **ходима** муаннас шакли 'аёл ходим' маъносини англатади.

ХОДИМА *қ.* **ходим**

ХОДИМГАР Бу сўз ўзбек тилида арабча **ходим** сўзидан (қ.) тожикча **-гар** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган от бўлиб, 'ҳаммомда чўмилувчини ишқалаб, уқалаб ювинтирувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 328).

ХОДИМИ Бу сўз тожик тилида арабча **ходим** сўзидан (қ.) **-ӣ** қўшимчаси билан (ТжРС, 542), 424) ясалган мавҳум от бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ӣ** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган; бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **ходими қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади (ЎТИЛ, II, 328).

ХОИН Бу арабча сўз **хāьin(un)** шаклига эга (АРС, 241); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **хāьin → хâин (хоин);** кўпмаъноли **хāna** феълининг 'аҳдида турмади' маъноси билан (АРС, 241) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'хиёнат қилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 328). Бу сўздан ўзбек тилида **хоинлик** мавҳум оти, **хоинларча** равиши ясалган.

ХОЛА Бу арабча сўз **хālat(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

241); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **xālat → xâla (хола);** 'тоға' маъносини англатувчи арабча **xāl(un)** сўзининг (АРС, 241) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), 'онанинг опа-сингиллари' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 328).

ХОЛАВАЧЧА Бу сўз асли тожик тилида арабча **хола** сўзига 'бола' маъносини англатувчи тожикча **бача** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 52, 425); ўзбек тилига **бача** сўзи таркибидаги **б** ундошини **в** ундошига алмаштириб, **ч** ундошини қатлаб қабул қилинган: **холабача → холавачча;** 'опа-сингилларнинг болалари бир-бирига нисбатан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 329)ХОЛИ Бу арабча сўз асли **xālin** шаклига эга (АРС, 236); асли 'бўш бўлди', 'банд қилинмади' маъносини англатувчи **xalā**[1] феълидан (АРС, 236) ясалган сифатнинг қаратқич келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), 'бўш', 'банд қилинмаган', 'якка-ёлғиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 329).

ХОЛИС Бу арабча сўз **xāliŝ(un)** шаклига эга (АРС, 232); ўзбек тилига **ā** унлисини **â** унлисига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **xāliŝ → xâлис (холис);** асли кўпмаъноли **xālaŝa**[1] феълидан (АРС, 232) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'ҳақиқий', 'бетараф' каби маъноларни (АРС, 232); ўзбек тилида 'бетараф', 'барчага бир хил, одилона баҳо бераган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 329). Бу сўз ўзбек тилида аёл киши́нинг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ХОЛИСОНА Бу сўз тожик тилида арабча **холис** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 425, 542), 'бетараф ҳолда', 'ҳеч кимга ён босмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 329).

ХОЛИҚ Бу арабча сўз 'яратди', 'юзага келтирди' маъносини англатувчи **xalaqa** феълидан ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'яратувчи' маъносини (АРС, 235), ўзбек тилида эса 'барча оламнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

яратувчиси (худо)' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 329). Бу сўзни эркак кишининг атоқли оти сифатида ёлғиз ишлатиш мумкин эмас, бу сўз олдидан 'қул', 'хизматкор' маъносини англатувчи арабча **абд(ун)** сўзини қўшиб, **Абдухолиқ** тарзида ишлатиш лозим.

ХОЛОС қ. **халос II**

ХОРИЖ Бу арабча сўз **хāриҫ(un)** шаклига эга (АРС, 215); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **хāриҫ → хâриж (хориж);** кўпмаъноли **хаҷаҫа** феълининг 'ташқарига чиқди' маъноси билан (АРС, 215) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), араб тилида 'ташқарига чиқувчи', 'ташқи', **al** аниқлик артикли билан **al хāриҫ(un)** шаклида эса 'чет эл' маъноларини англатади (АРС, 315); ўзбек тилига 'чет эл' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 333).

ХОРИЖИЙ Бу арабча сўз **хāриҫиyy(un)** шаклига эга (АРС, 215); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **yy** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **хāриҫиyy → хâрижий (хорижий); хориж** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), араб тилида 'ташқи', 'бегона', 'чет элга мансуб' маъноларини англатади (АРС, 215); ўзбек тилига 'чет элга мансуб' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 333).

ХОС Бу арабча сўз **хāŝŝ(un)** шаклига эга (АРС, 222); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, биринчи сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, иккинчи сад ундошини ташлаб қабул қилинган: **хāŝŝ → хâс (хос); хāŝŝa** феълидан 'алоҳида хусусиятли бўлди' маъноси билан (АРС, 222) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 149), 'бирор киши ёки нарсанинг ўзига тегишли, ўзидагина мавжуд' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 333).

ХОСИЙАТ Бу арабча сўз **хāŝŝiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 222); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, биринчи сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, иккинчи сад ундошини ва **yy** товушларидан бирини таш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб қабул қилинган: **хāŝŝiyyat → хâсийат (хосият); хāŝŝa** феълининг **хāŝŝ(un)** сифатдош шаклидан (АРС, 22) **–iy–yat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), араб тилида 'ажралиб турадиган хусусият' маъносини (АРС, 222), ўзбек тилида эса 'ижобий хусусият' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 333). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Бу сўздан ўзбек тилида **хосийатли, хосийатсиз** сифатлари ясалган; **хосийатхон** шаклида атлас турларидан бирининг номига айланган.

ХОСИЙАТЛИ, ХОСИЙАТСИЗ *қ.* **хосийат**

ХОССА Бу арабча сўз **хāŝŝat(un)** шаклига эга (АРС, 222); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, сад ундошларини **c** ундошларига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **хāŝŝat → хâсса (хосса); хāŝŝa** феълининг **хāŝŝ(un)** сифатдош шаклидан (АРС, 222) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), бу кўпмаъноли сўз араб тилидан 'ажралиб турадиган хусусият' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 333).

ХОТИМА Бу арабча сўз **хātimat(un)** шаклига эга (АРС, 211); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **хātimat → хâтима (хотима);** кўпмаъноли **хатама** феълининг 'тугатди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши **хātim(un)** сўзидан (АТГ, 147) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'тугаш қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 334).

ХОТИР Бу арабча сўз **хātir(un)** шаклига эга (АРС, 226); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **хā-tir → хâтир (хотир);** асли **хатара**[2] феълининг 'миясига фикр келди' маъноси билан ҳосил қилинган бўлиб (АРС, 226), араб тилида 'ўй-хаёл', 'жон', 'хоҳиш' каби маъноларни англатади (АРС, 226); ўзбек тилида бу сўз 'эслаб қолиш қобилияти', 'эс', 'ёд' каби маънони англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 334). Бу сўздан ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида **хотирла-** феъли ясалган.

ХОТИРА Бу арабча сўз **xātirat(un)** шаклига эга (АРС, 226); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **xātirat(un) → xâтира (хотира); хатара**[2] феълининг 'миясига бир фикр келди' маъноси билан ҳосил қилинган бўлиб, араб тилида 'фикр' маъносини англатади (АРС, 226); ўзбек тилида бу сўз асосан 'киши ёки нарса ҳақидаги фикр-таассуротларни эсда сақлаш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 335).

ХОТИРЖАМ Бу сўз тожик тилида арабча **хотир** ва **жам** сўзларидан (қ.) тузилган бўлиб (ТжРС, 428), 'бирор ишнинг кўнгилдагидек бўлишига ишонч билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 335). Бу сўздан ўзбек тилида **хотиржамлик** мавҳум оти ясалган.

ХУЛЛАС Бу арабча сўз **xālîṣ(un)** сўзининг кўплиги бўлиб, **xullaṣ(un)** шаклига эга (АРС, 232); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **xullaṣ → хуллас;** асли кўпмаъноли **xalaṣa**[1] феълидан 'маълум натижа билан тугади' маъноси асосида ҳосил қилинган бўлиб (АРС, 232), ўзбек тилида 'қисқаси', 'бир сўз билан айтганда' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 337). Бу сўз ўзбек тилида тожикча **хулласи калом** изофа бирикмаси таркибида 'хулоса' маъноси билан қатнашади.

ХУЛЛАСИ КАЛОМ *қ.* **калом, хуллас**

ХУЛОСА Бу арабча сўз **xulāṣat(un)** шаклига эга (АРС, 233); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **xulāṣat → хулâса (хулоса);** асли кўпмаъноли **xalaṣa**[1] феълидан 'маълум натижага эришди' маъноси билан (АРС, 232) ҳосил қилинган I боб масдаридан (АТГ, 143) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилидан 'эришилган натижа' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 337). Бу сўздан ўзбек тилида **хулоса-ла-** феъли ясалган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХУЛҚ Бу арабча сўз **xaluqa** феълининг (АРС, 235) 'лойиқ бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'кишининг юриш-туришда, муомалада ўзини тутиши' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 338).

ХУЛҚ-АТВОР Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **хулқ (қ.)** ва **атвор** сўзларидан тузилган бўлиб, 'феъл-хўй', 'характер' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 338). **Атвор** сўзи ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди; бу сўз 'олға ҳаракатланди' маъносини англатувчи **tavvara** феълидан (АРС, 483) ҳосил қилинган **tavr(un)** масдарининг (АТГ, 142) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), ўзбек тилига 'кишининг юриш-туришда, муомилада ўзини тутиши' каби маъноси билан қабул қилинган.

ХУМОР Бу арабча сўз **xumār(un)** шаклига эга (АРС, 237); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xumār → хумâр (хумор); xamara** феълининг 'ачитди' маъноси билан (АРС, 237) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'ичкилик истеъмол қилгандан кейинги беҳоллик' маъносини англатади (АРС, 237); ўзбек тилида бу сўз асли 'кайф берувчи нарсани истеъмол қилиш иштиёқи' маъносини англатади; **хумор кўзлар** бирикмаси тарки-бида эса 'кучли истак-хоҳиш ифодаловчи', 'сузук' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 338).

ХУНАСА Бу арабча сўз асли **xunšā** шаклига эга (АРС, 239); ўзбек тилига **nš** ундошлари оралиғига **a** унлисини қўшиб, се ундошини **c** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xunšā → хунаса** (Тожик тилига **хуносо** шаклида олинган: ТжРС, 431); кўпмаъноли **xunša** феълининг 'ўзини аёл кишидек тутди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ҳам эркаклик, ҳам аёллик белгилари бор киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 339).

ХУРОФАТ Бу арабча сўз **xurāfat(un)** шаклига эга (АРС, 217); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xurāfat → хурâфат (хуро-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

фат); xarifa феълининг 'алжиди' маъноси билан (АРС, 217) ҳосил қилинган I боб масдари **xurāf(un)** сўзидан (АТГ, 143) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'турли асоссиз ирим-чиқимларга бе— рилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 340). Бу сўз ЎТИЛга нимагадир **хурофот** (кўплик) шаклида киритилган.

ХУРОФОТ *қ.* **хурофат**

ХУРУЖ Бу арабча сўз **xurūç(un)** шаклига эга (АРС, 215); ўзбек тилига **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xurūç(un) → хуруж;** кўпмаъноли **xaraça** феълининг 'ташқарига чиқди' маъноси билан (АРС, 215) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), асли 'ташқарига чиқиш' маъносини англатади (АРС, 215); ўзбек тилида 'қарши чиқиш', 'ташқи ҳужум' маъноларини англатиб (ЎТИЛ, II, 341), одатда **хуруж қил-** қўшма феъли таркибида ишлатилади.

ХУРУЖ ҚИЛ- *қ.* **хуруж**

ХУСУМАТ Бу арабча сўз **xuŝūmat(un)** шаклига эга (АРС, 223); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чў— зиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилин— ган: **xuŝūmat → хусумат;** кўпмаъноли **xaŝama** феъли— нинг 'душманлик қилди' маъноси билан (АРС, 223) ҳо— сил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'душман— чилик', 'адоват' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 341).

ХУСУС Бу арабча сўз **xuŝūŝ(un)** шаклига эга (АРС, 222); ўзбек тилига сад ундошларини **с** ундошларига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xuŝūŝ → хусус;** асли **xaŝŝa** феълининг (АРС, 222) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'хусусият', 'муносабат' каби маъноларни англатади (АРС, 222); ўзбек тилида **хусус(и)да** шаклида ишлатилиб, 'ҳақида', 'тўғрисида' каби маънони билдиради (ЎТИЛ, II, 341).

ХУСУСАН Бу арабча сўз **xuŝūŝan** шаклига эга (АРС, 222); ўзбек тилига сад ундошларини **с** ундошларига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **xuŝūŝan → хусусан; xaŝŝa** феълининг (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

222) I боб масдари **xuŝūŝ(un)** сўзининг тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'шулар орасидан' каби маънони англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 341).

ХУСУСИДА қ. **хусус**

ХУСУСИЙ Бу арабча сўз **xuŝūŝiyy(un)** шаклига эга (АРС, 222); ўзбек тилига сад ундошларини **с** ундошларига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **xuŝūŝiyy → хусусий; xaŝŝa** феълининг (АРС, 222) I боб масдари **xuŝūŝ(un)** сўзидан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'маълум бир шахсга тегишли', 'шахсий' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 341).

ХУСУСИЙАТ Бу арабча сўз **xusūsiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 222); ўзбек тилига сад ундошларини **с** ундошларига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **xusūsiyyat → хусусийат (хусусият); xaŝŝa** феълининг (АРС, 222) I боб масдари **xuŝūŝ(un)** сўзидан **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'бирор ишига ёки нарсага хос томон, белги' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 341).

ХУТБА Бу арабча сўз **xutbat(un)** шаклига эга (АРС, 226); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **xutbat → хутба;** 'нутқ сўзлади' маъносини англатувчи **xataba**[1] феълидан (АРС, 226) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'нутқ', 'лекция', 'диний панд-насиҳат' маъноларини англатади (АРС, 226); ўзбек тилига охирги маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 341).

ХУФИЙА қ. **хуфйа**

ХУФИЙОНА Бу сўз ўзбек тилида арабча **хуфйа** сўзидан (қ.) тожикча **-она** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган, кейинчалик **ф** товушидан кейин **и** унлиси қўшилиб, **й** ундошидан кейин **а** унлиси ташланган: **хуфйа**

www.ziyouz.com kutubxonasi

+ она = хуфйаона → хуфийона (хуфиёна); 'махфий равишда', 'яширин ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 341). Бундай маънони англатувчи равиш тожик тилида **хуфийа** сўзидан эмас, **махфий** сўзидан (қ.) ясалган: **махфиёна** (ТжРС, 220), шу туфайли сунъий товуш ўзгаришлари юз бермаган.

ХУФЙА Бу арабча сўз **xufyat(un)** шаклига эга (АРС, 230); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **xufyat → хуфйа (хуфя);** асли 'яширди' маъносини англатувчи **xafā (xafiya)** феълининг (АРС, 230) I боб масдари **xufy(un)** сўзидан (УАЯ, 568) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'сирлилик', 'яширин ҳолат' маъносини англатади. Бу сўз ўзбек тили луғатларига **хуфия** шаклида (**и** унлиси орттирилган ҳолатда) киритилган (ЎТИЛ, II, 342); сўзлашув тилида бу сўз аслига мувофиқ **хуфйа** тарзида талаффуз қилинади.

Ш

ШАВКАТ Бу арабча сўз **şavkat(un)** шаклига эга (АРС, 422); 'тиканли бўлди' маъносини англатувчи **şāka** феълининг I боб масдари **şavk(un)** сўзидан (АТГ, 142) **–at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (АТГ, 373), араб тилида 'тикан', 'вилка', 'қилтаноқ', 'куч-қудрат' маъноларини англатади (АРС, 422); ўзбек тилида бу сўз асосан 'шон-шуҳрат' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 390). Бу сўздан ўзбек тилида **шавкатли** сифати ясалган. **Шавкат** сўзи эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ШАВҚ Бу арабча сўз **şavq(un)** шаклига эга (АРС, 422); асли 'интилиш, хоҳиш уйғатди' маъносини англатувчи **şāqa** феълининг (АРС, 422) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ихтирос', 'кучли иштиёқ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 390).

ШАВҚ-ЗАВҚ қ. **завқ**

ШАДДОД Бу арабча сўз асли **şidād(un)** шаклига эга (АРС, 396); асли 'кучли, бақувват бўлди' маъносини англатувчи **şadda** феълидан ҳосил қилиниб, 'кучли',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'бақувват', 'ўжар', 'қаҳр-ғазабли' каби маъноларни англатувчи **şadīd(un)** аслий сифатининг (АРС, 396; АТГ, 43) кўплик шаклига тенг (ПРС, 308). Ўзбек тилига бу сўз **ī** унлисини **a** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, **d** ундошини қатлаб қабул қилинган: **şidād → шаддâд (шаддод);** ўзбек тилида 'ўжар', 'чўрткесар', 'ўз фикрини қатъият билан айтадиган' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 390). Бу сўздан **шаддодлик** мавҳум оти ясалган.

ШАЖАРА Бу арабча сўз **şaçarat(un)** шаклига эга (АРС, 393); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **şaçarat → шажара; şaçara** феълининг 'дарахт экди' маъноси билан (АРС, 393) ҳосил қилинган I боб масдари **şaçar(un)** сўзидан (УАЯ, 568) **-at(un)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган дона оти бўлиб (АТГ, 373) '(бир дона) дарахт' маъносини англатади; **şaçarat al nasab** бирикмаси таркибида ишлатилиб, 'насл-насаб дарахти' маъносини англатади (АРС, 393). Ўзбек тилида бу сўз 'бир аждоддан тарқаган кишиларнинг ўзаро қариндошлик даражасини акс эттирувчи чизма' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 391).

ШАЙТАНАТ Бу арабча сўз **şaytanat(un)** шаклига эга (АРС, 425); 'қабиҳлик, разиллик қилди' маъносини англатувчи **şaytana** феълидан (АРС, 424) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 339), 'қабиҳлик', 'разиллик' маъносини англатади. ЎТИЛда (II, 391) бу сўз тўғри изоҳланмаган.

ШАЙТОН Бу арабча сўз **şaytān(un)** шаклига эга (АРС, 424); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şaytān → шайтâн (шайтон);** 'қабиҳлик, разиллик қилди' маъносини англатувчи **şaytana** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 339), 'дин йўлидан оздирувчи, ёмон йўлга бошловчи фаришта', 'иблис' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 391).

ШАЙТОНЛА- Бу феъл ўзбек тилида арабча **шайтон** сўзидан (қ.) **-ла** қўшимчаси билан ясалган; асли 'шайтон таъсир этди' маъносини англатган бўлиб, кейинчалик

www.ziyouz.com kutubxonasi

'тутқалоғи тутиб қолди' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, II, 392).

ШАЙХ Бу арабча сўз **şayx(un)** шаклига эга (АРС, 424); кўпмаъноли **şāxa** феълининг 'кексайди' маъноси билан (АРС, 424) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида бир-бири билан зич боғланган етти маънони англатади (АРС, 624); ўзбек тилига 'руҳоний бошлиқ' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, IҶ, 392).

ШАК I Бу арабча сўз **şakk(un)** шаклига эга (АРС, 412); ўзбек тилига сўз охиридаги **kk** ундошларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **şakk → шак; şakka** феълининг 'шубҳаланди', 'гумонсиради' маъноси билан (АРС, 412) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'шубҳа', 'гумон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 392). Бу сўз одатда **шак-шубҳа** жуфт сўзи, шунингдек **шак келтир-** бирикмаси таркибида ишлатилади.

ШАК II Бу сўз асли арабча **la şakka** сўзи (АРС, 412) таркибидаги инкор маъносини ифодаловчи **la** юклама-сини талаффуз қилмаслик натижасида юзага келган бўлса керак; **la şakka** сўзи 'шубҳасиз', 'аниқ' маъноси-ни англатган (УАЯ, 545), кейинчалик бу маъно **шак** сўзининг ўзи билан англатила бошлаган; бу сўз 'рўза бошланадиган ойдан олдинги кун' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 392).

ШАККОК Бу арабча сўз **şakkāk(un)** шаклига эга (АРС, 412); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şakkāk → шаккâк (шаккок); şakka** феълининг 'шубҳаланди' маъноси билан (АРС, 412) ясалган шахс оти бўлиб (УАЯ, 499), 'ҳар нарсага шубҳа билан қарайдиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 392). Бу сўздан ўзбек тилида **шаккоклик** мавҳум оти ясалган.

ШАКЛ Бу арабча сўз **şakl(un)** шаклига эга (АРС, 413); асли **şakla** феълининг 'кўриниш берди' маъноси билан (АРС, 413) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'кўриниш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 393). Бу сўздан ўзбек тилида **шакллан-** феъли, **шаклсиз**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифати ясалган.

ШАКЛАН Бу сўз **шакл** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'ташқи кўринишига кўра' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 393).

ШАКЛДОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **шакл** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нисбатан мураккаброқ шаклга эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 393).

ШАКЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **шак II** сўзидан (қ.) **-лик** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб, 'шак куни (рўза бошланишидан олдинги кун) мавҳум(а) хотирасига бағишлаб аёллар учун ўтказиладиган кичик маърака' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 393).

ШАКЛ-ШАМОЙИЛ Бу арабча сўз **шакл** сўзи билан (қ.) **шамойил** сўзидан тузилган жуфт сўз бўлиб, 'ташқи кўриниш', 'қиёфа' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 393). Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **шамойил** сўзи 'сифат', 'фазилат' маъносини англатувчи **şamīlat(un)** сўзининг кўплиги бўлиб, асли **şamāьilu** шаклига эга (АРС, 416); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **йи** товушларига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **şamāьilu → шамâйил (шамойил).** Бу сўз тожик тилида аслига яқин **шамоил** шаклида ёзилади (ТжРС, 451).

ШАК-ШУБҲА қ. **шубҳа**

ШАМ Бу арабча сўз **şamъ(un)** шаклига эга (АРС, 416); ўзбек тилига сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **şamъ → шам** (Тожик тилида бу сўз охиридаги айн **ъ** (айириш) белгисига алмаштирилган: **шамъ** — ТжРС, 451); **şamaъa** феълининг 'қотадиган ёғдан тайёрланган мум билан қоплади' маъноси асосида (АРС, 416) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'қотадиган ёғдан махсус тайёрланган мум билан қопланган пиликли чўзинчоқ чироқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 395).

ШАМДОН Бу сўз тожик тилида арабча **шам** сўзи—

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан (қ.) **-дон** қўшимаси билан ясалган буюм оти бўлиб (ТжРС, 542, 541), **шамъдон** шаклида ёзилади (Бу сўз араб тилига ҳам қабул қилинган: **şamъdān** – АРС, 416); 'шам ўрнатиб қўйиладиган буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 395).

ШАМОЙИЛ қ. **шакл-шамойил**

ШАМОЛ Бу арабча сўз **şamāl(un)** шаклига эга (АРС, 417); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şamāl → шамâл (шамол);** асли 'ўради' маъносини англатувчи **şamala** феълидан (АРС, 416) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида (шунингдек тожик тилида ҳам – ТжРС, 451) бу сўз 'ҳавонинг ҳаракати' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 395). Бу сўздан ўзбек тилида **шамолла-**, **шамоллат-** феъллари, **шамоллаш** оти ҳосил қилинган.

ШАМОЛПАРРАК Бу сўз ўзбек тилида арабча **шамол** сўзига (қ.) **паррак** сўзини (ЎТИЛ, II, 575) қўшиб тузилган; 'вентилятор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 396). **Паррак** сўзи 'шамол тегирмонининг қаноти' маъносини англатувчи тожикча **парра** сўзидан (ТжРС, 300) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **-к** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'кичик парра' маъносини билдиради.

ШАМС Бу арабча сўз **şams(un)** шаклига эга (АРС, 416); **şamasa** феълининг 'нурли бўлди' маъноси билан (АРС, 416) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'қуёш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 396). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади, **Шамсиддин** атоқли оти таркибида ҳам қатнашади ('диннинг қуёши' маъносини англатади).

ШАМСИДДИН қ. **шамс**

ШАМСИЙА Бу арабча сўз **şamsiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 416); ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ва сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **şamsiyyat → шамсийа (шамсия);** асли **şams(un)** сўзига (қ.) **-iyy(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган **şamsiyy(un)** нисбий сифатидан (АРС, 416; АТГ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

48) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'қуёш йили' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 396). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ШАРАФ Бу арабча сўз **şaraf(un)** шаклига эга (АРС, 401); 'ҳурматли бўлди', 'донгдор бўлди' маъносини англатувчи **şarufa** феълидан (АРС, 401) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ҳурмат-иззат', 'донг' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 397). Бу сўз билан ўзбек тилида **шарафла-** феъли, **шарафли** сифати ясалган, **шараф-шон (шон-шараф)** жуфт сўзи тузилган.

ШАРБАТ Бу арабча сўз **şarbāt(un)** шаклига эга (АРС, 397); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şarbāt → шарбат;** кўпмаъноли **şariba** феълининг 'ичди' маъноси билан (АРС, 397) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'ширин ичимлик', 'сироп' маъносини англатади (АРС, 397); ўзбек тилида 'тар мевалардан сиқиб олинган ширадор суюқлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 398).

ШАРБАТДОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **шарбат** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 137, 136), 'сершарбат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 398).

ШАРИАТ Бу арабча сўз **şarīъat(un)** шаклига эга (АРС, 400); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şarīъat → шариат; şaraъa**[1] феълининг 'қонун чиқарди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари **şarъ(un)** сўзидан (АРС, 400) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифатта (АТГ, 48) **-at(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'ислом дини қонун-қоидалари' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 398). Сўзлашув тилида бу сўз **й** товушини қўшиб **шарийат** тарзида талаффуз қилинади.

ШАРИЙАТ қ. **шариат**

ШАРИФ Ўзбек тилида асосан эркак кишининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

атоқли оти сифатида ишлатиладиган бу арабча сўз **şarīf(un)** шаклига эга (АРС, 401); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şarīf → шариф; şarufa** феълининг 'ҳурматли бўлди' маъносидан (АРС, 401) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'ҳурмат-иззатга лойиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 398). Бу сўзнинг муаннас шакли **шарифа** сўзи аёл кишининг атоқли ати сифатида ишлатилади.

ШАРИФА *қ.* **шариф**

ШАРОБ Бу арабча сўз **şarāb(un)** шаклига эга (АРС, 397); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şarāb → шарâб (шароб); şariba** феълининг 'ичди' маъноси билан (АРС, 397) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилидан 'вино' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 399)ШАРОИТ Бу арабча сўз **şarāьitu** шаклига эга (АРС, 400); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **и** унлисига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **şarāьitu → шарâит (шароит); şarata** феълининг 'талаб-таклифлар билдирди' маъноси билан (АРС, 399) ҳосил қилинган **şarītat(un)** масдарининг (АРС, 400) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 41), араб тилида 'билдирилган талаб-таклифлар' маъносини англатади (АРС, 400); ўзбек тилида бу сўз 'бирор ишни амалга ошириш учун зарур вазият' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 399). Бу сўз сўзлашув тилида **й** товушини қўшиб **шаройит** тарзида талаффуз қилинади. Бу сўз билан **шарт-шароит** жуфт сўзи тузилган.

ШАРОЙИТ *қ.* **шароит**

ШАРОФАТ Бу арабча сўз асли **şarāfat(un)** шаклига эга; **şarufa** феълидан 'ҳурматли бўлди', 'донгдор бўлди' маъноси билан (АРС, 401) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), ўзбек тилида 'фойда келтирувчи фазилат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 399). Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Бу сўздан ўзбек тилида **шарофатли** сифати ясалган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАРТ Бу арабча сўз **şart(un)** шаклига эга (АРС, 399); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **şart → шарт; şarata** феълининг 'талаб-таклифлар билдирди' маъноси билан (АРС, 399) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'оғзаки ёки ёзма равишда билдирилган талаб-таклифлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 399). Бу сўз билан ўзбек тилида **шарт-шароит** жуфт сўзи тузилган.

ШАРТЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **шарт** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб, асли 'тўлиқ келишувга келинмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 400).

ШАРТНОМА Бу сўз тожик тилида арабча **шарт** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **нома** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 271, 452); 'ўзаро келишув ҳақидаги ёзма битим' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 400).

ШАРЪАН Бу арабча сўз 'қонун чиқарди' маъносини англатувчи **şaraъa**[1] феълидан ҳосил қилиниб, 'шариат қонуни' маъносини англатувчи I боб масдари **şarъ(un)** сўзининг (АРС, 400) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), ўзбек тилига айнни **ъ** (айириш) белгисига алмаштириб қабул қилинган: **şarъan → шаръан;** маъно тараққиёти натижасида 'шариат қонун-қоидаларига мос равишда' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 401).

ШАРЪИЙ Бу арабча сўз **şarъiyy(un)** шаклига эга (АРС, 400); ўзбек тилига айнни **ъ** (айириш) белгисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **şarъiyy → шаръий; şaraъa**[1] феълининг 'қонун чиқарди' маъноси билан (АРС, 400) ҳосил қилинган I боб масдари **şarъ(un)** сўзидан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'шариат қонунларига мувофиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 401).

ШАРҚ Бу арабча сўз **şarq(un)** шаклига эга (АРС, 402); **şaraqa** феълининг 'қуёш чиқди' маъноси билан (АРС, 401) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

142), 'дунёнинг қуёш чиқиш томони' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 401).

ШАРҚИЙ Бу сўз арабча **шарқ** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **şarqiyy → шарқий;** 'шарқ томонда жойлашган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 401).

ШАРҚОНА Бу сўз ўзбек тилида арабча **шарқ** сўзидан (қ.) тожикча **-она** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган равиш бўлиб, 'шарқ оламига хос' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 401).

ШАРҚШУНОС Бу сўз тожик тилида арабча **шарқ** сўзига (қ.) 'бил-' маъносини англатувчи тожикча **шинохтан** феълининг **шинос** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 458, 457, 452), ўзбек тилига бу сўз таркибидаги **и** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **шарқшинос → шарқшунос;** 'дунёнинг шарқ қисмида яшовчи аҳолининг тили, маданияти, тарихини ўрганувчи мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 401). Бу сўздан ўзбек тилида **шарқшунослик** мавҳум оти ясалган.

ШАРҲ Бу арабча сўз **şarĥ(un)** шаклига эга (АРС, 398); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **şarĥ → шарҳ; şaraĥa** феълининг 'тушунтирди' маъноси билан (АРС, 398) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'бирор нарсанинг моҳиятини тушунтириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 401). Бу сўздан ўзбек тилида **шарҳла-** феъли ва бу феълдан **шарҳловчи** оти ясалган.

ШАФАҚ Бу сўз луғатда 'раҳмдил бўлди', 'қўрқди' маъноларини англатувчи **şafiqa** феъли мақоласида берилган бўлиб, **şafaq(un)** шаклига эга (АРС, 410); 'қуёш ботиши олдидан уфқда пайдо бўладиган қизиллик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 402).

ШАФЕ қ. **анқо**

ШАФИҚ Бу арабча сўз **şafīq(un)** шаклига эга (АРС, 410); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириб қабул қилинган: **şafīq → шафиқ; şafiqa** феъли—нинг 'раҳмдил бўлди' маъноси билан (АРС, 410) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'раҳмдил', 'шафқатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 402).

ШАФОАТ Бу арабча сўз **şafāʾat(un)** шаклига эга (АРС, 410); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şafāʾat → шафâат (шафоат); şafaʾa**[1] феълининг 'қўллаб-қувватлади', 'ҳомийлик қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'қўллаб-қувватлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 402).

ШАФФОФ Бу арабча сўз **şaffāf(un)** шаклига эга (АРС, 409); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şaffāf → шаффâф (шаффоф); şaffa** феълининг 'у томондаги нарсани аниқ, тиниқ кўрсатди' маъноси билан (АРС, 409) **faʿʿāl(un)** вазнида ясалган бу сўз (УАЯ, 240) 'ўта даражада юпқа ва тиниқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 403).

ШАФҚАТ Бу арабча сўз асли **şafaqat(un)** шаклига эга (АРС, 410); ўзбек тилига таркибидаги иккинчи **а** унлисини ташлаб қабул қилинган: **şafaqat → шафқат;** бу унли форс тилида сақланган (АРС, 313), тожик тилида, бундан ташқари, **қ** ундоши қатланган ҳам: **шафаққат** (ТжРС, 453). Кўринадики, айни бир сўз уч тилга уч шаклда қабул қилинган. Бу сўз асли **şafiqa** феълининг 'раҳмдил бўлди' маъноси билан (АРС, 410) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'раҳмдиллик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 403). Бу сўз билан ўзбек тилида **шафқатли, шафқатсиз** сифатлари ясалган, **раҳм-шафқат** жуфт сўзи тузилган.

ШАХС Бу арабча сўз **şaxṣ(un)** шаклига эга (АРС, 395); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **şaxṣ → шахс;** кўпмаъноли **şaxaṣa** феълининг 'кимлигини аниқлади' маъноси билан (АРС, 395) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'маълум бир киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 403).

ШАХСАН Бу сўз **шахс** сўзининг (қ.) тушум кели—шиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти нати—

www.ziyouz.com kutubxonasi

жасида 'ҳар бир кишининг ўзи' маъносини англатувчи мустақил сўзга айланган (ЎТИЛ, II, 403).

ШАХСИЙ Бу арабча сўз **şaxsîyy(un)** шаклига эга (АРС, 395); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **şaxsîyy → шахсий; шахс** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'шахснинг ўзига тегишли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 403).

ШАХСИЙАТ Бу арабча сўз **şaxsîyyat(un)** шаклига эга (АРС, 395); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб, таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **şaxsîyyat → шахсийат (шахсият); шахс** сўзидан (қ.) **-ийят(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'шахснинг ўзини қадрлаш ҳисси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 403).

ШАХСИЙАТПАРАСТ Бу сўз арабча **шахсийат** сўзига (қ.) 'сажда қил-' маъносини англатувчи тожикча **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб тузилган; 'ўз шахсини бошқалардан юқори қўядиган', 'худбин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 403). Бу сўздан ўзбек тилида **шахсийатпарастлик** мавҳум оти ясалган.

ШАШМАҚОМ қ. **мақом**

ШАЪН Бу арабча от **şaьn(un)** шаклига эга (АРС, 389); ўзбек тилига сукунли ҳамза ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **şaьn → шаън;** араб тилида беш маънони англатувчи бу сўз ўзбек тилига 'юксак қадр-қиймат', 'обрў-эътибор' маъноси билан (АРС, 389) қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 404).

ШАҲВАТ Бу арабча сўз **şahvat(un)** шаклига эга (АРС, 420); асли **şahā** феълининг 'эҳтирос ҳис қилди' маъноси билан ҳосил қилинган масдари бўлиб (АРС, 420), 'кучли эҳтирос' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 406). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди.

ШАҲВОНИЙ Бу арабча сўз **şahvāniyy(un)** шаклига эга (АРС, 420); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рини ташлаб қабул қилинган: **şahvāniyy → шаҳвâний (шаҳвоний);** асли **şahā** феълининг 'кучли эҳтирос ҳис қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари **şahvān(un)** сўзидан **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'эҳтиросли', 'шаҳват билан боғлиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 406).

ШАҲД-У ШАКАР Бу жуфт сўз ўзбек тилида арабча **шаҳд** сўзи билан тожикча (асли ҳиндча) **шакар** сўзидан (ЎТИЛ, II, 392) тузилган (ЎТИЛ, II, 406); **шаҳд** сўзи **şahd(un)** шаклига эга бўлиб, 'тоза асал' маъносини (АРС, 419), шунга кўра **шаҳд-у шакар** жуфт сўзи 'ўта даражада ширин' маъносини англатади.

ШАҲИД Бу арабча сўз **şahīd(un)** шаклига эга (АРС, 419); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şahīd → шаҳид;** кўпмаъноли **şahida** феълининг 'қийналиб ўлди' маъноси билан (АРС, 418) ясалган сифат бўлиб (АТГ, 43), 'жангда қурбон бўлган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 406).

ШАҲЛО Бу арабча сўз **şahlāьu** шаклига эга (АРС, 420); ўзбек тилига **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги даммали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **şahlāьu → шаҳлâ (шаҳло);** асли 'кўк кўзли' маъносини англатувчи **ьaşhalu** аслий сифатининг (АРС, 420) муаннас шакли бўлиб (АТГ, 43), ўзбек тилида 'йирик, чиройли, нурланиб турадиган (кўз)' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 406).

ШАҲОДАТ Бу арабча сўз **şahādat(un)** шаклига эга (АРС, 418); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şahādat → шаҳâдат (шаҳодат);** кўпмаъноли **şahida**[2] феълидан 'ёзма тарзда гувоҳлик берди' маъноси билан (АРС, 418) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568)), араб тилида 'ёзма гувоҳнома' маъносини англатади (АРС, 418); ҳозирги ўзбек тилида бу сўз аёл кишининг атоқли оти сифатида гина ишлатилади (ЎТИЛ, II, 406).

ШАҲОДАТНОМА Бу сўз ўзбек тилида арабча **шаҳодат** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча

www.ziyouz.com kutubxonasi

нома сўзини (ТжРС, 271) қўшиб тузилган бўлиб, 'ўрта ўқув юртини тугатганлик тўғрисидаги ҳужжат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 406).

ШЕКИЛЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **шакл** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, сўзлашув тилида **а** унлиси **э(е)** унлисига алмашган, **кл** ундошлари оралиғига **и** унлиси қўшиб талаффуз қилинган ва шу шаклида адабий тилга олинган: **шакл+ли = шаклли → шекилли;** 'шундай бўлса керак' каби тахмин маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, II, 406).

ШЕРИК Бу арабча сўз асли **şarīk(un)** шаклига эга (АРС, 403); ўзбек тилига **а** унлисини **е** унлисига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şarīk → шерик** (Тожик тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси аслича сақланган: ТжРС, 451). Бу сўз 'ҳамкор бўлди' маъносини англатувчи **şarika** феълидан (АРС, 402) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'маълум иш-фаолиятни биргаликда бажарувчи', 'ҳамкор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 407). Бу сўздан ўзбек тилида **шериклик, шерикчилик** отлари ясалган.

ШЕЪР Бу арабча сўз **şiъr(un)** шаклига эга (АРС, 406); ўзбек тилига **і** унлисини **е** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **şiъr → шеър.** Бу сўз асли 'ҳис қилди', 'таъсирланди' маъносини англатувчи **şaъara** феълининг (АРС, 406) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'вазн ва қофияли кичик бадиий асар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 408).

ШЕЪРИЙ Бу арабча сўз **шеър** сўзидан (қ.) **-іуу(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), **şiъrіуу(un)** шаклига эга (АРС, 406); ўзбек тилига **і** унлисини **е** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **şiъrіуу → шеърий;** 'шеър билан ёзилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 408).

ШЕЪРИЙАТ Бу арабча сўз **шеър** сўзидан (қ.) **–іуyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АТГ, 370). **şiъгiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 406); ўзбек тилига **i** унлисини **e** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, таркибидаги **yy** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **şiъгiyyat → шеърийат (шеърият);** 'шеърий асарлар мажмуи', 'поэзия' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 408).

ШЕЪРХОНЛИК Бу сўз ўзбек тилида тожикча **шеърхон** сўзидан **-лик** қўшимчаси билан ясалган; **шеърхон** сўзи эса арабча **шеър** сўзига (қ.) тожикча 'ўқи-' маъносини англатувчи **хондан** феълининг **хон** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 426). **Шеърхонлик** сўзи 'шоирларнинг навбатма-навбат ўзи яратган шеърларини ўқиши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 408).

ШИДДАТ Бу арабча сўз **şiddat(un)** шаклига эга (АРС, 396); 'кучли, бақувват бўлди' маъносини англатувчи **şadda** феълининг масдари бўлиб (АРС, 395), ўзбек тилида 'кескинлик', 'катта тезлик' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 409), кўпинча **шиддат билан** шаклида ишлатилади. **Шиддат** сўзидан **шиддатли** сифати ясалган.

ШИЖОАТ Бу арабча сўз асли **şaçāъat(un)** шаклига эга (АРС, 393); ўзбек тилига биринчи **а** унлисини **и** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şaçāъat → шижâат (шижоат);** 'довюрак бўлди', 'журъатли бўлди' маъносини англатувчи **şaçuъa** феълидан (АРС, 393) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'довюраклик', 'журъат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 409). Бу сўздан ўзбек тилида **шижоатли, шижоатсиз** сифатлари ҳосил қилинган.

ШИКОЙАТ Бу арабча сўз **şikāyat(un)** шаклига эга (АРС, 414); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şikāyat → шикâйат (шикоят); şakā** феълининг 'нолиб, хасрат қилиб гапирди' маъноси билан (АРС, 414) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'нолиб, хасрат қилиб айтилган гаплар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 410). Бу сўздан ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида **шикоятчи** оти, **шикоят қил-** феъли ясалган.

ШИКОЙАТНАМО Бу сўз ўзбек тилида арабча **шикойат** сўзига (қ.) 'кўрингандек бўл-' маъносини англатувчи тожикча **намудан** феълининг **намо** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 257, 256) қўшиб тузилган бўлиб, 'шикоятга ўхшаб кетадиган тарзда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 410).

ШИКОЙАТНОМА Бу сўз тожик тилида арабча **шикойат** сўзига (қ.) 'хат' маъносини англатувчи тожикча **ҳома** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 271, 457); 'шикоят хати' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 410).

ШИМОЛ Бу арабча сўз **şimāl(un)**[1] шаклига эга (АРС, 417); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şimāl → шимâл (шимол);** асли 'ўралди' маъносини англатувчи **şamala** феълидан ҳосил қилинган III боб шаклининг масдари бўлиб (АТГ, 247), 'жанубнинг акси томон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 413). Бу сўз билан ўзбек тилида **шимоли шарқ, шимоли шарқий, шимоли ғарб, шимоли ғарбий** бирикмалари тузилган.

ШИМОЛИЙ Бу арабча сўз **şimāliyy(un)**[1] шаклига эга (АРС, 417); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **şimāliyy → шимâлий (шимолий);** араб тилида **şimāl(un)** сўзидан (қ.) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'шимол томондаги', 'шимолда жойлашган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 413).

ШИОР Бу арабча сўз **şiъār(un)** шаклига эга (АРС, 406); ўзбек тилига чўзиқ фатҳали айнни **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şiъār → шиâр (шиор).** Бу сўз асли 'ҳис қилди', 'таъсирланди' маъносини англатувчи **şaъara** феълининг (АРС, 406) I боб масдари бўлиб, 'маълум бир ғояни ихчам шаклда ифодаловчи чақириқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 414).

ШИРКАТ Бу арабча сўз **şirkat(un)** шаклига эга (АРС, 402); 'бирлашди' маъносини англатувчи **şarika** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'маълум иш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаолиятни биргаликда бажариш мақсади билан тузилган уюшма', 'ҳамкорлик уюшмаси' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 417).

ШИФО Бу арабча сўз **şifāь(un)** шаклига эга (АРС, 410); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **şifāь → шифâ (шифо);** 'соғайтирди' маъносини англатувчи **şafā** феълидан (АРС, 410) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), 'соғайиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 418).

ШИФОБАХШ Бу сўз тожик тилида арабча **шифо** сўзига (қ.) 'бер-', 'инъом қил-' маъносини англатувчи тожикча **бахшидан** феълининг **бахш** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 52, 51, 459); 'соғайтирадиган', 'соғломлаштирадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 418).

ШИФОКОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **шифо** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган; 'даволовчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 418).

ШИФОХОНА Бу сўз тожик тилида арабча **шифо** сўзига (қ.) 'уй', 'жой' маъносини англатувчи тожикча **хона** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 426, 459); 'соғлиқни тиклаш муассасаси' (лечебница) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 418).

ШОИР Бу арабча сўз **şāъir(un)** шаклига эга (АРС, 406); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали айн товушини **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **şāъir → шâир (шоир).** Бу сўз асли 'ҳис қилди', 'таъсирланди' маъносини англатувчи **şaъara** феълининг (АРС, 406) 'шеър ижод қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), бош маъносида 'шеър ижод қилувчи (киши)' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 423). Ўзбек тилида бу сўздан **-лик** қўшимчаси билан **шоирлик** сўзи ясалган.

ШОИРА Бу сўз арабча **шоир** сўзининг (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), ўзбек тилига бу қўшимчанинг **а** қисмини

www.ziyouz.com kutubxonasi

сақлаб, **т** қисмини ташлаб қабул қилинган: **шоират → шоира:** 'аёл шоир' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 423). **Шоира** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ШОИРОНА Бу сўз тожик тилидан олинган бўлиб, асли арабча **шоир** сўзидан (қ.) тожикча **-она** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 460, 542); 'шоирларга хос илҳом билан, кўтаринкилик билан' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 423).

ШОН Бу сўз асли **шаън** сўзининг (қ.) ўзбек тилида товуш жиҳатидан ўзгарган шакли бўлиб **(аъ → â),** 'обрў', 'эътибор' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 434). Бу сўздан ўзбек тилида **шонли** сифати ясалган, **шон-шавкат, шон-шараф, шон-шуҳрат** жуфт сўзлари тузилган.

ШОНЛИ қ. **шон**
ШОН-ШАВКАТ қ. **шон**
ШОН-ШАРАФ қ. **шон**
ШОН-ШУҲРАТ қ. **шон**

ШОҲИД Бу арабча сўз **şāhid(un)** шаклига эга (АРС, 418); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şāhid → шâҳид (шоҳид);** кўпмаъноли **şahida** феълининг 'кўрди', 'кузатди' маъноси билан (АРС, 418) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'ўз кўзи билан кўрган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 427). Бу сўзнинг муаннас шакли **шоҳида** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ШОҲИДА қ. **шоҳид**

ШУАРО Бу арабча сўз **şuъarāъu** шаклига эга (АРС, 406); ўзбек тилига фатҳали айнни **а** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги дамали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **şuъarāъu → шуарâ (шуаро); шоир** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 41), 'шоирлар' маъносини билдиради (ЎТИЛ, II, 430).

ШУБҲА Бу арабча сўз **şubhat(un)** шаклига эга (АРС, 392); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **şybhat → шубҳа; şabiha** феълининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

'ноаниқ туйилди' маъноси билан (АРС, 391) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ишончсизлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 430). Бу сўз билан ўзбек тилида **шубҳали, шубҳасиз** сифатлари, **шубҳалан-** феъли ясалган, **шак-шубҳа** жуфт сўзи тузилган.

ШУКР Бу арабча сўз **şukr(un)** шаклига эга (АРС, 413); **şakara** феълининг 'миннатдорчилик билдирди' маъноси билан (АРС, 412) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'миннатдорлик' маъносини англатади. **Шукур** сўзи асли **шукр** сўзининг кўплиги бўлиб (АРС, 413; АТГ, 40), 'миннатдорликлар' маъносини билдиради. Бу сўз ЎТИЛда (II, 431) **шукр** сўзига айнан деб нотўғри кўрсатилган. **Шукур** сўзи ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ШУКРОНА Бу арабча сўз **şukrānat(un)** шаклига эга; ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **şukrānat → шукрâна (шукрона); şakara** феълининг 'миннатдорчилик билдирди' маъноси билан (АРС, 412) ҳосил қилинган I боб масдари **şukrān(un)** сўзидан (АТГ, 143) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'миннатдорлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 431). Бу от сўз ЎТИЛда арабча **шукр** сўзидан тожикча **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш деб нотўғри кўрсатилган.

ШУКУР қ. **шукр**

ШУМ Бу арабча сўз **şuьm(un)** шаклига эга (АРС, 389); ўзбек тилига ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **şuьm → шум;** 'бахтсизлик келтирди', 'бахтсизлик воқе бўлди' маъносини англатувчи **şuьama** феълидан (АРС, 389) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'бахтсизлик' маъносини англатади (АРС, 389); ўзбек тилида эса бу сўз 'ёмон ниятли', 'ҳар қандай ёмонлик қўлидан келадиган', 'ярамас қилиқлар қилади-ган' каби белги маъноларини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 431). Ўзбек тилида бу сўз билан **шумлик** мавҳум оти ясалган, **шумтака, шумтол** қўшма сўзлари тузилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШУМТАКА қ. **шум**
ШУМТОЛ қ. **шум**

ШУУР Бу арабча сўз **şuъūr(un)** шаклига эга (АРС, 406); ўзбек тилига чўзиқ даммали айнни **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şuъūr → шуур.** Бу сўз асли 'ҳис қилди', 'таъсирланди' маъносини англатувчи **şaъara** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ҳис-туйғу', 'ақл-идрок' маъносини англатади (АРС, 406; ЎТИЛ, II, 433).

ШУУРЛИ ҲОЛАТДА Бу бирикма арабча **шуур** сўзидан (қ.) **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифат асосида ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'фикрлаш қобилияти, ҳиссиёти меъёр даражасида бўлиб' каби маънони англатувчи ҳуқуқшунослик термини сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 433).

ШУУРСИЗ ҲОЛАТДА Бу бирикма арабча **шуур** сўзидан (қ.) **-сиз** қўшимчаси билан ясалган сифат асосида ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'фикрлаш қобилияти, ҳиссиёти меъёр доирасидан четга чиққан ҳолатда' маъносини англатувчи ҳуқуқшунослик термини сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 433).

ШУЪБА Бу арабча сўз **şuъbat(un)** шаклига эга (АРС, 405); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **şuъbat → шуъба; şaъaba** феълидан 'бўлакларга ажратди' маъноси билан (АРС, 405) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'идора, ташкилотнинг бўлими' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 433).

ШУЪЛА Бу арабча сўз **şuъlat(un)** шаклига эга (АРС, 407); ўзбек тилига сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **şuъlat → шуъла;** 'олов ёқди', 'ёндирди' маъносини англатувчи **şaъala** феълининг (АРС, 407) I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'аланга', 'конфорка' каби маъноларни (АРС, 407), ўзбек тилида эса 'узоқдан кўриниб турган нур, ёруғлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 433). Бу сўздан ўзбек тилида **шуълалан-** феъли ясалган.

ШУҒУЛЛАН- Ўзбек тилида арабча **шуғул** сўзидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

-лан қўшимчаси билан ясалган бу феъл 'машғул бўл-' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 433). Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **шуғул** сўзи асли кўпмаъноли **şağala** феълининг 'банд қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'бирор фаолият билан банд бўлиш' маъносини англатади (АРС, 409).

ШУҲРАТ Бу арабча сўз **şuhrat(un)** шаклига эга (АРС, 419); кўпмаъноли **şahara** феълининг 'машҳур бўлди', 'донг таратди' маъноси билан (АРС, 419) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'халқ назарига тушиб қозонилган донг, довруқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 434). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ШУҲРАТПАРАСТ Бу сўз тожик тилида арабча **шуҳрат** сўзига (қ.) 'сажда қил-' маъносини англатувчи тожикча **парастидан** феълининг **параст** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 298, 463); 'шуҳрат қозонишга ўта даражада интилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 434). Бу сўздан ўзбек тилида **шуҳратпарастлик** мавҳум оти ясалган.

ШЎРО Бу арабча сўз асли **şūrā** шаклига эга (АРС, 4210; ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **ў** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **şūrā → шўрâ (шўро);** кўпмаъноли **şāra** феълидан 'маслаҳат берди' маъноси билан (АРС, 420) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТН, 143), 'маслаҳат', 'кенгаш' маъносини англатади; **совет** сўзи ўрнида ишлатилган (ЎТИЛ, II, 436).

Э

ЭЪЗОЗ-ИКРОМ Бу жуфт сўз арабча **ъizāz(un)** [АРС, 513] ва **ьikrām(un)** [АРС, 684] сўзларидан таркиб топган; ўзбек тилига биринчи сўз бошланишидаги касрали айн товушини **э** товушига алмаштириб ва **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, иккинчи сўз бошланишидаги касрали ҳамзани **и** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қабул қилинган: **ъizāz-ьikrām → эъзâз-икрâм (эъзоз-икром).**

Эъзоз сўзи асли **азиз** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), 'юксак даражадаги ҳурмат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 458). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, юқоридаги жуфт сўз таркибида келади; бу сўздан ўзбек тилида **эъзозла-** феъли ясалган. **Икром** сўзи асли 'сахий бўлди', 'меҳр-оқибатли бўлди' маъносини англатувчи **karuma** феълининг (АРС, 684) IV боб масдари бўлиб (АТГ, 223), 'иззат-ҳурмат' маъносини англатади (АРС, 684; ЎТИЛ, I, 320). Бу турдош от ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади.

ЭЪЗОЗЛА- *қ.* **эъзоз-икром**

ЭЪЛОН Бу арабча сўз **ьiълān(un)** шаклига эга (АРС, 535); ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьiълān → эълâн (эълон); ъaluna** феълининг 'хабарни маълум қилди' маъноси билан (АРС, 535) ҳосил қилинган IV боб шакли **ъalana** сўзидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), 'расман маълум қилинган хабар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 458). Бу сўз билан ўзбек тилида **эълон қил-** феъли тузилган.

ЭЪТИБОР Бу арабча сўз **ьiътibār(un)** шаклига эга (АРС, 494); ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьiътibār → эътибâр (эътибор);** асли **ъabara**[2] феълининг (АРС, 494) 'ибрат қозонди' маъноси билан ҳосил қилинган VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'алоҳида диққат билан ёндашиш', 'нуфуз', 'обрў' каби маънолар-ни англатади (ЎТИЛ, II, 458). Бу сўз аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида **эътибор** сўзидан **эътиборли** сифати ясалган.

ЭЪТИБОРАН Бу сўз арабча **эътибор** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), '(маълум вақт)дан бошлаб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 458).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭЪТИРОЗ Бу арабча сўз **ьиътирāд(un)** шаклига эга (АРС, 508); ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьиътирāд → эътирâз (эътироз);** кўпмаъноли **ъарāда** феълининг 'қўшилмаганлигини айтди' маъноси асосида (АРС, 508)) ҳосил қилинган VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'қўшилмаганлик, норозилик фикри' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 459). Бу сўздан ўзбек тилида **эътирозсиз** сифати ҳосил қилинган.

ЭЪТИРОФ Бу арабча сўз **ьиътирāf(un)** шаклига эга (АРС, 510); ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьиътирāf → эътирâф (эътироф).** Бу сўз асли 'билди', 'таниди' маъносини англатувчи **ъарафа** феълининг (АРС, 509) VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), 'тан олиш', 'тўғри деб тасдиқлаш' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 459). Бу сўз билан ўзбек тилида **эътироф қил-** қўшма феъли тузилган.

ЭЪТИҚОД Бу арабча сўз **ьиътиқāд(un)** шаклига эга (АРС, 527); ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** товушига, чўзиқ **ā** товушини **â** товушига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ьиътиқāд → эътиқâд (эътиқод).** Бу сўз асли 'боғлади' маъносини англатувчи **ъаqада** феълининг VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 567), ўзбек тилида 'қаттиқ ишонч', 'Оллога кучли ишонч билан сиғиниш' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 459).

ЭҲРОМ Бу арабча сўз **ьиһрāм(un)** шаклига эга (АРС, 168); ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьиһрāм → эҳрâм (эҳром); һаrума** феълидан 'эъзоз-эҳтиромга лойиқ бўлди' маъноси билан (АРС, 168) ҳосил қилинган IV боб масдари бўлиб (АТГ, 224), 'муқаддас жойга дохил бўлувчи киши ўзини ўрайдиган оқ покиза мато' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади (ЎТИЛ, II, 459). Бу сўз 'Миср пирамидаси' маъносини англатишга ҳам хизмат қилади.

ЭҲСОН Бу арабча сўз **ьihsān(un)** шаклига эга (АРС, 173); ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унли — сига алмаштириб қабул қилинган: **ьihsān → эҳсâн (эҳ — сон); ĥasuna** феълининг 'хайр-саховат билан совға берди' маъносини англатувчи IV боб шакли **ьaĥsana** сўзидан (АРС, 173) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 223), 'хайр-саховат билан берилган совға' маъносини англа — тади (ЎТИЛ, II, 459).

ЭҲТИЙОЖ Бу арабча сўз **ьihtiyāç(un)** шаклига эга (АРС, 199); ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьihtiyāç → эҳ — тийâж (эҳтиёж);** 'етишмовчилик юзага келди' маъно — сини англатувчи **ĥavvaça** феълининг (АРС, 199) VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 304), 'бирор нарсага бўлган муҳ — тожлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 459).

ЭҲТИЙОТ Бу арабча сўз асли **ьihtiyāt(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 202), касрали ҳамзани **э** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унли — сига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ьihtiyāt → эҳтийâт (эҳтиёт); ĥāta** феълидан 'атрофни ўради' маъноси билан ҳосил қилинган VIII боб масдари бўлиб (УАЯ, 304), 'турли кутилмаган ҳодиса — ларнинг олдини олиб иш тутиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 460). Бу сўз билан **эҳтийотла-** феъли ясалган, **эҳтийот бўл-, эҳтийот қил-** қўшма феъллари тузилган.

ЭҲТИЙОТКОР Бу сўз тожик тилида арабча **эҳтийот** сўзидан (қ.) **-кор** қўшимчаси билан ясалган бўлиб (ТжРС, 467, 542), 'эҳтиёт чоралари кўриб иш қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 460). Бу сўздан ўзбек тилида **эҳтийоткорлик** мавҳум оти ясалган.

ЭҲТИМОЛ Бу арабча сўз **ьihtimāl(un)** шаклига эга (АРС, 196); ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьihtimāl → эҳ —**

www.ziyouz.com kutubxonasi

тимâл (эҳтимол); кўпмаъноли **ħamala** феълининг (АРС, 195) VIII боб шакли **ьиħtamala** сўзидан 'тахминан шундай бўлди' маъноси билан (АРС, 196) ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 304), 'рўёбга чиқишини, воқе бўлишини тахмин қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 460).

ЭҲТИРОМ Бу арабча сўз асли **ьиħtirām(un)** шаклига эга (АРС, 168); ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ьиħtirām → эҳтирâм (эҳтиром); ħaruma** феълининг 'иззат-икром кўрсатди' маъносини англатувчи VIII боб шаклидан (АРС, 168) ҳосил қилинган масдар бўлиб (УАЯ, 567), 'юксак даражадаги иззат-икром' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 460).

ЭҲТИРОС Бу арабча сўз асли **ьиħtirâs(un)** шаклига эга; ўзбек тилига касрали ҳамзани **э** товушига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ьиħtirâs → эҳтирâс (эҳтирос); ħaraŝa** феълининг 'кучли ҳис-туйғу билан интилди' маъноси асосида (АРС, 165) ҳосил қилинган VIII боб масдари бўлиб (АТГ, 309), 'маълум бир нарсага интилишни ифодаловчи кучли ҳис-туйғу' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 460). Бу сўздан ўзбек тилида **эҳтиросли** сифати ҳосил қилинган.

Қ

ҚАБЗ қ. **қабзийат**

ҚАБЗА Бу арабча сўз **qabžat(un)** шаклига эга (АРС, 618); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qabžat → қабза;** кўпмаъноли **qabaža** феълининг 'қўли билан ушлади' маъноси билан (АРС, 618) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'тутқич', 'тутам' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 630).

ҚАБЗИЙАТ Бу арабча сўз **qabžiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 618); ўзбек тилига изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган: **qabžiyyat → қабзийат (қабзият);** кўпмаъноли **qabaža** феълининг 'қисди', 'ушлаб қолди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари **qabž(un)** сўзидан (АРС, 618) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида 'маош' маъносини англатади (АРС, 618); ўзбек тилида бу сўз 'ичнинг қотиши' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 630).

ҚАБИЛ: Бу арабча сўз **qabīl(un)** шаклига эга (АРС, 620); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qabīl → қабил;** асли кўпмаъноли **qabila** феълининг I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'тарз', 'йўсин' маъносини англатади, III шахс эгалик қўшимчасини ва ўрин келишиги қўшимчасини олган ҳолатда ишлатилади (ЎТИЛ, II, 530).

ҚАБИЛА Бу арабча сўз **qabīlat(un)** шаклига эга (АРС, 620); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qabīlat → қабила;** асли кўпмаъноли **qabila** феълининг I боб масдари **qabīl(un)** сўзидан (АТГ, 143) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'кишиларнинг синфий жамият юзага келмасдан олдинги ижтимоий бирлашмаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 530). Ўзбек тилида бу сўздан **-дош** қўшимчаси билан **қабиладош** сифати, **-чилик** қўшимчаси билан **қабила-чилик** мавҳум оти ясалган.

ҚАБИҲ Бу арабча сўз **qabīh(un)** шаклига эга (АРС, 617); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **qabīh → қабиҳ; qabuha** феълининг 'ярамас, жирканч бўлди' маъноси билан (АРС, 617) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'ярамас', 'жирканч' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 630).

ҚАБОҲАТ Бу арабча сўз **qabāhat(un)** шаклига эга (АРС, 617); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **qabāhat → қабâҳат (қабоҳат); qabuha** феълининг 'ярамас, жирканч бўлди' маъноси билан (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

617) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'қабиҳлик', 'разиллик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 630).

ҚАБР Бу арабча сўз **qabr(un)** шаклига эга (АРС, 617); 'кўмди' маъносини англатувчи **qabara** феълининг (АРС, 617) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'гўр' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 530).

ҚАБРИСТОН Бу сўз тожик тилида арабча **қабр** сўзидан (қ.) **-истон** қўшимчаси билан ясалган бўлиб (ТжРС, 542, 482), 'гўристон' маъносини англатади.

ҚАБУЛ Бу арабча сўз асли **qūbūl(un), qabūl(un)** шаклларига эга (АРС, 620), ўзбек тилига **qabūl** шакли чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб олинган: **qabūl → қабул;** асли кўпмаъноли **qabila** феълининг 'ишониб рози бўлди' маъноси билан (АРС, 619) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'таклиф, илтимос кабиларни маъқул кўриш, розилик билдириш' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 530). Бу сўз билан ўзбек тилида **қабул қил-** қўшма феъли тузилган.

ҚАБУЛХОНА Бу сўз ўзбек тилида арабча **қабул** сўзига (қ.) 'уй', 'жой' маъносини англатувчи тожикча **хона** сўзини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган, 'расмий идорага бирор иш билан келган киши раҳбар олдига киргунча кутиб турадиган хона' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 530).

ҚАВМ Бу арабча сўз **qavm(un)** шаклига эга (АРС, 667); асли кўпмаъноли **qāma** феълининг 'ташкил топди' маъноси билан (АРС, 666) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'қариндошлик муносабатидаги кишилар', 'уруғ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 532). Бу сўз 'маълум бир масжидга намоз ўқиш учун мунтазам келадиган кишилар' маъносини ҳам англатади. Бу сўзни биринчи маъноси билан **қариндош** сўзига бирлаштириб **қавм-қариндош** жуфт сўзи тузилган. Бу жуфт сўз қисмлари орасида **-у** боғловчиси қатнашса, **қавм-у қариндош** тарзида ёзиш тўғри.

КАВМ-ҚАРИНДОШ қ. **қавм**

ҚАВОЛА қ. **қарз-қавола**

ҚАВС I Бу арабча сўз **qavs(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

664); 'эгилган ҳолатда бўлди' маъносини англатувчи **qavisa** феълидан (АРС, 664) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'ёй', 'арка', 'дуга', 'скобка' маъноларини англатади (АРС, 664); ўзбек тилига 'скопка' маъноси билан олинган: **кичик қавс, ўрта қавс, катта қавс** (ЎТИЛ, II, 532).

ҚАВС II Бу арабча сўз **qavs(un)** шаклига эга (АРС, 664); 'эгилган ҳолатда бўлди' маъносини англатувчи **qavisa** феълидан (АРС, 664) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида, шунингдек ўзбек тилида ҳам ўн икки бурждан Ақраб ва Жадйи буржлари оралиғида жойлашган буржнинг номи сифатида, шамсия йил ҳисобидаги тўққизинчи ойнинг номи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 532). Сўзлашув тилида бу сўз **қовус** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ҚАДАМ Бу арабча сўз **qadam(un)** шаклига эга (АРС, 626); **qadama** феълининг 'олдинга борди' маъноси асосида (АРС, 625) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилидан 'оёқни олд томонга ташлаб қилинган ҳар бир ҳаракат' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 532).

ҚАДАММА-ҚАДАМ Бу сўз асли тожикча **қадам ба қадам** бирикмасининг (ТжРС, 482) ўзбек тилида товуш жиҳатидан ўзгарган шакли: **ба** предлоги таркибидаги **б** ундоши **м** ундошига алмаштирилиб, бирикманинг биринчи қисмига қўшиб юборилган, ёзувда қисмлар орасига чизиқча қўйиш қабул қилинган: **қадам ба қадам → қадамма-қадам;** 'изма-из', 'кетидан қолмай' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 533).

ҚАДАҲ Бу арабча сўз **qadaḥ(un)** шаклига эга (АРС, 623); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **qadaḥ → қадаҳ;** асли **qadaḥa** феълининг 'ўйди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), ўзбек тилига 'май ичиладиган идиш (оёқ)' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 533). Қадаҳ дастлаб ёғочдан ўйиб ясалган.

ҚАД[Д] Бу арабча сўз **qadd(un)** шаклига эга (АРС, 623); бу сўзга эгалик қўшимчалари қўшилганда **дд** товушлари сақлаб айтилади ва ёзилади, бошқа ҳолларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир **д** товуши билан айлатилади ва ёзилади: *қаддим*, лекин *қадлари (эгилиб қолибди)* каби; **qadda** феълининг 'кесди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 623), 'киши танасининг тик йўналишдаги кўриниши', 'киши танасининг оёқлардан юқори қисми' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 532). Бу сўз билан ўзбек тилида **қад-қомат** жуфт сўзи тузилган [Бу жуфт сўз ЎТИЛда (II, 533) **қадди-қомат** тарзида нотўғри ёзилган: биринчи қисмга эгалик қўшимчаси қўшилса, жуфт сўзлик ҳолати йўқолади, бу икки сўз уюшиб келган бўлади].

ҚАДДИ-ҚОМАТ қ. **қад[д]**

ҚАДИМ Бу арабча сўз **qadīm(un)** шаклига эга (АРС, 626); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qadīm → қадим; qadama** феълининг 'олдида борди' маъноси билан (АРС, 625) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'узоқ ўтмиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 533). Бу сўз билан ўзбек тилида **қадимги** сифати ясалган.

ҚАДИМГИ қ. **қадим**

ҚАДР Бу арабча сўз **qadr(un)** шаклига эга (АРС, 624); кўпмаъноли **qadara** феълидан 'хизматларини муносиб баҳолади' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида 'ҳурмат-иззат кўрсатишга лойиқлик', 'аҳамиятини, қийматини йўқотмаганлик' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 534). Бу сўздан ўзбек тилида **қадрла-** феъли, **қадрли, қадрсиз** сифатлари, кейинги сифатдан **қадрсизлаш-** феъли ясалган; бу сўз билан **қадр-қиймат** жуфт сўзи ҳам тузилган.

ҚАДРДОН Бу сўз тожик тилида арабча **қадр** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дон** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 483, 137), 'иззат-ҳурмат кўрсатишга сазовор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 534). Бу сўздан ўзбек тилида **қадрдонлаш-** феъли ясалган.

ҚАДР-ҚИЙМАТ қ. **қадр**

ҚАЗО Бу арабча сўз **qaḍāʾ(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

644); ўзбек тилига дзад товушини **з** товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги айнни ташлаб қабул қилинган: **qaḍāẓ → қазâ (қазо).** Бу сўз асли кўпмаъноли **qaḍā** феълининг 'тугатди', 'йўқ қилди' маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АРС, 644), ўзбек тилига 'Оллонинг умр тугагани ҳақидаги ҳукми', 'вафот этиш', 'вафот этиш соати' маъноси билан олинган; кейинчалик 'намозни вақтида ўқимаганлик' маъносини ҳам англатишга хизмат қилдирилган (ЎТИЛ, II, 563).

ҚАЙД: Бу арабча сўз **qayd(un)**[3] шаклига эга (АРС, 670); **qayyada II** феълининг 'ёзиб қўйди' маъноси асосида (АРС, 669) ҳосил қилинган масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ёзиб қўйиш', 'таъкидлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 536). Бу сўз охиридаги ундош **д** айтилади, одатда **қайд эт- (қил-)** қўшма феъли таркибида ишлатилади.

ҚАЙД ЭТ-, ҚАЙД ҚИЛ- қ. **қайд**

ҚАЙЙУМ Бу арабча сўз **qayyūm(un)** шаклига эга (АРС, 667); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qayyūm → қаййум (қайюм);** асли **qāma** феълининг II боб шакли **qayyama** сўзидан 'ҳаёт (тирик) бўлди' маъноси билан (АРС, 666) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'абадий барҳаёт' маъносини англатади ва Оллога нисбат берилади; шунга кўра бу сўзни эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиш тўғри эмас, **Абдуқайюм** тарзида ишлатиш лозим.

ҚАЛАМ Бу арабча сўз **qalam(un)** шаклига эга (АРС, 657); 'кесди' маъносини англатувчи **qalama** феълининг I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), асли 'ингичка қамишдан кесиб тайёрланадиган ёзув қуроли' маъносини англатади (АРС, 657); кейинчалик 'ўртасига графит жойлаб тайёрланадиган ингичка чўпсимон ёзув қуроли' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 543). Араб тилида **қалам** сўзи кўпмаъноли бўлиб, ўзбек тилига шу маъноларидан 'ижод қилиш лаёқати' маъноси ҳам олинган.

ҚАЛАМДОН Бу сўз арабча **қалам** сўзига (қ.) 'ўрин

www.ziyouz.com kutubxonasi

топ-' маъносини англатувчи тожикча **донистан** феъли—нинг **дон** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 135, 484), 'қалам, ручка каби ёзув қуролларини солиб қўйиладиган буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 543).

ҚАЛАМИ Бу сўз арабча **қалам** сўзига (қ.) тожик тилида **-и** қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб (ТжРС, 484, 542), 'қўлда тўқилган таги оқ йўл-йўл дағал мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 543).

ҚАЛАМКАШ Бу сўз тожик тилида арабча **қалам** сўзига (қ.) тожикча **кашидан** феълининг 'чиз-', 'тасвирла-' маъноси билан ҳосил қилинган **каш** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 484, 184), асли 'қалам тебратувчи' маъносини билдиради, амалда эса 'ёзув-чизув билан шуғулланадиган (ёзувчи, шоир, таржимон каби) касб эгаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 543).

ҚАЛАМТАРАШ Бу сўз тожик тилида арабча **қалам** сўзига (қ.) 'йўн-' маъносини англатувчи **тарошидан** феълининг **тарош** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 484, 383), ўзбек тилига **â(o)** унлисини **а** унлисига алмаштириб олинган; 'тиғи сопининг ичига қайириб киритиладиган пичоқча' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 543). Асли қамишдан тайёрланадиган ёзув қуролини йўниб туришда ишлатилган бу пичоқча кейинчалик бошқа мақсадларга ишлатиладиган бўлган.

ҚАЛАМЧА Бу сўз ўзбек тилида арабча **қалам** сўзидан (қ.) 'ингичка новда' маъноси билан **-ча** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'экиб ёки пайванд қилиб кўкартириш учун кесиб олинган калта новдача' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 544).

ҚАЛБ I Бу арабча сўз **qalb(un)**[2] шаклига эга (АРС, 654); кўпмаъноли **qalaba** феълининг 'ўзгартирди', 'ай—лантирди' каби маъноси билан (АРС, 653) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), асли 'юрак' маъносини англатади, кейинчалик 'дил', 'кўнгил' каби мавҳум маънони ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 544).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЛБ II Бу арабча сўз **qalb(un)**[1] шаклига эга (АРС, 654); кўпмаъноли **qalaba** феълининг 'ағдарди' маъноси асосида (АРС, 653) ҳосил қилинган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'қинғир', 'алдам-қалдам' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 544).

ҚАЛБАКИ Бу сўз тожик тилида арабча **қалб II** сўзидан (қ.) **-аки** қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 484), 'сохта' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 544). Бу сўздан ўзбек тилида **қалбакилик** мавҳум оти, **қалбакилаштир-** феъли ясалган.

ҚАЛБАКИЛАШТИР- *қ.* **қалбаки**

ҚАЛБАКИЛИК *қ.* **қалбаки**

ҚАЛБАН Бу сўз арабча **қалб I** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'чин юракдан', 'дилдан' каби маънони англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 544).

ҚАЛЛОБ Бу арабча сўз **qallāb(un)** шаклига эга (АРС, 654); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qallāb → қаллâб (қаллоб);** асли кўпмаъноли **qallaba** феълининг 'ағдарди' маъноси асосида (АРС, 653) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 499), 'алдам-қалдам, қинғир ишлар билан шуғулланувчи', 'найрангбоз' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 545). Бу сўздан ўзбек тилида **қаллоблик** мавҳум оти ясалган.

ҚАЛЪА Бу арабча сўз **qalъat(un)** шаклига эга (АРС, 656); ўзбек тилига сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qalъat → қалъа; qalaъa** феълининг 'ковлади' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'мустаҳкам қўрғон', 'мудофаа иншоатлари билан таъминланган шаҳар' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 546).

ҚАМАР Бу арабча сўз **qamar(un)**[2] шаклига эга (АРС, 658); **qamira** феълининг 'қордек оппоқлиги кўзга таъсир қилди' маъноси билан (АРС, 658) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ой (планета)' маъносини англатади (АРС, 658; ЎТИЛ, II, 547). Бу сўз **Қамариддин** атоқли оти таркибида ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАМАРИЙА Бу арабча сўз **qamariyyat(un)** шаклига эга (АРС, 658); ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушла— ридан бирини ва сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qamariyyat → қамарийа (қамария); қамар** сўзидан (қ.) **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'ойга асосланган йил ҳи— собий' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 547).

ҚАНОАТ Бу арабча сўз **qanāъat(un)** шаклига эга (АРС, 661); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали айнни **а** товушига алмаштириб қабул қилинган: **qanāъat → қанâат (қаноат);** 'бори билан кифояланди' маъносини англатувчи **qaniъa** феълининг I боб масда— ри бўлиб (АРС, 661), 'бори билан кифояланиш', 'борига шукур қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 550). Бу сўз билан ўзбек тилида **қаноатли, қаноатсиз** сифат— лари, **қаноатлан-** феъли, бу феълдан **қаноатланарли** сифати ясалган, **сабр-қаноат** жуфт сўзи тузилган.

ҚАРЗ Бу арабча сўз **qarḍ(un)** шаклига эга (АРС, 632); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаш— тириб қабул қилинган: **qarḍ → қарз;** асли кўпмаъноли **qaraḍa** феълининг 'қарзга берди' маъноси билан (АРС, 632) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'қайтариш шарти билан вақтинча олинган (берилган) пул', 'кредит' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 554). Бу сўздан ўзбек тилида **қарз-қурз** такрор сўзи тузилган бўлиб, 'майда-чуйда қарзлар' маъносини англатади.

ҚАРЗДОР Бу сўз тожик тилида арабча **қарз** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 237, 136) қўшиб тузилган бўлиб, 'қарз олган киши', 'дебитор', 'бурчли киши' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 554).

ҚАРЗ-ҚАВОЛА Бу сўз тожикча изофа бирикмасига тенг бўлиб, **қарзи қавола** тарзида айтилиши ва ёзили— ши тўғри; ўзбек тилида изофа ташланиб, жуфт сўзга айланиб қолган. **Қарз** сўзи ўз ўрнида изоҳланди (қ.); **қавола** сўзи эса асли 'кафолат берди' маъносини анг— латувчи **qabala** феълининг масдари бўлиб (АРС, 619), **qabālat(un)** шаклига эга; ўзбек тилига **б** ундошини **в**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qabālat → қавâла (қавола);** асли 'кафолат' маъносини англатади, шунга кўра **қарзи қавола** бирикмаси 'ким—нингдир кафолати билан олинган қарз' маъносини бил—диради. ЎТИЛда (II, 554) **қавола** сўзининг маъноси 'ёр—дам тариқасида олинган қарз' деб нотўғри изоҳланган.

ҚАРЗ-ҚУРЗ *қ.* **қарз**

ҚАРИЙБ Бу арабча сўз **qarīb(un)**[2] шаклига эга (АРС, 630); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **ий** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **qarīb → қарийб** (Чўзиқ **ī** унлиси одатда **и** унлисига алмаштирилади, лекин бу ерда **ий** товушларига алмаштирилган; шу усул билан **қариб** сўзидан фарқлашга эришилган); **qaruba** феъли—нинг 'яқинлашди' маъноси билан (АРС, 629) ясалган аслий сифат (равиш) бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'яқин' маъносини англатади (АРС, 630); ўзбек тилида 'деярли' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 555).

ҚАРОР Бу арабча сўз **qarār(un)** шаклига эга (АРС, 628); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига ал—маштириб қабул қилинган: **qarār → қарâр (қарор);** кўпмаъноли **qarra** феълининг 'маълум бир фикрга кел—ди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'бирор масала бўйича тўхтамга келинган қатъий фикр' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 556).

ҚАРОРБОЗЛИК Бу сўз ўзбек тилида **қарорбоз** сў—зидан **-лик** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб, 'амалий иш ўрнига турли-туман қарорлар чиқариш би—лан шуғулланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 556). **Қарорбоз** сўзи эса ўзбек тилида арабча **қарор** сўзига (қ.) 'берилиб шуғулла-н-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82) қўшиб тузилган бўлиб, 'бўлар-бўлмасга қарор чиқараверадиган' маъносини англатади.

ҚАРОРГОҲ Бу сўз тожик тилида арабча 'яшаш жойи' маъносини англатувчи **қарор** сўзига (АРС, 628) 'жой' маъносини англатувчи тожикча **гоҳ** сўзини қўшиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тузилган бўлиб (ТжРС, 486, 104), ўзбек тилида 'давлат раҳбарининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи' (резиденция) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 556).

ҚАСАМ Бу арабча сўз **qasam(un)** шаклига эга (АРС, 637); кўпмаъноли **qasama** феълининг 'онт ичди' маъноси билан (АРС, 637) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'онт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 558).

ҚАСАМЙОД Бу сўз ўзбек тилида арабча **қасам** сўзига 'хотира' маъносини англатувчи тожикча **йод (ёд)** сўзини (ТжРС, 145) қўшиб тузилган; 'қатъий ваъда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 559).

ҚАСД Бу арабча сўз **qaŝd(un)** шаклига эга (АРС, 641); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **qaŝd → қасд;** кўпмаъноли **qaŝada** феълининг 'ниманидир кўзлаб иш тутди' маъноси билан (АРС, 640) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'жазм қилинган қатъий ният' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 559). Бу сўз билан ўзбек тилида **қасд қил-** қўшма феъли тузилган.

ҚАСДАН Бу сўз арабча **қасд** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'ёмон ният билан', 'атайлаб' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 559).

ҚАСД ҚИЛ- *қ.* **қасд**

ҚАСИДА Бу арабча сўз **qaŝīdat(un)** шаклига эга (АРС, 641); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qaŝīdat → қасида;** кўпмаъноли **qaŝada** феълининг 'ўта даражадаги мақтов сўзларини айтди' маъноси билан (АРС, 640) ясалиб, 'мақтовли' маъносини англатувчи **qaŝīd(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (ЎАЯ, 500), 'тантанали услубда ёзилган бадиий асар' маъносини англатади (Ҳомидов Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари. –Т.: Ўқитувчи, 1970, 264).

ҚАСИР Бу арабча сўз **qaŝīr(un)** шаклига эга (АРС, 642); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qaŝīr → қасир; qaŝura** феълининг 'калта бўлди' маъноси билан (АРС, 641) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'калта', 'паст' маъноларини англатади (АРС, 642); бу сўз шундай маъноси билан тожик тилидан олинган **ақли қасир** изофа бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 559).

ҚАСОС Бу арабча сўз асли **qiŝāŝ(un)** шаклига эга (АРС, 639); ўзбек тилига **і** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, сад ундошларини **с** ундошларига алмаштириб қабул қилинган: **qiŝāŝ → қасâс (қасос); qaŝŝa** феълининг 'ўч олди' маъносини англатувчи III боб шакли **qāŝaŝa** сўзидан (АРС, 639) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 247), 'ўч олиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 559). Бу сўздан ўзбек тилида **қасосчи** оти, **қасосли** сифати ясалган.

ҚАСОСКОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **қасос** сўзидан (қ.) тожикча **-кор** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган сифат бўлиб, 'қасос олувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 559).

ҚАСР Бу арабча сўз **qaŝr(un)**[1] шаклига эга (АРС, 642); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **qaŝr → қаср; qaŝara**[2] феълининг 'мустаҳкам ўради' маъноси билан (АРС, 541) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'мустаҳкам қурилган ҳашаматли бино' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 559).

ҚАССОБ Бу арабча сўз **qaŝŝāb(un)** шаклига эга (АРС, 640); ўзбек тилига сад ундошларини **с** ундошларига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qaŝŝāb → қассâб (қассоб);** 'сўйди', 'бўлакларга ажратди' маъносини англатувчи **qaŝaba** феълидан (АРС, 640) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 499), 'мол сўйиб, гўшт билан савдо қилувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 560). Бу сўздан ўзбек тилида **қассоблик, қассобчилик** мавҳум отлари ясалган.

ҚАТЛ Бу арабча сўз **qatl(un)** шаклига эга (АРС, 622); 'ўлдирди' маъносини англатувчи **qatala** феълининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 621) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'одам ўлди—риш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 561). Бу сўз билан **қатл қил-** феъли тузилган.

ҚАТОР Бу арабча сўз асли **qatār(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qatār → қатâр (қатор);** кўпмаъноли **qatara** феълининг 'кетма-кет бирлаштирди' маъноси билан (АРС, 646) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'кетма-кет жойлашиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 561). Бу сўз билан **қаторла(ш)-** феъли, **қаторасига** равиши, **қаторма-қатор** такрор сўзи ҳосил қилинган.

ҚАТРА Бу арабча сўз **qatrat(un)** шаклига эга (АРС, 646); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qatrat(un) → қатра;** кўпмаъноли **qatara** феълининг 'томчилади' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'томчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 562).

ҚАТРОН I Бу арабча сўз **qatrān(un)** шаклига эга (АРС, 646); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qatrān → қатрâн (қатрон);** асли 'дарахтдан олинадиган ва қотиб қоладиган қуюқ шира (смола) билан қоплади' маъносини англатувчи **qatrana** феълидан (АРС, 646) ҳосил қилинган масдар бўлиб, 'смола' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 563).

ҚАТРОН II Бу сўз **қатрон I** сўзидан (қ.) маъно тараққиёти натижасида юзага келган бўлиб, 'қозон каби идиш юзасини қоплайдиган чиркай' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 562). Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **қатрон қил-** феъли таркибида қатнашади.

ҚАТТОЛ Бу арабча сўз **qattāl(un)** шаклига эга (АРС, 622); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qattāl → қаттâл (қаттол);** 'ўлдирди' маъносини англатувчи **qatala** феълидан (АРС, 621) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), 'одам ўлдирувчи киши'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 564).

ҚАТЪИЙ Бу арабча сўз **qaṭъiyy(un)** шаклига эга (АРС, 648); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, касрали айнни **и** унлисига, ундан олдинги сукунни **ъ** (айириш) белгисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** то— вушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **qaṭъiyy → қатъий;** кўпмаъноли **qaṭaъa** феълининг 'кесди' маъноси асосида (АРС, 647) ҳосил қилиниб, 'узилиш' маъносини англатувчи I боб масдари **qaṭъ(un)** сўзидан (АРС, 648) **–iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'узил-кесил' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 564). Бу сўздан ўзбек тилида **қатъийлик** мавҳум оти, **қатъийлаш-** феъли ясалган.

ҚАТЪИЙАН Бу сўз арабча **катъий** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно та— раққиёти натижасида 'қатъий равишда' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 564).

ҚАТЪИЙАТ Бу арабча сўз **qaṭъiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 648); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, касрали айнни **и** унлисига, ундан олдинги сукунни **ъ** (айириш) белгисига алмаштириб, таркибидаги **уу** то— вушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **qaṭъiyyat → қатъийат (қатъият); qaṭъiyy** сифатидан **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'ўз фикрини қатъий билдириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 564). Бу сўздан ўзбек тилида **қатъиятли, қатъиятсиз** сифатлари ҳосил қилинган.

ҚАТЪИ НАЗАР Бу изофа бирикмаси ўзбек тилида арабча **qaṭaъa** феълидан ҳосил қилиниб, 'кескин узиш' маъносини англатувчи I боб масдари **qaṭъ(un)** сўзи, **и** изофаси ва **назар** сўзидан (қ.) тузилган (ТжРС, 487); 'ҳисобга олмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 564). Бу изофа бирикмаси ЎТИЛнинг I жилдида (492) ажратиб, II жилдида (564) қўшиб ёзилибди.

ҚАФАС Бу от сўз **qafaŝ(un)** шаклига эга (АРС, 652); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **qafaŝ → қафас;** 'қушларни, айрим ҳайвонларни қамаб сақлаш учун ясалган катак' маъно—

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини англатади (ЎТИЛ, II, 565).

ҚАЪДА Бу арабча сўз **qaъdat(un)** шаклига эга (АРС, 650); ўзбек тилига сукунли айнни **ъ** (айириш) белгисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qaъdat → қаъда; qaъada** феълининг 'ўтирди' маъноси билан (АРС, 650) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'ўтириш' маъносини англатади (АРС, 650); ўзбек тилига бу сўз 'марҳумнинг бирор маъракасини яқин қариндошлариникида ўтказиш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 566).

ҚАЪР Бу арабча сўз **qaъr(un)** шаклига эга (АРС, 651); ўзбек тилига сукунли айнни **ъ** (айириш) белгисига алмаштириб қабул қилинган: **qaъr → қаър;** 'ковлади' маъносини англатувчи **qaъara** феълидан (АРС, 651) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'чуқур', 'ост' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 566).

ҚАҲАТ Бу сўз асли **qaht(un)** шаклига эга (АРС, 622); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб, бу икки ундош оралиғига **а** унлисини қўшиб қабул қилинган: **qaht → қаҳат;** ТжРСда (488) бу сўзнинг адабий тилга хос шакли деб **қаҳт** сўзи, сўзлашув тилига хос шакли деб **қаҳат** сўзи таъкидланган; **qahita** феълининг 'қурғоқчилик бўлди' маъноси билан (АРС, 622) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'қурғоқчилик' маъносини англатади; ўзбек тилида бу сўз 'камчил', 'топилмас' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 567).

ҚАҲАТЧИЛИК Бу сўз ўзбек тилида арабча **қаҳат** сўзидан (қ.) **-чилик** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб, 'қурғоқчилик оқибатида экин-тикиннинг битмай қолиши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 567).

ҚАҲВА Бу арабча сўз **qahvat(un)** шаклига эга (АРС, 663); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qahvat → қаҳва;** 'кофе ичди' маъносини англатувчи **qahava** феълидан (АРС, 663) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'кофе ичимлиги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 663). Ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу сўзга тожикча **хона** сўзини қўшиб **қаҳвахона** оти ясалган (асли 'қаҳва ичиладиган жой' маъносини англатади).

ҚАҲВАХОНА қ. **қаҳва**

ҚАҲВО қ. **қаҳва**

ҚАҲР Бу арабча сўз **qahr(un)** шаклига эга (АРС, 662); **qahara** феълининг 'мажбур қилди' маъноси асосида (АРС, 662) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'мажбур қилиш', 'зўрлик қилиш' маъносини англатади (АРС, 662); ўзбек тилида асосан 'зуғум', 'ғазаб' маъноларини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 567).

ҚАҲҲОР Бу арабча сўз **qahhār(un)** шаклига эга (АРС, 662); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qahhār → қаҳҳâр (қаҳҳор); qahhara** феълининг 'бўйсундирди' маъноси билан (АРС, 662) ясалган от бўлиб (УАЯ, 240), 'ҳар нарсага қодир' маъносини англатади ва бу хислат Оллога нисбат берилади; шунга кўра эркак кишининг атоқли оти сифатида **Қаҳҳор** сўзини ишлатиш тўғри эмас, **Абдуқаҳҳор** сўзини ишлатиш лозим.

ҚИБЛА Бу арабча сўз **qiblat(un)** шаклига эга (АРС, 620); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qiblat → қибла;** асли кўпмаъноли **qabila** феълининг 'тобеланди', 'эгилди' маъноси билан (АРС, 619) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'намоз ўқишда мусулмон киши юзини қаратиб турадиган томон' маъносини, асли 'мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланадиган Макка шаҳари жойлашган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 568).

ҚИБЛАГОҲ Бу сўз тожик тилида арабча **қибла** сўзига (қ.) тожикча **гоҳ** сўзини 'ўрин' маъноси билан қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 105, 488), 'қибла' маъносини англатиш учун, кўчма маънода эса 'юксак қадрлашга лойиқ киши — ота' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 568).

ҚИЙМАТ Бу арабча сўз **qiymat(un)** шаклига эга (АРС, 667) (Тожик тилида **іу** товушлари **и** унлисига ал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маштирилган: ТжРС, 489: **қимат**); асли кўпмаъноли **qāma** феълининг 'нарх қўйди', 'баҳолади' маъноси билан (АРС, 666) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'нарх', 'баҳо' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 574). Бу сўздан ўзбек тилида **қийматли** сифати, **қиймат-сизлан-** феъли ясалган; бу сўзлар ЎТИЛга **қимматли, қимматсизлан-** шаклида нотўғри киритилган (II, 579).

ҚИЙОМ I Бу арабча сўз **qiyām(un)** шаклига эга (АРС, 667); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qiyām → қийâм (қиём);** асли кўпмаъноли **qāma** феълининг 'кўтарилди' маъноси билан (АРС, 666) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), ўзбек тилида 'қуёш тик кўтарилган пайт', 'нарса белги-хусусиятларининг меъёрга етган ҳолати' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 569). Бу сўздан ўзбек тилида **қийом II (қиём II)** сўзи ўсиб чиққан бўлиб, 'меъёригача қайнатиб тайёрланган мураббо' маъносини англатади.

ҚИЙОМ II *қ.* **қийом I**

ҚИЙОМАТ Бу арабча сўз **qiyāmat(un)** шаклига эга (АРС, 667); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qiyāmat → қийâмат (қиёмат);** асли кўпмаъноли **qāma** феълининг 'тирилди' маъноси билан (АРС, 666) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'бу дунё тугаб, у дунёда ҳамма тирилиб, сўроққа тўпланадиган кун' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 569). Бу сўз кўчма маънода 'ур-йиқит', 'тўс-тўполон' маъносини англатади. **Қийомат** сўзи билан ўзбек тилида тузилган **қийотмати қоим** изофа бирикмаси ҳам ишлатилади; бу бирикма ЎТИЛда **қиёмат-қойим** тарзида ёзилган: 1) жуфт сўзга асоссиз равишда айлантирилган, 2) **қоим** сўзи таркибига **й** товуши сўзлашув тили таъсирида киритилган (ЎТИЛга бу сўз **қоим** шаклида тўғри киритилган: II, 593).

ҚИЙОМАТИ ҚОИМ *қ.* **қийомат**

ҚИЙОС Бу арабча сўз **qiyās(un)**[1] шаклига эга (АРС, 670); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qiyās → қийâс (қиёс);** кўп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноли **qāsa** феълининг 'чоғиштирди' маъноси билан (АРС, 670) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТС, 670; АТГ, 145), 'чоғиштириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 569). Бу сўз билан ўзбек тилида **беқийос** сифати, **қийосла-** феъли ясалган.

ҚИЙОСАН Бу сўз асли **қийос** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'чоғиштириш йўли билан' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 569).

ҚИЙОСИЙ Бу арабча сўз **қийос** сўзидан (қ.) **-ий-й(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; 'чоғиштиришга асосланадиган', 'чоғиштириш асосидаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 569).

ҚИЙОФА Бу арабча сўз **qiyāfat(un)** шаклига эга (АРС, 671); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qiyāfat → қийâфа (қиёфа);** 'изидан топиб олди' маъносини англатувчи **qayyafa** феъли (АРС, 671) асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ташқи кўриниш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 570).

ҚИММАТ Бу сўз ўзбек тилида арабча **қиймат (qiymat)** сўзи таркибидаги **й** ундошини **м** ундошига алмаштириб ҳосил қилинган, шу йўл билан бу сифат **қиймат** отидан фарқланган. **Қиммат** сифати 'нархи баланд' маъносини (ЎТИЛ, II, 579), **қиймат** оти эса 'нарх' маъносини англатади. Ўзбек тилида **қиммат** сифатидан **қимматлаш-, қимматсира-** феъллари, **қимматчилик** оти ясалган, **қимматбаҳо** қўшма сўзи тузилган.

ҚИММАТБАҲО қ. **қиммат**

ҚИММАТЛИ қ. **қиймат**

ҚИММАТФУРУШ Бу сўз ўзбек тилида **қиммат** сифатига (қ.) 'сот-' маъносини англатувчи тожикча **фурўхтан** феълининг **фурўш** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 415) қўшиб тузилган, **фурўш** асоси таркибидаги **ў** унлиси **у** унлисига алмаштирилган (чунки ўзбек тилида **ў** унлиси сўзларнинг фақат биринчи бўғинида ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лади); бу сўз 'ўз молини бошқалардан кўра қимматроқ сотадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 579).

ҚИМОР Бу арабча сўз **qimār(un)** шаклига эга (АРС, 658); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qimār → қимâр (қимор);** 'пул ёки буюм тикиб ютиб олиш мақсадида ўйнади' маъносини англатувчи **qamara** феълидан (АРС, 658) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'пул ёки буюм тикиб ютиб олиш мақсадида ўйнаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 580).

ҚИМОРБОЗ Бу сўз тожик тилида арабча **қимор** сўзига (қ.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 82, 75); 'қимор ўйнашга берилиб кетган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 580). Бу сўздан ўзбек тилида **қиморбозлик** мавҳум оти ясалган.

ҚИМОРВОЗ қ. **қиморбоз**

ҚИРОАТ Бу арабча сўз **qirāẗat(un)** шаклига эга (АРС, 629); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, фатҳали ҳамзани **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qirāẗat → қирâат (қироат); qaraẗā** феълининг 'ўқиди' маъноси билан (АРС, 629) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'аниқ ва ифодали ўқиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 581). Бу сўзга **хона** сўзини қўшиб **қироатхона** сўзи нотўғри тузилган (ЎТИЛ, II, 582), чунки бундай масканда овоз чиқариб ўқиш мумкин эмас (**ўқув хонаси** деб номланиши тўғри).

ҚИРОАТХОНА қ. **қироат**

ҚИРОН Бу арабча сўз **qirān(un)** шаклига эга (АРС, 634); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qirān → қирâн (қирон);** бу сўз асли 'бир-бирига қўшди' маъносини англатувчи **qarana** феълидан (АРС, 634) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), араб тилида 'бирлашиш', 'қўшилиш', 'дуч келиш' маъноларини англатади (АРС, 634); **соҳибқирон** сўзи таркибида '(юлдузларнинг) дуч келиши' маъноси билан қатнашади. ЎТИЛга бу арабча сўз мустақил киритилмаган, **соҳибқирон** сўзи мақо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ласида изоҳланган (ЎТИЛ, II, 75).

ҚИСМ Бу арабча сўз **qism(un)** шаклига эга (АРС, 637); кўпмаъноли **qasama** феълининг 'бўлакларга ажратди' маъноси билан (АРС, 637) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'бўлак', 'улуш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 585). Ўзбек тилида **qasama** феълидан ясалган **qāsim(un)** сифати ҳам ишлатилиб, эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади; асли 'бўлакларга ажратувчи' маъносини англатади (АРС, 637).

ҚИСМАН Бу сўз **қисм** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида 'маълум даражада' маъносини англатувчи равишга айланган (ЎТИЛ, II, 585).

ҚИСМАТ Бу арабча сўз **qismat(un)** шаклига эга (АРС, 637); кўпмаъноли **qasama** феълининг 'бўлакларга ажратди' маъноси асосида (АРС, 637) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'азалдан белгиланиб қўйилган кўргулик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 585).

ҚИССА Бу арабча сўз **qiŝŝat(un)**[1] шаклига эга (АРС, 639); ўзбек тилига сад ундошларини **с** ундошларига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qiŝŝat → қисса; qaŝŝa** феълининг 'ҳикоя қилди' маъноси билан (АРС, 639) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'тарих', 'повесть', 'новелла' маъноларини англатади (АРС, 639); ўзбек тилида бу сўз асосан 'повесть' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 585).

ҚИССАНАВИС Бу сўз ўзбек тилида арабча **қисса** сўзига (қ.) 'ёз-' маъносини англатувчи тожикча **навиштан** феълининг **навис** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 253) қўшиб тузилган; 'қисса ижод қилиш билан шуғулланадиган ёзувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 586). Бу сўздан ўзбек тилида **қиссанавислик** мавҳум оти ясалган.

ҚИТЪА Бу арабча сўз **qiṭʿat(un)** шаклига эга (АРС, 648); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига, фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб, ундан олдинги сукун

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qiṭъat → қитъа;** кўпмаъноли **qaṭaъa** феълидан 'бўлакларга ажратди' маъноси билан (АРС, 647) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида саккиз маънони англатиши таъкидланган (АРС, 648); бу сўз ўзбек тилида янги бир маъно — 'Ернинг сув билан қуршалган олти қисмидан бири' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 588).

ҚОБИЛ Бу арабча сўз **qābil(un)** шаклига эга (АРС, 619); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qābil → қâбил (қобил);** асли кўпмаъноли **qabila** феълининг 'итоат қилди' маъноси билан (АРС, 619) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'қабул қилувчи' маъносини (АРС, 619), ўзбек тилида эса 'гапга кирадиган', 'мўмин' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 590). **Қобил** сўзи эркак кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ҚОБИЛИЙАТ Бу арабча сўз **qābiliyyat(un)** шаклига эга (АРС, 620); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, таркибидаги **yy** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **qābiliyyat → қâбилийат (қобилият);** асли кўпмаъноли **qabila** феълидан ясалган **qābil(un)** аслий сифатининг (қ.) 'лаёқатли' маъноси билан **-iyyat(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'лаёқат', 'истеъдод' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 590). Ўзбек тилида бу сўздан **қобилиятли, қобилиятсиз** сифатлари ясалган.

ҚОВУС қ. **қавс**

ҚОДИР Бу арабча сўз **qādir(un)** шаклига эга (АРС, 624); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qādir → қâдир (қодир); qadara** феълининг 'маълум бир ишни амалга ошира олади' маъноси билан (АРС, 624) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'бирор ишни амалга ошириш учун куч-қудрати етадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 592). Бу сўзни эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатиш номақбул, чунки бу сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатадиган сифат Оллога нисбат берилади, шунга кўра атоқли отни **Абдуқодир** тарзида тузиш тўғри.

ҚОЗИ Бу арабча сўз **qāđin** шаклига эга (АРС, 644); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **n** қисмини ташлаб қабул қилинган: **qāđin → қâзи (қози); qađa** феълининг 'ҳукм чиқарди' маъноси билан (АРС, 644) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 50), 'ҳукм чиқарувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 592).

ҚОИДА Бу арабча сўз **qāъidat(un)** шаклига эга (АРС, 650); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали айнни **и** товушига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабўл қилинган: **qāъidat → қâида (қоида);** кўпмаъноли **qaъada** феълининг 'амалиётга киритди' маъноси билан (АРС, 650) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши **qāъid(un)** сўзидан (АТГ, 147; АРС, 650) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), араб тилида етти маънони англатиши таъкидланган; ўзбек тилига олтинчи маъноси — 'амал қилинадиган тартиб, меъёр' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 593). Бу сўздан ўзбек тилида **қоидалаштир-** феъли ясалган.

ҚОИМ: Бу арабча сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди; асли **qāъim(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **и** товушига алмаштириб қабул қилинган: **qāъim → қâим (қоим);** асли кўпмаъноли **qāma** феълининг 'воқе бўлди' маъноси билан (АРС, 666) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), **қийомати қоим** бирикмаси таркибида 'мавжуд', 'барқарор' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, II, 593). Сўзлашув тилида бу сўз **қойим** тарзида талаффуз қилинади.

ҚОЙИЛ Бу арабча сўз **qāъil(un)** шаклига эга (АРС, 665); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **йи** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **qāъil → қâйил (қойил); qāla** феълининг 'айтди' маъноси асосида (АРС, 665) ҳосил қилинган I боб аниқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), араб тилида 'ай—тувчи' маъносини англатади (АРС, 665); ПРСда (377) 'тан олувчи', 'рози бўлувчи' маъносини, ТжРСда эса (490) 'тан олувчи', 'рози бўлувчи', 'тасанно билдирувчи' маъносини англатиши таъкидланган; ўзбек тилида бу сўз 'завқланиб тасанно билдириш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 593). Бу сўздан ўзбек тилида **қойиллат-** феъли ясалган.

ҚОЙИЛМАҚОМ Бу сўз ўзбек тилида арабча **қойил (қ.)** ва **мақом I (қ.)** сўзларидан тузилган бўлиб, 'қойил қолдирадиган даражада' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 593).

ҚОЙИМ *қ.* **қоим**

ҚОЛИП Бу арабча сўз асли **qālib(un)** шаклига эга (АРС, 654); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, сўз охиридаги жарангли **б** ундошини жарангсиз **п** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **qālib → қâлип (қолип).** Тожик тилига бу сўз охиридаги **б** ундошини сақлаб олинган (ТжРС, 490). Бу сўз кўпмаъноли **qalaba** феълининг 'ағдарди' маъноси билан (АРС, 653) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), отлашиб, 'пойабзал тикишда, қуйма маҳсулот тайёрлашда ишлатиладиган мослама', 'шаблон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 594). Бу сўздан ўзбек тилида **қолипла-** феъли ва бу феълдан **қолипловчи** шахс оти ясалган.

ҚОЛИПЛА- *қ.* **қолип**

ҚОЛИПЛОВЧИ *қ.* **қолип**

ҚОМАТ Бу арабча сўз **qāmat(un)** шаклига эга (АРС, 667); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qāmat → қâмат (қомат);** асли кўпмаъноли **qāma** феълининг 'тик турди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 666), араб тилида 'бўй', 'бўй-баст' каби маъноларни англатади, ўзбек тилида эса 'киши танасининг чиройли бичими' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 595).

ҚОМУС Бу арабча сўз **qāmūs(un)** шаклига эга (АРС, 658), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, чўзиқ **ū**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qāmūs → қâмус (қомус);** 'сувга ғарқ қилди' маъносини англатувчи **qamasa** феълидан ясалган от бўлиб, араб тилида 'океан', 'луғат' маъноларини англатади (АРС, 658); ўзбек тилига иккинчи маъноси асосида қабул қилинган бўлиб, 'энциплопедия', 'маълум бир соҳа бўйича барча билимларни қамраб олган асар' маъно— сини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 596).

ҚОНУН Бу арабча сўз **qānūn(un)**[1] шаклига эга (АРС, 659); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qānūn → қânун (қонун); qannana** феълининг 'ҳамма бажариши мажбурий қарор-қоида чиқарди' маъноси билан ясалган от бўлиб (АРС, 659), 'ҳамма бажариши мажбурий қарор-қоида' маъносини ва бошқа маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 597).

ҚОНУНИЙ Бу арабча сўз **қонун** сўзидан (қ.) **–ий— й(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'қонун билан белгиланган', 'қонунга асослан— ган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 597).

ҚОНУНИЙАТ Бу арабча сўз **қонун** сўзидан (қ.) **–ийят(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; 'қонунийлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 598).

ҚОНУНЧИЛИК Бу сўз ўзбек тилида **қонун** сўзидан (қ.) **-чилик** қўшичаси билан ясалган мавҳум от бўлиб, 'қонунлар яратиш', 'қонунларга қатъий риоя қилиш' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 598).

ҚОНУНШУНОС Бу сўз тожик тилида **қонун** сўзига (қ.) 'бил-' маъносини англатувчи тожикча **шинохтан** феълининг **шинос** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 458, 457, 490); ўзбек тилига **и** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **қонуншинос → қонуншунос;** 'қонунларни яхши биладиган мутахассис', 'юрист' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 598). Бу сўздан ўзбек тилида **қонуншунослик** мавҳум оти ясалган.

ҚОРИҚ Бу арабча сўз **qāriyy(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

629); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларини ташлаб қабул қилинган: **qāṙiyy → қâри (қори);** **qaṙaъa** феълининг 'ўқиди' маъноси билан (АРС, 629) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 149), ўзбек тилига 'Қуръонни ёддан ўқувчи' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 602). Бу сўздан ўзбек тилида **қорилик** мавҳум оти ясалган.

ҚОСИМ *қ.* **қисм**

ҚОТИЛ Бу арабча сўз **qātil(un)** шаклига эга (АРС, 621); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qātil → қâтил (қотил);** 'ўлдирди' маъносини англатувчи **qatala** феълидан (АРС, 621) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'одам ўлдирувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 604). Бу сўздан ўзбек тилида **қотиллик** мавҳум оти ясалган.

ҚОФ Бу арабча сўз **qāf(un)** шаклига эга (АРС, 664); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qāf → Қâф (Қоф).** Бу сўз Ерни ҳалқасимон ўраб олган деб фараз қилинадиган афсонавий тоғнинг номи бўлиб, ўзбек тилида бош ҳарф билан бошлаб ёзилади; Бу атоқли от 'тоғ' маъносини англатувчи тожикча **кӯҳ** сўзи билан (ТжРС, 200) тузилган **кӯҳи Қоф** изофа бирикмаси таркибида ишлатилади (ТжРС, 491; ЎТИЛ, II, 605).

ҚОФИЙА Бу арабча сўз **qāfiyat(un)** шаклига эга (АРС, 652); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qāfiyat → қâфийа (қофия);** асли **qaffa** феълининг 'бир хил, ўхшаш товушли сўзларни ишлатди' маъноси билан (АРС, 652) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши **qāfiy(un)** сўзидан **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида 'сўзлар охирининг бир хил, ўхшаш товуш билан тугалланиши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 605). Бу сўздан ўзбек тилида **қофиядош** сифати, **қофияла-** феъли ясалган.

ҚОФИЙАБОЗ Бу сўз ўзбек тилида **қофийа** сўзига

www.ziyouz.com kutubxonasi

(қ.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатувчи тожикча **бохтан** феълининг **боз** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82, 75) қўшиб тузилган бўлиб, 'шеърнинг мазмунига эмас, балки мисралар охиридаги товушларнинг бир хиллигига ортиқча эътибор берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 605). Бу сўздан ўзбек тилида **қофиябозлик** мавҳум оти ясалган.

ҚУББА Бу арабча сўз **qubbat(un)** шаклига эга (АРС, 617); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qubbat → қубба; qabba** феълининг 'ярим доира шаклида қурди' маъноси билан (АРС, 617) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ярим доира шаклига эга қурилма' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 610).

ҚУВВАТ Бу арабча сўз **quvvat(un)** шаклига эга (АРС, 668); **qaviya**[1] феълининг 'кучли бўлди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 668), 'куч' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 610). Бу сўздан ўзбек тилида **қувватла-** феъли ясалган (одатда **қўллаб-қувватла-** жуфт феъли таркибида ишлатилади).

ҚУДРАТ Бу арабча сўз **qudrat(un)** шаклига эга (АРС, 624); **qadara** феълининг 'маълум бир ишни амалга ошира олди' маъноси билан (АРС, 624) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'юксак даражадаги қодирлик, куч-қувват' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 612). Бу сўз билан ўзбек тилида **қудратли** сифати ясалган, **куч-қудрат** жуфт сўзи тузилган.

ҚУЛУП *қ.* **қулф**

ҚУЛФ Бу арабча сўз **qufl(un)** шаклига эга (АРС, 652); ўзбек тилига **fl** ундошларини ўрин алмаштириб қабул қилинган: **qufl → қулф;** ТжРСда (462) **қулф** шакли келтирилиб, **қуфл** шаклига ҳавола берилган; 'маҳкамлаб ёпди' маъносини англатувчи **qafala** феълидан (АРС, 652) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'эшик, қопқоқ кабиларни калит билан беркитиш учун ясалган буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 618). Бу сўздан ўзбек тилида **қулфла-** феъли ясалган. **Қулф** сўзи сўзлашув тилида **қулуп** тарзида ҳам талаф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фуз қиланади.

ҚУРБ Бу арабча сўз **qyrb(un)** шаклига эга (АРС, 630); АРСда 'яқинлик', 'қариндошлик' маъносини англатиши айтилган; ТжРСда (492) қурб I сўзи худди араб тилидаги каби 'яқинлик', 'қариндошлик' маъносини англатиши таъкидланган; **қурб II** сўзи ҳам келтирилиб, 'баҳо', 'қиймат' маъносини англатиши айтилган. Ўзбек тилида бу сўз тамоман бошқа маънони — 'куч-қувват', 'имконият' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 621).

ҚУРБОН Бу арабча сўз **qurbān(un)** шаклига эга (АРС, 630); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qurbān → қурбâн (қурбон); qaruba** феълининг 'Олло йўлига жонлик сўйди' маъноси билан (АРС, 629) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'Олло йўлига сўйилган жонлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 621). **Қурбон** сўзи эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. **Қурбон** сўзидан **қурбонлик** оти ясалган; бу сўзлар билан **қурбон қил- , қурбон бўл- , қурбонлик қил-** феъллари ҳам тузилган.

ҚУРЪА Бу арабча сўз **qurʻat(un)** шаклига эга (АРС, 633); ўзбек тилига сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, фатҳали айнни **а** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **qurʻat → қуръа; qaraʻa** феълининг 'чек ташлади' маъноси билан (АРС, 633) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'тақсимлашда, танлашда кимга насиб этишини белгилаш мақсадида ташланадиган чек' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 625).

ҚУРЪОН Бу арабча сўз **qur|ān(un)** шаклига эга (АРС, 629); ўзбек тилига **r** товушидан кейин сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qur|ān → қуръâн (қуръон); qaraʻa** феълидан 'ўқиди' маъноси билан (АРС, 629) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'ўқиш' маъносини англатади, **al qur|ānu** шаклида аниқлик артикли билан ишлатилса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

'мусулмонларга Олло юборган муқаддас диний китоб' маъносини англатади (АРС, 629); бу сўз ўзбек тилида артиклсиз (**қуръон** шаклида) кейинги маънони англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 625).

ҚУСУР Бу арабча сўз **qusûr(un)** шаклига эга (АРС, 642); ўзбек тилига сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **û** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **qusûr → қусур; qaŝura** феълининг 'чекланган бўлди' маъноси билан (АРС, 641) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилидан 'камчилик', 'нуқсон' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 626).

ҚУТБ Бу арабча сўз **qutb(un)** шаклига эга (АРС, 645); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **qutb → қутб; qutaba** феълининг 'йиғди' маъноси асосида (АРС, 645) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'Ернинг фаразий айланиш ўқининг икки учидаги нуқталар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 626).

F

FАВВОС Бу арабча сўз **ġavvâŝ(un)** шаклига эга (АРС, 574); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ġavvâŝ → ғаввâс (ғаввос);** кўпмаъноли **ġavvasa** феълининг 'сувга шўнғиди' маъноси билан (АРС, 574) ясалган касб оти бўлиб (УАЯ, 499), 'сув остига шўнғиш билан шуғулланувчи', 'махсус кийимда сув остида иш бажарувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 646).

FАДАБ: Бу арабча сўз асли **ġaḍab(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилида, **ғазаб** шаклидан ташқари, **ғадаб** шаклида ҳам ишлатилади, бунда арабча дзад ундоши **д** ундошига алмашади; **ғадаб** сўзи мустақил ишлатилмайди, **ғадаб қил-** феъли таркибида қатнашади, бу феъл 'койи-' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 646).

FАДДОР Бу арабча сўз **ġaddār(un)** шаклига эга (АРС, 557); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġaddār → ғаддâр (ғаддор);** **ġadara** феълининг 'хиёнат қилди' маъноси билан (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

557) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), 'хиёнаткор', 'сотқин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 646).

ҒАЗАБ Бу арабча сўз **ġaḍāḍ(un)** шаклига эга (АРС, 565); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ġaḍāb → ғазаб;** 'қаттиқ ачиқланди' маъносини англатувчи **ġaḍiba** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'қаттиқ ачиқланиш', 'қаҳр' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 647). Бу сўздан ўзбек тилида **ғазаблан-** феъли ясалган.

ҒАЗАБНОК Бу сўз тожик тилида арабча **ғазаб** сўзидан (қ.) тожикча **-нок** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 473), 'ғазабли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 647).

ҒАЗАВОТ Бу арабча сўз **ғазват (→ ғазот)** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), асли 'дин йўлида қилинадиган муқаддас урушлар' маъносини билдиради; ўзбек тилида бу сўз **ғазот** сўзининг кўплик шакли эканлиги уқилмайди, **ғазот** сўзи англатган маънода ишлатилади (ЎТИЛ, II, 648). Асли **ғазавот** шаклига эга бу сўз ЎТИЛда ва имло луғатида **ғазовот** тарзида хато ёзилган (Бундай хато ёзиш ТжРСнинг 474- бетида ҳам воқе бўлган).

ҒАЗАЛ Бу арабча сўз **ġazal(un)** шаклига эга (АРС, 562); кўпмаъноли **ġazila** феълининг 'кўнгил овлайдиган сўзлар айтди' маъносидан ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'аёлни мадҳ этиб, севги изҳор қилиб ёзилган шеър' маъносини англатади (УАЯ, 568). Бу сўз адабиётшунослик термини сифатида 'биринчи икки мисраси ва кейинги байтларининг иккинчи мисралари ўзаро қофияли кичик ҳажмли лирик шеър' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 647).

ҒАЗО *қ.* **ғазавот**

ҒАЗОВОТ *қ.* **ғазавот**

ҒАЗОТ Бу арабча сўз асли **ġazvat(un)** шаклига эга (АРС, 563); ўзбек тилига (шунингдек тожик тилига ҳам) **v** ундошини ташлаб, бу ундошдан кейинги **a** унлиси **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġazvat → ғазât (ғазот);** ТжРСда (474) **ғазот** сўзи **ғазо** сўзининг шакли

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб таъкидланган; ЎТИЛда (II, 648), аксинча, **ғазо** сўзи **ғазот** сўзининг шакли деб қаралган; **ġazvat(un)** сўзи **ġazā** феълининг 'босқин қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'босқин', 'юриш' маъносини англатади (АРС, 563); ўзбек тилига **ғазот** шаклида олинган бу сўз 'дин йўлида қилинадиган муқаддас уруш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 648).

ҒАЙИР Бу арабча сўз **ġayūr(un)** шаклига эга (АРС, 577); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġayūr → ғайир.** Бу сўз асли 'рашк қилди', 'ичи қоралик қилди' маъносини англатувчи **ġāra** феълидан ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'рашкчи', 'ичи қора' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 648), Бу сўз билан ўзбек тилида **ғайирлик қил-** қўшма феъли тузилган.

ҒАЙРАТ Бу арабча сўз **ġayrat(un)** шаклига эга (АРС, 577); асли кўпмаъноли **ġāra** феълининг 'интилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'қизғаниш', 'интилиш' маъноларини, ўзбек тилида эса 'бирор ишни шиддат билан бажаришга интилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 648).

ҒАЙРИШУУРИЙ РАВИШДА Бу бирикманинг биринчи аъзоси бўлиб келган мураккаб сифат арабча 'зид', 'терс' маъносини англатувчи **ғайр(ун)** сўзини (Бу сўз тожик тилида **ғайри-** шаклида олд қўшимчага айланган) **шуурий** сўзига қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган (АТГ, 70); бу бирикма 'ўзи билмаган, истамаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 649). Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **шуурий** сўзи арабча нисбий сифат бўлиб, **шуур** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; асли 'ҳис-туйғу, ақл-идрок билан боғлиқ' маъносини англатади.

ҒАЛАБА Бу арабча сўз **ġalabat(un)** шаклига эга (АРС, 568); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ġalabat → ғалаба;** кўпмаъноли

www.ziyouz.com kutubxonasi

ġalaba феълининг 'енгди' маъноси билан (АРС, 468) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), '(жанг, кураш, тортишув, мусобақада) енгиш', 'зафар қучиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 649).

ҒАЛАДОН Бу сўз асли **ғалладон** шаклига эга бўлиб, тожик тилида арабча **ғалла** сўзидан (қ.) **-дон** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 542, 476); ўзбек тилига бир **л** ун-дошини ташлаб қабул қилинган: **ғалладон → ғаладон;** асли 'омборда дон сақлаш учун хосланган жой' маъно-сини англатувчи бу сўз кейинчалик 'турли нарсалар солиб қўйиладиган идиш, тортма' маъносини англатиш учун ишлатиладиган бўлган (ЎТИЛ, II, 649).

ҒАЛАЙОН Бу арабча сўз **ġalayān(un)** шаклига эга (АРС, 570); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġalayān → ғалайân (ғалаён); ġalā** феълининг 'қайнади', 'жўш урди' маъноси билан (АРС, 570) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'қайнаш' маъносини (АРС, 570), ўзбек тилида эса кўчма маънода ишлатилиб, 'норозилик кайфиятини ифодаловчи кўтарилиш' маъносини англа-тади (ЎТИЛ, II, 649).

ҒАЛАТ Бу арабча сўз **ġalat(un)** шаклига эга (АРС, 569); ўзбек тилига итқи ундошини **т** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ġalat → ғалат;** 'хато қилди', 'камчиликка йўл қўйди' маъносини англатувчи **ġalita** феълидан (АРС, 568) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'хато', 'камчилик', 'адашиш' маъноларини англатади (АРС, 469); ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайдиган бу сўз 'янглиш', 'камчилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 649)ҒАЛАТИ Бу сўз тожик тилида арабча **ғалат** сўзидан **-и** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 475), асли 'камчилиги бор' маъносини англатган, ке-йинчалик 'одатдагига ўхшамайдиган', 'нимаси биландир ажралиб турадиган' маъносини англата бошлаган (ТжРС, 475; ЎТИЛ, II, 649).

ҒАЛИЗ Бу арабча сўз **ġalīẓ(un)** шаклига эга (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

569); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ġalīž → ғализ; ġalaža** феълининг 'қўпол, беўхшов бўлди' маъноси билан (АРС, 569) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'қалин', 'дағал' маъноларини англатади (АРС, 569); ўзбек тилида бу сўз 'тушунилиши қийин', 'мужмал', 'тўмтоқ' каби маъноларни англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 650).

ҒАЛЛА Бу арабча сўз **ġallat(un)** шаклига эга (АРС, 568); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ġallat → ғалла;** асли кўпмаъноли **ġalla** феълининг 'ҳосил берди' маъноси билан (АРС, 567) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, араб тилида 'ҳосил', 'дон-дун' маъноларини англатади (АРС, 568); ўзбек тилига 'дон-дун' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 650).

ҒАЛЛАКОР Бу сўз тожик тилида арабча **ғалла** сўзидан (қ.) **-кор** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 476), 'дон етиштириш билан шуғулланувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 650).

ҒАМ Бу арабча сўз **ġamm(un)** шаклига эга (АРС, 570); ўзбек тилига сўз охиридаги **mm** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ġamm → ғам; ġamma** феълининг 'хафа қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 570), 'руҳий азоб', 'қайғу' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 651). Бу сўз билан ўзбек тилида **ғам-ғусса, ғам-ҳасрат** жуфт сўзлари тузилган.

ҒАМГИН Бу сўз тожик тилида арабча **ғам** сўзидан (қ.) **-гин** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 542, 476), 'қайғули' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 651).

ҒАМГУЗОР Бу сўз тожик тилида арабча **ғам** сўзига (қ.) 'е-' маъносини англатувчи тожикча **гусор(и)дан** феълининг **гусор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 110, 476); ҳозирги ўзбек тилида **с** ундоши **з** ундошига алмаштириб ишлатилади: **ғамгусор** (ТжРС, 476; ЎКААҚЛ, 431) → **ғамгузор;** '(кимнингдир) қайғусига шерик бўлувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 651).

ҒАМЗА Бу арабча сўз **ġamzat(un)** шаклига эга (АРС, 571); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қабул қилинган: **ġamzat → ғамза;** кўпмаъноли **ġamaza** феълининг 'кўзи билан ишва қилди' маъноси билан (АРС, 571) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'кўз билан қилинган ишва' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 651).

ҒАМНОҚ Бу сўз тожик тилида арабча **ғам** сўзидан (қ.) тожикча **-нок** қўшимчаси билан ясалган сифат бў— либ (ТжРС, 542, 477), 'қайғуга ботган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 651).

ҒАМХЎР Бу сўз асли тожик тилида арабча **ғам** сў— зига (қ.) 'тара-', 'тарқат-' маъносини англатувчи тожикча **хоридан** феълининг **хор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 427, 477); тожик тилида бу сўз **ғамхўр** шаклида ҳам талаффуз қилинади (ТжРС, 477); ўзбек тилига худди шу шаклида қабул қилинган; 'қайғуни тарқатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 651). Бу сўздан ўзбек тилида **ғамхўрлик** мавҳум оти ясалган.

ҒАНИ Бу арабча сўз **ġaniyy(un)** шаклига эга (АРС, 573); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушларини таш— лаб қабул қилинган: **ġaniyy → ғани;** асли **ġaniya** феълидан 'бой бўлди' маъноси билан (АРС, 573) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'бой', 'бадавлат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 652). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. Бу сўз билан атоқли отни **Абдиғани** ('бойнинг қули') тарзида тузиб ишлатиш тўғри эмас.

ҒАНИМАТ Бу арабча сўз **ġanīmat(un)** шаклига эга (АРС, 573); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġanīmat → ғанимат;** асли 'ўлжа сифатида олди' маъносини англатувчи **ġanima** феълидан ясалган аслий сифатнинг муаннас шакли бў— либ (АТГ, 43), араб тилида 'ўлжа' маъносини англатади (АРС, 573); ўзбек тилида бу сўз одатда 'узоққа чўзил— майдиган, тезда ўтиб кетиши мумкин бўлган', 'қадрига етиш лозим' (нарса ёки киши) маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 652).

ҒАРАЗ Бу арабча сўз **ġaraḍ(un)** шаклига эга (АРС, 560); ўзбек тилига дзад ундошини **з** ундошига алмаш—

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириб қабул қилинган: **ġaraḍ → ғараз;** 'ёмон мақсад билан иш тутди' маъносини англатувчи **ġaraḍa** феълидан (АРС, 560) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568); араб тилида 'мақсад', 'ёмон ният' маъноларини англатади (АРС, 560), ўзбек тилига 'ёмон ният' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 652). Бу сўздан ўзбек тилида **ғаразчи** оти ясалган.

ҒАРАЗГЎЙ Бу сўз тожик тилида арабча **ғараз** сўзига (қ.) 'айт-' маъносини англатувчи тожикча **гуфтан** феълининг **гӯй** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 110, 477), '(ким ёки нима тўғрисида) ўз манфаатидан келиб чиқиб гапирувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 652). Бу сўздан ўзбек тилида **ғаразгўйлик** мавҳум оти ясалган.

ҒАРБ Бу арабча сўз **ġarb(un)**[1] шаклига эга (АРС, 559); кўпмаъноли **ġaraba**[1] феълининг 'қуёш ботди' маъноси билан (АРС, 559) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'дунёнинг қуёш ботадиган томони' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 653).

ҒАРБИЙ Бу сўз арабча **ғарб** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **ий** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ғарбийй → ғарбий;** араб тилида 'ғарб жойлашган', 'ғарбга мансуб' маъноларини англатади (АРС, 559); ўзбек тилига биринчи маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 653).

ҒАРБИЙ-ЖАНУБИЙ Бу сўз арабча **ғарбий** ва **жанубий (қ.)** сўзларини қўшиб тузилган бўлиб, 'ғарб билан жануб оралиғидаги' маъносини англатади. Бу жуфт сўз ўзбек тили луғатларига **ғарби жанубий** тарзида (изофа бирикмаси шаклида) хато киритилган (ЎТИЛ, II, 653); тожик тили луғатида **ғарбий-жанубий** тарзида тўғри акс эттирилган (ТжРС, 477).

ҒАРБИЙ-ШИМОЛИЙ Бу сўз арабча **ғарбий** ва **шимолий** сўзларини (қ.) қўшиб тузилган бўлиб, 'ғарб билан шимол оралиғидаги' маъносини англатади. Бу жуфт сўз ўзбек тили луғатларига **ғарби шимолий** тарзида (изофа бирикмаси шаклида) хато киритилган (ЎТИЛ, II,

www.ziyouz.com kutubxonasi

653); тожик тили луғатида **ғарбий-шимолий** тарзида тўғри акс эттирилган (ТжРС, 477).

ҒАРИБ Бу арабча сўз **ġarīb(un)** шаклига эга (АРС, 559); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġarīb → ғариб;** кўпмаъноли **ġaraba**[2] феълининг 'нотаниш бўлди' маъноси асосида (АРС, 559) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'ўзга эллик', 'нотаниш', 'мусофир' маъноларини англатади (АРС, 559); ўзбек тилида бу сўз 'бирор яқин кишиси йўқ' маъносини, кейинчалик 'ночор аҳволдаги' маъносини ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 653).

ҒАРИБОНА Бу сўз тожик тилида арабча **ғариб** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 477), 'ғарибчасига' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 653).

ҒАРИБПАРВАР Бу сўз тожик тилида арабча **ғариб** сўзига (қ.) 'ҳомийлик қил-' маъносини англатувчи тожикча **парвардан** феълининг **парвар** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 298, 477), 'ғарибларга ҳомийлик қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 653).

ҒАРОЙИБ Бу арабча сўз асли **ġarāʾibu** шаклига эга бўлиб, тожик тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ġarāʾibu → ғарâиб (ғароиб)** [ТжРС, 477]; тожик тилидан фарқли ҳолда ўзбек тилида касрали ҳамза **йи** товушларига алмаштирилган: **ġarāʾibu → ғарâйиб (ғаройиб); ġaraba**[2] феълининг 'яширин бўлди', 'номаълум бўлди' маъноси асосида (АРС, 559) ясалган **ġarīb(un)**[2] аслий сифатининг (АРС, 559) кўплик шаклига тенг бўлиб (АТГ, 41), ўзбек тилида кўплик шакли экани уқилмайди, 'ғалати', 'одатдагига ўхшамайдиган' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 653).

ҒАРОЙИБАТ Бу сўз асли арабча **ғаройиб** сифатидан (қ.) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида (тожик тилида ҳам) қўшимча тарки-бидаги **а** унлиси **â** унлисига хато алмаштирилган, чунки

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу ерда от ясовчи **-at(un)** қўшимчаси эмас, балки кўп — лик шакли ҳосил қилувчи **-āt(un)** қўшимчаси қўшилади деб ўйланган: **қаройиб + ат = ғаройибат;** бу сўз 'ғалати, одатдагига ўхшамайдиган нарса-воқеа' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 653).

ҒАРОЙИБОТ *қ.* **ғаройибат**

ҒАРҚ Бу арабча сўз асли **ġaraq(un)** шаклига эга (АРС, 561); ўзбек тилига (тожик тилига ҳам) иккинчи бўғиндаги **а** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ġaraq → ғарқ; ġariqa** феълининг 'чўмди', 'чўқди' маъноси билан (АРС, 561) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'сувга чўкиш' маъносини англатади; кўчма маънода 'бирор ишга кўмилиб кетиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 654). Бу сўз билан ўзбек тилида **ғарқ бўл- , ғарқ қил-** феъллари тузилган.

ҒАССОЛ Бу арабча сўз **ġassāl(un)** шаклига эга (АРС, 563); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġassāl → ғассâл (ғассол); ġasala** феълининг 'ювди' маъноси билан (АРС, 563) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), араб тилида 'кир ювувчи' маъносини англатади (АРС, 563); ўзбек тилида бу сўз 'мурдани ювувчи', 'ювғучи' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 654).

ҒАФЛАТ Бу арабча сўз **ġaflat(un)** шаклига эга (АРС, 567); **ġafala** феълининг 'бепарво бўлди' маъноси билан (АРС, 567) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'бепарволик оқибатида билмай қолиш, бехабар қолиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 654).

ҒАФУР *қ.* **астағфирулло**

ҒАФФОР *қ.* **астағфирулло**

ҒАШАВА *қ.* **ғишава**

ҒИЗО Бу арабча сўз **ġiżāь(un)** шаклига эга (АРС, 558); ўзбек тилига зал ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳам — зани ташлаб қабул қилинган: **ġiżāь → ғизâ (ғизо);** 'ов — қатланди' маъносини англатувчи **ġażā** феълидан (АРС, 558) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 145), 'емиш', 'овқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 657).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒИЙБАТ Бу арабча сўз **ġiybat(un)** шаклига эга (АРС, 576); кўпмаъноли **ġāba** феълининг 'бадном қилди' маъноси билан (АРС, 575) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'бадном қилиш мақсади билан орқа-воротдан ёмон гаплар айтиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 657). Бу сўздан ўзбек тилида **ғийбатчи** сўзи ясалган.

ҒИЛОФ Бу арабча сўз **ġilāf(un)** шаклига эга (АРС, 569); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġilāf → ғилâф (ғилоф);** 'ичига солди' маъносини англатувчи **ġalafa** феълидан (АРС, 569) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'буюмни ташқи шикастдан сақлаш учун солиб қўйиладиган махсус қоплама' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 658).

ҒИШАВА Бу арабча сўз асли **ġaṣāvat(un)** ва **ġiṣāvat(un)** шаклига эга (АРС, 564); адабий ўзбек тилига мансуб деб **ғишава** шакли белгиланган, бунда араб сўзи таркибидаги чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига алмаштирилган, сўз охиридаги **t** товуши ташланган: **ġiṣāvat → ғишава; ғашава** шакли сўзлашув тилига мансуб деб белгиланган; **ġaṣiya**[2] феълининг 'қоплади' маъноси асосида (АРС, 564) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'ёпинчиқ', 'кўзни қоплаган парда', 'кўзга тушган оқ' каби маъноларни англатади (АРС, 564); ўзбек тилида бу сўз 'инжиқлик', 'хархаша' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 661).

ҒОЗИ *қ.* **ғозий**

ҒОЗИЙ Бу арабча сўз **ġāzin** шаклига эга (АРС, 563); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **n** товушини ташлаб, **й** товушини қўшиб қабул қилинган: **ġāzin → ғâзий (ғозий);** ЎКААҚЛнинг 433- бетида бу сўз **ғози** шаклида ёзилган; **ġāza** феълининг 'босқин қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 151), араб тилида 'босқинчи' маъносини англатади (АРС, 563); ўзбек тилида бу сўз 'дин йўлида қилинган урушда енгиб чиққан (киши)' маъносини англатиш учун ишлатилади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, II, 662). Бу сўз **Ғози** шаклида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ҒОЙА Бу арабча сўз **ġāyat(un)** шаклига эга (АРС, 575); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ġāyat → ғâйа (ғоя);** асли **ġauyā** феълининг 'мақсадни белгилади' маъноси билан (АРС, 575) ҳосил қилинган масдари бўлиб, араб тилида 'чек-чегара', 'поён', 'мақсад', 'интилиш', 'хомхаёл', 'байроқ' маъноларини англатади (АРС, 575); ўзбек тилида бу сўз 'маълум мақсадни кўзловчи фикр', 'идея' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 663).

ҒОЙАВИЙ Бу сўз арабча **ғойа** сўзидан (қ.) арабча **-вий** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 49), 'маълум ғояга асосланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 663).

ҒОЙАТ Бу арабча сўз **ġāyat(un)** шаклига эга (АРС, 575); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġāyat → ғâйат (ғоят); ġauyā** феъли мақоласида келтирилган бу сўз ўзбек тилига 'чек-чегара', 'поён', 'ниҳоя' маъноси асосида (АРС, 575) қабул қилинган бўлиб, 'бениҳоя', 'чексиз' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 663). Бу сўз ўрин келишиги қўшимчаси билан **ғоятда** шаклида ҳам ишлатилади (келишик қўшимчасини қўшиб ишлатиш **ниҳоятда** сўзида ҳам воқе бўлган).

ҒОЙАТДА қ. **ғойат** .

ҒОЙИБ Бу арабча сўз **ġāьib(un)** шаклига эга (АРС, 575); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, касрали ҳамзани **йи** товушларига алмаштириб қабул қилинган: **ġāьib → ғâйиб (ғойиб);** тожик тилига касрали ҳамзани **и** унлисига алмаштириб олинган: **ġāьib → ғâиб (ғоиб)** – ТжРС, 479; **ġāba** феълининг 'кўздан йўқолди' маъноси билан (АРС, 575) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'кўзга кўринмас', 'кўздан йўқолган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 662). Бу сўз билан ўзбек тилида **ғойиб бўл- , ғойиб қил-** феъллари тузилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒОЙИБОНА Бу сўз тожик тилида арабча **ғойиб** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 542, 479), 'сиртдан', 'кўрмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 662).

ҒОЛИБ Бу арабча сўз **ġālib(un)** шаклига эга (АРС, 568); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġālib → ғâлиб (ғолиб);** кўпмаъноли **ġalaba** феълининг 'енгди' маъноси билан (АРС, 568) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), '(жанг, кураш, тортишув, мусобақада) енгиб чиққан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 662). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида, шу сўзнинг муаннас шакли **ғолиба** сўзи аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади. **Ғолиб** сўзидан ўзбек тилида **ғолиблик** мавҳум оти ясалган.

ҒОЛИБА қ. **ғолиб**

ҒОЛИБИЙАТ Бу арабча сўз **ғолиб** сўзидан (қ.) **-иййат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ғолибиййат → ғолибият;** 'ғалаба қозониш', 'зафар қучиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 662).

ҒОЛИБОНА Бу сўз тожик тилида арабча **ғолиб** сўзидан тожикча **-она** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 542, 480), 'ғолибларга хос', 'ғолибларча' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 662).

ҒОФИЛ Бу арабча сўз **ġāfil(un)** шаклига эга (АРС, 567); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġāfil → ғâфил; ġafala** феълининг 'бепарво бўлди' маъноси билан (АРС, 567) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'бепарволик ҳолатидаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 663).

ҒОФИР қ. **астағфирулло**

ҒУБОР Бу арабча сўз **ġubār(un)** шаклига эга (АРС, 555); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġubār → ғубâр (ғубор); ġabara** феълининг 'чангитди' маъноси билан (АРС, 555) ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'чанг' маъно-сини англатади (ЎТИЛ, II, 663).

ҒУЛОМ Бу арабча сўз **ġulām(un)** шаклига эга (АРС, 570); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġulām → ғулâм (ғулом);** асли 'нафсонияти уйғанди' маъносини англатувчи **ġalima** феълидан (АРС, 570) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), араб тилида 'ўспирин', 'малай', 'югурдак' маъноларини англатади (АРС, 570); ўзбек тилида бу сўз эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади ('қул', 'Оллонинг қули' маъносини англатади) — ЎТИЛ, II, 665.

ҒУЛУ қ. **ғулув**

ҒУЛУВ Бу арабча сўз **ġuluvv(un)** шаклига эга (АРС, 570); ўзбек тилига сўз охиридаги **vv** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ġuluvv → ғулув** (ПРСнинг 359- бетида бу сўз қавслар ичида аслига мувофиқ иккита **v** ҳарфи билан ёзилган); кўринадики, бу сўз ўзбек луғатларида хато равишда **ғулу** шаклида ёзиб юборилган; асли **ġalā²** феълининг 'чек-чегарадан чиқди' маъноси билан (АРС, 570) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'меъёрдан чиқиш', 'ҳаддан ташқари интилиш' маъноларини англатади (АРС, 570); ўзбек тилида бу сўз 'кўпчилик бўлиб норозилик билдириш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 665).

ҒУРБАТ Бу арабча сўз **ġurbat(un)** шаклига эга (АРС, 559); кўпмаъноли **ġaraba²** феълининг 'нотаниш бўлди' маъноси билан (АРС, 559) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'бегона юрт', 'бегона юрт-даги ҳаёт' маъноларини англатади (АРС, 559); ўзбек тилида бу сўз, юқоридаги маънолардан ташқари, 'ғам-ғусса', 'хафалик' маъносини ҳам англатади (ЎТИЛ, II, 665).

ҒУРУР Бу арабча сўз **ġurūr(un)** шаклига эга (АРС, 558); ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ġurūr → ғурур;** 'мағрурланиш ҳиссига берилди' маъносини англатувчи **ġarra** феълидан (АРС, 558) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'мағрурланиш ҳиссиётига берилиш'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 666). Бу сўздан ўзбек тилида **ғурурлан-** феъли ясалган.

ҒУСЛ Бу арабча сўз **ġusl(un)** шаклига эга (АРС, 563); **ġasala** феълининг 'ювди' маъноси билан (АРС, 563) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'ювиниш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 666).

ҒУССА Бу арабча сўз **ġuŝŝat(un)** шаклига эга (АРС, 564); ўзбек тилига сад ундошларини **с** ундошларига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ġuŝŝat → ғусса;** 'томоғига тиқилди', 'қалқиди', 'тўлиб-тошди' маъноларини англатувчи **ġaŝŝa** феълидан (АРС, 564) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'бўғма' (касаллик), 'ғам-алам' маъноларини англатади (АРС, 564); ўзбек тилига иккинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 666).

Ҳ

ҲАБ: Бу арабча сўз **ħabb(un)** шаклига эга (АРС, 152); ўзбек тилига ҳойи ҳугги ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **bb** ундошларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ħabb → ҳаб;** кўпмаъноли **ħabba** феълининг 'юмалоқ доначалар ҳолатига келтирди' маъноси билан (АРС, 152) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилига 'юмалоқ донача' маъноси билан қабул қилинган, одатда **ҳаб дори** бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 669).

ҲАБИБ	қ.	**аҳбоб**
ҲАБИБА	қ.	**аҳбоб**
ҲАБС	қ.	**ҳибс**
ҲАБСХОНА	қ.	**ҳибсхона**

ҲАВАС Бу арабча сўз **ħavas(un)** шаклига эга (АРС, 863); **ħavisa** феълининг 'гангиди' маъноси билан (АРС, 863) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'кўр-кўрона берилиш', 'ақлдан озиш' каби маъноларни англатади (АРС, 863); ўзбек тилида бу сўз 'нимагадир эришиш ҳақидаги истак' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 669).

ҲАВАСКОР Бу сўз тожик тилида арабча **ҳавас** сўзидан (қ.) **-кор** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 542,

www.ziyouz.com kutubxonasi

494); 'ҳавас қилувчи', 'қизиқувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 669). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳаваскорлик** оти ясалган.

ҲАВАСМАНД Бу сўз тожик тилида арабча **ҳавас** сўзидан (қ.) **-манд** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 542, 494); 'нимагадир эришишни ўта даражада истовчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 669).

ҲАВЗА Бу арабча сўз асли **havḍat(un)** шаклига эга; асли 'сув тўплаш учун сунъий кенг чуқурлик ҳосил қилди' маъносини англатувчи **havaḍa** феълининг (АРС, 201) I боб масдари **havḍ(un)** сўзидан (АРС, 201) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида 'маълум бир дарё ва унинг ирмоқларидан сув ичадиган, атрофи баландликлар билан ўралган кенг саҳн' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 669).

ҲАВО I Бу арабча сўз **havъ(un)** шаклига эга (АРС, 862); тожик тилига ҳамзани **ā** товушига алмаштириб қабул қилинган (ТжРС, 494), ўзбек тилига шу шаклида ўтган: **havъ → ҳавâ (ҳаво).** Бу сўз асли 'интилди', 'кўзлади' маъносини англатувчи **hāvъ** феълининг масдари бўлиб (АРС, 862), араб тилида 'бирор мақсадга интилиш' маъносини англатади. ЎТИЛда (II, 670) бу сўзнинг маъноси 'кибр', 'баланддимоғлик' деб таърифланган; бундай таърифлашга **ҳаво** сўзини **кибр** сўзига синоним деб тушуниш сабаб бўлган.

ҲАВО II Бу арабча сўз **havāь(un)** шаклига эга (АРС, 862); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **havāь → ҳавâ (ҳаво);** кўпмаъноли **havā** феълининг '(шамол) эсди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), араб тилидан 'Ер атрофини қоплаб турувчи, асосан азот ва кислороддан иборат модда' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 669).

ҲАВОЛА Бу арабча сўз **ḥavālat(un)** шаклига эга (АРС, 204); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥavālat**

www.ziyouz.com kutubxonasi

→ **ҳавâла (ҳавола);** асли **hala** феълининг 'ажратди' маъноси билан (АРС, 202) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'кимгадир пул ўтказиш' маъносини (АРС, 204), ўзбек тилида эса 'кимнингдир ихтиёрига топшириш' маъносини англатиб, **ҳавола қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади (ЎТИЛ, II, 670). Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида 'сноска' маъносини англатиш учун ишлатилмоқда.

ҲАВОН Бу арабча сўз асли **hāvūn(un)** шаклига эга (АРС, 864); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига, чўзиқ **ū** унлисини **â** унлисига алмаштириб олинган: **hāvūn → ҳавâн (ҳавон);** асли бу сўз **ҳовонча** сўзи (қ.) таркибидаги **ҳовон** сўзи билан бир хил ёзилиши тўғри; **hāna**[1] феълининг 'майда бўлди' маъноси билан (АРС, 863) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, 'синчларга қиялаб михланадиган тирагич' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 671).

ҲАД I Бу арабча сўз **hadd(un)** шаклига эга (АРС, 159); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **dd** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **hadd → ҳад** (лекин эгалик қўшимчаси қўшилса, бу ундош тикланади: **ҳад + им → ҳаддим** каби); **hadda**[1] феълининг 'чегаралади' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 158), араб тилида 'чегара', 'поён' каби маъноларни англатади (АРС, 159); ўзбек тилига 'чегара' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 671).

ҲАД II Бу сўз арабча **ҳад I** сўзидан 'аъзо' маъноси билан математика термини сифатида ажралиб чиққан (АРС, 159); 'ифодани ташкил этувчиларидан ҳар бири' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 671).

ҲАДИС I Бу арабча сўз **hadīš(un)**[2] шаклига эга (АРС, 160); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, се ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **hadīš → ҳадис; hadaša** феълининг 'таплашди', 'ҳикоя қилди' маъноси билан (АРС, 160) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'суҳбат', 'ҳикоя', 'Муҳаммад пайғамбар

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтган гаплар, амалга оширган ишлар ҳақидаги ҳикоя — лар' маъносини англатади (АРС, 160); ўзбек тилига охирги маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 671).

ҲАДИС II Бу арабча сўз **ḥads(un)**[2] шаклига эга (АРС, 161); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо — шига алмаштириб, **ds** ундошлари оралиғига **и** унлисини қўшиб қабул қилинган: **ḥads → ҳадис;** 'ўйлади', 'эҳтимол қилди' маъносини англатувчи **ḥadasa** феълининг (АРС, 161) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'фаҳмлаш' маъносини англатади (АРС, 161); ўзбек ти — лида 'синаш', 'эпини топиш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 672).

ҲАДИЯ Бу арабча сўз асли **ḥadiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 850); тожик тилига таркибидаги **уу** товушла — ридан бирини ва сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥadiyyat → ҳадийа (ҳадия);** ўзбек ти — лига, булардан ташқари, **і** унлисини ҳам ташлаб олин — ган: **ҳадийа → ҳадйа (ҳадя);** **ḥadā** феълининг 'тортиқ қилди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари **ḥady(un)** сўзидан (АРС, 850) **-iyyat(un)** қўшимчаси би — лан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'тортиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 672).

ҲАЖ Бу арабча сўз **ḥaççi(un)** шаклига эга (АРС, 156); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаш — тириб, сўз охиридаги **çç** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ḥaççi → ҳаж; ḥaççа** феълининг 'муқад — дас жойларни зиёрат қилди' маъноси билан ҳосил қи — линган I боб масдари бўлиб (АРС, 156), 'Каъбани зиёрат қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 673).

ҲАЖВ Бу арабча сўз **ḥaçv(un)** шаклига эга (АРС, 848); **ḥaçā** феълининг 'устидан кулди', 'масхара қилди' маъноси билан (АРС, 847) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'устидан кулиш', 'масхара қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 673). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳажвчи** оти ясалган.

ҲАЖВИЙ Бу арабча сўз **ḥaçviyy(un)** шаклига эга (АРС, 848); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушлари — дан бирини ташлаб қабул қилинган: **ḥaçviyy → ҳажвий;**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳажв (haçv) сўзидан (қ.) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'ҳажвга асос-ланган', 'ҳажв йўли билан ёзилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 673).

ҲАЖВИЙАТ Бу арабча сўз асли **haçviyyat(un)** шаклига эга; **haçv(un)** сўзидан (қ.) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), ўзбек тилига таркибидаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **haçv + iyyat(un) = haçviyyat(un) → ҳажвийат (ҳажвият).** Бу сўзни **ҳажв** сўзининг кўплик шакли деб тушуниш оқибатида тожик тили луғатига **ҳажвиёт** шаклида киритилган (ТжРС, 504); бу хатолик ўзбек луғатига ҳам кўчиб ўтган (ЎТИЛ, II, 673).

ҲАЖВИЙОТ қ. **ҳажвийат**

ҲАЖМ Бу арабча сўз **ħaçm(un)** шаклига эга (АРС, 158); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** унлошига алмаштириб қабул қилинган: **ħaçm → ҳажм; ħaçama** феъли мақоласида берилган бу сўз I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'ўлчам', 'нарсанинг бўй, эн, ён — уч ўлчам жиҳатидан катталиги' (кубатураси) маънола-рини англатади (АРС, 158), ўзбек тилига кейинги маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 673).

ҲАЖМАН Бу сўз арабча **ҳажм** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида равишга айланган; 'ҳажм жиҳатидан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 673).

ҲАЖР Бу арабча сўз **haçr(un)** шаклига эга (АРС, 846); кўпмаъноли **haçara** феълининг 'алоқа-муносаба-тини узди' маъноси билан (АРС, 846) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'айрилиқ', 'ҳижрон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 673).

ҲАЗАР: Бу арабча сўз **ħaẓar(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 162), ўзбек тилига ҳойи ҳутти товушини **ҳ** тову-шига, зал товушини **з** товушига алмаштириб қабул қилинган: **ħaẓar → ҳазар.** Бу сўз 'эҳтиёт бўлди', 'сақ-ланди' маъносини англатувчи **ħaẓira** феълининг I боб масдари бўлиб (АРС, 162), 'эҳтиёткорлик', 'сақланиш', 'жирканиш' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 673).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу сўз ўзбек тилида ёлғиз ўзи ишлатилмайди, **ҳазар қил-** қўшма феъли таркибида қатнашади.

ҲАЗИЛ Бу арабча сўз асли **hazl(un)** шаклига эга (АРС, 854); тожик тилида **ҳазл** ва **ҳазил** шаклларида ишлатилади (**ҳазил** шакли сўзлашув тилига мансуб деб таъкидланган — ТжРС, 495); ўзбек тилига тожик тилидан **ҳазил** шаклида олинган (Талаффуз қулайлигини таъминлаш учун **зл** ундошлари оралиғига **и** унлиси қўшилган); **hazala** феълининг 'эрмак тариқасида тегажаклик қилди' маъносидан (АРС, 854) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'эрмак тариқасида тегажаклик билан айтилган гап ёки қилинган ҳаракат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 673). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳазиллаш-** феъли ясалган, **ҳазил-мутойиба** жуфт сўзи тузилган.

ҲАЗИЛАКАМ Бу сўз ўзбек сўзлашув тилида арабча **ҳазил** сўзидан (қ.) **-акам** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'ҳазил йўсинидаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 673); тожик тилида бу сўз **ҳазилаки (ҳазил + аки)** шаклида ишлатилади (ТжРС, 495).

ҲАЗИЛКАШ Бу сўз тожик тилида арабча **ҳазил** сўзига (қ.) 'тортди' маъносини англатувчи тожикча **кашидан** феълининг **каш** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган; 'ҳазил қилишни севадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 673).

ҲАЗИН Бу арабча сўз **ḥazīn(un)** шаклига эга (АРС, 171); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥazīn → ҳазин;** 'мунгли қилди' маъносини англатувчи **ḥazana** феълидан (АРС, 170 ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'мунгли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 674).

ҲАЗИР: Бу арабча сўз асли **ḥaẓr(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 181), ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, **ẓr** ундошлари оралиғига **и** унлисини қўшиб қабул қилинган: **ḥaẓr → ҳазир;** 'иҳота қилди' маъносини англатувчи **ḥaẓara** феълидан (АРС, 181) ҳосил қилинган I

www.ziyouz.com kutubxonasi

боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'тақиқлаш' маъносини (АРС, 181), ўзбек тилида эса 'ташқи таъ—сирдан ўзини эҳтиёт қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 674); бу сўз ўзбек тилида **ҳазир бўл-** қўшма феъли таркибида ишлатилади.

ҲАЗМ Бу арабча сўз **hazm(un)** шаклига эга (АРС, 854); асли **hazama**[1] феълининг 'парчаланди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 854), араб тилида 'тор-мор қилиниш', 'енгилиш' маъносини англатади (АРС, 854); ўзбек тилида 'таомнинг организмда ўзлаштирилиши' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 674). Бу сўз билан ўзбек тилида **ҳазм бўл- , ҳазм қил-** қўшма феъллари тузилган.

ҲАЗРАТ Бу арабча сўз **ḥaḍrat(un)** шаклига эга (АРС, 179); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥaḍrat → ҳазрат;** кўпмаъноли **ḥaḍara** феълининг 'ҳузу—рида бўлди' маъноси асосида (АРС, 179) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), энг юксак мартабали кишига мурожаат сўзи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 674).

ҲАЙАЖОН Бу арабча сўз **hayaçān(un)** шаклига эга (АРС, 866); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **hayaçān → ҳайажân (ҳаяжон);** 'руҳан тўлқинланди' маъносини англатувчи **hāça**[1] феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'руҳан тўлқинланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 691). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳайажонли** сифати, **ҳайажонлан-** феъли ясалган.

ҲАЙБАРАКАЛЛА Бу сўз ўзбек тилида рози экан—ликни, қўллаб-қувватлашни ифодаловчи **ҳай** ундов сўзи билан (ЎТИЛ, II, 675; ТжРС, 496) **баракалла** сўзини (қ.) бирлаштириб тузилган бўлиб, 'қўллаб-қувватловчи, далда берувчи сўзларни айтиш билан чекланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 675).

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИ Бу сўз ўзбек тилида **ҳайбара—калла** сўзидан (қ.) **-чи** қўшимчаси билан ясалган, 'ўзи ишламасдан, бошқаларни ишлашга ундайдиган сўзлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтиш билан шуғулланувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 675).

ҲАЙБАТ *қ.* **ҳайбатли**

ҲАЙБАТЛИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ҳайбат** сўзидан **-ли** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, 'қўрқиш аралаш ҳурмат уйғотадиган даражада катта' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 675). **Ҳайбат** сўзи эса 'баҳайбат кўринди' маъносини англатувчи **hāba** феълининг (АРС, 866) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'қўрқиш аралаш ҳурмат ҳиссини уйғатувчи қиёфа' маъносини англатади (АРС, 866); ЎТИЛ, II, 675).

ҲАЙВОН Бу арабча сўз **ḥayavān(un)** ва **ḥayvān(un)** шаклларига эга (АРС, 206); ўзбек тилига иккинчи шакли таркибидаги ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥayvān → ҳайвân (ҳайвон); ḥaiya** феълининг 'яшади', 'мавжуд бўлди' маъноси билан (АРС, 205) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'инсондан бошқа ҳар бир тирик мавжудот' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 675).

ҲАЙВОНОТ Бу арабча сўз **ҳайвон** сўзининг **-āt(ун)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'ҳайвонлар олами' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 675).

ҲАЙДАР Бу арабча сўз **ḥaydar(un)** шаклига эга (АРС, 161); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥaydar → ҳайдар;** 'семиз, йўғон бўлди' маъносини англатувчи **ḥaydara**[2] феъли мақоласида берилган бу сўз араб тилида 'арслон' маъносини англатади (АРС, 161); ўзбек тилида бу сўз 'йўғон соч ўрими' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 676). Бу сўз 'арслон' маъноси билан эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ҲАЙИТ Бу арабча сўз асли **ъiyd(un)** шаклига эга (АРС, 548); адабий тилда **ийд** шаклида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 319); бу сўз ЎТИЛнинг бошқа саҳифасида (**ҳайит** мақоласида) **ид** шаклида хато ёзилган (II, 676), бу хато тожик тили луғатидан (ТжРС, 159) кўчиб ўтган;

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек сўзлашув тилида бу сўз товуш жиҳатидан бутунлай ўзгартириб юборилган: сўз бошланишига **ҳа** товушлари қўшилган, касрали айн (**ъі**) **и** товушига алмаштирилган, бу унли **у** ундоши билан ўрин алмашган, сўз охиридаги **d** жарангли ундоши **т** жарангсиз эшига алмашган (Араб тили талаффуз қоидасига биноан сўз охиридаги **d** ундоши жарангсизлашмайди); асли **ъiyd(un)** сўзи кўпмаъноли **ъāda** феълининг 'байрам қилди' маъноси билан (АРС, 547) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'байрам' маъносини англатади (АРС, 649); ўзбек тилида 'диний байрам' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 676).

ҲАЙКАЛ Бу арабча от сўз **haykal(un)** шаклига эга (АРС, 867); араб тилида 'жуда катта' маъносини, кўплик шаклида эса 'жуда катта бино' каби маънони англатади (АРС, 867); ўзбек тилида бу сўз 'киши ёки ҳайвон гавдасининг қаттиқ жисмдан ясалган тасвири' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 676).

ҲАЙКАЛТАРОШ Бу сўз тожик тилида арабча **ҳайкал** сўзига (қ.) 'йўнди', 'тарашлади' маъносини англатувчи тожикча **тарошидан** феълининг **тарош** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 383, 496); 'ҳайкал ясовчи санъат устаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 677).

ҲАЙО Бу арабча сўз **ћаүāъ(un)** шаклига эга (АРС, 205); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ћаүāъ → ҳайâ (ҳаё); ћaiya** феълининг 'уялди' маъноси билан (АРС, 205) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), 'уялиш', 'уятчанлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 672).

ҲАЙОТ Бу арабча сўз **ћayāt(un)** шаклига эга (АРС, 205); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ћayāt → ҳайât (ҳаёт); ћaiya** феълининг 'яшади' маъноси билан (АРС, 205) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'яшаш, физиологик мавжудлик' маъ—

www.ziyouz.com kutubxonasi

носини англатади (ЎТИЛ, II, 672). Бу сўз билан ўзбек тилида **ҳайот-мамот** жуфт сўзи тузилган.

ҲАЙОТБАХШ Бу сўз тожик тилида арабча **ҳайот** сўзига (қ.) 'ҳадя қил-' маъносини англатувчи тожикча **бахшидан** феълининг **бахш** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 52, 51, 595); 'яшаш учун шарт-шароит бағишлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 672).

ҲАЙОТИЙ Бу арабча сўз **ḥayātiyy(un)** шаклига эга (АРС, 206); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ḥayātiyy → ҳайâтий (ҳаётий); ҳайот** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'ҳаёт учун зарур' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 672).

ҲАЙОТ-МАМОТ *қ.* **мамот**

ҲАЙРАТ Бу арабча сўз **ḥayrat(un)** шаклига эга (АРС, 207); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥayrat → ҳайрат;** 'ҳайрон бўлди' маъносини англатувчи **ḥāra** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 207), 'тааж-жуб', 'ҳайронлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 677). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳайратлан-** феъли ясалган.

ҲАЙРОН Бу арабча сўз **ḥayrānu** шаклига эга (АРС, 207); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **u** қисмини ташлаб қабул қилинган: **ḥayrānu → ҳайрâн (ҳайрон);** 'ажабланди' маъносини англатувчи **ḥāra** феълидан (АРС, 207) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'ҳайратланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 677). Бу сўз билан ўзбек тилида **ҳайрон бўл- , ҳайрон қил-** феъллари тузилган.

ҲАЙФ Бу арабча сўз **ḥayf(un)** шаклига эга (АРС, 207); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥayf → ҳайф;** 'адолатсиз-лик бўлди' маъносини англатувчи **ḥāfa** феълидан (АРС, 207) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142),

www.ziyouz.com kutubxonasi

араб тилида 'адолатсизлик', 'ноҳақ етказилган озор' маъносини англатади (АРС, 207); ўзбек тилида бу сўз ниманидир кимгадир бериш адолатсизлик бўлишини ифодалаш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 677). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳайфсин-** феъли ясалган.

ҲАЙЪАТ Бу арабча сўз **ħauьat(un)** шаклига эга (АРС, 865); ўзбек тилига сукун ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб, фатҳали ҳамзани **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ħauьat → ҳайъат;** кўпмаъноли **ħāуьa** феълининг 'басавлат бўлди' маъноси асосида (АРС, 865) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), бу кўпмаъноли сўз араб тилидан 'маълум бир вазифага сайланган, белгиланган кишилар гуруҳи' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 678).

ҲАКАМ Бу арабча сўз **ħakam(un)** шаклига эга (АРС, 187); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ħakam → ҳакам;** асли кўпмаъноли **ħakama** феълининг 'ҳукм чиқарди' маъноси билан (АРС, 187) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'икки тараф тортишувида, мусобақада холис туриб ҳукм чиқарувчи киши' (арбитр) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 678).

ҲАКИМ Бу арабча сўз **ħakīm(un)** шаклига эга (АРС, 188); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ħakīm → ҳаким;** асли 'донишманд бўлди' маъносини англатувчи **ħakuma** феълидан (АРС, 188) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), дастлаб 'донишманд' маъносини англатган, кейинчалик маъно тараққиёти натижасида 'ўткир табиб' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 678). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида, муаннас шакли **ҳакима** сўзи эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ҲАКИМА *қ.* **ҳаким**

ҲАЛ I Бу арабча сўз **ħal(un)** шаклига эга (АРС, 189); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **ll** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ħall → ҳал;** кўпмаъноли **ħalla**[1] феъли—

www.ziyouz.com kutubxonasi

ʻнинг ʻечди', ʻбартараф қилди' маъноси билан ҳосил қи— линган I боб масдари бўлиб (АРС, 188), ʻечиш', ʻбарта— раф қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 679), Бу сўз билан ўзбек тилида **ҳал бўл- , ҳал қил-** феъллари тузилган.

ҲАЛ II Бу арабча сўз **ḥall** шаклига эга (АРС, 189); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаш— тириб, сўз охиридаги **ll** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ḥall → ҳал;** кўпмаъноли **ḥalla**[1] феъли— нинг ʻсувда эритди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 189), араб тилида ʻэритиш' маъносини, ўзбек тилида эса шу маъно асосида юзага келган ʻтилла, кумуш, бронза кукунидан тайёрланган бўёқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 679). Бу сўз билан ўзбек тилида **ҳалли** (ʻҳал берилган') сўзи ясалган, **зар— ҳал** қўшма сўзи тузилган.

ҲАЛВО *қ.* **ҳолва**
ҲАЛВОГАР *қ.* **ҳолвагар**
ҲАЛВОЙТАР *қ.* **ҳолвайтар**
ҲАЛИЛ *қ.* **ҳалила**

ҲАЛИЛА Бу арабча сўз **ḥalīlat(un)** шаклига эга (АРС, 190); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо— шига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥalīlat → ҳалила;** ʻқонуний бўлди' маъносини англатувчи **ḥalla**[3] феълидан (АРС, 189) ҳосил қилинган I боб масдари **ḥalīl(un)** сўзининг (АТГ, 143) **-at(un)** қўшимчасини олган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), араб тилида ʻникоҳдаги аёл' маъносини, **ḥalīl** сўзи эса ʻникоҳдаги эркак' маъ— носини англатади (АРС, 190); ўзбек тилида бу сўз **ҳалол** сўзининг муаннас шакли деб тушунилиб, **ҳалола** сўзи мақоласига қўшиб юборилган (ЎТИЛ, II, 681).

ҲАЛИМ Бу арабча сўз **ḥalīm(un)** шаклига эга (АРС, 858); ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаш— тириб қабул қилинган: **ḥalīm → ҳалим;** асли ʻелимшиқ' маъносини англатувчи аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), ўзбек тилида ʻбуғдой ёрмаси билан гўштни ҳил-ҳил, елимшиқ бўлгунча пиширib тайёрланадиган овқат'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 680).

ҲАЛОВАТ Бу арабча сўз **ḥalāvat(un)** шаклига эга (АРС, 192); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥalāvat → ҳалâват (ҳаловат);** кўпмаъноли **ḥalā** феълининг 'мамнун бўлди' маъноси билан (АРС, 192) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'мамнуният ҳисси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 680).

ҲАЛОК: Бу арабча сўз **halāk(un)** шаклига эга (АРС, 858); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **halāk → ҳалâк (ҳалок);** 'фожиали равишда ўлди' маъносини англатувчи **halaka** феълидан (АРС, 857) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида 'фожиали равишда ўлиш' маъноси билан **ҳалок бўл-** феъли таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 680).

ҲАЛОКАТ Бу арабча сўз **halkat(un)** ва **halakat(un)** шаклига эга (АРС, 858); ўзбек тилига иккинчи шаклининг иккинчи бўғинидаги **a** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **halakat → ҳалâкат (ҳалокат); halaka** феълидан (АРС, 857) 'фожиали равишда ўлди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'емирилиш', 'ўлиш' маъноларини англатади (АРС, 858),ўзбек тилига 'кўп киши ларнинг ўлимига сабаб бўлган мудҳиш воқеа' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 680).

ҲАЛОЛ Бу арабча сўз **ḥalāl(un)** шаклига эга (АРС, 189); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **halāl → ҳалâл (ҳалол);** асли 'қоидага риоя қилинди', 'қонуний бўлди' маъносини англатувчи **halla**[3] феълидан (АРС, 189) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб, араб тилида 'қоидага риоя қилинган', 'қонуний' маъносини (АРС, 189), ўзбек тилида эса 'шариат ҳукмига мувофиқ еса, ичса, фойдаланса бўладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 681). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳалолла-** феъли ясалган.

ҲАЛФАНА Бу арабча сўз **ḥilfān(un)** масдаридан

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 191); **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, **i** унлисини **a** унлисига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ħilfānat → ҳалфана; ħalafa** феълининг 'бирлашди' маъноси билан (АРС, 191) ҳосил қилинган масдардан ясалган бу от ўзбек тилида 'бир неча кишининг ўз имкониятини бирлаштириб бирга-ликда овқат тайёрлаши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 681). ЎТИЛда бу сўз арабча сўзга тожикча қўшимча қўшиб ясалган деб нотўғри таъкидланган.

ҲАЛҚА Бу арабча сўз **ħalqat(un)** шаклига эга (АРС, 192); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ħalqat → ҳалқа;** кўпмаъноли **ħalaqa** феълининг 'доира шаклига киритди' маъноси билан (АРС, 191) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида тўққиз маънони англатади (АРС, 192); ўзбек тилига 'доира шаклида эгиб ясалган буюм' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 681). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳалқала-** феъли ясалган.

ҲАЛҚУМ 'Бўғиз' маъносини англатувчи бу арабча от **ħulqum(un)** шаклига эга (АРС, 192); аввало ҳойи ҳутти товуши **ҳ** ундошига алмаштирилган: **ħulqum → ҳулқум.** Бу сўз тожик тили луғатига икки шаклда — **ҳулқум** (ТжРС, 508) ва **ҳалқум** (ТжРС, 498) тарзида киритилган; демак, бу сўз ўзбек тилига тожик тилидан биринчи бўғиннинг унлиси **a** унлисига алмашган талаффуз шаклида ўтган (ЎТИЛ, II, 682). Тожик тили луғатида **ҳалқум (ҳулқум)** сўзи ҳайвонлардаги шундай аъзони билдириши таъкидланган, ўзбек тили луғатида эса бундай чегаралаш йўқ. Араб тили луғатида ҳам бундай чегаралаш йўқлиги у ерда келтирилган **роҳат-ал-ҳулқум → раҳат-луқум** мисолидан очиқ кўриниб турибди.

ҲАМАЛ Бу арабча сўз **ħamal(un)** шаклига эга (АРС, 196); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ħamal → ҳамал;** кўпмаъноли **ħamala** феълининг 'олиб келди' маъноси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 195) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'қўзи' маъносини англатади ва шу сўз билан аталадиган буржни билдиради (АРС, 196); ўзбек тилида Ҳут ва Савр оралиғидаги буржнинг номи сифатида ва Шамсия йил ҳисобидаги биринчи ойнинг номи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 682).

ҲАМД: Бу арабча сўз **ḥamd(un)** шаклига эга (АРС, 194); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥamd → ҳамд; ḥamada** феълининг 'мақтади' маъноси билан (АРС, 194) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 152), 'мақтов' маъносини англатади; ўзбек тилида **алҳамдулилло** сўзи, **Оллога ҳамд-у санолар бўлсин** ибораси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 682).

ҲАМЗА Бу арабча сўз **ḥamzat(un)** шаклига эга (АРС, 859); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥamzat → ҳамза;** кўпмаъноли **ḥamaza** феълининг 'санчди' маъноси асосида (АРС, 859) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'укол қилиш' маъносини англатади, араб алифбосидаги бўғиз товушининг номи сифатида ишлатилади (АРС, 859); ўзбек тилига иккинчи маъноси билан олинган; эркак кишининг атоқли оти бўлиб ҳам келади (ЎТИЛ, II, 683).

ҲАМИД қ. **алҳамдулилло**

ҲАМИДА қ. **алҳамдулилло**

ҲАМИЙАТ Бу арабча сўз **ḥamiyyat(un)** шаклига эга (АРС, 197); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ḥamiyyat → ҳамийат (ҳамият);** асли **ḥamā** феълининг 'ҳомийлик қилди', 'ҳимоялади' маъноси билан (АРС, 197) ҳосил қилинган I боб масдаридан **–iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), ўзбек тилида араб тилидаги 'интилиш' маъноси асосида юзага келган 'ўзининг ва яқинларининг ор-номусини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга интилиш туйғуси' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 683). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳамиятли, ҳамиятсиз** сифатлари ҳосил қилинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАМЛА Бу арабча сўз **ħamlat(un)** шаклига эга (АРС, 196); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ħamlat → ҳамла;** кўпмаъноли **ħamala** феъ— лининг 'ҳужум қилди', 'ташланди' маъноси билан (АРС, 195) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилидан 'ҳужум' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 683). Бу сўз билан ўзбек тилида **ҳамла қил-** феъли ту— зилган.

• ҲАММОЛ Бу арабча сўз **ħammāl(un)** шаклига эга (АРС, 196); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо— шига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ħammāl → ҳаммâл (ҳаммол);** кўпмаъноли **ħamala** феълининг 'кўтариб олиб борди' маъноси билан (АРС, 195) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), 'юкни бирор манзилга элтиб берувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 684). Бу сўздан **ҳаммоллик** сўзи ясалган.

ҲАММОМ Бу арабча сўз **ħammām(un)** шаклига эга (АРС, 193); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо— шига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ħammām → ҳаммâм (ҳаммом);** 'чўмилди' маъносини англатувчи **ħamma**[1] феълидан (АРС, 193) ясалган от бўлиб (УАЯ, 499), 'иссиқ сув билан чўми— лишга атаб қурилган махсус бино' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 684). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳаммомчи** оти ясалган.

ҲАНДАСА Бу арабча сўз **handasat(un)** шаклига эга (АРС, 861); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **handasat → ҳандаса; handasa** феълининг 'ўлчади' маъноси билан (АРС, 861) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 339), тарихан 'гео— метрия' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, II, 685).

ҲАРАКАТ Бу арабча сўз **ħarakat(un)** шаклига эга (АРС, 168); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо— шига алмаштириб қабул қилинган: **ħarakat → ҳаракат;** 'қимирла-', 'жил-' маъносини англатувчи **ħaruka** феъ— лидан (АРС, 167) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АТГ, 143), 'қимирлаш', 'жилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 686). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳаракатлан-** феъли, **ҳаракатчан** сифати ясалган.

ҲАРАМ Бу арабча сўз **ḥaram(un)** шаклига эга (АРС, 168); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥaram → ҳарам; ḥaruma** феълининг 'тақиқлади' маъноси билан (АРС, 158) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ҳовлининг бегона эркаклар кириши тақиқланган қисми' маъноси — ни англатади (ЎТИЛ, II, 687).

ҲАРБ Бу арабча сўз **ḥarb(un)** шаклига эга (АРС, 163); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥarb → ҳарб;** 'талади', 'жанг қилди' маъносини англатувчи **ḥaraba** феълининг (АРС, 163) I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'жанг', 'уруш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 687).

ҲАРБИЙ Бу арабча сўз **ḥarbiyy(un)** шаклига эга (АРС, 163); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо — шига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан би — рини ташлаб қабул қилинган: **ḥarbiyy → ҳарбий; ḥarb (ҳарб)** сўзидан (қ.) **-iyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'ҳарбга (жангга) доир', 'ҳарбий хизматга (армияга) доир' каби маънони англа — тади (ЎТИЛ, II, 687).

ҲАРИР Бу арабча сўз **ḥarīr(un)** шаклига эга (АРС, 163); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қи — линган: **ḥarīr → ҳарир; ḥarra** феълининг 'холи қилди' маъноси асосида (АРС, 162) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), асли 'тиниқ', 'юпқа' маъносини англатади, кўчма маънода 'ипак мато' маъносини англатиш учун ишлатилади (АРС, 163; ЎТИЛ, II, 688).

ҲАРИС Бу арабча сўз **ḥarīs̄(un)** шаклига эга (АРС, 166); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥarīs̄ → ҳарис; ḥaraṣa** феълининг 'кучли даражада истади' маъноси билан (АРС, 165) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилидан 'ҳирс қўйган', 'кучли даражада берилган' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 688).

ҲАРИФ Бу арабча сўз **ḥarif(un)** шаклига эга (АРС, 166); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥarif → ҳариф; ḥarafa** феъли мақоласида берилган (АРС, 166) бу сўз асли аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'жўра', 'ўйинда шерик', 'қарши тараф кишиси' маъноларини англатади (АРС, 166; ЎТИЛ, II, 688).

ҲАРОМ Бу арабча сўз **ḥarām(un)** шаклига эга (АРС, 168); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥarām → ҳарâм (ҳаром);** асли **ḥaruma** феълининг 'тақиқлади' маъноси билан (АРС, 168) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб, 'еб-ичиш, фойдаланиш тақиқланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 688).

ҲАРОМЗОДА Бу сўз тожик тилида арабча **ҳаром** сўзига (қ.) 'ўғил' маъносини англатувчи **зода** сўзини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 502, 156), асли 'никоҳда бўлмаган эркак билан хотиндан туғилган ўғил' маъносини англатиб, сўкиш сўзи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 688).

ҲАРОМИ Бу сўз тожик тилида арабча **ҳаром** сўзига (қ.) **-и** қўшимчасини қўшиб ясалган сифат бўлиб (ТжРС, 502, 542), 'никоҳсиз туғилган' маъносини англатади, сўкиш сўзи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 688).

ҲАРОММАҒИЗ Бу қўшма сўз тожик тилида арабча **ҳаром** сўзи билан (қ.) 'мия' маъносини англатувчи тожикча **мағз** сўзидан (ТжРС, 222) тузилган бўлиб, ўзбек тилига **ғз** ундошлари оралиғига **и** унлисини қўшиб қабул қилинган: **ҳароммағз** (ТжРС, 502) → **ҳароммағиз** (ЎТИЛ, II, 688); 'марказий асаб тизимининг умуртқада жойлашган қисми' маъносини англатади. Бу қўшма сўз таркибида **ҳаром** сўзи 'ҳақиқий бўлмаган' маъноси билан қатнашади.

ҲАРОМТОВОҚ Бу қўшма сўз ўзбек тилида арабча **ҳаром** сўзи билан (қ.) 'овқат солинадиган идиш' маъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

носини англатувчи **товоқ** сўзидан (ЎТИЛ, II, 195) ту— зилган бўлиб, 'бошқаларнинг меҳнат қилиб топган ризқига шерик бўлувчи текинхўр' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 688).

ҲАРОМТОМОҚ Бу қўшма сўз ўзбек тилида арабча **ҳаром** сўзи билан (қ.) 'овқат' маъносини англатувчи ўзбекча **томоқ** сўзидан (ЎТИЛ, II, 201) тузилган бўлиб, 'ҳалол меҳнат қилмай, нопок даромат билан ҳаёт кечи— рувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 688).

ҲАРОРАТ Бу арабча сўз **ħarārat(un)** шаклига эга (АРС, 163); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо— шига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ħarārat → ҳарâрат (ҳарорат); ħarra** феъли— нинг 'иссиқ бўлди' маъноси билан (АРС, 162) ҳосил қи— линган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'иссиқ', 'иситма' маъноларини англатади (АРС, 163; ЎТИЛ, II, 689).

ҲАРФ Бу арабча сўз **ħarf(un)**[2] шаклига эга (АРС, 166); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаш— тириб қабул қилинган: **ħarf → ҳарф; ħarafa** феъли мақоласида берилган бу сўз (АРС, 166) араб тилида 'то— вуш (ундош товуш) ифодаловчи шакл', 'сўз' маъноларини англатади (АРС, 166); ўзбек тилида бу сўз 'товуш ифода— ловчи шакл' маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, II, 689).

ҲАРФИЙ Бу арабча сўз **ҳарф** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **ий** товушларидан би— рини ташлаб қабул қилинган: **ҳарф + ийй = ҳарфийй → ҳарфий;** 'ҳарфга доир' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 689).

ҲАРФХЎР Бу сўз асли русча **буквоед** сўзининг калькаси бўлиб, арабча **ҳарф** сўзига (қ.) 'е-' маъносини англатувчи тожикча **хўрдан** феълининг **хўр** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган; 'масаланинг моҳиятига эмас, ташқи, майда-чуйда томонига эътибор берувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 689).

ҲАСАД Бу арабча сўз **ħasad(un)** шаклига эга (АРС, 173); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ħasad → ҳасад; ħasada**

www.ziyouz.com kutubxonasi

феълининг 'кўра олмади' маъноси билан (АРС, 172) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'кўра олмаслик туйғуси' маъносини англатади (АРС, 173; ЎТИЛ, II, 689). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳасадчи** сўзи ясалган.

ҲАСАДГЎЙ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ҳасад** сўзига (қ.) 'гапир-' маъносини англатувчи тожикча **гуфтан** феълининг **гўй** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб тузилган; 'ҳасад қилиб гапирувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 689).

ҲАСАЙНИ Бу сўз асли **Ҳусайн** атоқли отининг (АРС, 174) биринчи бўғинидаги **у** унлисини **а** унлисига алмаштириб, **-и** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; 'узумнинг ҳусайнидан кўра семизроқ ва калтароқ нави' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 689).

ҲАСАН қ. **ҳусн**

ҲАСАНА: Бу арабча сўз **ḥasanat(un)** шаклига эга (АРС, 174); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥasanat → ҳасана; ḥasuna** феълининг 'маъқул бўлди' маъноси асосида (АРС, 173) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилидан 'хайрли иш' маъноси билан олиниб, **қарзи ҳасана** бирикмаси таркибида 'устига фойда қўйилмай берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 689).

ҲАСАНОТ Бу сўз 'яхши, хайрли иш' маъносини англатувчи арабча **ḥasanat(un)** сўзининг (АРС, 174) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥasanāt → ҳасанât (ҳасанот);** келган меҳмонни очиқ чеҳра билан хурсанд бўлиб кутиб олишда айтиладиган **қадамларига ҳасанот** бирикмаси таркибида 'яхши, хайрли ишлар' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, II, 690).

ҲАССА ЎТИЛда (II, 690) бу сўз арабча деб белгиланиб, худди **асо** сўзи (қ.) билдирадиган маънони англатиши айтилган. **Ҳасса** сўзи асли арабча **ъaŝāt(un)** сўзи (АРС, 520) бошланишига **ҳ** товушини қўшиб, фатҳали айн товушини **а** товушига, сад ундошини **с** ундошига,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чўзиқ **ā** унлисини **a** унлисига алмаштириб, сўз охири—даги **t** товушини ташлаб ҳосил қилинган: **ħaŝāt → ҳасса.**

ҲАССОС Бу арабча сўз **ħassās(un)** шаклига эга (АРС, 171); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо—шига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ħassās → ҳассâс (ҳассос);** 'нозик тарзда ҳис қилди' маъносини англатувчи **ħassa**[2] феълидан (АРС, 171) ясалган бўлиб (УАЯ, 499), 'нозик тарзда ҳис қи—лувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 690).

ҲАСРАТ Бу арабча сўз **ħasrat(un)** шаклига эга (АРС, 173); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ħasrat → ҳасрат;** 'руҳан азобланди' маъносини англатувчи **ħasira** феълидан (АРС, 173) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), араб тилида 'руҳий азоб' маъносини англатади (АРС, 173); ўзбек тилида бу сўз асосан 'руҳий дард-аламни нолиб гапириш' маъносини англатиш учун иш—латилади (ЎТИЛ, II, 690). Бу сўз билан ўзбек тилида **ҳасратлан-** , **ҳасратлаш-** феъллари ясалган, **ҳасрат қил-** қўшма феъли, **ҳасрат-надомат, ғам-ҳасрат** жуфт сўзлари тузилган.

ҲАТАМ *қ.* **ҳотам**

ҲАТТО Бу арабча сўз **ħattā** шаклига эга (АРС, 155); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ħattā → хаттâ (ҳатто);** араб тилида 'довур', 'ҳам' каби маъноларни ифодаловчи бу сўз (АРС, 155) ўзбек тилига таъкид юкламаси сифатида қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 690). Таъкид маъносини кучайтириш мақсадида бу сўзга **-ки** юкламаси қўшиб, **ҳаттоки** шаклида ҳам ишлатилади.

ҲАТТОКИ *қ.* **ҳатто**

ҲАФИЗ Бу арабча сўз **ħafīẓ(un)** шаклига эга (АРС, 183); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига, изғи ундошини **з** ундо—шига алмаштириб қабул қилинган: **ħafīẓ → ҳафиз;** кўп—маъноли **ħafiẓa** феълининг 'сақлади', 'ҳимоясига олди' маъноси билан (АРС, 182) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'ҳимоя қилувчи' маъносини англатади (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

183). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида, муаннас шакли **ҳафиза** эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ҲАФИЗА *қ.* **ҳафиз**

ҲАШАМ Бу арабча сўз **ḥaşam(un)** шаклига эга (АРС, 175); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥaşam → ҳашам;** асли 'уялтирди' маъносини англатувчи **ḥaşama** феълидан (АРС, 175) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'катта амалдорнинг мулозимлари' маъносини англатади (АРС, 175); ўзбек тилида эса асосан 'ортиқ даражадаги безак' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 691). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳашамсиз** сифати ясалган.

ҲАШАМАТ Бу арабча сўз асли **ḥaşamat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥaşamat → ҳашамат;** асли 'уялтирди' маъносини англатувчи **ḥaşama** феълидан (АРС, 175) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), ўзбек тилида 'ортиқ даражадаги безак', 'дабдаба' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 691). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳашаматли** сифати ясалган.

ҲАШАМАТЛИ *қ.* **ҳашамат**

ҲАШАР Бу арабча сўз **ḥaşr(un)** шаклига эга (АРС, 175); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, **şr** ундошлари оралиғига **а** унлисини қўшиб қабул қилинган: **ḥaşr → ҳашар;** тожик тилида бу сўз **ҳашр** ва **ҳашар** шаклларида ишлатилади (ТжРС, 503); **ḥaşara** феълининг 'тўплади' маъноси билан (АРС, 175) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'йиғин' маъносини англатади (АРС, 175); ўзбек тилида 'кўп кишиларнинг ихтиёрий равишда тўпланиб, биргаликда ёрдам тариқасида маълум бир катта ҳажмли ишни беминнат бажариши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 691). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳашарчи** сўзи ясалган.

ҲАШАРОТ Бу арабча сўз **ḥaşarāt(un)** шаклига эга (АРС, 175); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган: **ħaşarāt → ҳашарāт (ҳашарот); ħaşara** феъ— лининг 'тўплади' маъноси асосида (АРС, 175) ҳосил қилинган I боб масдари **ħaşarat** сўзининг (АРС, 175) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'майда-чуйда қурт-қу— мурсқалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 691).

ҲАШАРОТХЎР Бу сўз ўзбек тилида арабча **ҳашарот** сўзига (қ.) 'е-' маъносини англатувчи тожикча **хўрдан** феълининг **хўр** ҳозирги замон асосини (ТжРС, 434) қўшиб тузилган; ҳашаротларни еювчи' маъносини анг— латади (ЎТИЛ, II, 691).

ҲАҚ I Бу арабча сўз **ħaqq(un)**[1] шаклига эга (АРС, 184); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **qq** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ħaqq → ҳақ I; ħaqqa** феъли— нинг 'ҳақиқат, чин бўлди' маъноси билан (АРС, 184) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 149), араб тилида 'чин', 'ҳақиқат' маъносини анг— латади (АРС, 184); бу сўз ЎТИЛдаги (II, 692) **ҳақ** сўзи— нинг биринчи маъносига тўғри келади.

ҲАҚ II Бу арабча сўз **ħaqq(un)** шаклига эга (АРС, 184); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **qq** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ħaqq → ҳақ II; ħaqqa** феъли— нинг 'ҳуқуққа эга бўлди' маъноси билан (АРС, 184) ҳо— сил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 142), араб тилида 'ҳуқуқ', 'ҳақиқат', 'тегишли ҳисса', 'қарз' маъноларини англатади (АРС, 184); ўзбек тилида бу сўз, юқоридаги маънолардан ташқари, 'меҳнат эвазига олинадиган тўлов', 'бадал (взнос)' каби маъноларни ҳам англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 692). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳақли, ҳақсиз** сифатлари ясалган.

ҲАҚГЎЙ Бу сўз тожик тилида арабча **ҳақ II** сўзига (қ.) 'гапир-' маъносини англатувчи тожикча **гуфтан** феълининг **гўй** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 110, 504); 'ҳақиқатни айтувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 692). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳақгўйлик** мавҳум оти ясалган.

ҲАҚ[И]ДА Бу сўз **ҳақ II** сўзининг маъно та—

www.ziyouz.com kutubxonasi

раққиёти натижасида юзага келган 'хусус' маъноси билан ўрин келишиги шаклида (эгалик қўшимчаси зарур бўлса қатнашади) кўмакчига айланган (ЎТИЛ, II, 692); **тўғри(си)да, хусус(и)да** кўмакчилари ҳам шундай йўл билан юзага келган.

ҲАҚИР Бу арабча сўз **ḥaqīr(un)** шаклига эга (АРС, 186); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥaqīr → ҳақир;** 'ўта даражада камситди' маъносини англатувчи **ḥaqara** феълидан (АРС, 185) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), араб тилида 'пасткаш', 'ҳазар қилинадиган' маъносини англатади (АРС, 186); ўзбек тилида бу сўз 'иззат-ҳурматга нолойиқ', 'ўзини бошқалардан паст тутадиган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 692).

ҲАҚИРОНА Бу сўз тожик тилида арабча **ҳақир** сўзидан (қ.) **-она** қўшимчаси билан ясалган равиш бўлиб (ТжРС, 504, 542), 'ўта камситилган ҳолатда', 'ўзини ўта паст тутиб' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 692).

ҲАҚИҚ Бу арабча сўз **ъaqīq(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 526); ўзбек тилига фатҳали айн товушини **а** товушига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз бошланишига **ҳ** товушини қўшиб қабул қилинган: **ъaqīq → ҳақиқ** [Сўз бошланишига **ҳ** товушини қўшиш ўзбек тилида тарихан айрим сўзларда воқе бўлган: **ӧкӱз → ҳӱкиз** каби]. **Ҳақиқ** сўзи баъзан аслига мувофиқ **ақиқ** шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 67). **Ақиқ** сўзи АРСда 'халцедон' деб, ТжРСда (37) ва ПРСда (348) 'агат, сердолик' деб, ЎТИЛда 'турли рангли қимматбаҳо тош' деб изоҳланган; **ҳақиқ** сўзи эса 'қизил, қирмизи рангли қимматбаҳо тош' деб изоҳланган (ЎТИЛ, II, 692). ЎТИЛда **ақиқ, ҳақиқ** сўзи 'қирмизи рангли' каби сифат маъносини ҳам англатиши таъкидланган. Бу сўз АРСда 'пар-чалади' маъносини англатувчи **ъaqqa** феъли мақоласида берилган (525), демак, **ақиқ** сўзининг маъносини 'турли тусда жилоланувчи қирмизи тош' деб таърифлаш тўғрироқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАҚИҚАТ Бу арабча сўз **ḥaqīqat(un)** шаклига эга (АРС, 185); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥaqīqat → ҳақиқат; ḥaqqa** феълидан 'ҳақиқий, чин бўлди' маъноси билан (АРС, 184) ясалиб, 'чин' маъносини англатувчи **ḥaqīq(un)** аслий сифатидан (АТГ, 43) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'амалдаги, чин воқелик, аҳвол' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 692).

ҲАҚИҚАТАН Бу сўз **ҳақиқат** сўзининг (қ.) тушум келишиги шакли бўлиб (АТГ, 50), маъно тараққиёти натижасида равишга айланган; 'чиндан ҳам' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 693).

ҲАҚИҚАТГЎЙ Бу сўз тожик тилида арабча **ҳақиқат** сўзига (қ.) 'гапир-' маъносини англатувчи тожикча **гуфтан** феълининг **гўй** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 110, 504); 'ҳақиқатни айтувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 693). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳақиқатгўйлик** мавҳум оти ясалган.

ҲАҚИҚИЙ Бу арабча сўз **ḥaqīqiyy(un)** шаклига эга (АРС, 185); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ḥaqīqiyy → ҳақиқий; ҳақиқат** сўзидан (қ.) **–ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'чин', ҳақиқатга тўғри келадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 693).

ҲАҚОРАТ Бу арабча сўз **ḥaqārat(un)** шаклига эга (АРС, 186); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥaqārat → ҳақârат (ҳақорат);** 'ўта даражада камситди' маъносини англатувчи **ḥaqara** феълидан (АРС, 185) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'таҳқирловчи, қўпол сўзлар билан сўкиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 693).

ҲАҚҚОНИЙ Бу арабча сўз **ḥaqqāniyy(un)** шаклига эга (АРС, 185); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўз охиридаги **уу** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ḥaqqāniyy → ҳаққâний (ҳаққоний); ҳақ II (ḥaqq)** масдаридан (қ.) **-āniyy(un)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (УАЯ, 93), 'ҳақиқатга мос', 'адолатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 694).

ҲАҚҚОНИЙАТ Бу арабча сўз **ҳаққоний** нисбий сифатидан (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'одиллик', 'тўғрилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 694).

ҲЕЧ ВАҚО *қ.* **вақо**

ҲИБС Бу арабча сўз **ḥabs(un)** шаклига эга (АРС, 154); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, **а** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥabs → ҳибс** (Тожик тилида бу сўз аслига кўра **ҳабс** шаклида айтилади ва ёзилади: ТжРС, 494); кўпмаъноли **ḥabasa** феълининг 'қамади' маъноси билан (АРС, 153) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), ўзбек тилида 'озодликдан маҳрум қилиш', 'қамаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 695). Араб тилида **ҳабс** тарзида талаффуз қилинадиган бу сўз 'турма' маъносини, **ҳибс** тарзида талаффуз қилинадиган сўз эса 'тўғон', 'чойшаб' маъноларини англатади (АРС, 154).

ҲИБСХОНА Бу сўз ўзбек тилида арабча **ҳибс** сўзига 'уй' маъносини англатувчи тожикча **хона** сўзини қўшиб тузилган бўлиб, 'ҳибсга олинган кишилар сақланадиган хона' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 695). Бундай сўз тожик тилида **ҳабсхона** тарзида тузилган бўлиб (ТжРС, 494), **ḥabsaxānat(un)** шаклида араб тили луғатига ҳам киритилган (АРС, 154).

ҲИДОЙ, МИРҲИДОЙ, ШОҲИДОЙ *қ.* **ҳидойат**

ҲИДОЙАТ Бу арабча сўз **hidāyat(un)** шаклига эга (АРС, 850); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **hidāyat → ҳидâйат (ҳидоят);** кўпмаъноли **hadā** феълининг 'тўғри йўлга бошлади' маъноси билан (АРС, 850) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'тўғри йўлга бошлаш', 'раҳнамолик қилиш' маъносини англатади (АРС, 850; ЎТИЛ, II, 696). Бу сўз атоқли от сифатида ҳам ишлатилади. Бундан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташқари, **ҳидоят** сўзи **-ат** қисмини ташлаб **Ҳидой** шаклида ва унга **мир, шо** қисмларини қўшиб **Мирҳидой, Шоҳидой** шаклида эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади.

ҲИЖЖАЛА- қ. **ҳижо**

ҲИЖО Бу арабча сўз **hiçāь(un)** шаклига эга (АРС, 848); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **hiçāь → ҳижâ (ҳижо); haçā** феълининг 'ҳарфма-ҳарф (бўғинлаб) ўқиди' маъноси билан (АРС, 847) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 146), араб тилидаги 'тўғри талаффуз қилиш' маъноси асосида юзага келган 'сўз бўғини' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 848). Сўзлашув тилида бу сўздан **-ла** қўшим-часи билан ясалган **ҳижола-** феъли товуш ўзгариши билан (**ж** товушини қатлаб, **ā** унлисини **а** унлисига ал-маштириб) **ҳижжала-** тарзида талаффуз қилинади (ЎТИЛ, II, 848).

ҲИЖОБ Бу арабча сўз **hiçāb(un)** шаклига эга (АРС, 156); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қи-линган: **hiçāb → ҳижâб (ҳижоб); haçaba** феълининг 'парда билан ёпди' маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 156), 'юзга тутиладиган пар-да' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 696).

ҲИЖРАТ Бу арабча сўз **hiçrat(un)** шаклига эга (АРС, 846); кўпмаъноли **haçara** феълининг 'ўз юртидан ўзга юртга жўнади' маъноси билан (АРС, 846) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'ўз юртидан ўзга юртга жўнаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 696). Бу сўз аниқлик артикли билан **al hiçra** шаклида ишла-тилса, Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчишини билдиради.

ҲИЖРИЙ Бу арабча сўз **hiçriyy(un)** шаклига эга (АРС, 846); ўзбек тилига сўз охиридаги **уу** товушлари-дан бирини ташлаб қабул қилинган: **hiçriyy → ҳижрий;** асли **hiçrat(un)** сўзи охиридаги **-at(un)** қўшимчаси ўр-нига **-iyy(un)** қўшимчасини қўшиб ясалган нисбий си-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фат бўлиб (АТГ, 49), 'ҳижрат вақтидан бошланадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 696). Ҳижрий йил санаси мелодий йил санасининг 622- йил 16- июль кунидан бошланади. **Ҳижрий** сўзи **ҳижрия** шаклида ҳам ишлатилади.

ҲИЖРИЙА қ. **ҳижрий**

ҲИЖРОН Бу арабча сўз **hiçrān(un)** шаклига эга (АРС, 846); ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **hiçrān → ҳижрâн (ҳижрон);** кўпмаъноли **haçara** феълининг 'алоқа-муносабатни узди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'айрилиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 696).

ҲИЙЛА Бу арабча сўз **ḥiylat(un)** шаклига эга (АРС, 204); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥiylat → ҳийла;** асли **ḥāla** феълининг 'бошқа ҳолатга ўтди' маъноси билан (АРС, 202) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'алдаш учун амалга оширилган хатти-ҳаракат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 696).

ҲИЙЛАГАР қ. **ҳийлакор**

ҲИЙЛАКОР Бу сўз тожик тилида арабча **ҳийла** сўзига (қ.) **-гар** қўшимчасининг **-кор** шаклини қўшиб ясалган (ТжРС, 505, 542), 'ҳийла ишлатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 696).

ҲИЙЛАКОРОНА Бу сўз тожик тилида **ҳийлагар** сўзидан **-она** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган, ўзбек тилига **-гар** қўшимчасининг **-кор** шакли қатнашган кўриниши қабул қилинган (ТжРС, 505); 'ҳийлакорларга хос тарзда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 696).

ҲИКМАТ Бу арабча сўз **ḥikmat(un)** шаклига эга (АРС, 188); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥikmat → ҳикмат;** асли 'донишманд бўлди' маъносини англатувчи **ḥakuma** феълининг (АРС, 187) I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'донишмандлик', 'заковат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 697). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатида ишлатилади (Бу сўз англатадиган сифат Ол— лога нисбат берилади, шунга кўра асли атоқли от **Ҳикматулла** тарзида ишлатилиши тўғри). **Ҳикмат** сўзидан ўзбек тилида **ҳикматли** сифати ясалган.

ҲИКМАТЛИ *қ.* **ҳикмат**

ҲИКОЙА Бу арабча сўз **ḥikāyat(un)** шаклига эга (АРС, 188); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо— шига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥikāyat → ҳикâйа (ҳикоя); ḥakā** феълининг 'гапириб берди' маъноси билан (АРС, 188) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'оғзаки баён қилиб бе— рилган воқелик' маъносини англатади (АРС, 188); ўзбек тилида, бу маънодан ташқари, насрий бадиий асар ту— рининг номи сифатида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, II, 697). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳикоячи, ҳикоячилик** сўзлари ясалган. Бу сўз баъзан **ҳикойат** шаклида ҳам ишлати— лади (тожик тилида ҳам шундай).

ҲИКОЙАНАВИС Бу сўз тожик тилида арабча **ҳи— койа** сўзига (қ.) 'ёз-' маъносини англатувчи тожикча **навиштан** феълининг **навис** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 253, 505); 'ҳикоя жанрида ижод қиладиган ёзувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 697).

ҲИКОЙАТ *қ.* **ҳикойа**

ҲИЛОЛ Бу арабча сўз **ḥilāl(un)** шаклига эга (АРС, 857); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қи— линган: **ḥilāl → ҳилâл (ҳилол); ḥalla** феълининг 'кў— ринди' маъноси асосида (АРС, 856) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'янги чиққан (уч кунлик) ой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 697). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг, **ҳилола** муаннас шакли эса **аёл** кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ҲИЛОЛА *қ.* **ҳилол**

ҲИММАТ Бу арабча сўз **himmat(un)**[1] шаклига эга (АРС, 859); 'қизиқтирди', 'ўзига жалб қилди' маъносини англатувчи **hamma** феълининг масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'куч', 'қувват', 'тиришқоқлик', 'фао—

www.ziyouz.com kutubxonasi

лият', 'хатти-ҳаракат' маъноларини англатади (АРС, 858), ўзбек тилида шу маънолар асосида юзага келган 'олийжаноблик билан ёрдам кўрсатиш' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 698). Ўзбек тилида бу сўздан **ҳиммат**ли сифати ясалган.

ҲИМОЙА Бу арабча сўз **ḥimāyat(un)** шаклига эга (АРС, 197); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥimāyat → ҳимâйа (ҳимоя); ḥamā** феълининг 'тажовуздан сақлади' маъноси билан (АРС, 197) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'тажовуздан, ҳужумдан қўриқлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 798). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳимоячи** сўзи ясалган.

ҲИРС Бу арабча сўз **ḥirṣ(un)** шаклига эга (АРС, 166); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥirṣ → ҳирс; ḥaraṣa** феълининг 'кучли даражада истади' маъноси билан (АРС, 165) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'кучли даражада исташ, интилиш' маъносини англатади (АРС, 166; ЎТИЛ, II, 699).

ҲИСОБ Бу арабча сўз **ḥisāb(un)** шаклига эга (АРС, 172); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥisāb → ҳисâб (ҳисоб);** кўпмаъноли **ḥasaba** феълининг 'санади' маъноси билан (АРС, 171) ҳосил қилинган III боб масдари бўлиб (АТГ, 247), 'саноқ', 'миқдор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 699). Бу сўз билан ўзбек тилида **ҳисобчи** оти, **ҳисобли, ҳисобсиз** сифатлари, **ҳисобла-, ҳисоблаш-** феъллари ясалган, **ҳисоб-китоб** жуфт сўзи тузилган.

ҲИСОБОТ Бу арабча сўз асли **ҳисоб** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), 'қилинган ишлар бўйича ёзма ёки оғзаки тарзда бериладиган ахборот' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 700).

ҲИС(С) Бу арабча сўз **ḥiss(un)** шаклига эга (АРС, 171); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган; сўз охиридаги **ss** ундош-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларидан бири баъзан талаффуз қилинмайди: **ḥiss → ҳис(с);** 'сезди' маъносини англатувчи **ḥassa**[1] феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АРС, 171), 'сезги', 'туйғу' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 700). Бу сўз билан ўзбек тилида **ҳис-туйғу, ҳис-ҳайажон** жуфт сўзлари, **ҳис қил-** феъли тузилган.

ҲИССИЙ Бу арабча сўз **ҳис(с)** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), ўзбек тилига сўз охиридаги **ий** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; 'ҳис-туйғуга асосланадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 701).

ҲИССИЙАТ Бу арабча сўз **ḥissiyat(un)** шаклига эга (АРС, 171); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥissiyat → ҳиссийат (ҳиссият); ҳиссий** сифатидан (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ, 500), 'кишининг сезиш, туйиш қобилияти' маъносини англатади. Бу сўзни кўплик шаклидаги сўз деб тушуниш оқибатида ЎТИЛга (II, 701) **ҳиссиёт** шаклида киритилган (Бу хатолик тожик тили луғатидан кўчиб ўтган — ТжРС, 506).

ҲИССИЙОТ *қ.* **ҳиссийат**

ҲОВОН *қ.* **ҳавон**

ҲОВОНЧА Бу сўз ўзбек тилида **ҳовон** сўзидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **-ча** қўшимчаси билан ясалган; **ҳовон** сўзи асли арабча **ḥāvūn(un)** сўзи бўлиб (АРС, 864), асли **ḥāna**[1] феълининг 'майда бўлди' маъноси билан (АРС, 863) ҳосил қилинган I боб масдарига тенг; ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, чўзиқ **ū** унлисини ҳам **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥāvūn → ҳâвâн (ҳовон);** тожик тилига **ҳован** шаклида олинган (ТжРС, 506). Бу сўз араб тилида, шунингдек тожик тилида ҳам 'ўғир' маъносини англатади; ўзбек тилида бу сўз **ҳовонча** сўзи таркибида қатнашади; **ҳовонча** сўзи 'кичик ўғир' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 702).

ҲОВУЗ Бу арабча сўз **ḥavḍ(un)** шаклига эга (АРС, 201); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, дзад ундошини **з** ундошига, **а** унлисини **â** унлисига ал—

www.ziyouz.com kutubxonasi

маштириб, **vđ** ундошлари оралиғига **у** унлисини қўшиб қабул қилинган: **ħavđ → ҳâвуз (ҳовуз);** бу кўпмаъноли сўз ўзбек тилига 'сув тўплаш учун махсус қурилган кенг чуқурлик' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 702).

ҲОДИСА Бу арабча сўз **ħādišat(un)** шаклига эга (АРС, 160); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, се ундошини **с** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ħādišat → ҳâдиса (ҳодиса); ħadaša** феълининг 'воқе бўлди', 'юз берди' маъноси билан (АРС, 160) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдошидан (АТГ, 147) **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'юз берган воқеа, ўзгариш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 703).

ҲОЖАТ Бу арабча сўз **ħāçat(un)** шаклига эга (АРС, 200); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ħāçat → ҳâжат (ҳожат);** 'эҳтиёж юзага келди' маъносини англатувчи **ħavvaça** феълининг (АРС, 199) I боб масдари бўлиб, 'эҳтиёж', 'зарурият' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 703).

ҲОЖАТБАРОР Бу сўз тожик тилида арабча **ҳожат** сўзига (қ.) 'чиқар-' маъносини англатувчи **баровардан** феълининг **барор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 48, 49, 507); 'ҳожатни чиқарувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 703).

ҲОЖАТМАНД Бу сўз тожик тилида арабча **ҳожат** сўзидан (қ.) тожикча **-манд** қўшимчаси билан ясалган (ТжРС, 507, 542); 'эҳтиёж сезиб турган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 703).

ҲОЖАТХОНА Бу сўз тожик тилида арабча **ҳожат** сўзига (қ.) 'уй', 'жой' маъносини англатувчи тожикча **хона** сўзини қўшиб тузилган (ТжРС, 426, 507); 'ёзилиш, бўшалиш учун қурилган махсус жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 703).

ҲОЖИ Бу арабча сўз асли **ħāççi(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 156); тожик тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

олинган ва унга **-и** қўшимчаси қўшиб ясалган: **ħāççˇ → ҳâж (ҳож) + и = ҳожи** (ТжРС, 542, 507); бу сўз ўзбек тилига шу шаклида тожик тилидан олинган; 'Каъбани зиёрат қилган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 703).

ҲОЗИР Бу арабча сўз **ħāđir(un)**[2] шаклига эга (АРС, 179); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, дзад ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ħāđir → ҳâзир (ҳозир); ħāđara** феълининг 'тайёр бўлди' маъноси асосида (АРС, 179) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), араб тилида 'қатнашаётган', 'шу топдаги' каби маъноларни англатади (АРС, 179); ўзбек тилида бу сўз, юқоридаги маънолардан ташқари, 'тайёр' маъносини англатиш учун ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, II, 703). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳозирги** сифати, **ҳозирлик** оти, **ҳозирча** равиши, **ҳозирлан-** феъли ясалган.

ҲОЗИРЖАВОБ Бу сўз арабча **ҳозир** (қ.) ва **жавоб** (қ.) сўзларидан тузилган бўлиб, 'дарров жавоб қайтарадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 704).

ҲОЗИР-У НОЗИР *қ.* **нозир**

ҲОЗИҚ Бу арабча сўз **ħāżiq(un)** шаклига эга (АРС, 162); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, зал ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ħāżiq → ҳâзиқ (ҳозиқ);** 'моҳир бўлди', 'ўта тажрибали бўлди' маъносини англатувчи **ħāżiqa** феълидан (АРС, 162) ясалган аслий сифат бўлиб (АТГ, 43), 'моҳир', 'энг тажрибали' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 704). Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ҲОКАЗО Бу арабча сўз **ħākażā(un)** шаклига эга бўлиб (АРС, 856), ўзбек тилига чўзиқ **ā** унлиларини **â** унларига, зал ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ħākażā → ҳâказâ (ҳоказо);** араб тилидан '(ва) бошқалар' маъноси билан олинган (АРС, 856; ЎТИЛ, II, 705).

ҲОКИМ Бу арабча сўз **ħākim(un)** шаклига эга (АРС, 187); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган: **hākim → ҳâким (ҳоким);** асли кўпмаъноли **hakama** феълининг 'ҳукм чиқарди' маъноси билан (АРС, 187) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'вилоят, шаҳар, туман кабиларнинг ҳукумат томонидан тайинланган бошқарувчиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 705).

ҲОКИМИЙАТ Бу арабча сўз **hākim** сўзидан (қ. **ҳоким**) **-iyyat(un)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), таркибидаги **uu** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **hākim + iyyat = hākimiyyat → ҳâкимийат (ҳокимият);** 'ҳокимлик идоралари', 'бошқарув идоралари' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 705).

ҲОКИМОНА Бу сўз ўзбек тилида арабча **ҳоким** сўзидан (қ.) тожикча **-она** қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган бўлиб, 'ҳокимлардек' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 705).

ҲОЛ Бу арабча сўз **hāl(un)** шаклига эга (АРС, 203); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **hāl → ҳâл (ҳол);** асли **hāla** феълининг 'ўзгарди' маъноси билан (АРС, 202) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'маълум вақтда мавжуд вазият' маъносини англатади (АРС, 203; ЎТИЛ, II, 705). Ўзбек тилида бу сўзга унинг кўплик шакли **аҳвол** сўзини (қ.) қўшиб **ҳол-аҳвол** жуфт сўзи тузилган бўлиб, 'кишининг моддий, маънавий, жисмоний ҳолати' маъносини англатади. **Ҳол** сўзидан **ҳолсиз** сифати, бу сифатдан **ҳолсизлан-** феъли ясалган; бу сўз **таржимайи ҳол** изофа бирикмаси таркибида ҳам қатнашади.

ҲОЛАТ Бу арабча сўз **hālat(un)** шаклига эга (АРС, 204); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **hālat → ҳâлат (ҳолат);** асли **ҳол (hāl)** сўзидан **-at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'аниқ бир ҳол', 'ситуация' маъносини англатади (АРС, 204; ЎТИЛ, II, 705).

ҲОЛ-АҲВОЛ *қ.* **ҳол**

ҲОЛБУКИ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ҳол** сўзини

www.ziyouz.com kutubxonasi

(қ.), **бу** кўрсатиш олмошини, **-ки** боғловчисини бир сўзга бирлаштириб тузилган; 'аслида', 'амалда' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 705).

ҲОЛВА Бу арабча сўз **ḥalvāḥu** шаклига эга (АРС, 193); ўзбек тилига икки шаклда қабул қилинган: 1) ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унли — сига алмаштириб, сўз охиридаги даммали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ḥalvāḥu → ҳалвâ (ҳалво);** 2) ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, **а** унлисини **â** унли — сига, чўзиқ **ā** унлисини **а** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги даммали ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **ḥalvāḥu → ҳâлва (ҳолва);** иккинчи шакли асосий ҳи — собланади; 'ширин, ёқимли бўлди' маъносини англа — тувчи **ḥalā** феълидан (АРС, 192) ҳосил қилинган масдар бўлиб (АТГ, 146), ўзбек тилида 'ун, шакар, ёғ асосида тайёрланган ширинлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 706).

ҲОЛВАГАР Бу сўз тожик тилида арабча **ҳалво** сў — зидан (қ.) **-гар** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (ТжРС, 542, 497), ўзбек тилига биринчи бўғиндаги **а** унлисини **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **â** унлисини **а** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ҳалвогар → ҳолвагар;** бу сўз баъзан **ҳалвогар** шаклида ҳам талаф — фуз қилинади; 'ҳолва ширирувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 706).

ҲОЛВАЙТАР Бу сўз асли тожикча **ҳалвои тар** би — рикмасининг (ТжРС, 497) бир сўзга бирлашуви билан юзага келган; тожикча **тар** сўзи бу ерда 'суюқ' маъноси билан қатнашади (ТжРС, 381); бир сўзга бирлашиш жараёнида **ҳалво** сўзи (ТжРС, 497) **ҳолва** шаклига, **и** изофаси **й** ундошига алмаштирилган: **ҳалвои тар → ҳолвайтар;** ўзбек тилида 'доғ қилинган ёғга ун солиб бироз қизаргунча қовуриб, шакардан тайёрланган шарбатни қўшиб, қуюлиш даражасига етказиб пиши — рилган таом' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 706). Бу сўз баъзан **ҳалвойтар** шаклида ҳам талаффуз қилинади.

ҲОЛСИЗ Бу сифат арабча **ҳол** сўзининг (қ.) 'сиҳат-саломатлик ҳолати' маъносидан (АРС, 203) ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

-сиз қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'мадори қуриган', 'дармонсиз' каби маънони англатади. Бу сифатдан ўзбек тилида **ҳолсизлик** мавҳум оти, **ҳолсизлан-** феъли ясалган.

ҲОМИД Бу сўз **ḥāmid(un)** шаклига эга (АРС, 194); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥāmid → ҳâмид (ҳомид);** араб тилида 'мақтовчи', 'минатдор' маъноларини англатадиган бу сўз 'мақтади' маъносини англатувчи **ḥāmida** феълидан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АРС, 194; АТГ, 147), эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ҲОМИЙ Бу арабча сўз **ḥāmin** шаклига эга (АРС, 197); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **n** қисмини ташлаб, **й** товушини қўшиб қабул қилинган: **ḥāmin → ҳâмий (ҳомий); ḥamā** феълининг 'ўз ҳимоясига олди' маъноси асосида (АРС, 197) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 150), 'ҳимоясига олувчи', 'кўмак берувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 706). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳомийлик** оти ясалган.

ҲОМИЛА Бу арабча сўз **ḥāmilat(un)** шаклига эга (АРС, 196); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥāmilat → ҳâмила (ҳомила);** кўпмаъноли **ḥamala** феълидан 'бўйида бўлди' маъноси билан (АРС, 195) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдошининг (АТГ, 147) **-at(un)** қўшимчаси қўшилган муаннас шакли бўлиб (АТГ, 29), араб тилида 'кўтариб юрувчи', 'бўйида бўлган' маъноларини англатади (АРС, 196); ўзбек тилида бу сўз 'она қорнида пайдо бўлган бола' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 706).

ҲОМИЛАДОР Бу сўз тожик тилида арабча **ҳомила** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи тожикча **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 137, 136, 507); 'бўйида бўлган', 'иккиқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 706).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲОСИЛ Бу арабча сўз **ḥāṣil(un)** шаклига эга (АРС, 177); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥāṣil → ҳâсил (ҳосил);** кўпмаъноли **ḥaṣala** феълининг 'етишди', 'эришди' маъноси билан (АРС, 177) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), кейинчалик отлашиб, араб тилида олти маънони англатади (АРС, 177); ўзбек тилида 'экин ва дарахтдан олинадиган маҳсулот' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 707).

ҲОСИЛА Бу арабча сўз асли **ḥaṣīlat(un)** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, биринчи бўғиндаги **а** унлисини **â** унлисига (**ҳосил** сўзининг таъсири билан воқе бўлган бўлса керак), сад ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥaṣīlat → ҳâсила (ҳосила);** асли кўпмаъноли **ḥaṣala** феълининг 'натижа берди' маъноси билан (АРС, 177) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'юзага келган натижа' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 707).

ҲОСИЛОТ Бу арабча сўз **ḥāṣilāt(un)** шаклига эга (АРС, 858); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлиларини **â** унлиларига, сад ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥāṣilāt → ҳâсилâт (ҳосилот); ҳосил** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 39), асли 'ҳосиллар' маъносини англатади, лекин ўзбек тилида бу сўз 'қишлоқ хўжалигида ҳосил учун жавобгар мутахассис' (агроном) маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 707).

ҲОТАМ Бу сўз арабча атоқли от бўлиб, асли **ḥātim(un)** шаклига эга; бу афсонавий шахс ўта даражада сахий бўлган деб тасвирланади (АРС, 155); ўзбек тилига (тожик тилига ҳам) бу сўз таркибидаги ҳойи ҳутти ундоши **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлиси **â** унлисига, **і** унлиси **а** унлисига алмаштириб олинган: **ḥātim → ҳâтам (ҳотам).** Бу сўзнинг **о(â)** унлиси **а** унлисига алмаштирилган **ҳатам** шакли эркак кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 707).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲОТАМТОЙ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ҳотам** сўзига (қ.) эркалаш маъносини ифодаловчи **той** сўзини (ЎТИЛ, II, 197) қўшиб тузилган; 'ўта даражада сахий' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 707).

ҲОФИЗ Бу арабча сўз **ḥāfiẓ(un)** шаклига эга (АРС, 182); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥāfiẓ → ҳâфиз (ҳофиз);** кўпмаъноли **ḥafiẓa** феълининг 'хотирасида сақлади', 'ёд олди' маъноси билан (АРС, 182) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 147), 'ёддан билувчи', 'қуръонни ёд биладиган' каби маъноларни (АРС, 182, 183), ўзбек тилида эса 'жуда кўп ашулани ёддан биладиган моҳир санъаткор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 707).

ҲОФИЗА Бу арабча сўз **ḥāfiẓat(un)** шаклига эга (АРС, 183); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига, изғи ундошини **з** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥāfiẓat → ҳâфиза (ҳофиза);** асли **ҳофиз(ун)** сўзидан (қ.) **-ат(ун)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (УАЯ, 500), 'эсда сақлаш қобилияти' маъносини англатади: *92 ёшдалигига қарамай ҳофизаси ўта даражада яхши* каби (ЎТИЛ, II, 707).

ҲОШИЙА Бу арабча сўз **ḥāşiyat(un)** шаклига эга (АРС, 175); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥāşiyat → ҳâшийа (ҳошия); ḥaşā** феълининг 'саҳифанинг четига ёзди' маъноси асосида (АРС, 175) ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб (АТГ, 150), 'газмолнинг чети, зиҳи', 'саҳифанинг четидаги ёзув ёзилмайдиган қисм' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 707).

ҲУДУД Бу арабча сўз **ḥudud(un)** шаклига эга (АРС, 159); **ҳад I (ḥadd)** сўзининг кўплик шакли бўлиб (АТГ, 40), асли 'чегаралар' маъносини билдиради: **Ўзбекистон ҳудудида = Ўзбекистон чегараларида** (ЎТИЛ, II, 708).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу сўзни 'территория' маъносида ишлатиш тўғри эмас; бу маъно география фанида **майдон** сўзи билан англатиб келинади.

ҲУЖАЙРА Бу арабча сўз **ḥuçayrat(un)** шаклига эга (АРС, 157); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥuçayrat → ҳужайра; ḥaçara** феъли мақоласида берилган бу сўз араб тилида 'алоҳида хона', 'ячейка', 'клетка' маъноларини англатиши айтилган (АРС, 157); ўзбек тилига охирги маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 709).

ҲУЖЖАТ Бу арабча сўз **ḥuççat(un)** шаклига эга (АРС, 156); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥuççat → ҳужжат; ḥaççа** феълининг 'далил келтириб ишонтирди' маъноси билан (АРС, 156) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'далил (аргумент)', 'шахсини, ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома' маъноларини англатади (АРС, 156); ўзбек тилига иккинчи маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, II, 709).

ҲУЖРА Бу арабча сўз **ḥuçrat(un)** шаклига эга (АРС, 846); ўзбек тилига сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥuçrat → ҳужра;** кўпмаъноли **ḥaçara** феълининг 'янги жойга кўчиб ўтди' маъноси билан (АРС, 846) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), араб тилида 'янги яшаш жойи' маъносини (АРС, 846), ўзбек тилида эса 'кичкина яшаш хонаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 709).

ҲУЗУР Бу арабча сўз **ḥuḍūr(un)** шаклига эга (АРС, 179); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, дзад ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥuḍūr → ҳузур; ḥaḍara** феълининг 'қошида бўлди' маъноси билан (АРС, 179) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), '(кимнингдир) қошида (олдида) бўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 709).

ҲУКАМО Бу сўз **ḥukamāьu** шаклига эга (АРС, 188); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ā**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳам — зани ва **u** товушини ташлаб қабул қилинган: **ḥukamāu → ҳукамâ (ҳукамо);** бу сўз **ҳаким** сўзининг (қ.) кўплик шакли бўлиб (АТГ, 41), 'донишмандлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 710).

ҲУКМ Бу арабча сўз **ḥukm(un)** шаклига эга (АРС, 187); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ḥukm → ҳукм;** асли кўп — маъноли **ḥakama** феълининг 'бажарилиши мажбурий қарор чиқарди' маъноси билан (АРС, 187) ҳосил қи — линган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'жазолаш ёки оқлаш ҳақида чиқарилган қатъий қарор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 710).

ҲУКМДОР Бу сўз тожик тилида **ҳукм** сўзига (қ.) тожикча 'эга бўл-' маъносини англатувчи **доштан** феъли — нинг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 508, 137, 136), 'ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга киши (хон, подшо, амир)' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 710).

ҲУКМНОМА Бу сўз тожик тилида арабча **ҳукм** сўзига (қ.) тожикча 'хат', 'ҳужжат' маъносини англа — тувчи **нома** сўзини қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 508, 271), 'ҳукм акс эттирилган ҳужжат' маъносини англа — тади (ЎТИЛ, II, 710).

ҲУКМРОН Бу сўз тожик тилида арабча **ҳукм** сўзига (қ.) тожикча 'бошқар-' маъносини англатувчи **рондан** феълининг **рон** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 508, 327); 'ўз ҳукмини ўтказадиган', 'устун турадиган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 710). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳукмронлик** мавҳум оти ясалган.

ҲУКУМАТ Бу арабча сўз **ḥukūmat(un)** шаклига эга (АРС, 188); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥukūmat → ҳукумат;** асли кўпмаъноли **ḥakama** феъли — нинг 'ўз ҳукмини ўтказди' маъноси билан (АРС, 187) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 143), 'ҳокимиятнинг олий маъмурияти' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 710).

ҲУР Бу арабча сўз **ḥurr(un)** шаклига эга (АРС, 163);

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаш-тириб, сўз охиридаги бир **r** ундошини ташлаб қабул қилинган: **ħurr → ҳур;** кўпмаъноли **ħarra** феълининг 'озодлик берди' маъноси билан (АРС, 162) ҳосил қи-линган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'озод', 'эркин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 711). Бу сўзнинг кўплик шакли **аҳрор** сўзи эркак кишининг атоқли оти сифатида, **ҳури** шакли эса аёл кишининг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ҲУРИ қ. **ҳур**

ҲУРМАТ Бу арабча сўз **ħurmat(un)** шаклига эга (АРС, 169); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо-шига алмаштириб қабул қилинган: **ħurmat → ҳурмат; ħaruma** феълининг 'эҳтиром кўрсатди' маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (УАЯ, 568), 'эҳти-ром' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 712). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳурматли, ҳурматсиз** сифатлари, кейинги сифатдан **ҳурматсизлик** мавҳум оти ясалган.

ҲУРМАТТАЛАБ Бу қўшма сўз ўзбек тилида арабча **ҳурмат** (қ.) ва **талаб** (қ.) сўзларидан тузилган бўлиб, 'бошқалардан ўзига нисбатан ҳурмат кўрсатилишини истовчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 712).

ҲУРРИЙАТ Бу арабча сўз **ħurriyyat(un)** шаклига эга (АРС, 163); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундо-шига алмаштириб, қатор келган **у** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: **ħurriyyat → ҳуррийат (ҳурри-ят); ҳур[р]** сўзидан (қ.) **-ийат(ун)** қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (АТГ, 370), 'озодлик', 'зулмдан озод бўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 712).

ҲУСАЙНИ Бу сўз тожик тилида арабча **ħusayn(un)** сўзидан (атоқли отидан — АРС, 174) **-и** қўшимчаси би-лан ясалган (ТжРС, 542, 508); 'узумнинг ҳасайнидан кўра ингичкароқ ва чўзиқроқ нави' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 712).

ҲУСН Бу арабча сўз **ħusn(un)** шаклига эга (АРС, 174); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ħusn → ҳусн;** кўпмаъноли **ħasuna** феълининг 'чиройли бўлди' маъноси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 173) ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб (АТГ, 142), 'чирой', 'жамол' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 712). Бу сўз билан ўзбек тилида **ҳуснбузар** сўзи тузилган. Ўзбек тилида **ḥasuna** феълидан ясалган **ҳасан** сифати ҳам (АТГ, 43) ишлатилиб, эркак кишининг атоқли оти бўлиб келади.

ҲУСНБУЗАР *қ.* **ҳусн**

ҲУСНДОР Бу сўз ўзбек тилида арабча **ҳусн** сўзига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатувчи **доштан** феълининг **дор** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган; 'ўта дараждада чиройли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 713).

ҲУСНИХАТ Бу сўз асли арабча **ҳусн** (қ.), **хат** (қ.) сўзлари билан тузилган тожикча изофа бирикмаси бўлиб, ўзбек тилида бир сўзга яхлитланган: **ҳусни хат** (ТжРС, 508) → **ҳуснихат;** асли 'дастхатнинг гўзаллиги' маъносини англатувчи бу сўз кейинчалик 'чиройли ёзув' маъносини англатиш учун ишлатила бошлаган (ЎТИЛ, II, 713).

ҲУТ Бу арабча от сўз **ḥūt** шаклига эга (АРС, 199); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥūt** → **ҳут;** араб тилида 'катта балиқ', 'кит' маъносини англатувчи бу сўз — Далв ва Ҳамал оралиғидаги буржнинг номи (АРС, 199); шамсия йил ҳисобининг ўн иккинчи ойи номи сифатида ҳам ишлатилади, бу вақт 22- февралдан 21- мартгача бўлган кунларга тўғри келади (ЎТИЛ, II, 713).

ҲУТ-ЙУТ Бу сўз ўзбек тилида арабча **ҳут** сўзига (қ.) ўзбекча **йут-** феълини қўшиб сўзлашув тилида тузилган; **ҳут** сўзи '22- февралдан 21- мартгача бўлган кунлар' маъноси билан қатнашади, шунга кўра бу сўз 'қишнинг охирида ҳайвонлар учун ем-хашак тугаган, ҳали ердан ўт кўкариб чиқмаган вақт', 'очарчилик вақти' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 713).

ҲУҚУҚ Бу арабча сўз **ḥuqūq(un)** шаклига эга (АРС, 184); ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини **ҳ** ундошига, чўзиқ **ū** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ḥuqūq** → **ҳуқуқ;** асли **ҳақ II** сўзининг (қ.) кўп—

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик шакли бўлиб (АТГ, 40), 'кишилар орасидаги муомала-муносабатларни тартибга солишда асосга олинадиган қонун-қоидалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 714).

ҲУҚУҚИЙ Бу арабча сўз **ҳуқуқ** сўзидан (қ.) **-ийй(ун)** қўшимчаси билан ясалган нисбий сифат бўлиб (АТГ, 48), 'ҳуқуққа доир', 'ҳуқуқ доирасидаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 714).

ҲУҚУҚШУНОС Бу сўз тожик тилида арабча **ҳуқуқ** сўзига (қ.) 'бил-', 'ўрган-' маъносини англатувчи тожикча **шинохтан** феълининг **шинос** ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган (ТжРС, 458, 457, 509); ўзбек тилига **и** унлисини **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ҳуқуқшинос → ҳуқуқшунос;** 'ҳуқуқни ўрганувчи мутахассис', 'юрист' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 714). Бу сўздан ўзбек тилида **ҳуқуқшунослик** мавҳум оти ясалган.

Фойдаланилган асосий манбалар

АРС — Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. Изд. "Русский язык", М.: 1976.

АТГ — Иброҳимов Неъматулло, Юсупов Муҳаммад. Араб тили грамматикаси. I жилд. "Ўзбек миллий энциклопедияси", Т.: 1997.

ПРС — Миллер Б. В. Персидско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.: 1953.

СИС — Словарь иностранных слов. Госиздат ин. и нац. словарей. М.: 1949.

ТжРС — Таджикско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.: 1954.

УАЯ — Ковалев А. А., Шарбатов Г. Ш. Учебник арабского языка. Изд. лит. на ин. яз. М.: 1960.

ЎКААҚЛ — Шамсиев П., Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. ЎзФАН, Т.: 1954.

ЎРЛ — Ўзбекча-русча луғат. Т.: 1988.

ЎТИЛ — Ўзбек тилининг изоҳли луғати. "Рус тили" нашриёти. М.: 1981.

Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. "Фан", Т.: 1991.

Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тефсира XII-XIII вв. М.: 1963.

Преображенский А. Этимологический словарь русского языка. М.: 1959.

Ҳомидов Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари. "Ўқитувчи", Т.: 1970.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Кириш 3
А 8
Б 61
В 80
Д 99
Ж 113
З 135
И 153
Й 190
К 191
Л 205
М 216
Н 312
О 335
П 348
Р 348
С 364
Т 398
У 449
Ф 457
Х 473
Ш 494
Э 513
Қ 517
Ғ 544
Ҳ 557
Фойдаланилган асосий манбалар .. 599

Шавкат Раҳматуллаев

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ЛУҒАТИ
(араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар)

Муҳаррир: Эргаш Умаров

Босишга рухсат этилди 25.08.2003. Бичими 84×108 1/32. Офсет босма усулида ёзув қоғозига босилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 29,8. Шартли босма тобоғи 31,5. Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 387.

"Университет" нашриёти. Тошкент – 700174, Талабалар шаҳарчаси. ЎзМУ, маъмурий бино, 5- қават.

ЎзМУ босмахонаси

www.ziyouz.com kutubxonasi